

ОМОН МУХТОР

ТЎРТ ТОМОН

ҚИБЛА

Уч романдан иборат Шарқ дафтари

(трилогия)

«ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА КОНЦЕРНИ
БОШ ТАХРИРИЯТИ
ТОШКЕНТ — 2000

Мухтор, Омон.

Тўрт томон қибла: Уч романдан иборат Шарқ дафтари: (Трилогия). — Т.: Шарқ, 2000. — 432б.

Илк дафъа, яхлит бир ҳолда ўқувчи эътиборига ҳавола қилинаётган «Тўрт томон қибла» трилогиясини «Минг бир қиёфа», «Кўзгу олдидаги одам», «Тепалиқдаги хароба» романлари ташкил этади.

«Омон Мухторнинг кейинги йилларда эълон қилинган асарлари ўзбек насрида ва умуман, ўзбек адабиётида воқеа бўлди. Адиб бадиий ижодда ўзига хос услуб эгасидир... Ижоднинг туб моҳияти, ижтимоий иддиэлари ва миллийлиги нуқтаи назаридан қаралганда, Омон Мухтор асарлари оригинал романлар — ўзбек халқ қиссаларига яқиндир». (Ҳамид Фулом).

«Асарнинг жуда кўп фазилатларидан ташқари, — сюжетининг, композицион қурилишининг гаройиблиги ва ҳоказо, — яна бир хусусияти борки, бу ҳақда алоҳида айтиш лозим. Гап шундаки, асар биз ўрганиб қолган ва адабиётнинг энг катта ютуғи, деб ҳисобланиб келган анъанавий усул, яъни социалистик реализм услубига батамом зид, янги услуб асосида ёзилган. Бу асарда Маркес романларининг шабадаси яққол сезилиб туради». (Одил Ёқубов).

Романларда инсониятнинг бутун бир олис қисмат йўли қисқа, замондошимиз ҳаёти, хаёли, тасавури орқали қизиқарли шакл, сирли-сехрли оҳангда қаламга олинади. Шунингдек, асарга кирган воқеалар халқ ривоятлари, эртақларига хос йўсинда тасвирланади.

Шу жиҳатларга кўра китоб ўқувчига манзур бўлади, деб ўйлаймиз.

Ўз2

ЗАКО ВА КУФР

(Трилогия бўйича уч суҳбат)

Аввало, айтай, бу суҳбатларни мен атай уюштирганим йўқ. Улар турли йилларда йўл-йўлакай бўлиб ўтган, бир куни асқатиб қолар, деган хаёлда кўйин дафтаримга қайд этилган гаплар. Дарҳақиқат, мана, бугун ўша қайдлар асқатди — суҳбатлар асоси бўлмиш асар — Омон Мухторнинг «Тўрт томон қибла» трилогияси китоб бўлиб чиқаётгани муносабати билан, у тўғрида фикр айтиш мавриди келди.

Биринчи суҳбат китобхон билан.

Уни баён этишдан олдин китобхон ҳақида пича изоҳ бериб ўтай. Умуман олганда, кўп йиллардан бери сўзлашиб турадиганим тўрт-беш ашаддий китобхон бор. Улар ёзувчиларнинг шахсий ҳаётларини, ёзган асарлари, яратган қаҳрамонлари, ютуқлари, нуқсонларини икки-чиқиригача билишади. Баъзан муайян асарни ўқишга қўлим тегмаган пайтларда, улар билан учрашиб қолгудек бўлсам, адабиётдан гап очилмаса эди, деб безиллаб тураман. Сабабки, қилни қирқ ёрадиган бу китобхонлар ёзувчиларнинг ўзлари китоб ўқишмайди, деб ноғора чалишдан ҳам тойишмайди.

Бир идора бошлигини олиб юрадиган ҳайдовчи йигит уларнинг ичида энг зуккоси. Хўжайин кўп ҳам уёқ-буёққа юравермайдиганлар тоифасидан бўлгани боис, у уззукун идора олдида, кўпинча машинасига қамалиб ўтира-ўтира аввалига эрмакка, бора-бора эса астойдил китоб ўқишга боши билан шўнғиб кетган! Қайси ёзувчи нима ёзган, қандай ёзган, ичадими, юрадими?! — ўша шоир ё адабнинг энг яқин қариндошлари, ёр-биродарлари билмайдиган майда-чуйда гапларгача ҳаммасини билади.

Хуллас, ўша билгич китобхон билан у доимо тура-
диган идораси олдида тасодифан учрашиб қолдигу гап
айланиб Омон Мухторга келди.

— «Минг бир қиёфа»ни ўқиб бир нарсага қойил
қолдим, — деди у машинанинг олд ўриндиғида очик
ётган китобга ишора қилиб.

— Хўш, айтинг-чи, нимага қойил қолдингиз?

У тўғрига — ўзи ишлайдиган ташкилот биноси то-
монга қараб олди-да:

— Адиб худди бизнинг идорадагиларни ёзган, —
деди катта, муҳим бир сирнинг тағига етган одамдай
жонланиб. — Юриш-туришлари ҳам, гап-сўзларию
қилмиш-қидирмишлари ҳам — ҳаммаси айнан кўрса-
тиб берилган.

— Масалан?

— Нима десам экан, қиёфаларини соатда саксон
ўзгартириб туришлари. Ўзидан катталар олдида эги-
лишлару ўзидан кичиклар олдида җерилишлар. Таш-
қи ялтироқлигу ичи қалтироқлик. Ҳасаду кўнгли
торлик...

— Бу биргина сизнинг идорадагиларга хос, деб
ўйлайсизми?

— Йўқ, албатта. Иллат ҳар жойда бор. Аммо Омон
ака бизнинг идорани қаламга олганига қилча ҳам шуб-
ҳам йўқ. Булар, бизникилар Абдулла Ҳаким дўзахда
учратган гуноҳкорлар кунига тушадилар, ҳа, ўтда ёна-
дилар, ана шунда уларга ҳеч ким ёрдам беролмайди.
Асарнинг ўша жойи айниқса зўр чиққан-да.

Йигит мендан вақтингиз бемалолми, деб бир сўраб
олди-да, жавобни ҳам кутмай машинадаги китобни
очиб, варақлай бошлади.

— Мана, — деди битта варақда тўхталиб, — улар-
нинг дўзахдаги иқроларини бир эшитинг. Ўтда ёна-
ётганлардан бирови: «Мен одамлар ҳақиқа хиёнат
қилганман, ўз нафсимнинг қурбони бўлиб яшаганман»
деса, иккинчиси: «Мен энг яқин кишиларни алдаб,
сотганман, бировларнинг ўлими, бировларнинг хор-
зор бўлишига сабабчман, менга бу азоблар кам» дей-
ди. Қани энди, буни бизнинг идорадагилар ўқишса!
Афсуски, улар китоб ўқишмайди.

Шу сўзларни айтиб, у офир сўлиш олди.

— Жуда ҳам сиз айтганчалик эмасдир, — дедим
унга тасалли бериб. — Бу идорада ҳам китоб ўқийди-
ганлар бор. Ана, сиз...

У кулиб юборди.

Иккинчи суҳбат мунаққид, аниқроғи, собиқ мунаққид билан.

Бундай дейишимга сабаб, у узоқ вақтлар «Минг бир қиёфа»нинг иккинчи ҳикоятига тавсиф этилган «Тарих ва маданият» ташкилотига ўхшаш бир идорада ишлаб, советлар, коммунистлар ҳақидаги қасидаларни кўкларга кўтариб, қадриятларимизга оид-асарларни роса уриб берган эди. Замон ўзгариб, ҳаёт бошқа ўзанлардан оқа бошлагач, танқидчиликни буткул йиғиштириб қўйди. Узлатта чекинди. Лом-мим! Лекин ҳамма китобларни ўқиб боришидан, бугунги адабий муҳит ҳақида ўз мулоҳазалари борлигидан хабардорман. Ёзмаганим майли, лекин кимгадир гапириб турмасам ёрилиб кетаман, деди у менга бир учрашиб қолганимизда. Яқинда метрога тушсам... у турибди бекатда, устунга суянганча газета ўқи-иб. Менга кўзи тушиб қолди. Сўрашдик. Газетани кўрсатиб:

— Омон ҳақида ўқиб турувдим, — деди кўзойнагини чўнтагига соларкан ва қўшиб қўйди. — Бугунги наср ҳақида ёзишган экан.

— Сиз ҳам бир нарса ёзмоқчисиз шекилли...

Оғзимдан беихтиёр чиқди бу сўз. Аммо унга киноя қилганга, кесатиққа ўхшаб кўринди, ўнғайсизланганидан сездим буни.

— Бизлар айтадиганимизни айтиб бўлганмиз, — деди кулумсирашга ҳаракат қилиб. — Энди бошқа оҳангда қўшиқ айтолмаймиз.

— Мен унча қўшилмайман... бу гапингизга! Ҳаёт янгиланди, ҳаёт билан бирга одам ҳам ўзгаради-да.

— Мен ўзгармадим, деб айтолмайман, лекин кеча бир хил сайраб, бугун...

— Сиз ўз-ўзингиздан сайрамаган бўлсангиз керак?

— Тўғри, бизни мажбур қилишди. Буни Омон Мухтор бошлаб кўрсатган. «Тарих ва маданият» идорасининг бошлиғи Кабиловнинг сўзларини эсланг. «Менга масжид-мадрасалар бузилгани ёқадими? Илож йўқ. Бизга шундай кўрсатма берилган. Бажаришга мажбурмиз». Ҳа, биз мажбур эдик.

— Худога шукур, у кунлар ўтиб кетди. Энди диллингиздагини ёзавермайсизми?

— Ёзай десам дилимда гап кўп, — деди у маъюсла-ниб. — Адабиётдаги кейинги ўзгаришлар, айниқса

Омон Мухторнинг услуби, дадиллиги таҳсинга лойиқ.
Бир нарсани айтмай...

Поезд келди, суҳбатни биз вагонда давом эттирдик.

— Асар қаҳрамони Абдулла Ҳаким оқимга тушган хас, дейилган, — сўзни келган жойидан олди у. — Қандай аниқ ва даҳшатли манзара! Мен ҳам оқимга тушган бир хас эдим-да, оғайни.

Метродан чиққач ҳам анчагача гаплашиб кетдик. Хайрлашарканмиз, мийиғида кулиб, қўлини силкитди: мен дардини ичига ютиб яшаган одамман! Ҳақиқатни айтолганнинг отасига раҳмат...

У кетди. Бироздан сўнг орқасидан яна бир назар ташладим. У менга юқорида номи тилга олинган ташкилот бошлиғининг муовини — асар қаҳрамонларидан бири Ботир Оппоқов бўлиб кўринди...

Учинчи суҳбат... ғойибона.

Унинг иштирокчилари — мен ва хаёлим кўзгусида кўриб турганим Сиз, азиз ўқувчи! Асардан олган таассуротларимни мен Сиз билан ўртоқлашмоқчиман.

Гап бундай. Бинони ҳар ким ўз хоҳиши ва имкониятига қараб ҳар хил тарз ва услубда қуради. Ким бир қаватлини хуш кўради, ким икки-уч қаватлини, бировнинг қурган уйи (ёки дейлик офиси) ташқаридан яхши кўринади, аммо ичига кирсангиз, юрагингиз сиқилади, бошқа бировники ташқаридан рангсиз, лекин ичига кирсангиз, кенглиги ва нафис оросидан баҳри дилингиз очилади. Омон Мухторнинг ютуғи аввало шундаки, у ўз асари архитектурасини кўзга (дилга) ташқаридан ҳам, ичидан ҳам хуш ёқадиган тарзда, ихчам шаклда тузолган. Исрофгарчиликка, ортиқча безакларга, жимжимадорликка йўл қўймаган. Ҳар қарич «ердан» унумли фойдаланган.

Сўзим маъқул келдимикан, деб Сизга (кўзгудаги аксингизга) разм соламан ва чехрангизни ёруғ кўриб, кўнглим таскин топган ҳолда фикрларимни исботлашга ўтаман.

Ташқаридан қаралганда, учала («Минг бир қиёфа», «Кўзгу олдидаги одам», «Тепалиқдаги хароба») асар (уй) алоҳида-алоҳида кўзга ташланади, аммо биринчи эшикни (биринчи ҳикоятни) очиб ичкарига киришингиз билан уларнинг яхлитлигини, бир бутунлигини кўрасиз. У битта пойдеворга қурилгани баробарида, ичидаги одамларнинг тақдирлари ҳам бир-бири билан чамбарчас боғлиқ.

Биринчи асарнинг бош қаҳрамони шоир, иккинчисиники дурадгор уста, учинчисиники тарихчи, лекин учаласи ҳам айрича иқтидор эгалари, ўтмишни, бугунни ва келажакни яхлитликда кўра олиш қобилияти ато этилган кишилар! Шоир (Абдулла Ҳаким) фано ва бақо (бу дунё — у дунё)да бир йўла баравар яшайди, уста (Валижон) бошқаларга кўринмайдиган дарё ва ям-яшил водий билан реал ҳаёт ўртасида андармон, тарихчи (Мирза Ғолиб) ўз замондошлари билан ҳам, минг йил аввал ўтган одамлар, буюклар (Мавлоно Лутфий, Машраб, Байрон) билан ҳам суҳбатта киришиб кетаверади. Бунда мен заррача ғайритабиийлик сезмадим, аксинча, воқеа-ҳодисаларнинг бири-биридан ўсиб чиқишини, мантиқан бири-бирига боғланишини, трилогия бир одам тақдирдан бошланиб, жамият кўлами, ундан жаҳон (ўтмиш ва бугуннинг уйғунлигида), бани башар қисматига усталик билан ўтилишини кўрдим, адибнинг ишонтириш кучига тан бердим.

Иккинчи мени қойил қолдирган нарса, бу — рамзлар. Машинанинг ҳайдовчисиз ҳам физиллаб юриб кетавериши, «ўлган одамнинг» чойхонада чой ичиб ўтириши, шаҳар марказидаги тўққиз қаватли маъмурий бинонинг бирданига кўздан ғойиб бўлиб қолиши, бир одамнинг «Мен»и учта бўлиб, уч томонга равона бўлиши... бунга ўхшаш рамзлар асарда бир талай. Гап уларнинг сонига эмас, балки маъно ташишида, воқеа-ҳодисалар моҳиятини очиб беришида. Юқоридаги рамзлар, масалан, жамият раҳнаmodан айрилган замонни, иблис қалбга ин қурганини, одамнинг манқуртга айлангани ва Рухнинг мўъжизакор кучга эга эканлигини билдиради, деб ўйлайман.

Ривоятлар-чи, уларда ҳам ўзига хос рамз, тагмаъно. Трилогияда келтирилган жуда кўп ривоят ва ҳикоятлардан фақат биттасига — ўзини дорга осилларини сўраб, майдонга арқон кўтариб келган одам ҳақидаги афсонага эътиборингизни жалб этмоқчиман. Эсингизда бўлса, у оғзимга қулф солинишига тоқат қилолмайман, бундан кўра ўлганим яхши, деб ўз ихтиёри билан дор остига келади. Хур фикрлилик азалдан халқимиз хислати, фикр бўғилган жойда — у ҳамиша исёнга келган. Қиссадан чиққан бу ҳисса учала китобдан қизил ип бўлиб ўтади. Сирож муаллим («Кўзгу олдидаги одам») ўз шоғирдларига «сенлар бош қотирма,

биз учун ўйлайдиганлар бор» деб тобеликдан дарс ўқиганида, подшоҳ Раҳим Иккинчи («Минг бир қиёфа») ҳур фикрли кишиларни бир бошдан қирганида, ўрмонда Мирза Фолиб («Тепаликдаги хароба») кўзига кўринган — лак-лак мажруҳлар, лилипутларга ўхшаган ерпакана одамлар «ё ҳақим, ё ҳоқим» дея жар солганларида, кўз олдимга ўша «мени осинглар» деган жўмард келаверди. Гўё у бўронларга бош эгмайдиган бир азим дарахт, бошқалари ундан ўсиб чиққан забардаст шохалар.


Сизга яна бир гапни айтай. Мен ўзим романга шеър киритишдан кўп истиҳола қиламан, насрга хос босиқ оҳанг бузилишидан чўчийман. Аммо Омон Мухтор учала романни ҳам худди бир шеърдай ёзганки, қаери наср, қаери назм — ажралиб турмайди, бари битта қўшиқдай авжланиб-мавжланиб бораверади. Бу — носир ва шоирнинг маҳоратидан далолат, журъатидан нишонадир.

Сиз (кўзгудаги аксингиз) ҳозир менга трилогиянинг бош ғояси нима, деб савол бераётганга ўхшаб кўриндингиз! Мен ўзим гапни шунга олиб келаётган эдим. Қисқа қилиб шундай дейиш мумкин. Қулликнинг ҳамма тури ҳам ёмон, лекин энг даҳшатлиси руҳ қуллигидир! Руҳ озод бўлмагунча андуҳ барҳам топмайди!

Мамлакатимиз мустақилликка юз тутган ҳозирги даврда Руҳ Озодлиги биз учун муҳимдан муҳим, зеро, бундан етти юз йил муқаддам ҳазрати Паҳлавон Маҳмуд Пирёрвалий айтганларидек, ким агар озоддур, ул шоддур! «Тўрт томон қибла» ана шундай озодлик ва шодликка даъват китобидир.

Эркин САМАНДАР

МИНГ БИР ҚИЁФА



ИККИ ОФИЗ СЎЗ

Ким ўқисин-ўқимасин, очиғини айтишим керак:
бу — хаёлийми, фалсафийми, шунақа бир асар!

Албатта, ёзувчи ҳар қандай асарда ўзи кузатган — эшитган, кўрган ҳаёт ҳақиқатларини акс эттиради. Лекин барибир, бу асар кўпроқ хаёл маҳсули; мен ҳаётдаги аниқ воқеалар, одамларни — бўёқ бериб, умумлаштириб юборишга ҳаракат қилганман.

Асардаги ҳикоятларда, асосан, ҳар хил одамлар учраганидан, кимгадир улар бир-бирига деярли боғлиқ эмасдек туюлиши мумкин. Аммо зийрак ўқувчи, нега уч ҳикоят яхлит асар деб аталгани, маъно ва мазмун нимадан иборат эканлигини ўзи илғаб олади, деб ўйлайман.

Яна бир гап. Ушбу асарни барча — дунёда бўлган, бор, тугилажак энг гўзал инсонларга бағишладим...

Биринчи ҳикоят

Тўрт манзара

Остонанга тупроқ бўлдим, вале
Демагингки, хоксорим қани?..

(Қўшиқдан)

БИРИНЧИ МАНЗАРА

ЎТҚУН

I

Кўча ойдин, ёрув, аммо бўм-бўш эди.

У машина тутишга анча уринди. Бўлмади. Ўласи ичган, оёқда зўрға турган одамга ярим тунда биров машина тўхтатмайди! Кўрқишадими, ким билсин...

Ниҳоят, бекатга етиб келиб, автобус ёки троллейбус кутишга қарор қилди. Лекин ҳадеганда булардан ҳам биронтасининг қораси кўринмади. Машина сийраклашган бунақанги бемаҳалда автобус ёки троллейбус юрармиди?! Ҳаммаси жуфтакни ростлаб қолишган, албатта!

Шаҳар — Катта шаҳар, уйгача йўл беш чақиримдан кам эмас.

Шундай бўлса ҳамки, пойи-пиёда кетавераман, деган қарорга келди.

Йўқ, шу пайт кутилмаганда қандайдир япаски автобус йўлда пайдо бўлиб, бекатга яқинлаша бошлади.

У бир умидланиб-бир умидсизланиб, шунинг баробарида, шошганича, иккала кўлини бар-баравар кўтарди.

Автобус унинг ёнгинасига келиб тўхтади. Олд-орқа қопқалар ланг очилди.

Шу аснода, у автобусда йўловчилар йўқлигини пайқаб, қандай яхши одам экан бу ҳайдовчи, менинг бир ўзим учун тўхтатди-я, деб ўйлади. Бироқ машинага миниб, қопқалари ёпилган машина йўлга тушгач, олдинга ўтди-ю, машинада ҳайдовчининг ўзи ҳам кўринмаётганини сезиб, анграйиб қолди.

Бошқа одам бундай шароитда кўрққанидан ўзини йўқотиб, айюҳаннос солиши мумкин эди. У эса, табиатан анча босиқ, дунёни сув босса тўпифига чиқавер-

майдиган киши бўлгани, бунинг устига, яхшигина кайфи борлигидан, пинагини ҳам бузмади. Қани, кўрайлик-чи, буёғи қандоқ воқеа рўй бераркин, деб ўйлаб, юшоқ ўриндиққа ўзини ташлаганича, мудрашга тушди.

Кўп ўтмай, хайдовчиси йўқ машинада уйими, унга дахли йўқ бир томонгами — кетаётганини ҳам унутиб, ширин ўйга толганича, бир пайтлар ёқтириб қолган қизнинг исмини шивирлаб, ўшанга бағишлаб ёзган шеърини баланд овозда, қироат қилиб ўқий бошлади:

*Сизга очик
Менинг бағрим,
Мумкин унга
 тиғ санчиш.
Ўзимники аламларим,
Сиздан
 туймайман ранжиш.*

*Сизга бу жон,
Ой юзлигим,
Мумкин
 тутмоқлик тўпга.
Ўзимники бахтсизлигим,
Сиздан
 қилмайман ўпка.*

*Совурмоқ ҳам,
 секин-аста
Мумкин
Менинг кулимни.
Яқин келиб
 бир нафасга,
Тутсангиз бас,
Қўлимни...*

У қачонлардир айрилиб қолган ўша — ўзининг «ой юзлиги»ни эслаб, ҳозир беихтиёр ҳўнграб йиғлаб юборди. Кейин, чўнтагидан рўмолча чиқариб кўзларини артганича, чуқур хўрсинди.

Киприкларига ҳали илинган мудроқ кетиб, кайфи ҳам бу орада бир оз тарқай бошлагандек эди. Ақл бовар қилмайдиган жуда антиқа иш бўлди-ку, шу кетишда ўзи қаёққа қараб кетяпмиз, ўртоқ, деб ўйлаб, энди у сал эс-хушини йиғиб, бошини кўтарганча ойнадан чор-атрофга разм солди.

Автобус шаҳарни орқада қолдириб, алақандай ўн-

қир-чўнқир дала-дашт йўлига чиқиб олган, гоҳ кескин силтаниб, гоҳ осойиштаганиб, олдинга босар эди.

У ҳамон қўрқув-ваҳимани хаёлига келтирмай, шунчаки, бу иш яхшиликка олиб бормайдиганга ўхшайди, қандоқ воқеа рўй беришини кутиб ўтирмасдан, машинадан тушиб қўя қолсаммикан, деб ўйлади. Шунга шахд этиб, ўрнидан сапчиб турганича, эшикни зарб билан бир-икки тепди. Аммо бундан ҳеч қандай натижа чиқмади: қопқа мустаҳкам эди!

Умрида иши бўлмаганидан машина тилини тушунмаганига қарамай, ҳайдовчи ўрнига ўтиб ўтирганча машинани тўхтатиш, қопқаларни очишга жазм этгиси келди. Лекин бунга ҳаракат қилишга урингани заҳоти, вулқон яқинида турган одамдек, қаттиқ силкиниб, орқага учиб кетди. У, чамаси бошқа бир жойдан бошқарилаётган япасқи машинанинг телбалигидан ажабланиб қолаверди.

Автобус ахийри дала-дашт йўлидан ногаҳон икки томони куюқ дарахтзор йўлкага кирди. Яна бир оз юрилгач, узоқдан тақа шаклида қурилган уч қаватли оқиш-қизғиш иморат кўринди. Ажабланарли жойи, машина нақ мана шу иморатнинг ит ялагандек силлиқ, тоза зинапоялари олдига келиб тўхтади ва қопқалари шарақлаб, қайтиб ланг очилди. Бундан ҳам ажабланарлиси, айни шу сонияда қора костюм кийган тўртта сипо йигит зинапояда қаёқдандир ҳозир у нозир бўлиб қолишди.

— Тушинг, ока. Тушавуринг. Кутиб ўтирибмиз! — деди йигитлардан ориқ, ёши каттароғи баланд товушда.

Автобусдан у, илож-ноилож, шу билан бирга, баёнсиз ҳайрат туйиб, пастга тушди. Йигитлар уни қуршаб, минг йиллик қадрдонлардек илжайишиб, кифтига қоқиб, оқиш-қизғиш бино ичкарасига бошлашди.

Биринчи қават бурчагидаги кўз қамашадиган даражада ёруғ хонага киришди. Хона ўртасидаги дабдабали чиройли столнинг ён томонидаги афтидан омонат суриб қўйилган юмшоқ курсида бўй-баста лилипутдан сал каттароқ, қаримсиқ-кўса бир киши алланечук кибрангандек, ялпайиб ўтирарди. Йигитлар қуршовида хонага кириб, юзма-юз келганида, ҳар қалай, бу одам тўғрисида у, ўн-ўн икки ёшдаги болаларни эслатар экан, деб ўйлади.

Унга, йигитларга ўхшаб, хонадаги киши ҳам мамнун илжайиб қаради. Кейин, секин ўрнидан туриб, ўз қадди-қомати, баҳодирона келбатини намойиш этаётгандек, оёқларини керганича, қоқсуяк кўкрагини кўтариб, унга бошдан-оёқ тунд кўз ташлади.

— Ароқ текин, деб молдай ичибсиз-ку, тақсир. Бўғриқиб, шолғомдай қизариб кетганингизни қаранг! — деди ниҳоят оқсоқолларга хос салмоқ билан. Сўнг, бирдан кўрсатма берди: — Қўйин-чўнтақда бор нарсани манави стол устига олиб қўйинг!

Унга бу одам бекорчиликдан ҳазиллашаётгандек бўлиб туюлди. Олдиндан ортиқча хавфсирамагани учун ҳам, булар зеркиб ўтириб, ўйин қилишаяпти, деб ўйлади. Ўйинни бузгиси келмаган киши оҳангида:

— Бўлса, яна ичаверамиз, тақсир, ичимиз хум бўлиб кетган! — деди кулиб. — Лекин миршабга айланиб, чўнтакни қоқиштириш йўқ. Чунки ўзим ҳам кавлаб, баъзан ҳеч вақо тополмайман. Аҳволимиз шунақа!..

Бироқ бехосдан шу сонияда унинг гарданига зарб билан бир мушт тушди. Энкайган эди, қорнига ҳам кимдир мушт туширди. Наҳотки, боя илжайиб турган йигитлар энди ҳунар кўрсатишаётган бўлса?!

У ҳазил ҳаром эканлигини ҳис этиб, ади-бадини дарҳол тўхтатганча, қўйин чўнтагида бор нарсаларни стол устига олиб қўйди. Бу — кечки пайт ўзи борган зиёфатга ялтироқ таклифнома қозоғи, гувоҳнома, бир ҳовуч сариқ чақа солинган эски қопчиқ эди.

Қаримсиқ-кўса олифталик қилиб атайин шундай кийинганми, эғнидаги йигитларникига нисбатан одмироқ костюм елкаларида қандайдир қопга ўхшаб шалвираб осилиб турар, тугмалари ҳам бетартиб қадалгандек эди. Шунга қарамай, бу одам шахсан йигитлар устидан ҳукмфармо бўлса керакки, ҳамон оёқларини кериб турганича, қани, бор нарсани бирма-бир кўриб чиқинглар-чи, нима гап экан, дегандек стол устига имо қилди.

Йигитлар таклифнома, гувоҳномани кўздан кечиршиб, қопчиқдаги сариқ чақаларни ҳам эринмасдан санаб чиқишди. Сўнг, негадир ўзларича «қопқоқ» деб қўйишди.

Кўса бир лаҳза чуқур ўйга толгандек бўлиб, хонада нари-бери юрди. Ахийри, қайтиб юмшоқ курсига ҳорғин ўтириб, унга эзгин бир қўйда:

— Хў-ўш, Бурҳон Шариф ўзлари эканлар-да, тақ-сир? Шунга айтиб қўйсалар бўлармиди? — деди.

У анча ҳушёр тортган эди. Ҳозир, айниқса, сергак-ланиб, беихтиёр журъатланди.

— Ҳа, мен Бурҳон Шарифман. Менга бунақа муо-мала қилишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Мени минглаб одам билади. Ҳамма ҳурмат қилади! Кимки ҳисоблаш-маса, ўзидан кўрсин. Ўзига қийин... — Бу сўзларни у ҳаяжондан бўғилиб, алам-надомат билан айтди.

Унинг кутганига зид ҳолда, бу сўзлар хонадагилар-ни чўчитиб, дарров инсофга келтириб қўяқолмади. Аксинча, ориқ, ёши каттароқ йигит шу палла унга рўпара келиб, тўғри қулоқ-чаккасига уриб юборди. У гандираклар йиқилгач, бу етмагандек, йигитлардан бири орқаси, бошқаси қорнига тепди.

Қайтиб ўрнидан тургудек ҳолда эмасди. Бутун ичи ағдарилиб, қора қони оғзига келган, усти, афти-анго-ри дабдала эди. Аммо бу одамларнинг ўзи киму ундан муддаоси нима эканлигини билмаганидан, асабийла-шиб-довдираб, яна оёққа қалқиди.

— Келинг, сичқон-мушук ўйнамайлик, — деди қаримсиқ бу гал киноясиз, дўстона оҳангда. — Очиғи-ни айтсангиз, қутулиб кетасиз. Сизга истаганча яхши-лик ҳам қилишимиз мумкин. Хў-ўш, қўлингизда бизга тегишли қандай ҳужжатлар бор? Сизга ким берган? Улар ҳозир қаерда?!

Унга бирданига ҳамма нарса ойдинлашди-қолди.

Булар бекорчи одамлар эмас, уни ичгани учун қўлга туширган миршаб ҳам эмас, булар — ўзларини давлат кишисидан ҳам сипо тутиб, пайти келганида ҳар қандай қабихликдан қайтмайдиган жиноятчи кор-чалонлар, холос. Уни Бурҳон Шариф деб ўйлашган! Бурҳон Шариф сўнгги икки йилда бошига турган-битган галвани сотиб олиб, турли ташкилотлар, корхо-налардаги қонунбузарликларни очишга уриниб юриб-ди. Бурҳонни қўрқитмоқчи бўлиб, қўнғироқ қилган, имзосиз хат ёзган, машинаси ойналарини синдириб, филдиракларини тешиб кетган ҳоллар юз бериб турган эди! Лекин Бурҳон учун бу нарсалар аҳамиятсиз, ҳатто жонининг ҳам қадрини йўқми, чекинадиганга ўхшамас эди. Мана шу журъат-жасорати туфайлидир, сўнгги икки йилда номи чиқиб, одамлар орасида жуда катта обрў-эътибор ҳам қозонган эди! Бурҳон ҳақидаги бу гапларни у яхши биларди. Ўзини Бурҳон

Шарифман, деб баттар тутилишини эса хаёлига келтирмаган эди.

— Мен ҳеч нарсани билмайман, — деди тўғриси-ни у.

— Биласиз! Кўп нарсаларни биласиз! Шу ерда ўтириб, бўйнингизга иш боғлагандек сизни судраб келтирибмизми, биз ҳам биламиз! — бўш келмади кўса. — Гапиринг! Бир бошдан...

— Менинг сизларга гапим йўқ, — деди у. Бироқ унинг оддий бу иқрорини қайсарлик деб ўйлашдими, «оқсоқол»нинг имоси билан йигитлар уни яна уриб-тепа бошлашди. Ниҳоят, юмшоқ курсида ялпайиб ўтирган «оқсоқол» тўнғиллаб: «Обборинглар. Пишсин!» деб кўрсатма берди.

Бу хонага илжайишиб олиб киришган йигитлар, уни энди уриб-суриб олиб чиқишди.

2

Биринчи қаватнинг нариги бурчагидаги қоп-қоронғи бир хонага уни туртиб киритганча, эшикни маҳкамлашди.

У хона ўртасида анчагача чайқалиб, гангиб-паришонланиб турди.

Кейин, сал ўзига келиб кўзи қоронғига ўргана бошлади.

Хонада ўтириб-тургани курси, каравот дегандек на бир жиҳоз, на бир палос бор. Бу хона супуриб қўйилган, тўртта яланг девор ва биргина эшиқдан иборат эди.

У тўрдаги бир бурчакка бориб, қунишиб ўтирди.

Албатта, дастлаб мен Бурҳон Шарифман, дегач у ўзини охиригача Бурҳон Шарифдек тутиши шарт эмасди. Сенлар адашдинглар, мен ҳам сенларни адаштирдим, деб очигини айтиши, бошқа одам эканлигини исботлашга ҳаракат қилиб, қутулиб кетишга уриниши мумкин эди. Аммо инсон дунёда азалдан дўст ва душман деган тушунча орасида юради. Аллақаердаги номардлар иродасига бўйсуниб, хиёнат қилгандек иш тутишга унинг виждони йўл бермади!

Аслида, у билан қаримсиқ-кўса ўртасида савол-жавоб бундай бўлиши керак эди:

— Бурҳон Шариф ўзлари эканлар-да, тақсир?

- Йўқ, мен Бурҳон Шариф эмасман...
- Бўлмаса, кимсиз?
- Мен Абдулла Ҳакимман. Бурҳон Шариф бизнинг идорамизда мавқе эгаллаган бир киши. Мен эсам, хат, қоғоз ташиб юрадиган оддий хизматчиман, холос.
- Икковларинг тенгдошмисанлар?
- Йўқ. Бурҳон Шариф мендан икки ёш катта. Лекин афт-ангоримиз ўхшайди. Одамлар ака-уками, эгизакми, деб ўйлашади. Ҳаётда шунақаси ҳам бўлар экан.
- Бу, чўнтагингиздан чиққан нарсаларга нима дейсиз?
- Сарик чақалар билан эски қопчиқ меники... Гувоҳномани янгилаш учун Бурҳон Шариф менга бериб қўйган эди. Мен оддий хизматчи эканлигимга қарамай, ёзиш-чизишга дурустман. Шу иш чўзилмасин, деб хужжатни чўнтагимда олиб юрган эдим. Таклифномага келсак... мен ёшлиқдан отасиз ўсганман. Ака-укаларим йўқ. Бир қари онам бор эди, у киши ҳам ўлиб кетди. Бунинг устига, яхши кўриб юрган севгимдан айрилгач, дунёдан кўнглим совиб, бола-чақа ҳам қилмадим. Қисқаси, ижара уйда яшайман; еб-ичишимнинг тайини йўқ. Бурҳон Шариф бировнинг ҳолига тушунадиган одам. Кўпинча бир ерга боролмайдиган бўлса, таклифномани менга беради. Кўчада овқат қидириб юрмасдан, зиёфатга борақолинг, дейди. Камбағалнинг бир тўйгани — бой бўлгани. Мен ҳам жон деб кетавераман.
- Сиз нима, ичишга ружу қўйганмисиз?
- Унчалик эмас. Ўзи тўғри келиб қолганида бир ичмасам, ойлаб ичмай ҳам юравераман. Лекин баъзан қаттиқ ичган пайтларим бўлади. Буниси, албатта, даврага боғлиқ.
- Давра? Қанақа давра?
- Зиёфатни айтяпман... Мана, масалан, бугун бир санъаткорнинг туғилган куни экан. Бугун шоирлар, хонандаю созандалар тўпланган. Олимлар, ҳар хил арбоблар! Мени ҳам обрўли бирон одам бўлса керак, деб ҳаммаси илжайиб қарайди. Қадаҳ уриштиради. Бунақа пайтда яйраб кетиб, ичганингни билмай қоласан.
- Нега зиёфатга Бурҳон Шарифнинг ўзи бормади?
- Қачон? Бугунми?
- Бугун.

— У бир ёққа махфий иш билан уч-тўрт кунга кетаётган экан.

— Қаерга? Қандай иш билан?

— Бурҳон Шариф буни идорадагиларга айтиб ўтирмайди. Ҳатто хотинига ҳам айтмаса керак. Зарур иш бор, кетяпман, дейди, тамом.

— Бурҳон Шарифнинг орқасида кимлар турибди? Атрофидан унга ёрдам берадиган кимлар бор?

— Мен унисини билмадим. У менга бир укасидек муомала қилади. Хизмат юзасидан иш буюради. Лекин ҳамма нарсани дастурхон қилиб ёзавермайди, албатта. Мени қанчалик уриб-тепманглар, шундан бошқа гап чиқиши қийин!..

Йўқ! Улар ўртасида бундай савол-жавоб бўлмади. Бурҳон Шариф деб ўйлаб қўлга туширган қорчалонлар билан унинг муносабати аввалдан қандайдир кулгили ва бемаъни шаклланди...

Абдулла қоронғи хона бурчагида кўнгли озиб, ҳолсизланиб ўтирганича, буни лаҳза ичида фақат шунчаки тасаввур қилди.

У калтак еб, жони оғриётгани учун эмас, бировлардан бекорга таҳқирланганидан хўрлиги келиб, ўзини туптолмасдан аламаҳалгача аччиқ кўз ёшлари тўқди.

Ниҳоят, кўзларини артганча, ўрнидан туриб, қафасдаги шердек, хонада нари-бери юра бошлади.

«Бу ердаги одамлар миршабдан, бу хона ҳукумат қамокхонасидан ҳам баттар экан! Ҳеч бўлмаганда, биронта панжарали дераза ўрнатмайдими? Ёки, қадимги зиндонларга ўхшаб, ақали тепадан биронта туйнук очмайдими?! Эски бир челақ билан бир идишга сув солиб қўйса, қопми, бўйрами, ерга бир нарса тўшаса, ўлар эканми?! Ҳайвонлар... Уриб-тепгани кам, бу хонада ҳам азоб-уқубатга гирифтор қилмоқчи! Кўрсатаётган ҳунарингни қара-ю!.. Одамсиз юргизган машинангдан ўргилдим!..»

Унинг мастлигидан энди ном-нишон қолмаган эди. Бирдан фикри тиниқлашиб, кўзлари чарақлаб очилгандек бўлди.

«Тўхта! Бу ҳаммаси ҳали ҳолва... Сени Бурҳон Шариф, деб тутишдими, осонликча қўйиб юборишмайди. Қийнашади! Буларни алдаб, алабир тупкадаги бу қўрғондан қочиб ҳам кетолмайсан! Сен арзимайдиган бирон сирни билмаганингдек, хиёнат қилишни ҳам

истамайсан! Демак... демак, бошга тушганни кўз кўради. Чидаш керак! Чидаш...»

Бир лаҳза бурун ғазаб-нафратга тўлганидан журъатланиб, дадиллик сезган Абдуллани қайтиб алам-изтироб чулғади. У қоронғи бурчакка бориб, боягидек чўнқайди.

«Буюғи нима бўларкин? Қисматида қандай саҳифалар ёзиғлик? Эй Худо...»

Деворга сингиб кетгудек қапишиб олган Абдулла шу тўғрида ўйлаб, бутун юрагини баёнсиз ваҳм-хавотир эгаллади.

Анча фурсат нотинчланиб, саросималаниб ўтирди.

Кейин, ўзига мададми, мадорми излаб, ёшлиқда кўнгил берган севгилисини яна эслаганича, қачонлардир ёзган шеърини муқаддас бир оятдек, қайта-қайта шивирлаб ўқишга тушди:

У мени севади, деб,

У мени кутади,

деб,

У мени излайди,

деб

Ўйлайсизми

Гоҳида?!

Мен

Юрагим қон бўлиб,

Қисматдан

ҳайрон бўлиб,

Ётибман

сарсон бўлиб —

Қора

туннинг чоҳида...

Бехосдан унинг хаёлига қизиқ бир фикр келди: «Сени Бурҳон Шариф, деб тутишдимми, Бурҳон Шарифнинг изидан тушишмайди! Демак, сенга доим яхшилик қилгани эвазига, ҳозирча тинч, эзгу бир ишни бажараётган Бурҳонни сен ҳам асрашинг керак! Сендан ҳаёт умрингда бир марта фидойилик, мардлик кўрсатишни талаб қиляпти! Тизсанг қалтираб ўтиришга ҳаққинг йўқ! Гап шу... Келинлар, ҳунарларингни кўрсатаверинлар — мен Бурҳон Шарифман!...»

У томирларига ўтли бир қон қуюлиб, ўрнидан сапчиб турганича, хонада нари-бери юра бошлади.

Бурчақда мук тушиб ўтирганича қачон кўзи илинган экан — билмайди, эшик тарақлаб очилганидан уйғониб кетди.

Остонада икки нотаниш йигит турарди. Аммо булар ҳам олдингилардек қора қостюм кийган, сипо эди.

— Яхши ётиб турдингизми, ока? Бардамсизиз? — деди улардан қош-кўзи қора, лўппи юзли, чиройлиси, ҳамма шароит яратиб берилган азиз меҳмонни қаршилаётган мезбон оҳангида.

Бурни пучуқ, рангпар иккинчи йигит ҳам гўлдираб, у билан шу мазмунда сўрашган бўлди.

Чироқ ўчирилмаган, бунинг устига, офтоб нури тўшаётганидан, йўлак аввал кўрганига нисбатан ёруғ эди. У ётган хонанинг нақ пинжида каттакон дераза бор, лекин антиқа ойна ўрнатилган эканми, ташқарини илаб бўлмас эди.

Йигитлар уни шу қаватдаги бошқа бир хонага олиб кириб, ювинтиришди. Эғнидаги уринган ҳаворанг костюмини ҳам қоқиб-чўткалаб, унинг устини ўзларича сал тартибга келтиришди. Сўнг, нима қилишмасин, қўғирчоқдай индамай, бўйсуниб турганидан мамнунланишиб, кулиб, уни иккинчи қаватга олиб чиқишди, Зинапоя қаршисидаги энсиз хонага бошлаб киришди.

Бу хонани узун, катта бир стол эгаллаган эди. Стол устида дастурхон ёзилган.

У хонага киргани заҳоти, оғзи ланг очилиб қолди. Дастурхонда товуқ дейсизми, яхна гўштми, қази-қарта, иссиқ таом, мева-чева — бутун жаннат нознеъматлари муҳайё эди. Ичкиликни айтмайсизми? Биров номини ҳам эшитиб-эшитмаган май шишалари тилла қоғозларга ўроғлиқ ҳолда қатор териб қўйилганди. Машҳур санъаткор берган кечаги зиёфат бу дастурхоннинг олдида эслашга ҳам арзимасди!

Мени оғзимни мойлаб алдаб-аврашмоқчи, деган хаёлга бориб, шу палла унинг ўз нафсини енгганча, шарт бурилиб, эшиқдан қайтиб чиққиси келди. Бироқ у ҳали ҳаётдан умидини узмаган эди! Бошга тушгани энди муқаррар бўлган кулфатни енгиш учун дармон, куч керак! Бурҳон Шарифнинг душманлари унга ҳадеб бундай тўкин дастурхон тўшайвермасликлари аниқ! Ҳозир очиқиб, ичаклари қўлдираб турган пайт-

да, аксинча, туяга ўхшаб бир ҳафталик емни ичида жамғариб қўйишига тўғри келади. Эрталабки насиба — ошдан эмас, муштдан ҳам қайтмаган маъқул! Дарвоқе, муштга ҳам ана-мана навбат етишига шубҳаланмаса бўлади!..

Шуларни ўйлаб, у узун стол ёнига енг шимариб чўкканича, кўзига энг чиройли кўринган шишани очиб, катта бир қадаҳни тўлдириб ичди. Танлаб-чертиб тотли-таъмли таомлардан тановул қила бошлади.

Уни хонага олиб кирган йигитлар пойгақда, унга беозор-меҳрибон тикилиб, чурқ этмай, ўйчан жима-йиб ўтиришарди.

У, ниҳоят, таомдан кейин шошмасдан қаҳва ичиб, ўрнидан турди.

Йигитлар уни бу гал шу қават этагидаги қироатхоналарни эслатадиган ҳайбатли бир хонага етаклашди.

Хона эшиги ёнида яна тўртта нотаниш сипо йигит саф чекиб туришарди. Аммо кечаги қаримсиқ ҳам шу ерда, дераза остидаги юмшоқ курсида оёқларини чалиштириб ўтирарди. Тўрдаги ойнадек ялтираб турган қоп-қора япасқи стол орқасида эса яна бир киши — қош-киприги бор-йўқлигини илғаш қийин бўлган, боши устарада тақир қирилган кимса ўтирар, афтидан, бу қаримсиқдан юқорироқ лавозимдаги шахс эди.

— Кайфиятлар қалай? — сўради уни бошлаб келган йигитлардек, меҳрибонлик билан хона соҳиби ундан.

— Кайфият жойида. Раҳмат, — деди у ҳам мулозимат билан.

— Гап бундай, — дарҳол мақсадга кўчди стол ортидаги киши. — Биз сиздан ҳеч нарса сўрамаймиз. Ҳожати йўқ. Бундан ташқари, сиз давлат уйида турар экансиз, биз сизга яхши бир боғ-ҳовли олиб берамиз. Ўткинчи, аҳмоқ гапларга учиб, ўн йил жиққа тер тўкиб, бундай бир пачоқ машинани ҳам қўлга киритмабсиз. Хаёлингизга келган машина номини айтинг, қўлингизга ҳозир калитини тутқазмаган номард. Ўзингиз эмас, невара-эварангизгача етадиган, оғзингизга сиққанча пул ҳам сизники!.. Лекин шарт... тўрт томонингиз қибла, бу ердан чиқиб, тўғри ўз йўлингизга кетаверасиз. Минбаъд ~~сиз бизни~~, биз сизни билмаймиз. Бир-биримизга ҳеч қачон ишимиз бўлмайди. Биз ўт билан ўйнашган одаммиз. Сиз ўйнашманг! Маъқулми?!

У бир лаҳза паришонланиб, доддираб қолди.

Унинг — Худо ёрлақаб, — қаршисида қутуладиган барча қопқалар очилган эди. Ўзини анойиликка солиб, имкониятдан фойдаланиб, корчалонларни бемалол шилиб кетиши мумкин. Бу — ўғрини қароқчи урибди, қабилдаги иш бўларди, холос! Қутулганига шукр қилиб, ўзини мағрур тутиб, бирон нарса ўмармасдан чиқиб кетиши ҳам мумкин. Дунёда, яримта нон — роҳати жон, эмасми! Уйга бориб, уч-тўрт кун ўйлаб кўрай, дейиши ҳам мумкин... Муҳими, Бурҳон Шарифга нисбатан хиёнат қилмайди! Оғзидан «маъқул» деган биргина сўз чиқса, бас, уни қўйиб юборишади!.. Хўп, кейин-чи? Кейин... ҳаётда ҳар ким ўзининг яхши-ёмон қилмиши учун ўзи жавоб беради. Ўз аравасини ўзи тортади! Демак, ҳамма нарса олдинги изга тушади. Абдулла Ҳакимнинг Бурҳон Шариф бўлишига эҳтиёж ҳам қолмайди!.. Шундай. Лекин... лекин...

Шайтонга дарс берган бу одамлар билан ҳазиллашиб бўлмайди.

Мабодо шилиб кетса-ю, буни билиб қолишса, хонумони куйиши турган гап! Бирон нарса олмай чиқиб кетса, шубҳаланишади. Ваъдани бажаришига ишонишмайди. Унинг изидан уйигача бориб, барибир сир очилади! Уч-тўрт кун ўйлаб кўришга эса, рухсат беришмайди. Булар оғзидагини олдириб қўядиган аҳмоқ эмас!.. Хўп, бу ердагилар гўрга... У қайси йўлни танласа, Бурҳон Шариф, тўғри қилибсан, дейишини билиш кийин. Бурҳон Шариф ўзини бало-қазога уриб юргани устига, ўлгудек қайсар. Ҳеч қандай шартга кўнмайди. Абдулла қай йўсинда ён берган бўлмасин, буни хиёнат деб қабул қилади!.. Биродарини сотмаслик учун бу ердагиларга у бошқа одам эканлигини айтолмаганидек... айтган тақдирда, унинг бошқа одам эканлигига энди бу ердагилар ҳам ишонишмайди!

Хуллас... хуллас, қисмат аввалдан у билан Бурҳон Шарифнинг киндигини боғлаб қўйган экан! Ҳозир унинг Бурҳон Шариф бўлишдан ўзга иложи йўқ!..

— Менга сизлардан ҳеч нарса керак эмас, — деди у вазминлик билан. Сўнг ўзини Бурҳон Шариф ҳис этиб, қўшимча қилди: — Мен бировдан садақа олишга ҳам, ҳаром-ҳаришга ҳам ўрганмаганман.

— Ҳалолми, ҳаромми, буни сендан сўраб ўтирмайди! — асабийлашди боши устарада қирилган киши. — Сен саволга жавоб бер. Маъқулми, йўқми?!

— Йўқ, — деди у бошини тебратиб. — Мен тутган йўлимдан қайтмайман!..

Хонадаги олти йигит шу пайт, бир тўп мушукнинг орасига тушиб қолган сичқондек, уни папалай бошлашди. Бири урди, бири тепди, бири икки кураги остига игнами, бигизми санчди.

У — боши айланиб, кўзи тинган, ҳаммаёғи қон эди. Аммо дунёдаги бутун-бор ноҳақлик, номардликка қарши беихтиёр тугёнга келганидан, ерда ётишни орбилиб, ўрнидан турганча, қад-қомат тиклашга чоғланди.

Шу асно унинг бошига тўқмоқдек бир нарса кескин урилгандек бўлди.

У қайтиб ерга йиқилиб, ҳушидан кетди.

4

Орадан қанча ўтгани маълум эмасди. Кўзларини азоб билан очди.

Бутун бадани жизиллар, нимадан эканига тушунмас эди.

Хона қандиллар ёқилгандай ёруғ, лекин дераза ҳам, биронта чироқ ҳам кўринмасди.

Уни келтириб ташлашган бу хонада ҳам жиҳоз ёки палос йўқ. Олдинги хонадагидан фарқи: тўрдаги девор фуж ари уяси эди.

Сармаст арилар гўнғиллаб, учиб, навбат билан унинг қонли баданига чиппа ёпишишар, аёвсиз чақишар эди.

«Ҳаммаси тушунарли, — деб ўйлади у ўзича. — Ари инига чўп суқишнинг оқибати қандай бўлишини кўрсатиб қўйишмоқчи! Ҳайвонлар..»

Эгнини ечиб, бошини ўраганча, бурчакка тиқилиб ётди. Бироқ арилар ҳамон ҳамлани тўхтатишмас эди.

Жонидан тўйган, унга энди чекига тушган даҳмаза, қандай бўлмасин, тезроқ битса, бас эди!

Шу дамгача қанчалик алам-изтиробга чулганиб, ваҳм-хавотирга берилмасин, бу қадар руҳи сўниб, эзилиб, ўз-ўзини умидсизлик балосининг дасти-панжасига топшириб қўймаган эди. Кеча, қоронғи хонада, ҳар қалай, унинг кўнгли ёруғ эди. Бутун, ёруғ хонада, аксинча, кўнглини зулмат қошлади!

У туғилиб-ўсган қишлоғидан олис шаҳарда, бировнинг уйида, ёлғизлик-ғариблиқда яшаб, ўзига ҳам,

турмушга нисбатан ҳам лоқайд-бепарво қарашга ўрганган, ҳар нарсага бўғилиб-сапчимасдан, ўзини беғам-бедард тутишга одатланган эди. Аммо, инсон бўлганидан, ҳаётни барибир севар, ич-ичида осойишта, узоқ умр кўришни орзу қилар эди. Биқини ёки бошига биргина тепки еб, тил тортмай ўлган кишилар тўғрисида қаерлардадир ўқиган, эшитган эди. Шу босидан, мен анча бақувват, чидамли эканман-да, деб ўйлаб, ҳозир ўзининг бунча қийноққа бардош берганига ажабланарди. У тишини-тишига босиб, ҳаёт учун курашиб, икки кун ичида шунчалик толиққан ва шундай ҳолга келган эдики, унга бу ҳолатдан ўлим яхшироқ бўлиб туюларди. Фақат бу эмас, юрагида ўлимига мингдан-минг рози эди!

Бундай пайтларда инсон кимгадир сифиниб-суяниш, ёлвориб-илтижо қилишни истайди.

Эгни билан бошини ўраб, бурчақда ётганича, у ҳам шу аснода беихтиёр инграниб: «Ҳалимжон! Ҳалим! Ҳалима!» — деб юборди...

Манзиллар чекиниб, деворлар суриниб, эшиклар қулаб, бехосдан Ҳалима хонага кириб келганича, унинг рўпарасида тўхтади.

У ерда эмаклаб-судралиб, Ҳалиманинг оёқларини кучиб, қизнинг этагига юзини босиб, бахт ва бахтсизликдан маст кўйда елкалари титраб, тўлиқиб, узоқ ҳўнгири-ҳўнгири йиғлади.

— Шунча йил қаерда эдинг, Ҳалимжон? Нега мени йўқламадинг?! Ахир, мен сенсиз яшолмайман-ку! — Қизга, ниҳоят, дардларини баён қила бошлади у. — Отам йўқ, ака-укаларим йўқ. Бошимда ёлғиз соябоним, онам ўлиб кетганларига ҳам қанча бўлди. Менинг энди дунёда сендан бўлак ҳеч кимим қолмади! Вақтида ўзи сени излаб шаҳарга келгандим! Қорангни бир кўрсам, кейин ўлсам ҳам майли, деб ўйлагандим. Лекин ҳозиргача қорангни кўрмадим! Сен ёнимда бўлганингда, бошимга бу кунлар тушмасмиди!..

Кўп йиллар ўтганига қарамай, Ҳалима ҳамон ўша-ўша... халқда қўғирчоқдек дейдими, попуқдайми... жуссаси кичиклиги устига, гавдаси ҳам хивичдек нозик. Юзи оппоқ мрамрдан йўнгандек тиниқ, бодом қобок, кўзлари тубсиз, қоп-қора, киприклари худди найза... шу асно бу ерга пардек учиб келгану яна пардек учиб кетиши гўёки муқаррар; шундандир, сал ҳуркибми, сал қисинибми турибди.

— Мен сени қидирганим билан тополмадим, Ҳалимжон, — севгилисига разм солиб, сўзида давом этди у. — Минглаб ажойиб қизлар ичида сенга ўхшашини ҳам учратмадим. Умрим бу дунёда шундай ўтиб кетди!..

Ҳалима бирдан киприклари намлиниб, тиз чўкиб, уни бўйнидан қаттиқ қучди.

— Бунчалик ўзингизни қон қилманг, илтимос. Ҳали ёшсиз. Йигит киши учун ўттиз ёш нима! Сиз учун ҳаммаси ҳали олдинда. Ҳаммаси яхши бўлиб кетади!..

— Йўқ, ўлим шумшайиб атрофимда айланиб юрибди. Булар мени ўлдирмай қўймайди! — пичирлади Абдулла. — Сезиб турибман, энди бу аниқ... Билман, сендан айрилган пайтимдаёқ менга шу қисмат ёзилган эди!.. Кел, жоним, буни қўй, бошқа нарсани гаплашайлик... Биласанми, аввалдан, уйлансам шу қизга уйланаман, бўлмаса уйланмайман, деб ўзимча қасам ичганим учун эмас, сен қони-жонимда бир дардек, виждон азобидек яшаганинг учун ҳам, мен қайтиб кимнидир хаёлимга келтиролмадим. Биз бошдан кечирган воқеа эса жуда оддий эди...

— Оддий... Биз илк дафъа кутубхона эшигида кўришганмиз. Сиз мендан нималарнидир сўрагансиз...

— Мен сиртдан ўқишга келган эдим, — деб рўй берган бутун воқеани эслай бошлади Абдулла. — Сен билан кутубхонада бир неча марта тасодифан учрашганмиз. Бош силкиб саломлашар, узук-юлуқ сўзлашардик, холос. Кейин, мен қишлоққа жўнадим. Қишлоқда сенинг ранги-рўйинг негадир кўз олдимдан кетмай, ширин энтикиб, телбаланиб юрдим. Ниҳоят, яна шаҳарга келдим. Кутубхонадан сени тополмадим. Лекин сару сомонимни йўқотиб, қидириб юрганымда, бир куни бехосдан ўзим ўқиётган даргоҳда сен билан юзлашиб қолдик. Сени кўриб, ҳаяжондан титраб кетдим. Сенинг кўзларингда ҳам севингандек бир ҳолат акс этганди...

— Сиз ўшанда мени учрашишга таклиф қилгансиз. Учрашганимизда қўлимга хат топширгансиз...

— Мен сенга айтолмаган сўзларимни хатта солгандим...

— Хатда сиз ёзган шеърлар ҳам бор эди...

— Шундай, — тасдиқлади Абдулла. — Ёшлиқдан шеърга қизиқаман. Аммо булар бемаъни бақирик-ча-

қириқдан иборат эди. Нега уялмай уларни сенга берганимга ҳайронман. Қишлоқи эканлигимизга қарамай, биз ҳам шоирмиз, демоқчи бўлгандирман-да! Кейинчалик ёзганларим бир оз шеърга ўхшайди. Аввалгилари тентаклик, албатта... Қисқаси, икки йил гоҳ хат ёзишиб, гоҳ кўришиб турдик. Мен бахтдан ўзимни ер-кўкка сиғдиrolмасдим... Қишлоқда онам, уйлан, кўзинг остига олганинг бўлса, айт, деб мени қистарди. Ахийри, бир гал онамни шаҳарга бошлаб келдим. Сизларни таништиришга шаҳд этдим. Мен, сизлар ҳам бир-бирларингизни дарҳол ёқтирасизлар, деб ўйлаган эдим...

— Мен сизга, шу тўғрида оғиз очганингизда, шошманг, демаганмидим? Мени камситиб, кўчада таништирамай, эскидан келган удумга риоя қилиб, ойингизни вақти билан уйга юборсангиз бўлмасмиди? Сиз менинг гапимни ҳатто эшитишни ҳам истамадингиз...

— Айб менда. Осийлик қилдим, — деди Абдулла. — Ҳаяжонга берилдим. Содда хаёл, девона бир ишонч мени ақдан оздириб қўйди! Ўша кунги шошқалоқлигим касрига кейин умр бўйи тутаб яшадим... Мен бағрида ўсган ёлғиз ўғли бўлганимдан, онам мени сенга рашк қилдими, айтиш қийин. Онам сен билан кўришишга жон деб розилик берди. Шунинг баробарида, қайдайдир чимирилиб, сергакланди ҳам. Мен бунинг маъносига тушунмаган эдим...

— Машғулот тутаган пайтда, кўчада кўришганмиз. Юзлашганимизда, ойингиз менга тешиб юборгудек тикилганлар. Мен қаттиқ уялиб, бозорга солингандек ҳолатга тушганман...

— Кечир, Ҳалимжон. Сенинг кўйлагинг сал калта эканлиги ёки сочинг қирқилгани қишлоқда ўз ҳақиқати билан яшаган онамга ёқмаслигини олдиндан мен ўйлашим керак эди! Ҳеч бўлмаганда, шаҳарнинг яхши қизлари ҳам шундай юришади, деб огоҳлантиришим, тушунтиришимми, бирон чора кўришим керак эди! Мен учун жондек азиз икки инсон орасида жарлик пайдо бўлишига йўл қўймаслигим керак эди!..

— Ўша куни ойингиз бор-йўғи икки оғиз сўз айтдилар. Менга тикилиб туриб, қишлоққа буни олиб боролмайсан, мазмунида: «Бу қизим жуда нозик эканку!» дедилар. Кейин, сизга қараб: «Бўйингизни қисманг, ўғлим. Йигит киши бошини кўтариб юради!» дедилар...

— Шу билан мен тиклаган иморат қулади. Ҳаммаси тугади! — чуқур хўрсинди Абдулла. — Синган шишани пайвандлашга уринишдан натижа чикмади... Мен икки ўт ўртасида қолдим. Бир томондан, сен ўпқаланиб мендан юз ўтирдигинг. Иккинчи томондан, онам «бировнинг боласини овора қилмаслик» учун сен билан бошқа кўришмаслигимни талаб қилди... Менга сенинг қандай кийиниб, ўзинга қандай оро беришинг аҳамиятсиз бўлиб туюларди. Бунинг устига, ишқим тушганидан, сенга сажда қилиб, сендан фақат кўрк излаб, сенинг олдинда қул бўлишга тайёр эдим. Онам эса қиз боланинг тиззалари кўринмаслиги, сочини ҳам қирқмаслиги шарт, деб биларди. Ўзбек қизининг қиёфаси шу, деб тушунарди! Бу етмагандек, келин бўлиб тушадиган қиз эри, қайнонасига чўридек хизмат қилишни аввалдан бўйнига олиши керак, шундагина келиндан вафо кутиш мумкин, деб қаттиқ ишонарди. Мен ўзимники тўғри, деб ўйлаганимдан, онамнинг фикрига кўп ҳам кўшилавермасдим. Шу боисдан, дадиллик қилиб, сизларни таништиргандим! Лекин ҳамма бало шундаки, сендан кўнгили узоқмаганимдек, энди онамнинг раъйига қарамаслигим ҳам мушкул эди. Мени тишида тишлаб вояга етказган биргина волидам эди у!.. Мен бошқа бировга уйланмадим, аммо сендан ҳам узоқлашмай иложим қолмади...

— Озор чекканимга қарамай, ойингизни кўндирибми, раъйини синдирибми, сизнинг муҳаббат йўлида қатъият кўрсатишингизни мен анча кутдим. Ниҳоят, сиздан умид йўқлигини ҳис этиб, қўлимни ювиб қўлтигимга уришга мажбур бўлдим. Сиз менга шафқат қилинг, мени айбламанг! Нима бўлганда ҳам, аёл муте, қиз бола бировнинг мулки эканилигини ўзингиз яхши биласиз...

— Мен сени айбламайман. Айб менда. Мен осийлик қилдим, — деб яна пичирлади Абдулла. — Онам вафот этганларидан кейин, сени излаб шаҳарга келдим, мана, шаҳарда қолиб ҳам кетдим. Аммо сени топган тақдирда ҳам, мен энди онамнинг руҳини чирқиратиб, сен билан қовушолмасдим. Бундай ҳолда инсон бари-бир бахтли бўлолмайди! Мен сени фақат узоқдан бир кўрмоқчи, сўнгги бор ҳуснингни томоша қилмоқчи эдим... Минг шукр, ахийри бу менга насиб этди. Мен энди ўлимдан кўрқмайман!..

Ҳалима бехосдан кириб келгани сингари бехосдан хонани тарк этди.

Хона бурчагида бошини эгни билан ўраб ётган Абдулла, суяклари зирқираб оғриётгани, моматалоқ, ҳамон ари талаб ётган қонталаш бадани тинимсиз жизилаётганига тоқат қилолмай, ўлдирса тезроқ ўлдирмайдими, деб ўйлаб, бутун иродасини жамлаганча, ўрнидан турди. Ғазаб-нафрат билан эшикни тепмоқчи, ногора қилиб қоқмоқчи эди. Лекин бир қадам босиб-босмай, оёқлари чалишиб, бояги бурчакка учиб тушди.

У вақтнинг ҳисобини йўқотиб қўйди. Аҳён-аҳёнда азоб билан кўзларини очар, сўнг яна ҳушидан кетар эди.

5

Эшикни очишган сипо йигитлар бу гал уни ювиб-тарашмади. Унга ҳатто бир қултум сув ҳам беришмади.

Олдиларига солиб, лом-мим демай, тўппа-тўғри зинапов томон бошлаб, иккинчи қаватдан энди учинчи қаватга олиб чиқишди.

Бу қават этагидаги хона олдингиларга нисбатан ҳам кенг-мўл; эшик ёнида бўй-бастии бир хил ўнта йигит саф чекиб турар, барчаси чиройли кийинган, хушрўй эди.

Қаримсиқ-кўса билан қош-киприги рангсиз, боши устарада қирилган кимса ҳашаматли стол ёнида ўтиришар, стол орқасидан бу сафар қандайдир чўтир, филай киши жой олган эди.

Хонага кирганида, тўпланганларни кўриб, у беихтиёр кулумсиради. Дунёда тасқара одамки бор, ниқобсиз яшолмас экан! Бу ердаги хунукдан-хунук одамлар учун ҳам келишган йигитлар шунчаки ниқоб вазифасини ўташса керак! Бошқа ниқоблардан ташқари, албатта... Олдинроқ буни тушунганида, у ҳам чинакам Бурҳон Шариф бўлармиди? Аттанг...

Аммо унинг хаёли бўлинди.

Чўтир-филай унга тикилганча, бошини чайқади. Кўзлари аланечук мунгли тус олди.

— Э-э, болани жуда қийнаб юборибсизлар-ку! Ўзи одам эмас экансизлар! — бўғилган-асабийлашган алфозда ёнидагиларни тергай бошлади хона соҳиби. —

Мен сенларга неча марта айтдим, тил билан битадиган ишни қўл билан бажарманглар, ҳожати йўқ! Бировларни келтириб, азобламанглар, инсонни куч билан енгиб бўлмайди! Бундай ўйламайсанларми? Сенларнинг аҳмоқликларингдан қачонгача мен жабр чекаман? Икки марта фалажга ўхшаб ётдим. Уч марта инфаркт бўлдим... Сенларга эс кирмади-кирмади!... — Чўтиргилай унга яна маҳзун тикилди. — Сиз булардан ранжиманг, ўғлим. Пул қутуртириб, булар ваҳший бўлиб кетган. Бизнинг иложимиз қанча, дунёда ҳали ваҳшийлик етарли!.. Юзингиз шишганидан қийналсангиз ҳам, кўзларингизни катта очиб, менга тик қаранг. Мен сизга ҳақиқатни айтаман... Ҳаётда ҳар ким бир касби қор танлайди. Пул топиш, мол-мулкка эгалик қилиш ҳам хунар. Бунинг учун ҳозирги кунда бировни биров айблаёлмайдди. Албатта, эгри йўлдан юриб, номардлик қилмаслик керак. Биз Худонинг олдида ҳам, банданинг олдида ҳам жавоб беришга мажбурмиз! Кимки бу қонунни бузса, жазосини тортмасдан қолмайди. Мен буни доим назорат қилганман. Бундан кейин яна қаттиқроқ назорат қиламан. Булар сизга нисбатан ваҳшийлик кўрсатишгани учун ҳам, ҳали чиғириқдан ўтишади, ўғлим. Ҳаммасининг терисини шиламан! Мен сизга буни очик ваъда бераман... — Хона соҳиби давлат идорасидаги раҳбарлардек столини чертиб, негадир узоқ ўйга толди. — Хўш, бизга айтадиган нима гапларингиз бор? — сўради ниҳоят ундан.

— Менинг сизларга айтадиган гапим йўқ, — деди у.

— Аниқми?

— Аниқ...

— Яхши, — деди чўтиргилай. — Эҳтимол, шундай бўлгани маъқулдир... — Тортмани очиб, кутилмаганда такалифнома қоғози, гувоҳнома, эски қопчиқни олганича, стол четига суриб қўйди. — Булар сизники, ўғлим... — Эшик ёнида турган йигитларга юзланди: — Бу йигитни катта йўлга чиқариб қўйинглар...

У хона соҳибининг гапини диққат қилиб, ажабланиб эшитганига қарамай, бу одамнинг самимиятига кўнглида ишонмаган эди. Ниқоб тақиб, ҳар қадамда минг бир қиёфага кирадиган корчалон кишилардан шафқат ёки марҳамат кутиш ортиқча. Бундай одамлар аксари фақат манфаат юзасидан иш тутиб, керак бўлса, туққан онасини ҳам алдаб кетади. Бунинг усти-

га, у бир ўлимни бўйнига олган, ҳаммаси тугади, деган қарорга келган эди. Лекин ҳозир ялтироқ таклифнома қоғози, гувоҳнома, бир ҳовуч сариқ чақа солинган эски қопчиқ кўлига тегиб, катта йўл тўғрисидаги буйруқни эшитгач, юрагида умид йилт эди. Эй Худо, наҳотки, бутун қийноқлар орқада қолиб, менга қайтиб озодлик насиб қиялпти, деб ўйлади.

Сипо йигитлар учинчи қаватга олиб чиқишган пайтда, атрофга қараб кун билан туннинг фарқига борадиган аҳволда эмасди. Тўрт йигит етагида кенг-мўл хонани тарк этиб, зинадан пастга тушаётганида, барча чироқлар ёниқ, демакки, тун эканлигини пайқади. Мени бу ерга келтиришган кечадан буён неча тун ўтди экан, тушунмаяпман, деган гап хаёлидан кечди.

Ниҳоят, оқиш-қизғиш бинодан узоқлашиб, йигитлар уни нимқоронғи, эгри-бутри йўлқадан олдинга бошлаб кетишди. Шу аснода у эс-ҳушини йиғиб, ўзини маъна бўлаётганини англашга уринди. Бурҳон Шарифни душман деб билган кишилар уни бекордан, осонликча қўйиб юборишлари ақлга сизмайди! Еганича калтак еди, энди ҳарҳолда қадамини ўлчаб босади, деб тутқунликдан бўшатишган бўлса, бунга чидаш мумкин. Аммо кўчада бир қур айлангириб, ўзини қандай тутишини томоша қилиб, қайтиб ичкарига олиб кетишса-чи? Ёки унга ишонмай, шубҳаланган, изидан тушиб текшириш, кейин чора кўришни ўйлаган бўлишса-чи? Мабодо, Бурҳонни қўлга туширишиб, уни қўйиб юборишмадимикин? У «меҳмон» бўлган бинодаги хоналарда кимлар бор, қачон тугилган — билиш қийин!... Афтидан, бинода унга юзлашганлар корчалонларнинг энг катталари эмас. Ундайлар ўзиникиларга ҳам бемалол кўринавермайди, парда орқасида туриб иш тугади, дейишади. Лекин улар ҳамма нарсадан хабардор, унинг қисматига тегишли кўрсатмани ҳам ўшалар беришган, албатта: Фақат, кўрсатма нимадан иборат?! У умидланганидан кучга кириб, дадил олдинга кетяпти-ю, нега юраги орқага тортяпти? Ҳозир кўнгли бунчалик вазн бўлмаслиги керак эди-ку!..

Ярим соат чамаси юришгач, икки томони қуюқ дарахтзор йўлка тугаб, рўпарада ялтираб, тунда дарёга ўхшаб ётган йўл, маржондек тизилган чироқлар кўринди.

— Ана, катта йўл. Бу ёғига ўзингиз боравурасиз, ока, — деди унинг худди пинжига суқилиб келаётган йигит.

Ҳамроҳлари узилиб қолишиб, у ҳамон нима бўлаётганини англаёлмаган кўйда секин илгарилади.

Беш-ўн қадам босгач, беихтиёр тўхтаб, орқага эҳтиёткор ўтирилиб қаради. Қаради-ю...

Йигитлар гуҳ бўлиб, қотиб туришганини, олдинга чўзиқ узун бир қўлни кўрди.

Шу пайт тўппонча қарсилаб отилди.

У оёғи ердан узилиб, яна ерга теккандек ҳолатни туйди. Чайқалиб кетди. Бироқ йиқилмади. Энди ўзи учун ҳеч нарсанинг аҳамияти йўқлигини ҳис этиб, йигитлар томон мағрур ўтирилди.

Тўппонча кетма-кет қарсилади.

У ўзи истамаган, кутмаган ҳолда тиз чўқди. Сўнг ерга оҳиста чўзилди.

Пичирлаб фақат биргина сўз — Ҳалима, деди...

Ерган

Ўзин баланг кўтариб,

Қайтиб

ерга ургандек шамол —

Чўққиларни бир қатла кўриб,

Ногоҳ қулаб кетдим,

ойжамол.

Қулаб кетдим —

Узилиб кундан,

Бошим билан

тун деган жарга.

Айтган каби, қисматинг менман,

Кўз олдимга

тортилди парда...

ИККИНЧИ МАНЗАРА

ПАРВОЗ

6

Унга негадир ўзи қоқ-қоронғи, узун бир йўлакда кетаётгандек туюлди.

Анчадан кейин, йўлак тугаб, офтоб чарақлаб турган ажиб бепоён зангор водий бошланди.

У ўзининг ҳавода илгар-илғамас заррадек енгил парвоз қилаётганини сезди. Водийни узоқ айланди ва бирдан...

Зангор водий ўрнида катта йўл этагидаги кимсасиз, ғариб дарахтзорга келиб қолди...

қуриган бир дарахт остидаги чуқурликда шох-шаббага кўмилиб ётган қандайдир жасадни кўрди...

жасад унга жуда-жуда таниш эди...

эй, бу мен-ку, деб юборди тикилиб туриб.

У жасади қобиқ сингари ерда ётгани, ўзи эса ту-хумни ёриб чиққан паррандаги ўхшаб учиб юрганига ниҳоятда ажабланди.

Инсон дунёда фақат бир марта яшаб, бир марта ўладиган ожиз банда эканлигидан, ўзининг кейинги қисматини аниқ билмайди.

Одам ўлганида, одатда, жисмининг ҳаёти тугайди, жон, руҳ абадий қолаверади, деган гап унинг қулоғига чалинган, буни қаердадир ўқиган ҳам эди. Аммо барча одамлардек, худди шундай бўлишини тириклигида у ҳам хаёлига келтирмаганди! Ҳозир ўзича, сен қайси эътиқодга бўйсунмагин, ўтганларни хотирлаб зиёрат қилиш, шам ёқишлар муқаддас саналиши бежиз эмас экан-да, деб ўйлади. Нечундир «арвоҳ» сўзини, сўнг арвоҳ-капалакни эслади.

Боя айланиб чиққан бепоён зангор водий уни им-лаб, қайтиб боришга чорлаётгандек эди. Бироқ чуқур-ликда ётган жасадга тикилиб турганича, шўрлик, жа-фокаш инсон, деган фикр хаёлидан кечиб, ачиниб кетди ва бу жасаддан узилгани билан барибир узоқла-шолмаслиги, демакки, ҳали-бери зангор водийга бо-ролмаслигини ҳис этди. Офтоб чарақлаган ажиб во-дий энди ҳозирча унинг учун шунчаки умид манзили бўлиб қолди!

Бу дарахтзорга у туйқусдан келиб, аввалида бего-надек лоқайд-бепарво яқинлашганига қарамай, шох-шаббага кўмилиб, бузилиб-иркитланиб ётган жасад ўзиники эканлигини аста-секин бутун даҳшати билан англай бошлагач, изтиробга тўлиб дам сайин чуқурлик устида нотинч парпираб-чарх уришга тушди. Жисми токи ором топмагунча унга ҳам осойишталик насиб этмайдигандек эди.

Шу алфозда озми-кўпми вақт ўтиб, ахийри ала-қандай юк машинаси катта йўлда кетаётганича, да-рахтзорга етганида тўхтаганини кўрди. Машинадан

бир неча ҳарбийлар ерга сакрашди. Улар дарахтзорни чангитиб кезишган кўйи жасади олдидан чиқиб қолишди. Қуриган дарахт остида, чуқурлик атрофида тўпланиб, бир-бирларига сўз бермай чуғурлашишди.

Кейин, улар жасадни чуқурликдан олиб чиқишди. Чўнтаklarини кавлаштириб, бор нарсани кўздан кечиришди.

Кейин, қаёққадир ғойиб бўлишди.

Кейин, яна пайдо бўлишди. Уларга эргашиб, ўз машиналарида миршаблар, тиб ходимлари ҳам келишди. Дарахтзорда катта бир оломон йиғилди.

У ҳамон ўз жасади теппасида маънос учиб-парпирар, жисмини тезроқ ерга топширишларини интиқ кутар эди. Лекин ҳозир бунга ҳеч ким шошмасди.

Миршаблар жасадни суратга туширишди. Бўй-энини ўлчашди. Негадир жасадан катта йўлгача ва эгри-бугри йўлкагача масофани ҳам ип тортиб кўришди.

Эгни-устини текширмоқчи бўлиб, у ёқ-бу ёққа ағдаришаётганида, уларнинг бошлиғи олдига ҳарбийлар бошлиғи келди.

— Биласизми, бизнинг қисмимиздан биров қочган эди. Шунини қидириб юриб, буни кўриб қолдик. Манови чуқурда экан. Афтини танимагандан, олиб чиқдик. Бўлмаса, тегмасдик, — ҳарбийлар бошлиғи уялгандек, икки бети қизарди. — Чуқурни ҳам балки текшириш керакдир. Ундан ташқари, ёнидаги ҳужжатлар менда эди, марҳамат!..

Миршаблар бошлиғи эски қопчиқ, гувоҳнома, таклифнома қоғозини алақандай беписандлик билан қўлига олди. Биринчи навбатда гувоҳномани очиб, кўз югуртирди.

— Ие, Бурҳон Шариф-ку! — деди бахос илжайганича. Ҳаяжонланиб, жасада энгашиб қаради. — Ҳа, Бурҳон Шариф экан! — деди ўзининг зийраклик қилиб таниганига хурсанд бўлгандек ҳолатда. — Биз бу одамни яхши биламиз! Телевизорга кўп чиқарди. Газеталарда қанда қилмай сурати босилиб турарди. Лекин кўча-кўйда ҳам оддий одамдек юраверарди. Жуда зўр одам... эди! Энди ҳаммаси тушунарли. Душманлари уни қийнаб, отиб ташлашган. Мен ўзи, бир куни шундай бўлмасмикин, деб қўрқиб юрар-

дим!.. — Миршаблар бошлиғи сўзини олижаноб кишиларга хос хўрсиниб, ғамгин оҳангда тугатди.

Икки бошлиқ ўртасидаги бу суҳбат уни эсанкиратиб қўйди.

У, мен кимман ўзи, деб ўйлай бошлади. Ва мана энди сўнгги кунларда рўй берган бутун воқеалар бирма-бир ёдига тушиб, баданини ўқ тешиб, кўкариб-қорайган, дабдала ҳолда, оёқ остида ётган жасадига олдингидан баттар ачиниб кетди.

Худди шу сонияда бошқа бир нарса унинг диққатини жалб этди: одам эмас, қоғозга қараб иш тутишга одатланган кишилар Бурҳон Шариф билан уни яна адаштиришяпти!

Албатта, Бурҳон Шарифга ўхшашни у ҳамон ор деб билмайди. Лекин...

Тириклигида, корчалонлар ҳузурда Абдулла Бурҳонга «айланган»идан иззат-нафси оғримаган, норозилик туймаган эди. Дўсти, биродарини сотмаслик, хиёнатга йўл қўймаслик учун ҳаттоки атайин Бурҳон Шариф «бўлиб олган», бундан ўзича ифтихор ҳам сезган эди! Ўлганидан кейин, ҳозир — бу ерда эса, ўзини қандайдир камситилиб-тахқирланаётгандек ҳис этди. Гап шундаки, яхшими, ёмонми — ҳар кимнинг ўз гўри-кафани бор. Ахир, қандай бўлмасин, тупроққа топширгунларича, одамлар Абдулла Ҳаким деган киши ҳам дунёда яшаб ўтганини билишлари керак-ку! Дунёдан ўз исми билан кетишдек оддий бир насибага, наҳотки, у ҳақли эмас!

Сўнгги кунларда, мен Бурҳон Шарифман, деб туриб олган Абдулла, ҳозир беихтиёр бўғилиб, сизлар тирик инсонсизлар, ўз ишларингга жиддийроқ қаранглар, биродарлар, ахир, мен бошқаман, деб бор овозда ҳайқиргиси келди. Аммо жисм билан руҳ биридан узилганида, жисм ҳам, руҳ ҳам гапиролмас экан! У ўзининг безабон эканлигини пайқаб, паршонланиб қолди. Абдулла ўлганидан кейин ҳам, Бурҳон Шариф билан унинг киндиги узилмаган экан! Демак... демак, биргина чора — бу англашилмовчилик, бу даҳмазалардан ниҳоят қутулиб, осойишталик топиш учун, у фидоийларча иш тутгани ҳаққи, Бурҳон Шариф ҳам энди унга қандайдир ёрдам бериши керак! Худди шундай: Бурҳон Шариф тезроқ ёрдамга етиб келишини кутишдан бўлак илож йўқ!..

Миршаблар қотиллик юз берган жойни ахийри текшириб бўлишиб, одамлар қуршовида, ерда чўзилиб ётган жасадни замбилга солишганча, тиб ходимлари миниб келган машинага ортишди.

Жасади билан бирга, у ҳам машинага кўнди.

Машина йўлга тушди.

Бу — уч-тўрт кун бурун кўрган, унга таниш ўнқир-чўнқир, дала-дашт йўли эмас, афтидан, тўғри шаҳарга борадиган катта йўллардан бири эди. У, кетганимда нега мени бу йўлдан олиб кетишмаган экан, деб ажабланди.

Куз кун, кечки пайт эди. Шаҳар олисдан ботаётган қуёш нурлари остида алволаниб, бўртиб кўзга ташланарди. Ажиб мискин, шунинг баробарида, улуғвор, жозиб эди!

Шаҳарга қараб боришаётиб, у қизик ҳолатни туйди.

Бутун ҳаётида шаҳар билан фақат бир марта сокин, осойишта юзлашган эди. Кейин, кириб келганида, ҳар гал — Ҳалимани кўришга шошган, айрилиб қолгач, барибир эслаган, қўмсаган, ҳаяжон бўғзига тикилиб, яйраган, азобланган эди! Унинг учун шаҳар — Ҳалима эди!

Ҳозир ҳам, жасади ёнида кетаётганини унутганча. Ҳалима ёдига тушиб, совиган жисми билан қоришиб-бирлашгандек кўйда ҳаяжондан титраб, тириклик пайтидаги сингари саросималаниб қолди. Буниси майли, севгилисига тўлиқиб илтижо қилаётгандек бўлди...

*Сен йўқладинг яна бехосдан,
Яна қайтиб*

нурланди хаёл.

Ҳам самимий, ҳам соҳибжамол —

Дунёдаги ягона АЁЛ! —

*Юксалмоқда руҳим
парвоздан.*

Мен бир қушман,

яраланган қуш.

Бағримдагир

умид ва армон.

Менга берар қайтадан гармон,

Берган каби гўёки фармон —

Ўша дилкаш

илоҳий товуш!

Мен
бу кунни кутгандим йиллар,
Сенга қилиб
фақат илтижо.

Мана,
Келди гўзал бир гунё!
Бир кун
тошиб-оққандек гарё,

Кутганига
курғоқ соҳиллар.
Менинг
кўкдан қулаган руҳим —
Кўкда

бугун урар гирдибог.
Ҳаёт — энди бўлгандек бунёд,
Бунёд бўлиб —
сендек паризог...
Менинг севинч,
менинг андуҳим!..

Шу аснода, у ўз ҳолатига ўзи ажабланди: жисм ва руҳга — иккига бўлиниб, икки одамга ўхшаб турганида, Ҳалимага бағишлаб қачонлардир ёзган шеърлар ҳамон унинг хаёлида айланмоқдами?! Азалдан инсон қўрқиб-ваҳимага тушган ўлим, аслида, ҳеч нарса — шунчаки бошқа намоёишга киришдан иборат эканми?! Абадиятга иқрор бўлиб, табиатдаги доимий шакл ўзгаришини яхши билганингга қарамай, ҳаётнинг одатдагидек бундай давом этишига нечундир ақл бо-вар қилмайди! Бу алақандай буюк бир телбаликка ўхшайди!

У ҳозир Ҳалиманинг ўз ёдидан кўтарилиб кетмаганига ҳам ажабланди. Мен энди бундан сўнг, жасадим дафн этилиб, зангор водийга борганимда ҳам — ҳеч қачон Ҳалимани унутмасам керак, деб ўйлади. Албатта, бу Ҳалимага боғлиқ. Ҳалима мени эслаётган бўлса керакки, мен ҳам эсладим! Руҳлар орасида хабардорлик бор нарса, биз фақат бунга кўпинча аҳамият бермаймиз, дейишади-ку!

Йўлда алам-изтиробга чулғаниб кетаётган эди; унга, севгилисини эслаб, бир оз таскин-тасалли насиб этгандек туюлди.

Кеч қоронғиси тушаётганида машина шаҳарга етиб келди.

Муъжазгина касалхоналардан биридаги икки ён томонида баланд сўрилар бўлган, эски ҳаммомларни

эслатган бадбўй, ифлос бир хонада жарроҳлар Абдуланинг баданидаги ўқларни олиб ташлаб, яна нимадир излагандек, жасадни бемалол тилкалаб чиқишди. Ниҳоят, ҳидни кеткизадиган суюқ-бинафшаранг дори билан ювиб, жасадни узун-юпқа бир халтага солиб қўйишди. Буришиб-бужмайиб, пўст ташлаган қўллари совун билан узоқ ишқалаб ювиб, жарроҳлар шундан сўнг ўша хонанинг ўзида, бир чеккада ўтирганча, терговчилар учун ўлимнинг содир бўлиши сабаблари тўғрисида шошмасдан хулоса ёзишди. Буларнинг ҳаммаси офир, кўнгилсиз, даҳшатли эди.

Инсон дунёда барча кўргиликларга чидаши мумкин, бироқ ўлигим хор бўлмасин, дейди. Ҳалиманинг олдидаги гуноҳини айтмаганда, одамлар, ҳаёт олдида ҳеч қандай айби йўқлигига қарамай, ваҳшийлик, номардлик натижасида унинг ўлиги хор бўлган эди. Ҳаммадан ҳам даҳшатлиси — бу аёвсизлик яна қанча давом этишини билиб бўлмасди!

Кутилмаганда хонага идорада Абдуллага ўхшаб оддий вазифада ишлаган йигитлар, Ҳасан ва Очил деган унинг тенгдош дўстлари кириб келишди. Шу паллагача нуқул оворагарчилик кўрганидан, миршаблар бунчалик тез ҳаракат қилиб, идорадагилар бундай дарров — шу оқшомнинг ўзидаёқ, қаёқдандир одам топиб юборишади, деб ўйламаган эди. Дунёда ҳар қалай инсоф йўқ эмас экан! Хайрият!

Ҳамкасблар хонадаги навбатчи ўсмир билан қизга қороз кўрсатишиб, уларнинг қўлига негадир пул ҳам қистиришиб, жасадни қийналиб кўтаришганча, эшикка йўналишди. У бир оз суюниб, ҳовлиқиб, уларнинг изидан капалақдек учди.

Ҳовлидаги тор бир йўлкада йигитларни енгил машина кутиб турарди.

8

Тун алақачон бошланган, кўчаларда одамлар сийрак тортишган эди. Лекин уммондаги кемалардек, машиналар ҳамон бир маромда юзишмоқда. Шаҳар ўзининг тирикчилиги билан банд.

Дўстлари минган машинага ўрнашганича, йўлда кетишаётиб, унинг хаёлига биринчи навбатда, энди бизни қаёққа олиб боришаркин, деган гап келди. Жасадни касалхонадан тўғри қабристонга олиб бо-

ришмайди, албатта. Сен қайси аҳволда, Бурҳон Шарифми, Абдулла Ҳакимми — ким бўлмагин, ўзбекчилик — расми-русмга риоя қилмай қўйишмайди! Фақат, буни қаерда амалга оширишади? Бундан ҳам олдин, ҳозирги турқи-тароватига қараб, ҳамкасблари Абдуллани танишганмикин?! Улар танишган тақдирда, бир-икки кўришган, яхши билишганига қарамай, барибир, ижара уйда уни кутган ҳам, кузатадиган ҳам йўқ! Демак, идорага олиб бориб ўша ердан чиқаришадими?!

Тўхта! У олдинги ўриндикда ўтириб кетишаётган оғайнилари келишгандек баббаравар хўрсинишганидан, сергакланди. Сен аввал булар нималар дейишини эшитишинг керак!

— Эй, падарига лаънат, дунё шу экан! — деди машинани ҳайдаб бораётган Ҳасан, кўп ўтмай, паст товушда.

— Бечора... Одам ишонгинг келмайди. Мен хабар топганимда, бирдан тахтадай қотиб қолдим. Ўзимча, биронтаси ҳазиллашаётгандир, деб ҳам ўйладим, — тўнғиллади дўсти сингари овозини кўтармасликка тиришиб, Очил.

— Вақтида одамнинг қадрига етмаймиз. Кейин, қарасанг, пақ этиб...

— Ўлим-ку, ҳамманинг бошида бор. Лекин бунақаси... ёш, тоғдай йигит! Шуниси ачинарли!

— Ўзи бу бошқача эди. Тўғри, самимий. Айниқса, ҳеч кимга ўхшамаган чиройли, боладай содда куларди.

— Хотини, албатта кунини кўриб кетади. Болаларига қийин! Ўғли олти, қизчаси энди тўртга кирган экан...

— Биз майли, катталарни айтаман. Ўзи ҳеч қачон ўлмайдигандек муомала қилишади. Биронтаси бундай қўшилиб келмади. Ҳаммасининг шу кеча онаси туғиб ётибди.

— Улардан ҳам ортиқча хафа бўлмаслик керак. Ҳозир идорада ярми одам йўқ. Учтаси сафарда, иккитаси дам оляпти. Бизни имилламай уй-уйдан топтириб, юборишганига ҳам шукур!

— Дарвоқе, ҳалиги... Абдулла кўринмайди? Уйига кетмаганми, ишқилиб?

— Ичиб олиб, кайф устида қишлоғи эсига тушиб, кетган бўлса, балки кетгандир. Ким билсин! Баъзан шунақа одати бор. Онасининг қабри устида ётиб,

бир-икки кун обидийда қилиб, қайтиб келади. Лекин шу зиёратни айтмаса, қишлоқда унга кўзи учиб турган киши қолмаган.

— Менимча, ишга келмаслик учун албатта унинг қишлоққа бориши шарт ҳам бўлмаса керак.

— Ҳеч шарт эмас! Умуман, бирон ерда санқиб юрган ёки думалаб ётган бўлиши ҳам мумкин. Ўз дўстимиз-ку, аммо қаттиқ ичиши барибир ёмон! Биров эшитмасин, икки ойча бурун ҳушёрхонага тушиб қолган экан. Бурҳон Шариф бориб, миршаблардан илтимос қилиб, олиб чиққан.

— Бурҳон Шарифнинг бағри кенглиги! Бу шундан фойдаланиб юради. Энди унақа ҳимматли одамни тополмайсан! Орқасига тепиб ҳайдашади.

— Мен ҳам уни бирон ҳунар кўрсатмадим, деб ҳозир ўзимча кўрқиб ўтирибман. Мавриди эмас. Бу ёқда Бурҳон Шариф ўлмаганида ҳам, билинмасди.

— Аввалдан бир қамчи шоирлик ҳам бор шекилли, бу болада?

— Бор. Шеър-пер ёзиб юради. Тўрт-бешта нарса-си чиққан. Лекин бундай шеър ёзаман, деб қишлоқдан келадиган кўп. Баъзиси уйланиб, баъзиси ичиб йўқ бўлиб кетади. Ҳозирги замонда анча-мунча китоби чиққан одамларни ҳам биров менсиб, дарров шоир деявермайди. Булар-ку, шеърга ишқи тушган шунчаки ҳаваскор...

Ҳасан билан Очил шундан сўнг — бундай пайтларда кўпинча бўлганидек, — отнинг пишқирганига ўхшаб, яна бир карра хўрсиниб қўйишди.

У Бурҳон Шариф тўғрисидаю ўзи ҳақда оғайнилар қайси йўсинда сўз юритишлари мумкинлигини ҳеч қачон хаёлига келтирмаган, бундай очиқ гапни илк дафъа эшитиши эди! Одамлар одатда, юзингга қараб эмас, орқадан сенга тўғрироқ баҳо беришади, тириклингда сен буни билишинг керак эди, деб ўйлаб, алланечук ўкинди. Аммо шу дамда бу муҳим эмасди... Ҳамкасбларига қўшилиб касалхонани тарк этишганида, у, биродарларим ҳарҳолда миршаблардек адашишмагандир, дардисар бу жасадни, қандай турқи-тароватда бўлмасин, албатта танишгандир, деб умидланган эди. Бундан ташқари, «Бурҳон Шариф қаерда юрибди экан?! Сафари тугаб, идорага, уйига қайтганмикин?!» — деган хаёлга борган, балки қайтгандир, деб ҳам умид қилган эди. Шу боисдан, энди бутун иш ха-

мирдан қил суғургандек осон кўчади, ана-мана — жасадимни тупроққа элтиб топширишади, шу билан ҳаммаси тамом, деб ўйлаган, ишонган эди! Тенгдош-дўстларининг гап-сўзларига диққат қилиб, у бир лаҳза бурун сеза бошлаган осойишталик яна барбод бўлди. Дунёда қоғоздан қоғоз туғилиб, кейин иш чигаллашиб кетавериши қонуният эканлигини ҳис этди. Миршаблар тўлдирган қоғозлар ҳам аллақачон ҳаракатга келиб, муайян бир таассурот уйғотишганига шак-шабҳа йўқ эди!

Бироқ шу паллада у негадир ўзидан кўпроқ яна Бурҳон Шариф тўғрисида ўйлаб, ташвишлана бошлади. Унинг изтироб чекаётгани майли, бу ҳолда Бурҳон Шарифга жабр бўлмайдами?! Икки ўртада Бурҳон Шариф куйиб қолмайдами?!

Айни фурсатда пайқади: ҳа-а... унинг жасадини машинада ўзининг ғариб кулбаси ёки идорага эмас, Бурҳон Шарифнинг уйига олиб кетишяпти!..

9

Эскидан шаҳар ҳаётининг эзгу жиҳатлари билан бирга, бемаъни томонлари ҳам кўп.

Масалан, у шунча яқинлик, қадрдонликка қарамай, Бурҳон Шарифнинг уйини кўрмаган; тахминан биларди, холос. Фақат у эмас, манови йигитлар ҳам олдин ишлари тушмаган; ана, қўлларида қоғоз, машинани ҳар дамда тўхтатиб, ундан-бундан суриштириб, кўчадан-кўчага ўтиб юришибди.

Ниҳоят, машина беш қаватли кўримсиз бир уйнинг олдига келиб, уч-тўрт киши куйманиб турган йўлак эшигида тўхтади. Кейин, одамлар пичирлашиб, нима-нидир шошмасдан, узоқ машварат қила бошлашди.

«Эй Худойим, бахтиқаро банданга бундан бўлак жазонинг йўқмиди?!»

У ҳаттоки тириклигида ҳам ҳис этмаган чексиз-баёнсиз гуссага чулганган эди! Энди ҳамма нарса ҳал бўлди. Энди Бурҳон Шарифдан, етиб келиб, бирон ёрдам кўрсатишидан умид йўқ. Энди тақдирга тан бериш керак... Уни бировнинг номи билан, бировнинг уйидан чиқаришади! Бировнинг бола-чақаси унинг бошида айтиб йиғлайди! Бировнинг кафани, бировнинг тобути!.. Ўша, бировнинг ўзи эса, бу гаплардан беҳабар, қаерлардадир юрибди! Қани, мен бошқаман, деб ҳайқира олсангу сени кимдир эшитса!..

Энди у жасадини тезроқ ювиб-кафанлаб, кўмишларини кутиши керак, вассалом! Қанчалик ўрнатиб-азобланмасин, бу барибир натижа бермайди!..

Йўлак эшигида тўпланганлар ахийри машинадаги «юк»ни кўтаришиб, инқиллаб-синқиллаганча, бешинчи қаватга олиб чиқишди. Чироқ порлаб турган, деразалари ланг очик хона ўртасига ётқизиб қўйишди.

У ҳам жасадига эргашиб келганича, дераза текчасига беозор қўнди.

Уйни йиғи-сиғи, нола-фарёд тутган эди.

Аммо хонада ҳали биронта ҳам аёл кўринмасди. Эркаклар бир-бирлари билан ҳамон пичирлашиб, хонада негадир чарх уришарди. Улар жасад атрофида анча уймалашишди. Юзини очик қолдириб, тоза бир матога ўрашди. Хона ўртасига янги бир қалин кўрпача тўшашди.

Шундан кейин, эркаклар хонани тарк этишгач, учтўртта ёш-қари аёл кириб келди. Улар қариндош-уруғлар бўлишса керак, бошларини чайқаб, кўзёш тўкиб, номард дунёни астойдил қарғашди.

Кейин, бўшаган хонага кўк кийиб, бошини ҳам кўк дурра билан танғиган, Бурҳон Шарифнинг хотини бўлса керак — миқти бир жувон юлқиниб, телбаланиб кириб келди. Ўзини тўғри жасаднинг устига отди. Инграниб, ожиз йиғлашдан муштлари билан кўксига уриб, аста-аста қаттиқ надомат чекишга ўтаверди. Бошидаги дурраси бўйнига сирғалиб тушди. Сочларини, юзини юлиб-тимдалай бошлади.

— Бегим! — нидо қилди жувон. — Ўргилай, бегим! Сизнинг ўрнингизда мен ўлсам бўлмасмиди, бегим! Мени, болаларингизни кимга ташлаб кетяпсиз, бегим! Бизга озгина раҳмингиз келмайдими, бегим?!

У жувоннинг ночор аҳволини кузатиб туриб, беихтиёр кўнгли бузилгандек бўлди. Бурҳон Шариф, жила қурганда, ҳозир остона кечса, нима қиларди! Бу даҳмаза, бу дилсиёҳликка чидаш мушкул! Лекин кейин иш бундан ҳам оғир кўчади. Наҳотки, Бурҳон Шариф — ақалли юрагида, қандай савдолар юз бераётганини сезмаётир?! Наҳотки, иш деб, ташвиш деб, дунёни унутиб қўйган Бурҳон Шариф?!

Куз кечалари ҳамиша салқин, нотинч, кўнгилсиз бўлади.

Ана, бу тун ҳам аёз туриб, тўзон кўтарилиб, кутилмаганда шатир-шутирлаб, эзганича ёмғир ёға бошлади.

Унга ҳозирги ҳолат билан бу ёмғирда табиий бир
уйғунлик бордек туюлди...

Ёмғир ёғар.
Ёғар ёмғир.
Булуғт йиғлар.

Кўк йиғлар...

Бу —
балки, илк кўшиқлардир,
Балки,
сўнги кўшиқлар?! ...

Ҳеч ким билмас!
Билмас шоир—
Гарчи

ҳислар илоҳий.

Ёмғир ёғар.
Ёғар ёмғир.
Умид — қалбнинг паноҳи.

Бу дунёда мангулик бир
Нарса йўқ,

гер ошиқлар.

Мен билмадим...
Ёғиб ёмғир,
Ёғмоқдадир

кўшиқлар!..

У қачонлардир ўзи Ҳалимага бағишлаб ёзган шеърларни нега яна эслаётганига таажжубланди... Ўз мурдаси ёнида, мотамхонада эканлигини ўйлаб, хижолат чекиб, ҳамон йиғлаб, чуқур ҳасратга чўмиб ўтирган миқти жувонга секин, кўрқа-пуса қаради. Жувоннинг аҳволи чиндан аянчли эди.

Бироқ бу гал у жувонни фақат четдан шунчаки кузатиб қолмай, олдин кўрмагани учун ҳам, Бурҳон Шарифнинг рафиқаси шу экан-да, деб қизиқсиниб, афти-ангорига эҳтиёткорлик билан разм солди. Кейин...

Эси оғиб, ногаҳон бақа бўлиб қолди.

Тавба! Ахир, бу... Ҳалима-ку!

Хона ўртасида бошидаги дурраси бўйнига тушиб, куйиб-адо бўлган бир кўйда ўтирган жувон албатта олдинги Ҳалимага кам ўхшарди. Йиллар ўтиб, жуссаси ҳам, қиёфаси ҳам ўзгарган. Лекин барибир бу — ўша Ҳалима эди! Одам танимайдиган шу ҳолатда ҳам, у Ҳалимани таниди!

Эслаб, кўмсаб, кўчаларда тентираб излаганида, Ҳалиманинг шундай ўз яқинида, қадрдон бир уйда эканлиги унинг хаёлига келмаган эди. Тақдирнинг ўйинини кўрмайсизми!

Шу кунлар — Бурҳон Шариф унга, у Бурҳон Шарифга айланиб кетганида, икки инсон ҳаётининг гирдибоди қизиқ бир нуқтада ниҳоясига етади, деб ҳам ўйламаган эди. Тақдирнинг ўйинини кўрмайсизми!

Қандай бўмасин, Ҳалима ундан, у Ҳалимадан қочиб қутулолмаганди! Унинг жасади бошида Ҳалиманинг мотам тутиши қонуният эди!

Қочиш мумкин
дарддан, балоган.
Қор-ёмғирдан.

Нохуш ҳаводан.

Балки, сукут.

Балки, садоган...

Муҳаббатдан қочиш
қийинроқ.

Бахтдан қочиш мумкин.
Бемалол.
Бахтсизликдан?

Мумкин. Эҳтимол.

Сен
ўзингдан

қочарсан яққол...

Муҳаббатдан қочиш
қийинроқ.

Бу не тушки,
сени уйғотган —
Солиб бутун юракка титроқ.
Мумкин қочмоқ ҳатто ҳаётдан...
Муҳаббатдан қочиш
қийинроқ.

У ўзини овутиб-алдаб, ўзича йиллар бўйи инониб юрганига қарамай, аслида, Ҳалима уни унутган эди!

Ҳалима унга эмас, Бурҳон Шарифга меҳрини изҳор этиб, у эмас, Бурҳон Шарифни ўйлаб, кўксини пора қилаётгир!

Адашиб-улоқиб, уйи эшигидан кирган бу жасад Абдулланики эканлигини Ҳалима билгани ҳам, кейин сезгани ҳам йўқ!

Аммо буни ҳис этиб, ҳозир у Ҳалимадан ўпкаланмади. Ҳалимани бевафо деб айбламади. Ўз қисматида ўксинмади ҳам!

Дунёда мард бўлиш керак! Айтиш қийин... Абдулла билан икки томчи сувдек ўхшаш келгани учун, Ҳалима Бурҳон Шарифни ёқтириб қолгандир?! Ёки, ҳаёт йўлида учратиб, Бурҳон Шарифни Абдулладан ҳам кўпроқ севгандир?! Ёки, Бурҳон Шарифга нисбатан одамларнинг меҳрини туйиб, Ҳалиманинг юрагида ҳам чексиз меҳр уйғонгандир?!

Умуман, Бурҳон Шарифни яхши кўрмай бўлмайди! Ахир, яхши кўрганидан, Абдулланинг ўзи унга ҳаттоки жонини топширди-ку!

Ҳалима бекорга нидо қилмапти:

— Бегим! Ўргилай, бегим!..

У ҳозир яна бир нарсани ҳис этди: Ҳалима тўғри-сида энди ҳадеб ўйлайвермайди! Ҳалимага бағишлаб ўзи бир пайтлар ёзган шеърларни ҳам энди ҳеч қачон эсламайди!..

10

«Аввалдан рўй берган англашилмовчиликни охиригача тузатиб бўлмади. Бурҳон Шариф етиб келмади; ҳеч қандай ёрдам кўрсатолмади. Демак, бу иш ўз роҳи-равишида тугайди!»

Шундай фикрда тўхтаб, тақдирга тан берган бўлса-да, ўша кечаси ҳам, эртаси кунини ҳам у барибир, Бурҳон Шариф балки етиб келар, даҳмазани бартараф қилишга уринар, деб кутди. Алланечук умидланди.

Тун ўтиб, тонг ёришиб-ёришмасдан уйга эркак-хотин, одам ёпирилди.

Унинг жасадини ювиб-кафанлаб, омонатгина «кийинтирган» бўлишди. Кейин, тобутга солиб, усти очиқ машинада йиғи-сиғи билан ўзи ишлаган идорага олиб келишди.

Идора биноси пешайвонидаги баланд бир тахта устига тобутни ўрнатиб, ярим соат чамаси атрофидан айланишди. Шундан сўнг, мотам мажлиси ўтказилди.

У ўз жасади пойида ҳуркибгина ўтирар, тирик одамлар ёқтирадиган керакли-кераксиз расми-русмлардан толиққан эди.

Видолашиш учун келганлар пешайвонга сиғмай, кўчагача тошиб чиққан эди! Одамнинг бундай кўпли-

гидан у бир томондан, хижолат чекиб, иккинчи томондан, баттар сиқилиб кетган эди. Одамлар албатта Бурҳон Шарифни ҳурмат қилиб келишган, тўпланганларнинг аксарини у тириклигида узоқдан ҳам кўрмаган эди!

Аммо шу палла ақл бовар қилмайдиган бир ҳолат уни, айниқса, қийнаб, саросималантириб қўйган эди.

Идоранинг энг катта раҳбари — Бош бошқарманинг бошлиғи пинжида, бутун видолашув маросими давомида бир қадам ҳам жилмай... у ўлими олдидан, тақа шаклида қурилган уч қавватли оқиш-қизғиш бинонинг учинчи қаватида юзлашган чўтир-ғилай киши турарди. Чўтир-ғилай худди ўз фарзандидан айрилиб қолган отага ўхшаб, афтидан, қаттиқ изтироб чекар, қўлида рўмолча, кўзларини ҳадеб ишқалаганча, артиб қўяр эди. Бу ҳам майли, бошқарма бошлиғи, елкаларини сийпалаб, ғилайга таскин-тасалли беришга уринарди.

У, дала-дашт қаъридаги бинода ўзи билан маҳзун кўйда, дўстона-беозор гаплашган бу одам тўғрисида ҳозир беихтиёр, менинг ўлимимни истамаган, қўли остидаги сипо йигитлар эса, бунга итоат қилмай, барибир ўлдиришганмикин, деган хаёлга борди. Лекин тезда, ундай бўлиши мумкин эмаслигини ўйлаб, ўшандаёқ бу одамга, умуман, қорчалонлардан биронтасига ишонмаганини эслади!

Мотам мажлиси тугагач, жасадни ниҳоят қабристонга олиб боришди.

Бу ерда яна кичик бир йиғин бўлди.

Йиғинда, ахийри ўзини қўлга олгандек, чўтир-ғилай ҳам ўртага чиқиб, қисқагина нутқ сўзлади:

— Биродарлар! Номардлик юз берди. Бурҳон Шарифдек инсондан айрилиб қолдик. Лекин инсон енгилмайди! Бурҳоннинг ҳар қатра қонидан ўнлаб, юзлаб мардлар униб-ўсиб чиқади!.. Гўрингда тинч ёт, Бурҳон, жигарим. Сенга ваҳшийлик қилганлар жазосини тортмасдан қолмайди. Биз бунга ваъда берамиз...

Мана, шу сўнги дамгача Бурҳон Шариф етиб келмади.

Бурҳон Шариф номи билан Абдулла Ҳакимни тупроққа топширишди...

УЧИНЧИ МАНЗАРА

ГҮР АЗОБИ

11

У жасади билан бирга қандай қилиб қабрга кирганини ўзи ҳам сезмай қолди.

Парпираб, чарх уриб, қабрдаги дуч келган кавакдан жой олганича, энди буёғи нима бўларкин, деб пойлай бошлади.

Қабр устида кимдир ширали товушда Қуръон тиловат қилаётганини гира-шира эшитди.

Кейин, тўп-тўп оёқ шарпаларидан одамлар дафн маросимини тугатиб, унинг жасадини ёлғиз ташлаб кетишаётганини ҳис этди.

Ана, қабр устидаги оқирғи киши ҳам етти қадам узоқлашгандек бўлди.

Шу пайт қабр ичи бирдан ёришди. Жасади ётган тор жой ўз-ўзидан негадир анча кенгайди.

Айни сонияда бехосдан лаҳад ичида икки хушрўй йигит жонланишди.

У ўзича оббо, корчалонлар энди шўрлик жасадни ҳам тинч қўйишмайди шекилли, яна бурдалашмоқчими, қуйдириб ташлашмоқчими, нимадир қилишмоқчи, албатта, деб ўйлади.

Йўқ, дарҳол хушёр тортди: булар хушрўй йигитлар қиёфасида келган фаришталар бўлишлари керак! Одамлар Мункар-Накир, деб гапириб юришарди!

Фаришталар жонланишгани заҳоти, жасади ўрнидан туриб ўтирганини кўриб, у ҳайрон қолди. Бироқ бошқа бир нарса уни бундан ҳам кўпроқ ажаблантирди: фаришталар билан жасади эмас, жасади номидан унинг ўзи тилга кириб, эшитилар-эшитилмас паст товушда гаплаша бошлади.

— Исминг нима, осий банда?! — сўради ундан икки фариштадан бири.

— Менми? Мен Бурҳон Шарифман, — деди у жасадига ишора қилиб.

— Ўйиннинг ҳожати йўқ, осий банда! Барча ўйинлар нариги дунёда қолди. Тирик одамларга хос бемаъниликлар сен учун тугади. Тўғрисиини гапир, — деди фаришта.

— Тўғриси, мен Абдулла Ҳакимман. Лекин Бурҳон Шариф деяверишиб, охирги пайтда бунга ўрганиб кетдим! Хафа бўлмайсизлар... Мен бу жасад билан жуда кўп оворагарчилик кўрдим. Шунчаси етади! Мени қўйворинглар. Мен зангор водийга бормоқчиман.

— Шошма, осий банда. Аввало, зангор водий сенга узоқдан бир кўрсатилди, холос. Сен у ерга қайтиб ҳеч қачон боролмаслигинг ҳам мумкин. Бундан ташқари, шу жасад сеники; сен у билан бирга дунёда қандай яшаганлигинг ҳақида ҳисоб беришингга тўғри келади. Шунга қараб, қисматинг белгиланади. Демак, сен бу жасадни ташлаб, ҳеч қаёққа кетолмайсан.

— Онам раҳматли ҳар кимнинг ўз номаи аъмоли бор, фаришталар ёзиб боришади, дердилар.

— Гапни кўпайтирма, осий банда. Сен яшаган дунёда гуноҳкор одам ҳакамнинг олдида жавоб беришга мажбур, шундай эмасми?! Бу дунёда ҳам ҳар ким ўзи қилган ишларга ўз тили билан ўзи иқроп бўлиши керак.

— Мен нимага иқроп бўламан?! Отасиз ўсдим; отамни бекорга қамаб, йўқ қилиб юборишган. На акам, на укам бор. Биргина волидамдан ҳам айрилдим. Кейин, севгим мени тарк этди... Бутун умрим кун кўриш учун қулдек ишлаб, очлик-юпунликда, ғарибликда ўтди. Шунча кулфат етмагандек, мени қийнаб, ёвузларча ўлдиришди. Ўлигим сарсон-саргардонликка учради...

— Сенга гуноҳларинг учун фоний дунёда жазо берилди. Боқий дунёда ҳали яна жазони тотиб кўришинг аниқ бўлиб турибди, — гапга аралашди иккинчи фаришта. — Сен ўзингни бу қисматдан фориғман, деб ўйлама.

— Муҳаббатда бир оз бебурдлик қилганимни айтмаганда, менинг қанақа гуноҳим бор экан?!

— Билмайсанми?! Қачондир ақалли бирон марта Оллоҳга сидқидилдан ибодат-илтижо қилганмисан?! Сен умринг бўйи ҳаттоки Оллоҳнинг борлигига ҳам гоҳ ишониб, гоҳ ишонмай яшагансан... Хўп, умрингда қайсидир пайт бундай эс-ҳушингни йиғиб, ўзингни пок тутиш ҳақида ҳеч ўйлаганмисан?! Йўқ, сен кун ора бўкиб ичиб, бўлган-бўлмаган таомни еб, цок-нопок жойларда ётиб-туриб, шуни ҳаёт деб тушунгансан. Сен ҳайвондек яшадинг. Ҳайвондан ҳам баттар...

ахир, ит ўтирган ўрнини думи билан супуради; мушуклар ювинади; қушлар таранади. Сенга бир қатла имтиҳон оламида яшаш насиб этди. Сен бўлсанг, буни ўйламадинг. Ерда тирик мурдадек судралиб, умринг ўтиб кетди.

— Менинг аввалдан омадим юришмади. Кейин, дунёга қўл силтадим... Майли, мен ўзимча виждонли одам эдим, бўйнимдаги гуноҳлар учун қанча жазо бўлса, чидашга тайёрман... Лекин мен бир нарсага туншунмаяпман. Шунча чеккан уқубатлардан сўнг, менгаки яна жазо берилар экан, дунёда ўз манфаатини ўйлаб, бировларни топтаган, бировларнинг умрини хазон этган, жиноятни ўзига касб қилиб олган ҳар хил корчалонлар, ёвузларнинг охиратда ҳоли нима кечадими?! Ҳа, дарвоқе, пора бериб, улар баъзан Худони ҳам алдамоқчи бўлишади. Иморатлар қуришади, катта худойилар ўтказишади, кимларгадир хайр-садақа беришади...

— Сенинг бошқаларга ишинг бўлмасин, осий бандда. Ҳар ким ўзи учун ўзи жавоб беради. Оллоҳ барча нарсага гувоҳдир. У ошкор нарсаларни ҳам, пинҳон нарсаларни ҳам билади. У ҳамма нарсани эшитгувчи, билгувчидир!..

Шу аснода фаришталардан бири қўлини ҳавога чўзган эди, қўлида вазмин-гарон гурзи пайдо бўлди. Фаришта зарб билан гурзини Абдулланинг бошига тунширди. Жасад тилка-тилка бўлиб кетди.

Ажабланарли жойи: жасад қолиб, қавакда биқиниб ўтирганича — у, шундай баёнсиз бир азобни туйдики, хаста бўлган пайтларида ҳам, ҳаётда неча бор калтак еганида ҳам, ўлимга рўпара келганида ҳам бундай азоб борлигини тасаввур қилмаган эди.

Эс-ҳушидан айрилиб, қавак деворига қапишиб қолди.

12

Қабр бошига гоҳ болаларини етаклаб Ҳалима, гоҳ Бурҳон Шарифнинг қариндош-уруғлари, гоҳ идорадагилар келиб туришар, баъзан саҳарлар ёки шомларда кимдир марҳумнинг гуноҳларини Худодан тилаб, мунгли оҳангда Қуръон тиловат қилар эди.

У қабр ичида, қоронғи, зах қавакда ётганига қармай, бунинг барини ҳис этар эди.

Унинг айрим кунлар қабрдан ташқарига чиққиси келар, аммо қимирлашга мажол и йўқ эди.

У юз йиллик бемордан ҳам ёмонроқ ҳолатни сезар, ўзининг бир оз мадорга киришини кутар эди.

Кунлар шу йўсинда ўтаётиб, рутубатли кузнинг қайсидир булутли оқшоми ногоҳ — унга ниҳоятда таниш, қадрдон оёқ шарпалари қабристонда эшитилгандек бўлди.

У сергакланиб-жонланди. Қабрдаги тешик-туйнуқлардан уриниб-суриниб, ташқарига отилди.

Бу орада қабр бошига етиб келган, кўзларида жикқа ёш — хушқомат, чиройли, мағрур киши, — оҳиста тиз чўқди.

Кейин, кўзларидан ҳамон ёш оққанича, кафтига бир ҳовуч тупроқ олиб, ғамгин пичирлади:

— Абдуллажон, укажон... Ғафлатда қолдим. Кечир мени...

«Бурҳон Шариф... Дўстим! Биродарим! Қаерларда эдинг?! Нега вақтида етиб келмадинг?! Мен сени қанча кутдим... Тириклигимда бошимга кулфат тушганидан беҳабар эдинг — ёрдам беролмасдинг. Лекин дунёдан кўз юмгач, ҳеч бўлмаганда, мени изтиробдан, таҳқирдан қутқариб қолишинг мумкин эди-ку! Сен мендан ҳам кўпроқ ўзингни англашилмовчиликлар, даҳмазалардан асрашинг керак эди!..»

Бурҳон Шариф гўеки унинг бу ҳасратли нидосини эшитиб жавоб қилаётгандек, ўйчан сўз бошлади:

— Абдуллажон! Мени кечир... ҳаммаси учун! Мен сенинг дунёда озгина бахтлироқ бўлишингни истаган эдим. Аксинча, мени деб бир куни ўлимга юзлашингни кутмаган эдим. Бутун-бор гапни сенга батафсил айтиб беришим керак. Биласанми, дунёда, эзгуликнинг миллати, ватани бўлиши мумкин. Аммо ёвузликнинг ватани ҳам, миллати ҳам йўқ. У ер бўйлаб гирдибод урган қора бир тўзондир. Замонлар бўйи у одамларни кўз очиргани қўймаган. Нимаики инсонда азиз бўлса, юлқиган, топтаган. Ҳозир ҳам у бошимиз устида айланиб турибди. Мен ўлкамизда жиноят тарихи, келиб чиқиш идизларини ўрганмоқчи бўлиб, олис шаҳарларга кетган эдим. Бир неча кун кўнглим ғаш, алоқ-чалоқ тушлар кўриб юрдим. Бироқ бундай даҳшатли ҳодисалар рўй бераётгани хаёлимга келмаган эди. Ахийри қайтаётиб, йўлда бир даста эски-янги рўзномаларга кўзим тушди. Ўзимга бағиш-

лаб ёзилган таъзияномани ўқиб, юрагим қинидан чиқиб кетди. Лаҳза ичида гап нимада эканлигини ҳис этдим. Сени ўйлаб, эзилиб, сен билан ақалли видолашай, ҳурматингни ўрнига қўяй, деб шошилдим. Афсуски, улгуролмадим, Абдуллажон... Қайтганимдан сўнг нималар бўлганини ҳам сенга айтиб-берай. Тўғри уйга боришга юрагим бетламай, идорага қараб югурдим. Идора биноси пешайвоғига менинг қора ҳошия билан ўралган каттакон суратим осиб қўйилган. Хўп, бу энди аниқ эди. Лекин узун йўлақда Ҳасан билан Очил гаплашиб туришган экан. Мени кўриб эсхоналари чиқиб кетади, деб ўйладим. Қаёқда! Қўлларини шоп қилиб, Абдулла, одам ҳам шунақа беғам бўлади-ми, ахир, биз Бурҳон Шарифдан айрилиб қолдик-ку, дейишди. Уларга индамай, бошқарма бошлигининг хонасига кирдим. Абдуллажон, ўзинг биласан, ҳозирги одамлар бировга диққат қилиб қарашмайди, кишининг қорасини кўришади, холос, ўзини кўришмайди. Бошлиқ ҳам менга, Абдулла, интизомни бузганинг учун сенга ҳайфсан эълон қилдик, ишингни тузатмасанг, ўзингга ёмон бўлади, ҳозир эса йигитлар билан Бурҳон Шарифникига бориб, бизнинг номимиздан яна бир карра таъзия билдиришлар, нима ёрдам кераклигини сўранглар, деб қолди. Илож-ноилож, Ҳасан билан Очилни ёнимга олиб, уйга бордим. Аслида, Ҳалимани огоҳлантириб, бошимизга қандай фалокат тушганини олдин тушунтириб, кейин бормоқчи эдим. Аммо, ҳамма адашганда ҳам, Ҳалима адашмайди, аёл киши эрини ҳидидан билади, балки ишнинг шундай тезлашгани маъқулдир, деган хаёл билан журъатланиб, -остона ҳатладим. Очигини айтсам, ишонмайсан! Бошқаларга ўхшаб, суюкли хотиним ҳам менга диққат қилиб қарамади! Ҳамроҳларим шошиб мени Абдулла деб таништиришгач, негадир юзини баттар четга бурди. Ниҳоят, демак бирга ишлаган экансизлар, лекин сиз бу уйга келмаслигингиз керак эди, деб қўйди. Мен тушунмаяпман, бирон пайт Ҳалима сендан тасодиф озор чекканмиди, Абдуллажон?! Хотинимга қўшилиб, болаларим ҳам ҳар қачонгидек бундай қучоғимга отилишгани йўқ. Шуниси менга, айниқса, оғир ботди!.. Хуллас, сен Бурҳон Шариф бўлганинг сингари, мен ҳам энди маълум муддат Абдулла Ҳаким бўлишимга тўғри келяпти. Охирида яна бир гапни айтай... Ёвузлар Бурҳон Шарифни ўлдириш осон эмаслигини

ҳисобга олишмади. Бурҳон Шариф шунчалик содда, ғўр одам эмасдир, деб ўйлаб ўтирмай, кўлида ҳеч бир яроғи йўқ сендек ҳимоясиз кишини ўлдириб, улар қаттиқ алданишди! Мен сенинг номингни олмоқчи эмасдим. Ўлганингни билганимдаёқ сенга фақат биргина ёрдам беришим мумкинлигини — номингни тиклашим кераклигини ҳис этгандим. Озгина сабр қил, Абдуллажон, сенга шараф билан тез орада номингни албатта қайтараман! Ўзим учун, ўзимдан ҳам кўпроқ сен учун ёвузларнинг энасини кўзига кўрсатаман. Худди шундай бўлишига ишон, Абдуллажон!..

Бурҳон Шариф шу сўзларни айтиб, кафтида турган тупроқни лабларига босди.

Сўнг юзига фотиҳа тортиб, ўрнидан бургутдек кўзғолганича, темир дарвоза томон йўналди.

13

Тирикчилик ташвиши, деган гап бор.

Инсон — беномус, у ҳаёт гирдобиди ўралашиб, марҳум бўлган энг яқин кишисини ҳам кўп ўтмай унута бошлайди.

Абдулланинг яқин кишиси йўқ. Аммо Бурҳон Шарифга эътиқод қўйганлар ҳам энди кундан-кунга каттакон қабристоннинг овлоқ бир бурчида дўппайиб турган қабр бошига кам келадиган, марҳумга бағишлаб аҳён-аҳёндагина дуойи фотиҳа қиладиган бўлишди.

Ёшлиқда, қишлоқда у, арвоҳлар баъзан одамларни йўқлаб туришади, деб эшитган эди. Демак, одамлар эсламай қўйишгач, нотинчланиб-чирқираган арвоҳларнинг ўзи уларни излашга тушишар экан-да!

Қабрда чинакам азобнинг нималигини бир қатла тотиб кўрганидан кейин, қиёматгача шу етади, деб фаришталар ҳам энди уни «йўқламай» қўйишган, афтидан, булар ҳам одамлардек, ўз вазифаларини адо этиб бўлишган эди!

Дарвоқе, Бурҳон Шарифнинг яқинлари ёки фаришталар қолиб, унинг ҳолидан негадир энди, асосан, ўлимга уни маҳкум этган корчалонлар бот-бот хабар олиб туришарди. Бурҳон Шариф гўрдан қайтиб тирилик чикмаси бас, биз бошқа ҳамма нарсага тайёрмиз, дегандек улар навбат билан ҳар гал даста-даста гул кўтариб келишар, қабрни тартибли тутишдан ташқа-

ри, яқин орада обод қилиб ташлайдиганга ўхшашар эди! Буниси майли. Улар қабр бошида, жойинг жаннатда бўлсин, биродаримиз, деб Қуръон ўқиб, астойдил ибодат-илтижо қилишар эди!

Тйриклигида корчалонларнинг ўйинларини кўрганидан, у ҳозир ҳам буларнинг самимиятига ишонмас ва бир куни жасадимдан қолган-қутган суякларни олиб чиқиб, ёқиб юборишмасмикин, деб ҳамон қандайдир кўрқар эди! Шунинг баробарида, у бора-бора, тирик пайти ўзи деярли ўйламаган — жаннат ва дўзах тўғрисида кўпроқ хаёлга толганича, охир-оқибатда мен булардан қайси бирига тушарканман, деб ташвишланадиган бўлиб қолган эди. Гўр азобики шунчалик офир экан, мабодо дўзахга тушса нима қилади?! Дўзахга қиёслаганда, масалан, корчалонларнинг ўлик бир танага нисбатан бутун тазйиқлари ахир ҳеч гап эмас-ку! Бунга бемалол чидаш мумкин!!!

Жаннат деганда, фақат бир бор заррадек энгил парвоз этиб кўрган бепоён зангор водий унинг хаёлида жонланарди. Йўқ, у Мункар-Накир билан юзлашганидаёқ осий банда эканлигини билгани учун жаннатдан қаттиқ умидвор эмасди. Офтоб чарақлаб турган зангор водийга эса, бориш хаёлидан ҳеч қачон қайтмаганди. Бу жаннатми, бошқами, ақалли яна бир қур айланиб кўргиси келарди! Бироқ жасадини тилка-тилка қилиб юборган зарба уни ҳам буткул гангитиб қўйганми, қанча орзу қилмасин, қандай боришни билмас, зангор водийдан ўзи чиқиб кетган йўлни сира эслаёлмас эди. Қидиргани билан ҳам энди топа олмаслигини ҳис этарди!

Унинг ўз жасадини кўриқлаб, қиёматни кутишдан бўлак аниқ иши йўқ эди. Қиёмат тез орада рўй берадиганга ўхшамаганидан азобланар, бу — кутиш азоби, унга ҳар нарсадан ҳам офирроқ туюлар эди!

У — қафасга ўрганиб қолган, энди қафаснинг дарчаси очиқ эканлигига қарамай, яқин атрофда шохдан-шохга сакраб, ўзини қайтиб қафас ичига олган қушни эслатарди: истаган палла қабристонни тарк этиши мумкин, аммо тириклик чоғи кўриб юрган, ҳаёти ўтган жойлар бўйлаб нотинч айланиб, ўз жасади ётган қабрга келганича, яна посбонлик қилиб туришга маҳкум эди!

Бу дунёда унга таниш, қадрдон бўлган жой кўп эмасди!

Баъзан шаҳардаги катта-кичик қаҳвахоналар, зиёфат пайтларида кўрган турли-туман кошоналарга хумор тутган бангидек, беихтиёр мўраларди. Лекин қўланса туюлган ичкилик ҳиди энди уни сескантирарди: вақтида нега бўкиб ичиб, тасқара бўлиб юрганига ажабланарди.

Баъзан ўзи ишлаган идора биносига кириб бориб, хонама-хона чарх урарди. Идорада Бурҳон Шарифнинг ўрнини Ҳасан эгаллаганди. Эшигига «Абдулла Ҳаким» деб ёзилган хонада эса Бурҳон Шариф ўтирарди... Умуман, бу ерда одамларнинг қоғозга кўмилиб, қиш яхшироқми, ёзми қабилда баҳслашиб, арзимаган эътибор, тақинчоқ, беш-ўн сўм пул устида бўғилишиб, югур-югур билан кун ўтказишаётгани уни зериктириб юборарди. Ҳаёт деганда мен ҳам шу нарсаларни тушунганмидим, водариф, деб ўйлаб, қаттиқ ўкинарди.

Баъзан неча йиллар яшаган ижара уйга қараб йўл соларди. Фариб кулбага бошини эгтанича кириб-чиқиб юрган Бурҳон Шарифни кузатиб, мен-ку, майли, уйи, бола-чақасидан мосуво қўйга тушиб, бекордан Бурҳон Шарифга жабр бўлди, дунёнинг ишлари қизиқ экан, олижаноб бир инсон ҳеч қандай айбсиз ҳолда азобланиб, изтироб чекиб юрибди, деб ўйлар, биродарига алланечук ачинар эди.

Баъзан қабристонни тарк этиб, асосан, тириклигида бўлганидек, туғилиб ўсган қишлоғига қатнарди. Қишлоқда олдинлар тирик юрганига парво қилишмаганидек, энди унинг ўлганини ҳам биров эшитмаган, билмас эди. Сирасини айтганда, бунга у ўпкаланмас эди. Айб менинг ўзимда, аввалдан тентираб-дайдиб, қишлоқдан, ердан узилмаганимда балки ҳаётим бир оз бошқача кечармиди, деб ўйлар, энди ҳар қандай пуншаймоннинг фойдаси йўқлигига ўзича иқроор бўлар эди... Отаси бир пайтлар бедарак кетганидек, қабри қаерда эканлиги ҳам маълум эмас. Аммо волидасининг қабри шу ерда — қишлоқ этагидаги қабристонда: ярми қулаб тушган эски масжид пинжидаги лойшувоқ қилинган жўнгина сағана! Бу қабр бошига ҳар гал келганида, у яна қиёмат, жаннат ва дўзах ҳақида ўйларди. Ўзининг қисмати қолиб, волидаси тўғрисида хаёлга чўмар, мен дўзахга тушган тақдирда ҳам, барибир, сизнинг жойингиз жаннатда бўлсин, онажон, деб илтижо қилар эди. Шунинг баробарида, тирик одам-

лар дунёда кўришиб юрганидек, арвоҳлар нега бир-бирлари билан кўришмас экан, деб таажжубланарди. Волидасининг арвоҳи билан ҳеч бўлмаганда бир карра учрашиб, ҳаёт не йўсинда ўтгани-ю, охират нимадан иборат эканлиги борасида бафуржа гаплашгиси келарди! Булардан ташқари, унга бир нарса аён эди: инсон туғилиб, ҳимоясиз бўлганида онага суянгани сингари, энг сўнгида ҳам, у фақат ОНАга сифиниши мумкин!

14

*Она... Она!
Ягона
она!
Биз отликми ёки пиёда —
Чалғитмасин қандай афсона,
Сиғинамиз сенга
гунёда.*

*Ерган
инсон узилган билан
Қолмагандек
Мангу ҳавода —
Биз гоҳ билиб, гоҳ билмасдан
Сиғинамиз сенга
гунёда.*

*Бу гунё ҳам
битар бир кун,
Рухлар
учар балки фазода —
Аммо шудир ҳаёт қонуни:
Сиғинамиз сенга гунёда.*

*Кейин бўлар қиёмат қойим,
Ер ҳам бўлар
остин ва устун...
Бизни шафқат қилгин, Худойим,
Оналарга
сиғинган учун!..*

У Ҳалимага бағишлаб ёзган шеърларини эсламай кўйганидан буён ёшликдаги бошқа айрим шеърлари

баъзан ёдига тушадиган бўлиб қолганди. Айниқса, волидаси қабри бошига ҳар гал келганида, Она, Ер, Ватан тўғрисидаги шеърлар хаёлида айланиб, қандайдир осойишталик сезар эди.

Кунлар шу йўсинда ўтаётиб...

бир куни сайри-саёҳатдан жасади ётган қабристонга қайтиб, ўз қабрини таниёлмай эсанкиради.

Аввалига чиройли сағана, от шаклидаги ёдгорликни кўриб, бу корчалонларнинг ҳунари албатта, деган хаёлга борди. Лекин қабрга яқинлашиб, мрамар тошга:

*«Абдулла Ҳаким
Шоир ва Инсон» —*

деб ёзилгани, тузилган-марҳум бўлган йиллари муҳрланганига эътибор бергач, бу — шубҳасиз, Бурҳон Шарифнинг иши эканлигини пайқади.

Унга энди, аслида, сағананинг ҳам, ёдгорликнинг ҳам кераги йўқ! Аммо Бурҳон Шариф берган ваъдасини ниҳоят бажарганига хурсанд бўлди. Бундан ҳам кўпроқ биродари ўз исми-жисмига қайтиб, яна қадқомат тиклаганига суюнди. Демак, Бурҳон Шарифни ўлдириш осон эмаслиги айни ҳақиқат экан! Иродасини букиб, уни енгиб ҳам бўлмас экан!..

Қабри ёнида куйманиб турган эди, беҳосдан қаримсиқ-кўса, боши устарада қирилган кимсаю дафн маросимида ҳам қатнашиб, нутқ сўзлаган чўтир-ғилай киши — учовлон бир тўп сипо йигитларни эргаштириб, қабристонга бостириб кириб келишди. Улар қабр теграсида ҳалқа бўлиб туришганча, тушунуш қийин тилда алланималарни гаплашишди. Сўнг қайтиб қабристондан тез чиқиб кетишди.

У, муттасил бу кишилар билан ўчакишиб юрган Бурҳон Шариф энди нима қилар экан, кутилмаган янги бир кулфатга йўлиқмасмикин, деб ўйлаб, олдин ҳис этмаган хавф-хавотирга чулғаниб қолди.

15

Ёмғирлар-қорлардан қабр устидаги сағана ёрилиб-чўкканидан қийшайган, сағанага туташ ёдгорликдаги от шакли ҳам, ёзув ҳам хира тортган, атрофда говлаб ўсган ёввойи ўт буларни аста-секин ўраб-чирмай бошлаган эди.

Ҳаммадан ҳам, каттакон қабристоннинг овлоқ бур-
чидаги қабр бошига энди ҳеч ким келмас, ҳаттоки
ўткинчи биров тўхтаб, жойинг жаннатда бўлсин, бе-
чора инсон, деб дуо-илтижо қилмас эди.

Унинг ўзи — қанчалик зерикмасин, қабристондан
деярли чиқмай қўйган эди.

Чиққан тақдирда ҳам...

қаҳваҳоналар, кошоналарда ўзи таниган биронта
одамни учратмас эди;

идорада Бурҳон Шариф тугул, Ҳасан билан Очил,
Бош бошқарманинг бошлиғи — ҳамкасбларидан би-
рон зот кўринмасди;

ижара уй бузилиб кетганми, бир пайтлар қатор
эски ҳовлилар бўлган жойда ахлат қутилари турибди;

қишлоқ этаги — чексиз пахтазор: масжидни ҳам,
қабристонни ҳам теп-текис қилиб, пахтазорга қўшиб
юборган бўлишса керак;

илож қолмаганидан, баъзан шаҳардан ташқаридаги
тақа шаклида қурилган уч қаватли оқиш-қизғиш би-
нога боради; лекин бу ерда ҳам таниш корчалонлару
сипо йигитлар кўзга ташланишмас эди...

Наҳотки, дунё ўзгариб, ўзича янгиланиб бораётган
бўлса?!

Наҳотки, у кўрган-билган одамлар ҳаммаси дунё-
дан ўтиб кетишган бўлса?!

Тавба!..

Афтидан, унинг марҳум бўлганидан бери дунё бир
неча бора айланиб, орадан энди анча замонлар ўтган эди.

ТҮРТИНЧИ МАНЗАРА

СҮНГИ КУН

16

Сен

Нимадан иборатсан,

Ер?

Сен

Нимадан иборат,

Осмон?

Ҳар ким

шошиб,

билганини дер,

Аммо
Билмоқ
эмасдир осон!

Ерда
Асли яралган ёки
Осмоннингми фарзанди
Инсон?
Бунга
Унинг

ётмас идроки —

Буни билмоқ эмасдир
Осон!

Оддий каби
бу борлиқ,
Аммо
Қайда боши,
қаерда поён?
Бўлганда ҳам чинакам
даҳо —
Буни
Билмоқ

эмасдир

осон!

* * *

Сен
Дунёда инсон бўл,
Сен руҳ бўлгин,
сен жон бўл,

Тинч бўлгин,
Саргардон бўл —
Ер

гардин

англаш мушукул.

Уриб
Бу ер

гирдибод,

Сирпаниб

ўтар ҳаёт,

Сенга
Мумкиндир нажот,
Ер гардин

англаш мушукул.

Онам, деб
Минг ёлворгин,
Ўзни

ҳар ён

юборгин,

Йиғлаб,
ёнига боргин —
Ер гардин
англаш мушкул.
Бу — бир ўтми,
Ҳовуч кул,
Бу — бир бахтми
ёки ғам?

Ер
гардин
англаш мушкул —
Англай олмайд
Одам!..

* * *

Бу
келиб-кетишнинг
Маъноси
борми,
Инсонлар
Ўйнаган сингари
пойга?

Наҳот,
Ўтказамиз
биз ҳам умрни —
Кириб-чиққан каби
Карвонсаройга?

Боғни
Чир айланган
гевона шамол,

Осмонда
Чақнаган
гўёки чақин —

Туғилиб улгурмай,
Наҳотки, завол,
Инсон,
бориб қолар

Ўлимга яқин?

Эзгуликдан
Кўндир
гуноҳлар бизда,
Туғри ишдан кўндир
Ўтган
хатолар.

У қиёмат, жаннат ва дўзах тўғрисида энди ҳар қачонгидан кўпроқ ўйларди.

Жаннатдан қаттиқ умидвор эмасди. Лекин барча осий бандалар сингари дўзахга тушишни ҳам иста-масди.

Ҳамон давом этаётган мажруҳлик, кутиш азоби, зерикиш устига кейинги қисматининг ноаниқлигидан аллақандай норозилик сеза бошлаган эди. Шу боис-дан, унга аввалдан ўзи Мункар-Накир билан негадир бундай бамаънироқ гаплаша олмагандек бўлиб туюларди.

«Мен художўйлик қилганим йўқ. Тоат-ибодат, тақ-вони билмасдим. Менга биров бунини ўргатган ҳам эмасди. Аммо Худонинг борлигига доим ишонганман. Ўқиган мактабларимизда бизга даҳрийликдан тарбия бериб, динсизликни қулоғимизга қуйишганига қарамай, айрим ўртоқларим мендан ҳаттоки кулиб юришганига ҳам қарамай, эй, барибир Худога шак келтирмаслик керак, деб туриб олардим! Зиғирча шубҳага бормасдим! Шундай экан, мен қанақасига осий банд бўлишим мумкин?! Бунинг устига, турмушдаги ҳар қадамда дуч келган машаққатлар... кўнгилдагидек иш йўқ, пул йўқ, оддий бир таом, арзимаган кийим йўқ... дунёдаги бутун адолатсизликни кўрдим! Наҳотки, бир умр кулфатга йўлиққаним, ҳаётим бошдан-охир бахтсизлик билан кечгани ҳисобга олинмаса; фоний дунёдагига ўхшаб, боқий дунёда ҳам — яна адолатсизлик рўй берса?! Бундай бўлиши мумкин эмас! Хўп, номи чиққанми, чиқмаганми — шоирки бор, эркин, дарвештабиат юришга мойиллик сезади. Мен ҳам балки шундай яшагандирман. Наҳотки, шу гуноҳим учунгина менга жазо берилиб, мен ҳали дўзах ўтида куйишим керак бўлса?! Меҳрибон Худонинг Ўзи бандасига раҳм-шафқат қилмайдими?!»

У таскин-тасалли излаб, шулар ҳақида ўйлагани ўйлаган эди.

Аmmo бу важ-карсонлардан биронтаси ҳам инобат-га ўтмай, дўзахга тушишдан қўрқар, гоҳ қабр ичида айланиб, гоҳ қабри ёнида куйманганича, эҳтимолки, энди ўкинч-пушаймоннинг фойдаси йўқ, Худойим, нега вақтида менга кўпроқ, эс-хуш бермадинг, деб нола чекар эди.

Унга ҳамон қиёмат тез орада рўй бермайдигандек туюлар, вақт нега чўзилиб кетди экан, деб баттар изтиробга чулганар эди.

У жасади қабрга қўйилган пайтдан қиёматгача бўлган фурсат Барзах даври аталишини ҳам, қиёмат куни кутилмаганда келиб қолишини ҳам билмас эди.

18

Ер ёрилиб, қандайдир бадбашара бир ҳайвон ер остидан юзага қалқди.

Олдин ҳеч ким ўзини ҳам, суратини ҳам кўрмаган ҳайбатли бу махлуқ ҳамма ёқда ўкириб юрганича, бир қур кириб, қабристонни ҳам бир четдан пайҳон қилиб чиқди.

Махлуқ қабристонга кириб келганида, у қабри бошида паришонланиб турган эди; ҳайиқиб, баттар саросимланиб, дарҳол қабр ичига шўнғиди.

Шу пайт асрий ноладек сур овози эшитила бошлади. Одамлар, қиёматда Исрофил сур чалади, дейишарди. Рост экан!

Кўп ўтмай, яна — иккинчи бора сур овози янгради.

Кейин, у — негалигини ўзи ҳам билмаган ҳолда, — қабрда тўзиб бир ҳовучгина бўлиб, ётган хоки ичига кириб, қўнғиздек думалаб, лойхўрак ёки баргдан тўйиб ўз-ўзини қобиқ ичига олган ипак қуртидек хоки билан яхлитлик касб эта бошлади. Ва ниҳоят, худди ерга ташланган уруғдан кўкламда кўкариб-униб, барг ёзиб чиққан гиёҳдек тирик одам шакли-шамойилига кирди.

Қомат тиклаганидан сўнггина, сағана аллақачон тўкилиб, ҳаммаёқ очилиб ётганини кўрди.

Буниси майли. Теградаги осмонга бўй чўзиб турган тоғлар қумдек сочилиб кетган. Ер теп-текис, унда на чуқурлик, на дўнглик бор.

Абдулла буларни сония ичида ҳис этди.

Энг муҳими, ерни мўру малаҳдек одам босган эди.

Улардан айримлари юз-кўзлари порлаб, отлиқ боришар эди. Айримлари эса, аксинча, юзлари қора, кўзлари рангсиз, бунинг устига, гоҳ туриб юришса, гоҳ юзтубан йиқилиб, ерда судралиб боришарди.

Одамлар ўзи қаерга боришяпти?!

Ҳеч ким тушунтирмаса ҳамки, Абдулла тезда пайқади: маҳшаргоҳга, албатта!

У яна бир нарсани сезди: олдинги ҳаёт пайти байрам кунларида кўчани тўлдирган миршабларга ўхшаб, тирилган одамлардан ташқари, маҳшаргоҳга чорловчи фаришталар ҳам кўп; одамларни йўлга солиб, ҳайдаб кетишяпти.

Бўйинини эгиб, ўзинг кечиргин, холиқ, деганча секин халойиққа эргашди. Тўғри қилган экан, чунки ҳамма чалғимай-бурилмай фаришталарга бўйсунган, ўзини Худога топширган эди. Кимлардир фақат аҳён-аҳёндагина ўртаниб-надомат чекарди.

Кўпчилик қатори ахийри Абдулла ҳам бўйинини эгган ҳолда ҳисоб-китоб қилинадиган жойга — маҳшаргоҳга етиб келди. Бу ердан бир томонда — жаннат, иккинчи томонда — дўзах эди.

Маҳшаргоҳда одамлар тўпланиб, бир оз тизилиб туришди.

Лекин ҳамманинг гуноҳ-савоби Худога маълум эканлигидан, бир қўйми, эчкиними соғиб олишга етadиган, арзимаган фурсат ичида ҳисоб-китоб тугади. Одамлар ердаги ҳаётда ўзлари аниқ тасаввур ҳам қилолмаган бир қанча имтиҳонлардан ўтишди.

Ниҳоят, жаннат фаришталари ҳар қандай гуноҳдан пок-мўмин кишиларни жаннатга томон бошлаб кетишди. Дўзах фаришталари эса осийларни тўда-тўда қилиб, дўзах-жаҳаннам томонга ҳайдашди.

Номаи аъмолида осий банда, деб ёзилган Абдулла Ҳаким, аввалдан ишнинг шундай кўчишини билгани, гарданига олганига қарамай, ҳозир алланечук норозиланган ва истамаган кўйда... қизиқ жойи, шунинг баробарида, мутеларча, қулларча итоаткорлик билан жаҳаннамга кетаётганлар сафига қўшилди. У вақтида ўзича виждонли одам бўлганидан, озми-кўпми, қилган барча гуноҳлари учун жавоб беришга тайёр эди!

Дўзах дарвозалари узоқдан кўринганида, худди тунда бирон фалокат рўй берганида ҳайвонот боғидан эшитиладиганга ўхшаш даҳшатли, ваҳший бир ўкирик ва бўкирик эшитилди. Осийлар бир-бирларининг

пинжларига суқилиб, аммо қисматга тан беришганича, яна олдинга сурилаверишди.

Жаҳаннамга етиб келишганида, қатор дарвозалар ланг очилди. Дарвозалар олдида турган қўриқчилар осийларни эшитган киши пўст ташлайдиган офир таъна-қарғишлар билан қаршилашди.

Дарвозадан кечиб-кечмай, уларнинг бўйинлари, кўл-оёқларига кишан ва занжирлар солинди.

Бироқ бу ҳали бошланиши экан!

Ёнидагилардан қандайдир узилиб қолган Абдулла, занжир билан ўралган, кишанланган ҳолда тор бир жойга ташланганини сезди. Унинг ости ва уст томонида олов ўрлар, баданини олов ялаб-ямлаётганидан, гўёки бўй-энини ўлчаб, унга ўтдан кийим бичилаётганга ўхшар эди. У, тирикликда инсон кўрадиган қийноқлар ҳеч нарса эмас экан, бу азобдан кўра ўлгандаги пайтим ҳам яхши эди, тезроқ яна ўлиб кўяқолсам нима қиларди, деб ўйлаб, беихтиёр дод-фарёд кўтарди. Лекин шу аснода қаердандир гувиллаган овоз келди:

— Сен бугун ўзингга бир ўлимни эмас, кўп ўлимларни тилагани, осий банда. Сен кўпдан-кўп ўлим-ҳалокатларга маҳкумсан!

Йўқ, шундан сўнг тор жойдан кенг бир майдонга чиқиб олгандек бўлди. Ўт кетган ўрмонлар сингари энди гоҳ у-гоҳ бу ерда олов тўлқини кўтарилиб-тушиб турарди. Атрофга қараб, гулхан бўлиб ловуллаётган даста ўт бағрида катта-катта гуллари очилиб, яшнаб-порлаган, шу билан бирга, мевадан шохлари ларзон ажабтовур дарахтга унинг кўзи тушди. Бирдан ниҳоятда очиқиб-чанқаганини ҳис этди. Оловга парво қилмай, дарахт ёнига бориб, мева узганича, қўш-қўллаб оғзига сола бошлади. Аммо шу пайт бутун ичи ағдарилиб кетгандек бўлди: бу Заққум деган дарахт экан; бадани ёниб-куяётгани устига, захри-заққум ичак-чавоқларини шилиб, куйдириб юборди.

Буларнинг барчаси етмагандек, ёнида қайтиб пайдо бўлган осийларга қўшиб Абдуллани майдондан, дош-қозонларда бақирлаб сув қайнаётган, ҳаммомни эслатган бир жойга судраб келишди. Кейин, унинг ҳам, шерикларининг ҳам бошларидан қайноқ сув қуя бошлашди.

Ўлими олдидан, фоний дунёда, Бурҳон Шарифнинг душманлари ўтказган жабр-зулмни кўрган Абдулла, дўзахда ҳам қандай жазо бўлса, тишни-тишга босиб чи-

дайман, шунга ҳаракат қиламан, деб катта кетган экан! Қайноқ сув билан ич-ташини эритиб, гўёки энди қуритмоқчидек, уни олов қўралари устига, тагин мана бу ўтқи тотиб кўргин, дея кўндаланг ётқизишгач, Абдулла ортиқ чидаёлмаслигини ҳис этди. У ўзини қийнаётган дўзах фаришталарига тикилиб, бақиришга тушди:

— Менинг гуноҳим нима? Гуноҳим нима, ахир?!

Фаришталар лом-мим дейишмади. Бироқ кутилмаганда унинг ўз қўл-оёқлари, қулоқлари, кўзлари — бутун вужуди тилга кириб, унга қарши гувоҳлик беришга шайланишди.

— Сенинг гуноҳинг кўп! — дейишди улар шовқин солиб.

— Муҳаббатда бебурдлик қилганимни айтмаганда, менинг бошқа ҳеч қандай, жиддий бир гуноҳим йўқ! — бўғилди Абдулла.

— Сени муҳаббатда бебурдлик қилди, деб бўлмайди. Сен жуда садоқатли эдинг. Кўнглингда муҳаббатингни бир умрга сақладинг!

— Бўлмаса, менинг гуноҳларим нимадан иборат экан?

— Сенга неча бора айтиш керак! Сен ётиб-туриш, еб-ичиб, кийинишдан бўлак нарсани ўйламадинг! Сен оқимга тушган хас эдинг, оқим қаёққа олиб борса, кетаверардинг. Умрингда маъно-мақсад йўқ эди. Сен ўзингга қанча бино қўймагин, устинг, тананг сингари руҳинг ҳам пок эмас эди. Шу боисдан, сени одам деб аташ қийин эди...

— Бекорларни айтяпсанлар, — жон-жонидан азоб ўтганидан, чинқириб юборди Абдулла. — Мен иложсиз бўлганимдан, тирикчиликни ўйлаганман. Мен қаёққа кетиб-кетмасликни билмайдиган анойи ҳам эмасдим. Ўзимга қарашни ҳам билардим. Бунинг устига, мен одамлар орасида ном чиқариб, катта шухрат қозонмаган бўлсам ҳамки, барибир, шоир эдим. Одамларни эзгуликка, олижанобликка даъват қилгим келарди. Демак, мени тан ёки руҳнинг поклигидан беҳабар эди, десанглар, адашасанлар!..

— Тўғри, сен ҳаммани қаёқларгадир чорлаб, ҳаммага гап ўргатдинг келарди. Шоирман, деб бақириб-чақиришни касб қилгандинг. Аммо, мен ўзим аслида кимман, инсон бўлиб нимага эришдимунималарга эришмадим, деган гап баъзан хаёлингдан ҳам ўтмасди. Ҳолбуки, инсон учун ўз-ўзини билиш, ўзининг аҳво-

лига тушуниб етиш энг юксак даражадир. Лекин булар сенинг катта гуноҳинг эмас, албатта... Сен Худога ишонардинг. Шунинг баробарида, шоҳлар-арбоблар, дегандек дунёда ҳукмини ўтказиб яшаган, ўзини бутун ҳаётнинг хўжайини деб билган қайсидир кибор, ман-ман кишиларга Худодан ҳам кўпроқ ишонардинг! Улар сенга ҳаётдан бўлак, табиатнинг устидан ҳам ҳукмрон бўлиб туюлишарди! Сен, шу боисдан, Худо эмас, уларнинг шаънига тегадиган бир оғиз сўзни ҳам айтишдан қўрқардинг. Аксинча, идорадаги ишингда ҳам, бировга кўрсатиб-кўрсатмай ёзган ҳаттоки шеърларингда ҳам уларнинг номини тилга олмай туролмасдинг! Ҳайкаллари, суратлари — шаклларига астойдил сифинардинг. Сен бамисоли бир бутпараст эдинг!..

Абдулла донг қотиб қолди.

Бу — аслида, Абдулла билан бирга, унинг атрофидаги барча одамлар, замондошларининг ҳам гуноҳи эди. Бироқ, шоир бўлганидан, бу гуноҳ, афтидан, унга юкланган эди!

У норозиланиб, дўзахдан қочгиси келган кўйда сапчиб-юлқиниб, эшикка қараб югурди. Аммо уни эшик оғзида турган фаришталар тутиб, оғир темир гурзилар билан урганча, шу ондаёқ қайтиб қайноқ сув ва ўт олдига келтиришди:

— Сен чинакам азобни тотиб кўришинг керак, осий банда!..

19

Қиёмат ҳам, кейинги воқеалар ҳам шу қадар тез рўй берганидан, Абдулла оддий бир нарсаларни ўйлашга улгурмаган эди.

Дўзахда азобланиб, неча бора ўлиб-тирилгач, оловда куяётиб ҳам, айрим нарсаларни ўйлашга одатланди.

Уни ўйлантириб, таажжубга солган ҳолатлардан бири: одамлар қабрлардан чиқиб, ер-осмон ўзгарганидан буён, у ҳеч жойда, таниш ҳеч кимни учратмаган-кўрмаган эди!

Албатта, қиёмат ўз номи билан қиёмат. Тўс-тўполон...

Одам Атодан тортиб Ерда ҳаёт битгунича дунёга келиб-кетган бани башар, миллион-миллиардлаб инсонлар бир йўла тупроқдан бош кўтарган бундай Кунда, табиийки, маълум даврда, сенинг ёнингда яшаб

ўтган кимларнидир кўришни умид қилиш ортиқча эди. Бунинг устига, ўшанда отанинг болага, боланинг отага иши йўқ, ҳамма ўз-ўзи билан овора, кўрдек ҳолда маҳшаргоҳга интилган эди. У Кун ҳар ким ўзи учун ўзи жавоб бериши керак, бировга биров шафқат қилиб, энг яқин кишисини ҳам ҳимоясига ола билмас эди. Бу шундай даҳшатли Кун эди!

Лекин дўзахга тушганидан кейин ҳам шароит ўзармади: Абдулла узоқ-яқин танишларидан ҳеч кимни учратмади.

У бир пайтлар — фоний дунёда юриб, отасининг бошидан кечган ҳаётни тасаввур қилишга уринган, қамоқхоналар тўғрисида анча-мунча гапларни ўқиб-ўрганган эди. Мамлакат деса бўладиган жуда катта қамоқхоналар бор! Булар одамни одам эмас, чиқит деб билишади. Инсоннинг ақл-заковати, истеъдоди, фазилатларини қўйинг, ҳаттоки исми-шарифи ҳам бировни қизиқтирмайди. Машаққатларга дучор қилиниб, подадек гоҳ у ёқ-гоҳ бу ёққа ҳайдалган, одам бажаролмайдиган ишларни бажаришга маҳкум этилган маҳбуслардан ҳар бири шунчаки бир рақам билан белгиланган. Маҳбуснинг кийими ҳам, қиёфаси ҳам, ҳаёти ҳам, ўлими ҳам — шу рақам! Маҳбусларни озодликда бўлган яқинлари, қариндошларига, умуман, четдаги одамларга кўрсатишмайди. Маҳбуслар ўзлари билан бир кўрага тушганларни айтмаганда, қамоқхонадаги бошқа кишиларни ҳам кўришолмайди; кимлар борлигини ҳам яхши билишмайди! Қамоқхоналар бир-биридан айри каталакларга ажратиб ташланган!..

Дўзах, албатта, Ердаги қамоқхона эмас.

Аmmo ўларни қиёслайдиган бўлса, дўзахдаги азоб олдида изтироблар, кўзёшлари, жароҳатлар, ўлимларга ўралиб-кўмилган ўша бадбахт қамоқхоналар барчаси бундай эслаб ўтиришга арзимас экан! Бундан ташқари, Ердаги бутун қамоқхоналарни жамлаганда, дўзах бариб-бир улардан каттароқ эканлиги аниқ. Ахир, дунёда замонлар давоми осийлик қилган, ҳеч бўлмаганда Абдуладек ўзи билиб-билмай гуноҳга ботган одамлар озми? Буларнинг ҳаммасини сиғдирибдими, демак дўзахни поёнсиз-чексиз, деб тушунаверасиз!

Шунга қарамай, дўзахда Абдулла ўзи таниган кишилардан ақалли биронтасини учратиб, аҳволи қандайлигини сўраб-суриштиргиси келарди.

Наҳотки, Ҳасан ёки Очил дунёдан ҳеч бир гуноҳ қилмай ўтишган бўлса? Бош бошқарманинг бошлиғичи?!

Хўп, булар майли. Ҳар қандай жиноятдан тап тортмаган корчалонларни олинг! Абдуллани, қорни демай, боши демай тепкилаган, унга қарата ўқ узган сипо йигитлар... Наҳотки, булардан ҳам кимнидир кўриб, гаплашишнинг иложи йўқ?

Абдулла қанча кутмасин, бунга эришолмади.

Чамаси, дўзах ҳам қамоқхоналардек каталакларга ажратиб ташланган, ҳар ким бўйнидаги гуноҳига қараб, ҳар жойга тушган эди!

Бироқ, ён-веридаги осийлар билан Абдулла энди гоҳ-гоҳида узук-юлуқ сўзлашиб турарди.

— Сиз нега бу ёққа тушиб қолдингиз? — сўради у бир гал ёнидаги кишидан.

— Мен одамлар ҳақиқа хиёнат қилганман. Ўз нафсимнинг қурбони бўлиб яшаганман, — деди осий.

Бошқа гал эса ёнида ўтга бурканиб, инграниб ётган қайсидир осийнинг ўзи Абдуллага дардини ёрди:

— Мен энг яқин кишиларни алдаб, сотганман. Бировларнинг ўлими, бировларнинг хор-зор бўлишига сабабчиман. Менга бу азоблар кам.

— Нима учун бунга йўл қўйдингиз?

— Ақллиман, ҳеч ким сезмайди, деб ўйладим. Ўнлаб биродаримнинг рўйхатини тузиб, ўзимнинг бошимни қутқаргим келди. Бало-қазодан кўрқдим. Қилган ишим кўзимга чиройли кўринди.

Кейинги бир гал Заққум дарахтидан мева еб ўтирган одамга, Абдулла беихтиёр кўнглидан кечганини айтди:

— Биласизми, мен вақтида Худога сидқидилдан ибодат-илтижо қилганимда эди, бўйнимда балки қолган бошқа гуноҳлар ҳам бўлмасди!

Азобланганидан, афтини буриштириб, бужмайиб ўтирган осий Абдуллага қараб, кулумсиради:

— Мен етти ёшимдан етмиш ёшимгача Худога ўзимча сидқидилдан ибодат-илтижо қилганман!

— Бўлмаса, сизни адашиб дўзахга ташлашдими? — қизиқсинди Абдулла.

— Йўқ. Мен илмига амал қилмайдиган мулла эдим...

Боқий дунёда кеча ва кундуз деган тушунчалар бўлмаганидан, қанча вақт ўтганини билиш мушкул эди.

Лекин, орадан барибир анча вақт ўтганига шак-шубҳа йўқ эди.

Абдулла азобланиб, яна бир қатла ўлиб-тирилганидан кейин...

Кутилмаганда дўзах фаришталари уни устидаги зил-замбил кишан-занжирлардан озод қилишди...

Бу ҳам етмагандек, дўзах дарвозалари олдига бошлаб келишди.

Абдулла аввалига, мени дўзахнинг бошқа бир кўрасига ташлашмоқчидир, деб ўйлаган эди. Аммо дарвозадан чиқиб, маҳшаргоҳ томон йўл олишга, гангиб-саросималаниб, тўхтади.

— Мени қаёққа олиб боряпсанлар? — пичирлаб сўради, журъатсиз бир кўйда.

Фаришталар унга илк дафъа мулоим кўз ташлашди.

— Сен гуноҳлардан фориғ бўлдинг, Худонинг бандаси. Энди жойинг жаннатда бўлади!

— Ахир, мен ҳарҳолда осий банда эдим-ку...

— Тўғри, сенинг гуноҳинг кўп эди. Лекин эзгу бир ишинг учун Оллоҳ сени мағфират қилди!

— Қандай эзгу иш экан у?

— Сен учун дунёда муҳаббат ҳар нарсадан юксак эди. Лекин сен ўзинг учун шундай азиз бўлган муҳаббатни ҳам бутун умри жафо-ғурбат билан ўтган онангнинг пойига нисор қилдинг. Волидангнинг ҳақ-қўрматини тугал бажо келтирдинг!..

Абдулла алланечук изтиробга чулганиб, чуқур хаёлга толганича, илдам кета бошлади. Уч-тўрт қадам юргач, яна тўхтади:

— Мен, нима бўлганда ҳам, шоир эдим. Мен учун эзгулик билан ёвузлик муҳим эди. Мен билган ёвуз кишилар ҳам жаннатда бўлишса, мен бормайман...

— Бу сенинг вазифангга кирмайди, Худонинг бандаси! — уни жеркишди фаришталар.

У бир оз илдам юриб, боз тўхтади:

— Ҳалима жаннатда бўлмаса, бормайман...

Фаришталар индашмади.

Абдулла бехосдан йўлнинг ўртасида ўтириб олди:

— Мабодо Бурҳон Шариф жаннатда бўлмаса, ба-
рибир бормаيمان...

Фаришталар беозор кулиб юборишди:

— Мўмин бандаларнинг барчаси жаннатда бўлади,
Худонинг бандаси!

Ниҳоят, маъшаргоҳга етиб келиб, дўзах фаришта-
лари Абдуллани жаннат фаришталарининг қўлига
топширишди.

Жаннатга қараб кетаётиб, Абдулла беихтиёр ўйла-
ниб қолди...

Дунёдаги ҳар хил ёвузлар, корчалонлар ҳам жан-
натга кириб олишмаганмикин?!

Ҳалима жаннатдами?! Бурҳон Шариф-чи?!

Бу жаннат деганлари дунёдан ўтган пайтида унга
бир гал кўринган бепоён зангор водиймикин ёки бош-
қачамикин?!

Иккинчи ҳикоят

О л и с д а г и о д а м

*Вассалар терган билан
томинг сира ёпилмасин,
Мен ёмон бўлсам агар,
ҳеч лойиҳинг топилмасин...*

(Я н а б и р қ ў ш и қ д а н)

21

Ерда ҳали ҳаёт одатдагидек давом этаётган эди...

Бир куни эрталаб кутилмаганда тўзон кўтарилиб, шатир-шутирлаб ёмғир ёғди.

Ёмғирдан кейин, босилиш ўрнига — шамол кучайгандан-кучаяверди. Аста янграшдан баланд пардага юксала борган оҳанг сингари у дам сайин шиддатланиб, авжига чиқди: кўча бўйидаги дарахтларни илдиридан аёвсиз, қўпориб, уйлар томини варрак қилиб учира бошлади. Уйларнинг ўзи ҳам уммондаги кемага ўхшаб, шамолдан нари бориб-бери келарди.

Ниҳоят, Нуҳ замонидаги тошқинни айтмаса, минг йиллар давомида одамларнинг етти ухлаб тушига кирмаган воқеа рўй берди...

Қадимий обидалар, эски бинолар теграсида, болохонали уйларни оралаб ўтган ингичка кўчаларда узоқ увиллаб-тентираган шамол туйқусдан ўзини катта кўчага отди. Шаҳар марказидаги уч-тўртта кўп қаватли янги иморат атрофида нотинч айланиб, булар орасида ажралиб турган — мрамрдан тикланган тўққиз қаватли кошона пойига бош уришга тушди... Беш-ўн ҳамладан сўнг, эговлагандек кошонани таг-тубидан кўчириб, уни бирдан бургутдек қанотларига юклаганича, шаҳардан олисга — алақаёқларга олиб кетди.

22

Шаҳар ниҳоятда кичик, жимитгина эди.

Уни, аслида, шаҳар ҳам деб бўлмасди. Дабдаба билан номини Мулкобод деб қўйишганига қарамай, бу —

ғариб ва хароб бир шаҳарча эди... Бояги катта кўча-ю, тўрт-бешта пасткўчадан бўлак вақо йўқ!

Бу ерда, шу боисдандир, яхши-ёмон ҳар қандай воқеа халқнинг кўзи олдиди кечар, узоқ йилларгача одамларнинг хотирасида сақланиб қоларди.

Аммо, биз ҳикоя қилаётган кунда, негадир ундай бўлмади! Мармардан тикланган тўққиз қаватли кошонанинг дабдурустан йўқолганига шаҳардаги одамлар аҳамият беришмади! Қизиқ жойи яна шундаки, Нуҳ замонидаги тошқин ҳамон дунёни ларзага солаётган бир пайтда, шу куни кошонанинг йўқолганига ҳеч ким ҳаттоки пинагини ҳам бузмади!.. Қиёмат қойим бўлгандек, барча ўз-ўзи билан овора эканлигидан, одамлар сезмай қолишдими, шунчаки беварволик қилишдими — айтиш қийин...

Қисқаси, кўчалар этагини тўлдириб оққан ёмғир суви қуриб, шамол шаҳардан думини тутқизмай чиқиб кетгач, арзирли бирон воқеа рўй бермагандек, халқ яна ўз тирикчилиги ташвишига тушиб кетди. Биров кошонани эслаб ҳам ўтирмади!

Фақат ўша куни шаҳарда биргина кишини кошонанинг йўқолгани даҳшатга солди. Шамол тўққиз қаватли иморат билан бирга, унинг юрак-бағрини ҳам юлқиб кетгандек эди...

Шу куни шаҳардаги ингичка кўчалардан бирида жойлашган шифохонага Садиржон ҳар қачонгидек эрта шаҳардан ишга келган эди.

Шифохона биноси эски, илк қарашда бир пайтлар катта-кичик поезд бекатларига мўлжаллаб қурилган ғарибгина масканни эслатар эди. Қийшайган томдаги тунука занглаб-чириб, чўккан деворлардаги қизғиш ёшлар оқариб-кўкариб ётарди. Бинони, албатта, ҳар хил саналар, байрамлар олдидан тартибга келтириб, тузатишга уринишарди. Лекин бу иш доим шошгандан қўл учиди бажариларди. Шифохона учун аслида, аллақачон янги бино қуриш мумкин эди-ку, одамлар киниб-чиқиб, иш душа-дуруст кетаётганидан, шаҳарнинг каттаконлари бу тўғрида бош қотириб ўтиришни хаёлларига келтиришмасди!

Бино қурилган вақтида ҳам шифохонадан кўпроқ савдо растаси кўзда тутилган бўлса керак... Садиржон касал кўрадиган бўлма чоққина дўкон, қаршидаги йўлак эса, аксинча, қарвонсарой ёки... ҳали айтганимиз, бекатдаги одамлар поезд кутадиган хоналарга

ўхшар эди! Умуман, Садиржонга ҳайбатли бўлманинг ҳожати ҳам йўқ; кўпчилик ҳақимлар сингари у беморларни, одатда, биттадан қабул қиларди. Бўлма қолиб, унга йўлак ҳали ҳам тордек туюларди. Гап шундаки, йўлакда куни бўйи одам тиқилиб, ғужгон ўйнаганидан, киши бўлмадан чиқиб баъзан қаёққа, қандай юришингни билмай қолардинг!

Қирқ йил қирон келса, ажали етган ўлади, деган нақл фақатгина одамлар эмас, уйлар, дарахтларга ҳам тегишли экан.

Ёмғир ёғиб, шамол қутурганида, шифохона биноси олдидаги биронта дарахт қилт этгани йўқ. Буниси майли. Шаҳардаги қанчадан-қанча мустаҳкам бинолар шамолдан тўзиб кетганида, ҳилвираб турган шифохона биносини жин ҳам урмади! Офат унга қандайдир кор қилмаганми, уни четлаб ўтганми эди! Шамол телбаланиб ингичка кўчадан ўзини катта йўлга отганида, бир неча бўлмалар деразасидаги аввалдан синиқ ойналар шувиллаб — тўкилиб тушди, холос. Эрта баҳор бўлиб, айниқса, кун анча салқин эканлиги-ю, йўлакда беморлар инқиллаб ўтиришганидан, шифохонада мана шу оддий бир даҳмаза ҳам барчани бесаранжом қилиб, шоштириб қўйди. Бир томондан, касал кўриб, иккинчи томондан, деразаларга янги ойна солдиришга тўғри келди!

Ниҳоят, вақт тушга яқинлашганида, Садиржон ҳар кунгидек, кўлини ювиб, эгини алмаштирганча, тушлик қилгани ҳовлиқиб кўчага чиқди.

Кўчада кетаётиб, шамол шаҳарни астойдил элаб ўтганини у энди пайқади. Ҳар қадамда ёвузлик асорати кўзга ташланар, ҳаммаёқ дабдала эди! Садиржоннинг алланечук юраги увишди.

Аммо барибир уни шу пайтда, бундан чексиз изтироб чекди, деб бўлмас эди.

Олдинлар ҳам баъзи-баъзида шаҳар зилзила, сел, ёнғин дегандек, бало-офатлар, фалокатларга йўлиқиб турар, одамлар маълум даражада бунга кўникиб қолишган эди! Бундан ташқари, муҳими: Садиржон сўнгги пайтлар деярли ҳар куни Гулҳумор деган қиз билан бирга тушлик қилар, бу қиз унинг қайлиги эди. Бугун ҳам улар кўришишга ваъдалашишган, шу палла Садиржоннинг бутун хаёлини Гулҳумор банд этган эди. У висол тўғрисида ўйлаб, қаттиқ ҳаяжонланарди!

Катта-катта одимлаб, ингичка кўчаларни ортда қолдирганича, шаҳар марказига етиб келди. Ер чизиб бораётган эди, шаҳар марказига етгач, бошини кўтариб қаради...

Унинг юзидаги мамнун табассум қотиб қолди. Оёқларидан мадор қочиб, гандираклаб кетди.

Бир сония ичида оламини зулмат-зимистон қоплагандек бўлди...

Садиржоннинг ҳар куни кўзи тушиб турган шаҳар марказидаги тўққиз қаватли кошона бугун негадир ўрнида кўринмас эди!..

Жилла ўзига келгач, Садиржон, бу тушимми, ўнгимми, деб бир неча марта кўзларини юмиб очди. Бироқ бундан натижа чиқмади: улуввор кошона йўқ, қаёққадир йўқолиб қолгани аниқ эди!..

Кошона ўрнида энди, уруш пайтлари бомба тушганида бўлганидек, каттакон чуқурлик ястаниб ётар, чуқурликнинг пастида тўпланган ёмғир сувидан юзага келган кўлмак офтобда жимирлар эди!..

Садиржон ҳайбатли ўрага ўхшаш чуқурлик этагидаги уюлиб ётган тупроқ устида ғамгин чўнқайди. Лаънати кошона билан бирга, Гулхуморимдан айрилиб қолмадиммикан, деб ўйлаб, беихтиёр кўзларига ёш тўлди...

Орадан қанча вақт ўтгани маълум эмасди. Ахийри, у ҳамон чуқурлик этагида, юзини нам тупроққа суйкаб ўтирганини пайқайди. Ўридан кўзгалди.

Қандай воқеа рўй берганини аниқлаш, бирон чора кўриш керак!

Шу атрофдаги одамлар балки ўзи нима бўлганини билишар, деган хаёлга бориб, Садиржон яқин ўртадаги тўрт қаватли бино пинжида жойлашган қаҳвахонага йўл олди. Томоғидан ҳеч нарса ўтмаса ҳамки, ёғли бўғирсоқ билан қаҳва харид қилиб, дераза олдидаги бўш ўринни эгаллади.

Лекин қулоғи динг, қимир этмай қанча ўтирмасин, қаҳвахонадаги одамлар мум тишлаб олишган, буларнинг оғзини пойлаш бефойда эди.

Одамлар, нари борганда, бозор-ўчар, турмуш қийин бўлиб қолгани ҳақида аҳён-аҳён тўнғиллаб қўйишарди, холос; ҳеч ким шамолнинг васвасаси тўғрисида ҳам, йўқолган кошона тўғрисида ҳам лом-мим демасди.

Садиржоннинг қаҳвахонадан чиқиб, худ-бехуд ҳолатда ўзи хизмат қилган шифохонага қайтиб келишдан бўлак иложи қолмади.

Шаҳар марказида кўрган манзара уни чинакамига эсанкиратиб қўйган эди.

Ҳаётда номардлик юз берган, у гафлатда қолган эди!

Унга фақат бир нарса: тўққиз қаватли кошона-ю, шу кошонада бўлган Гулхуморнинг дабдурустан йўқолгани аён эди. Кошона билан севгилисининг қисматини ҳам, бундай пайтда инсон нима қилиши кераклигини ҳам билмасди. Садиржон содда, тўғри, ҳаёт ишларида уқувсиз, ўттиз йиллик умрини, асосан, китоб ўқиб, одамларни муолажа қилиб ўтказган йигит эди!

Шу йил кузда уларнинг тўйи ўтиши керак эди. Шунга қарор қилишганди! Кутилмаган даҳмаза Садиржоннинг орзу-умидларини энди бир йўла кўкка совурган эди!

Бу дунёда йигит билан қиз борки, ҳар бирининг ҳеч кимга ўхшамаган ўз муҳаббат тарихи бўлади.

Гулхумор билан Садиржон ҳам шу кунлар ажиб бир муҳаббат тарихини бошдан кечиришаётган эди!..

Улар бир-бирларини тасодифан ёқтириб қолишган эди...

Бундан икки йилча бурун бир куни кечга томон шифохонадаги Садиржонга тегишли бўлмага навбатдаги бемор кирди. Бу — калта сочлари қулоқлари устига тушиб турган, илк қарашда ўсмирларга ўхшаш, аммо юзи рангсиз, кўзлари эса мунгли ва чақноқ — йигирма беш ёшлардаги қиз эди, Садиржон қизга разм солиб қўйиб, шошмасдан касаллик тарихини варақлади.

— Хў-ўш? — деб сўради ниҳоят.

— Бу ерда ёзилган нарсалар шунчаки; менинг касалим бошқа, — пичирлади қиз. — Икки йилдан буён... агар қулмасангиз, айтаман.

— Қизиқ экансиз-ку! — қизнинг гапидан хафа бўлиб кетди Садиржон. — Ҳеч табиб ҳам бемордан кулар эканми? Унақа одам ҳақимлик қилмай, бозорга боравермайдими?!

— Раҳмат, — деди қиз секин. — Демак, сизга ҳаммасини айтаман... Дунёда қанча умрим қолган, билмайман. Кечалари ётганимда, мутгасил ҳаво етишмайди. Юрагим қаттиқ қисади! Ухласам, қайтиб уйғон-

масмиканман, деб кўрқаман. Уйқумда ўзим билмасдан ўлиб қоладиганга ўхшайман! Дорга янги чиққан дорвоздек, юрагимни ҳовучлаб юрибман! Лекин кардиограммада ҳеч нарса сезилмаяпти...

— Бунга кардиограмманинг алоқаси йўқ, — гудранди Садиржон.

— Ким билсин, дўхтирларга қатнаб ҳам чарчадим. Энди бормайман, дегандим. Одамлардан сиз ҳақингизда бошқаларга ўхшамайди, деган гапни эшитдим...

Садиржоннинг бошқалардан «бир поғона юқори» кўтарилишга аввалдан ҳеч тоб-тоқати йўқ эди. Дунёда не-не буюк зотлар ўтмаган! Камтарлик билан ўз вази-фасини бажараётган одамни олқашнинг нима кераги бор?! Лекин қизнинг унга айтган сўзлари манзират, лутф, айрим хасталарда учрайдиган эзма хушомад эмасди! Қиз эътиқод қилиб, унинг ҳузурига келган эди!

Умуман, бир неча йиллардан буён шаҳарда Садиржондан маънили гап чиқишини одамлар билиб қолишган, унга айрича ҳурмат билан қарашар эди. Садиржон, албатта, айрим ҳақимлардек, менинг ишим шундан иборат, деб ҳеч қачон беморларга калласига келган гапни ёзиб беравермасди. У, тиб дунёдаги энг гўзал санъатдир, деган гапни кўп эслар, доим шунга амал қилишга уринар эди! Худонинг берган куни шифоҳонадаги зах-дим йўлақда одам қайнашига, аслида, сабаб ҳам шу эди! Шон-шухрат деймизми, ихлосми, баъзан Садиржонни қийнаб ҳам юборарди. Садиржон умумий хасталиклар бўйича мутахассис эканлигига қарамай, унинг ҳузурига кўпинча қулоғи оғриган ҳам, тиши оғриган ҳам бостириб келаверарди. Хасталарку, майли, Садиржон тўғрисида эшитиб-билиб, гоҳо одамлар тибга ҳеч алоқаси йўқ ташвишлар билан ҳам унинг бўлмасига кираверишарди. Асоссиз бир касални баҳона қилиб, соатлаб навбатда туришдан эринишмасди! Садиржон эса самимий киши бўлганидан, ҳамма билан бирдек отамлашаверарди!

У бемор қизнинг ҳаёти қандай кечаётганига қизиқсинди.

Гулҳумор болалигидан бир оз ёввойи ўсган экан. Ёши улгайиб, ота-онасидан ҳам узоқлаша бошлабди. Ён-вериди кўнглини тушунадиган, дардлашадиган одам йўқ! Бунинг устига, кейинги йиллар негадир иши

юришмабди; олий маълумоти борлигига қарамай, уч-тўрт ой бир ерда котибалик қилгач, ишсиз — кўчада қолибди. Сарсон-саргардонлик кўриб, бошдан аниқ касб танламагани, тор ихтисос эгалаб, тарихчи бўлганига ўқинибди. Ҳаётида маъно қолмагандек туюлиб, кундан-кунга руҳини мунг қоплабди...

Садиржон Гулхуморга касали борасида ҳеч нарса демади. Мана, буни ўқийсиз, деб қизнинг қўлига иккита китоб тутқазди. Кейин, шаҳарнинг шарқ томон этагида авлиё мақбараси, мақбара бошида чашма бор, ҳар куни наҳорда бориб, шу чашмадан бир пиёла сув ичасиз, деб тайинлади. Гулхумор ажабланиб турган эди, тушунтирди:

— Сиз шундай даволанишингиз керак. Менга ишонинг, ҳаммаси яхши бўлиб кетади!

Орадан бирон ҳафта ўтиб, Гулхумор анча кўтаринки кайфиятда кириб келди. Садиржон қизнинг қўлига бошқа иккита китоб тутқазди. Ниҳоят:

— Чашмага ҳам боряпсизми? — деб сўради.

— Боряпман, — бошини силкиди Гулхумор. Сўнг, беихтиёр қизиқсинди: — У ердаги сув шифобахшми?!

— Ҳа, албатта, — деди Садиржон. — Шундай давом этаверинг..

Навбатдаги сафар келганида, Гулхуморнинг кайфияти янада кўтаринки эди.

— Ўзимча тузалганга ўхшаяпман. Раҳмат сизга! — миннатдорчилик билдирди қиз. — Бир ойлик сафарга кетяпман, — деди у. — Қайтиб келгач, аҳволим қандай бўлишидан қатъи назар, сизга учрайман... Биласизми, сизга бир нарса демоқчи эдим. Фақат мени тўғри тушунинг, илтимос. Сизни биринчи кўрганимдаёқ ҳис этганман... Биз ҳар куни кўриб юриб, ўрганиб қолган оломон ичида сиз чиндан бошқаларга ўхшамаган одам экансиз! Ўзингиздан кўпроқ атрофингиздаги кишиларнинг севинчи, изтиробини ўйлаб яшайсиз. Ҳаётда ҳеч нарса сизни бузиб-ўзгартиролмаган. Бефарқ, майда мақсадлар сиздан йироқ. Пок, беғубор сақланганми, шунақа! Сиз билан кўришиб, сўзлашган кишининг қалби-руҳи юксалади... Мен бундан кейин ҳам даволаниш, баъзан сиздан маслаҳат олиб туришни истардим. Бир танишми, дўст сифатида. Агар мумкин бўлса...

— Мумкин, албатта, — гудранди Садиржон...

Аммо Гулхумор шу кетганича, бир ой эмас, икки ой ўтиб ҳам қорасини кўрсатмади.

Садиржон ҳар қандай беморни эслаб, у тўғрида узоқ ўйлаб юрмасди. Бунинг иложи ҳам йўқ эди! Лекин Гулхумор йигитнинг хотирасида сақланиб қолганди. Шу қизга кейин нима бўлди экан, деб гоҳида хаёлидан кечирар, ўзи билмаган ҳолда юрагидаги шафқат муҳаббатга айлана бошлаган эди!

Ниҳоят, бир куни кечга томон телефон жириглаб, кутилмаганда...

— Ассалому алайкум.

— Салом алайкум.

— Сизга ваъда бериб, сўзимнинг устидан чиқолмадим. Сиз мени унутиб ҳам юборган бўлсангиз керак!..

— Гулхумор..

— Мен. Демак, унутмаган экансиз...

— Қаердан кўнғироқ қиляпсиз?..

— Кўчадан. Шаҳар маркази...

— Мен ҳозир етиб бораман!

Садиржон эгнини алмаштириб, шошганича кўчага йўналди. Шаҳар марказига етиб бориб, Гулхумор билан учрашди.

Аслида, бундай бўлмаслиги керак: улар ҳали бегона кишилар эди. Бироқ ўз-ўзидан шундай мулоқот рўй берди. Гўёки икки ўртада маълум бир муносабат аллақачон шакланган эди!

Афтидан, бу қисмат эди!

Шунга қарамай, улар кўришган пайтда Гулхумор Садиржонни огоҳлантирди:

— Сиздан фақат илтимос, телефонингизни топиб, кўнғироқ қилганим учун мени енгилтак экан, деб ўйламанг!

— Мен ундай деб ўйламайман. Мен сиз ҳақингизда ҳеч қачон ёмон ўйга бормаيمان. Ишонинг!

— Раҳмат, — деди Гулхумор. Лекин яна тушунтирди: — Шунча вақтдан кейин шифохонага бориш менга ноқулай бўлиб туюлди. Энди бутунлай тузалиб ҳам кетдим.

— Мен бунга биламан. Сизни кўрганимга эса жудаям хурсандман.

— Сизнинг олдингизда ёлғончи бўлишдан кўрқдим. Бунинг устига, сиз билан бир оз гаплашгим келди. Аввал ҳам сизга айтганман, атрофимда дардлашадиган одам йўқ.

— Менга ишонганингиз, умуман, бутун муносаба-
тингиз учун раҳмат! — деди бу гал Садиржон.

Улар шу куни алламаҳалгача кўча чангитиб юриш-
ди. Ниҳоят, хайрлашаётганда Гулхумор Садиржоннинг
кўлига қандайдир дафтар тутқазди:

— Биласизми, бир йигит холамнинг уйида, ижара-
да турарди. Бошқа шаҳарда. Уч-тўрт йил бурун нобуд
бўлиб кетган. Шоир экан, дафтари уйдан топилди. Сиз
менга китоб бергувчи эдингиз, мен ҳам шунингизга
эсдаликка берсам...

Икки ёш қалбни бу мулоқот уйғотиб, энди уларни
анча яқинлаштириб қўйган эди.

Улар шундан сўнг, ҳафтада баъзан бир, баъзан
икки кўришиб, кўча айланиш, суҳбатлашиб юришни
одат қилишди.

Гулхумор чиройли, ақлли, самимий эди.

Садиржон бир кунлар, Гулхуморни эслаб, кўнглида
ёқтирган бўлса ҳамки, уни яхши кўриб қоламан, деган
гапни хаёлига келтирмаганди. Энди кундан-кунга
қизга нисбатан меҳри ошиб-тошиб, ўз ҳолатига ўзи
хайрон бўлиб қолди. Гулхумор билан кўришгани са-
йин, Садиржон алақандай телбалана бошлади.

Гоҳ кўришганларидан кейин, гоҳ кўришмаган кун-
лар у, биринчи саҳифасига «Абдулла Ҳаким» деб
ёзилган катак дафтарни кўлига олиб варақлаб, даф-
тардаги шеърларни завқланиб-пичирлаб қайта-қайта
ўқир эди:

*Сиздан гўзали йўқ,
Сиздан яхшиси йўқ —
Сиз битта яралган
менинг бахтимга.*

*Сиздан нозиги йўқ,
Сиздан нозлиги йўқ —
Сиз битта яралган
менинг бахтимга.*

*Сиз ёрқин бир қўшиқ,
Сиз ойдин бир қўшиқ —
Сингиб бормоқдасиз
менинг бағримга...*

Садиржон ажабланарди...

Шоирлар шеърни бир кишига бағишлаб ёзади, албатта. Лекин қизиқ жойи, ўқиган одамки бор, шеърдан ўз дарди ифодасини топади, ўз юрагини ойнага солгандек кўради! Умуман, шоирлар қадим-қадимдан шунинг учун шеър ёзишмасмикан?!

Дунёдан ўтиб кетган, исмини ҳам, ўзини ҳам то ҳозир билмай келган Абдулла Ҳаким деган шоирнинг кимгадир бағишлаб бир пайтлар ёзган шеърлари, ахир, Садиржоннинг қалбига қуюлиб, унинг ҳолатини шунчалик акс этдирса, буни —бошқа қандай тушунйш мумкин?

Сиз ҳақда
Ўйлай қачон —
Эрталабми,
кечкурун?
Кун ярмида
Ўйлайми,
Ўйлайинми
ярми тун?
Бирлаштириб
барини,
Ўйласам-чи,
ҳар соат?
Ахир,
сиздек парини —
Ўйламоқлик
Саодат.
Ўйласам-чи,
ҳар лаҳза.
Ҳар сония —
Қўймасдан?
Қалбинга
тушгач ларза,
Бўлмас экан
Кўймасдан...

Ёшлиқдан адабиётни яхши кўриб, анча-мунча шеърый китоблар ҳам ўқиган Садиржон ўзини, гоҳ тувақда, гоҳ борда ўсган гулларни учратиб юриб, беҳосдан ёввойи дашт гулларига дуч келиб қолгандек ҳис этарди. Фақат Гулҳумор ҳадя этгани учун эмас, бу дафтар шу жиҳатдан ҳам унга қадрли эди!

Дафтардаги шеърларни қайта-қайта ўқиганидан, уларнинг аксари энди Садиржонга ёд бўлиб кетганди. У ёлғиз қолдимиз, бас, кўчадами, уйдаими, Абдулла

Ҳакимнинг шеърларини худди юракдан отилиб чиққан ўз сўзлари сингари пичирлаб-қироат қиларди:

Нималарни
Ўйлаяпсиз ҳозир —
Шилдираган
 сувга тикилиб?
Ўт-ўланлар энкайиб оғир,
Сизнинг
 пойингизга йиқилиб?

Нималарни
Ўйлаяпсиз шу пайт —
Тегрангизда
 боқлар шовуллаб?
Боқмайин, деб
Сиз томон лоқайд,
Осмонда ҳам
 офтоб ловуллаб?

Нималарни
Ўйлаяпсиз бу дам —
Учганида
 бедарг шамоллар?
Тегишлими
бир оз менга ҳам —
Сизни йўлга солган
Хаёллар?!

Садиржон Гулхуморни яхши кўрар, назарида, уни Гулхумор ҳам ундан кам севмас эди.

Улар кечкурунлари учрашиб, кўпинча ярим тунгача кўча айланишар, бир-бирларини эркалаб, бир-бирларига суянишар эди. Севинчдан, бахтдан кўзлари порлар, уларга ҳаётда ҳали бундан ҳам тотли лаҳзалар насиб этадигандек эди. Ҳарҳолда, Садиржон шундай деб ўйларди!

Аммо кўришиб юриб, дабдурустдан Гулхумор яна бир ойча ғойиб бўлди...

Садиржон олдинги гал Гулхуморни қанчалик эслаб-ўйламасин, унинг икки ойдан ҳам кўп қорасини кўрсатмаганига ортиқча парво қилмаган, изтиробга тушмаган эди. Ўшанда бу қизни алақачон ёқтира бошлагани-ю, ишнинг бундай тус олишини хаёлига келтирмаганди... Мана энди васли-висол шомларидан кейин, Садиржон чинакам айрилиқ азобини туйиб, буткул эс-ҳушини йўқотиб қўйди! Гулхуморсиз ҳаё-

тида маъно қолмагандек туюлиб, гангиб, жон-дили билан ўрганиб қолган севгилисини излаганча, кўча-кўйда тентирашни одат қилди...

Ана
Чопмоқдаман ёниб,
Кўчада —
Телба. Телба...
Ўхшайман
Югурган оёқ учига —
Елга. Елга...
Мен
Юзлашган каби
қаро кечада —
Селга. Селга...
Дардим
Қандай айтай
бу дарг ичига —
Элга. Элга...
Фақат чопмоқдаман —
Ана, кўчада:
Телба. Телба...

Ҳамма бало шундаки, Садиржон дунёда ота-онасиз қолган, ёлғиз йигит эди!

Унинг бу борлиқда Гулхумордан бўлак суянадиган ҳеч кими йўқ эди!

У гоҳ эрталаб, гоҳ кеч тунларда шаҳарча кўчаларида тентираб, ўзининг юрак мулки — Гулхуморга қайта-қайта, хаёлан илтижо қиларди:

Нега жимсиз?
Хасталаниб қолмадингизми?
Ё
Шунчаки
бизни эсга олмадингизми?

Нега жимсиз?
Рўй бердим
Бир дилсиёҳлик?
Қовжиратиб қўйдингиз-ку
мени гиёҳдек!

Сиз — ҳаётим!
Менинг билган —
Қалб эҳтиёжим!
Нега жимсиз?
Ўйламасдан
йўқдир

Иложим!..

Гулхумор ўтган сафардаги сингари кутилмаганда бир оқшом қўнғироқ қилди:

— Ассалому алакум.

— Салом алайкум.

— Мени йўқотиб қўймадингизми?

— Сизни қидирмаган жойим қолмади, Гулхумор.

— Биламан. Мени кечиринг, Садир ака... Мен атайин эмас. Ўзи шундай бўлиб қолди. Ишонинг...

— Мен сизга ишонаман.

— Уйдагилар чиқишга қўйишмади, тўғриси. Лекин энди шароит бир оз ўзгарадиганга ўхшаяпти.

— Қаердан қўнғироқ қиялпсиз?

— Ҳар қачонги ўша..

Улар қайта топишиб, шу оқшом яна алламаҳалгача кўча айланишди.

— Мени табрикланг, — деди гап орасида Гулхумор. — Ниҳоят, ўзим хоҳлаган ишга кирдим... Отанам таниш-билишлар орқали ёрдам беришди... Энди кундузи ҳам, кечқурунлари ҳам бемалол кўришаверамиз! — У шаҳар марказидаги тўққиз қаватли кошонага мамнун имо қилди. — Шу ерда ишлайман бундан буёғи. Жуда катта, обрўли ташкилот...

Садиржонга бу хабар фавқулодда бошқача таъсир этди.

Тўққиз қаватли кошонада жойлашган «Тарих ва Маданият» деган ташкилот чиндан ҳам катта эди. Аммо Садиржон бу ташкилотни обрўли деб билмасди.

Умуман, «Тарих ва Маданият» деб номланган муҳташам даргоҳга шаҳарчада одамлар алланечук шубҳа билан қарашар, иложи бўлса яқин йўламасликка ҳаракат қилишарди. Улар бу ташкилотдан қандайдир қўрқишарди!

Ташкилот Тарих ва Маданиятни гуллатиш шиори остида қадимий обидалар — масжид ва мадрасаларни бузиш, минг йиллик кўркам ҳовузларни кўмиб ташлаш, қабристонларни топташ, ота-боболардан қолган эски китобларни ёқиш билан шуғулланарди. Ташкилотдагилар, уларга эътироз билдирган ҳар қандай кишига, ишчи билан деҳқонга бунинг алоқаси йўқ, ишчи билан деҳқон бунинг тушунмайди, деб гап уқтиришарди. (Масалан, шоирларга улар, шеърингни ишчи билан деҳқон тушунмаса, шеър ёзиб нима қиласан, дейишни ёқтиришарди.) Ўтмишдаги истаган шоҳ, вазир, саркарда, бадавлат киши тарихда из қолдириб, маданият-

га қанчалик хизмат қилганидан қатъи назар (ишчи ёки деҳқон бўлмагани учун) ташкилотдагилар назарида, ёт — ашаддий душман эди. Улар, бундай кишиларнинг номини эслашнинг ўзи гўзал ҳаётимизни остинустин қилиб, бузиб ташлайди, эҳтиёт бўлиш керак, деб ўйлашарди. Ўтмиш дегани тарих эмас, тарихни биз яратамиз, шўрлик халқ маданиятсиз яшаб келган, биз унга маданиятни ўргатамиз, деган даъво ташкилотдагилар бошида кўтариб юрган байроқ, улар амал қилган дастур эди!

«Тарих ва Маданият» ташкилоти ҳар ой камида бир марта ўқувчиларни билим даргоҳидан, хизматчиларни ишлаган жойидан шаҳар марказидаги майдонга ҳайдаб келиб, ашула байрамлари ўтказарди. Майдонда тўпланган ёш-қари аскардек саф чекарди. Тахтадан омонат, аммо ниҳоятда баланд саҳна тикланарди. Қоп-қора бир киши саҳнага кўтарилиб, қўлидаги таёқчани силкитар, оёққа қалқиб турган одамлар ташкилот вакилларидаан ўзлари ўрганган ашулани бақириб ижро этишарди:

*Бизнинг шаҳримиз жаннат,
Бунда ҳамма озод-хур.
Ўтиб ҳар қандай зулмат,
Кўксимизга тушди нур.*

Ташкилотнинг асосий мақсад-муддаоси ҳам: барчани шундай бир хил ашула айттириш эди!

Садиржон тўққиз қаватли кошона томонга нохуш қараб қўйиб, жуда кўп нарсаларни хаёлидан кечирди. Бейхтиёр кўнгли гаш тортди. Шунга қарамай, у Гулхуморга ташкилотни ёмонлаб лом-мим демади. Қизнинг юз-кўзидаги мамнуният, севинчни хуркитиб юборишдан кўрқди. Бунинг устига, Садиржон, яхшими, ёмонми — ҳар ким қаердадир ишлайди, биров доя бўлса, биров гўрков, ҳаётнинг ўзи шундан иборат эмасми, деб ўйлади. Гулхумор тарихчи бўлганидан кейин бу катта ташкилотда ишламай, қаерда ишласин?! Эҳтимол, унинг анча оврагарчиликдан сўнг шу ишга киргани эзгулик нишонасидир: ташкилотда ўйли-мулоҳазали, ҳалол кишилар ҳам бордир; ақлли, билимли, қатъиятли Гулхумор улар билан бирлашиб, ташкилотнинг фаолиятини ўзгартириб ташласа, бунинг савобига нима етсин?! Ахир, ҳаётда баъзан шунақаси ҳам бўлади!

Садиржон илож-ноилож Гулхуморни табриклади.

Улар иш борасида қайтиб офиз очишмади.

Энди кечки васли-висолдан ташқари, деярли ҳар куни кўришиб, бирга тушлик қилишар, ширин энти-киб шивирлашганча, шошмасдан бундан буён турмушлари қандай бўлиши режасини тузишар эди.

Яна уларнинг иккиси ҳам севинчдан, бахтдан сармаст эди!

Лекин кунлар шу йўсинда давом этаётиб, бир гал Гулхуморнинг иши сабабли севишганлар орасидан қора мушук ўтди.

Эрталабдан шифохонадаги Садиржонга тегишли бўлмага одатдагидек биттадан эмас, бостириб, бошини чангаллаган беш-олти киши кирди. Беморларнинг ва-жоҳатини кўриб, бундай тартибсизлигу бу паришон ҳолатга илк дафъа дуч келган Садиржон, туйқус бирон кулфат рўй бердими, бошларингиз офрияптими, деб сўради. Хонага кирган беморлар қўлларини ёнларига тушириб, бошларини чайқашди. Кейин, бир-бирларига навбат бермасдан, нима бўлганини тушунтиришди.

Бу — шунчаки фалокат ҳам, ҳар кунги бош офриқ ҳам эмасди! Бу — Садиржон дунёда яшаб юриб, тасаввур ҳам қилмаган даҳшат эди!

«Тарих ва Маданият» ташкилоти хизматчилари шаҳарнинг шарқ томон этагидаги авлиё мақбарасини бузиб, мақбара бошидаги чашмани кўмиб, бир кечада ҳаммаёқни теп-текис қилганча, бу ерда олдин ҳеч нарса бўлмагандек, майдонга чим бостириб қўйишибди!

Садиржон бўғилиб, кўксига нақ ханжар санчилгандек кўйга тушди.

Шу куни кўришганларида, у Гулхуморга захрини тўқди:

— Нега ўзингиз шифо топган мақбарани бузасиз? Ўзингиз сув ичган чашмани нега кўмасиз? Нега?!

Гулхумор бир лаҳза қизариб, бўйинини қисди:

— Мен бундай қилганим йўқ. Ташкилотдаги бошқа одамлар...

— Хўп, ўша бошқа одамлар нима дейди? — сўради титраб-қақшаб Садиржон.

— Ишчи билан деҳқон, оддий халқ манфаати...

— Бу улар учун ниқоб, албатта. Жаҳолат, саводсизликдан манфаат чиқадими? Чинакам тарих, чинакам маданиятсиз ишчи-деҳқоннинг ўзи молга айланмайдими? Халқни қул қилиб юборган ташкилотингиз...

— Бундай нарсалар бидъат, хурофот, эскилик сарқити, дейишади. Шулар бўлмаса, халқ бахтли яшайди, ўтмишни қўйиб, келажакни ўйлаш керак, дейишади...

— Ўтмиш инсоннинг таржимаи ҳоли! Унутиб бўлар эканми?! Хўп, мақбараси бузилган авлиёнинг ақалли кимлигини эшитганми ташкилотдагилар?

— Мен билмасам, — пичирлади Гулхумор.

— Бошқаларингиз ҳам ҳаттоки хаёлига келтирмаган! Бу авлиё, масалан, Конфуцийга ўхшаш буюк файласуф бўлган. Атрофига шогирд тўплаб, ҳалол қўл меҳнати билан кун кўришга ўргатган. Дунёда, ҳам жисм, ҳам руҳни пок сақлашга чақирган. Бунинг нимаси сарқит? Чашмани олинг. У — ер қаъридан отилиб чиққан тоза сув эди-ку. Бир пиёла ичган одамнинг баданидаги губорлар ювилиб кетарди. Шу — бидъатми?! Йўқ, сиз бунақа ташкилотда ишламаслигингиз керак...

Гулхумор Садиржоннинг гапига жавобан ҳеч нарса демади. Маъқуламади. Эътироз ҳам билдирмади. У, афтидан, чуқур хаёлга чўмганми, бир оз инжиб, озор чекканми кишига ўхшар эди. Шунинг баробарида, алланечук мағрур, бепарво эди.

— Мен ўзим сизга иш қидираман, — деди Садиржон қатъий.

Гулхумор негадир маҳзун қулумсиради:

— Майли, кейинчалик. Ихтиёрим сизда бўлгач...

Садиржон шундан сўнг анча кун гашланиб юрди. У, аввалдан ҳақим билан бемор орасидаги чегара — муқаддасликни бузмаслигим керак эди, мана энди шунинг жазосини тортаяпман, деб ўйлади. Юрагида ҳис этди: Гулхумор уни ёқтиради, лекин ишни ундан кўпроқ яхши кўради!

Вақт ҳар қандай жароҳатни даволайди.

Улар аста-секин рўй берган воқеадан ҳам, орада ўтган дилсиёҳликдан ҳам узоқлаша бошлади.

Уларнинг фикри-хаёлини тезроқ тўй-томоша ўтказиб, бир нафасга ҳам бир-биридан ажралмаслик истаси банд этган эди.

Садиржоннинг назарида, ҳаёт уларни эркалаганча, осмондек юксак бахт ваъда қилмоқда эди!

Йўқ... Севишганлар орасига тагин айрилиқ тушди.

Шамол шаҳарнинг тўс-тўполонини чиқарган кунда, Гулхумор тўққиз қаватли кошона билан бирга, қаёқ-қадир ғойиб бўлди...

24

Ўша — шамол қутурган куни, кечга томон Садиржон яна шаҳар марказига бориб кошона ўрнидаги чуқурлик этагида узоқ ўйга чўмиб ўтирди.

Эртаси куни ҳам...

Саҳарлаб борди.

Туш пайтида борди.

Кечқурун борди.

Ҳар куни шундай бораверди. Қандайдир чора кўриш керак! Аммо қандай?!

Шаҳар марказида йиллар бўйи қўнқайиб турган ҳайбатли бир иморат бехосдан йўқолса-ю, ҳеч ким пинагини бузмаса, қийин экан! Одамларнинг ёппасига лоқайдлиги очиқ-ойдин кўриниб турган бундай шабройтда кимдан гап сўраб, кимга арзи-дод қиласан? Ўтган-кетганларни тўхтатиб, мана шу ерда мрамар кошона, кошонада менинг жондан азиз севгим бор эди, десанг сени жиннига чиқаришади-қўйишади! Ҳамма ўзи билан ўзи овора бўлиб, қар ва кўрдек ҳолга келиб турган бир замонда сенинг гапинг бировнинг қулоғига кирармиди?! Калтак кўтариб, сени шу тупроқ уюми устидан ҳайдашмаганига ҳам шукр қил!

Садиржон сурункасига бир ҳафта бошини қайси деворга уришини билмай, шаҳарда девонадан баттар кўйда тентираб юрди. Ишининг ҳам унуми йўқ, одамлар уни баъзан соатлаб пойлашар эди.

Кейинги ҳафтанинг биринчи куни шифохонада тушга яқин Садиржоннинг бўлмасига ҳамкасби — Абдурахмон кирди.

— Бугун бирга тушлик қилишимиз керак!

— Нега? Мен бугун бошқа ишлар... — ғудранди Садиржон.

— Бошқа иш кейин! — деди Абдурахмон қатъий. У сал юмшаб, қўшиб қўйди. — Сен билан гаплашадиган гап бор!

Булар ёшлиқдан дўст, бирга ўқишган, энди бирга

ишлашар, бунинг устига, Абдурахмон шуҳрат топган ҳаким бўлмаса ҳамки, шифохонада мавқе эгаллаган, кўз касалликлари бўйича шаҳарда ягона яхши мутахассис эди; Садиржон уни ҳурмат қиларди. Ҳозир ҳам, Абдурахмоннинг нима гапи борлигига унча қизиқмаганига қарамай, ўрнидан туриб, бўйнига арқон солинган кўзичоқдек, дўстига эргашмай иложи қолмади.

Ҳамкасби Садиржонни негадир тўппа-тўғри ўз уйига бошлаб борди.

Уйда дастурхон тузалган, овқат тайёр эди.

Садиржон, дўстимга ёки бола-чақасига тегишли бирон муносабат бормикан, олдиндан билмаганим чакки бўлди, деб ўйлаб, хижолат чекканича, оғзига олган бир бурда нонни сақичдек чайнай бошлади.

— Овқатга қара, — деди Абдурахмон кескин. У, танишми, бегонами, ҳаммага дўқ ургандек шунақа қаттиқ-қаттиқ гапираверарди.

— Қараяпман, — деди Садиржон секин.

— Хўш? Иштаҳанг йўқ?! — деди бир оздан сўнг яна Абдурахмон.

— Қорним...

— Эрталабдан ишда юриб, қорнинг қаёқдан тўқ бўлади? Афтингдан, нонушта ҳам қилган одамга ўхшамайсан! Ол...

Садиржон ҳафсаласиз кўйда қўлидаги қошиқни бир-икки айлантиргач, Абдурахмон унга тик қадалиб дангал гапга кўчди:

— Мен сени бутун бекордан уйга чақирганим йўқ, оғайни. Шу кунлар сенга бир нима бўлган. Кўриб юрибман. Гапир!

— Ўзим. Шунчаки... — гудранди Садиржон.

— Очиғини айтавер!

Садиржон илож-ноилож дўстига шаҳар марказидаги улуғвор кошонанинг йўқолиб қолганини тушунтирди.

— Бундай бўлиши мумкин эмас! — деди Абдурахмон, бошини чайқаб. — Кўзингга шунақа кўрингандир! — У ўзининг бу гапи билан қаноатланмай, ўрнидан ирғиб турганича, тоқчадан узун дастали ойнак олиб, узоқ-яқиндан Садиржоннинг кўзига разм солиб қаради. — Йўқ, кўзинг ёмон эмас! — деди ниҳоят.

— Ҳеч ким ишонмайди, лекин мен борини айтяпман, — хафа бўлди Садиржон.

— Хўп, бино йўқолса, сенга нима? — сўради қайтиб ўрнига ўтиб ўтирган Абдурахмон.

— У ерда Гулхумор бор эди.

— Э, шунақа демайсанми? — Абдурахмон Садиржоннинг муҳаббат тарихидан воқиф бўлмаса-да, бу йигит ёши ўттизга етганда ҳам бировни яхши кўрмаслиги мумкин эмаслигини тушунарди. — Бошингга кулфат тушибди-да, оғайни. Шунга озиб юрган экансан-да! — тўнғиллади беихтиёр.

Ўзини зўрға тутиб турган Садиржоннинг кўзларига жиққа ёш тўлди.

— Майли, кўп эзилаверма! — таскин берди унга Абдурахмон. — Бу жуда кўнгилисиз, аммо барибир қонуний нарса...

— Нима қонуний? — қизиқсинди Садиржон.

— Муҳаббатни айтяпман. Доим шунақа тутаган. Лайли ва Мажнунни эсла. Тоҳир ва Зухра. Ошиқ Фариб ва Шоҳсанам. Қолаверса, Ромео ва Жюльетта. Ҳаммаси бир-бирини йўқотиб, ўлиб кетган...

— Мен ҳам Гулхуморни топмасам, ўламан!

— Бу шарт эмас! — деди Абдурахмон. — Муҳаббатсиз ҳам бемалол яшайвериш мумкин.

— Яхши кўрганлар қовушиб, бахтли яшаб кетишса бўлмайдами? — дўстига илтижоли тикилиб сўради Садиржон.

— Барибир фойдаси йўқ, — деди Абдурахмон. — Иккаласи бирга ўлиб кетади! Мана, мен... Бир пайтлар хотиним учун ўзимни томдан ташлардим... Кўзларини кўргим келиб, уч кечалаб ухламай чиқардим. Бахтли бўлсак, биз бахтли бўлишимиз керак эди! Хўп, уйландим, хотинни ҳозир ҳам яхши кўраман. Лекин энди ҳаммаси оддий, олдинги муҳаббатга ўхшамайди. Хотин кундузи маза-бемаза гапириб, кечалари ёнингда хирмон бўлиб ётгандан кейин, ҳеч қизиғи қолмас экан! Қисқаси, иккаламиз биргалиқда кундан-кунга ўлиб кетяпмиз! Сенга маслаҳатим, шунинг учун, қолган гапни унутиб, тезроқ биронтасига уйлан, кучолингга олиб, бемалол кунингни ўтказиб юравер!..

— Мен ундай қилолмайман! — тўнғиллади норозиланиб Садиржон. — Биз ваъдалашганмиз. Бир-биримизни яхши кўрамыз. Гулхумор йўқолиб қолди, деб мен унга қандай хиёнат қиламан?! Сен ҳақ эмассан, муҳаббатни бир умр асраш ҳам мумкин! Биз бир-биримизни ҳеч қачон унутмаймиз...

Абдурахмон чуқур хаёлга толди.

— Унда қидириб кўриш керак, — деди ахийри.

— Қаердан?

— Қизнинг ота-онаси, дугоналари, дўстлари бордир, бирон нима билишар, ахир! — бўғилди Абдурахмон.

— Ота-онасини танимайман. Дўстлари йўқ. Хўп, дугоналари... узоқ бир дугонасини айтмаса...

— Ҳеч бўлмаганда ўшанга учраш керак. Қўл қовуштириб, эзмаланиб ўтиргандан кўра...

Абдурахмоннинг бу маслаҳатини Садиржон қабул қилди.

Кечга томон шифохонадан чиқиб, у тўғри Маиший хизмат кўрсатиш уйига қараб кетди. Гулхуморнинг дугонаси — Зевар тикувчилик билан шуғулланарди.

Садиржон Гулхумор билан кўча чангитиб юришганида, Зеварни икки-уч кўрган, холос. Бу қизнинг феъл-атворини билмаганидек, афти-ангорини ҳам яхши эслаёлмасди.

Озгин, дароз, кўримсизгина бир қиз экан Зевар!

Гапи борлигини айтиб, йўлакка чақиртириб чиққан Садиржоннинг юзига у нимадандир кўрқаётгандек бақрайиб қаради.

Садиржон қизга рўй берган воқеани тушунтирди.

— Мен Гулхуморни ўша сиз билан кўчада кўрганним охири марта, акажон. Биз қайтиб учрашганимиз йўқ, — куюниб деди Зевар. — Билмадим, мен сизга қандай ёрдам берсам экан? — Шундан кейин, у бирдан жонланди. — Юринг, уйларига қарайлик. Мен киниб чиқаман, сиз пойлаб турасиз. Яхши гапми, ёмонми, нимаики эшитсам, сизга айтаман...

Гулхуморлар уйи шу яқин ўртада, ингичка кўчалардан бирида жойлашганди. Садиржон узоқдан кўрган, лекин яқин бормаган эди.

Зевар билан темир дарвозали шу уйга ҳаш-паш дегунча етиб келишди.

Уйга шошганича кириб кетган Зевар анча ҳаяллаб қолди. Ниҳоят, бўшашибми, ғамгин ҳолатдами, эшикдан қайтиб чиқди.

— Булар ҳам ҳеч нарсани билишмайди, акажон. Афтидан, қизикишмайди ҳам...

— Тушунмадим, — гудранди Садиржон.

— Сиз уларни олдин кўрмагансиз-а?

— Йўқ.

— Уларнинг аҳволи жуда хароб. Лекин димоғлари баланд. Киши ҳам ачинасан, ҳам жаҳлинг чиқади... Сўрасам, бизнинг қизимиз катта идорада, масъул ишда ишлайди, дейишди. У сенларга ўхшаб бекорчи эмас, иши бошидан ошиб ётибди, дейишди. Улар идорада ётиб ҳам қолаверишади, ҳар куни уйга келолмайди қизимиз, деб мақтанишди...

— Сиз очигини айтмадингизми? — хуркибгина сўради Садиржон.

— Қандай айтасан? Улар эшитса, гапирасан-да, акажон. Одамлар минг йўсин хабар келтириб, шу қиз минг йил уйга келмасин, булар барибир ўз ашуласини тўхтатадиган авзойи йўқ. Билганини қайтариб ётаверади. Ҳарқолда, менинг таассуротим шунақа бўлди... Сизни хафа қилиб қўймадимми?!

— Йўқ. Раҳмат, — деди Садиржон.

25

У сару сомонини йўқотиб, бу ердан яна кошона ўрнидаги чуқурлик этагига борди.

Эртаси куни ҳам...

Саҳарлаб борди.

Туш пайтида борди.

Кечқурун борди.

Ҳар куни шундай бораверди.

Аммо кўп ўтмай, тўрт томондан девор тортиб, қурувчилар эски кошона ўрнида янги бино пойдеворини тиклашга киришишди. Энди Садиржон девор бўйлаб зир югуриб, тешик-туйнуқлардан ичкарига мўралар, кўзларидан вижир-вижир ёш оқар эди.

Садиржоннинг бутун умиди кундан-кунга барбод бўла бошлаган эди! Лекин у тоқатсиз кўйда шаҳар марказига боришдан ҳам ўзини тўхтатолмасди!

Айниқса, дам олиш кунлари у эртадан кечгача шаҳар марказида чарх урар, тупроқ кўчада йўқолган игнани қидирган кишидек, чор атрофни қаричлаб ўлчаб чиқар эди.

Ниҳоят, уйга қайтиб, хонада нари-бери вазмин одимлаб юрар, Гулхумордан қолган ягона ёдгорлик — дафтарни тоқчадан олиб, хонтахта устига очиб қўйганича, шеър қироат қилар эди.

Навбатдаги якшанба куни ҳам бутун иш шу тахлитда кўчди.

Энди Гулхумор — дафтардаги бир ҳовуч шеър!
Садиржонга дафтарнинг кераги ҳам йўқ; Абдулла
Ҳакимнинг барча ёзганлари унга сатрма-сатр ёд
бўлиб қолган эди. Муҳими: бу шеърларни гўёки Са-
диржон ёзгану булар шаҳсан Гулхуморга бағишланган
эди!

У, одатдагидек, хонада нари-бери юриб, севгилиси
тўғрисида ўйлаганича, юрагидаги кечинмаларни баён
эта бошлади:

*Соғиниб кетдим
Сизни.
Сизни
кўрмадим
минг йил...*

*Дўстим!
Бир келмайсизми,
Босганча
енгил-енгил?!*

*Айтинг,
Дўстим,
Бу йўлда
Сизга кўпми
Тўсиқлар?!
Пойандоз тўшаб гулдан,
Тўшалсинми —
кўшиқлар?!*

Шу кунлар Садиржон ниҳоятда толиққан, ўзини
ҳар қанчонги ҳаким эмас, оғир бемордек сезар эди!

Шеърларни ўқиб, беихтиёр нафаси бўғзига тиқил-
ганидан, сўнгги кунларда кўп бўлганидек, кўзлари ёш-
ланди. Бир чеккага ўтиб, мунғайиб ўтирди. Бироқ Гул-
хумор — шеър уни тинч ўтиришга — ором олиб, на-
фас ростлашга қўймади. Куз кунларидаги нотинч, аёв-
сиз уммон тўлқинлари сингари бостириб келаверди...
келаверди!

У ўрнидан сапчиб, нари-бери юрганича, шу аснода
қиёфаси кўзлари ўнгида аниқ жонланган Гулхуморга
ўзича мурожаат қилаётгандек бўлди:

*Насиб этадими
Менга
Ниҳоят —
Янғроқ овозингни*

Эшитиш?

Гўё

сеҳрли бир ширин ривоят —

Янгида

Розингни эшитиш?

Насиб этадими

Ниҳоят

Менга —

Чўзилганда

минг йилга

кутиш,

Умримда

Бехосдан

Юзлашиб

сенга —

Эрка бир

Нозингни

Эшитиш?

Садиржон Гулхумор тўғрисида ҳеч нарса билмаганидан, айниқса, азобланарди...

Гулхумор ўзи тирикми; борми оламда?! Қаерда у?! Яқинми, узоқ бир жойданми, юрибман, тинчман, деб нега хабар бермайди?! Дунёда ҳар куни неча минглаб киши йўқолади; уларни одамлар қидиришадди. Лекин ақл бовар қилмайдиган шароитда йўқолган кошона-ю, Гулхуморни қандай қидириш мумкин?! Зилзила пайтида кошона ер қаърига кириб кетса, халқни тўплаб, кавлаштириш қийин эмасди! Мабодо сел олиб кетса — олиб кетган жойигача боришнинг ҳам иложи топиларди! Аммо шамол учуриб кетган иморат билан у ердаги саргардон кишиларни қайси мамлакат, қайси минтақадан қидирасан?! Даштдан, тоғларданми, абадий музликларданми қидирасан уларни?! Садиржон мана шу иложсизликдан — айрилиқдан ҳам кўпроқ эзиларди...

Мени

Не кўйларга солдингиз, дўстим, —

Билмасданми? Қасддан?!

Ўзингиз

қайларга қолдингиз, дўстим —

Қасдданми? Билмасдан?

Мен
Ҳеч куймагандим
Бу қағар,
рости,
Тўзиб кетдим
Буткул.
Қайда бўлсангиз ҳам,
Бор бўлинг, дўстим,
Ардоқли гулим, гул!

Неча юзлаб хонақоҳлар, гумбазлар, масжид ва мадрасалар — буюк обидалар йўқолиб кетган ер юзидан! Жаҳолатга қарши курашниш тўғрисида ҳайқириб, қачонлардир азият чекиб, меҳр ва илҳом билан инсон яратган кўркам ёдгорликлар жоҳилларча яксон қилинган; тупроғи, гишталари тўрт томонга ваҳшийларча ташилиб-совурилган! Улардан айримларининг китобларда номи ёки сурати қолиб, бошқаларидан шу ҳам қолмаган!

Демак, гугурт кўтига ўхшаган мрамор бир кошонанинг йўқолиши — улар олдида, — эслаб, гапиришга ҳам арзимаёди! Кошонада «Тарих ва Маданият» ташкилоти қарор топганини инобатга олса, ҳаттоки, баттар бўлсин, деявериш мумкин!

Бироқ Гулҳумор... Гулҳумор!

Садиржон севгилиси туфайли кошона қисматини ҳам ўйлашга мажбур эди.

Бундан бир лаҳза бурун Гулҳуморнинг қиёфаси кўзлари ўнгида жонлангани сингари энди қизнинг овози унга аниқ эшитилгандек бўлди:

— Мени кечиринг, Садир ака. Ишонинг...

Садиржон саробни сув деб билган кишидек, хаёлга берилиб, шу сонияда ўзини алланечук бахтли ҳис этди. Кейин, Гулҳумор билан яна сўзлашаётгандек ҳолатни туйди.

Қулоққа чалиниб

Азиз сас,

Мени

боз чулғади

ҳаяжон.

Юракда асранган

Муқаддас —

Туйғулар

тошдилар ногаҳон.

Мен
Сени севаман!
 Севаман! —
Зикр этдим
Қайтаган
 минг бора.
Нима ҳам қиларди
Севмасдан
Тутқунинг —
 бу юрак бечора...

Садиржонга фақат шу кунлар хона торлик қилаётгани йўқ — хонанинг ўзи тор эди.

Кичик бир ҳовлидаги мана шу биргина хона...

Баъзан ота-онадан фарзандга нималар мерос қолмайди?! Кўшқу саройдек ҳовли, сандиққа босилган матоҳлар, қимматбаҳо буюм ва жиҳозлар...

Садиржоннинг ота-онаси хасталаниб, бирин-кетин оламдан ўтишди. Уларнинг касали нима эди — Садиржон билмасди. Афтидан, шаҳар ҳақимлари ҳам билишмасди; улар берган хулоса киши қаноатланадиган, тушунарли эмасди. Тиб ходимларининг нодонлиги ва бепарволиги туфайли ҳар соат, ҳар дақиқа ҳаётдан умидвор қанча кишилар рўйи-рост ҳалокатга учрашди! Оқ кийиб, фариштадек туришгани учун ҳеч ким уларни жаллод дея олмайди! Ўшанда шундай ҳолат рўй берди! Лекин «касофатнинг шарофати» қабилида, ота-онасининг ўлими Садиржоннинг табобат йўлини тутишига сабаб бўлди.

Дунёда бировлар данғиллама уй қуради. Бог-ҳовли сотиб олади. Машина харид қилади. Ҳар ким кўрпасига қараб оёқ чўзади; бунинг учун учраган одамни айблаёлмайсан! Аммо қуни аксар оч-наҳор ўтадиган, юпун, боласига уч йилда битта дўппи олиб беришга қийналадиган минг-минглаб камбарал-қашшоқ кишилар ҳам бор дунёда! Бундайларни, одатда, бир сўз билан «халқ» дейишади. Садиржонана шу халқнинг фарзанди эди!

У ота-онасидан қолган мерос билан кифояланиб, ёши ўттизга етгунча, асосан, иш тўғрисида, атрофдаги одамлар тўғрисида ўйлади; ўзи тўғрисида деярли ўйламади.

Мана, ҳозир ҳам кичик бир ҳовлидаги қулоч ёзиш қийин бўлган тор хонада нари-бери ўйчан одимлаб юрибди.

Хонада палос, уч-тўрт кўрпача, хонтахта, бир тахта-тўшак ва иккита юмшоқ курсидан бўлак ҳеч вақо йўқ, Садиржон, уйлансам, ҳаммаси билан аста-секин шуғулланаман, деб умидланаётган эди!

Ниҳоят, у дам сайин ҳолсизланаётганини сезиб, яна бир чеккага ўтганича, мунғайиб ўтирди. Гулхумор унинг хаёлидан кетмас эди!

Кўзларинг —

Кўзларим

ўнгига!

Мен

Сени севганча

янгидан —

Айландим

Йўлларнинг чангига...

Кечалари ухламай, кундузлари кўчаларда тентираб, Садиржон чиндан бор куч-мадоридан айрила бошлаган эди. Бир маҳал — беихтиёр кўзи илинган экан, — ажабтовур туш кўрди...

Беш-ўнта жин гуриллаб ёнаётган гулхан атрофида давра қуриб, қаттиқ ноғора чалишмоқда.

Давра ўртасида — Гулхумор. Тиржайиб ўтирган тасқара жинларга муқом қилиб, гулхан ёнида рақсга тушаётир.

«Йўқ, жинга ўхшаб ўтиришгани билан, булар аслида жин эмас! — деб ўйлади тушида Садиржон. — Булар мулк-давлат йўлида имонини сотган кишилар; бутун дунёда ҳаёт жиловини қўлига олгиси келган ўзимизнинг ростмана корчалонлар! Ёвузлар! Нимаики згулик бўлса, улар топташади. Тарихми, бугунми — қараб ўтиришмайди! Мендан, мана Гулхуморимни ҳам тортиб олишмоқчи энди!..»

Садиржон тушида Гулхуморга юзланиб, бақирди:

— Кет у ердан. Кет! Сенга айтяпман, жоним...

Ўз овозидан ўзи сесканиб, уйғонди.

Лекин негадир ноғора ҳамон қаттиқ гумбурламоқда эди.

Садиржон кўзларини ишқалаб, атрофга аланглади. Ахийри, хушёр тортиб, пайқади: бу — дарвоза тақил-лаябди!

У истар-истамас ўрнидан туриб, нохуш бир ҳолатда эшикка йўналганича, дарвозани бориб очди.

Остонада бўйчан; гавдали, келишган йигит — қўлида қандайдир тугун, — мамнун жилмайиб турарди. Бурҳон Шариф!

Тугунни ерга қўйиб, Садиржон ҳали ўзига келишга улгурмасдан, уни Бурҳон Шариф бағрига босди.

— Бормисиз, иним! Соғиндим...

— Э, келинг, ака, марҳамат, — деди Садиржон ҳам, ниҳоят, жонланиб.

Улар ичкарига киришди.

— Мен сизни уйда мисиз, йўқми, деб энди кетмоқчи бўлиб тургандим.

— Эшитмабман. Ухлаб қолибман, — хижолат чекиб, кулумсиради Садиржон. У юрак-юрагида Бурҳон Шарифнинг шу палла келганига хурсандми, миннатдорми эди.

Унга Бурҳон Шариф жуда узоқ қариндош: отасининг тоғаваччасига алабир томондан дахли бор. Бу, шўрванинг шўрваси, дегандек гап. Йиллар ўтиб, тоғаваччалар унутилиб ҳам кетишган. Аммо Бурҳон Садиржоннинг ота-онаси ҳаётлик пайтларида хабарлашиб турганидек, ҳамон икки-уч ойда бир эшик қоқади. Ўз идораси иши биланми, бошқа юмуш биланми Катта шаҳардан Мулкободга баъзан келиб-кетган бу йигит — Садиржонни туғишганлардек яхши кўради. Фақат Садиржон эмас, унинг кўзларида, умуман, одамларга нисбатан меҳр порлайди.

Садиржон эслайди. Бурҳон тўғрисида раҳматли отаси айтган эди:

— Худоё тавба, инсоннинг кўзлари ҳам шунақа чиройли бўларкан! Кўзларидан нурми, шафқатми ёғилади. Бу йигитдан бир куни, ё шоир, ё одамлар бахтини ўйлайдиган арбоб чиқади! Бундай кишилар дунёга кам келади...

Балки, шу гаплар, олдиндан яқин муносабат сабабдандир; Садиржон ҳеч ким эмас, фақат Бурҳонни кўрганида, ота-онасини эслар, унга бутун хонадон шундай кунларда қайтиб ота-онасининг руҳи билан тўлгандек бўлиб туюлар эди.

Бугун ҳам Бурҳон Шариф уйга кириб, кўзлари мулойим порлаганча, девордаги Собирбек ва Назирахоннинг суратларига тикилгани заҳоти, улар худди девордан тушиб, уйни тўлдиргандек бўлишди.

Садиржон, шунинг баробарида, айти фурсатда, ота-онасидан бевақт айрилгани устига, эндиликда

севган ёридан ҳам мосуво бўлиб ўтирганини эслаб, беихтиёр ўртаниб кетди.

Бироқ у ҳазин, эзгин хаёлларни ҳайдашга уриниб, юмшоқ курсиларни хонтахта ёнига олиб қўйганича, дарҳол дастурхон тузашга тушди. Кейин:

— Сиз зерикмасдан мана буни кўриб ўтиринг, ака, — дея шеърлар ёзилган дафтарни Бурҳон Шарифнинг қўлига тутқазиб, қозон осгани ташқарига чиқиб кетди.

Садиржон ҳовлида гўшт қовуриб кирганида, Бурҳон Шариф хона ўртасида қаққайиб турар, афтидан, шунчалик ҳаяжонланиб, эҳтиросга берилган эдики, ўзини йўқотиб қўйганга ўхшар эди.

Унга тикилиб, Садиржон аввалига, Бурҳон Шарифни ҳам шу кунлар кимдир юракдан урган экан-да, деб ўйлади. Лекин тезда бу фикридан қайтди: Ҳалимани эслади. Бурҳон Ҳалимани бировга алмаштирмайди! Демак, бу ерда бошқа гап.

Дастурхон ёнига ўтирганларидан сўнг, Бурҳон Шарифнинг ўзи ўйчан сўз бошлади:

— Севмай туриб, бундай шеър ёзиш қийин. Абдуллажон бировни қаттиқ севган, албатта. Мен билмасдим... Булар кимга бағишланган бўлмасин...

— Тўхтанг. Сиз Абдулла Ҳакимни танирмидингиз? — ажабланиб сўради Садиржон.

— Биз бирга ишлардик. Сиздек у менинг яқин биродарим эди. Кўнглингизга олманг, илоҳим, умрингиз ҳам ўхшамасин, лекин у сиз билан икки томчи сувдек... йўқ, афт-ангори эмас, афт-ангори билан у менга ўхшарди; ўзи... Шундай ҳимоясиз, беозор, самимий эди. Мард эди. Тақдирини айтмайсизми? Шундай ёлғиз қолган... Бу дафтарнинг Катта шаҳардан айланиб бу ерга келиб қолгани-ю, сизнинг қўлингизга тушганида ҳам тақдирнинг қандайдир боғланиши...

— Абдулла Ҳакимнинг бундан ташқари ҳам шеърлари бормиди? — қизиқсинди Садиржон.

— Кўп. Менга айримларини ўқитарди. Улар, асосан, ҳаёт тўғрисидаги фалсафий фикрлар эди. Мен уни файласуф дердим. Менга, айниқса, Насриддин афанди ҳақида ёзганлари ёқарди. Уларнинг нусхаси ҳам қўлимда бор, бир пайт сизга кўрсатарман... Лекин у таниқли шоир эмасди; оддий бир хизматчи эди. Қўпол, бетартиб кийиниб, очин-тўқин юрганидан, ҳеч ким унга ортиқча аҳамият бермасди. Иқтидори кўри-

ниб, шунга яраша обрў қозонолмайдиган бундай бахтиқаро ёшлар, афсуски, кўп. Ёзганлари жуда кам эълон қилинган. Гап шундаки, таниқли шоирлар «Очиқ эшиклар», «Очиқ деразалар» деб шеър ёзишса, у берк эшиклар, панжара тутилган деразалар тўғрисида ёзарди. Аксари одамлар қишлоқда ҳам менсимай, этикни киймай қўйган бир пайтда, масалан, этикка меҳр қўйиб, қасида бағишлайди! Аслида, у ҳақ. Лекин тўғри гап туққанингга ёқмайди. Бунинг устига, ҳамма ўзини бир хил тутиши, бир хилда гапиришини талаб қиладиган қанча ташкилотлар бор. Абдулла Ҳаким учун чиндан эшиклар берк эди! Мен ҳам бу ишда унга ҳеч қандай ёрдам беролмасдим... — Бурҳон Шариф чуқур ўйга толди. Анчадан кейин, қизиқ гап қилди. — Садиржон, укажон, агар сизга малол келмаса, мен бу дафтарни қайтиб Катта шаҳарга олиб кетсам. Жиддий ўқишим керак!.. Ҳалима ўқисин! У шундай шеърларни жуда яхши кўради. Суюнади... Қолаверса, Абдуллажоннинг хотираси учун ёзганларини жамлаб, бир китоб тузилса. Мен энди бу ишга қаттиқ киришсам...

Садиржон бир оз паришонланиб, довдираб қолди.

Шеърлар ёд бўлиб кетганига қарамай, Гулхумордан ёдгор дафтар унга қадрли — жондан азиз эди. Бу дафтарни у ҳеч кимга, ҳеч қачон беришни истамасди. Шу сонияда, аввалдан дафтарни Бурҳон Шарифга кўрсатмаслигим керак эди, хато қилдим, деган хаёлга ҳам борди. Бироқ шу дамдаёқ унга ўзи ҳақ эмасдек туюла бошлади. Меҳмон — отангдан улуғ. Ўзбекнинг одати: меҳмоннинг қуошқондан чиқмаган ҳар қандай хоҳишини бажариш! Меҳмоннинг тилагини инобатга олмай бўлмайди! Умуман, Бурҳон Шариф бу ўйга шунчаки келган одам ҳам эмас. Минг йиллик қадрдон! Муҳими: Бурҳон Шарифни ҳамма танийди. Халқ ичидан обрў-эътибор қозонган. У Абдулла Ҳакимнинг шеърларидан чиройли бир китоб тузиши мумкин! Худбинлик қилмаслик керак!

Садиржон бағридан жони узилаётгандек бўлса ҳамки, қўшқўлаб дафтарни Бурҳон Шарифга топширди.

Улар яна ярим тунгача гаплашиб ўтиришди.

Бурҳон Шариф шу ерда ётиб ҳам қолди.

Эрталаб бирга нонушта ҳам қилишди.

Садиржон бу орада неча бора Бурҳон Шарифга ўз дардини ёришга шаҳд этди. Улар севги ҳақида сўзла-

шаётиб, энди менинг қисматимни эшитинг, деган гап Садиржоннинг тили учуда турди. Юраги бурдаланди. Аммо бу тўғрида у оғиз очолмади. Бунга — унинг табиатан камсуқумлигими, суҳбат мавзуси, асосан, Абдулла Ҳакимнинг ҳаёти-ю, ажойиб шеърлари бўлганлигими — нимадир халал берди!

Фақат...

Бурҳон Шариф хайрлашиб уйдан чиқиб кетганидан кейингина, Садиржон ўздан-ўзи норозиланиб, бошини чангаллади. Сенинг Бурҳон Шарифдан яқин киминг бор?! Нега унга бутун-бор гапни айтмадинг?! Ахир, шундай қилишинг қийин эмасди-ку! Бошқалар ёрдам беролмаганда ҳам, бу — Бурҳон Шарифнинг қўлидан келишини ўйлашинг керак эди!..

Унинг энди тез кунларда Мулкободга йўли тушмайди. Бирдан-бир чора: Катта шаҳарга эринмасдан бориб, у билан учрашиш...

Ўшанда балки... балки...

26

Бундан бир неча йил бурун «Тарих ва Маданият» ташкилоти ўзи учун қуриб, ичига кириб олган тўққиз қаватли мрамр қошона шаҳар ичида шаҳар, мамлакат ичида мамлакат эди!

Ташкилот хизматчиларидан кўпчилигининг Мулк-ободда ҳовли-жойи бор. Лекин улар баъзан ойлаб-йиллаб ўз уйларидан хабар олишмас, курси қўлдан кетмасин, шу ишдан узилиб қолмайлик, деб қошонадан деярли чиқишмас эди. Йўқ, улар бола-чақани унутишган эмасди. Аксинча, биздан иш ўргансин, кейинчалик шу ерда ўрнашиб қолсин, деб бола-чақаларини ҳам кўчиртириб келишганди. Ўтган йиллар ичида қаттиқ боғланишганидан, ҳаётларини қошона-сиз тасаввур қилишолмас эди.

Сирасини айтганда, ишдан ҳам кўра кўпроқ, қошонада яшаш учун бутун шароит мавжуд эди.

Ҳашаматли бинонинг пастки қисмидаги нимқоронғи ертўлада шахсий ва ташкилотга тегишли машиналар саф чекиб турарди. Шу ердаги бир қатор катта-кичик хона узоқ йилларга мўлжаллаб сифатли озиқ-овқат, сара кийимлар қамланган омбор вазифасини ўтарди. Булардан ташқари, ертўланинг зах, ўргимчак ин қўйган бурчагида темир эшикли икки-учта бўлма;

буларнинг хизмати нималигини катта раҳбарлардан бўлак ҳеч ким билмас, аммо булар ҳам ташкилотнинг бахти-саодати учун керакли эканлиги аниқ эди.

Биринчи қават — гулзор, боғ. Бу ерда ҳар хил гуллар, бўйга ўсиб чуқур илдиэ отмайдиған турфа мевали ва мевасиз дарахтлар кўзни қамаштириб, яшнаб ётарди. Буларнинг остида мәрмар ҳовузчалар бўлиб, уларга турли ҳайвонлар шаклидаги чиройли фавворалардан алақандай тиниқ зангор сув сепилиб-қуйиларди... Иккинчи қават хизматчиларнинг болаларига ажратиб берилған. Болалар бу қаватдаги тоза-озода хоналарда ётиб-туриб, ўзларини ота-оналари сингарй тутиш борасида таълим-тарбия олишарди. Қордек оқ кийиб, кўзойнак таққан хушрўй жувонлар уларга сабоқ беришарди. Учинчи ва тўртинчи қаватни хизматчиларнинг ўзлари эгаллашганди. Ҳар кимга тутган мавқеига кўра бирми-икки, каттами-кичик хона ажратилған эди. Бешинчи қаватни алоқа бўлими-ю, шу бўлим қошидаги телефон устахонаси банд этганди. Олтинчи қаватда ошхона, кутубхона, шифохона жойлашганди. Қолған юқори уч қават — идора. Еттинчи, саккизинчи қаватларда оддий лавозимдагилар; сўнги тўққизинчи қаватда эса ташкилотнинг бош раҳбари ҳамда унинг икки ўринбосари ўтирадиған кенг-мўл хоналар; мажлис ўтадиған сарой.

Бу ташкилотда жуда кам ҳолларда кўчадан одам ишга олинарди. Эшик оғзида баъзан учта, баъзан тўртта қоровул турарди; идорадагилар бегона кишилар ҳадеб кириб-чиқишини ҳам ёқтиришмасди. Лекин бир-бирларига нисбатан улар одоб сақлаб, меҳрибон-куюнчак муомалада бўлишга ҳаракат қилишарди!

Шамол бехосдан қутуриб-телбаланған кунда шаҳар марказидаги улуғвор кошонада ҳаёт шундай давом этаётған эди.

27

Гарчи «Тарих ва Маданият» ташкилотида дам олиш куни билан иш куни орасида жуда катта фарқ бўлмасанда, умуман, ҳамма ердагидек, одатдаги иш куни эди.

Қизиқ жойи шундаки, ўшанда кучли ёмғир, аёвсиз шамолга кошонадаги оддий хизматчилардан бутун бир деворни эгаллаган каттакон ойналар ортида қоғозга кўмилиб ўтирган масъул ходимларгача ҳаттоки бош

кўтариб, бундай эътибор ҳам беришмади. Ўз тирикчиликлари билан қаттиқ машғул бўлишганидан, қилт этишмади.

Бундан ҳам қизиқ жойи: кошона шамолда ўрнидан кўчиб, бошқа узоқ бир манзилга бориб кўнганига қарамай, бу ерда ҳеч нарсага шикаст етмаганди; столлар, телефонлар, қоғозлар — барчаси ўрни-ўрнида қолаверган эди.

Ҳа, дарвоқе, кошонани шаҳар билан боғлаб турган симлар узилганидан, фақат телефонлар ишламай кўйган эди.

«Тарих ва Маданият» ташкилотининг бош раҳбари Ибодулла Шарипович Кабилов тушга яқин иш юзасидан Катта шаҳарга кўнғироқ қилмоқчи бўлиб, буни тасодифан пайқади... У котиба орқали устахонадаги йигитларни чақиртириб, хўш, бу бизнинг телефон нега ишламаяпти, деб суриштирди. Йигитлар индамай пастки қаватга тушиб кетиб, ярим соат чамаси куйма-нишгач, Кабиловнинг ҳузурига қайтиб келиб, кабелни янгилашмоқчи эди, шунга телефон ишламаётган бўлиши керак, дейишди.

Кабилов уч кунда етиб келадиган хат бир йилда келиши, ойлаб чироқ ёнмаслиги, иссиқ ёки совуқ сувнинг кутилмаганда қуриб қолиши — ҳаётдаги минг-минглаб тартибсизликларга ўрганиб кетган. Машаққатсиз ҳаёт йўқ, деб билар, буни қандайдир табиий ҳол, деб тушунарди. Бемаъ依ликларга қарши исён кўтариш эмас, чидаш керак, одамларимизнинг қаҳрамонлиги мана шунда, деб ўйларди. У ҳозир ҳам бўғилиб-эзилиб ўтирмай, телефон ишламас экан, хат ёзиш керак, баҳонада ҳужжат бўлиб қолади, деган қарорга келди. Котибага яна мурожаат қилди:

— Менга хатлар бўлимидан Гулҳумор Ҳамроевнани чақиринг!

Чўғдек гилам тўшалган, ҳар хил расмлар, қимматбаҳо буюмлар билан безатилиб, идорадан кўпроқ кўрғазмани эслатган хонага, орадан кўп ўтмай, кўлида қоғоз-қалам тутган Гулҳумор кириб келди.

Ўрнидан туриб, хонада кибор бир кўйда айланиб юрган Кабилов Гулҳуморга шунчаки қараб кўйиб, стол ёнидаги юмшоқ курсига ймо қилди. Аммо Гулҳумор нафас ютиб, ўтиб ўтирганидан кейин ҳам, анчагача сўзга оғиз очмади. У ниҳоятда жиддий қиёфага кирган, чуқур ўйга толган эди.

Кабиrow, бир сўз билан айтганда, фақат бош раҳбар эмас, бу ташкилотда ҳеч кимга ўхшамаган буюк шахс эди! Барча буюк кишилар сингари у кимгадир иши тушиб, нимадир илинжи бўлса, кўзларидан нур ёғилиб, жилмайиб, беозор-самимий муомала қилар, илинжи бўлмаган пайтда юз-кўзларидоғи тундлик ҳеч аримай, ўзини ҳукмфармо намоийишда тутишни ёқтирарди. Бундан ташқари, Кабиrow бирон нарсани ўтириб ёзишга тоқати йўқ, барча буюк инсонларга ўхшаб, бировни ўтиргизиб қўйганича, айтиб ёздиришга ҳам одатланган эди. Шундай пайтларда у олий фармон ёздирётган мамлакат шоҳига айланиб кетарди.

— Бошлансин, — деди Гулҳуморга юзланиб, ниҳоят Кабиrow.

Ҳамон нафас ютиб ўтирган Гулҳумор қорозга мук тушди.

«Қатъиян махфий»

ЎРТОҚ КЕНЖАЕВ АБДУХАЛИЛ ХУДОЙБЕРДИЕВИЧГА

Қадрли Абдухалил Худойбердиевич!

Маҳаллий шароитдаги ҳар хил қийинчиликларга қарамай, ташкилотимиз сўнгги кунларда бир қатор муҳим тағбирларни амалга оширди. Бу йил шаҳримиз ва унинг атрофидаги бирон ерда баҳор байрами нишонланмади. Кузда ҳосил байрами ўтказиш мумкин, аммо баҳорнинг ҳеч қандай аҳамиятли жойи йўқ, деб одамлар орасида кенг кўламда ташвиқот ва тарғибот ишлари олиб борилди. Ўзбошимчалик қилган, интизомни бузган кишиларга қарши кескин чоралар кўрилди. Шаҳарнинг эски қисмида жойлашган масжид билан унинг пинжидоғи муаззин азон айтадиган пастак минора — келиб обидийда қилиб ўтирадиган чолкамбир художўйлар уяси бўлиб қолгани учун ҳам бузиб ташланди. Бу минг йиллик ёдгорлик, деб халал беришга уриниб, айюҳаннос солган сиёсий жиҳатдан қолоқ айрим кишиларга ҳайфсан эълон қилиниб, айримлари ишидан четлаштирилди. Комиссия тузиб, текшириш натижасида шаҳримиздаги марказий кутубхонанинг катта бир бўлими араб ва лотин имлосида ёзилган китоблар эканлиги аниқланди. Китоблар шаҳар ташқарисидоғи хандаққа чиқариб ташланиб, бўлим вақтинча муҳрлаб қўйилди. Шаҳардаги ҳар бир кўчага биттадан янги ҳайкал ўрнатиб, одамларга

дўконда сотиладиган бир хил бюст ва суратлардан олиб, идоралардаги ҳар бир хона ва ўз уйларини безаш таклиф этилди. Сизга мамнуният билан айтиш мумкинки, бу ишда анча муваффақиятга эришилди. Келгусига кўчалар, боғларга янги ном бериб, уларни тартибга келтириш борасига ҳам баъзи бир тадбирлар кўрмоқчимиз.

Ишимизда яна қандайдир камчиликлар бўлса, шахсан Сиз ва бутун бошқарманинг ғамхўрлик кўрсатишларингизни сўраймиз.

Салом ва Сизга чексиз ҳурмат билан
«Тарих ва Маданият»
ташкilotининг бош раҳбари: — И. КАБИРОВ».

— Бугуноқ кўчиртириб, менга қўл қўйдириб жўнатилсин, — деди хонада ўйчан, вазмин ва ўз-ўзидан мамнун кўйда айланиб юрган бош раҳбар. У жила сукут сақлаб, ҳорғин хўрсинганча, таъкидлади: — Бугундан қолдирилмасин!

— Хўп бўлади, — деди Гулхумор одоб сақлаганича. У секин сирғалиб, хонадан чиқди.

28

Туш пайти бўлиб қолган эди.

Кошонада катта-кичик, барча ғимирлашга тушган. Бу ерда доим ҳам тамадди қиладиган соатларда бошқа вақтлар сезилмайдиган бир жонланиш, ажиб хушчақчақлик кўзга ташланарди.

Бош раҳбар чақиртиганида, Гулхумор, Садир акам келса, излаб овора бўлмасин, деб хонани беркитмай кетган эди. Ҳозир бир оз ҳаяжонланиб-ошиққанича, еттинчи қаватга тушиб, ўзига тегишли хона томон янада илдамроқ юрди.

Лекин хонада ҳеч ким йўқ эди.

Гулхумор қўлидаги қоғоз-қаламни стол устига ташлаб, девордаги суратга эркаланганича-ўпкаланиб қаради. Бу — яқиндагина унинг Садиржон билан бирга тушган сурати эди.

«Садир акам мени тополмай, тўғри ошхонага тушмаганмикин?»

У эшикни яна очиқ қолдирганича, бир қават пастга — ошхонага қараб югурди.

Аммо ошхонада ҳам Садиржон кўринмади.

Гулхумор тагин хонага қайтиб келиб, бир варақ

қорозга: «Ошхонадаман. Кутаман!» — деб ёзди. Эшикни беркитиб, қорозни қистирганича, пастга тушди.

Икки кишига мўлжалаб овқат олиб, Садиржонни кута бошлади. Бироқ ҳадеганда барибир Садиржондан дарак бўлмади.

Томовидан овқат ўтмай, ошхонани тарк этди.

«Бу ерда қоровулар баъзан ўз отасини ҳам танимайди. Садир акамни бугун ичкарига қиритмаган бўлишса-чи?!»

Шундай хаёлга бориб, биринчи қаватга тушганича, кўча эшикка яқинлашди.

Бугун тўрт киши қоровул; иккитаси ўтириб, иккитаси тик турар эди.

— Мени ҳеч ким сўрамадими?

— Йўқ, Гулхумор Ҳамроевна. Сўрашмади, — деди тик турган қоровулардан бири ҳурмат билан.

— Келишмоқчи эди.

— Ҳеч ким келгани йўқ, Гулхумор Ҳамроевна...

Ҳафсаласи пир бўлиб, асабийлашиб, ўзига тегишли хонага қайтди.

Лекин хонага кирасолиб, телефонга ёпишди ва... мана энди у ҳам телефон негадир ишламаётганини пайқади.

Энди кеч киришини кутишдан бўлак илож қолмаган эди.

Гулхумор ваъдалашган фурсатда қанот чиқариб, учиб-етиб келадиган Садиржонга бугун нима бўлганига ақли етмай, ажабланган-паришонланган кўйда, ниҳоят бошлаган ишини давом этдиришга уринди. Идорада у доим ўз шаънига доғ туширмасдан бўйнига юкланган вазифани тез-аниқ бажаришга ҳаракат қиларди.

Биринчи навбатда бош раҳбар ёздирган хатни машинкада кўчиртириб, қўл қўйдириб чиқди. Кейин, йўлакдаги жимит дарчани очиб, хатни у ердаги ўрага ташлади; хат шув этиб ўра орқали бешинчи қаватдаги алоқа бўлимига тушиб кетди. Гулхумор хатнинг иккинчи нусхасини жилдга тикиб, ҳона пойгагида турган темир қутига солиб қўйди. Барча махфий хатлар нусхаси шу қутида, қулфланган ҳолда сақланарди. Уларни бош раҳбардан ташқари бировнинг шунчаки кўриши ҳам тақиқланган эди.

Бу ишни охирига етказгач, сўнгги кунларда идорага келган хатларни кўздан кечира бошлади. Гулхумор-

нинг қўли остида ўнтача жилд бўлиб, у ҳар бир хатни мазмунига қараб жилдга жойлаштириши керак эди.

Ахийри, кеч кирди.

Аммо Гулхумор иштиқ-интизорлик билан кутганига қарамай, шу куни Садиржон уни сўроқлаб келмади.

29

Деярли ҳар куни Гулхумор билан бирга тушлик қилгани кошонага келган, кечқурунлари ҳам Гулхуморни кўча айлантиргани останада қомат тиклаган Садиржон энди эртаси куни тушлик пайтида ҳам, кечқурун ҳам унга қорасини кўрсатмади.

Индини ҳам йигитдан хабар бўлмади.

Бир ҳафта, ўн кундан кейин ҳам...

Гулхумор кўзлари тешилиб, қанчалик йўл пойла-масин, Садиржон уни қайтиб сўроқламади.

Албатта, Гулхуморнинг ўзи кўчага чиқиб Садиржонни қидириши, севган йигитидан нега дом-дарак йўқлигини аниқлаши қийин эмасди. Лекин учрашиб юрган икки йил давомида у Садиржонга фақат баъзан қўнғироқ қилиш, йигитни аввалига шаҳар марказидаги чорраҳада, кейин шу кошонада кутиб олишга ўрганиб қолган эди. Бунинг устига, одамлар ҳадеб кўчага чиқавермайдиган ушбу даргоҳни — улуғвор кошонани якка-ёлғиз тарк этиш Гулхуморга қандайдир хавфли бўлиб туюлар, у Садиржондан узилган бир пайтда кошонадан ҳам ажралиб қолишдан кўрқарди. Қаттиқ интизом талаб қилинган ташкилотда ҳукм сурган ақидага кўра, асли кўчадан келган киши қайтиб бема-лол кўчадаги кишига айланиб кетиши мумкин эди! Буларнинг барчаси етмагандек, Гулхумор биринчи қаватга тушиб, икки-уч маротаба эшикдан кўчага мўраллаган, шу кунлар унга негадир останадан нари томон одатдаги шаҳар эмас, ястанган-чексиз уммон-ми, саҳроми бўлиб кўринган эди. У, ақлдан озяпман шекилли, деб ўйлаган, ортиқ ташқарига қарашга ҳам юраги бетламай қўйган эди.

Агарда Гулхумор уйи, ота-онасига кўзга кўринмас минглаб ришталар билан боғланган бўлсайди, эҳтимолки, аввалдан мармар кошонага қадам қўймас, қадам қўйганида ҳам, уйдан ҳеч қачон бегоналар сингари узоқлашмас эди. У ҳозир боши қотиб, қийна-либ ҳам ўтирмасди! Уйга зув югуриб бориб, баҳонада

Садиржонни ҳам суриштириб кўрарди; кўча-кўйми, бирон ердан босим кўнғироқ қиларди. Йўқ, ҳамма бало шундаки, Гулхуморнинг ёшлиқдан ота-онаси билан қурчи чиқмаганди. Болаликдан бошлаб, йилдан-йилга ёввойилашиб борганди. Ота-онаси уни ўзларича яхши кўриши ҳам, шу ишга жойлаб қўйишгани ҳам, у билан фахрланиб юришлари ҳам — бир пул! Гулхумор уларга нисбатан лоқайд, юраги муздек — совуқ эди.

Аслида, бу оила қисмати ҳақидаги гапни Гулхуморнинг бобосидан бошлаш керак.

Болалик йиллари ота-онаси билан бирга каталақдек ҳовлига кириб-чиқиб юрган бобосини Гулхумор яхши эслайди. Қария гўлми, соддами; синиққина жилмайиб юрар, ким қандай муомалада бўлишидан қатъи назар, ҳаммага беозорлик, меҳрибонлик кўрсатар эди. У тилидан бол томиб, кичкинтой Гулхуморни «онажон», дер, қизчага кўчадан баъзан хўрозқанд, баъзан ширмой кулча кўтариб келар эди. Гулхумор ўша мурғак пайтида ота-онасидан кўра кўпроқ бобосига суянар, эркаланарди. Аммо қарияга нисбатан ота-онасининг меҳрсизлигими, бутун ҳаёт таъсириданми, улғайган сайин бу муносабат ўзгара бошлади. У ҳамон бобосини қадрларди. Шунинг баробарида, қариянинг одамлар олдида қўл очиб дуо қилиши, оғиз очиб алланималарни пичирлашидан уяларди. Умуман, одамлар бўлган жойда бошига фўта ўраб, малла чакмон кийган бобоси билан кўришмасликка тиришар, шунга тўғри келиб қолганида, қочиш пайдан бўларди.

Қария Хатиб деган исмига мос мулла киши эди.

Бир воқеа Гулхуморнинг бот-бот ёдига тушади.

Бобоси кўчадан уйга ҳар хил китобларни ташигани-ташиган, у турган хона китобга тўлиб кетган эди.

Уйда эр-хотин тинмай жаврашарди:

— Ўзингиз қамалиб, йўқ бўлиб кетсангиз майли, бизни ҳам қийнаб қўясиз, отажон, тушунинг...

— Менга барибир, ўғлингизни ўйламайсизми?!

Қария пинагини бузмасди:

— Қўявур, ўғлим! Ҳамроқул!.. Келин! Офтобхон! Қўявур...

Лекин бир куни вишт қолипдан кўчди.

Офтобхон энг шимариб қария эгаллаган хонага кирганича, китобларни бирма-бир деразадан ҳовлига ота бошлади. Ҳамроқул рўйирост китобларнинг устига

чиқиб, уларни тепкилади, топтади. Бутун китоблар ҳовлида гарам бўлгач, уларни йиртиб-титиб, ёқиб юборди.

Хатиб бобо адолатсизликка дуч келиб ночор қолган ёш боладек, ҳовлида бошини чангаллаганча зир югуриб, фақат биргина нидо берарди: «Ҳай-ҳай! Ҳай-ҳай!»

Шу воқеадан кейин, орадан кўп ўтмай, қария ўлди.

Кейин, кўп ўтмай, Гулхуморнинг отаси кўр, онаси кар бўлиб қолди.

Гулхумор бир пайтлар бобосининг хатти-ҳаракатидан уялганидек, энди ота-онасининг туриш-турмуши, турқи-тароватидан ноқулайлик сезади. Бир пайтлар одамлар бор жойда бобосидан қочганидек, энди одам бўлмаган жойда ҳам ота-онасини кўргиси келмайди!

Бошдан темир қафасга солинган полапонни кейинчалик ёввойиликни тарк этиб, эркин қушлардек парвоз қилишга ўргатолмайсан! Бироқ бу қанчалик даҳшатли ҳикмат бўлмасин, бундан ҳам даҳшатлиси: қуш инида кўрганини қилади!

Гулхумор тарихчи бўлгани-ю, ўзини маданиятли киши деб билганига қарамай, бизнинг ўтмишимизда тўкилиб ётган тўртта хароба, титилиб кетган саккизта эски китобдан бўлак нарса йўқ, ҳақимиз қоронғида қолган, маданиятсиз яшаган, деб ўйларди. Унинг кўзи олдига негадир маданият деганда бобоси, тарих деганда ота-онаси келар, буларни ёқтирмагани сингари кўнглида тарих билан маданиятга нисбатан ҳам бегоналик ҳис этар эди.

У ёшлигидан ҳаво етишмаётгандек юраги қисиб, муттасил зерикарди. Шу боисдан, Катта шаҳарда яшаган холасининг уйига бориб, баъзан ойлаб қолиб кетишни одат қилганди. Холасининг уйида Гулхумор Абдулла Ҳаким деган йигитни учратган, юрагида бу йигитга бир оз майл ҳам уйғонган эди. Лекин Абдулла Ҳаким танишиш эмас, ҳаттоки бундай эзилиб сўзлашишга ҳам рағбат билдирмагач, Гулхумор уни ёмон кўриб қолди. Абдуллани ёмон кўрганига зид ҳолда, қизиқ жойи: мана шунақа содда, тўғри, ақли бир йигит учраса, тегардим, деб ўйлади.

Тақдир Гулхуморга кутилмаганда Садиржонни йўлиқтирди. Ҳамма нарса табиий рўй берди!

Инсоф билан айтганда, Садиржонни Гулхумор шунчаки ёқтирмасдан, чин юракдан севган эди. Аммо,

яна гапнинг сирасини айтса, ўша кунлари ўзи билан дўстлашишга мойил бўлган — биринчи кўрган бошқа ҳар қандай йигитни ҳам унинг шундай берилиб севишига шак-шубҳа йўқ эди!

Гулхумор Садиржон ўқиш учун топширган китобларга ортиқча қизиқмаганидек, холасининг уйида кўлига тушган Абдулла Ҳакимнинг шеърларига ҳам бепарво босиқлик билан қаради. У фақат, Садир акам жинниси чиқиб мени олдингидан ҳам кўпроқ яхши кўрсин, деган хаёлга бориб, дафтарни Садиржонга келтириб берди.

Мана, энди Садиржон уни ташлаб кетгандек қорасини кўрсатмай кўйганидан буён Гулхумор яна ўзининг ёввойилигидан изтироб чекканича, юраги қисиб, ниҳоятда зерика бошлади.

30

Шу кунларнинг бирида уни Кабиров одатдагидек ҳузурига чақиртирди.

У кўрғазмани эслатган хонага кириб, юмшоқ курсига ўрнашгач, ҳар қачонгига ўхшаб хонада сипо айланлиб юрган бош раҳбар ҳукмфармо намоишида:

— Бошлансин, — деди.

Гулхумор ёзишга тутинди.

«Қатъиян махфий

ЎРТОҚ КЕНЖАЕВ АБДУХАЛИЛ ХУДОЙБЕРДИЕВИЧГА

Қадрли Абдухалил Худойбердиевич!

Бизнинг маҳаллий шароитимиздан келиб чиққан айрим мураккабликларни айтмаганда, умуман, ташкилот ўз фаолиятини кундан-кунга яхшилаб бормоқда. Шахсан Сизнинг оталарча ватхўрлигингиз ва бутун бошқарманинг ишонч-эътиборини ҳис этиб турибмиз. Қилинган ишлар тўғрисида Сизга яқинда ҳисобот жўнатган эдик. Ҳали жавоб олмадик. Лекин у энди етиб боргандир, деб ўйлаймиз. Янги кўрсатмалар кутамиз.

Телефон орқали шаҳардаги ҳовузлар ва баъзи бир ҳовлилардаги қудуқлар тўғрисида суриштирган эдингиз. Алоқачилар айби билан ташкилотга телефон ишламаётгани учун хат орқали жавоб қайтармоқчиман.

Сиз суриштирган масалада аҳвол қўйидагича:

1. Шаҳарга бир пайтлар ўнга яқин катта-кичик ҳовуз бўлган. Буларнинг асосий қисми турли йиллар давомида тупроқ тортиб, кўмиб ташланган. Ҳозир жами иккита ҳовуз қолган. Атроф тошлари нураб, ичи ботқоққа айланиб ётгани, юқумли касал тарқатиш манбаи эканлигидан, буларни ҳам яқин орада йўқотиш керак, деб ўйлайман.

2. Шаҳарнинг эски қисмидаги ҳовлиларга йиғирмадан ортиқ қудуқ бор. Бу сув танқислиги туфайли содир бўлган ҳодисадир. Ёз пайтлари водопроводлар баъзан қуриб қолганида, одамлар қудуқдан фойдаланишади. Лекин қудуқ суви, ичишдан кўпроқ, асосан ҳовлилардаги гулзорларни суғориш учун ишлатилади. Сув муаммоси узил-кесил ҳал қилинишини кутиб ўтирмай, қудуқларни ҳам кўмиш керак, деб ҳисобласангиз, биз дарҳол бажаришга киришамиз.

Тезда жавоб қайтаролмаганим учун маъзур тута-сиз.

Салом ва Сизга чексиз ҳурмат билан
«Тарих ва Маганийят» ташкилотининг бош
раҳбари: — И. КАБИРОВ».

Гулҳумор хатни ёзиб бўлиб, курсидан қўзғалган эди, бош раҳбар: «Бутуноқ кўчиртирилсин! Жўнатилсин!» деб рухсат бериш ўрнига, негадир илк дафъа кўраётгандек, унга бошдан-оёқ разм солиб қаради. Ҳамишагига ўхшамаган бу ҳолатдан — олдин бирон пайт бошлиқ бундай кўзларини йириб тикилмаганидан, Гулҳумор саросималаниб, хонадан чиқиб кетишини ҳам, тураверишини ҳам билмай қолди.

— Ўтиринг, — пичирлади Кабиров.

Гулҳумор бўшашиб, қайтиб курсига чўқди.

Бировга кўнглида яқинлик сезиб, яхши гаплашгиси келганида Кабиров гулдираган мағрур овози ўзгариб, «билдингизми?» сўзини ингичка товушда «билдийизми?» деб кўп ишлатар, шу сўз баробарида унинг афти-ангорида ҳам бир итоаткорликми, эзилишми акс этар эди. Ҳозир ҳам худди шундай бўлди.

— Мен сиз билан анчадан бери чин юракдан гаплашмоқчи эдим, билдийизми? — деди Кабиров Гулҳуморнинг рўпарасига келиб ўтирганича. — Мен сизни жуда ҳурмат қиламан. Яхши кўраман... Сиз бу ташкилотга ишга киролмасдингиз, билдийизми? Ташкилот хайъати, ташқаридан одам келтиришнинг кераги йўқ,

деганида мен сизни ўз одамимиз, деб тушунтирдим. Шаҳримиз учун отангизнинг бир вақтлардаги хизматларини инобатга олдим... — Кабилов туйқусдан сўради: — Сўнги кунларда нега кайфиятингиз йўқ?

— Ўзим, — деди Гулҳумор секин.

— Ишдан мамнун эмасмисиз?

— Йўқ, ҳаммаси жойида, — деди Гулҳумор.

— Бундан кейин яна ҳам гўзал бўлади... Мен сизга энди ҳеч кимга айтмаган бир-икки дардимни айтмоқчиман, билдийизми? Сизлар ёшсизлар, билмайсизлар. Мен ёшим олтишдан ошди, умримда кўрмаган нарсам қолмади... Хўш, менга шаҳардаги мана шу бутун масжид-мадрасалар бузилгани ёқади, деб ўйлайсизми?! Айниқса, ҳовузлар билан қудуқларга кўнглим ачийди. Четдан етти ёт бегоналар, ғайридинлар келиб, бизнинг тарихимиз, маданиятимизга сифинишади. Биз шу тупроқнинг боласи, мусулмон фарзандлари — ўзимиз бор нарсани бузамиз, кўмамиз. Нега? Илож йўқ, билдийизми?! Бизга шундай кўрсатма берилган. Йўналиш шу... Биздан юқорида катта-катта корчалонлар, девдай одамлар бор. Қўғирчоқбозга ўхшаб, ип ўшаларнинг қўлида, бизни фақат ўйнатишади... Хўш, улар ичларида худога ишонишмайдами, кўрқишмайдами?! Ишонишади, кўрқишади. Лекин нафс балоси уларнинг тинчи-оромини ўғирлаган. Устунлик қилади! Улар халқ ўзининг тарихини, маданиятини билмасин, бунинг устига, щароитдан қийналиб, кўз очишга имкон топмасин, деб халқни қулликда сақлаш учун шундай қилишади! Бизнинг қўлимиз билан шаҳарни вайронага айлантириб, ўзлари эски шаклда нимадир қуриб ҳам қўйишади. Улар ҳозирги энг ҳашаматли масжид ҳам минг йиллик обида бўлолмаслигини яхши билишади. Бизни ёмон кўрган халқ улардан норозилеккача бормасин, ҳамма ишнинг бошида уларнинг туришганини тушунмай, чалғисин, деб шундай қилишади! Халқни қул ҳолига солиб, аслида, улар, масалан, юз минг сўм топишган бўлса, минг сўминини сарфлашади, холос. Бу — битта шаҳарни емириб, юзлаб одамни ўлдириб, тўртта кишига ёрлик топширишдай гап! Лекин шўрлик халқ кўпинча бунинг фаҳмига етмайди! Улар бўлса, одамлардан ташқари, шу баҳонада худонинг ҳам кўнглини олгилари келади... Дунёда шунанга гаплар бор, билдийизми?! Хўш, мен нима учун буларни сизга айтяпман?! Тушунгандирсиз?!

— Йўқ, — деди Гулхумор секин. — Дадам учунми?

— Албатта, отангиз бир пайтлар дўстим бўлгани, сизга ишонганим учун... Лекин фақат шунинг учун, деб ўйламанг, билдийизми? Сизлар ёшсизлар, биз сизларга ҳаёт ҳақида бўлган нарсани — тўғриси яширмасдан, бўяб-бежамасдан етказишимиз керак... Ҳаёт жуда мураккаб. Унинг минг йиллик аёвсиз қонунлари бор, бўйинсунмай бўлмайди. Биз ўзимизни онгли равишда шу ишга қурбон қилган одамлармиз. Лекин сизлар, косам оқарсин, десанглар, биздан ҳам ўтказиб, юзинг-кўзинг демай, фидойилик кўрсатишга мажбурсизлар... Менинг қўлимда олдинги ой жўнатилган бир хат турибди. Биз ҳали жавоб қайтармадик. Аёлларни раҳбарликка тортиш тўғрисида! Мен кўп ўйладим. Ниҳоят, сизга келиб тўхталдим. Яқинда ҳайъат мажлиси чақирамиз. Ботир Оппоқовнинг ўрнига сиз менинг биринчи ўринбосарим бўласиз...

Гулхумор ишнинг бундай тус олишини кутмаган эди. Бехос ҳаяжонланиб кетганидан, юраги қинидан чиқаёзди.

Аммо шу аснода нозик жуссали Ботир Оппоқовнинг хасталарники сингари рангпар, заҳил қиёфаси унинг кўз олдига келди.

— Раҳмат, Ибодулла Шарипович, мен ишончингизни оқлайман, — деди Гулхумор секин. — Фақат Оппоқов... бир оз ноқулай...

— Сиз буни ўйламанг, билдийизми? — деди Кабиров. — Биз Оппоқовни ҳайдаётганимиз йўқ, сизнинг ўрингизда хатлар бўлимини бошқаради. Ўринбосарликни эплотмаяпти. Соғлиги ҳам яхши эмас. Қолаверса, унинг ҳар куни қаёқдаги ашулаларни айтиб юриши жонга тегди...

Гулхумор эслади: Ботир Оппоқовнинг шунақа одади бор. Кўпинча бир оғиз ҳам гапирмайди. Нимадир дейиш ўрнига доим қайсидир ашуладан бир сатрими, ярим сатриними айтиб юради. Масалан, ошхонага овқатлангани кирганида ҳам «Тўхтанг, менга навбат!» дейди. Бирон иш билан хонаси эшигини очсангиз, «Бизга салом айлаб келинг!» деб ўридан туради. Унинг ўзи иш юзасидан бировга учраганида, албатта, «Ҳар дам сени кўргим келур!» деб қўяди... Ким билсин, Оппоқовнинг бу иши ҳаммадан бир хил ашула айтишни талаб қилган ташкилотнинг фаолиятига қар-

ши исёнми? Санъатта чинакам қизиқишми? Шунчаки телбаликми? Тушуниш қийин...

— Мен сизга яна бир нарсани тушунтиришим керак, — Гулхуморнинг хаёлини бўлиб, деди Кабиров. У ўрнидан туриб, хонада айлана бошлади. — Абдухалил Худойбердиевич менга ўхшаганлар учун ота! Лекин ташкилотдагилар учун ота менман! Эҳтимол, кимдир-сизни ёқтириб, сиз кимнидир ёқтирарсиз. Мен қарши эмасман. Бундан қатъи назар, сиз менинг ўз қизим бўлишингизга тўғри келади. Хоҳласам тиззамда ўтиригим, эркалайман. Хоҳласам, орқангизга тушираман. Чидайсиз... — Кабиров Гулхуморга яқинлашиб, уни қучди. Елкасини сийпалади. Кейин, бетидан чўлп этиб ўтди. Ниҳоят, узоқлашиб қатъий буюрди: — Хат бугуноқ жўнатилсин! Бутундан қолдирилмасин!..

31

Ташкилот ҳайъатининг мажлиси роппа-роса олти соат давом этди. Мажлисларда бир-бирини хуноб қилиб, бир-бирига калла ташлаш бу ерда аввалдан одат эди. Ҳамма ҳаммомга тушгандек, жиққа терга ботмагунича арзимаган масала устида ҳам тортишаверишарди. Арзийдиган масала чиққанда, айниқса, улар ваҳшийлашиб кетишар, уларни тўхтатиб бўлмас эди.

Мажлисда аёлларни раҳбарликка тортиш тўғрисидаги бошқармадан келган хат ўқиб-муҳокама қилинди. Кабиров ҳукмфармо намойишда тўппа-тўғри Гулхуморнинг номини тилга олди. Бироқ бу ташкилотда у қанчалик ота бўлмасин, ҳозир ҳеч ким унинг таклифини ҳаттоки эшитгиси ҳам келмади. Бошқа пайтларда, албатта, одамлар бош раҳбарга қўрқа-пуса, боладек муте кўз ташлашар, тик қарашга истиҳола қилишар эди. Бугун эса... уларнинг занжири бўшатилган; бемалол гапиришлари мумкин... ҳайъат дегани шу эди!

Кўпчилик кўчадан ташкилотга суқилиб кирган Гулхуморнинг шунисига шукр қилмай, нега биринчи ўринбосар бўлиши кераклигига тушунолмаганидан асабийлашарди. Шундайлар Гулхуморни ҳам, Кабировни ҳам бўғиб ташлашга тайёр эканлигини яширолмай, бақариб, ўрнидан туриб кетарди. Одатда, аёллар эркакларга нисбатан дардлари ичида, муғамбирроқ бўлишади. Мукамбар деган аёл Кабировнинг рўпарасига бориб, ҳадеб тиржайиб, ўз фикрини уқтиришга уринарди:

— Мен раҳбарликка кўзим учаётгани йўқ. Бошимга ураманми?! Мажбур қилсанглар ҳам, ўтмайман. Лекин нима учун Гулхумор?!

Ташкилотдаги хизматчилар орасида Ботир Оппоқов, умуман, ёмон одам эмас экан. Муҳокама қилинаётган масаланинг бир томони ўзига тегишли эканлигини ҳам унутгандек, у ҳаммадан четда, тўполонга аралашмай, қайсидир ашулалардан бир сатри-ярим сатрини минғирлаб айтиб ўтирарди:

— Жон қизлар, жонон қизлар. Қўлда раъноси билан...

Можаро кучайиб, одам шаънига ҳақорат даражасига етганида, Гулхумор икки-уч марта «эй кўтар аравангни!» деб қўл силтаганча, йиғлаб хонадан чиқиб кетгиси келди. Аммо Кабиловнинг осойишталиги унга далда берди. Бундан ташқари, нега оғзимдаги нонимни бировга тутқазар эканман, деб ўйлади. Тишини-тишига босиб, иш нима билан тугашини кутишга қарор қилди.

Роппа-роса олти соат ур-йиқит бўлганидан кейин, бутун мажлис давомида тўрда қимир этмай ўтирган Кабилов ниҳоят ўрнидан турди. Кўксини мағрур кўтарди. Бу унинг, сенларга ажратилган чулдираш муҳлати тугади, энди қайтиб жиловни қандай тортишимга қараб туришлар, дегани эди. Ҳона сув қуйгандек жимжит бўлиб қолди.

Бош раҳбар ёш болага ҳам кўриниб турган ёлғон ваз-қарсон ишлатди.

— Биродарлар, — деди у. — Гулхумор Ҳамроевнани сизларга мен айтдим, лекин бу таклиф Абдухалил Худойбердиевичдан чиқди! Гулхумор Ҳамроевна арзийди. Ташқаридан келган бўлса ҳам, бу қиз умрини шу ташкилотга бағишламоқчи экан, суюниш керак. Ҳаммамиз ҳам вақтида ташқаридан келганмиз! Қолаверса, бу қизимнинг кўриниши бор. Ақли. Самимий. Бундан яхши раҳбарни қаёқдан топасанлар?!

Даврадагилар битта қолмай қарсақ чалиб юборишди.

Кабиловнинг котибаси олдиндан машинкада кўчириб қўйилган қарорни ўқиб берди.

Шу билан, ташкилот ҳайъатининг мажлиси тугади.

Мажлис тугагани заҳоти, гўеки бир лаҳза бурун ҳеч ким норозиланиб, ҳеч ким бўғилиб-бақирмагандек, барча Гулхуморни ўраб олишиб, навбат билан қўлини қисганча, уни табриклашга тушишди. Буниси майли. Уни дарров ҳаммалари Опа деб атаё бошлашди.

Каттароқ мансабда ишлаш яхши экан. Еттинчи қаватдаги хонадан тўққизинчи қаватдаги хонага кўчиш кўз очиб юмгунча ҳал бўлди. Беш-олтита хизматчилар бировнинг буйруғини кутиб ҳам ўтирмай, Гулхуморга тегишли нарсаларни қоқиб, ювиб-артиб у эгаллаган хонага келтириб жойлаштиришди. Оппоқовга тегишли нарсаларни эса Гулхуморнинг олдинги хонасига элиб ташлашди. Биринчи ўриңбосарнинг котибаси маллагина аёл эди. Янги раҳбарнинг кириб келишига у қаҳва дамлаб, ликобчада ширинлик тайёрлаб қўйган экан. Бу етмагандек, табриклаш учун пастки қаватдан бир қучоқ гул ҳам кўтариб келибди. Оғзи қулоғида, ишшайиб Гулхуморнинг қўлига тутказди.

Бироқ булар ҳали ҳолва эди. Шу куниеқ Гулхуморга ётиб-туриши учун тўртинчи қаватдаги икки хонали уйнинг калитини келтириб беришди. Уялибми, камтарлик қилибми, Опа, олдин бир кўринг-чи, сизга ёқармикан, дейишди. Гулхумор хонани тушиб кўрди. Чўғдай гиламлар, янги жиҳозлар, девор билан бирлашиб кетган китоб жавонлари, ойнаи жаҳон. Музлатгичда мева-чева, ҳар хил ичимликлар ҳам тайёрлаб қўйилган. Ҳозиргача ишлаб турган хонасидаги диванда ётиб юрган Гулхуморга бу қаср ёқмасмиди?! Ўлибдими?! У фақат сир бой бермаслик учун, бизга бўлаверади, деб тўнғиллади.

Бир неча кундан буён Садиржонни эсламаган эди. Севинганидан терисига сизмай, ўзини чексиз бахтиёр ҳис этган шу куннинг оқшоми юмшоқ ўринда — парку тўшақда чўзилиб ётиб, Садиржон негадир яна унинг ёдига тушди. Алланечук зориқиб-эзилганидан, кўзларига ёш тўлди. «Шунча кутдим, Садир акам барибир келмади! Ўзим қўнғироқ қилмасам, аввалдан менга иши йўқ экан-да! Севади, деб ишонган аҳмоқ...»

Кейин, бу ҳозир бўлаётган ишларга Садир акам қандай қарарди, деб ўйлади. «Бизнинг эркаклар аёл кишининг мансаб эгаллашини ёқтиришмайди! Эркак — эркак, аёл — аёл бўлиб қолиши керак, дейишди. Айниқса, Садир ака қайсар, кет у ердан, деб туриб оларди, албатта! Нега бировга жабр қилиб, ўрнига ўтдинг, деб тирғалиши ҳам мумкин эди! Эй, ўзи бундай бир мард бўлиб, сўроқламай қўйгач, бошини чангаллаб ўтиравермайдими?!»

Орадан тўрт-беш кун ўтгач, бир оқшом эшик секин тиқиллади.

Гулхумор ажабланиб, эшикни очди. Остонада қандайдир ўйчанми, паришонми ҳолатда Кабилов турарди.

— Сиз билан бир оз сўзлашмоқчи эдим.

— Марҳамат, Ибодулла Шарипович, — деди Гулхумор.

Кабилов ичкарига кириб, хонада фаромуш айланди. Сўнг, меҳмон эмас, мезбонларга хос осойишталик билан музлатгичдан мева-чева, ичимлик олиб, стол устига қўйди. Ўзи дастурхон тузаган бўлди.

— Келинг, — таклиф қилди Гулхуморга.

Гулхумор нима бўлаётганини тушунолмай, қисиниб-қимтинган, гангиган, хавотирланган эди. Аммо, шунга қарамай, одоб сақлаганича, бош раҳбарнинг рўпарасига келиб ўтирди.

Шиша очилиб, қадаҳларга ичимлик қуйилди.

— Олинг, — деди Кабилов.

— Мен ичмайман, Ибодулла Шарипович. Умрим-да...

— Кўп эмас, билдийизми? Биз жиддий гаплашишимиз керак.

Гулхумор илож-ноилож бир қултум-ярим қултум ичди.

— Шу кунлар жуда чарчадим, — деди Кабилов. — Сиз энди биринчи ўринбосарсиз. Мен бўшасам ёки мабодо менга бирон нима бўлиб қолса, сиз ўз-ўзидан менинг ўрнимга ўтасиз...

— Унақа деманг, Ибодулла Шарипович...

— Тартиб шу. Мен чарчадим... Бир кун келган одам бир кун кетади...

— Унақа деманг. Илтимос. Мен хафа бўламан.

— Хўп. Раҳмат. Бошқа гап... Қандай бўлмасин, ўзингизни эҳтиёт қилинг. Бу салтанат деган нарса... Ҳаёт мураккаб. Бизнинг ишимиз ҳам оғир. Аҳмоқ одам кўп. Душман кўп... Инсонни иш эмас, кураш кемиради!

— Мен ишончингизни оқлайман, Ибодулла Шарипович. Лекин бу тўғрида гаплашмайлик. Ёш бола эмасман. Ўзим ҳам бир нарсаларга оз-моз тушунарман.

— Тўғри. Сиз чиндан ақлли, самимийсиз. Мен сиз-

ни жуда ҳурмат қиламан. Яхши кўраман... Мен ўзи бугун сиз билан бир оз дам олгани кирган эдим. Бошқа эзмаланмаймиз, майли, — деди Кабилов. У ўтирган курсисини Гулхуморга яқин сурди. Гулхуморни елкасидан кучди. Бетидан, кейин лаблари, томоғидан ўна бошлади. Саросималанган Гулхумор юлқиниб, ўрнидан туриб кетди.

— Дарвоқе, чироқ, — деди Кабилов, гўёки Гулхумор чироқ ёниб тургани учунгина уялган, қаршилиқ кўрсатаётгандек.

Бориб, чироқни ўчирди.

Қайтиб, Гулхуморга яқинлашиб, илгақдек қўллари билан белидан қаттиқ кучиб, уни тўшак ёнига судраб келди.

«Мен отаман, сен қизимсан, деб юриб, нима ҳунар кўрсатмоқчи бу тўнғиз?! Отанинг ўз қизига даф қилиши ёки одат бўлиб қолганми буларда?! Имон йўқ, албатта!.. Ҳеч бўлмаганда, Гулхуморнинг эр кўрмаган қиз бола эканлигини ўйламайдими?! Дунёда номус деган нарса бор. Ҳар қандай қиз бола ўзини биров учун асраб, тўй-томоша қилиб, одамий бахтга эришгиси келади! Наҳотки, Гулхумор ҳаётда инсон учун арзимаган ўткинчи манфаатни кўзлаб, шу қари тўнғизнинг қўйнида ётса?! Бунга чидаш қийин... Лекин, иккинчи томондан, бу ифлосни юзига тупуриб, уриб-суриб, хонадан ҳайдаб чиқаришнинг ҳам иложи йўқ. Тўполон кўтарилади. Одамлар олдида ўзинг шарманда бўласан! Аввалдан эгриликни қабул қилиб, биринчи бўсага йўл қўймаслик керак эди!.. Аслида, бу иблиснинг гапларига ишониб, иш тутишнинг ўзи аҳмоқликдан бошқа нарса эмас эди! Иши битиб, эшаги лойдан ўтгач, у сени секин-аста мансабдан қайтиб четлаштириши ҳам мумкин. Ҳеч нарса қилолмайсан!.. Қаердасиз, Садир ака?! Садир акажон... Бу нималар қиялпти ўзи?! Йўқ... Йўқ... Йўқ... вой... йўқ...»

Гулхумор нафаси бўғзига тиқилиб, бир лаҳза бўшашиб қолди.

Кейин, Кабиловни шаҳд билан итариб, тўшакдан улоқтириб ташлади.

Ўрнидан беҳол туриб, чироқни ёқди.

Кабилов ерда — гилам устида чўзилиб ётарди.

Гулхумор Кабиловга яқинлашиб, унга тўппа-тўғри, мен сизни одам десам, ҳайвонлик қилдингиз, дегиси келди.

Яқинлашди. Аммо Кабиров ҳамон қимир этмай ётарди.

Гулҳумор беихтиёр энгашди.

Бир даҳшат устига, иккинчи даҳшат... Кабиров зўриқиб, узилиб қолган эди!..

33

Уч киши...

Бўй-баста лилипутдан сал каттароқ, қаримсиқ-кўса... қош-кипригини илғаш қийин бўлган, боши устарада тақир қирилган кимса... Чўтир-филай бир зот...

Булар бошқармада ишлашадими, ундан каттароқ жойдами... ёки, умуман, ҳеч қаерда ҳеч қандай вазифани бажаришмаса ҳамки, пуллари кўплигидан ўзларини хон, беклардек тутиб, бошқарманинг фаолиятига аралашиб юришадими... Кабировнинг оддий дўстлари, ҳамтовокларими... Нима бўлганда ҳам...

Баъзан қошонага — бош раҳбарнинг ёнига келиб туришарди.

Бир нарса аён эди: булар Кабировдан ҳам ёвуз, кучли кишилар! Истаган пайтда истаган одамни топ-таб ташлашади!..

Эс-хуши бошидан учган ҳолатда, мурда ёнида чўнқайиб ўтирган Гулҳуморнинг кўз олдига негадир лоп этиб шу уч кишининг қиёфаси келди ва, булар энди мени тинч қўйишмайди, деб ўйлади.

Рўй берган воқеанинг устига тезда парда тортиш, ўзингни четга олиш керак! Сен ақллисан. Самимийсан. Ўзингни осойишта тутсанг, сенга ҳеч нима қилмайди! Эсинг борида этагингни ёп, қизгина!..

Гулҳумор ўрнидан шаҳд билан кўзғалиб, ювиниб-таранди. Тоза-озода кийинди. Ниҳоят, эшикни қулфлаб, Ботир Оппоқов турган хона эшигига борди. Эшикни қоқди.

Анчадан кейин остонада пайдо бўлган Оппоқов Гулҳуморга уйқучан кўзларини пирпиратиб, ажабланиб қаради:

— Онам дерман...

«Опа бўлганим бир гўр эди, мана энди буларга она ҳам бўлдим!» — деб ўйлади Оппоқовнинг ашулачилигидан биринчи марта гижиниб Гулҳумор. Бироқ ўзини босиқ тутди.

— Ашулангизни ййиштиринг! — деди у. — Менинг уйим куйди. Менга сизнинг насихатингизми, маслаҳатингизми керак...

— Мен сизга насихат айлай...

— Ййиштиринг, деяпман! — эзилиб жеркинди Гулхумор. — Сиз ҳам одамдек бундай гапира оларсиз, ахир?! Карнай эмасдирсиз?! Ичкарига кирайлик...

Оппоқов йўлни бўшатди.

Гулхумор хонага кириб, яланг узун тахта четига ўтирди.

— Эртадан қайтиб олдинги ўз ишингизга ўтасиз, Ботир ака, — деди у. — Ўйин эмас, бу йигитча гап! Менга ишонинг... Лекин ҳозир сизнинг менга ёрдамингиз керак. Мен бу ташкилотда сиздан бўлак биронта одамга ишонмайман!

Ботир Оппоқов индамади. Аммо қайсидир ашулани ҳам эсламади.

Гулхумор унга бутун воқеани рўйирост айтиб берди.

— Бу ерда маслаҳат эмас, ҳаракат керак. Чўзмасдан... — деди Оппоқов, Гулхумор уни таниганидан бери илк дафъа тилга кириб. У сония ичида қаердан-дир эски бир чойшаб, икки жуфт қўлқоп топди. — Юринг!

Улар Гулхумор эгаллаган уйга келишиб, ярим ялангоч Кабировни кийинтиришди. Чойшабга ўрашди.

Кейин жасадни бош раҳбар хонасига олиб бориб, диванга ётқизишди.

— Мен мана бу чойшаб билан қўлқопларни уйда ёқиб ташлайман, — деди Оппоқов. — Сиз йўлакдаги оёқ изларини ювиб чиқасиз! Эртага воқеани билмаган бўлиб тураверамиз! Анча-мунча текшириш бўлади, албатта. Лекин иккимиз гулдур-гуп бўлиб ўтирсак, бизни Азроилдан бўлак одам қўлга туширолмайд.

34

Айрилиқ азобидан куйиб, изтиробдан тутаб юрган Садиржон ахийри дам олиш кунларидан бирида Катта шаҳарга — Бурҳон Шарифнинг уйига борди.

Бурҳон Шариф — яхшиямки, уйда экан.

Садиржон бир тун меҳмон бўлиб ётиб қолди; Бурҳон Шарифга ўзининг бошига тушган савдоларни гапириб берди.

Бурҳон Шариф чуқур ўйга толди.

— Ҳаётда баъзан шунақа, инсоннинг хаёлига келмаган фаройиботлар ҳам бўлиб туради, — деди Бурҳон Шариф, ниҳоят. — Менинг учувчи дўстларим бор. Айтаман, улар тайёрами, парпарақдами яқин-узоқ, ҳаммаёқни айланиб-кўриб чиқишади. Қизиқарли бир гап топишса, мен албатта сизга хабар бераман...

Садиржон Катта шаҳардан боши осмонга етиб, Мулкободга қайтди.

Бурҳон Шариф сўзида турадиган одам!

Орадан бир ой ўтди, ярим ойми, кутилмаганда қоронғи саҳар пайтида Садиржоннинг уйига у ҳар қачонгидек бостириб келиб қолди.

— Парпарақ сизни шаҳар четидаги майдончада кутяпти. Йигитлар сиз айтган кошонага ўхшаган бир нарсани илғашибди...

Садиржон йўлга ҳозирлик кўриб, апил-тапил кийинди. У ҳаяжонланиб-шошганидан ғудранди:

— Шифохонада менга қараб ўтиришади...

— Шифохонангизга мен айтиб қўяман. Одамлар тўғри тушунади, — уни тинчлантирди Бурҳон Шариф. Кейин, салмоқлаб сўради. — Бу, ўша сиз айтган кошона бўлса, нима қилмоқчисиз?

— Гулҳуморни олиб қайтаман! — Бу ахир шусиз ҳам маълум-ку, дегандек Бурҳон Шарифга ажабланганча тикилди Садиржон. — Қўлидан етаклаб парпарақка ўтказаману учиб келаверамиз! Дунёда бор бўлса, бас, нарғи бир оғиз сўз...

— Демак, ҳаммаси рисоладагидек... — қаноатланиб, бош силкиди Бурҳон Шариф.

Улар парпарақ турган майдончага келишди.

— Мен сизни уйда кутаман, — Садиржонга яна мурожаат қилди Бурҳон Шариф. Садиржон хижолат чекиб, қисинаётганини кўриб, қўшиб қўйди. — Менинг ишим кўп, албатта. Лекин бугун барибир сизни уйингизда кутаман...

Парпарақ осмонга кўтарилди.

Мулкобод, унинг атрофидаги катта-кичик қишлоқлар секин-аста орқада қола бошлади. Дала-даштга қуёш нурлари остида симобдек ярқираб ётган саҳро уланди.

Парпарақ дам сайин саҳро қаърига кириб борди.

Табиатнинг инсон англаши қийин бўлган сирлари... Бу ҳам бир уммон! Мана, тоғдек юксак, мана туя

ўркакчидек майда тўлқинлар! Шамол қумни енгил тўзитиб ўйнаётир. Сувнинг жимирлашига ўхшайди.

Оламдаги барча буюк мўъжизалар орасида ажралиб турган икки улуғ қудрат бор: уммон ва сахро... «Инсон — қум зарраси!» Бунни Садиржон ўқиган. Эшитган. «Инсон бир томчи сувдан бунёд бўлган!» Бунни ҳам Садиржон билади. У ҳозир таажубланди: икки улуғ қудрат олдида ҳолати шу экан, инсон нега ўзини ҳамма нарсадан қудратли, ҳамма нарсадан улуғ деб ўйлайди?! Баъзан Фиръавнга айланиб кетади! Мен — худоман, деб ҳайқириб, бутун олам қисматини ҳал этгиси келади! Ҳолбуки, у кўпинча ўз ҳаётидаги кемтикни тўлдиришга, ўзига яқин бир одамни бахтли қилишга қурби-қудрати етмайди! Минг йилдан буён шундай! На дин, на маърифат, на Еру Осмон ҳикмати уни тарбиялаб, ўзгартира олди!.. Ўзингга бундай бир қарасанг бўлмайдими, инсон?! Қачонгача ҳаёт йўлларида адашиб-улоқасан, шўрлик банда?!

— Манави, кўринаётган эмасми? — Садиржоннинг хаёлини бўлди, йўл бўйи миқ этмай келган учувчининг овози.

Садиржон ойнадан қаради: тўққиз қаватли ўша мрамар қошона!

— Тўхтатинг.

— Ҳар эҳтимолга қарши томга қўнамиз, — деди учувчи.

— Яхши.

Парпарак гир айланиб, қумтепалар орасида ёлғиз қўққайиб турган ҳашаматли қошонанинг томига бориб кўнди.

Садиржон учувчига тезда келишини айтиб, томдаги қудуқ оғзини эслатган туйнук қопқоғини кўтарганча, темир пиллапоядан чордоққа, чордоқдаги зинадан бино ичига тушди. Йўлақда пилдираб кетаётган қандайдир нозик-ниҳол қизни кўриб, унга юзланди.

— Кечирасиз, менга Гулҳумор керак эдилар...

Садиржон қизнинг «Хатлар бўлимига тушинг. Еттинчи қават!» дейишини кутган эди, аммо қиз негадир чимирилди:

— Қанақа Гулҳумор?

Садиржон: «Бўпти! Ўзим!» — деб пастга тушиб кетавериши мумкин эди, қизнинг муомаласи беихтиёр рашига тегди:

— Мингтами сенларда Гулҳумор?!

Қиз: «Шунақаям одобсиз одам бўладими?» — дегандек Садиржонга ўқрайиб қаради.

— Йўқ. Ҳеч қачон! — деди у бошини маъноли тебратиб. — Лекин Гулхумор Ҳамроевна, демайсизми? Ёки, ўртоқ Хатибова?! Нима, кўчадан, олис бир жойдан келганмисиз?! Унақа бўлса, бу ерга киришининг ўзи мумкин эмас!.. — Шунга қарамай, қиз йўлак тўридаги эшикка имо қилди.

Садиржон, Гулхумор хонасини ўзгартирибди-да, бу яхшилик нишонасимикин, ёмонликми, деб ўйлаб, сал паришонланиб, йўлак тўрига қараб юрди. Эшикни очди. Худди бояги қизнинг нусхаси қабулхонада ўтирарди.

— Менга Гулхумор Ҳамроевна керак эдилар, — деди бу гал одобли бўлиб Садиржон.

— Опа жуда бандлар, — чимирилди қиз. — Ким деб айтай?

— Садир ака денг.

— Идорада унақа деб бўлмайди-ку.

— Баъзан бўлади! — Қайсарланди Садиржон.

Қиз елкасини қисди. Товусдек юриб, ичкари хонага кириб кетди. Бир оздан кейин қайтиб чиқди.

— Кириг.

Садиржон остона ҳатлади.

Хона кишининг кўзи тинадиган даражада катта эди. Остонадан анча нарида, тўрдаги стол орқасида сочларини қулоқлари устига тушириб, кўзойнак таққан бир аёл ўтирарди. Илк қарашда бу Гулхумор эканлигини билиб ҳам бўлмас эди.

Садиржон столга яқинлашди.

Гулхумор негадир унга лоқайд кўз ташлаб, қўли билан юмшоқ курсига ишора қилди.

Аммо Садиржон ўтиб ўтирмади. Стол ёнида шамдек қотиб, Гулхуморга тикилганича қолди.

Бу ташкилотда бир-бирининг бағрига отилиш, эҳтимол, расм эмасдир! Лекин севишганлар шундай — аза тутгандек учрашадими? Гулхумор, мени тез йўқламади, деб ўпкаланаётганмикин?! Унга бошқа бирон нима бўлганмикин?!

— Гулхумор! Гулим! Гулжон!.. Мендан нимадир айб ўтган бўлса, кечиринг. Мен сизни ўйламаган бирон кун, бирон тун йўқ. Юрак-бағрим бурдаланиб кетди. Хайрият, дунёда бор экансиз. Тирик экансиз! Ўргилай сиздан! — Садиржон қалбидан бир қўшиқ

оқаётгандек кўйда илтижо қилиб, турган ерида оҳиста тиз чўқди. — Гулжон! Гулим... Дунёда тенги йўқ фа-риштам. Сизни соғинмай бўлар эканми? Сизни сев-май бўлар эканми?! Мен сизни ҳеч қачон ҳеч кимга алмаштирмаслигимни биласиз-ку!..

Гулхумор кўзойнагини олиб қўйиб, қўллари орқа-сини кўзига босганича, елкалари титраб, пиқ-пиқ йиғ-лай бошлади.

Сўнг, Садиржоннинг ёнига келиб, уни ўрнидан турғазди. Бағрига жойланиб олди. Сочларини бармоқ-ларига ўради.

— Мен сизни олиб кетгани келдим. Кетайлик шу ердан! Одамдек бахтли яшайлик...

— Кетамиз. Албатта, кетамиз! Падарига лаънат ҳаммасининг! — деди Гулхумор. — Мен нафасимни ростлаб олай. Бирпас ўтиринг. Кетамиз.

Садиржон мана энди юмшоқ курсига ўтиб ўтирди.

Гулхумор ҳам ўз ўрнига ўтди. Рўмолча чиқариб, кўзларини артди. Кўзойнагини тақди.

Садиржонга разм солиб қараганича:

— Сиз мени энди олдингидек яхши кўрмайсиз! — деди бехосдан.

— Мен сизни олдингидан ҳам кўпроқ яхши кўра-ман!

— Мен ҳам энди бошқаман! Лекин гап унда эмас... — деди Гулхумор. — Ботир Оппоқов дегани бор. Ашула айтарди. Бир неча кун одамга ўхшаб гапириб юрди. Кейин, яна ашуласини бошлади. Ме-нинг шаънимга тегадиган бир нималарга шаъма қиладими-е! Мен уни пастдаги хонага қаматиб қўйдим. Бу ердан кетсам, чиқиб, бўлмаган нарса-ларни бутун ташкилотга ёяди!

— Сиз бу ҳақда ўйламанг. Бировнинг оғзига қараб, яшаш қийин. Ҳар ким калласига келганини гапир-ади! — асабийлашди Садиржон.

— Йўқ, буларни қамчилаб, ўйнатиб турмаса, ҳаёт издан чиқиб кетади. Ҳаёт жуда мураккаб. Атрофда душман кўп, билдийизми?! Мен бу ташкилотни би-ровга ишониб, ташлаб кетолмайман!..

— Ташкилотингиз аввалдан одамларга кераксиз эди. Ҳозир эса шаҳардан ҳам, одамлардан ҳам буткул узилиб қолди. Деразадан ташқарига бундай бир қаранг! Яланг саҳрода ўтирибсиз!

— Унақа деманг. Мен хафа бўламан. Бу ташкилот

ҳеч қачон ердан узилмайди! Уни ҳеч қачон, ҳеч ким йўқ ҳам қилолмайди, билдийизми?! Мен йўл қўймайман!.. Юрагим яна қисадиган бўлиб қолди. Соғлигим ёмон. Лекин илож қанча! Бир соатга ҳам бу ердан чиқолмайман. Кетсам, қилинган ишлар устига чизиқ тортилади. Одамлар, кузни байрам қилмаймиз, баҳор яхши, деб туриб олишади. Ваъда бериб, ҳали ҳовузлар, қудуқлар билан шуғуллана олмадик. Ҳамон битта-яримта эски масжидлар юртнинг ҳуснини бузиб турибди! Кутилмаганда бошқармадан комиссия келиб қолса, нима деймиз?!

— Қисқаси, мен билан кетмайсиз... — пичирлади Садиржон.

— Кетолмайман!.. Тўғриси, мен ҳам сизни яхши кўраман, Садир ака. Кўп кутдим. Ҳозир ҳам сиздан ажралгим келмаяпти... Лекин, иш...

Садиржон ўйчан, маҳзун ҳолатда ўрнидан туриб, эшикка йўналди.

Остонага етганида, қайрилиб қаради.

Гулҳумор столга энгашиб, қоғоз титкилашга тушган эди...

Садиржон парпаракка миниб, изига қайтди.

Уйда — ўзи айтганидек, Бурҳон Шариф уни кутиб ўтирарди.

Садиржон кириб келиши билан ҳаттоки бошини кўтариб, унга қарамасдан:

— Иш битмади-а, йигит! — деди Бурҳон Шариф.

— Сиз буни билганмидингиз? — эзилди Садиржон.

— Билгандим.

— Бўлмаса, нега менга ёрдам бериб... шунча оворагарчилик?!

Бурҳон Шариф — унга хос, болаларча беғубор бир кўйди кулди:

— Мен сизнинг кўнглингизда армон қолмасин, дедим...

Учинчи ҳикоят

Афандининг болалиги

*Менинг кўнглим сен билан,
Сен кетасан ким билан!..*

(Бошқа бир кўшиқдан)

35

Абдулла Ҳакимни эслашганида, Бурҳон Шариф Садиржонга тўғри айтганди: у таниқли шоир эмасди; оддий бир хизматчи эди.

Аслида, бу фикр Бурҳон Шарифдан чиққани ҳам йўқ; кўпчилик шундай деб биларди.

Абдулланинг ҳаёт ҳақидаги фалсафий фикрлар ифодаланган атиги уч-тўртта шеъри эълон қилинганди. Қолганларини ҳеч қайси рўзнома ёки ойнома босиш эмас, жиддийроқ кўздан кечиришни ҳам истамаганди. Унинг ўз ёзганларига бепарволиги сабабли уларнинг аксари энди йиртилиб, йўқ ҳам бўлиб кетган эди. Бу гаплар ҳам кўпчиликка аён эди!

Муҳаббатга бағишлаб ёзган шеърларини Абдулла ҳеч кимга ўқиб бермаган, уларни битган-тугал ҳолда бирон пайт севгилисига ҳам кўрсатмаган эди. Булар Бурҳон Шариф Садиржондан олган дафтарда қолди.

Абдулла Ҳаким муҳаббат тўғрисидаги шеърларини, булар асосан ўзим учун, деб қанчалик қадрлаб юрган бўлмасин, Насриддин афанди ҳақида ёзганларини кўнглида булардан кам ардоқламас эди. Шунчаки ўқиб кўриш учун топширилган бу дастхатлар ҳам энди Бурҳон Шарифнинг қўлида қолган эди.

Сирасини айтганда, афанди ҳақида ёзган шеърлар ҳам, уларни ёзаётиб Абдулла Ҳаким қоғозга туширган **настрий узинди бир ўйлар** ҳам қораланган бошқа нарсалардан кўпроқ бу йигитнинг чинакам истеъдодли инсон бўлганидан далолат берарди.

Дастхат куйидагилардан иборат эди...

НАСРИДДИН АФАНДИ ҲАҚИДА ЁЗГАН ШЕЪРЛАРДАН

Қаерда юрибсан, Насриддин, шу он
Бирон шаҳардами,
Бирон қишлоқда?
Бу оқшом

ёзганча яна дастурхон,
Сени қутмоқдаман.
Овқат пишмоқда.

Худого шукрки,
Бугун иш дуруст.
Уйда нон бор. Пиёз.

Шишада бор май.
Иккимиз ўлтириб яна юзма-юз,
Озгина сипқорсак бўлар, индамай.

Биз учун
Бу дунё латифа, ўйин,
Бизга керак эмас
ҳеч. бир тожу тахт.

Ҳаётда
Ҳар кимга эгмасдан бўйин,
Кулиб юрганамиз
Ўзи катта бахт.

Қайда эканлигинг, Насриддин, гумон,
Қайси бир тоғдами,
Қайси қирғоқда.
Мен-чи,

ёзганимча яна дастурхон,
Сени қутмоқдаман.
Овқат пишмоқда...

* * *

Мен учун сен — энг яқин одам,
Иккаламиз кўпдан ҳамхона.
Биздан бўлак, ахир, кимга ҳам —
Ёқар эди бундай вайрона?

Биз
Дунёни тепган одаммиз,
Билганимиз
фақат гарвешлик.
Гарчи яшаб, ҳаммадан каммиз,
Ғарибларга
қиламиз хешлик.

Бизга ётдир бермоқлик озор,
Лекин бизда

заҳарли ханда:

Инсон билмай, бу дунё бозор,
Уст-бошини
Ечиб чиққанда...

* * *

Сўраб ўтирмасдан
Мендан бир оғиз,
Одамлар гоҳ сизни, у ўлган, дейди.
Биров, дунёда у бўлмаган ҳаргиз,
Биров, келиб кетган, у бўлган, дейди.

Баъзан
Мўралашса менинг кулбамга,
Мен кўчадан қайтган оқшом пайтлари:
Сизни учратишиб улар, албатта,
Битарди бемаъни
баҳсу байтлари.

Наҳот,
Билмас ҳамон одамлар бари
Сиз — дунёда юрган Тирик Кулгисиз.
Буюк обидалар, шу ер сингари
Қийналиб
асранган халқнинг мулкисиз.

Аммо,
Мен уларга
юрмайман сайраб,
Билган — билиб қолар,
Билмаган билмай.
Сиз-чи,
ўлтирасиз қаршимда яйраб,
Телба бу дунёни
Назарга илмай.

* * *

Гуппа-гуппа ёғаяпти қор,
Осмондаги булутлар элак.
Йўл олдингиз қаёққа такрор —
Остингизда қирчанғи эшак?!

Бошингизда кичик бир сала,
Эгнингизда оддий бир ятак —
Бамисоли куйдирган калла
Илжасиз, кулгингиз яхдак!

Кетаяпсиз қаёққа, жұра,
Шарт эканми доим шошмоқлик?
Мен ҳам уйда ётгандан кўра
Кетардим-ку, оёқ-кўл боғлиқ...

* * *

Дўстларим
Йўқ эмас, афандим!
Ва лекин,
сиз бир оз бошқача.

Мен
Сизга яқинда топиндим,
билмасдим
эс кирган ёшгача.

Мен
Энди қандайдир ҳалакман,
Юз буриб, кетманг,
деб ёнимган.

Бор бўлинг! —
Тилайман фалакдан, —
Мен
кечган пайтда ҳам жонимган.

Бизнингдир
Умримиз бир эпкин,
Аммо
сиз гунёда абадий.

Кимдаки,
қалб
эркин,

руҳ эркин —
У
сизни, албатта,
Топарди!

УЗИҢДИ ҲЙЛАР

Шамоллар қутуриб, қум кўчган, ёввойи ўт-ўланлар
фовлаб ўсиб ётган бепоён бир сахро бор эди.

Сахрода кўп йиллардан буён ҳаёт ҳеч ўзгариш-
сиз давом этар, жамики ҳайвонлардан тортиб қурт-
қумурсқаларгача ўз тирикчилигини кўриб юрар
эди.

Кунлардан бир куни кутилмаганда уларнинг осо-
йишгалиги бузилди: бу ерларда олдин кўринмаган оқ
бир эшак қаёқдандир пайдо бўлиб қолди.

Эшакнинг устида тўқим, бўйнида арқон; яқин қишлоқдан саҳрога қочиб келганга ўхшарди. Шунга қарамай, у ётсираб-ҳадиксирашни ўйлаб-нетмай, бемалол ўт чимдир, ҳанграб, шаталоқ отмоқда эди.

Саҳродаги бутун ҳайвонлару ҳашаротлар қизиқиб, эшакни ўраб олишди. Унга анграйиб разм солишди.

— Сен кимсан? — деб сўрашди улар эшакдан.

— Мен эшшакман, — деди эшак.

— Аҳмоқ экансан-ку, — деди унга тулки. — Сенинг эшшак эканлигингни ўзимиз ҳам кўриб турибмиз. Биз сендан, масалан, олдинлар бошқа биров бўлганмисан, кимнинг руҳисан, деб сўраяпмиз.

— Қанақа руҳ? — ажабланди эшак.

— Мана, дейлик, тошбақа бир пайтлар арбоб бўлган. Мен қози бўлганман. Илон вазир, арслон шоҳ... Сен ҳам шунақа бировмидинг ёки аввалдан эшшакмисан?

— Мен аввалдан фақат эшшакман, — тан олди эшак.

— Фирт аҳмоқ экансан! — норозиланиб тўнғиллади бир ерда тинч туролмаганидан лапанглаётган айиқ. — Аҳмоқ бўлмасанг, доим эшшак бўлармидинг! Мен олдинлар миршаб эдим. Ҳалигача ўша кунларни эслаб юраман.

— Ҳар кимнинг қисмати! — бу гаплардан зиғирча озор чекмай, деди эшак. — Мен аввалдан шунақа яратилганман. Одамнинг хизматини қилиб келаман. Зодагонлар — каттаконларга ишим тушмаган. Кўпинча оддий, фақир, ғариб кишиларнинг кунига ярайман. Насриддин деган бола бор. Ҳозир ўшанинг эшагиман.

— Хўп, буниси майли, — деди вишиллаб илон. — Биз одамдан кўрқамиз. Бирга бўлишимиз қийин. Одам ҳеч қачон меъни қўйнига солиб асрамайди. Қўлига тушган ҳаттоки арслонни ҳам қафасга тикиб қўяди. Шу боисдан, биз бу яйдо саҳрода айланиб юрибмиз. Лекин сен-чи?! Аҳмоқ бўлмасанг, сен нега эгангни ташлаб, бу ерларга келдинг?!

Йўқ, эшак унчалик аҳмоқ ҳам эмас экан! У пишқириб-хўрсиниб қўйганча, қизиқ гап қилди:

— Эгам, шоҳнинг олдига, Култепага бораман, шоҳ барчамизнинг отамиз, мен унга хизмат қилмоқчиман, деб қолди. Унинг ростдан бормоқчи эканлигини кўриб, арқонни узиб қочдим.

Ҳайвонлару ҳашаротларнинг нафаслари ичларига тушди.

— Энди бу ёғи қандоқ бўлади? — қизиқсинди ахийри тулки.

— Четдан қараб турай-чи, бу иш нима билан тугар экан, — деди бошини вазмин эгган эшак.

* * *

Култепа баланд ерда жойлашган, кунгиралари найзадек осмонга қадалган қалъа бўлиб, бир шаҳар ва шу шаҳарга тенг шоҳнинг қасри-саройидан иборат эди.

Култепада кўп шоҳлар яшаб ўтган ва ниҳоят, тахтни Раҳимбек деган шоҳ эгаллаганди. У товоқ юзли, катта соқол қўйган киши эди.

Халқда, катта соқоли одам аҳмоқ бўлади, дейишади.

Йўқ, Раҳимбек аҳмоқ эмас, қандайдир телбами, эси бир оз кирди-чиқдими, шунақа эди. Унинг калласига кўпинча алмойи-алжойи фикрлар келар, буларни у дарҳол амалга ошириш керак, деб ўйларди.

Раҳимбек кундузлари ухлаб, кечалари хаёлидан кечган гапларни эчки терисига ёзиб ўтирар, кейин каллаи саҳардан фармойиш бериб, одамларни тўрт томонга зир югуртирарди. Шунга одатланган эди! Мисол учун айтиш мумкин... У бир гал, катта қишлоқдаги одамларни кичик қишлоққа, кичик қишлоқлагиларни каттасига кўчиртириб кўринглар, деб буюрган, бутун халқни овора қилган эди. Бошқа бир сафар, деҳқонларни сарбозликка чақириб, сарбозларни буғдойни хом ўришга олиб чиқинглар, деб кўрсатма берган эди...

Шоҳ, умуман, мамлакат қозонга ўхшаган нарса, овқат қилиб ейман деган одам қозонни кавлаштириб турмаса бўлмайди, қабилда фикр юритар, буни ҳаётда ўзининг шиорига айлантирган эди. Шунинг баробарида, ҳадеб фармон ёздирганиданми, фаромушлигиданми, баъзан бугунги гапи эртага унинг хаёлидан ҳам кўтарилиб кетарди. У ўз аъёнларига ҳафтанинг бошида, менга ўхшаш учун ҳамманг катта соқол қўй, деса, ҳафтанинг охирида, менга ўхшамаслик учун соқолларингни олиб ташла, деб талаб қиларди.

Раҳимбекнинг яқинлари орасида, барибир, катта соқоли одам кўп эди.

Шоҳнинг фаромушлиги эса шу даражага етган эдики, бир йили ўртанча ўғли туғилиб, болага исм қўйгани унга маслаҳат солишганида, у хаёл суриб ўтирганича,

Раҳимбек, деб юборган... ахир, Раҳимбек ўзингиз-ку, шаҳаншоҳим, дейишса, Култепа тарихида ҳеч кўрилмаган ишни қилиб, яна чуқур ўйга толганича, хўп, бу мен бўлсам, у Раҳим Иккинчи бўла қолсин, деган эди.

Раҳим Иккинчининг акалари Салимбек ва Каримбек, укалари Ҳақимбек ва Наимбек — шоҳ жами беш фарзанд кўрган эди.

У қанчалик далил-девона бўлмасин, дунёда беш бармоқ баробар эмаслигини яхши биларди. Ўзини ташқи муомала-муносабатда барча фарзандларига бир кўз билан қарагандек тутар, лекин кўнглида Раҳим Иккинчини бошқа болаларига нисбатан кўпроқ қадрларди. Бу тўғрида Раҳимбек ҳеч қачон бировга оғиз очмаган бўлса-да, унинг кўнглини билиб, саройдаги аъёнлар ҳам барча шахзодаларни ошкор ардоқлашар, фақат бошқалардан яширин ҳолда Раҳим Иккинчига айрича меҳр кўргизиб туришар эди.

Раҳим Иккинчининг бундай эътибор қозонгани бежиз эмасди. У илк қарашда содда, мулойим, кўнгличан — ҳамма учун гўёки одамнинг жони эди.

Аmmo Раҳим Иккинчи болаликдан негадир отамни — акаларим, онамни — укаларим мендан тортиб олишмасмикин, деб ўйлаб, аслида, журъатсиз, худбин, маккор бўлиб ўсган эди. У, мен бу хонадонда аввалдан бир ўзим туғилиб кўяқолсам нима қиларди, деб изтироб чекиб, ака-укаларига нисбатан кўнглида чексиз инжиш, нафрат туяр эди.

Унинг ака-укаларини кўришга кўзи йўқлигига яна бир сабаб бор эди. Улар ёшлиқдан: илмга, шеърга, рубобни нозик чертиб, ашула айтишга, ҳунарга қизиқишган, улғайган сайин одамлар орасида энди олим, шоир, ашулачи, ҳунарманд бўлиб танила бошлашган эди. Раҳим Иккинчи эса бу нарсаларнинг ҳеч бирига қизиқмас, ўзида иқтидор сезмас, мен фақат одамларга гап ўргатиш учун дунёга келган бўлсам керак, деган хаёлга бориб, қисматининг кемтиклигидан қанчалик эзилса, ич-ичида шунчалик ўзини бошқалардан устун тутишга рағбат сезар, қандай қилиб бўлмасин, бунга эришишни истар эди.

Раҳим Иккинчи кўнглидаги ҳиссиётларни ниқоблаш учун зўр бериб акалари олдида одоб сақлар, укаларига озор етказмасликка тиришарди.

Бироқ у отаси Раҳимбек, онаси Маликаи Дилоромга астойдил сифинарди.

Айниқса, Раҳимбек унга дунёда тенгсиз бир зот, буюк мўъжиза бўлиб туюларди.

Раҳим Иккинчи отасига бирон пайт бошини кўтариб, тик қарамас, эркаланиб уни бўйнидан ҳам қучоқламас эди. Доим катта соқолли отаси эшиқда кўриниши билан, ўзини таппа ерга ташлаб, унинг оёқларини қаттиқ қучар, уларга бошини суйкар эди.

Шоҳнинг эчки терисига ёзган гапларини ҳам Раҳим Иккинчи тўплаб, эътиқод, ҳаяжон билан обидийда қилиб, қайта-қайта ўқирди. У аксар эчки териси устига мук тушиб олганча, бу қандай бедодлик, онҳазрат айтган гапларнинг ҳали ҳеч ким яқинига бориб, маъзини чақолмабди-ку, деб фарёд чекар эди.

* * *

Шу йўсинда маълум давр ўтиб, бир куни отлиқ аъёнлари қуршовида, фойтунда ўз музофотини айлангани Култепадан чиқиб кетган Раҳимбек бехос йўлда қазо қилиб қолди.

Шоҳнинг ёнидаги вазир-вузаролар кўпни кўрган кишилар бўлиб, салтанатнинг нима эканлигига тушунишарди. Ортиқча саросималаниб-довдираб ўтирмай, биринчи навбатда рўй берган воқеани ҳозирча сир сақлашга қарор қилишиб, аниқ чора-тадбир кўришга киришишди.

Улар Раҳимбекнинг жасадини фойтунга тирик одамдек ўтқазиб қўйиб, товус патидан ясалган катта бир елпигич билан беозор елпиганча, уни Култепага олиб келишди.

Кейин, вазир-вузаролар: «Падари бузрукворингиз сизни йўқлаяптилар!» — деб шаҳарнинг турли даҳаларидан шоҳнинг ўғилларини бирма-бир саройга чақиртириб, эшигида соқчилар турган сарой чеккасидаги бир ҳовлига жойлаштиришди.

Бу ишлар хамирдан қил суғиргандек бажарилгач, улар, ниҳоят, онҳазрат аввал сизни кўрмоқчилар, деб Раҳим Иккинчини бояги ҳовлидан етаклаб чиқишди. Уни Саломхона деб аталган, одатда шоҳ одам қабул қилиб суҳбатлашадиган ҳовлига келтиришди. Бу ерда шоҳнинг ўрнида ёлғиз чўнқайиб ўтирган Бош Вазир ўрнидан сапчиб туриб, Раҳим Иккинчига таъзим қилди. Унга босиқлик билан отаси оламдан ўтганини туюшунтирди.

Раҳим Иккинчи кўйлаги ёқасини йиртиб-фарёд чекмоқчи эди, Бош вазир уни тўхтатди.

— Энди бу хунарни ташланг, сизга тўғри келмайди! — Сўнг унга яна босиқлик билан тушунтирди: — Падари бузкруворингиз бундай одамдек васият қилишга ҳам улгурмадилар. Лекин васият қилган тақдирда ҳам, у киши барибир тахтни сизга топширган бўлардилар. Биз биламиз! Демак, отангизнинг ўлганига қўшиб, сизнинг тахтга минганингизни эълон қилишимиз керак.

— Ака-укаларни ҳам чақириб гаплашиладимиз? — қизиқсинди Раҳим Иккинчи.

— Ие, жиннимисиз? — деди Бош вазир. — Сиз шоҳ экансиз, улар энди умр бўйи ўша ҳовлидан чиқмай ўтираверишади. Девни хумдан бўшатиб нима қиласиз?!

— Волидамга ҳам хабар берилмайдими? — сўради Раҳим Иккинчи.

— Йўқ. Волидангиз янгиликни кўп қатори эшитаверадилар. Заифалар, бешта болам ҳам шоҳ бўлиши керак, деб ўйлашади. Бунга чидаш қийин...

Шундай қилиб, Раҳим Иккинчи билан гап пишитилгач, барча аъёнлар тўпланиб, олдинги шоҳни дафн этиш, янгисига тож кийдириш тараддудини кўриша бошлашди.

Эртаси куни наҳорда шаҳарнинг икки томонидан икки жарчи от солди. Улардан бири Раҳимбекнинг ўлганини, бошқаси Раҳим Иккинчининг подшоҳликка кўтарилганини халққа эълон қилди.

Сарой чеккасидаги ҳовлида қамалиб ётган ака-укалар эшикдаги соқчилар, хизматкорлардан ўзи нималар бўлаётганини ярим-ёрти эшитишди. Аммо оталари билан видолашиш ҳам, маърака-маросимларда қатнашиш ҳам уларга насиб этмади.

Қирқ кундан кейин, Раҳим Иккинчи ўз номига хутба ўқитиб, халққа ош тарқатди. Бу хабарни эшитган ака-укалар яна бир карра — олдингидан кўпроқ мотам тутишди.

Раҳим Иккинчи тахтга минган кунидаёқ ака-укаларига ҳовли ичида бемалол айланиб юриш, бироқ эшикка яқин йўламаслик тўғрисида фармон берган эди!

Ўша кунлари у билан волидаси кўришиб, биринчи марта сўзлашди.

Маликаи Дилором эрининг дунёдан ўтганига изти-

роб чекибми ёки ўғлининг бошига бахт қуши қўнганига севинибми, ҳарҳолда, кўзларига ёш олди. Сиз ҳаммамиз учун офтоб-оламшаноҳсиз, ўтинчим, менга фақат сизни одингидек баъзан кўриб туришга рухсат берсангиз, деди. Раҳим Иккинчи бунга жавобан на ҳа, на йўқ демай, кўзларини пирпиратганча, онасига кўшилиб ҳиқиллади.

Қирқ кун ўтиб, хутба ўқилгач, она-бола иккинчи марта кўришишди.

Маликаи Дилором энди бир оз эзилиб-тажангланиб, мен бошқа болаларимни ҳам кўриб туришим керак, ахир мен онаман, деди. Раҳим Иккинчи бу гал ҳам нимадир дейишга шошмади. Волидасининг юзига қараб қўйиб, мулозимдан уч-тўртта эчки терисини келтиришни сўради.

— Мана, падари бузрукворимиз ёзиб қўйибдилар, — деди шундан кейин. — «Шамол пайти унга қарши тупурманглар!» Майли, болаларингизни бир кириб кўринг. Лекин учрашганда, улар ҳам, сиз ҳам мум тишлаб ўтираверинглар. Ким оғзини очса, осамиз ёки сўйиб ташлаймиз! Бундан буёғи қандай яшаш, нима қилишни ҳамма одамлар учун мен ўзим ўйлайман!..

У волидасини — ёнига битта аскар, битта айроқчи қўшиб, сарой чеккасидаги ҳовлига юборди.

* * *

Раҳим Иккинчи ёшлиқдан бекорга эчки терисидagi ёзувларга ихлос қўйиб, уларни мук тушганча ҳижжаламаган эди. У, мабодо бир куни шоҳ бўлсам, падари бузрукворим бажаролмаган ишларни ўзим амалга ошириб ташлайман, диб ўйлаган, шунга шаҳд этганди.

Раҳимбекдан мерос қолган бутун ёзувларни тўплаб кўздан кечирганда, ҳар хил майда-чуйда панд-насиҳатлардан ташқари, асосан, уларда икки фикр илгари сурилганини сезиш мумкин эди:

1. Култепа ва бутун музофотдаги одамлар, ёшқари, ҳамма бахтли бўлиши керак.

2. Олижаноб бу мақсад йўлида кимки бизга қарши турса, унга шафқатсиз муносабатда бўлиш, дорга осииш ёки шартта бошини танасидан жудо қилиш керак.

Раҳим Иккинчи падари бузруквори билдирган мулоҳазалар бир-бирига ҳеч тўғри келмаслигини тезда пайқаган, аммо унга худди шу зиддиятда буюқ бир донолик бордек бўлиб туюлган эди.

Дунёдаги мингта одамнинг бахтини ўйлаб юргандан ёнингдаги кимгадир бахт берган афзал! Бироқ Раҳим Иккинчи азалий бу ҳикматга тескари: «Мингта одам бахтли бўлиши учун битта одам ўлса ҳеч нарса қилмайди!» — деган фикрга келган эди. «Мен одамларни бахтли қиламан, бу ишда кимки менга халал берса, ўзидан кўрсин! Жанг қурбонсиз бўлмайди!» Падари бузруквори унга болаликдан даҳшатли шу фикрни юқтирган эди!

Тахтга мингач, Раҳим Иккинчи, шу боисдан, ака-укаларининг сабабсиз, гуноҳсиз тутқун бўлиб қолишганига ҳам, авваллари сиғинган волидасининг қон қақшаб юрганига ҳам пинагини бузмади. Юрт тинч, одамлар бахтли яшашлари учун мен шундай қилишга мажбурман, деб ўйлади.

У Раҳимбекка узоқ йиллар садоқат билан хизмат қилган Бош вазирнинг ўзига ҳамфикр, маслақдош эканлигини сезиб, ҳар куни машваратга чақирганча халқнинг бахтли бўлиши тўғрисида қайғуришга тушди.

Раҳим Иккинчи, кўп ўтмай, ҳовуздек келадиган катта қозонда шахсан ош пишириб, шаҳар ва музофотдаги одамларга бир ликобчадан тарқатди. Айғоқчилари орқали у пиширган ошни егиси келмаган кишиларни аниқлаб, битта-биттадан териб чиққанча, зиндонга ташлатди. Норозиланиб, ёмон сўз айтган, қочишга уринганларни сўйдирди! Энди нима қилсам экан, деб яна ўйлаб юриб, шаҳарда яшайдими, қишлоқдами, ёшми, кексами, барча эркаклар оқ яқтак, барча аёллар қизил ёки зангори камзул кийишларини буюрди. Музофотни айланганида, қаердадир бошқача кийинган одамларга кўзи тушса, дод-вой солишларига қарамай, уларни дарҳол йўл устидаги дарахтларга остирди!

Унинг назарида, шоҳ бўлганидан буён халқ ўз-ўзидан икки тоифа — дўст ва душманга ажралиб қолган эди. Раҳим Иккинчи қулдек итоат қиладиган кишиларни кўпайтириб, бу йўлда унга тўғаноқ бўлган кишилардан тезроқ қутулгиси келарди.

У ака-укаларини ҳам ўзининг ашаддий душмани деб биларди.

Раҳим Иккинчи хизматкорлари, айғоқчиларидан улар тўғрисида муттасил суриштириб турарди. Лекин, афтидан, ака-укаларнинг ҳар бири ўз тирикчилиги билан машғул, сарой чеккасидаги ҳовлида осойишталик ҳукм сурар эди. Кутилмаганда шоҳнинг ороми

бузилди: жигарлари мулозимлардан унга бир йўла тўртга хат чиқартиришди.

Хатларни чамаси улардан ҳар ким ўзича ёзган, шунинг баробарида, аввалдан келишиб олгандек, мазмун-маъно бир хил эди.

«Мен шоирман, — деб ёзганди Раҳим Иккинчига акаси Салимбек. — Юртни, одамларни кўришим керак. Бошқа шоирлар билан суҳбатда бўлишим керак. Сиз мени қафасдаги қушга айлангирдингиз!»

Кейинги акаси Каримбек эса бундай деб ёзган эди: «Қўлимдаги рубобни уриб синдирайми! Уни одамлар учун сайратиб, одамлар учун ашула айтмасам, менинг ёнғиллаган пашшадан фарқим борми? Мени ўлдириб қўйдингиз-ку, иним!»

«Акажон! Шаҳаншоҳ! — деб мурожаат қилган эди тўнғич укаси Ҳақимбек Раҳим Иккинчига. — Мен илм оламида аҳвол нималигини билмасам, илм олиб, илм билан машғул бўлмасам, ортиқ бундай яшаёлмайман. Сувдан олиб ташланган балиқдек, типирчилаб ётибман. Бу ҳовлида на бир маънили китоб, на бир ақлли суҳбатдош топилади. Дунёда азалдан олимларни сўйганлар, терисини шилганлар, ўтда ёққанлар, дорга осганлар. Менга ҳам шу тўрт чорадан бирини қўлласангиз, тирик юрганимдан яхшироқ эди!»

Кенжатой укаси Наимбекнинг хати ҳам биродарлари ёзганидан деярли фарқ қилмасди. «Қурт-қумурсқага ўхшаб яшайдиган одамлардан нафратланаман, — деган эди ўз хатида Наимбек. — Менинг қўлим гул, биласиз. Мен нақш солган офтоба-обдасталар, қумғонлар, лаъли-лаганлар қасрингизда турибди. Сиз мени дўконимдан, касби-коримдан айирдингиз! Тор бир ҳовлига қамаб, оёқ-қўлимни боғлагандек бўлдингиз! Золимлик ҳам эви билан-да, акам!»

Аламли-аччиқ таъна-надоматлардан сўнг, хатларнинг барчасида, биз тожу тахтга ҳеч бир даъвогар эмасмиз, ўзингизга буюрсин, дейилган эди. Шунингдек, бизни музофотдан ташқарига чиқариб юборсангиз, мусофирликда бўлса ҳамки, эркин юриб, ўз тирикчилигимизни қилайлик, деб сўралган эди.

Раҳим Иккинчи хатларни ўқиб, ўйланиб қолди. Бош вазирни чақиртириб, унга одатдагидек маслаҳат солди:

— Музофотдан чиқиб кетишадиган бўлса, ҳайдаворсаммикин?!

— Ие, жиннимисиз?! — деди Бош вазир. — Булардан ҳар бирининг қонида шоҳлик бор. Биронтаси одам тўплаб, устимизга бостириб келмайди, деб айтиб бўладими?! Музофот ичидаги душмандан ташқаридаги душман ёмон.

— Бўлмаса, биттасини, бўйнига айб қўйиб, шаҳарнинг қоқ ўртасидаги майдонда дорга осиб мумкин. Бошқасини, қалъадан қочмоқчи экан, баланд девордан сирғалаётиб, ёмон йиқилиб тушибди; дегандек пастга ташлаб юбориш мумкин...

Бош вазир умри саройда ўтиб, қанчалик жаллодга айланиб кетган бўлмасин, Раҳим Иккинчининг гапига бу гал бош чайқади.

— Вақтида падари бузрукворингиз ҳам бунчалик кўп одам ўлдирмаганлар, — деди Бош вазир. — Хаёлларига келган ҳар нарсани гапириб юрардилар, албатта. Лекин одам ўлдиришга шошмасдилар. Биродарларингизни ўлдирсангиз, одамлар ичида маломатга қоласиз. Халқ пода бўлгани билан учраган ўтни еявермайди!

— Унда нима қилдик? — сўради бўғилиб Раҳим Иккинчи.

— Ўзингизни билмаганга солиб юраверасиз. Биров сизнинг гирибонингиздан тутибдими?!

Йўқ, Бош вазирнинг бу борадаги маслаҳати иш бермади.

Тўғри, ака-укалар қайтиб шоҳнинг оромини бузишмади. Аммо тез орада Раҳим Иккинчидан музофотдаги шоирлар Салимбекни, хонандаю созаңдалар Каримбекни, олимлар Ҳақимбекни, хунармандлар Наимбекни тутқунликда сақламасликни, уларни тирик мурдага айлангириб қўймасликни талаб қила бошлашди.

Раҳим Иккинчи, тўхта, шу билан қулоғим тинчийдими, деб...

Музофотдаги барча шоирларни дорга остирди.

Сўнг, барча хонандаю созаңдаларни сўйдирди.

Сўнг, барча олимларни терисини шилиб, ўтда ёқдирди.

Сўнг, барча хунармандларни зиндонга ташлатди.

Шунча қурбонлик келтириб, Раҳим Иккинчининг барибир қулоғи тинчимади. Ўша кунлари кимдир подшоликка қарши тўқиган бир шеър бутун музофот бўйлаб тарқалди:

Раҳим деган шоҳ чиқиб
Ўзича олим бўлди.
Ҳамманинг сувин сиқиб,
Дунёда золим бўлди.

Бўлиб дунёдан хафа,
Қанча қонлар тўланди.
Култепажон, Култепа
Баттар кулга беланди...

Бу шеърнинг нусхаси айғоқчилари орқали қўлига етиб келган Раҳим Иккинчи ўзи шубҳали деб билган яна бир қанча кишиларнинг бошини танасидан жудо қилди.

Шу воқеалардан кейин, Раҳим Иккинчи билан холи қолганда очик-бемалол гаплашиб, аъёнлар орасида мулозаматга қаттиқ риоя қиладиган Бош вазир бир куни катта даврада шоҳга, афтидан, беихтиёр:

— Ие, жиннимисиз? — деб юборди. Раҳим Иккинчи ҳам оғзига талқон солиб ўтирмай, бақирди:

— Жаллод!..

* * *

Музофотда, Бош вазир қатл қилинган, маълум муддат тинчлик ўрнашгандек бўлди. Шаҳар ҳам, атроф кишлоқлар ҳам сув қуйгандек жимжит эди.

Бироқ Раҳим Иккинчининг ичини ит таталарди.

У, ҳамма одамларни бахтли қиламан, деб ўзининг кўпчиликини бахтсиз қилганига яхши тушунарди. Бу ҳақиқатдан қочиб қутулиб бўлмасди! Бундан ҳам муҳими: Раҳим Иккинчи «одил шоҳ» деб ном чиқаргиси келиб, халқ орасида аллақачон «золим шоҳ» деган тавқи лаънат бўйнига осилиб қолган эди. Бунга у, айниқса, чидаёлмасди.

Тахтга минганидан буён биринчи маслаҳатчиси, маслақдоши — Бош вазирни йўқотиб қўйган шоҳ, эчки терисидаги ёзувларни қироат қилишдан бўлак нарсага ўзининг фаҳм-идроки етавермаслигини ҳис этарди. Шу боисдан, у аъёнлардан ақллироқ бир кишини ёнига олиб, янги Бош вазирликни ҳам ўшанга топширишга қарор қилди.

Раҳим Иккинчи навбат билан аъёнларни ёнига чақиртириб, синаш учун уларнинг барчасига:

— Менга катта бир ниқоб керак. Топ! — деди.

Аъёнлардан айримлари шоҳга тўппа-тўғри ҳар хил ниқоблар кўтариб келишди. Яна айримлари, шоҳ айт-

ган ниқоб шу бўлса керак, деб зарбоф тўнми, учкур отми, сандиқчада қимматбаҳо тошларми келтиришди. Ўзини зийрак деб билганлари, шохим, маъна сизга ниқоб, деганча битта-яримта чиройли канизақларини бошлаб келишиб, шохга инъом қилишга уринишди.

Раҳим Иккинчининг энсаси қотди.

У, буларнинг орасида ақллироғи ўша — Бош вазир экан, уни бекор ўлдирган эканмиз, деб ўйлаб, бир оз ўкинди.

Ночор қолганидан, Раҳим Иккинчи шундай эзилиб, ўзини яккапес ҳолида сезиб юрганида, бир оқшом яқин мулозимий — маҳрами унинг елкаларини уқалаб ўтириб, энгашганича, қулоғига шипшиди:

— Бир қошиқ қонимдан кечсангиз, бегим.

— Хўш? — деди Раҳим Иккинчи.

— Сизнинг қаерингиз нимадан оғришини мен билман. Бунинг устига, қичиган жойингизни айтсангиз, ўзим секин қашлаб ҳам қўяман.

— Чўзма! — деди Раҳим Иккинчи.

— Фуломжон деган одам бор. Сартарош. Мулла Фулом ҳам дейишади. Шу одамни чақиртириб, салтанат учун ишлатиш керак.

— Саройда сартарош қуриб қолганми? Етишмаяптими? — кулди Раҳим Иккинчи.

— Сиз один у билан гаплашиб кўринг, бегим. Кейин, айтасиз...

Раҳим Иккинчи, бу ўлгур мулозим бирон қариндошими, дўстиними саройга тортаётган бўлиши керак, мендан илтимос қилаяпти, деб ўйлади. Майли, вақтисоати келиб, сартарош билан гаплашсақ гаплашармиз, ҳозир бунинг тиқилинчлик жойи йўқ, деган фикрга борди. У шаҳардаги ҳар қандай сартарошнинг баҳосини сариқ чақага тенг, деб биларди!

Аммо ён-верида ақлли бир одам тополмай, кундан-кунга юраги зардобга тўлаётганиданми, ҳар оқшом мулозим маъноли қараб қўйиб эслатаётганиданми, сартарош тўғрисидаги гап унинг хаёлидан кўтарилмади. Ўзи истамаган ҳолда, Фуломжон деган ном унинг калласига миҳланиб қолгандек эди.

Ниҳоят, Раҳим Иккинчи, бўпти, судраб юрмасдан шу кунлар сартарошни чақиртириб гаплашаман, мабодо барча ҳамкасбларидек бу ҳам олдиға лунги боғлаган бир ипирисқи бўлса, мулозимни қўшиб иккаласини ёнма-ён дорға осаман, деган қарорға келди.

Фуломжон — Мулла Фулом бу гаплардан хабари йўқ, ўз тирикчилигини кўриб юрган эди.

Раҳим Иккинчи олдин эшитмагани, билмаганига қарамай, бутун музофотда у номи чиққан — машҳур кишилардан саналарди.

Фуломжон учун сартарошлиқ касб ҳам, сабаби тирикчилик ҳам эмасди. Атрофдагиларга шунчаки ўзини бир иш билан машғул қилиб кўрсатиш ниятидагина у шаҳар марказидаги бозор тўрида катта бир дўкон очиб қўйган эди. Дўконда, асосан, унинг шогирдларими, қаролларими ишлашарди. Фуломжон эса уч-тўрт кунда бир кириб, улардан хабар олиб турарди.

Фуломжоннинг ҳеч ким муҳим деб билмаган, лекин ўзи учун муҳим бошқа бир касби бор эди. У кўпроқ вақтини кўча айланиб, ошна-оғайни орттириш билан ўтказар, бировлар орқали бировларнинг ишини бит-кариб, ҳожатини чиқариб юрарди. Унинг ўзи ҳам дўкондаги оби-ёвғонга етмайдиган даромад эмас, худди мана шу иш билан кун кўрарди. Йўқ, у содда бозорчи ҳам, даллол ҳам эмасди. Қўлини совуқ сувга уриб, жонини ортиқча қийнашга тоқати бўлмаган ақли-ўйли воситачи деймизми, вакилми эди. Масалан, биров уй қурмоқчи, ёғоч қидириб, сарсон бўлиб юрибди. Бошқа биров ёғочни қандай пуллашини билмай, боши қотган. Фуломжон буларнинг иккисини ҳам танийди. Юзлаштириб, мушкуларини осон қилиб беради. Икковлари ҳам Фуломжондан миннатдор; унинг уйига совға-салом кўтариб келишади. Илк қарашда бу одамнинг дўстликдан, ҳаммага яхшилик қилишдан бўлак муроди йўқдек! Аммо унинг хунари — катта бир тегирмонни айлантириш; тегирмон айлангани сайин қоп-қоп буғдой ун бўлиб чиқаверади!

Умуман, музофотда Фуломжондан ранжиган, инжиган, уни олдида ёки орқасидан сўккан бирон киши топиламасди. Аксинча, барча унинг номини ҳурмат-меҳр билан, отасига раҳмат, деб тилга оларди. (Фуломжоннинг отаси Акбар тулки деган киши бўлиб, у ҳам вақтида шунақа касби-кор билан шуғулланган эди!) Одамлар орасида, яхши муносабатдан ташқари, Фуломжон тўғрисида кўплаб афсона-латифалар ҳам тўқилган эди. Масалан, қайсидир бек бир карвонсарой олдига келиб, шу ерда кўзи тушган Фуломжондан ўзига от-улов топиб беришини сўрабди. Фуломжон

ичкарига кириб-чиққанича, ҳозир ортиқча от-улов йўқ экан, дебди. Ғазабланиб-бўғилган бек ўзи ичкарига бостириб кириб, саройбоннинг гирибонидан тугибди. Лекин саройбон ишшайиб, қизиқ одам экансиз, бегим, Фуломжонга топилмаган улов сизга қаердан топиларди, дебди... Ёки, бир йили қўшни музофотлардан келган элчилар, шаҳар дарвозасидан кириб, қасри-саройга боришдан олдин, биз Фуломжонни кўришимиз керак, дейишган экан.

Бу афсона-латифаларни ким тўқиган? Бировларми, Фуломжоннинг ўзими — билиш қийин; чунки, Фуломжон чаптастлиги етмагандек, гапга тўн кийдиришга ҳам устаси фаранг эди.

Унинг уйида ортиқча зеб-зийнат кўринмасди. Аммо дастурхони доим очиқ; туриш-турмуши билан, ўртаҳол яшаса-да, табиатан меҳмондўст ва ниҳоятда саховатпеша одамларни эслатарди...

Қисқаси, Фуломжон бир куни кўчадан одатдагидек кеч, чарчаб қайтган, ўринга чўзилгани заҳоти тош қотган эди.

Дарвоза кескин тақиллаётгани-ю, хотини биқинига туртаётганини ҳам анчагача сезмади. Ниҳоят, уйғониб, ўрнидан сапчиди. Юзини совуқ сув билан апил-тапил чайди.

Кўпинча унинг уйига бундай бемаҳалда келадиган кишиларнинг ташвиши катта, демакки, улардан кўриладиган фойда ҳам нақд бўлади. Нега мени биров бевозта қилди, деб инқиллашга Фуломжон ўрганмаган. Ишинг одамларга боғлиқ бўлгач, чидайсан-да!

Шуларни хаёлидан кечириб, у эгнига яктагини илганча, дарвозани бориб ланг очди.

Бироқ дарвоза очилиши билан, қўлларида арқон — тўртта миршаб ҳовлига бостириб киришди. Улар арқонни шаппа Фуломжоннинг устига ташлашди.

Фуломжон лаҳза ичида, эвоҳ, мендан кимдир подшоҳликка шикоят қилибди-да, бу занғарлар ярим кечаларда йзғиб одам тутишини эшитгандим, менинг қисматимда ҳам шу бор экан-да, деб ўйлади. Мени зиндонга тиқишадими ёки дорга осишармикин, деган хаёлга бориб, жони ҳалқумига келганидан, бўғизланётгандек ҳолга тушди.

Йўқ, шу бир лаҳзадан кейин, у ўзини ўнглаб олди. Мен оддий сартарошман, холос, қолганини бўйнимга кўёлмайди, тўппа-тўғри шоҳнинг олдига бошлаб бор-

майдими, кўз очиртирмай, авраб ташлайман, деган фикрдан қаноат ҳосил қилиб, таскин топгандек бўлди. Журъатланиб, эшик орқасида титраб турган хотинига, қайроқ билан устарани келтир, иш чиқиб қолди, деб бақирди.

Миршаблар Фуломжоннинг хотини келтириб тиқиштирган анжом-халтани иккиланиб, истар-истамас кўтариб олишганча, кўчага йўналишди. Бўйнига арқон солинган Фуломжон уларга эргашди.

Уни миршаблар, оёғини ерга теккизмай, зим-зиё кўчалардан худди бозор орқасидаги қасрга, рўйирост шоҳнинг ҳузурига бошлаб келишди. Ҳамма нарсани кутса ҳамки, чиндан шоҳга рўпара бўлишини ақлига сиғдиролмаган Фуломжон, арқонни ечиб, қандиллар порлаган Саломхонага елкасидан туртганча, киритиб юборишганида, кўзлари қамшиб, гандираклаб кетди.

— Сартарош сенми?!

Тоғдаги гулдуракдек янграган бу овоздан Фуломжон сесканиб, бошини кўтарди.

Кўча-кўйда у бир пайтлар катта соқолли Раҳимбекни кўрган, лекин аксар қасрда биқиниб ётадиган Раҳим Иккинчининг афти-ангори қанақалигини ҳам билмас эди. Ҳозир кичик соқол қўйган, чувак юзидаги ўткир кўзлари ичга ботган шоҳни кўриб, эй, Раҳим Иккинчи шу экан-да, бунинг унча салобати ҳам йўқ, аммо овози кучли, дағдағали, тавба, деб ўйлади. Ҳа, мен сартарошман, деб Фуломжон ҳам шу аснода гулдиратиб жавоб қайтармоқчи бўлди; томоғи қуриқшаб, унинг овози чиқмади.

— Бери кел. Соқолни қиртишла, кейин иккалангни ҳам осаман!

Раҳим Иккинчининг бу гапига Фуломжон ажабланди: хонада у билан шоҳдан бўлак ҳеч ким йўқ; нима бало, шоҳнинг кўзига у иккита бўлиб кўриняптими?!

Бироқ энди тилининг тугуни ечила бошлаган эди.

— Ҳаммамизни оссангиз ҳам ҳаққингиз кетади. Отамизсиз, шоҳим! — деди шоҳга тикилиб.

Бу лутфдан суюниш ўрнига, Раҳим Иккинчининг негадир жаҳли чиқди:

— Аҳмоқ! Валдирашингни қара-ю!

— Аҳмоқ одам ўзи сартарош бўлади, шоҳим. Ақлли одам бош олади, аҳмоқ соч билан кифояланади, — бўш келмай, барибир гапни давом эттираверди Фуломжон.

— Сен менинг золимлигимга шаъма қиялсан. Шундайми?! — олдингидан баттар ғазабланди Раҳим Иккинчи. — Мен бировнинг ёстиғини қуритиш эмас, бахт бериш учун дунёга келганман. Сенлар бўлсанг, ҳамманг мени золим деб жар солиб юрибсанлар.

— Одамлар ўзи шунақа, шоҳим. Хафа бўлмайсиз, — шоҳни юпатган оҳангда деди Фуломжон. — Кимдир шоҳми, булар албатта уни золим, деб ўйлашади. Одил шоҳ ҳам бўлиши мумкинлигига тушинишмайди... Дунёда яна бир ҳикмат бор. Истасангиз, айтаман.

— Айт! — буюрди сал юмшаб Раҳим Иккинчи.

— Хунук нарса ҳеч қачон, мана мен хунукман, деб ўзини очиқ-ошкор кўрсатгиси келмайди. Юзига ҳаммиша парда тортишга уринади. Ёвузлик ҳам шундай. У қанчалик кучли бўлса, ўзини шунчалик пардалашга ҳаракат қилади...

— Бунинг менга нима дахли бор? — безрайди Раҳим Иккинчи.

— Шоҳлик балки шудир. Сиз бировга ёқиб, бировга ёқмайдиган ишни кўп қилгансиз. Одамларни қийнагансиз. Қон тўккансиз. Одамлар сизни бекорга золим демайди. Халқ сиз тўғрингизда алақачон шундай фикрга келиб қолган... Лекин ҳаётда ҳамма нарса ўзгариб туради. Ўлимдан бўлак бедаво дард йўқ... Сизга катта бир ниқоб керак, шоҳим...

Раҳим Иккинчи Фуломжоннинг қисинмай-қўрқмай айтган гапларидан саросималангандек, шунинг баробарида, саргарош ҳаёти, кўнглидаги бутун сирни билиб, дангал иш тутаётганидан қаттиқ ҳайратга тушгандек бўлди.

Шунга қарамай, ўзини қандайдир гўлликка солган бир намоишда сўради:

— Ниқоб? У нима деганинг?!

— Сизни бировлар золим деб гап тарқатдим, ундан кўпроқ киши одил деб гап тарқатсин! Шунинг пайида бўлиш керак. Тарозининг иккинчи палласига биринчисидан оғирроқ босадиган тош топмайсизми?! Одамларни ўз тегирмонингиз айланиши учун ишлатмайсизми?! Дунёда ҳар нарсанинг ўз йўриғи бор...

Раҳим Иккинчи, ана гап қаерда экан, деб кўзлари ярқ этиб очилгандек, Фуломжонга анграйиб-мамнунланиб, тикилиб қолди.

Фуломжон эса суҳбат давомида анжом-халтаси ёнида тургани ва қаердандир обдастада илиқ сув ҳам

пайдо бўлиб қолганини пайқади. Шошмасдан қўлини ювиб, устарани қайроққа урганича, чархлай бошлади. Ниҳоят, шоҳнинг олдига келиб, унинг соқолини кузашга тугинди.

Сартарош соч-соқолни тартибга солиб бўлгунича, Раҳим Иккинчи лом-мим демади. Кейин, девордаги ойналарга қараган кўйи ўз-ўзини томоша қилиб, бутун ранги-рўйи алланечук ўзгарди.

— Сен менга ёқдинг! — деди у. — Биз сени салтанат учун ишлатамиз.

— Мен бир ерда ўтиролмаيمان, шоҳим. Бу менга тўғри келмайди.

— Сартарошхонада қандай ишлаб юрибсан?

— Баъзан кириб-чиқиб юраман, — тўғриси айтди Фуломжон. — Мен кўпроқ одамлар билан гаплашишни ёқтираман.

— Сенинг эсинг бутун! — деди Раҳим Иккинчи. — Биз сени Бош вазир қилиб тайинлаймиз.

— Бош вазирликка биронта эсипаст одамни қўйганингиз маъқул. Бу қаёқдан келди, деб аёнларингиз мени еб ҳам ташлайди... Хизмат керак бўлса, одамлар ичида юриб, сизга кўпроқ ярайман, шоҳим. Сиз фақат фатво берсангиз...

— Шаф-шаф демай, шафтоли деб гапир!

— Иккита айғоқчини бириктириб қўясиз, — деди Фуломжон. — Улар бор гапни қулоғимга етказиб туришади. Маош белгилаб, бемалол юришим учун хат қилиб берасиз. Қолганини ўзим эплайман.

— Булар арзимаган нарса. Сен нима қилмоқчисан, тушунтир!

— Наҳотки, тушунмаган бўлсангиз, шоҳим?! Мен сиз ҳақингизда афсона-латифалар тўқиб юраман, — деди Фуломжон. — Менга етиб келган ҳар қандай воқеага янги-гича тўн бичаман. Кейин, одамлар мана шу тўнни кийиб кетаверишади. Номингиз элда дoston бўлади, шоҳим.

— Сен бунга ишонасанми?

— Албатта.

— Маъқул. Жавоб сенга! — деди Раҳим Иккинчи.

* * *

Сартарош билан суҳбатдан кўнгли ёришиб, ўзини онадан янги турилгандек ҳис этган бўлса-да, Раҳим Иккинчи ишнинг бу қадар тез амалга ошишини кутмаган эди.

Орадан беш-ўн кун ўтиб-ўтмай, чиндан бутун музофот бўйлаб у ҳақда ҳар хил варойиб афсона-латифалар тарқала бошлади. Улар, албатта, қасри-саройга ҳам етиб келди...

Иккита сайёҳ Раҳим Иккинчининг ҳузурига кириб, уни алдамоқчи эканликларидан, биз ойга саёҳат қилмоқчимиз, дейишса, Раҳим Иккинчи уларга дарҳол хазинадан минг танга олиб бериб, йигитлар, ой хира, маҳзун бир нарса, мард бўлсанглар, қуёшга қараб учинглар, деган эмиш... Ноиложликдан ўғирлик қилган уч-тўртта етимча Раҳим Иккинчининг ҳузурида қизариб ўтиришган экан. Шу пайт савдогарлар бир қоп шакар кўтариб келишибди. Раҳим Иккинчи етимчаларга қараб, шу қопни кўтара оласанларми, деб сўрабди. Улар бош силкитишгач, Раҳим Иккинчи қани, кўтариб қоч, лекин минбаъд ўғирлик қилганингни кўрмай, дебди... Қоронғи кўчада бола-чақасидан айрилган биров йиғлаб ўтирганмиш. Кимдир унинг ёнига келиб ўтирганча, ундан ўтказиб йиғлай бошлабди. Ҳалиги биринчи киши тўхтаб, сен нега йиғлайсан, деб сўраса, иккинчиси, мен шоҳ, сен гадо, лекин сен мени йиғлатдинг, мен раҳм қилсин, деб худони йиғлатаяпман, деган экан...

Қасри-саройдан тортиб бутун музофотгача афсона-латифалар тарқалгани сайин, Раҳим Иккинчи ўз-ўзидан қандайдир етти ухлаб тушига кирмаган катта обрў-эътибор қозона бошлади. Саройдаги олдинлар унинг кўзига ташланмасликка уриниб, бурчак-бурчакда пусиб юрадиган аъёнлару барча мулозимлар энди унга узоқдан қўл қовуштириб, таъзим қиладиган одат чиқаришди. Яқин беклари, саркардалари қуршовида фойтунга миниб баъзан кўча айланганида, шаҳардаги бутун одамлар ҳам энди ёш боладек алланечук суюнишиб, унга гул отишадими-е, қарсак чалиб юборишадими-е...

Раҳим Иккинчи бутун музофотда биронта олим, шоир, хонандаю созанда, ҳунарманд қолмаган, мен барчасини сўйиб-осиб йўқотганман, деб ўйлар эди. Адашган экан! Афсона-латифалар кундан-кунга кенг тарқалгач, аллақаяқдан янги бир олимлар, шоирлар, хонандаю созандалар, ҳунармандлар пайдо бўлишиб, мўру малаҳдек ҳаммаёқни босишди. Улар ҳеч ким айтиб, талаб қилмаганига қарамай, афсона-латифаларга суянган ҳолда, шоҳни мақтаб-улуғлашга бел боғлашди.

Биринчи навбатда, ҳунармандлар Раҳим Иккинчининг номию унинг мақтовини муҳраб, ўзлари ясаган энг чиройли буюмлар — кўзами, гиламми, хонтахтами, жимитгина аравачами — шоҳга ялтоқланганча келтириб совға қилишди.

Олимлар итнинг орқа оёғи бўлгилари келмади.

Тез орада Раҳим Иккинчининг ҳурмати учун «Эчки терисидаги ёзувлар» номи билан Раҳимбекнинг жамики фикр-мулоҳазалари китоб ҳолига келтирилиб, халқ оммаси орасида тарқатилди.

Кейин, «Раҳим шоҳлар тарихи», «Раҳимлар шажараси» деган китоблар яратилди.

Бу билан иш тўхтаб қолмади.

Тарихчи олимлар «Раҳим Иккинчининг ҳаёти», «Раҳимга раҳмат», «Раҳимнома» қабилида китоблар ёзиб, уларни ўзлари беш-олти нусхада кўчириб, хат-тоғлар орқали янада кўпроқ нусха кўчиртириб, халқнинг қўлига топширишди.

Ҳаммага келган тўйни кўриб, ўзларининг четда туришганидан хижолат чеккан хонандаю созандалар ҳам ниҳоят ғамирлашиб, ўзи шоҳга қандай куй, қандай ашула ёқар экан, деб қизиқа бошлашди.

Албатта, шоирлар бошқалардан орқада қолишни ўзларига ор деб билишади.

Улар бехосдан қаттиқ жазавага тушишди. Музофотда Раҳим Иккинчи шаънига тўқилган катта-кичик назмларни ўқиш расмга кирди:

Сиз — шоҳсиз.

Энг буюк шоҳ.

Халқ билмайди.

Афсус.

Сиз — сиғиниш учун яратилган

хонақоҳ,

Оламаноҳ!

Биз сизга турибмиз юзма-юз...

Бу билан кифояланмай, шоирлар кўтара савдога ўтишиб, саройга — Раҳим Иккинчининг олдига ёпирилиб келганча, у ҳақда тўқиган назмларини унинг ўзига бақириб ўқиб беришни одат қилишди.

Жиғига теккан кишиларни ҳамон дорга осиб, терисини шилишдан қайтмаган Раҳим Иккинчи ҳадеб суллоҳлик қилган шоирлардан уч-тўрттасини калтаклатиб, саройдан қувиб ҳам юборди. Бироқ, бундан на-

тижа чиқмади. У етмиш беш дарра урдириб, ялангоч хайдатган бир шоир кўп ўтмай, «Бузрукворим, мени ўлдирсанг майли» деган қасида ёзиб, униг шахсан кўлига келтириб берди.

Худо кечирсин, лекин баъзан шоирлардан аҳмоқ халқ бўлмайди. Улар ҳеч гап тортмай, фақат Худога тегишли сифатларни ҳам Раҳим Иккинчига тақашга тушишди.

Бора-бора ҳаммаёқни назм босгач, маза-бемаза ашула ҳам кўпайиб кетди:

*Сизга тенги бормикан,
қошу қовоғингиз бўлак,
Не дейин, сизнинг бутун
бошдан-оёғингиз бўлак...*

Раҳим Иккинчи, айниқса, сөзандалардан изтироб чекарди. Гап шундаки, карнайчилар унинг қасри-саройи эшигига келиб, бир-бирларини туртишганча, ҳар ким ўз карнайининг овози кўпроқ эшитилишига ҳаркат қиларди.

Ўзининг шону шуҳрати энди Раҳим Иккинчининг жонига ҳам тега бошлаган эди. У маломат гирдобидан қутулиб чиқишида Фуломжоннинг кўрсатган хизмати-ни унутолмасди. Шу билан бирга, Раҳим Иккинчи, қаёқдаги сартарош мендану бутун аркони давлатдан ақллироқ экан, йўқ, биздан ақлли одам бўлмаслиги керак, пайтини топиб, уни барибир гумдон қилишга тўғри келади, деб ўйлар эди.

* * *

Ўша замонлар музофотнинг, — тупканинг таги, дегандек, этак томонида ғариб бир қишлоқ бор эди.

Бу қишлоқнинг тарихи тўғрисида одамлар қизиқ нарсаларни гапиришарди.

Бир йили қандайдир сипоҳи қишлоқдан ўтиб кетаётиб, отини тўхтатганча, ариқ бўйида ўйнаб ўтирган болага:

- Уйингда ип-игна бўлса, олиб чиқ, — деган экан.
- Уйда йўқ, — дебди бола.
- Игна ҳам, ип ҳам йўқми? — деб сўрабди ажабланиб сипоҳи.
- Йўқ, — дебди бола.
- Ип-игна бўлмаса, нима бор сенинг уйингда?

Бола бўш келмай:

— Фалтак, — дебди.

Одамлар қишлоғимиз шу боисдан Фалтак номини олган, дейишарди.

Қишлоқ аҳли кеча-кундуз тер тўкиб, косаси ҳеч оқармаганидан бечораҳол ҳаёт кечирар, аммо уларнинг кўпчилиги содда ва ақл-заковатли кишилар эди.

Қишлоқда Бадриддин деган, айниқса, зукко бир одам бўларди. У хат танир, китоб ўқирди. Ёшлигида Култепага икки-уч борган, шаҳардаю яқин-узок турли қишлоқларда анча-мунча дўст орттирган эди. Одамларнинг бошига бирон ташвишми, кулфатми тушса, дунё кўрган киши, деб ундан келиб маслаҳат олишарди. Шунинг учун қишлоқдагилар уни Хўжа деб ҳам аташарди.

Бадриддин кўпчилик ҳамқишлоқлари сингари аёлманда: унинг хонадонида тўрт қиз, тўрт ўғил туғилган эди. У болаларининг барчаси эсли-фаросатли эканлигидан ғурурланар, бироқ супрақокди ўғлининг зийраклиги-донолигию афанди деб юборадиган даражада соддалигини кўриб, ҳайратланарди. Хотинига гоҳида секин, буни бизга Худо бир берди, дейишдан ўзини тўхтатолмасди!

Насриддин уч-тўрт ёшидан савод чиқариб, отасининг қўлидаги китобларни ҳижжалаганча, ёд олган эди. Лекин ўйинни, шўхликни ҳам ўрнига қўярди.

У аста-секин ўсиб, қадди тик бўла боргани сари уларнинг уйи завққа, кулгига тўла бошлади... Бир куни отаси Насриддинга, эшак меники, мана бу хўтикни сизга бераман, деган эди. Кейин, уйда ўтиравермай, хўтикни олиб чиқинг, ўртоқларингиз ҳам кўрсин, ўғлим, деган гап қилди. Насриддин, биров кўрадиган бўлса, яхшироқ кўрсин, деб хўтикни мажбурлаб тўппа-тўғри томга олиб чиққан эди... Бошқа бир куни Насриддинга отаси, бутун дунё ернинг тагида, ўғлим, деб тушунтирганди. Уч-тўрт кундан сўнг кузатса, ўғли ҳовли юзидаги қудуққа энгашиб, нуқул остига қараётганмиш. «Нима гап, ўғлим?» Насриддин, ернинг тагини кўраяпман, деб жавоб қилган эди.

* * *

Худди шу пайтлар бир оқшом қишлоққа Култепадан сипо кийинган, хушрўй, хушбичим киши меҳмон бўлиб келди. Бадриддиннинг таниши экан — уларни кига тушди.

Бадриддин, бу киши амакинг, Мулла Фулом, ўзлари сартарош, деб болаларига меҳмонни таништирди. Болалар ичида Насриддин узоқ шаҳардан уйларига одам келганига ҳаммадан кўп суюниб, оғзи қулоғига етди. У бошқа жойдаги одамларни ҳам кўриб, суҳбатини эшитишга ишқибоз эди.

Қишлоқда тартиб шу: бировникига меҳмон келса, ҳамма топган-тутганини кўтариб, остона ҳатлайди. Катта давра қуриб, шомдан саҳаргача суҳбатлашиб ўтиришади.

Уларнинг уйига ҳам ўша оқшом тўйга ўхшаб, ҳам-қишлоқлар ёғилишди.

Тўрдан жой олган Мулла Фулом — Фуломжон қишлоқ аҳлини оғзига қаратиб, тунни бўйи антиқа афсона-латифалар айтди.

— Биз аксар ўйламаймиз, ҳамма нарса шоҳга боғлиқ, — деди Фуломжон. — Ишонмайсизлар, яқин тўрт-беш йил орасида музофотимиз ҳақиқий жаннат бўлиб кетади... Одамларнинг айтишига қараганда, бир куни шоҳимиз Раҳим Иккинчи жоме масжиди айвонида Худога тиловат қилиб ўтирган эканлар. Ёнларига осмондан тўғри ҳазрат Жаброил тушиб, эй Худонинг эркаси, айт, музофотингдан қанча одамни жаннатга ёзай, деб сўрабдилар. Шоҳимиз, битта қолдирмай барчани ёз, дебдилар. Бошларини тебратиб, бунинг иложи йўқ, дебдилар ҳазрат Жаброил. Шоҳ ниҳоятда хафа бўлиб, осмондагини эпломасанг, ақалли ердагини менга қўйиб бер, одамлар ерда озгина жаннатдагидек яшасин, дебдилар... Яна бир куни масжид айвонида, одамларга бахт бер, Худойим, деб шоҳ илтижо қилиб ўтирганларида, ёнларига қандайдир ғариб келиб, тиз чўкибди; Худойим, уйимда бола-чақам оч, иккитагина нон берсанг, нима қиларди, деб ёлворибди. Шоҳ қўйинларидан катта бир қопчиқда тилла чиқариб, ҳалиги ғарибнинг олдига ташлабдилар. Ма, ол, тентак, минбаъд иккита нон, учун Худони, хаёлини чалғитиб, безовта қилиб юрма, дебдилар...

Содда қишлоқ кишилари Фуломжоннинг гапларини тунни бўйи «Ў-ў! О-о!» деб, оғизлари карнай бўлиб эшитишди.

Фақат, меҳмонни суюниб қаршилаган Бадриддиннинг негадир дам сайин феъли айнаб, авзойи ўзгара борди.

Ниҳоят, субҳи-содиқда одамлар тарқалишиб, ёлғиз

қолишгач, у Фуломжонга ўпқаланган кишидек, эзилиб қаради:

— Ашулангиз янгими, жўра? Олдин эшитмаган эканман...

— Эй, бу минг йиллик ашула, — синиқ жилмайди Фуломжон. — Ҳар замонда кимдир чиқиб, айтиб тураркан. Айтяпмиз!

— Бир куни қоқ ўртасида узилиб қолмайдими?

— Бўлиши мумкин, — деди Фуломжон кўзларининг туб-туби қандайдир йилт этиб. — Аввалдан номаъқулнинг нонини еб, қўлингта соз олдингми, узилгунича айтаверасан-да!..

Насриддин ҳали бола эканлигидан, отаси нима де-моқчи-ю, сартарош нима деди — тушунолмади. Ўзи эшитиб қолган бу гапларнинг маъзини чақолмади.

Унга ажойиб бир инсон, азиз меҳмонга отаси бекордан тирғалиб, озор бергандек, охиригача иззатини ўрнига қўймасдан, ўз қадрдонини хафа қилгандек бўлиб туюлди.

У, китобларда ёзилган айрим кишиларга ўхшаб, менинг дадам ҳам ўзидан кўра ақлли, зукко одамларга қизганиб, ғашлик билан қарар, ичида куяр экан, дадамнинг бу иши яхши эмас, деб ўйлади.

Ҳали бола эканлигидан, менинг дадам балки Фуломжондан ҳам ақллироқ инсондир, деган гап унинг хаёлига келмади.

Насриддин умрида биринчи марта отасига нисбатан кўнглида инжишми, ранжишми туйди.

* * *

Бунинг бари бежиз эмасди.

Насриддин ўша оқшом мижжа қоқмай отасининг ёнида, дойгақда ўтирган, туни бўйи, барча ҳамқишлоқларидан кўпроқ меҳмоннинг юз-кўзига тикилиб, сеҳрланиб қолган эди.

Насриддинни гапдон, ақлли, чиройли сартарош бехтиёр ўзига мафтун-маҳдиё қилиб қўйган, унинг кўнглида бир куни келиб, мана шу одам сингари халқ орасига кириб бориш орзуси туғилган эди.

Насриддин чексиз бахтиёр эди!

Ўшанда, айниқса, Насриддин Фуломжондан ўзи эшитган бутун афсона-латифаларни эринмай кўчиргандек, сўзма-сўз хотирасига жойлаб, маҳкам туғиб олганди.

Мана, энди...

Ҳар куни қишлоқнинг чанг-тўзон кўчасида у катта-кичик барча болаларни атрофига тўплаб, гоҳ чордона қуриб ўтирганча, гоҳ ирғишлаб-сакраб, кўзларини ўйнатиб, айтаётган гапига мос хатти-ҳаракатлар қилганча, ўзи билган афсона-латифаларни қайтариб ётарди.

— Биз кўп нарсадан беҳабармиз, — дерди Насриддин Ғуломжонга ўхшатиб, сиполик билан. — Бизнинг бахтимиз, дунёда одил бир шоҳ бор. Раҳим Иккинчи... Одамларнинг айтишига қараганда, халқ қандай яшайпти, кўрай, деб ўйлаб, шоҳимиз отда кетаётган эканлар. Йўлда, икки киши дўшпослашиб, учинчи ажнабий киши четдан уларга қараб, тиржайиб ўтирганмиш. Бекларига, бу иккисини зиндонга ташланглар, деб буюрибдилар шоҳ ғазабланиб. Ахир, булар нега муштлашайпти, ҳақиқат қилмайсизми, деб сўрашибди беклар. Шоҳимиз қош-қовоқлари солиниб, бегона одамнинг олдида бир-бирини урган халқ ҳеч қачон бахтли бўлмайди, дебдилар... Яна бир куни шоҳ кўчада кетаётди, икки киши: «Мен олдин эшитганман!», «Йўқ, мен олдин эшитганман!» — деб баҳслашаётганини кўрибдилар. Нимадан жанжал чиққанига қизиқибдилар. «Одам хом ўрик еса, қорни офришини, отдан йиқилса, бели чиқишини мен олдин эшитганман!» — дебди биринчи йўловчи. «Йўқ, мен олдин эшитганман, менинг ёшим катта, кўпроқ ҳикматни биламан!» — дебди иккинчиси. Шоҳ кулиб, биродарлар, бу ҳовуздаги сувдай гап, ҳамма челаги билан келиб олаверади, бундай нарсалар устида тортишсанглар, ҳеч қачон бахтли бўлмайсанлар, дебдилар...

Насриддин ўй-хаёлини ўғирлаб, қони-жонига чирмовикдай ўралиб олган афсона-латифаларга берилиб қолганидан, Ғуломжондан ҳам кўпроқ ўзи ҳеч қачон кўрмаган, қандайлигини тасаввур ҳам қилолмаган шоҳга мафтун-маҳлиё эди.

Унинг юрагида Раҳим Иккинчига нисбатан баёнсиз бир муҳаббат уйғонганди.

У ҳар куни, ҳар соат, шоҳ барчамизнинг отамиз, мен бориб, оддий қаролми, сарбозми, қандай бўлмасин, барибир шоҳга албатта хизмат қилишим керак, деб ўйларди.

Насриддин шоҳни кўриб, хизматимни аниқлаб олгандан кейингина, Ғуломжонга ўхшаб, халқнинг орасига кириб бора оламан, деб тушунарди.

Фуломжон келиб-кетган ўша оқшомдан буён, режасини қачон, қайси йўсинда амалга ошириш тўғрисида бош қотирарди.

У ўзининг афсона-латифаларни ёдлаб олиб, баралла айтиб юрганини ҳам, Фуломжонга, Раҳим Иккинчига нисбатан кўнглидаги муносабатини ҳам имкон борича отасидан яширишга ҳаракат қиларди. Бу борада, унинг назарида, аввалданоқ отаси билан икки ўртада жарлик пайдо бўлгандек эди. Насриддин, отам қилаётган ишимни маъқулламайди, менинг мақсадимни барибир англамайди, деб қўрқарди.

Лекин у ҳурмат-одобни бузиб, отасига терс боришни ҳам истамас, ҳамма чигаллик ана шунда эди...

* * *

Ахийри, Насриддин Култепага боришга шахд этди.

У шунчаки, шаҳарни бир кўрмоқчиман, деб отасидан рухсат сўради.

Отаси албатта норозиланди. Шунга қарамай, майли, энди катта йигит бўлиб қолдинг, эшагингни миниб, айланиб кел, дунёни кўр, деб оқ фотиҳа берди.

Она — она экан. Отасидан бекитиб, онаси Насриддинга уч-тўртта қимматбаҳо тақинчоқларини халтачага тикиб тутқазди. Ёмон кунингда ишлатасан, болам, деб кўзига ёш олди.

Насриддин, йўлга чиқаман, деганида эшаги арқонни узиб, қаёққадир қочиб қолганини пайқади.

У эшагидан жуда хафа бўлди.

Кейин, эшакни топиб, ўшандай шаҳарга кетаверман, деб ўйлаб, йўлга тушаверди.

Ўз қишлоқлари, яқин бир-икки қишлоқни кўрди. Бепоён саҳронинг этагига ҳам кирди. Аммо куни бўйи қидириб, эшагини тополмади.

Насриддин олдингидан ҳам кўпроқ эшагидан хафа бўлиб, саҳро ёқалаб бораётганида, кеч кириб, қуёш ботди.

Қаерда тунасам экан, деб фикр қилганича, кетаётган эди, узоқдан лопиллаётган оловга кўзи тушди.

Олов бор жойда одам бор. Одам бор жойда суҳбат, ўтдан бўлак қандайдир ҳарорат.

Насриддин оловга қараб юрди.

Ниҳоят, қуриган каттакон бир сақсовул пинжида, гулхан ёнида икки киши ёнбошлаб ўтирганини кўрди.

Яқинлашиб, салом берди.

— Келинг, йигит, — дейишди оловда исинаётганлар ўринларидан ярим кўзғалиб. — Ўтга марҳамат!

Насриддин чўк тушди. Ҳамма қўл очиб, юзига фотиҳа торғди.

Уйдан ўзи олиб чиқиб, кўтариб юрган тутундаги яхна гўшт, нон-узумни Насриддин ўртага, дастурхон ўрнида тўшалган кимнингдир белбоғи устига тўқди.

Унинг янги танишлари анчайин чиройли, обрўли чакмонлар кийишган. Бошларидаги сала ҳам оддий дока эмасди. Аммо уларнинг эгни негадир кишида совун кўрмагандек таассурот қолдирарди. Уларнинг ўзи ҳам келишган йигитлар; шунинг баробарида, иккисининг ҳам юзи бир оз кирми, кўзларининг чети оқариб турибдими — қандайдир озодалик етишмас эди.

Насриддин ўзи сезган бу нарсага ортиқча эътибор бермади. Дунёда ҳар хил одам учрайди. Ҳаммадан сенга ўхшаб тоза юришни талаб қилолмайсан!

Айниқса, янги танишлари Насриддинга, биз сайёҳ овчилармиз, деган ғалати гапни айтишди. Насриддин, кўринишлари бунақалигининг сабаби бор экан-да, деб ўйлади.

Йигитлардан бири ўзини Султон деб таништиради. Иккинчиси, ҳазиллашибми, чинданми, меники Мўлтон, деб қўйди.

Улар ниҳоят Насриддинга юзланишди:

— Ўзлари ким бўладилар? Қаёқлардан сўраймиз?!

Насриддин қишлоғи-ю, исмини айтди.

— Култепага бормоқчи эдим, — деди у. — Эшагимни йўқотиб қўйдим. Куни бўйи шуни қидириб юрибман.

Йигитлар Насриддиннинг тўғрилигидан завқланибми, кулишди.

— Эшагингиз бир жойга бориб, қози бўлмаганмикин? — ҳазиллашди ўзини Мўлтон деб таништирган йигит.

— Эҳтимол, шундайдир, Мўлтон ака, — кулди Насриддин ҳам. — Одамлар гаплашаётганда, қулоғини диккайтириб, эшитиб турадиган одати бор эди.

Йигитлар ундан нима учун Култепага бормоқчи эканлигини сўрашди.

Насриддин Ғуломжонни эслади. Шоҳга бориб хизмат қилмоқчи эканлигини ҳам яширмади. Кейин, суюниб, яйраб кетиб, йигитларга ўзи билган барча афсона-латфаларни гапириб берди.

Йигитлар яна кулишди. Бироқ қишлоқдагиларга ўхшаб, кўп анқайиб ҳам қолишмади.

— Сиз жудаям содда экансиз. Афанди! — деди бошини чайқаб Султон.

Вақт алламаҳалга борган эди. Йигитлар, энди ётиб дам олайлик, дейишди. Эртага бизнинг ийимиз кўп, ҳали яхши ов ҳам қилолмадик, деб тушунтиришди.

Насриддин хас-хашакдан ўзига тўшак ясаб, кўлида қолган бояги бўш тугунни ҳам ёзди. Чопонини устига ёпмоқчи бўлиб ечди. Чопон қўйнидаги онаси кўлига тутқазган халтачани олиб, боши остига қўйди.

— Халтангизда нима у, носвойми? — қизиқсиниб сўради Султон. — Олинг, чекайлик.

— Носни ҳам одам боши остига қўядими?! — кулди Насриддин.

— Пухта экансиз, йигит. Содда бўлсангиз ҳам, ўз ишингизга пишиқ экансиз. Бу яхши хислат, — деди Мўлтон.

Насриддин ўзи тайёрлаган ўринга чўзилганича, чопонини бошига тортди.

... У аёздан жунжикиб, сесканиб уйғонди.

Сахрода сутдек оқиш бир тонг отмоқда эди.

Насриддин, биринчи навбатда, устида ҳам, ён-вериди ҳам чопони йўқлигини сездди. Бошини кўтариб, атрофга олазарақ қаради.

Гулханда аллақачон ўт сўнган. Бу ерда кечаги танишларининг қораси ҳам, изи ҳам кўринмас эди!

Насриддин ўзича, эй чопон гўрга, деб ўйлади ва шошиб, хас-хашакни титкилай бошлади.

Чопон билан бирга, онаси шўрлик ишониб кўлига топширган халтача ҳам йўқолган эди.

Насриддин игна қидираётгандек, хас-хашакдан ҳовуч-ҳовуч кумгача тўзитиб чиқди. Йўқ!.. Энди йўқ!..

Ниҳоят, у тонгги салқинда титраб-қақшаганича, боши оққан томонга қараб кета бошлади.

* * *

Шўра, Кал-Бек, Қонли, Қорақозон...

Музофотдаги лойшувоқ том, пахса деворли бири-бирининг пинжигига тиқилган пастак уйлاردан иборат бу қишлоқлар ор қилмай тақаган номларнинг ўзи нақадар ғариб? Этни сескантиради! »

Болаларни, одатда, гул дейишади. Аммо болаларнинг чоллардан баттар ранги заҳил; тик қараб бўлмайди. Нима, буларнинг барчаси заъфарон гулми?

Ўттиз ёшли аёллар кампирга ўхшайди. Ичи пишиб, тўкилган. Белини ушлайди. Бу ҳали ёш жувон экан, деб ҳавас билан ит ҳам уларнинг юзига қарамайди.

Саҳардан ярим кечагача этигини ечмай, лой кечиб юрган эркаклар Алпомиш бўлибдими? Елкангни бунча букасан! Кўзингни олиб қочма, йигит бўлсанг! Бошингни эгма!... Уйда эшикка қараб ўтирган — сенинг хотининг! Ярим тунда бориб, уни туртасанми?! Ўл!..

Хўп, чол-кампирлар-чи?! Ёшлигида қандай бўлса, бу ёғи ҳам шу-да! Аксари ётса, туролмайди, турса, юролмайди. Қалайсиз, ота, ёки эна, десанг, қиличдай дейди-ку, лекин бунақа занглаган қилични қинидан чиқариб, бировга кўрсатмаган дуруст!..

Азалдан сенинг қисматинг шумиди, халқ?! Кимлар, бошман, деб сенинг бошингга чиқмади! Жиловни кўлига олган борки, сени сўяди, осади, ўлдириш пайига тушади! Зиндонга ташлайди! Бу етмаса, сени кийимсиз, оч қолдиради! Йўларда тентираб, сарсон-саргардон бўлишга мажбур қилади!.. Ҳукмдордан қутулдим, деганингда минг хил тўралар, бекларга тугиласан. Пулдорлар, корчалонлар сени талайди. Булардан ҳам қутулганингда, безорилар, ўғриларга йўлиқасан. Сени булар ҳам уради, тунайди!.. Ҳаммаси сендан кўрқиш, ожиз-нотавон, кул бўлиб яшашни талаб қилади!.. Бечора халқ!..

Бечора халқ! Тарих бўйи кўрган кунингда йилт этган офтоб йўқ! Тенг бўламан, дединг, бахтли бўламан, дединг, дунёда ҳақиқат бор, адолат албатта ўрнатилди, дединг... бироқ шоҳмот тахтасидаги сингари, барча от сурди, сен оёқ остида қолиб кетдинг, ҳаммадан олдин қурбон бўлдинг!

Сен ҳамон ишонасан, бечора халқ! Эртанги кунга умидланасан! Одил шоҳ излайсан. Бирон виждонли ҳакам бордир-ку, дейсан! Яна алданасан... Бепоён, яланғоч саҳроларда дийдираб, титраб-қақшаб, юрагинг қон эканлиги кам, оёқларингни тикан шилганича, олдинга судраласан!..

Мана шу ғариб қишлоқлар билан бирга, тенг, ҳашаматли қасри-саройлар, қошоналар ерга тўкиладиган, ҳамма барабар тупроқдан бош кўтариб, бирдек ҳисоб берадиган қиёмат яқинмикан?! Ўшанда буюк бир ҳақиқат тантана қилармикан ёки ҳеч қачон...

...Насриддин эшагини хафа бўлиб қидирганича, атрофдаги қанча қишлоқларни пойи-пиёда кезди.

У эгнига нимадир илиб олиши, кун кўриши керак эди.

Бировларнинг томорқасида ишлади. Бировларга пахса уриб берди. Мол боқди. Ҳаммолик қилди.

Ўз қишлоғи, ўз уйида юрган пайтлар оддий одамларнинг ҳаёти нақадар машаққатли, нақадар аянчли эканлигини билмас, бу ҳақда ўйламас ҳам эди. Отасининг эрка ўғли бўлганидан ҳали кўлини совуқ сувга урмаган эди.

Сарсон-саргардонликда Насриддиннинг кўзлари очилди. У энди Ғулумжоннинг гапларига ҳам, шоҳнинг буюклигига ҳам шубҳаланиб, ўз-ўзидан кўнглида иккилана бошлади.

Аммо Насриддин ҳали бола эди. У, халқнинг аҳволидан воқиф бўлгани учун ҳам шоҳ бахт тўғрисида қаттиқ ўйлаётгандир, барчанинг бошини силашга балки қўли қисқалик қилаётгандир, деган ҳаёлларга борди. Шу боисдин, йўли тушган қишлоқларда ҳамон ўзи билган афсона-латифаларни айтиб, сочиб-экиб кетаверди.

Кунлар шу зайлда ойларга алмашди.

Насриддин устини бутлаб олди. Беш-ўн танга чойчақа йиғди.

У эшагини тополмади. Бир куни ўзича: «Эшагим мендан олдин шаҳарга йўртиб қолмаганмикин?! Эшак бўлганидан кейин, ундан ҳар нарсани кутиш мумкин!» — деган фикрга келди.

Бу орада қишлоқдан-қишлоққа ўтиб, Насриддин шаҳарга яқинлашиб ҳам қолган эди.

* * *

Узоқдан, худди ердан кўтариб булутларга ўрагандек, баландикда турган, кунгиралари осмонга қадалган Култета қалъаси кўринди.

Насриддин гоҳ тўхтаб-тикилиб, гоҳ ирғишлаб-югуриб, қалъа пойига етиб келди. Осма кўприкка ўхшаган айланма тош йўлдан юриб, олдида соқчилар шамдек қотган икки тавақали каттакон дарвозадан шаҳарга кирди.

Бу, шаҳар дегани фаройиб экан! Гишт ётқизилган катта йўллару қишлоқники сингари тупроғи билқиллаган тори-танг, узун кўчалар. Томи одамнинг бўйидан ҳам паст катақдек кулбалару олтин, кумуш қуббали гужум дарвозалар ўрнатилган болохонали уйлар.

Йўллар, кўчалардаги қатор яшил-зангор устунларда юлдуз шаклидаги беш қиррали япасқи фонуслар.

Ҳар ер-ҳар ерда боғлар кўзга ташланади. Кўча бўйла-рида ҳам мевали-мевасиз дарахт кўп.

Ипдек ариқчаларда шилдираб сув оқади.

Фойтуналар йўлни тарақлатиб, бехос ёнингдан ел-дек ўтади. Отлиқ сарбозлар. Катта-кичик аравалар. Эшак минган чоллар. Бошига тоғора қўндирган хотин-халаж... Одам. Одам... Бировнинг афти-ангорини ил-ғамайсан; жун чакмонлар, адрас ва бўз яктаклар... кимхоб... банорас...

Баъзи бир томларда елпигичдек патларини ёйиб, то-вуслар юрибди. Қафасларда тўти, майна, бедана...

Шаҳар — фақат шаҳар эмас, қишлоқ билан икки-сининг қоришмаси экан; юрган одамларнинг ярми шаҳарлик, ярми қишлоқдан келганга ўхшайди...

Насриддин бир ерда қўним топиш, маслаҳат солиш учун энг аввал Фуломжонни излади.

У барча сартарошхоналарни айланди. Кўча-бозор-да дуч келган одамдан сўраб-суриштирди.

Бироқ унинг «амаки»си Фуломжон — Мулла Фулом деган зотни ҳеч ким кўрмаган, номини ҳам эшитма-ган; танимас ёки таниса ҳам, негадир ўзини танима-ган-билмаганга олар эди.

Насриддин қийналиб-азобланиб бир ҳафта кечала-ри шаҳардаги ҳаммомлар гўлаҳида ётганича, кундуз-лари Фуломжонни қидириб, ном-нишонини топишга ҳам эришолмади.

Шу ҳафта ичида тўрт-беш марта қасри-сарой дар-возаси олдига ҳам борди. Қилич-қалқон таққан, аф-тидан, совуққон, баджаҳл соқчиларга нима деб, ичка-рига қандай киришни чамалашга фаҳми етмаганидан, орқасига қайтди.

Бир марта Раҳим Иккинчи катта йўлдан фойтунда ўтди. Аммо одам ғужгон ўйнагани-ю, беклар, сарбоз-лар кўчадаги кишиларни қамчи суриб четга ҳайдашга-нидан, Насриддин ҳатто узоқдан шохнинг афти-анго-рини ҳам кўролмади.

Йўқ, бир ҳафтадан кейин, ҳамма нарса ўрнига тушди...

Насриддин кечаси бозор пинжидаги ҳаммом гўлаҳи-да ўтин ғарами ичига кириб, ўралиб ётган эди. Сопол кўза, тугун кўтарган қандайдир икки киши туйқусдан келиб қолди. Бировга озори тегмай, гўлаҳларда ётиб юрадиган уйсиз-жойсиз, ғариб одамлар доим учраб ту-ришганидан, улар Насриддинга эътибор беришмадими, уни пайқашмадими, ҳарҳолда, ўт тафти уриб турган

илиқ ерга ўтиришганча, кўзадан ниманидир қултилла-тиб қуйиб ичишиб, кавшанишга тушишди. Ниҳоят, ундан-бундан очик-ошкор гурунг қила бошлашди.

— Итдек ишлайман, барака йўқ. Ёнимда ҳемири қолмади, — деди улфатлардан бири. — Эртага яна мардикорликка чиқаман. Бир оз танга йиғсам, етим-есир бирон қизни бағримга олмоқчи эдим...

— Мен ҳам ёшлиқда, сенга ўхшаб, қаттиқ бир ишлайман, кейин, қолган умрим пар ёстикда ёнбошлаб ўтади, деб ўйлардим, — шикаста товушда дардини ёрди иккинчиси. — Ўзимни қанча ўтга-чўққа урмадим. Қанча югурмадим. Барибир бўлмади...

— Нега бўлмади? Нега бўлмас экан?! — тажанг-ланди биринчиси.

— Ўзи биз аҳмоқ эканмиз. Қўлингга пул турмагандан кейин... Мана, ҳозир ҳам сен билан бугун топганимизни бугун сочиб, кўкка совуриб юрибмиз. Биздек лаллайган одам...

— Мен энди ундай қилмайман. Лаллайганим етади, тўғри айтдингиз.

— Лаллаймасанг ҳам, гап шу... Ноумид шайтон, албатта одам умидсиз яшамайди. Кўнглингга олма, иним! Лекин ҳалол меҳнат билан бой бўлиш қийин! Қайси бадавлат одамни олмагин, яхшироқ кун кўрай, деб эгри ишлар қилган. Хўп, бой бўлиш шарт эмас, ўзингни бундай оддий эплашнинг ҳам иложи йўқ. Ҳаммаёқда зулм-ситама, ўғирлик, порахўрлик. Қўлти-нингга иккита товуқ қистириб бормасанг, мирза хат битиб бермайди, қози арзингни эшитмайди. Ҳозир тирик юрганингга шукр қилиш керак. Ёвузлик расмга айланиб кетди...

— Шоҳимиз бахт тўғрисида кўп гапирар эканлар. Мен ишонаман. Шоҳни одил, дейишади. Ҳали ҳаммаси яхши бўлиб кетиши ҳам мумкин...

— Ёшсан, пишарсан. Ишонгинг келса, ишонавер. Лекин ўтгиз йилдан буён ўз туғишган биродарларини бир ҳовлига қамаб, остонадан ўткармаган одам одил бўладими?! Шоҳинг бутун ёвузликнинг бошида турибди... Сен Фуломжонни билармидинг?

— Сартарошми?

— Ўша.

— Гапга уста одам, деб эшитганман. Ўзини танимасдим.

— Биз қадрдон эдик. Ҳақиқатан ҳам, гапга жуда уста эди. Ўзим кўрмадим, лекин музофотда ҳозир кўп

шогирдлари чиқиб, ундан ҳам ўтказиб юборишган, дейишади.

— Мендан нима учун уни сўраяпсиз?

— Эшитмаган бўлсанг, айтаман... Ўтган қурбон оғи ўрталари ярим кечаси қора кийиб, ниқоб таққан ўнтача одам ҳовлисига бостириб кириб, Фуломжонни чавоқлаб кетишибди. Биров, ўғрилар бу ишни қилган, дейди, биров, безори, биров, подшоҳликка дахли бор, дейди. Адашмасам, шу охиргиси анча ҳақиқатга яқин.

— Бечора...

— Бечораликка бечора. Киши ачинасан... Шунга қарамай, сирасини айтганда, муттаҳам, товламачи одам эди раҳматли. Ўзи ўзининг бошига етди.

— Қадрдонингизни шунақа дейсизми?

— Эй, ёлғонга йўл очиб, халққа хиёнат қилган бундай серкани бошқа қандай баҳолаш керак?! Баъзан қадрдонлигинга ҳам хафа бўлиб кетасан...

Улфатлар кўзадан ниманидир яна қултилатиб қуйиб ичишди, кавшанишди.

Кейин, қандай туйқус келишган бўлса, шундай гўлахни тарк этишди.

Насриддин саросималаниб, эс-хушини йўқотиб қўйган эди.

У тишини-тишга босиб, гапга бехос аралашидан зўрға тийилиб турганди; мана, энди ғўзапоя орасидан сирғалиб чиқиб, ерга мункайиб ўтирди.

Қулоғига чалинган икки кимсанинг тасодиф бир суҳбати туфайли, Насриддин ҳозир ўзини болалик даври тугаб, бирданига улғайгандек ҳис этди!

Бу кеча уйқу унга ҳаром бўлган эди.

Фуломжонни ўкинганча эслаб, агар инсон ақлли, истеъдодли бўлса, жўнгина афсона-латифалар нақадар катта куч-қудратга айланиб кетишига таажжубланди. Шунинг баробарида, ўзи билган афсона-латифаларни бу кунгача завқланиб-бемалол тарқатиб юрганига кўнглида алланечук ғашлик туйди.

Насриддиннинг хаёлида шу кеча қайта-қайта отасининг ғамгин қиёфаси жонланди. Сизни яхши билмаганим, ишонмаганим учун мени кечиринг, дадажон, деб ўйлаб, беихтиёр кўзлари ёшланди.

Унинг назарида, Култепадан шу дамдаёқ кетиши керак... аммо кетишдан олдин бажарадиган бир иш қолган эди... Шоҳнинг афти-ангорини кўриш, биродарларини чиндан ҳам тирик мурдага айлантирган бўлса...

Бу — Насриддин учун муҳим эди. Чунки, ўз биродарларига жабр қилган одам дунёда ҳеч кимга биродар бўлолмайди!...

* * *

Эртаси куни у қасри-сарой дарвозаси олдида дадил борди. Соқчиларга узоқ қишлоқдан келгани, шоҳни кўриши шарт эканлигини айтди.

Соқчилар аввалида унинг гапига кулишди.

Сўнг, кет бу ердан, ёш бола экансан, ўзингга ёмон бўлади, бошингни сапчадек узиб ташлаймиз, деб дўқ-пўписа қилишди.

Сўнг, бу карвонсарой эмас, шоҳнинг саройи, бу ерга ҳар ким киравермайди, деб тушунтиришди.

Бироқ Насриддин шаҳдидан қайтмади.

Соқчилар Бош дарвозабонни чақиртиришди. Бош дарвозабон қандайдир саркардани, саркарда қандайдир бекни чақиртирди.

Улар Насриддиндан шоҳни нега кўрмоқчи эканлигини суриштира бошлашди. Насриддин шумлик қилди. Аслида, шоҳни кўрмасам ҳам бўлаверади, лекин ака-укаларини кўриб, ҳар бирининг қулоғига бир оғиздан гап айтишим керак, деб туриб олди.

Саройдаги аъёнларнинг жон-фигони чиқди.

Улар, шоҳнинг биродарларини ҳеч ким кўриши мумкин эмас, булар ҳам ҳеч кимни кўришмайди, ўттиз йилдан буён тартиб шу, илож қанча, дейишиб, Насриддинга бутун-бор воқеани лаганга солиб кўрсатишди. Сиз, ундан кўра, яхшиси, шоҳга кирақолинг, деб йиғлагудек бўлиб, ялинишди.

Насриддин қасри-саройга йўналди.

Саркарда-беклар уни орқасидан секин туртиб, Саломхонага киритиб юборишди.

Раҳим Иккинчи тахтада бошини эгиб, пошнали этиги билан негадир ер чизиб ўтирарди.

Насриддинни кўриб, ўрнидан ирғиб турганича, нима учундир хонада югура бошлади.

Бу, ўзи — кўзлари ичга ботган ориқ-озғин, питирак бир одам... бадбашара бир махлуқ экан.

Чаён чаққандек, бир оз югуриб-типирчиллагач, Насриддинга имо қилиб, буни ким бу ёққа киритди, йўқот, деб телбага ўхшаб бақиршига тушди. Кейин, Насриддинга тикилганича, бақирди:

— Нега кирдинг бу ёққа? Йўқол!..

Насриддин содда, осойишта кулди...

Насриддин номи билан минглаб латифалар яратилган! Бироқ ўша куни унга тегишли чанакам биринчи латифа тўқилди.

— Кўп бақираверма, шох, — деди Насриддин. — Менинг эшагим йўқолган эди. Шу ерда эмасмикан, деб кирган эдим...

Дарвоқе, эшак!

Насриддин-ку, айтганини айтиб, қасри-саройдан чиқиб кетди. Унинг вақтида арқонни узиб, қочиб қолган эшаги нима бўлди, дерсиз?!

Эшак Култепа қалъаси пойида ўт чимдиб, шаталоқ отиб, Насриддиннинг шаҳарни тарк этишини кутиб турган экан.

Насриддин эшагини бўйнидан қучиб, суйиб-эркалади.

Сўнг, миниб, секин йўлга тушди...

36

— У менга ишонарди. Ёш боладек ишонарди, ахир! Мен учун қилт этмай ҳаттоки жонини берди. Мен бўлсам...

Оппоқ тўшақда оқариб ётган Бурҳон Шариф кек-сайиб қолгани, оғир хаста эканлигини ҳам унутиб, ўрнидан туриб кетди.

Садиржон Бурҳон Шарифни ҳеч қачон бу ҳолатда кўрмаган эди.

Бундан ҳам муҳими: у бир куни яна Абдулла Ҳакимнинг бундай номи эсланиб тилга олиншини хаёлига келтирмаган эди.

Гап шундаки, энди кўп сувлар оқиб, орадан анча йиллар ўтган эди!

Бурҳон Шариф бошда ваъда қилиб, кейин Абдулла Ҳакимнинг Насриддин афанди ҳақидаги ёзувларини Садиржонга кўрсатмаган эди. Садиржон ҳам бунга ортиқча қизиққани йўқ.

У Гулхумордан кундан-кун узоқлашиб, бир пайтлар ўзи ёдлаб, кўча-кўйда ўқиб юрган Абдулла Ҳакимнинг шеърларини ҳам, ўшанда қандайдир азиз бўлган шоирнинг номини ҳам эсламай қўйган, бора-бора буткул унута бошлаган эди. Буларнинг бари Гулхуморга тегишли туюлганидан, унга малоол келгандек эди!

Садиржон Зевар деган тикувчи қизга уйланган, Зевар — Гулхумор бўлмаса ҳамки, бир-бирларига ўрғаниб, меҳр қўйиб, шу кунларда улар тинч-тотув, бахтли

ҳаёт кечирешмоқда эди. Баъзан дунёда одамлар шундай оила қуриб, яхши яшаб ҳам кетишар экан!

Бурҳон Шарифни Садиржон сўнгги икки-уч йил ичида кўрмаган эди. Унинг қаттиқ бетоблигини эшитиб, Катта шаҳарга хабар олгани ҳаяжонланиб келган эди.

Ҳозир Бурҳон Шарифнинг чиндан аҳволи танг, чиройли, куч-қудратли, мағрур Бурҳон Шариф энди чўкиб-қуриб, чўп-устихонга айланган, рангида ранг кўринмас эди.

Садиржон — ҳаким бўлганлигидан, шусиз ҳам куни муолажа билан ўтаётган беморга ўзича дарҳол дори-дармон қилишга уринди. Лекин ҳаким эканлигидан, у ажалга чора йўқлигини ҳам бошқалардан кўпроқ биларди.

Бурҳон Шариф дори-дармондан бир оз енгил тортиб, аввалида улар анчагача ўйчан, босиқ-вазмин гаплашиб ўтиришди.

Кейин беморнинг аҳволи яна оғирлашиб, у алаҳсирашга тушди.

Ана шунда...

— Мен катта бир ёвузлик қилдим. Бу жиноят, албатта, — деди Бурҳон Шариф. — У менга ишонарди...

Садиржон гап нимада эканлигини тезда англаб етмаганидан, Бурҳон Шарифни тинчитиб, таскин беришга ошиқди:

— Сиз фариштадек поксиз. Юрган йўлингизда таниш-нотаниш қанча кишиларга фақат яхшилик қилдингиз. Одамларни эзгуликка чақирдингиз. Минглаб одамлар бекорга сизнинг номингизни ҳурмат билан тилга олмайди. Ўзингизни ундай камситманг!

Ўрнидан туриб кетган Бурҳон Шариф бошини чайқади:

— Бу ҳаммаси оддий. Бу ҳаммаси арзон...

— Арзон эмас! — тажанглади Садиржон. — Ахир, ҳар ким ҳам сиздек ўзини кўрқмай аждаҳонинг оғзига урибдими? Сиз умрингизда ёвузликка очиқ қарши чиққан одамсиз! Мардлик қилгансиз...

Бурҳон Шариф алланечук аламли, истехзоли кулди:

— Мардлик?! Мен одамларга оз-моз меҳр билан қарадим. Эгуликни истадим. Курашдим, албатта. Лекин бир қаримсиқ-кўсани беш йил, бир ғилайни ўн йил қаматдириб юбориб, минг йиллик тарихи бор ёвузликни йўқотиб бўлар эканми?! Биз кимнидир бутга айлантириб, сажда қилишга ўрганиб қолганмиз. Қулмиз! Ҳол-

буки, ёвузлик ҳамманинг қонида кўпириб-тошиб ётибди. Ҳаммамизнинг... — У тоқчадан қандайдир дафтарларни олиб, Садиржонинг олдига ташлади. — Мана, ҳужжат. Менинг ёвузлигим, жиноят...

Садиржон паришонланиб қаради: Бурҳон Шарифга бир пайтлар ўзи берган шеърлар дафтари. Яна бир неча дафтар... Абдулла Ҳаким...

— Хўп, Абдуллажон сиз учун жонини берибди. Абдуллажон ҳам мард экан! Сиз буни қадрлайсиз. Ҳеч қачон унутмайсиз. Лекин ёвузликка қарши инсон барибир курашади. Унинг ўлимига сиз айбдор эмассизку! Нега умр бўйи изтироб чекиб, ўзингизни бурдалашингиз керак?!

— Сиз ҳеч нарсани билмайсиз, — деди Бурҳон Шариф. — Мен бу ишда барибир айборман... Мендан Абдулла Ҳаким билан сиз эмас, мен ҳаётда сизлардан кўпроқ миннатдор бўлишим керак! Сизлар дунёдаги эзгулик тимсоли!... Хўп, энди гапнинг индалосини эшитинг! Ҳаммасини айтаман... Мен Абдулла Ҳакимга, унинг қабри бошида туриб, кўзимда ёш билан, номингни тиклайман, деб сўз берган эдим. Бу, ўшанда, чинакам қасамёд эди! Мен, албатта, тез орада унинг қабрига мрамар тош ўрнатдим. Исмини ўйдириб ёздирдим. Шу билан, ҳаётини менга бағишлаган одам олдида бурчимни адо этгандек, тинчиб қўяқолдим. Ҳолбуки, Абдулла Ҳаким учун мрамар тош... чиройли сағана, от шаклидаги ёдгорлик — буларнинг ҳеч бири муҳим эмасди. Унинг учун, тирик пайтида ҳам, кейин ҳам — ёзганлари муҳим эди! Мен буни тушунмасмидим?! Ихчам бир китоб тузиб-чиқариш мен учун энди жуда осон эди. Айниқса, сизнинг қўлингиздаги дафтарни олгач, мен бир гал шундай хаёлга ҳам бордим... Ашаддий тўралар ҳам бу ишда менга халал беришмасди. Тирик одам ўзи учун ўзи курашади; марҳумларни қўллаш керак. Бунинг устига, баъзан меросга унчалик инжиб қарашмайди... Йўқ, мен ўзим ёзганларини эълон қилиб, Абдулла Ҳакимнинг номини тиклашни истамадим!.. Нега?! Сизнинг қўлингиздаги дафтарни олиб, уйга қайтгач, ўқиш учун Ҳалимага бердим. Шеърларни ўқиб, Ҳалима негадир бир неча кун кўзлари қизариб юрди. Кейин, кечалари туриб, йиғлаётганини сездим. Ўзимча, шеърдан таъсирланиб, Абдулла Ҳакимга ачиниш шундай қияпти, майли, ўтиб кетади, деб ўйладим. Лекин бир куни тасодифан шеърлар ҳақида гап чиқди. Мен: «Булар

кимга бағишланган бўлса ҳам...» дейишим билан, Ҳалима шуни кутиб юрган эканми, беихтиёрми: «Менга бағишланган...» деб юборди. Шундан сўнг, йиғлаганича бўйнимдан кучоқлаб: «Мен сизни кўпроқ яхши кўрдим, сизга хиёнат қилмаганман... Абдулла-жонга эса ачинаман; мен юз буриб кетмасам, у бундай бахтсиз яшаб, ҳалок бўлиб кетмасмиди!» деди. ...Мен биродаримга, марҳум биродаримга рашк қилиш бемаънилик эканлигини биламан. Лекин мен Ҳалимани ота-онамдан, болаларимдан ҳам қизғанардим. Юрагимда аламми, адоватгами ўхшаган бир ўт ёнди. Мана, Ҳалима дунёдан ўтганидан кейин ҳам... ҳозиргача бу ўт ўчгани йўқ! Мен Абдулла Ҳакимнинг барча ёзганлари, ҳатто афанди тўғрисидагилар ҳам Ҳалима туфайли, Ҳалима учун ёзилганини сезиб турибман. Шу боисдан, булар менинг суюкли аёлимга бағишланган нарсалар, кўринг, деб уларни бировнинг қўлига тутишга ор қилдим! Ўзимча тутган йўлимни тўғри деб ўйлаганимдан, мана, ўттиз йилдан буён Абдулла Ҳакимни ҳаммадан «яшириб» юрибман! Лекин ҳозир, ўлим тўшагида тўлғаниб, дунёда бошқа бир ҳақиқат ҳам борлигини ҳис этаяпман... Одамлар баъзан менга ўхшаб иш тутишганидан, қанча фаройиб китоблар йиртилиб-йўқолиб кетади. Қанча обидалар ерга тўкилади. Қанча ёдгорликлардан инсоният маҳрум бўлади... Бу жиноят, албатта! Менинг ҳар хил ёвузлар, корчалонлардан фарқим нима?! Инсон қайта тирилиб, у дунёда кўришадиган бўлса, мен Абдулланинг юз-кўзига қандай қарайман?! Бўлган-бор гап шу... Энди мени қайси йўсинда тушунсангиз, шундай тушунаверинг!...

Садиржон Бурҳон Шарифга гангиб-эсанкираб тикилиб қолган эди...

У ҳаётида жуда кўп эзгу ишлар қилган, табиатан олижаноб бу одамга нима дейишини билмас эди.

Бурҳон Шариф энди тўшакка чўзилиб, юзини девор томонга буриб олди...

Садиржон дафтарларни қўлтиқлаб, бўйни, елкаларини букканича, ўйчан, ғамгин бир ҳолатда хонадан чиқиб кетди...

1988—1991 йиллар

КЎЗГУ ОЛДИДАГИ ОДАМ



Минг сир бор тупроқда...

Ойбек

*Мендан нима истайсан, кўзгу,
Сенга нима керак!!*

(Эски бир қўшиқдан)

МУАЛЛИФДАН

(Асарга кирмай қолган сатрлар)

Ушбу асарда бир йигитнинг ҳаёти манзараси ўз тилидан ҳикоя қилинди. Услуб ва оҳангни шунга мос танладим. Айрим қадир-будир ўринларга атайин қўл урмадим.

Асар, асосан, кечаги кунлар тўғрисида. Аммо ёзувчи бунинг учунгина ёзмайди. Унинг олдиндан белгили вазифаси бўлади.

Кимдир асарни ҳаётий, кимдир ғирт тўқилган экан, дер. Шакли кимгадир мураккаб, кимгадир жўн туюлар. Ёки, кимдир уни бошқа асарларга қиёслагиси келар... Мен учун бу — аҳамиятсиз! Ҳовуздан ҳар ким ўз челаги билан сув тортади.

Биринчи гавра

ДАҲМАЗА

Кириш

Эшитганмисиз, йўқми...

Ширинкўл деган жой бор!

Бойкўл, Иссиқкўл, Қоракўл, ҳаттоки Лолакўл — қулофингизга чалинган, албатта. Лекин Ширинкўлни билмаслигингиз мумкин!

Бу — на қишлоқ, на шаҳарга ўхшаган, аросат макон бўлгани учун эмас. Бу ерда ҳеч қандай кўл бўлмагани учун ҳам эмас... Дунёда номи Баландтоғ, ўзи ерга чўкиб ётган, ёки дейлик, тўртта гугурт қутидан иборат, яп-яланғоч манзилгоҳлар истаганча топилади!

Минг йиллар бурун ҳаётдан ўзини четга тортиб, шу ҳолда қолиб кетган Ширинкўлга йўлингиз тушмаган, холос. Биров сизга эслаб-гапирмаган. (Масалан, «Олтинкўлнинг ғозиман» дегандек, унга бирон асар ҳам бағишланмаган!)

Аммо бундан анча йил муқаддам
мана шу Ширинкўлда
жуда антиқа бир воқеа
рўй берган эди.

Биринчи саҳифа

МУЛОҚОТ

1

Ўшанда куз кунлари эди.

Кечаси ёмғир ёғиб, ярим тунга борганда осмон негадир ўз-ўзидан дарз кетиб, қоқ тўрт бўлакка ажралди.

Шу асно осмоннинг гоҳ у-гоҳ бу буржида ловуллаб худди гулхан ёнди.

Кейин, аланга кўқдан ерга кўчгандек бўлди:
мактаб биноси тепасида бир даста олов ярқ этди!

Ниҳоят, сукунат чўкиб, яна ёмғир беозор шивалай бошлади.

Борлиқ — бир қур ҳуркиб-пишқиргач, хомуш тортган отни эслатарди...

2

Одамлар, эртаси куни саҳардан шаҳар марказидаги майдонда тўпланиб, мактаб томонга қараб югуришди.

Мактабнинг қизгимтир томи ўрадек тешилгани узоқдан кўриниб турарди.

Бинога яқинлашгач, одамлар маслаҳатлашиб, биринчи навбатда ҳар қачонгидек жилд қўлтиқлаб келган ўқувчи болаларни уй-уйларига қайтариб юборишди. Кейин, улар, яна маслаҳатлашиб, уч-тўрт кишилик гуруҳларга бўлинганча, ичкарига киришди.

Томнинг тўша-тўғри қироатхона устидаги қисми тешилган эди.

Бу ердан бир парча осмон йилтираб кўринарди.

Одатда, япасқи хонтахталар атрофига тизилган беш-ўнта курси, деворларга осиглиқ расмлардан бўлак нарса қироатхонада бўлмас эди. Булар ҳозир синиб-тўзиб, томдан узилиб тушган тунука, тахталар билан қоришиб ётарди.

Бироқ одамлар айна фурсатда бунга аҳамият беришмади.

Уларнинг диққатини даҳшатли ҳолат жалб этган эди!

Ширинкўл яқинидаги далаларга баъзида ошкор, баъзан ўғринча дори сепадиган аэроплан тунда ўзини томга келиб урган; қанотлари қирқилиб-парчаланиб, қироатхона бўйлаб сочилиб кетган эди. Ҳалок бўлган учувчининг жасади ҳам шу ерда...

Унинг жасади —
ҳаммадан даҳшатлиси! —
ёнида ётган

Сирож муаллимнинг
жасади билан
бир-бирини

қаттиқ қучиб олган эди... Дунёнинг қизиқлиги: учувчи далага қўшиб баъзан шаҳарга ҳам дори сепиб юрса, Сирож муаллим умуман, дори сепишга қарши ҳамма билан жанжаллашиб юрарди. Мана, энди, иккиси бир ўлим оғушида ётибди!

Бинога кирганлар ўзлари туйган даҳшатдан сал узоқлашишгач, ажабланиб-чуғурлашганча, баҳслана бошлашди. Учувчи — майли; бир куни шундай бўлиши аниқ эди; Бадалбек деган бу киши тўғрисида, кўпинча ичиб олиб, осмонга учаверади, деган гап юрарди! Лекин Сирож муаллимнинг ишини қандай баҳолаш керак?! У нега ярим тунда мактабга келган экану бу палла қироатонага кириб, нима қилаётган экан?!

Шу куни шаҳар халқи билан изма-из мактаб биносига бостириб келган миршаблар, терговчилар енг шимариб, фалокат сабабларидан тортиб марҳумлар шахсигача тез орада суриштириб-билиш, маълум хулоса чиқаришга бел боғлашди. Аммо одамлар жасадларни дафн этиб, мактаб томини ямагандан кейин ҳам, уларга ишчан ҳакамлар киши қаноат ҳосил қилдиган бирон сўз дейишмади...

3

Мен Сирож муаллимнинг қўлида ўқиган, энди мактабни битирганимга кўп йил бўлганига қарамай, бу одамни қачон, қаерда учратсам, шогирдлик бурчимни бажариб, қўлимни кўксимда қовуштиришга одатланган эдим. Менинг одоб сақлашим унга ёқарди.

Бироқ мен ҳамон «ўртоқ муаллим» деб мурожаат қилишимдан баъзан норозиланар эди.

— «Ўртоқ» билан «муаллим» орасида катта масофа бор. Бу аввалдан нотўғри тушунча, — дерди у, донадона қилиб. — Ўртоқ — муаллим бўлмайди. Муаллим — ўртоқ бўлмайди! — Кейин, секин кўшиб қўярди. — Оддийроқ яшашга ўрганиш керак! Айниқса, сиз энди катта йигит бўлиб қолдингиз...

Мен унинг ўзимдан норозиланиб-инжишини истамасдим. Шунинг баробарида, уни бошқача аташга тилим келишмас эди. Сирож ака, дейманми?! Ёки бизга хос бўлмаган, расмий бир тарзда Қамбаров дейманми?! Айримлардек чўзиб «маълим» дейиш ҳам менга ўтиришмайди; эриш, мазах қилаётганга ўшайсан! Афтидан, «ўртоқ муаллим»га вақтида кўникканим ҳам мени қолипдан чиқишга қўймас эди! — Кўнглимда Сирож муаллимни ҳурмат қилар, мен учун шуниси муҳим туюларди...

Мактаб тўғрисида миршаблар, терговчилардан ҳеч ким мендан гап сўрагани йўқ. Ҳолбуки, Сирож муаллимга тегишли менинг ўз тахминим бор эди... У ярим тунда қайсидир рўзнома ёки ойномада ёзилган баҳсли бир фикрни эслаган. Уйқуси қочган. Шу дамдаёқ бориб, ўша рўзнома ёки ойномани қайтиб кўздан кечиргиси келган. Бундай пайтда у бемаҳал эканлиги, ёмғир ёғаётганига ҳам қарамайди! Қоровул бошни қотирмасин учун ёш боладек деразадан ошиб ҳам кираверади! Ўзини қизиқтирган муаммонинг мағзини чақмагунча тинчимади! Ҳар кимда Худо берган бир феъл-атвор. Сирож муаллимнинг ҳам бўлгани шу: доим чизган чизқдан юравермайдиган ғалати одам эди!..

Мен Бадалбек деган учувчини ҳам оз-моз билар эдим. Иш куними, дам олишми, байрамми — барибир, у елкаларига оқ доғ тушган, кирланган сариқ кийимда, лекин сипо бўлиб кўчага чиққандек олифтароқ намойишда юрар эди. Бир пайтлар, биз болалар кўчакўйда кўриб, унга сездирмай эргашар, ғарибгина шу одамга олам-жаҳон ҳавас билан қарар эдик. Гап шундаки, ўшанда биз барчамиз осмонга учишни орзу қилар эдик!

Яқиндан таниш бўлмасак-да, Бадалбек тўғрисида ҳам сўрашса, айтардим... Ичганми, йўқми — бу одам ўз ишини ҳалол бажарар эди. Унинг аэропланни қандайдир бошқаролмай, томга келтириб уришига дунёдан беҳабар кишигина ишонади! Осмон парчаланганида, алмисоқдан қолиб шалоғи чиққан аэроплан ҳам парчаланганми — нимадир бўлган. Учувчи қўлидан келган охириги иш: марказдан — холироқ дала томонга интилиб, шу ерга, мактаб биносига етганида, ўйлаганини эплай олмаган, холос!..

Миршаблар, терговчилар мабодо эринмай суриштиришганида, мен булардан ташқари, яна бир гапни айтардим...

Сирож муаллим одамларга кам қўшилиб, жанжаллашиб юрса ҳамки, гўзал, олижаноб инсон эди! Бадалбек ўз ишини тўғри бажаришга уринган, ўз касбининг устаси эканлигига қарамай, ёвуз киши эди! Мен худди шундай дердим.

Аmmo менга ҳакамлар учрашмади! Менинг мулоҳазаларим бировни қизиқтирмади.

Шу тахлитда орадан икки йил ўтиб кетди...

Икки йил ичида одамлар рўй берган воқеани унута бошлашди.

Бўлган-бор гап аста-секин менинг ҳам хотирамдан кўтарила бошлади.

Айланиб, яна куз келди.

Бир куни ёмғир ёғиб, бу гал купша-кундузи пичоқ билан кесган сариекка ўхшаб, осмон ўз-ўзидан тўрт бўлакка ажралди.

Мен кўчада кетаётган эдим; жунжикиб, бир пиёлагина иссиқ чой ичиш хумори тутандек бўлди.

Ширинкўлдан олисларга қулоч отган катта йўл бўйида, ипдек ариқ ҳалқаси ичида жойлашган кўримсиз, негадир ҳозир менга йиртиқ чопонни эслатган чойхонага қараб юрдим...

Ана-мана, кириб бордим ҳам.

Чойхона тўрида биров чой ичиб ўтирар эди. Бошқа одам йўқ.

Чойхоначи ўз каталагида бангилардек кўзларини юмиб, чайқалганича мудрар эди.

Яқинлашганимда, сесканиб кўзини очди.

Мен чой олиб, чойхонанинг пойгак томонига ўтиб ўтирдим.

Чойни қайтариб, пиёлага қуйгач, бошимни кўтариб, беихтиёр рўпарамдаги кишига кўз ташладим. Ўзимни лоқайд-эзгин тутганимга қарамай, қандайдир ички ҳиссиёт мени бунга мажбур этган эди!

Кўз ташлагач...

бугун томирларим бехосдан бўшашиб, ўтирган ўрнимда қапишиб қолдим... Худоё тавба!

Чойхона тўридаги киши — бегона биров эмас, — тиниқ ҳаво ранг костюм кийиб, олачипор бўйинбоғ таққан Сирож муаллимнинг ўзгинаси эди!

Мен унга анграйганча тикилиб турар эдим. Шу пайт, буни пайқадими, у ҳам менга бошини кўтариб қаради.

— Салом алайкум, ўртоқ муаллим! — гўлдирадим шуурсиз ҳолатда.

У синиқ жилмайиб, бош силкиди. Кейин, —

лом-мим демай, мен билан бир оғиз ҳам гаплашгиси келмаётганини ошкор кўрсатиб, — юзини четга бурди.

Мен энди бир оз ўзимни ўнглаб, бу ўшами ёки унга ўхшатдимми, деб ўйлай бошладим. Адашдим, у

эмас экан, десам, манглайдаги ёшлиқдан қолган тир-тиқдан эгнию жуссасигача — ўша, Сирож муаллим! Ўшанинг ўзи экан, десам, унинг хоки туроб бўлиб кетгани шубҳасиз; қолаверса, бу одам мени танимади, афтидан, танимайди ҳам! Сирож муаллим тирик бўлганида, ўзини шундай тугармиди?!

Нима воқеа рўй бераётганига тушунмаганимдан, дам сайин ҳол-мадорим қочиб, бошим қаттиқ оғриётганини сездим. Ҳавога чиққанча нафас ростлагим, осойиштароқ фикр юритгим келди. Шу билан бирга, ўзимча «имтиҳон» ўтказишга ҳам қарор қилдим... Чўнтагимдан тамаки билан гугурт олиб, атайин, унутган кишидек, чойнак-пиёла ёнида қолдирганча, эшикка йўналдим.

Ёмғир тиниб, булутлар тўзган, осмон олдинги ҳолига қайтган, уфққа қараб ёнбошлаган куз офтоби сажар пайтидаги фонусдек маҳзун нур таратар эди.

Лойқа сув тўлиб оқаётган ипдек ариқ бўйлаб беш-ўн дақиқа нари-бери одимладим. Бироқ бошим оғриғи босилса ҳамки, ланжлигим тарқамади. Осойишталик ҳис этмадим... Менинг ўйлаганим: бу орада бирон ўзгариш рўй берадими, йўқми?! Бундан ташқари, яна кирганимда чойхонадаги киши ўзини қандай тутарди?! — шуни билмоқчи эдим.

Ниҳоят, қайтиб остона ҳатлаб, бояги ўрнимга бордим. Намойишкорона ҳолатда тамаки билан гугуртни чўнтагимга жойладим. Тик турганимча, икки пиёла чой ичдим. Бутун хаёлим, диққатим эса тўрда ўтирган кишида; уни зимдан кузатар эдим... Йўқ, кўча айланганимнинг нафи бўлмаганидек, «имтиҳон» — синов ҳам иш бермади! Чойхонадаги киши менга парво қилмай, ҳамон юзини четга буриб ўтирганча, чой ҳўплар эди.

Мен шу паллада эзилиб, ахир, бу бошқа одам, дейишга тайёр эдим! Лекин тўрда ўтирган киши ҳадеб бош бармоғининг орқаси билан чап қошини сийпар, бу одат фақат Сирож муаллимга хос эди! Буниси майли; дабдурустан эсладим. Сирож муаллим чап қўлининг ўрта бармоғига катта узук тақар эди. Ана, ўша узук...

Аввалгидан баттар эс-ҳушим оғиб, саросималаниб чойхонадан чиқдим.

Аслида, балодан нари, деб бу ердан ҳозир, тез бадар бўлишим керак эди! Аммо дунёда инсонни гири-

бонидан тутиб, оёқларини ерга михлайдиган туйғу — қизиқиш... Инсон мўъжиза, сир-синоат бўлган жойда оқибатини ўйлаб ҳам ўтирмай, ўзини томдан ташлайди! Томошабинлик — туғма хислат! Инсон дунёга томошабин бўлиб келган!..

Қисқаси, буёғини томоша қилайлик-чи, деган ўй билан йўлнинг нариги бетидаги хиёбонга бориб, дарахтлар панасидаги нам бир тўнкага чўқдим. Кетини узмай тамаки тутатганимча, чойхона эшигини пойлай бошладим.

Орадан ярим соатлар чамаси ўтгач, кўчада тўрт киши кўринди.

Улар тўғри чойхонага йўл олишди.

Кейин чойхонадан Сирож муаллим (мен энди уни шундай дейман!) билан бирга кўчага чиқишди.

Лекин тезда ажралишди.

Тўрт киши йўлдан қайтиб пастга энди.

Сирож муаллим қибла томонга қараб юрди.

5

Мен сездирмай унга эргашдим.

Назаримда, у (Сирож муаллим бўлгач!) шу паллада қабристонга бориб, ўз қабрига кириб ётиши аниқ эди. Ўлган одам бундан бўлак нима ҳам қиларди?!

Йўқ, Сирож муаллим — астойдил тирилган эканми?! — афтидан, бу тўғрида ўйламас эди.

У шаҳар марказига келиб, бирон соат ичида ҳаммаёқни айланиб чиқди. Айрим кўчалардан негадир икки-уч марталаб ҳам ўтди. Менинг кутганимга зид ҳолда, ҳеч ерда тўхтамади. Ҳеч ким билан кўришиб-гаплашмади. Унинг мақсади нима?! — билиб бўлмас эди. Оёғи ерга тегмай учаётгандек шошқин-интиқ кезар, вақтида бекатга етиб бориши керак бўлган сайёҳларни эслатарди. Мен уни кўздан қочирмай, деб ҳаллослаб-югурардим. Шунинг баробарида, ўзимни сездириб қўйишдан қўрқиб, жоним ҳалак эди!

Ахийри, у тор бир кўчага йўналди. Бу кўчанинг охирига етгач, — мен ишнинг бундай кўчишини кутмагандим! — мактаб биноси томон бурилди.

Кейин, бинога яқинлашиб, эшикни ланг очганича, ичкарига кириб ҳам кетди!

Шу сонияда, кўча муюлишида қотиб турганим ҳолда, мен беихтиёр бир томондан, Сирож муаллим-

нинг бундан роппа-роса икки йил бурун қандай бада-ни куйиб жизганак бўлган, шикастланган ҳолатда ётгани-ю, уни қандай қабристонга элтиб дафн этгани-мизни эсладим. Иккинчи томондан, демак, ўшанда у ўлмаган экан-да, деган гап миямга чақмоқдек урилди. Бу фикр қанчалик бемаъни туюлмасин, ҳар ҳолда ҳақиқатга яқиндек эди! (Ахир, бегона одамнинг шу фурсатда мактабда иши бўлмас эди! Ўлган одам эса — ақл юритиб кўрсангиз, — бундай қилолмайди!) «Ҳаммаси оддий, — деб ўйладим кўнглимдаги шубҳа-гумон тарқаб, бир оз осойишталанганимча. — Сирож муаллим фалокат пайтида барибир тирик қолган, масалан, Гўрўғлига ўхшаб қабрда ўнганганми — шунақа ҳолат рўй берган... Тирикми, ўликми, икки йил ҳолидан хабар олмаганим учун мендан ўпқаланияпти, холос! Мени кўргиси келмаяпти... Муаллим-да, нима қиласиз! Ундан, очиқ гаплашиб, узр сўрашим керак!»

Дафъатан рухланиб-дадилланиб, энди мен ҳам биного яқинлашдим. Эшикни очдим.

Юнус хўжа деган киши — дадамнинг ошнаси, мени яхши таниган қоровул нақ эшик рўпарасида бозордаги ёймачилардек яйраб-ёзилиб ўтирар эди. Илжайиб салом бердим.

— Ий... Валижон, ўзларими? Қани, қани, — ўрнидан туриб, мен билан кучоқлаша кетди қария. Кифтимни қоқди. — Марҳамат, марҳамат! — деди у ҳаяжонланиб-суюниб.

Пештахтага ўхшаган узун столда дастурхон ёзиглиқ эди. Қанд-қурс, ёнғоқ-майиз, нон, устига рангин рўмол ташлаб қўйилган идишда таом... адашмасам, қария шу дамда ўзи-ўзини меҳмон қилмоқчи бўлиб тургану мен зиёфатнинг қоқ белига тепган эдим! Буни ҳис этганимдан, юзимизга фотиҳа тортиб бир-биримиздан ҳол-аҳвол сўрашгач, тезроқ дардимни ёришга чоғландим.

Мен ҳали кўчада судралиб юрганимдаёқ, мактабда балки Сирож муаллим тўғрисида маънили бирон нарса билишар, деган гап кўнглимдан ўтган эди. Айниқса, Сирож муаллим ҳозиргина ичкарига кирганини кўрганимдан, бу ҳақда қоровул чолдан бемалол суриштириш мумкин эди! Аммо қозонда нима борлигини ўзинг билмай туриб, бировнинг олдида қоққоқни кўтаравермайсан! Шу боисдан, ўйланиб, мужмалроқ кўйда ғудрандим:

— Бир одамни қидиряпман, амаки. Мабодо...

Қария бошини чайқади.

— Бутун эрталабдан жимжит, ўғлим, — деди у. — Эшиқдан пашша ҳам ўтгани йўқ. Сиздан ташқари, албатта.

— Эҳтимол, сиз... — пичирладим эзилиб. «Сезмагандирсиз?» демоқчи эдим, юзим бўлмади.

— Мактаб далада. Бутун хоналар берк, — мендан озор чекмай, тушунтирди қария. У қўли билан узун йўлакка имо қилди. — Кирган одам қаёққа ҳам борарди?!

Йўлак сув қуйгандек, синф хоналари берк бўлса, чиндан бу Сирож муаллим қаёққа кетди экан?! Осмонга учган ёки мендан қочиб, шу жойнинг ўзидаёқ қайтиб ерга кирмагандир, ишқилиб?!

Бехосдан хаёлимга келганича, сўрадим:

— Қироатхона-чи?

— Ҳаммаси қулфлоғлиқ. Яқинда қараб чиққанман!

— Яна бир кўрсак-чи, амаки?

— Майли, ўғлим. Бош устига... — Қоровул тортмадан ишга боғланган калитларни олиб, илдам босди.

Остонада тўхтаб, ҳалқани тортган эдим, эшик шифтиб очилди.

— Ё қудратингдан! Тавба! — деди Юнус хўжа амаки ранги ўчиб. — Ярим соат аввал маҳкам эди!

Биз қироатхонага кирдик.

Икки йил бурун томида туйнук очилган хона жиддий таъмир қилинган, аслида бўлганидан ҳам яхшироқ ҳолга келтирилган эди.

Хонада ҳеч ким кўринмасди. Бу ерда яширинадиган жой ҳам йўқ. Таъмир қилишганида, — бунинг устига, — кўча томондан деразаларга панжара тортилган.

Мен, шунга қарамасдан, йўқолган игнани қидираётган кишидек, хонадаги жиҳозларга бирма-бир кўз ташладим. Кейин, деворларга осифлиқ расмларни шошмасдан кўра бошладим.

Дабдурустан янги қўйилган расмлар орасида Сирож муаллимнинг суратига кўзим тушди... У — хонага кириб, тўппа-тўғри суратга сингиган, сурат ичига яшириниб олгандек эди! Менга ҳозир худди шундай туюлди... Ана, мени мазах қилиб, тиржайиб ҳам турибди!

Жоним товонимга тушиб, олдингидан юз чандон силлам қуриган ҳолда, ортимга шарт бурилганча, қироатхонадан чиқдим. Йўлақда гангиб кета бошладим.

Қоровул эҳтиётлаб эшикни қулфлади. У менга этиб келиб, секин енгимдан тортди:

— Ўғлим, ҳеч кимга айтманг...

— Нимани? — сўрадим эсанкираб.

— Бу падарлағнати эшик...

— Ўлибманми! — дедим асабийлашиб. Кейин, айтмайман деганим билан, бу бечора-ғариб қария ишонмай-хавотирланиб юришини ҳис этиб, уни юпатдим. — Бошқа одам бўлса, айтардим. Сиз ўзимизники, амаки!

— Раҳмат, раҳмат! — деди Юнус хўжа амаки миннатдор бўлиб.

Мен унга ҳамон Сирож муаллим тўғрисида оғиз очмадим. Фойдаси йўқ. Шусиз ҳам, эшик учун қўрқиб, эхонаси чиқиб ўтирибди! Унинг ўтакасини ёриб нима қиламан?!

Кўчада, мактаб биносидан узоқлашганча кетаётиб, ўзимни ўнглашга уриндим. Кейин, чуқур ўйга толдим. Сирож муаллим... Қизиқ! Арвоҳми, жинми, кўринмас одамми — нима бало эди бу ўзи? Нега аввалдан менга йўлиқди-ю, нега мендан бундай қочади?! Хўп, энди шу билан ҳаммаси тутадимми ёки...

6

Мен ҳали ҳам балодан нари, деб ўз йўлимдан кетаверишим керак эди. Ақл-ҳуш шуни тақозо қиларди. Шунда балки бутун даҳмаза тутаган ҳам бўларди!

Лекин сир-синоат деган дардисар дам сайин мени домига тортган, ўз кўзим билан кўраётганимни англаб етишга ундаётган эди.

Мен азбаройи изқуварга ўхшаб қолганимдан, мактабдан энди қабристон томонга қараб юрганмича, —

Сирож муаллимнинг қабридан хабар олгим келди! У қабрида тинч ётибдими?! Қабр ўзи қайси аҳволда?!

Мен буни дарҳол аниқлашга гўёки мажбур эдим!

Куз кунидаги кўнгилсиз ёмғирдан сўнг, битта-яримта зиёратчилар ҳам оёқ тортишганми, қабристон бўм-бўш. Ҳеч зоғ йўқ, дейиш мумкин; аммо аёл да-

рахтларнинг шохларини силкитиб, аксинча, зоғлар аҳён-аҳён шовқин солиб учишмоқда эди!

Тепасида дарахтлар бир-бирларига қўл узатишган узун йўлкадан юриб, олдин ғадир-будир тош ётқизилган, кейин лой билқиллаган, эгри-бутри сўқмоққа тушдим. Ниҳоят, сўқмоқ охиридаги қабрлар ёнига бордим.

Сирож муаллимнинг қабри...

чиройли мрамар савана тикланган. Мустаҳкам. Бирон дарча ёки туйнук очилмаган. Демак, у тинч ётибди! Бу ерда ҳамма нарса ўрнида!

Умуман...

Сирож муаллим қабрини бузиб-қўпориб чиқиши, чойхонада чой ичиб, кўчада айланиб юриши ҳақиқатга зид; бунга менинг астойдил ишонганим ортиқча, ҳаттоки кулгили эди!

Худди шундай! Бироқ
бундай деб ўйлаш

ишни янада чигаллаштирмоқда эди!

Икки йил бурун фалокат пайтида дунёдан ўтган, қабрида энди тинч ётган киши Сирож муаллим бўлса, мен учратган одам ким эди?! Бегона биров Сирож муаллимга шунчалик ҳам ўхшайдими?! У нега шаҳар марказида бекорга айланиб, нега мактаб биносига кирди-ю, бинода ўз-ўзидан қаёққа ғойиб бўлди?!

Мен ҳеч нарсага тушунолмай, баттар калаванинг учини йўқотиб, шу дамгача ҳис этганимдан ҳам кўпроқ безовталанган, саросималанган эдим. Бўм-бўш қабристонда юрагим орқага тортиб, мени ваҳм чулғай бошлаган эди! Бу ердаги зоғлар шовқини менга, дунёда бор сир-синаотлар тагини кавлаштириш телбаликдан иборат эканлигини эслатмоқда эди!

Бошимни чангаллаганча, орқамга қарамай, югурдим.

Хаёлимда,
тўхтамай
бир неча соат
югураётгандек
эдим.

Аммо қабристондан чиқсам-да, югурганим билан, оёғим олдинга босмаётгандек, каттакон темир дарвозадан ҳеч узоқлашолмас эдим!

Шу алфозда кетаётиб,
қабристонга қараб келаётган
бир қизга кўзим тушди...

Бу — Ҳанифа...

Мактабни менадан икки йил кейин тугатган, лекин мен билан мусиқа тўгарагида қатнашган эди. Уни яхши танир эдим.

Оддий сатин кийган. Қўлида узун халта.

Узоқдан мени кўриб, аҳволимга ажабланган эканми, орамиздаги масофа яқин қолганида тўхтаб, юзимга бақрайиб қаради.

Югураётиб кўзим тушганидан, мен ҳам таққа тўхтаганимча, унга бақрайиб қолган эдим.

Қандай бўлмасин, бу учрашув иккимиз учун ҳам тасодиф эди!

— Ҳаниф... — пичирладим беихтиёр, ҳансираб турганимча.

— Нима бўлди, Вали ака? Тинчликми?! — менинг сўзим эмас, афт-ангоримдан жавоб излаётгандек ҳолатда сўради Ҳанифа.

— Тинчлик... Жисмоний тарбия! — дедим нафасимни сал ростлаб.

— Одамлар эртаб югурарди. Сиз...

— Биз шунақа тескари! — Кейин, сўрадим: — Бу ёқларда нима қилиб юрибсиз?

У мени кўриб, бир оз чалғиган экан, жиддий, ўйчан қиёфага кирди.

— Дадамни кўргани келяпман...

— Дадангиз қаерда?

Ҳанифанинг нозик, аммо тиниқ, чиройли юзида энгил бир озорми, ўпқаланишми акс этди.

— Шу ерда! — деди у, қабристон томонга қараб қўйиб.

— Кечирасиз... — Мен унинг отаси кимлигини ҳам, тирикми-ўлганми эканлигини ҳам билмас эдим. Умуман, уларнинг турмушидан беҳабар эдим. Шу боисдан, кўришганимизда калтафаҳмлик қилиб, ҳазил-ҳузил билан гап бошлаган эдим. — Юринг, бирга кириб чиқамиз, — дедим ўзимни оқлашга уринган кўйда.

— Сиз нима қиласиз?!

— Тиловат қилишим мумкин, қабр бошида. Кўп билмайман. Қисқа бир-икки сура. Дадангизга бағишлаб ўқимоқчиман! — Мени эргаштириб, қабристонга кириб чиқишга Ҳанифа негадир иккиланаётган эди.

Менинг эса ундан ажралгим келмасди. Ажралсам, бутун умрим бало-қазодан қутулолмай ўтадигандек туюлар, бахтимга у ҳозир гўёки нажот фариштаси бўлиб кўқдан тушгандек эди! Унга яна қандай гап уқтирсам экан, деб ўйлаб туриб, бехосдан... Эй Худойим-э! Бир шеърда: «Онагинам! Одам бўлдимми манам?!» — деган нидо бор эди. Мен ҳам ўзи одам эмас эканман! Боя мактабдан чиқиб қабристон томон йўл олганимда ҳам, қабристонга келиб, бу ердан қайтиб кўчага отилганимда ҳам фикри-зикримни фақат Сирож муаллим банд этган эди; уни аниқламоқчи эдим! Шу қабристонда... менинг отажон-онажоним, бутун яқинларим ҳам тупроқ бўлиб ётишганини негадир хаёлимга келтирмаган эдим! Мен қабристонга йиллар бўйи бировни зиёрат қилгани кирмаган; бутунги даҳмаза рўй бермаганида, кирмас ҳам эдим... Шармандалик, албатта! — Юраверинг, — дедим Ҳанифага. — Дадангизни зиёрат қиламиз. Кейин, бизникилар...

Ҳанифа диққат билан юз-кўзимга тикилганича, ниҳоят, йўлга тушди. Мен энди унинг ёнида осойишта одимлай бошладим.

Биз қабристонга киргач, ғалати бир иш бўлди.

Ҳамроҳим ҳалигина мен юрган узун йўлқадан мен тушган сўқмоққа бурилиб, сўқмоқ охиридаги қабрлар томон йўналди... Мен яна гангиб қолган эдим. Нега буёққа кетяпти?! Бу қизнинг отаси ким экан ўзи?! Наҳотки, Сирож муаллим?!

Мен сал адашган эканман...

Ҳанифа Сирож муаллимнинг худди қабри орқасидаги —

учувчи Бадалбекнинг қабри бошига келиб тиз чўқди!

Сирож муаллимники сингари бу одамнинг қабри устига ҳам чиройли мармар сағана тикланган. Зарҳал ёзувдаги исми шарифларни айтмаганда, икки қабрининг ҳам кўриниши бир хилда эди.

Менга ортиқча эътибор бермай, Ҳанифа бармоқлари узун-узун, ингичка, оппоқ, нафис кўллари билан қабр тошини беозор сийпалади. Сўнг тирик одамга мурожаат қилаётгандек, ўйчан пичирлай бошлади:

— Дадажон, ассалом. Келдим... Тинчмисиз?! Биз ҳам юрибмиз. Онам бутун бир оз тузук. Кеча опаларим уйдан хабар олиб кетишди. Сизни эсладик. Биз-

дан ташвиш тортманг. Ҳаммамиз яхши. Худога шукр...

У ўрнидан туриб, ёнидаги халтадан супурги, калта белкурак олди. Қабр тошларига ҳар томондан ўрмалаган ёввойи ўт-ўланни белкуракда қирқиб, шамол-ёмғирда тўкилган барг-хазонларни шошмасдан супурди. Бу ишлар биттач, қабр бошида қайтиб чўккалади. У хомуш ўтирарди.

Мен Ҳанифага халал бергим келмай, нима қилишимни ҳам билмай, бир чеккада серрайиб турар эдим.

— Ўқимайсизми?! — деди менга бошини кўтариб, дабдурустдан ўтли, ёшли кўзларини тикканича, Ҳанифа.

Ажабтовур ҳолатга тушдим.

Биз болаликда кўча-кўйда Бадалбекка эргашар, барчамиз осмонга учишни истар эдик. Бу айна ҳақиқат эди! Аммо энди мен бу одамни ёмон кўрар, ёвуз деб билар эдим. Мен учун, Сирож муаллимнинг ўлимига ҳам у сабабчи эди! Ҳанифага эргашганимда, бу — Бадалбекнинг қизи эканлигию унинг қабри бошида гуноҳларини Худодан тилаб, тиловат қилишимга тўғри келишини ўйламаган эдим. Бизни тасодиф учраштирган қисмат ишнинг буёғини ҳам шунга мослаб қўйган экан!

Бадалбек қандай одам бўлмасин, ўз оиласи, фарзандлари наздида унинг хотираси азиз эди! Бу ҳиссиётни топташга ҳам ҳозир менинг ҳаққим йўқ; бунинг устига, олдиндан Ҳанифага сўз берганман. Хўш, нима қилиш керак?!

Шу пайт ўзим кутмаган ҳолда, бирдан кўзим мошдек очилди... Эй хом сут эмган банда! Сен, ахир, Бадалбекни билмайсан-ку! Ичиб, дори сепеди, деб одамлардан эшитгансан, холос. Бошқа ҳеч нарса... Сирож муаллимни ҳам билмайсан! Девонавор айрим хислатларию панд-насиҳатларини айтмаганда, эслайдиган арзирли бирон гап тополмайсан... Нега ҳаммани яхши, обдан билгандек кўпириб, бу эзгу, бу ёвуз деб, инсонни иккига ажратиб, ишонч билан баҳо бериб юрибсан?! Гуноҳ-савобни ўлчаш сенинг вазифангга кирмайди! Ўзингга қарамайсанми?! Қолаверса, марҳумлар тирикларнинг марҳаматига муҳтож! Икки оғиз дуойи фотиҳа бурч...

Мен ҳам энди қабр бошига чўккаладим. Қунишиб ўтирганимча, берилиб, оҳиста тиловат қила бошладим.

Бўм-бўш қабристондаги зоялар бу орада аллақаяққа гойиб бўлган, чор-атроф жимжит эди. Бу сукунатда ўз овозим менинг ўзимга ҳам гўёки четдан, узоқдан эшитилаётгандек туюларди. Мени ҳам руҳ чулғаб, кўзларим жикқа ёшга тўлган эди.

Ҳанифа-иккимиз, — тиловат тугагач, — қабрнинг икки ёнида яна анча вақт бош эгиб ўтирдик. Менинг одатда ўзимни пок сақлаб юришга ҳаракат қилишим, бундай ўқий олишимни билмаган ҳамроҳим менга гоҳ-гоҳ кўзи остидан, сездирмай ҳайратланибми, бир оз ҳурмат биланми қарар, мени буёққа бошлаб келганидан ҳар ҳолда мамнун эди!

Орага чўккан сукутни ҳам унинг ўзи бузди.

— Мен сизга бир гапни айтмоқчиман, — ўйчан, жиддий пичирлади Ҳанифа. — Ҳеч кимга айтмаганман. Онамга ҳам... Лекин сизга айтаман! Кимгадир бир куни ишониб айтишим керак эди. Сиз учрадингиз... Биласизми, шу қабр устидаги сағана яқинда ўз ўзидан бир қарич суриди. Келиб қараганим заҳоти сездим! Атрофидаги тупроқ ҳам янгиланган. Кўриб, кўзим қинидан чиқиб кетди. Оддий нарса эмас-да! Нега бундай бўлган экан?! Ўйлаганим билан тушунма-яшман...

Мен бу гапни эшитиб, бошимдан бир челақ сув куйгандек ҳолатга тушдим.

Шунча даҳмаза каммиди?! Ҳали буниси ҳам бормиди?!

Ожиз, нотавон банданга ўзинг шафқат қил, Худойим! Сен Гофур ва Раҳмонсан! Раҳимсан! Қодирсан!..

Очиғи, мен, шу паллада Ҳанифадан унинг ўзига тегишли бошқа бир дил изҳорини эшитишга шайланган эдим. Аммо туйқусдан олдинги занжирга янги бир ҳалқа боғланди! Мендан узоқлаша бошлаган нотинчлик қайтиб илондек ўрмалаб, бу гал нақ бўғзимга ёпишди!

Шунинг боробарида, мен ҳозир адоий-тамом бўлиб, жон таслим қилишим ҳам мумкин эмас! Менга ишониб дардини ёрган кизнинг қаршисида ўтирар, унга қандайдир жавоб қайтаришим керак эди.

— Сизга шундай туюлмаганмикин?! — дедим озор бермасликка уринган оҳангда, Ҳанифага.

— Йўқ. Аниқ! — деди Ҳанифа. — Мен буни мана

бу ўзим ўтказган ниҳол билан икки ўрта кенгайтганидан пайқадим..

— Ерга ўрнашаётиб, балки ниҳолнинг ўзи...

— Хўп, тупроқ-чи? — деди Ҳанифа. — Ўт ровлаган ер билан янги чиқарилган нам тупроқ фарқ қилмай-дими?!

Мен унга яна беозор эътироз билдирмоқчи эдим, бекорга тортишаётгандек иш тутаётганимни ҳис эдим. Айниқса, у ён-бу ёнга шунчаки кўз ташлаб, беихтиёр нигоҳим Сирож муаллимнинг қабрига илашди-ю, нафасим ичимга чўқди... Сирож муаллим қабридан чиқиб, кўча айланиб юрганида, Бадалбекнинг қабри устидаги сағана силжиб-сурилмайдими?! Булардан бирига ишонмаган тақдирдагина, иккинчисига ҳам ишонмаган маъқул! Умуман, ҳозир баҳсдан кўпроқ мурод қизга таскин бериш эди.

— Сиз бунга парво қилманг, Ҳаниф, — дедим унга. — Дунёда ўзи баъзан одам тушунмайдиган нарсалар учраб туради! — Кейин, шу аснода кўнглимдан кечган гапни ҳам айтдим. — Бутун мен нуқул шунақа ҳолатга дуч келяпман! Нимадир аниқланса, албатта сизга айтиб берардим... Менга ишонганингиз учун раҳмат!

8.

Биз Бадалбекнинг қабри ёнидан бошқа сўқмоққа ўтиб, қабристоннинг этак томонига юрдик.

Менинг отажон-онажонимнинг қабрлари бир жойда. Уларнинг аждодлари — боболарим, бувиларим, қариндош-уруғлардан қайсидир амакиларим, аммаларим, икки ёшида нобуд бўлган кичкинтой сингилчам ҳам шу ерда. Бу биз учун бамисоли хилхона...

Аммо бу ер мен тасаввур қилганимдан ҳам хароб, ташландиқ ҳолда эди! Яқинлашаётиб, кўзим тушгани сайин эзила бошладим... Менинг гуноҳим бўйнимда, мен-ку одам эмас эканман; аллақачон эси кирган, кап-катта, бола-чақали акам-чи?! Неvara ҳам кўришга улгурган опам-чи?! Нега улар хабар олишмайди экан?! Бировлар кўтариб келишини кутишяптими?! Уларни ҳам ўшанда фарзандлари унутиб, шундай ташлаб қўйишмайдими?! Кўзингга қара, бола, деб менга ҳам тарбия-танбех бериб, йўлга солиш улардан лозим эмасмиди?!

Мен ҳозир Ҳанифанинг олдида айниқса хижолат чекканимдан, ўзимни ер билан яксон қилингандек сездим.

Лекин Ҳанифа бу ердаги аҳволни ҳам, менинг ўкинчли ҳолатимни ҳам пайқамаетгандек эди!

Унинг шу қадар нозиктаъб эканлиги менга ёқди.

Бу қизнинг яна бир хислати менга ёқди: у кам гапириб, кўпроқ ишлар экан!

Бу ерда ҳам, Ҳанифа дарҳол белкурак, супургини қўлига олиб, менга ортиқча эътибор бермай, ишга тушиб кетди. Ёввойи ўтларни белкуракда кўпориб-чошиб, қабрлардан четлаштирди. Фатарот жойларни тартибга солиб, битта-ярим тўкилган фишларни лойсиз-оҳаксиз ўрни-ўрнига, кўрк касб этадиган қилиб терди. У янги келинчақлардек, жиддият, райрат билан ҳаш-паш демай ҳаммаёқни супуриб-тозалаб ҳам чиқди. Хилхона одам кўрадиган файзли, дуппа-дуруст намоишга кирди!

Мен бу ерда ҳам довдираб-паришонланганимдан, бир чеккада серрайиб турар эдим.

Ниҳоят, Ҳанифа онажоним қабри ёнига чўккалаганча, бармоқлари узун-узун, нозик қўллари билан оқарган мусулмон фишларни сийпалаб, қўлларини негадир қош-кўзларига суртди.

— Ўтиринг, — деди шундан сўнг менга тикилиб. — Ўқинг...

Мен қатор тизилган қабрлар пойида ўтириб ота-жон, онажоним, бутун ақраболар ва булар орасида ётган мурғак бир вужуд — сингилчамни эслаган ҳолда яна берилиб, осойишта тиловат қила бошладим... Ўзим англамаган (инсон то охир англаши ҳеч қачон мумкин ҳам бўлмаган) бир нарсаларни ўқиётиб, чорак асрдан иборат умрим — болаликдан орзу-умидли ва алақандай ғурбат-ҳасратли ҳаётим — кўз ўнгимда аста-секин жонлана бошлагандек бўлди. Бу — уммон ёки саҳро сингари чексиз, шунинг баробарида, инсон гоҳ қоқилиб, гоҳ тўғри ўтадиган биргина остонага ўхшаш жўнгина тушунчадан тўкилган эди! Мен кечган даврга назар ташлаб, камида чорак аср, бўлмаса ярим ёки бир аср гапиришим мумкин; шунга қарамасдан, ёшлиқдан қийналиб ўсдим, опам билан акамнинг қўлида тарбия топдим, деб буни икки оғиз сўз билан ифодалашим ҳам мумкин эди! Ҳаётнинг шундай аввалдан бебурдлиги, унинг баёнсизлигинию бебақолигини ўйлаб, яна кўзларимга ёш келди.

Қабристондан чиқиб, иккимиз шошмасдан шаҳар марказига қараб кета бошладик.

Бир лаҳза бурун ҳаёт ва ўлим чегарасида туриб ҳис этган дардашлик бизни танишдан қадрдонга айлантирган эди! Шу боисдандир, Ҳанифа мен билан апил-тапил хайрлашиб, ўз йўлига кетавермади. Мен ҳам ундан ҳамон ажралгим келмас эди!

Сирож муаллим билан Бадалбек яна ёнма-ён ҳаёлимни эгаллагани учунми, йиллар ўтиб, ўз жигарларим қабрини зиёрат қилганим учунми, бу кун қабристон менда унутилмас таассурот қолдирган эди.

— Сиз бу ёққа кўп келасизми? — сўрадим Ҳанифадан.

— Кўп. Ҳеч бўлмаганда, ҳафтада бир, — деди Ҳанифа.

— Одам йўқ пайтда қўрқмайсизми?

— Нимадан қўрқаман?! Бу ерда ётганлар ҳам одам, — деди Ҳанифа. — Инсон яқин бир кишингни йўқотгунча, қабристонга бегонадек қарар экансан. Яқин кишинг келиб ётгач, ўргана бошлайсан! Биз дадам билан ниҳоятда меҳрибон, сирдош эдик. Дадам мендан ҳеч нарсани яширмас эди...

Сирож муаллим билан бирга, Бадалбекка нисбатан кўнглимда қизиқиш сеза бошлагандек эдим! Лекин у ҳақда Ҳанифани дарҳол сўроққа тутишга журъат қилолмадим. Бу одобдан ҳам эмасди. Дунёда ҳар нарсанинг вақти-соати, мавриди бор! Шусиз ҳам, бу кун мени Ҳанифага юзлаштириб қўйгани учун тақдирдан миннатдор эдим.

Шаҳар марказига етиб келгач, Ҳанифа мен билан хайрлашиб уйига кетишга тараддулдана бошлади.

— Ҳаниф! — дедим уни тўхтатиб. — Агар мени дорга тортмасангиз, сизга мен ҳам бир гапни айтман...

— Мен шунақа жаллод эканманми?! — кулди Ҳанифа.

— Йўқ, сиз пари. Фаришга... Рост! Барибир, ботинмайман. Сўйишингиз мумкин! Хўп, пешонада ёзилгани... Менга сиз ўша, тўғарақда юрган пайтлардаёқ ёқардингиз! Бугун мафтун қилдингиз... Сиздан ажрагим келмайди. Йўқотсам, билмадим...

Унга қисинмай сўзлаяпману юрагим така-пука;

ҳозир шу кўчанинг ўртасида йиқиладиганга ўхшайман... Тоқат-бардошим қолмади ҳаётда! Айниқса, бугун қаршимда борлиқнинг авра-астари ағдарилиб, тинка-мадорим қуриган эди!

Мени шу сонияда ҳаммадан кўпроқ бир истиқола қийнади. Бу — кўрмай юрган қиз! Кимгадир унаштирилганми, биров билан учрашиб юрганми бўлса... ер ёрилиб, одамнинг ерга киргани яхши!

Ҳанифа яна ўйчан, жиддий эди.

— Вали ака, — деди у, юзидан ҳуркак, оху кўзларига алланечук қизариб. — Тўғриси, мен ҳам сизни ҳурмат қиламан. Сизга ишонаман... Лекин ҳаёт мураккаб экан! Биласизми, биз қандайдир бадбахт одамлармиз. Бизнинг оиламизга қарғиш теккан! Мен мабодо сиз билан кўришсам, сизни ҳам бахтсиз қилиб қўймайманми, деб ўйлашман. Сиз бугун менга учрашдан одинроқ... бахтсизлик йўлига кира бошлаган бўлишингиз мумкин! Кейинчалик, мени алвасти, деб, мендан норозиланиб юрсангиз, мен нима қиламан, Вали акажон?! Бу офир...

Ҳанифанинг гап оҳангида менга заррача озор-эътироз йўқ, аксинча, умид учқунлари бор... У ҳам мени ёқтириб қолганини яширмаган эди! Аммо унинг жавоби менинг термулиб кутганимдан ҳам аччиқ-аёвсиз... қаршимда ҳалқама-ҳалқа боғланиб, вазмин шалдираётган занжирни — қисмат — энди худди бўйнимга солган эди!

Бироқ йигит сўзидан, арслон изидан қайтмайди.

— Пешонада ёзилгани, Ҳаниф, — дедим эзмаланиб-чайналиб ўтирмай. — Қочиб бўлмайди! Чидаймиз... Келаси якшанба сизни шу ерда кутаман.

Ҳанифа индамай, бошини эгди.

У қўлидаги халтани силкитиб, югуриб-чопганича, мендан узоқлашди.

10

Вақт намозгарга бориб қолганидан, мен ҳам уйга қараб кетмоқчи бўлдим шуурсиз ҳолда бояги чойхона томон буридим...

Хабар олай-чи, у ерда нима гап экан, деган бемаъни хаёл менга осойишталик бермаётган эди!

Катта йўл бўйидаги кўримсиз чойхонага яқинлашдим. Ипдек ариқдан ҳатлаганча, ичкарига кирдим.

Чойхона тўрида, —
не кўз билан кўрайки! —
бундан икки-уч соат бурунги ҳолатда Сирож муал-
лим ёлғиз ўзи чой ичиб ўтирарди!

Эшиқдан кирганимда у менга ялт этиб қаради. Ке-
йин, дастлаб кўрганимда бўлганидек, —
мендан юзини четга бурди...

Мен унга агар мактаб биносида юзлашганимда эди,
нега қочасиз, ўртоқ муаллим, дейишим, узр сўрашим
мумкин; очиқ гаплашишга уринишим муқаррар эди.
Шундай қарорга келган эдим! Ҳозир эса ўзимни дадил
тутиб бундай қилишимга нимадир халал бермоқда,
ҳаттоки монелик кўрсатмоқда эди! Юз бераётган
ҳолатдан кўрқдимми, бошқами?! — тушуниш қийин...

Кенг-мўл чойхона тип-тинч, чойхоначи ўз катала-
гида бирдек чайқалиб, мудрар эди.

Қизиқсиниб, пойгак томон ўтирилдим. Эски пат-
нисдаги боя мен дамлатган чойга ҳам биров тегмабди!

Шошганимча бориб, чойнакка кафтимни босдим.
Мен қолдириб кетган ярим чойнак чой, шунча пайт
ўтганига қарамай, негадир ҳамон иссиқ эди!

Чойхонадан чиқиб,
безгак тутгандек қалтираганимча,
тез уйга жўнадим.

И к к и н ч и с а ҳ и ф а

ТАСАВВУР

11

Уйга келганимда, қоронғи тушган эди.

Чироқни бир ёққанимча, қайтиб ўчирмадим.

Назаримда, мени зулмат-зимистон қаърига торта-
дигандек эди! Вос-вос бўлиб қолган одамга ўхшар-
дим...

Туни бўйи ухлаёлмадим. У ёндан-бу ёнга ағдари-
либ, алаҳлаб чиқдим.

Уйим — бошпанам мен учун дўзах эди!

Бир неча марта ўрнимдан сапчиб турдим. Ижара
кулбам деворида осифлиқ, дўкондан сотиб олинган ар-
зон-гаров рубобни тинғиллатиб, ўзимни чалғитишга
уриндим. Лекин ҳар гал менга мусиқа овозига қизиқ-
қан аллақандай жинлар, алвастилар баттарига уйимда

тўпланишиб рақсга тушадигандек туюлганидан, кўп ўтмай, бу машғулотни тўхтатдим.

Жинлар, алвастилар тўғрисида барибир ўйламоқда эдим.

Болалиқда раҳматли ҳоламдан эшитган воқеани бе-ихтиёр эсладим... Тунда ҳовлига чиқса, ялтираган то-ғора устига сочларини ёйиб, гўзал бир ажина бошини юваётган эмиш!

Ўлими оддидан катта амаким айтиб берган воқеа ҳам

ёдимга тушди...

Дала-даштда, аравада кетаётган экан. Бехосдан рўпарада хурпайган қоп-қора бир шакл пайдо бўлибди. От ўзини орқага ташлабди. Арава тўнтарилиб кетибди! Ҳаммаёғи шилиниб-қонаган амаким арава остидан чиқиб қараса, ҳеч нарса йўқ, фақат от ҳамон титраб турибди эмиш!

Мен бугун учратган Сирож муаллим... унинг хатти-ҳаракатлари... Бадалбекнинг қабри борасидаги тахмин... Ҳанифа айтган қарғиш... — бари —

болалиқдан билган ўша воқеаларга ўхшар эди!

Мана, энди тун сукунатида яхлит манзара касб этиб, мени даҳшатга солган эди!

Менинг кўз ўнгимда Сирож муаллим билан Бадалбекнинг ҳалокати —

сўнги ҳолати қайтиб жонланган эди. Шу боисдан, қанчалик ваҳм босмасин, мен ўшанда нима бўлганию ҳозир қандай воқеа рўй бераётгани ҳақида хаёлга чўмиб, уларга тегишли сир-синоатларга жавоб изламоқда эдим.

«Дунёда аёлки бор, ҳам фаришта, ҳам алвастидир!» — деган ғалати бир гап... қачонлардир қулоғимга чалинганди. Аммо унинг мағзини энди чақмоқда эдим. Менга Ҳанифа шундай бўлиб туюлмоқда эди! У Бадалбекнинг қизи эканлигидан, бу кунги даҳмазага, назаримда, бевосита даҳли бордек эди! Шунинг баробарида, мен ундан ажралгим келмасди!

Гоҳ ўрнимдан туриб кетиб, гоҳ тўлғаниб ётиб, тун шу азоб-изтироб билан ўтди.

Кун ёришаётгандагина кўзим илинди.

Кўрган-кечирганимнинг давомидек, тушимда Ҳанифа қўлларини мен томон чўзган эмиш. Мен унинг нозик бармоқларини бирма-бир лабларимга босаётган эмишман!

Сирож муаллим ҳам шу ерда. Тиржайиб, унинг ҳам узук тақилган қўлини ўпиб қўйишимни талаб қилаётган эмиш!

Кўнглим кирланиб, гаш тортиб уйғондим.

Ишга боришим керак, вақт зиқ эди.

Шунга қарамасдан, шошмай ювиниб-тараниб, кейин, кўчага чиқдим.

Мактабни битирганимдан буён ишлаётган дурадгорлик устахонасига қараб кетаётиб, кеча кўрган воқеалар тўғрисида яна ўйга ботдим... Сўнг, муайян фикрга келгандек бўлдим: чойхонага бошқа бормайман! Сирож муаллим тўғрисида ўйламайман! Бадалбек ҳам гўрида ётаверсин! Менга у эмас, Ҳанифа керак! Фақат Ҳанифа...

12

Икки кун уйдан ишга бориб, ишдан тўғри ўйга қайтдим.

Устахонада арраларнинг тинимсиз визиллаши, тарақа-туруқ, усталарнинг бақир-чақир шовқини мени чалғитиб, эҳтимолки, ўзимга-ўзим орттирган бошогриқ савдойи хаёллардан аста-секин узоқлаштираётгандек эди!

Ўйда ҳам тезроқ якшанба етиб келиши, Ҳанифа билан кўришишдан бўлак ташвишим йўқ! Ҳеч нарса ни ўйламайман. Қоронғи тушмасдан, бошимни кўрпага ўрайман!

Одатдаги умргузаронлик; вақт тинч-осойишта ўтмоқда эди! Мен ўзимча буни эплаб ўрнига қўймоқда эдим!

Бироқ

учинчи кун —

ишим тугаб, устахонадан чиққаним заҳоти, — оёқлари менга бўйсунмаётгандек ҳолда, мени яна таниш чойхона томон бошлаб кетишди!

Мен чойхонага боришим шарт, бу гўёки мен қочиб қутулолмаётган — бир дард эди!

«Чойхонадаги одам ким?! Бегона бировми ёки Сирож муаллим?!»

Назаримда, оддий шу саволга жавоб топмагунча, дунёда яшаб юролмайдиганга ўхшар эдим! Бу — энди йўлимда ётган бир тош; суриб ташламасам, кўксимга қадалиб тураверадигандек эди!

Ҳаш-паш дегунча, яна ипдек ариқ ҳалқасига юзлашдим.

Ариқдан ҳатлаб, ичкарига кирдим...

Чойхонада Сирож муаллим олдинги гал рўпарадаги хиёбонда беркиниб туриб кўзим тушган тўрт киши — новча, бақувват тўрт йигит билан нималарнидир пи-чирлашганча, гаплашиб ўтирар эди!

Дафъатан бостириб келганимга қарамасдан, улар менга ортиқча эътибор беришмади.

Мен ҳам атайин уларга аҳамият бермагандек, чой олиб, пойгақда чўнқайдим. Лекин ҳаяжонланиб турганимданми, томоғимдан бир қултум ҳам ўтмади.

Чойхонадан қайтиб кўчага чиқдим у иккиланиб ўтирмай,

энди Сирож муаллимнинг уйига қараб йўл олдим.

Унинг уйи — мактаб, қабристондан кейин бирон гап аниқланса-аниқланиши мумкин бўлган сўнги нуқта эди! У ҳақдаги сир-синоатни кимдир билса — уйдагилар билади! Айтса — шулар айтади! Суриштириш керак...

Улар менга нотаниш эди. Лекин уй-жойни мактабда ўқиган пайтимдан кўрган эдим: қиш кунлари болалар томдан қор курагани бир неча марта борганмиз. Сирож муаллимнинг ўзи бошлаб борган эди!

13

Шаҳар марказидаги дўкондан қанд-қурс харид қилганча, ассалом алайкум, — деб дангал кириб боравердим.

Қадимдан таомил шу: эшиқда кўринган кишига, ким керак, дейилмайди. Марҳамат, дейилади.

Сирож муаллимнинг уйда ҳам, дарвозани очган — мендан ёши сал каттароқ йигит, хуш кўрдик, деди. Мени рўпарадаги ойнаванд баланд айвонга бошлади.

Ўртада турган япасқи хонтахта ёнига чўкиб, юзимизга фотиҳа тортгач, айвоннинг қоқ белидаги қопқадан мен тенги — яна бир йигит чиқди. Илжайиб кўришиб, даврага кўшилди.

Мен бу йигитлар кимлиги-ю, уларга нималар дейишим кераклигини билмаганимдан, гапга қандай даромад қилсам экан, деб ўйлаётган эдим; мушқулим ўз-ўзидан осонлашди!

Ҳалиги қопқада қўлида дастурхон, сочига оқ ора-
лаган ўктам бир аёл кўринди. Бу, афтидан, Сирож
муаллимнинг хотини эди. Дастурхонни ёзаётиб, у ҳам
мен билан эски қадрдонлардек сўрашди. Кейин, қани,
дастурхонга қаранг, деб негадир кафти билан киф-
тимни ҳам сийпалаб қўйди.

Шу пайт қопқа ёнидаги деразада икки ёш, хушрўй
жувоннинг юзи кўринди.

Аёл деразага тунд қараганича, қайтиб ичкарига ки-
риб кетмоқчи эди, уни тўхтатдим.

— Кечирасиз... ойижон! Сизга гапим бор эди, —
дедим салмоқлаб. Сўнг, мезбонларни ҳадеб ажаблан-
тирмаслик учун мақсадимни қисқароқ ифодалашга
уриндим. — Мен муаллимнинг шогирдлариданман.
Кўп йил қўлларида ўқиганман. Жуда қадрдон.. эдик!
Мақтабни битиргач ҳам, кўришиб турганмиз. Хоҳ
ишонинглар, хоҳ йўқ, шундай эди! Бугун устозни бир
йўқлай, деб келган эдим...

Менинг гапимни эшитиб, аёлниг бўлиқ юзига
кўзларидан дув ёш оқди.

— Вой ўргилай, болам, — деди у. — Муаллимни
йўқлайдиган шогирди ҳам бор экан-ку! Раҳмат сизга,
болам. Ўлманг!

Энди ўктам аёл хонтахта ёнига вазмин чўқди. Бу
етмагандек, дераза томон имлаганича, ёш, хушрўй жу-
вонларни ҳам даврага чақирди. Жувонлар, рухсат те-
гиб, меҳмондан «қочмайдиган» бўлишгач, шошмасдан
гапни ўзидан бошлаб, менга даврада ўтирганларни та-
ништиришга тушди.

— Хўп, мен муаллимнингизнинг рафиқалари Сожи-
дахон бўламан, — шусиз ҳам буни билганимга қара-
май, тушунтирди уй бекаси. — Ўттиз уч йил бирга
истиқомат қилганмиз. Аҳил эдик. Муаллимнингиз мен-
га ҳеч қачон қаттиқ гапирмасдилар. Қийнамасдилар.
Ипак эдилар. Хотин кишига муносабат маданият бел-
гиси, дердилар. Маданиятли одам эдилар... — Ниҳоят,
у бурилиб, ёши мендан каттароқ йигитга қаради. —
Ўғилчамиз. Сотимжон. Чўли-сахроларни обод қиладиган
идорада ишлайдилар. Обрўлари яхши... — Мен
тенги йигитга юзланди. — Бу одам куёв. Адҳамжон.
Ер қазийдилар. Ҳунарлари шу... — Энди жувонлардан
новчароғига имо қилди. — Қизчамиз. Мамлакатхон.
Дадаларига ўхшаб, муаллим. Бир этак шогирд... —
Навбат бўйи пастроқ жувонга етди. — Бу киши келин.

Сожидахон... — Мен, тавба, Сожидахон ўзи эди-ку, нима бало, бошқа исмли қиз қуриб қолган эканми, деб ўйлаётган эдим, суҳбатдошим тушунтирди. — Муаллимингиз танлаганлар! Сожидахон, деб чақирганимда, иккаланг ҳам югуриб чиқасанлар, қизиқ бўлади, деганлар...

«Таништириш маросими»дан кейин, табиий ҳолда «унутилмас хотиралар»ни эшитишга тўғри келди.

— Қандоқ одам эдилар-а, муаллимингиз! — деди уй бекаси, янгамиз. — Чумолига озор бермасдилар! Ҳазрати инсон... Мендан бўлак аёлга қарамасдилар. Одобни бузмасдилар. Мени бошларида кўтариб юрардилар. Кўчага бирга чиқсак, олдинга ўзингиз ўтаверасиз, Сожидахон, биз эргашамиз, дердилар. Ҳеч қачон рашк қилмасдилар. Менга ишонардилар. Баъзан фақат, меҳрлари товлаб, дунёда аҳмоқ эркак ҳам кўп, дердилар...

Хотира узоқ давом этди.

Мен бу ерга келиб, кўнглимдагини сўраб-суриштиргани оғиз жуфтлашга улгурмай тошқиндек қуюлган дийдиёнинг охири кўринмас эди!

Бир шоир айтган экан: «Сендан яхши билар — сени, хотининг!»

Сожидахон ҳам Сирож муаллимни унинг ўзидан кўпроқ билар экан! Шу паллада Сирож муаллим камидо авлиё, бўлмаса пайғамбарга айланиб кетган эди...

Тахминан, бундай:

...Мақтаб болалар кетидан тўп-тўп судралиб юришади. (Баҳо қўймаган пайтлари биз ҳам судралар эдик!) Кўчада учраган ёш боланинг бошини силайди. Қўлига кўтариб олади. (Яқин орада сураткаш бўлса, бирга суратга тушиб қўймаганмикин?!) Чўнтагидан албатта эсдаликка нимадир чиқариб беради... Аёллар, кексаларни қаттиқ ҳурмат қилади. Юрганда йўл, ўтирганда ўрин бўшатади. (Йўл четидаги ўт-ўланни топтамайди!) Емайди. Ичмайди. (Кечирасиз... бу туришда керакли жойга ҳам бормаган!) Олдидаги насибасини бева-бечораларга улашади. (Ғариб-ғураболарга қутига солиб нарса ҳам жўнатган бўлиши керак!) Айниқса, Сожидахоннинг соясига кўрпа тўшайди...

Биз кунда кўриб юрган Сирож муаллим шунақа одам бўлган экан! (Биз унинг олижаноблигию ҳақиқатпарастлигини билсак-да, барибир қадрига етмаган эканмиз. Энди, афтидан, кеч... кеч!)

Менга аввалдан уй эгалари бир оз сермулозамат, бунинг устига, ийиброқ муомала қилаётгандек бўлиб туюлишган эди. Ҳозир эътибор бердим... Даврада ўтирганлар ҳикояни бўлмай, жимгина-берилиб, маҳзун жилмайиб эшитишарди. Мен бу хонадонга гўёки ажиб бир хушхабар олиб келганману шу сонияда катта Сожидахондан тортиб бутун оила аъзолари алланечук бахтиёр эди! Мен буларникига одатда кам одам кириб-чиқса керак, деб ўйладим. Менда, ҳар қалай, булар кўздан буён одамни соғинганми, моғор босган кўйга тушгандекми — таассурот уйғонган эди! Бу ердаги ҳолатни фақат меҳмондўстликка йўйиб бўлмас эди!

Бироқ мен зерика бошлаган эдим.

Демак, Сирож муаллим ўлган, қайтиб тирилмаган экан! Чойхонадаги киши бошқа экан! Худога шукр. Хайрият! Гап тамом. Вассалом... Мен учун шу муҳим, бу ерга келишдан мақсадим ҳам — шу эди! Азбаройи тартибни бузмай деб, мен энди маза-матрасиз хотираларни истар-истамас эшитмоқда эдим.

Менинг қисина бошлаганимга яна бир сабаб бор эди.

Сирож муаллимнинг ва албатта, Сожидахоннинг — «қизча»лари — Мамлакатхон, ўт-олов десамми ёки парданинг четини сал очиб, фаркўз деймикан — шунақароқ экан! Даврага келиб қўшилганидан буён у, эри ёнида эканлигига ҳам парво қилмай, кўзи билан мени сузиб ўтирар, қўйиб берса, шу дамдаёқ мисол учун бир кулгум сувдек ютиб юборадиганга ўхшар эди! Унинг ўзини тутишидан, у қолиб, мен уялаётган эдим... Бундан ташқари, жувонлардан бирининг бемор ётган боласи борми, ичкаридан аҳён-аҳён инграшми-ихрашгами, кейин ожизгина кулгангами ўхшаган вазияти овозлар эшитилиб турарди. Мен бунинг нима эканлигига тушунмаганимдан, бўғилиб-асабийлашмоқда эдим.

Ниҳоят, сабрим тутаб, гапни чўрт кесдим:

— Муаллим ҳали яшашлари мумкин эди. Ақл бовар қилмайди.

Сожидахон ҳикояси оҳангини бузмай, менга жавоб қайтарди:

— Тўғри, болам. Ақл бовар қилмайдиган иш. Ўшанда ҳам, кейин ҳам...

— Нима, кейин? — деб сўрадим сергакляниб.

— Йўқ, ўша куни, ойижон, эсингиздами... — ҳаяжонляниб гапга аралашди ҳозиргача жиддий ўтирган келин Сожидахон. У, айтаверайми, дегандек қайнонасига қаради. Катта Сожидахон бошини лоқайдгина силкитиб қўйгач, сўзида давом этди. — Биласизми, дадам йўлақда турган кўзгу олдида баъзан ўймалашиб қолардилар. Шунақа одатлари бор эди! Мен аёллардек мунча ойнага ўзларини солмасалар, деб гашим келарди... Мактабдаги воқеа рўй берган куни кечга томон йўлақдан ўтаётиб, ойна олдида яна дадамни кўрдим. Лекин бу қўндоқда теккан касал эканлигидан, эътибор қилмай, ичкарига кирдим. Кирдим кутилмаганда дадам негадир сўкинганлари, кўзгу чил-чил синиб тушганини эшитдим!

— Мен югуриб чиқсам, дадам менга, ойна ўз-ўзидан синиб қолди, деганлар, — тўнғиллади куёв Адҳамжон. — Одам ойнани ўзи синдирмайди-ку! Бу келаётган фалокат белгиси эди...

— Эҳтимол, шундайдир... Синдирмаслиги керак! Айниқса, дадам, — деди кичик Сожидахон. — Лекин барибир, у киши олдин сўкинганлари, кейин ойна синганини эшитганим аниқ. Худо ҳаққи, эсимда турибди.

Мен бу воқеага шу аснода аҳамият бермадим. Кўзгуни биров синдирганми, ўзи синганми — шунга ҳам ота гўри қозихонами?! Синса синибди-да! Ҳар қандай хонадонда гоҳо нимадир синади. Табиий ҳол!

— Ундан кейин-чи? — деб сўрадим тоқатсизляниб, катта Сожидахондан.

— Кейин... Муаллимингиз учун ҳозиргача муттасил қаердандир пул келиб туради. Олган ойликларидан кўп... У кишининг ёзувига ўхшаган, лекин имзо билан жойи белгисиз хат ҳам келиб туради. Ким ёзиб юрибди, билмаймиз!

Мен энди тахтадек қотиб қолган эдим.

Ниҳоят, бу ишга бефарқ қарамаётганимни яширмай:

— Ўша хатларни кўрсам бўладими? — деб сўрадим секин.

— Майли, яна бир келинг, болам. Топиб қўяман...

Сирож муаллимнинг уйдан аввалгидан баттар эсхушим оққанича, кўчага чиқдим.

Кўчада кетаётиб, биринчи навбатда Сирож муаллимнинг уйи эмас, бугун чойхонага борганимдаёқ —

аллақаяқдаги даҳмаза-савдони дастлаб сотиб олганим кам, тўхтаган жойидан давом эттирганим, ўзимни-ўзим жар ёқасига чиқиб олганида туйқусдан оёғи тойган одамдек кўйга солганимни —

ҳис этдим!

Ахир, мен бугун қайтиб чойхонага бормасам, шу билан ҳамма нарса тугаши, унутилиши ҳам мумкин эди-да! Кейин, олдинги пайтлардаги сингари руҳим азобдан фориг, жоним роҳатда юраверар эдим. Бу — менга аён эди! Энг баданингни қичитиб, алам қиладиган жойи: мен нега бўлмаган бир нарсаларга қизиқиб, бунга ҳеч қандай зарурат йўқлигини билган ҳолда, бошим билан шўнғиганимга тушунмас эдим!

Гангиб мадорим қуриганча, кўчада кетаётиб, Сирож муаллимнинг уйида менга бир лаҳза бурун, —

нозанин Мамлакатхоннинг ўтли нигоҳлари билан юрагимга ўқ отиб ўтирганлари-ю, ичкаридан аҳён-аҳён ғалати овозлар эшитилиб турганини айтмаганда, бугун иш рисоладагидек туюлганини ҳам —

эсладим.

Мен зерикарли суҳбат охирида «портлаш» рўй бериб, ойна синганидан Сирож муаллимга тегишли қолган гапларгача янги сир-синаотга айланишини хаёлимга келтирмаганимдан, адашиб-алданган эдим!

Мана, энди мактаб, қабристондан кейинги — сўнги нуқта — Сирож муаллимнинг уйига бориб, ҳамма нарсани аниқлаш ўрнига мени даҳшатли ноаниқлик гирдоби бир йўла тубига тортган эди!

Ҳозир кўчада кўксимга совуқ шамол урилиб, сесканган-жунжиккан ҳолатда, илк дафъа шу кунлар ўзимнинг ўт билан ўйнашаётганим — қалтис ўйин қилаётганимга ич-ичимда иқроп бўлдим. Бу — қандайдир хатарли, аёвсиз йўл; каллангни учраган туйнукка тикма, ўласан, бола, эсинг борида ҳали ҳам тўхтат, деб ўйладим.

Аммо менга панд-насихатнинг фойдаси йўқ; бунинг устига, аллақачон фишт қолипдан кўчган эди... Менинг ҳаётимда тепалиқдан вазмин-гарон бир филдирак думалай бошлаган, унинг охир-оқибатда пастга келиб тушиши қонуният эди! Мен бу қонуниятни буза

олмас эдим! Қўрқаётганми, номардик қилаётгандекми иш тутишни ҳам истамасдим! Қолаверса, савол устига савол қалашиб, мени қийнамоқда эди. Мен қаршимда кўндаланг бўлган бу саволлардан биронтасига ҳали жавоб тополмаган эдим! Умуман, Сирож муаллим тўғрисида ўйламайман, чойхонага энди бормайман, деб қанчалик тиришмай... шаҳардан тўлқиндек қулоч отиб ташқарига — олисларга чиқиб кетган катта йўл бўйидаги чойхонага барибир бораман! У ерда Сирож муаллимни учратаман! Хўп, ҳамон оёғимнинг бир томири тортаётганига қарамай, бундан ўзимни мажбур қилиб тўхтатган тақдирда ҳам... Сирож муаллимни вафлатда қолдириб, бошқа пана томондан «дарча» очишга, кейин, шунга қараб, унга муомала қилишга уринишим аниқ: унинг уйидагиларга яна учраб, у ёзган хатлар билан танишишим керак! Бўлмаса, тинчишим қийин! Назаримда, менга бу хонадонда биринчи кўришишдаёқ уйдаги бор сандиқлар оғзини очишмаган эди! Мен ҳар ҳолда ҳозир, бутун сир-синоатнинг калити (чойхожа ҳам, мактаб ҳам эмас!) шу ерда, деб ўйламоқда эдим... Хўп, бунинг баридан сақланиш мумкин. Лекин Бадалбек-чи?! Ҳанифа билан кўришгач, барибир уни эслашга тўғри келади! Бадалбек ҳақидаги ҳар қандай гап Сирож муаллимга бориб тақалади... Демак, бу — қисмат; бош бурганим билан қочиб қутулолмайман!

Бугун ҳам кўчадан уйга қайтганимда, олам зулматзимистон эди.

Туни бўйи яна чироқни ўчирмай, гоҳ нари-бери одимлаб, гоҳ мурватлари бўшаганидан нолон фикрлаган тахта-тўшақда думалаб, вос-вос бўлган кишидек,

алаҳлаб-тўлғаниб чиқдим.

Шунинг баробарида, энди тақдирга тан берганимдан, эй, жинлар-алвастилар келса келмайдими, деб кулбам деворидаги арзон-гаров рубобни босим тинғиллатиб, алланималарни гўлдираганимча, бу тунни ўзимча кўпроқ шовқин-сурон, исён билан ўтказдим.

Яна, болалигимда кимдандир эшитган

қизиқ ривоят ҳам ёдимга тушди. Уни менга Сирож муаллим эслатган эди!..

Улуғ бир шоҳ ўлганидан сўнг, қирқ йил давомида одамлар унинг қабри бошидаги туйнукка хат ташлаб,

оёқ томонидаги иккинчи туйнукдан жавоб олиб туришган эмиш...

Мен бу ривоятни эслагач, мабодо Сирож муаллимнинг оиласига пул жўнатиб, хат ёзиб турган бошқа биров эмас, аллақачон хоки туробга айланган унинг шаҳсан ўзи бўлса, —

бу ҳолда, у фақат олижаноб инсонгина эмас, чиндан авлиёми, пайғамбарми экан, деб ўйладим.

Лекин Сирож муаллим бундай қила олишига ишониш — телбалик; бу. — ҳаддан ташқари, ҳавоий гап эди!

Мен ўзимча, йўқ, у эмас, деган хаёлга ҳам бордим.

Аммо бошқа биров Сирож муаллимнинг оиласи ташвишини қилиб, бу етмагандек, эринмай унинг ёзувига мослаб хат ёзиб юришига ҳам ишониб бўлмасди. Бу — айниқса, омонат гап эди!

«Сирож муаллим фалокат пайтида ўлмаганми, Гўрўғлига ўхшаб қабрда ўнганганми — шундай бир ҳолат рўй берган...»

Мен яна олдин ҳам хаёлимдан кечган шу фикрга қайтган эдим!

Бу фикр қанчалик бемаъни туюлмасин, ҳақиқатга яқиндек эди.

Бироқ бунга ишониб-қаноат ҳосил қилиш учун ҳам кўп саволларга жавоб топиш керак эди:

масалан, жасад нима бўлди-ю, қабр нима қилиб турибди?! Ёки «тирилган» Сирож муаллим, наҳотки, икки йил ичида оиласини бундан огоҳ этиб, ақалли бирон марта уларга кўриниш бермаса?! Кўча-кўйда, чойхонада санқиб юраверса?! (Афтидан, унинг ётиб-турадиган жойи ҳам ўша овлоқ чойхона!) Буниси ҳам гўрга! Сирож муаллимнинг мактаб биносига кириб, у ерда йўқолганига нима дейсиз?!

Бу кеча яна, қайта-қайта —

Сирож муаллим билан Бадалбекнинг ҳалокати — сўнгги ҳолати менинг кўз ўнгимда жонланди... Бадалбек тўғрисида Ҳанифа айтган нарсалар энди менга ҳам беихтиёр ажабланарли туюлди. Афтидан, ўша кунни у рост гапирган эди!

Туни бўйи яна Ҳанифанинг ўзи тўғрисида ҳам ўйга толдим.

Мен уни аввалдан ёқтирганим ҳам, кўчада тасодиф кўришиб — у мени мафтун қилгани ҳам рост! Бу қиз илк қарашдаёқ камтар, жиддий, ақлли, меҳнаткаш, са-

мимий эканлиги кўриниб турарди. У фариштами, ал-вастими?! — барибир нур; менинг ҳаётим эшигидан тушиб турган ой нури эди! Мен уни йўқотиб қўйишдан кўрқар эдим! Бахтсиз бўлишим мумкинлигини энди ўйламасдим! У билан ўзимни, аксинча, дуч келган бало-қазони енгиб ўтадигандек ҳис этар; ҳар қалай, ҳозир шундай кайфиятда эдим!

Олдинги галга ўхшаб, бу сафар ҳам тонгта яқин кўзим илинди.

Бироқ сесканиб кўзларимни очдим.

Қиз бола, аёл кишининг феъли маълум: баҳор хавоси! «Мана, Астробод!» — дегандек бир гап.

Ҳанифа менга очик ваъда бергани йўқ. Учрашувга келмаса, нима бўлади?!

15

Йўқ, якшанба куни, менинг хавфсираганимга зид ҳолда, ўз вақтида —

Ҳанифа учрашувга келди.

Биз шаҳар марказидаги куз кунларида хувиллаб қоладиган боққа кириб, тўкилган баргдан олачалпоқ гилам тўшалган йўлкаларда айлана бошладик.

Боғ шу палла баҳордагидек тиниқ ярқираган офтоб нурлари остида қаҳрабо-қизғиш тусда тўлқинланиб-товланар, ҳар япроқ узилиши эшитилган осойишталикда, ажабки, буюк бир фарёд яшириниб ётгандек эди!

Мен бу учрашувда албатта Ҳанифа билан биринчи кўришаётгандек ҳаяжонланаман, суюнаман, биз энди бедард-беҳасрат гаплашамиз, кўнглимиздаги илиқликни бир-биримизга улашамиз, деб ўйлаган эдим. Шундай бўлишини ҳаттоки орзу ҳам қилган эдим! Аммо боққа қадам қўйгач, кўксимни болалик пайтимдан юрагимда яшаган ноаниқ бир ғусса чулғаб, негадир яна ўзимнинг ўтган бутун ҳаётимни эсладим. Биз ҳали бир-биримизни яхши билмаслигимизни ҳис этдим. Қандайдир қутлуғ саждагоҳга тавба-тазарру қилгани кирган кишидек, Ҳанифага ўз тўғримдаги бор гапни айтгим келди.

— Сизга раҳмат, Ҳаниф. Ҳаммаси учун! — дедим унга. — Мен сиздан яширмайман... Менинг умримда ёруғ кунлар бўлди. Ота-онам меҳри. Мактабга борган пайтим. Мактабни битирган пайтим. Кўчада болалар

билан эркин-бепарво ўйнаб юришлар. Илк марта улғая бошлаганингни англаш... Лекин менинг ҳаётим, асосан, оғир кечди! Ёввойи ўтдек ўсдим. Одамдек тарбия кўрмадим! Шундан, бўйнимда гуноҳларим ҳам кўп. Отам оддий косиб эдилар. Лекин билимлари бор, китоб ўқирдилар. Касб билан шуғулланиб, баъзан китоб ўқиш менга отамдан юққан. Онам уйда ўтирадиган аёл. Кўйлакми, нимчами тикиб, гоҳида бозорга олиб чиқардилар. Турмушимиз ночор эди! Кейин, отам, кўп ўтмай онам дунёдан ўтдилар. Уларнинг топган-тутганлари опам билан акамга сарфланган эди. Ҳовли-жой, мерос дейишга арзиб-арзимаган нарсалар ҳам шуларга қолди! Мен уйдан бош олиб кетдим. Аввалига ўзим ишлаётган устахонада ётиб турдим. Бўлмагач, ғарибгина бир кулбани топиб жойлашдим. Ҳозир ҳам куним шу ерда ўтяпти... Тўғри, мен пок сақланишга уринаман. Кўнглимда Худога ишонаман. Қўрқаман. Отам шунга ўргатган. Лекин ўзимни икки жаҳон овораси деб биламан. Менга болаликдан, туғилган муҳитдан кучлироқ муҳитда, сен ҳаётнинг эгаси, дунё сеники, ҳаёт фақат шу, олға бос, қабилада ёвуз тарбия беришди. Мен иккига парчаланиб, бир вужудда икки одамга айландим... Чекаман. Ичган пайтларим бўлади. Иста-истама, сени устахонада эгри ишларга аралаштиришади. Бош буришнинг иложи йўқ. Ҳар хил одам бир қозондан овқат ейсан... шундай яшайпмиз! Баъзан уйда юрагим сиқиб, отамдан қолган эски китобларни варақлайман. Баъзан рубоб тингилатаман.. Сизни кўрмай юрганда ҳам, ора-сира рубобни қўлга олганимда, эслардим. Рост! Сиз тўғарақдаги бошқа ўйинқароқ қизлардан ажралиб турардингиз. Кўнглингизга олманг, кўпчилик сизни санъаткор бўлади, деб ишонарди...

Шу дамгача менга жим қулоқ тутиб, ёнимда ўйчан одимлаётган Ҳанифа:

— У гаплар қолиб кетди, Вали ака! — деди ғамгин кулумсираб. Кейин, ҳозир касалхонада оддий ҳамшира эканлигини айтди. — Бизда ёмон киши йўқ; ҳаттоки, бирон жиноятчи йўқ. Барчаси одам. Қараш керак! Мен учун мусиқа шу! — деди Ҳанифа. Бу билан у ҳикоямни эшитиб, мендан ҳафсаласи пир бўлмагани, ортиқча айб излаб юрмаслигини ҳам эслатгандек эди.

Мен Ҳанифа ўзи тўғрисида нималарнидир айтиши, суҳбат давом этишини истар эдим.

— Хўп, ўз соҳангизда нега ўқимадингиз? — деб сўрадим ундан, эҳтиёткор оҳангда.

— Дадам ўлмаганларида, балки... Энди эса яшаш керак!

Мен бу учрашувда Бадалбекни эслашим ёки Ҳанифа билан Сирож муаллим тўғрисида гаплашишим шарт эмасди. Ундай ниятим ҳам йўқ эди. Аммо аввалдан тасаввур қилганимдек, гап ўз-ўзидан уларга бориб боғланган эди!

— Кечирасиз, Ҳаниф. Мен шунчаки... Дадангиз кўп ичармидилар? — қизиқсиндим беихтиёр.

— Доим эмас. Лекин ичганда қаттиқ ичардилар. Бир неча кунлаб ўзларига келмасдилар... Бу ҳаммаси аламдан!

— Қанақа алам?

— Одамлар билмайди. Айтсанг, ишонмайди... Биз асли бу ерлик эмасмиз. Дадам ёшлиқда уч-тўрт йил фазокорлар орасида юрган. Сирли ҳарбий учишларда қатнашган. Обрў қозонган! Машҳур одам бўлиб кетиши мумкин эди. Лекин қарғиш текканидан, омад юз ўтиради... Дадам тақдир айланиб, Ширинқўлда оддий аэропланда учаётганидан, қилаётган ишидан норозиланиб, баъзан эзиларди...

— Эзилса, далага дори сепадими! Ерни нега заҳарлайди?! Нега ўйламайди?! — аччиқландим бехосдан.

— Биласизми, дадам эркин, мағрур киши эди. Ҳаётда бировга бўйин эгмасди. Ҳар кимнинг гапига киравермасди... Лекин унинг учун буйруқ муҳим; у аскар эди! Шундай тарбия олганди. Унга буюрилса, бас, ўтга, сувга ташланарди! Қулга айланарди... Мен дадамни оқламайман. Шу билан бирга, айб фақат менинг дадамда эмас. Тушунинг!

Буни тушунишга хоҳишим йўқ эди.

Ҳанифанинг ҳикоясини эшитиб, Бадалбекка нисбатан муносабатим ўзгармаганди. Мен унга Сирож муаллим ҳалок бўлганидан буён нафрат, адоват билан қарайман! Ушандан буён у далаларни, ерни заҳарлар эди, ёвуз эди, деган гап хаёлимдан кетмайди. Бунинг даҳшатини ҳис эта бошлаганимдан, жазавага тушаман. Шундан, ҳозир Ҳанифанинг гапига қулоқ солгим ҳам келмаётган эди.

Дарвоқе, Сирож муаллим...

Мен сўнгги кунларда у тўғрида ўйлаганимча, эзилиб, адоий-тамом бўлган эдим. Шу боисдан, унга

қўйган эътиқодимга ҳам бир оз дарз тушгандек эди... Бироқ учратган одамим уми, бошқами?! — менга ҳозирча қоронғу эди. Бунинг устига, гоҳ соддадил, гоҳ изкуварларга хос жиддий-муғамбирона йўсинда бировни таъқиб қилаётган — у эмас, мен эдим! У мендан ҳайиққандек, чеккада нафас ютиб турарди. Унга қандай эътироз билдириш мумкин?! Демак...

Сирож муаллимнинг хотираси азиз, у мен учун олижаноб инсон бўлиб қолаверади!

— Сизга ҳам Сирож муаллим дарс берганмидилар? — деб сўрадим Ҳанифадан.

— Сизга дарс бергандан кейин... мактаб бир бўлса! — эслатди Ҳанифа.

Шу пайт миямга чақмоқдек фикр урилди:

бир ўлимга йўлиққан икки одам! Қабрлари ҳам ёнма-ён!

— Булар олдиндан бир-бирини танирмиди?

— Танитай қаяққа боради! — ажабланди Ҳанифа. — Мен мактабда ўқисам... Шаҳарда кўпчилик бир-бирини билса... Икковлари одамлар орасида бир-бирлари билан тортишиб-талашиб юрган бўлсалар... Қолаверса, Сирож муаллимнинг биринчи хотинлари бизнинг кўчамизда турган...

— Сирож муаллимнинг оддинги хотини ҳам бор эканми?! —

— Бор эди! Маҳлиқо опа деган аёл... Биз болаликда уларнинг ҳовлисига кириб ўйнардик. Болаларни яхши кўрарди. Боласи йўқми, ўлганми дейишарди. Биз, бегона болаларга, кирганимизда доим бўғирсоқ пишириб берарди...

Мен Сирож муаллимнинг турмушидан беҳабар эдим. Аммо ҳозир бу мени ортиқча қизиқтирмади ҳам! Дунёда оиласи бузилиб, янги оила қурган одам оз эмас. Бировни айбаш қийин! Мени шу аснода бошқа бир нарса ҳайратга солган эди...

Мабодо Бадалбекка қўшилиб, унга буткул дахлсиз кимдир ҳалокатга учраса, эҳтимолки, буни тасодиф ҳам, табиий ҳам деса бўлаверарди! Бадалбекнинг ёнида Сирож муаллимнинг ҳалокати... Худо кечирсин, кел, бир-биримизни билардик, курашиб юрардик, бирга ўлиб ҳам қўяқолайлик, дегандек тассурот уйғотарди! Ҳар ҳолда, Ҳанифанинг гапидан энди саросималаниб, мен худди шундай хаёлга борган эдим.

Афтидан, Ҳанифа нега бугун у билан учрашганим-да, отаси ҳақида суриштириб, Сирож муаллимга бунчалик қизиқаётганимга тушунмаётган эди. Лекин мен унга буни тушунтириб ўтирмадим. Пайти келар! Ҳозир эзмаланиб, нима ҳам дейман?!

Афсуски, шундай бир малак — Ҳанифа — Бадалбекнинг қизи! Мен ундан кетолмайман, аммо Бадалбекни ҳам кечиролмайман. Менинг энди қисматим шу. Борини кўраверишим керак. Илож қанча! Ҳанифани бундан кейин қийнамайман. Ахир, кўришишдан мурад бу эмасди-ку!

Биз уларнинг кўчаси муъолишида хайрлашдик. Қеласи дам олиш кунни яна учрашадиган бўлдик...

16

Менга Сирож муаллимнинг хатларида унга тегишли бутун сир-асрор ёзилгану уларни ўқисам, кўз олдим ёришиб, руҳим бир оз енгил тортадигандек туюлар эди!

Бунинг устига, унинг хонадонидида бу гал нималар дейилиши мени қизиқтирмақда эди. Мен уйдаги бор сандиқлар оғзи ниҳоят очилишига умидланар эдим!

Шу кайфиятда юриб,

бир кунни устахонадан чиққанимча, яна қанд-қурс харид қилиб, уларникига бостириб бордим. Дарвозани тақиллатдим.

Бироқ

бу гал ҳадеганда негадир остонада биров кўринмади.

Кейин...

Мамлакатхон...

— Келинг... Келаверинг! Уялманг! — деди у. Менинг иккиланиб турганимни пайқадими, қўшиб қўйди: — Биз ҳозир...

У шипиллатиб айвонга кўтарилганча, ичкарига кириб кетди. Мен йигитлардан биронтасими, ойисиними чақирса керак, деб айвон этагида қотиб турардим. Аммо қайтиб унинг ўзи чиқди.

— Нега бу ерда турибсиз?! Келавермайсизми?! — деди. Кейин, кулди. — Юракдан ҳам бор экан-ку!

Мен айвонга ўтиб-ўтмай, Мамлакатхон тагин кўздан ғойиб бўлди. У ичкаридан энди бахмалга ўралган алақандай жилдни қўлтиқлаб чиқди. Мен бу

хатлар солинган қути бўлса керак, деб ўйлаётган эдим...

— Ойим ҳозир келадилар. Сиз зерикмасдан сурат кўриб ўтиринг, — деди Мамлакатхон.

Сурат кўра бошлаганимда, қўлида чойнак кўтариб, ёнимда пайдо бўлди.

— Танимаяпсизми? Дадам... ёшлик йиллари, — деди мен тикилаётган суратга имо қилиб. Чойнакни хонтахта устига қўйиб, ёнимга чўккалади. — Келинг, ўзим кўрсатаман! — У менинг олдимдаги жилдни варақлаб, суратларни бирма-бир шарҳлай бошлади. Менга шу қадар яқин ўтирар эдики...

Мен қисиниб, кескин дарвоза томон қарадим.

— Юрақдан бор экан! — деди мендан бу сафар ўпқаланиб Мамлакатхон. Сўнг, алланечук титроқ пичирлади: — Қўрқманг. Беркитганман! Ҳали келишмайди... Булар пайшанба кунлари овга кетишади. Уйда ҳеч ким йўқ! — Унинг ростми, ёлгон, нимани кўзда тутиб гапираётганига тушуниш қийин; йигитлар балки ов қилишар! Лекин қайнона-келин Сожидахонлар қанақа овга боришлари мумкин?! — тасаввурга сифмас эди!

Мен барибир уялаётганми, қўрқаётгандекми эдим. Аммо Мамлакатхоннинг овозидаги титроқ менинг вужудимга кўчган. У қонимда ёт туйғуларни қўзғатмоқда эди.

Кўп ўтмай, — қайси бир лаҳзада, нега бундай бўлди?! — билмайман, — иккимизнинг қўлларимиз бир-бирларимизнинг бўйинларимизга чирмашиб кетди... Мен уни бағримга босиб, ўпа бошладим.

Бехосдан, ўтган гал келганимда бўлганидек, ичкаридан (бемор ётган бола шекилли?!) инграшми-ихрашгами, кейин ожизгина кулгангами ўхшаган галати овозлар эшитилди...

Мен — кўксим музлаб, — Мамлакатхоннинг иссиқ оғушидан бўшандим. Яна уялаётганми, қўрқаётгандекми ҳолатга қайтдим. Кескин ўрнимдан турдим.

Бироқ иккимизнинг орамизда бегоналик йўқолган, қандайдир муносабат пайдо бўлган эди.

Шу боисдандир, эшик олдига борганимда, Мамлакатхон қўлимдан тутиб, олдингига ўхшамаган ажиб бир ҳасрат билан нидо қилди:

— Мендан кулманг. Мени айбсйтиб ҳам юрманг... Мен ўзимни туюлмадим. Нега? Ўзим ҳам билмайман...

Кейин, аниқ кўрсатма берди:

— Келаси пайшанба куни келинг. Кутаман. Хатларни ҳам ўзим ойимдан олиб қўяман...

... Бунинг ҳаммаси

Сирож муаллимга боғлиқ бутун воқеалар сингари алоқ-чалоқ тушни, ҳаётдан кўпроқ хаёлга ўрин берган телбаликни эслатар эди. Ҳозиргина нималар бўлганию нималар бўлаётганини менинг тез англашим душвор эди!

Кўчага чиққанимда, нечундир отамдан қолган қайсидир эски китобдаги: «Шайтон таңдаги қон каби...» — деган сўзларни эсладим. Ўзимча: «Энафарни боласи...» — деб ўйладим. Бу — шайтонгами, Сирож муаллим ёки Мамлакатхонгами — кимга тегишли? — билмас эдим.

Шунинг баробарида, Мамлакатхоннинг рангпар лаблари, оппоқ бўйни, қатта, ўтли, ёввойи кўзлари энди хаёлимда қотиб қолган эди! Мен умримда ҳали аёл билан бу қадар яқин ўтириб, унинг баданини туймаган, аёл тафтидан куймаган эдим. Мен — бир ёнилиги; гугурт чақса, ўт оладиган бўз йигит эдим! Шунинг учун, рўй бераётган воқеалар — мени домига тортган даҳмаза гирдобида, энди Мамлакатхондан ҳам осонликча қочиб қутуладиганга ўхшамас эдим...

17

Мен —

бошдан Мамлакатхон ўт ёқиб, шу йўлга тортгани, ўзимни оқлагим келаётганига қарамай, —

Ҳанифага хиёнат қилган эдим.

Буни билар эдим!

Менга ишонган пок бир қизнинг кўзларига тупроқ сепган эдим.

Буни кечириб бўлмас эди!

Ҳанифа билан учрашувга боряпману уни ҳозир кўришга майлим йўқ; бўйнига олган мажбуриятни адо этгани кетаётган кишидек ҳолатни сезмоқда эдим!

Бу ҳам майли; мен гўёки икки хотинли одамману кимдир мени бармоғини бигиз қилиб кўрсатаётгандек, атрофга нотинч аланглар эдим!

Ўзимни шу паллада қандай, Ҳанифа билан кўришганда қандай тутишимни — билмас эдим!

Шаҳар марказидаги боғ эшигида Ҳанифани икки соатча кутдим.

Лекин у менинг хиёнатим, бутунги ҳолатимдан хабар топгану келмасликка қарор қилгандек эди! Келмади.

Кулгили: мен унинг келмаётганига инжиш эмас, суюнаётгандек эдим! Шундай бўлгани яхши, Худога шукр, деб ўйлар эдим.

У икки соатдан кейин ҳам келмади!

Мен ўзимни елкасидан тоғ ағдарилгандек сезиб, уйимга қараб жўнадим...

Пайшанба куни Мамлакатхон пойлашини билсамда, унга ҳам бормадим.

Сирож муаллимнинг изидан тушганим — бир томон, бу — икки; бу — айниқса, хатарли, фалокатли, Ҳанифага хиёнат қилишдан ташқари, одамгарчиликка тўғри келмайди, деб ўйладим.

Ўзимдан ҳам, Мамлакатхондан ҳам кўрқдим!

Ҳафта бўйи Ҳанифани эсладим. «Сен унга муносиб эмассан! Сенга нима керак?!» — деган гап ҳаёлимдан кетмас эди. Шу билан бирга: «У мендан озор чекканми, мени кечирмайдими, нега учрашувга келмади?!» — деган минг хил савол мени бурдалар эди! Аниқ билишни истар эдим...

Менга ҳамон — Ҳанифани учратсам — ўзимни қандай тутиб, нима дейишим маълум эмасди.

Аmmo энди уни кўришни истар эдим!

Кейинги якшанба куни яна шаҳар марказига бордим.

Яна Ҳанифа келмади...

Қабристонга ҳам бордим. Балки, отасини зиёрат қилгани келар, деб ўйладим. Бироқ Ҳанифа у ерда ҳам кўринмади...

Навбатдаги ҳафта — пайшанба эмас, атайин бошқа куни —

Сирож муаллимнинг уйига яна йўл олдим.

Ҳамма уйда эди.

Катта Сожидахон менга бир даста хат кўрсатди.

Хатларда чиндан имзо билан жой белгисиз, мазмун ҳам шунга яраша: барчалари саломат бўлсинлар, омад буюрсин! — қабилдаги умумий гаплардан иборат эди. Булар Сирож муаллимнинг ёзувини бир оз эслатганини айтмаганда, аниқ маъно топиб, у ёки бу хулосага келиш мушкул эди! Буларнинг қизиқарли томони

фақат ўша: имзо билан жойнинг белгисиз эканлиги эди!

Уйда Мамлакатхонни ҳам учратдим.

Унинг қош-қовоғи солиқ, ўзини тутишидан, у менга: «Юракдан бор экан-ку!» — деб таъна қилаётгандек эди. Мен гўёки йигит эмасману муттаҳамларча қочиб, уни қаттиқ ранжитгандек эдим!

Шу алфозда
яна кунлар
ўта бошлади...

18

Сўнгги пайтларда ўз-ўзим билан ўралашиб,
таниш чойхонага бормадим;

Сирож муаллимни йўқламадим.

Бу ҳақда ўйламадим ҳам!

Афтидан, энди қочишга ҳожат йўқ; Сирож муаллимнинг ўзи менинг ҳаётимни тарк эта бошлагандек эди...

Шундай юриб, бир куни тасодифан мактаб биноси ёнидан ўтарканман, эзилиб — Ҳанифа ёдимга тушди.

Беихтиёр бинога қараб юрдим.

Эшик оддида директорга дуч келдим. Улуғ Ақобир деган бу киши мактабда ўқиётганлардан битирганларни кўпроқ яхши кўрар, борсанг, қўлтиқлаб олар эди.

У мени ҳам қўлтиқлаб, хонасига судраб кетди.

Мактабдаги янгиликлардан, Улуғ Ақобир, ярим соат чамаси ахборот берди. Ниҳоят, қизиқ бир гап айтди:

— Мактаб номини ўзгартирмоқчи эдик! Нима дейсиз?!

Мен — кўчадаги одам; бунақа нарсаларга ақлим етмаслиги, ишим ҳам бўлмаганидан кифтимни қисдим.

— Ўйлаб қаранг, — деди директор. — Турган жойимиз Ширикўл. Ошхона Ширикўл. Мактаб Ширикўл. Ҳаммаёқ Ширикўл... Кимга керак?! Халқ кулмайdimи?! Биз мактабга Сирож муаллим номини бермоқчи эдик...

— Ях... яхши, — дедим ўпкам бирдан оғзимга келиб.

— Албатта, яхши. Устоз умрини мактабга берган. Мактабни бағрига босиб, қаҳрамонларча ўлган! Биз

эсламасак, биров эсламайди. Ана, сизлар бу одамдан тарбия олгандек, болалар у кишининг номидан ҳам тарбия олиши мумкин! Лекин тушунишмаяпти...

— Ким? — деб сўрадим секин.

— Катталар, — деди Улуф Ақобир. — Рухсат тегмаяпти! Кўнишмаяпти... Буларнинг билгани: тўхтанглар, шошманглар! Нега тўхтар эканмиз?! Нега шошмаймиз?! Биз ҳам пақ этиб ўлиб қолсак-чи?!

— Бирор сабаб бор эканми?! — эҳтиёткорлик билан сўрадим директордан.

— Тергов битмаган, дейишяпти. Мумкин эмас, дейишяпти...

Мен мактаб дардида куйиб хуноби ошаётган Улуф Ақобирга, ҳаммаси яхши бўлади, мазмунида далда бердим. Ортиқча лом-мим демадим. Бироқ лаҳза ичида шу кунгача рўй берган барча воқеаларни эслаб, «Бунга терговдан бошқа сабаб йўқмикан?!» — деган содда-шубҳали бир гап хаёлимдан кечди. Яна гангиб-саросималанган эдим!

Мактаб биносидан чиқиб, Сирож муаллимнинг ўлган-ўлмаганлигини янгидан текширмоқчидек, чойхонага қараб кетдим.

Чойхона тўрида Сирож муаллим — негадир ҳадеб бош бармоғининг орқаси билан қошини сийпаганича, — мен олдиндан билган тўрт йигит билан

бугун ҳам нималарнидир пичирлашганча, гаплашиб ўтирар эди!

Мен чойхона эшигиданоқ орқага бурилдим. Бирдан...

кун — пайшанба эканлиги, Мамлакатхон уйда бўлиши кераклиги ёдимга тушди.

Бу хонадонда ҳамон менга нималарнидир айтишмаётганини ҳис этар эдим! Мамлакатхонни гапга солиш керакмиди, деган хаёлга бордим... Худодан яширмаган бандадан яширмайди. Мен уни эркалагим ҳам келмоқда эди!

Бордим.

Мамлакатхон мени нохушроқ қаршилади. Аммо айвонга бошлади.

— Нега келмадингиз?! — менга тик қараб, қатъий оҳангда сўради, айвонга чиқиб ўтирганимдан сўнг.

— Тобим бўлмади...

— Қочиб юрисиз! Ёлғончи... — У бехосдан юм-

шаб, олдинги нозанин Мамлакатхонга айланди. Чой келтириб, ёнимга оҳиста чўккалади.

Бизнинг қўлларимиз яна бир-бирларимизнинг бўйинларимизга чирмашиб кетди.

Бу қандай бало?! —

худди шу маҳал ичкаридан яна инграшми-ихраш-гами, кейин ожизгина кулгангами ўхшаган ғалати овозлар эшитилди.

— Уйда ёш бола борми? — сабрим тугаб, секин сўрадим Мамлакатхондан.

У бошини чайқади.

— Сожидахоннинг болалари ойсиникида туришадди. Менинг болам йўқ. Эрим соғ эмас... — У дабдурустдан тутақди. — Мен буларнинг ҳаммасини ёмон кўраман! Дадамни ҳам, ойимни ҳам, эримни ҳам... — Қандай тез бўйилган бўлса, негадир шундай тез шаштидан қайтди. — Мен бола кўргим келади... — У менинг бетимдан ўпди. — Сиздан!

Мени яна уялаётганми, кўрқаётгандекми ҳолат чулғаган эди.

— Дадамни кўрсатайми?! — деди шу палла бехосдан Мамлакатхон менга жиддий.

Мен, олдин кўрмаган бирон суратни айтаётгандир, деб ўйладим. Бироқ у нечундир уй томон нотинч кўз ташлади. Менинг баттар эсхонам чиққан эди! Шунга қарамасдан, бош силкидим.

— Йўқ. Келаси пайшанба... Бўлмаса, қочиб кетасиз! — деди Мамлакатхон.

19

Биз ҳозиргача уч марта кўришган,

буниси — тўртинчи эди.

Тўғрироғи, улар юзма-юз туриб, бир қур ҳам мени кўрмаган,

мен ҳам уларга шу пайтгача яқиндан қарамаган эдим.

Илк дафъа уларни мен чойхона қаршисидаги хиёбонда беркиниб туриб кузатган, кейинги икки қатла чойхонада фақат уларнинг сал букилиб турган елкаларини кўрган эдим.

Аммо барибир

устахона эшиги олдидаги майдончада кўзим тушиши билан, дарҳол танидим:

мен буларни Сирож муаллимнинг ёнида учратганман!

Атроф-оламдаги бошқа шаҳарларда қандай?! — билмадим, Ширинкўлда безори кўп. Ўғри, товламачи. Бадмаст каллакесарлар... Бу — тўрт йигит илк қарашда ким эканлиги, кўнглида нима борлиги номаълум, афти-ангори шубҳали шундай одамларни эслатишар эди! Шунинг баробарида, ўзларини эркин, кибор тутишлари жиҳатиданми, ниҳоятда сипо кийинишганданми, уларга ўхшашмас эди. Тўрттала йигит ҳам одатдагидан новча, бақувват. Уларнинг орқалари ва оёқлари, айниқса, гавдаларига нисбатан каттароқ эди. Бир хилда эчкисифат сийрак соқол кўйишган; юзлари малла, кўзлари кўм-кўк. Турқи-тароватлари яхлит ҳолда қандайдир кўкиш алангани ёдга солар эди.

Ажабтовур бу кишилар майдончада, менга эътибор бермай,

сўзлашиб туришарди!

Мен ҳам аҳамият бермагандек, уларнинг ёнидан югурганимча ўтиб,

энг қисқа йўлдан, эгри-бугри, тор кўчалар орқали уйимга қараб жўнадим.

Бироқ кўча бошидаги майдончада

улар худди ўша ҳолатда туришар, мендан олдин етиб келишган эди!

Мен яна парво қилмагандек кўйда югуриб, ўзимни ҳовлига урдим. Уйга киргач, эшик-деразани маҳкамладим. Бошимни ўраб, калима ўгирганимча, етиб олдим...

Бу манзара

кетма-кет икки кун давом этди.

Менинг изқуварлигимга жавобан ниҳоят менга нисбатан ҳам таъқиб бошлангандек эди.

Йўқ, Хайрият!

Икки кундан кейин,

янги танишларим йўлимда қандай қомат тиклашган бўлса, шундай ғойиб бўлишди. Улар мени урмаган-сўкмаган, ҳозирча фақат огоҳлантириб қўйишгандек эди!

Мен бу таъқиб

Сирож муаллимнинг изидан тушишни ҳамон тўхтатмаётганим учунми,

Мамлакатхон учунми?! — билмас эдим. Балки, иккаласи учун ҳамдир... Ахир, улар бир-бирига боғлиқ

эмасми?! Қандай бўлмасин, Сирож муаллимга қўл силташ керак; Мамлакатхон борасида ҳам... кейинчалик қорин оғриб юрганидан ҳозир қўлни ювиб қўлтиққа урган маъқул! Мендан ҳеч бўлмаганда энди иродамни жамлаш талаб қилинмоқда эди!

Мен буни тушунардим! Аммо менга Сирож муаллимга тегишли сир-синоат ана-мана очиладигандек туюларди. Мамлакатхоннинг олдида эса иккинчи бора ёлгончи бўлишни истамас эдим!

Келаси пайшанба куни яна уларникига бордим.

20

Бу сафар

Мамлакатхон мени уй бекасига хос дастурхон тузаб,

очиқ чеҳра билан кутиб олди.

— Ишдан келяпсизми?! Ҳозир овқат пишади, — деди у.

Биз анча дилкашлик қилиб ўтирдик. Бирга овқатландик.

— Сизлар қаерда турасизлар? — деб сўради овқат пайти мендан Мамлакатхон.

Мен ўзим турган жойни айтдим. Бу — шаҳарнинг чекка ҳовлиларидан бири, Рўзибой деган одамнинг уйи!

Мамлакатхон негадир қизиқсинди:

— Уйда одам кўпми?

— Буларнинг иккита ҳовлиси бор, — тушунтирдим унга. — Гоҳ у ёқ, гоҳ бу ёқда. Лекин Рўзибой ака, асосан, шу ҳовлида. Фақат шанба, якшанба кунлари у ҳам кетади... — Кейин, ўз ҳовли-жойимиз ҳам борлигини, у ерда опам билан акам яшашларини айтдим.

Мамлакатхон ўйланиб қолди. Дастурхонни йиғиштиргач, қайтиб келиб бағримга сингиди.

— Дам олиш кунлари уйда бўласизми?

— Кўпинча уйда... Нима эди?!

Мамлакатхон туйқусдан мени койиди:

— Тинчроқ учрашадиган жой... ўзингиз ўйламангиз! — У бўйнимдан қаттиқ кучди. — Бирон якшанба куни борсаммикан? Ҳайдамасангиз керак... Бу ерда қийин!

Мен вужудимни бирдек тарк этмай келаётган қарама-қарши ҳолатлар, ҳиссиётлар тўлқинида ҳозир

худди еру осмон орасида муаллақ юзаётгандек эдим. Нималар бўлганию нималар бўлаётганини идрок қилишга аввалдан-ҳамон ақлимми, ҳол-мадоримми етмаётган эди!

— Дадамни кўрасизми?! — деди Мамлакатхон менга тикилиб.

Бу кун уй ҳар қачонгидан тинч туюлиб, ўзимни осойиштароқ ҳис этганим учундир, унинг бу ҳақдаги ваъдасини унутгандек эдим. Очиги, юрагим орқага тортганига қарамай, Мамлакатхон нимани кўзда тутаетганига тушунмаганимдан, бу гапда жиддийроқ маъно бор, деб ўйламаган ҳам эдим! Назаримда, бу шунчаки бир ўйин эди...

Кўрсак кўрибмиз-да!

— Юринг...

Мамлакатхон мени айвон белидаги қопқадан ичкарига бошлади.

Биз кенг йўлақдан энсиз бир хонага, ундан катта хонага ўтдик. Сўнг алақандай нимқоронғи даҳлизга кириб, рўпарадаги эшиқдан уч-тўрт зина пастдаги ертўлага ўхшаган тор бир жойга тушдик. Бу — тахминан айвон билан йўлак ўртаси эди.

Дераза йўқ. Икки бурчақда чиरोқ ўрнатилган; улар хирагина милтиллар эди.

Мен ҳали ҳам Мамлакатхоннинг ниятига тушунмаган эдим.

— Дадам... Махлуқ! — кутилмаганда алланечук ижирганиб пичирлади у.

— Нега ундай деяпсиз?! — инжидим Мамлакатхондан.

Шу пайт кўзим тушди... Худойим, ўзинг кечир!

Фиров, — белидан арқон ўтказиб, маҳкам боғлаб қўйилган ҳолда, — тўшакка ярим қапишиб, ярим мункайиб ўтирарди. Озиб-тўзиган, кўзлари ичга ботган, аммо уни барибир таниш мумкин... у — Сирож муаллим эди!

Мен умримда кўп саросималанган, қўрққан, бироқ ҳеч қачон бунчалик даҳшат туймаган эдим! Бошимга тўқмоқ тушгандек, ўзимга келолмай, кесакига суяниб турардим. Шундай бўлса-да, ҳозир, биринчи галда ўзимни қўлга олиб, Сирож муаллимга нималардир дегим, у билан гаплашгим келмоқда эди. Мен ундан алланарсаларни сўраб-суриштиришга чоғланган, аммо лаб жуфтлаёлмай қотиб қолган эдим.

Шу аснода беихтиёр пайқадим... У ёш боладек қандайдир эски ўйинчоқни ўйнаб, ўз-ўзи билан овора, инграбми-ихрабми ўтирибди!

— Дадам! — ижирғанди яна Мамлакатхон. — Ҳаманинг миясини заҳарлаб, ўзининг ҳам мияси заҳарланиб қолган... Махлуқ!

Мен хаёлимга келмаган оддий бир нарсани ҳис этиб, мана энди олдингидан баттар даҳшатга тушдим... Сирож муаллим — ҳалок бўлган кишими, чойхонадаги одамми, буми? — ким?! Ким, ахир?!

Менга лаҳза ичида ўзим билан бирга зулмат-зимистон ертўла, унга қўшилиб уй, уйга қўшилиб бутун дунё портлаб кетадигандек бўлиб туюлди.

Мен бошимни чангаллаб,
Мамлакатхон билан хайр-маъзур ҳам қилмай,
ташқарига отилиб чиққанимча,
кўчага қараб югурдим...

У ч и н ч и с а ҳ и ф а

МУҲАББАТ

21

Мени шу куни туйган даҳшат тез орада тарк этадиган эмасди.

Сочимга оқ тушган, лабларимга учуқ тошган эди.

Мен ҳеч нарсага тушунмаётган эдим... Ўзи нима бўлди?! Ертўладаги одам ким эди?! Сирож муаллимми, бошқами?!

Бошқа бўлса, унинг уйида турадимми?! Унга шунчалик ўхшайдими?! Мамлакатхон нега у ҳақда: «Дадам. Махлуқ! Мияси заҳарланиб қолган!» — деди?!

Бу ҳам (мабодо) яна бир Сирож муаллим бўлса, улардан ким — Сирож муаллим?!

Чойхонада учратганимда, Сирож муаллим битта эди; у тирилган, холос, деб ўйлаётган эдим. Энди буларнинг иккисидан (учаласидан) қайси бирини Сирож муаллим, деймиз?!

Бошимга тўқмоқ тушгандек, ҳамон ўзимга келолмаётган эдим.

Ҳеч нарсани ўйламасликка қарор қилгандим. Аммо фойдаси йўқ, барибир йўлимда шарпадек жонланиб-

гойиб бўлган, ака-укалардек ўхшаш тўрт йигит ўрни-
да —

учга бўлиниб қолган Сирож муаллим
мени нафас ростлашга қўймай,
таъқиб қилаётгандек эди...

Ишга ҳар куни хавф-хавотир ичида бориб-қайтар
эдим. Уйда дарвоза тик этса, юрагим шиф этарди.

Айниқса, ҳовлида ёлғиз қолиш — мен учун азоб.
Аксига, Рўзибойнинг ошналари у бўлган пайтдан
бўлмаган пайтида кўпроқ келишар эди! Нохушланиб
турганинг устига, қоровулга ўхшаб, эшикдаги одамга
эшилиб гап тушунтиришинг керак! Совуқроқ муо-
мала қилсам, Рўзибой ака кейин ранжиб қолмасин,
деб ўйлайсан. Ўз аҳволингга ўзинг ачиниб кета-
сан!

Ҳаётим шундай давом этаётган эди...

.....
Икки кундан буён осмон қоп-қора,
ёмғир эзиб ёғар эди.

Ҳаммаёқ кўлмак, лой. Уйда ўтириш зерикарли.
Кўчага чиққани юрак бетламайди.

(Кузни негадир мақташади. Дунёда куздан бемаъни
нарса йўқ...)

Эски бир чопонга ўраниб,
дераза олдида
фаромушланиб турар эдим;
дарвоза бехос тақилади.

Юрагим яна қинидан чиқди. Бирок, Рўзибойни
сўраб келишгандир, сен мунча титрайсан, деб ўзимни
койидим.

Орқадан биров суриб кетаётгандек алфозда дарво-
зани бориб очдим...

Шу кунлар ўз-ўзимдан ортмай юрганимдан, —
Мамлакатхон ҳам,
у билан охирги марта қандай гаплашганимиз ҳам —
хаёлимдан кўтарилиган эди!

Лекин Мамлакатхон бу ваъдани ҳам
унутмаган экан! —

бошида рангин соябон, очилган бир даста гул
бўлиб, —

остонада турар эди...

Унинг журъатими, малоҳатими мени шу паллада
қайтиб тирилтирди!

Мен яна ҳаёт — кўклам нафасини туйдим...

— Уйдамингиз?! Кутмаганмингиз?! — деб мендан аразлаётгандек оҳангда сўради Мамлакатхон.

— Уйда... Кутиб ўтирибман, — дедим унга. Назаримда, мен фақат у ҳақда ўйлаб юргандек эдим.

Биз ҳали уйга киришга улгурмай, даҳлиздаёқ ҳар галгидек қўлларимиз

бир-бирларимизнинг бўйинларимизга чирмашиб кетди.

Мен ўзим англамаган-билмаган ҳолда, уни қандайдир соғинганимни ҳис этдим.

Биз бирга тамадди қилдик. Анча гаплашиб ўтирдик.

Мен ҳозир Мамлакатхондан ҳеч нарсани сўрамадим. Яна даҳшатга ботишни, муҳими: қаёқдаги даҳмазани деб бу кун насиб этган ёрқин бир кайфият шамдек сўниб қолишини истамадим.

Кейин...

у яна менинг бағримга сингиди.

Кейин...

мен олдин туймаган бир ҳолат:

аллақандай гурурланганми, суюнганми эдим.

Мамлакатхон эса, тўшақда ўтириб, негадир йиғлади.

Йўқ, у бўйнимдан яна, ҳар қачонгидан қаттиқроқ кучди. Мен ҳам уни яна эркаладим.

Кейин...

у кетди...

22

Кейин...

Биз шундай кўриша бошладик.

Мен айбдорманми, Мамлакатхонми? — нима қилганда ҳам, —

менинг ҳаётим энди қил устида эди!

Мен қисматимда учраган бир даҳмаза етмагандек, кутилмаган бошқа даҳмазага

юз тутган эдим...

Менинг ҳаётимда

шу кундан бошлаб қизиқ ўзгариш рўй берган,

у — олдингига ўхшамас эди!

Мен дунёни унутган эдим.

Ишда ҳам, кўчада ҳам, уйда ҳам

фақат Мамлакатхон ҳақида ўйлар,

уни интиқ кутар эдим.

Мамлакатхон ҳафтада бир келиб турарди.

У энди ўзи овқат қилар, уст-бошимни ювиб, даз-мол босар эди. Янги келинчақлардек, супуриб-сидириб, уйни ораста тутар, хатти-ҳаракатидан уч-тўрт соатда кетадиган эмас, шу ерда гўёки қоладиган эди. Мен умримда аёл қўли — аёл эътиборини сезмаган эдим! Она меҳрига тўймадим; опам, янгамнинг менга иши йўқ. Шу боисдан, ҳозир бағрим тўлгандек эди...

Мен бу муносабатни аввалида енгилтаклик, шўхлик деб ўйлаган, қочиш-бепарво бўлишга уринган эдим!

Аммо аслида,
ўз-ўзимни алдаган,

Мамлакатхон билан биринчи кўришгандаёқ эс-хушимни йўқотиб қўйган эдим.

Бора-бора унга ўрганиб, мана энди
уни беихтиёр севиб ҳам қолган эдим!

Мен ҳамон Ҳанифанинг олдида хиёнат қилганми, гуноҳкордекми ҳолатни ҳис этардим. Мабодо Ҳанифа мендан кетмаган — узоқлашмаганида, бугун иш бошқача кўчиши, мен бу савдога балки йўлиқмаслигим ҳам мумкин эди! Лекин энди инон-ихтиёр менда эмас, орқага чекиниб бўлмасди! Мамлакатхон менинг жони-жаҳонимга айланган, менга усиз ҳаёт йўқдек эди. Мен унга топина бошлаган эдим...

Шунинг баробарида, бу муносабат ҳозир мени баттар қалқитган; оромимни бузган; атрофимда кўпдан буён рўй бераётган воқеалар, сир-синоатлар эмас, ақалли, ўз ҳаётимда нималар бўлганию нималар бўлаётганини

ниҳоят — тез
англаб етгим ҳам келмоқда эди!

Менинг ҳаётим суюнч-ҳаяжонга хавф-хавотир қоришган, ҳар қачонгидан кўпроқ изтиробга ўралган бир ҳолатда ўтмоқда эди!

Юрагим хижил; ҳаёлимда, ишинг охири вой бўлади, деган таҳдид...

Тунлар уйқум қочиб, кўз ўнгимда: бир гал мени огоҳлантирган тўрт йигит, негадир турфа намойиш қасб этган Сирож муаллим, Мамлакатхоннинг яқинлари...

Қўни-қўшнилари сезиб-айтишганми, гарчи менга ҳали индамаган бўлса-да, Рўзибойнинг сўнги пайтда ўзгара бошлаган авзойи...

Дунёда сазойи деган нарса — жазо: қадимдан юзига қора суркаб, арава ёки эшакка тескари ўтқазилган, кўчада ҳамма тош отган — кимсалар...

Буларнинг устига,

уйдаги отамдан қолган эски китоблар... Ўқишим қийин. Қўлга олишга кўрқаман! Рубоб чертиш ҳам йўқ. Энди жинлар-алвастилар эмас, диққат-эътибори тортилган одамлар... Улар бостириб киришлари мумкин...

Мен шу кўйда юриб, ахийри қатъий қарорга келдим.

— Менга тегинг... Рост! — дедим Мамлакатхонга. Унга шундай талаб қўя бошладим.

Бироқ Мамлакатхоннинг мақсадини ҳам, кўнглини ҳам билиб бўлмасди. У менинг гапимни баъзан эшитмаганга олар, баъзан кулар эди:

— Сизга нима етишмаябди?! Мен сизники...

Мамлакатхон, масалан, бир нарсани нега айтди?! Тўғри айтябдими, тўқиябдими?! — ҳеч қачон тушуниб-ажратолмасдинг! Уни гапга солишга уриниш ҳам фойдасиз эди. Аёл табиатининг бутун об-ҳавоси унда мужассам эди!

Лекин мен ҳеч нарсани унутмаганимдан, уни барибир гоҳида сўроққа тутардим:

— Уйларингда пайшанба кунлари ҳали ҳам овга боришадими?

— Ҳа. Улар бориб туришади, — дерди Мамлакатхон.

— Қанақа ов?

— Овни билмайсизми?! Ов-да!

Мен энди гапни Сирож муаллимга бурардим:

— Мактабда ҳалок бўлган ким? Сизнинг дадангизми?!.

— Дадам-да!

— У киши дадангиз бўлса, ертўладаги одамчи?

Мамлакатхон доим бир хилда жавоб қайтарарди.

— Дадам! — дерди у. — Ҳамманинг миясини захарлаб, ўзининг ҳам мияси захарланиб қолган... Махлуқ!

Мен Мамлакатхонни қанчалик тергамай, бундан бошқа жавоб ололмас, унинг гаплари маъзини чақолмас эдим.

Унга одамлар пайқаб, дашном беришлари мумкинлиги ҳам, шарманда бўлиш ҳам барибир; афтидан, менинг ҳаётим (ўзининг ҳам ҳаёти) қил устида эканлигини ҳаёлига келтирмас эди!

Уйланиш ҳақидаги гапимга у ҳамон лоқайд-бепарво қарар, шу билан бирга, дам олиш кунлари келиб турарди... Бу муносабат қачонгача давом этиб, нима билан тугайди?! — айтиш қийин эди.

Аммо бир куни намозгар пайти эди;

кутилмаганда менга имзосиз хат келди.

(Менинг бирон шаҳарда танишим йўқ. Ширинкўл эса кафтдек жой; бу ерда одамлар бир-бирларига хат орқали муомала қилишмайди! Умуман, менга ёзишмайди... Мактабнинг юқори синф ўқувчилари: йигитлар қизларга, қизлар йигитларга баъзан хат топширишади, деб эшитган эдим. Вақтида бу қисмат ҳам менга буюрмаган... Шу боисдан, хат мени эсанкиратиб қўйди. «Сирож муаллимдан эмасмикан?!» — деган ҳаёлга ҳам бордим.)

Уйга апил-тапил кириб, чироқни ёққанимча, хатни шошиб оқдим.

*«Бошқа кўришолмаймиз!
Мендан хафа бўланг. Мени
айбсйтиб ҳам юрманг. Хўпми?!
Мен сизни ҳурмат қиламан.
Сиз ҳам балки яхши кўрарсиз.
Лекин илож йўқ...
Дунё шу экан!*

М.»

Бизнинг муносабатимиз — мен бошдан кечираётган бир даҳмаза тугаган эди! Бироқ хатни ўқиб, олдингидан баттар эзилиб-эсанкираб қолдим.

Мамлакатхон ҳазиллашгандир, мени синаш учун ёзгандир, деб ўйладим. Ундан айрилганимга ишонгим келмасди; ҳозироқ, дарҳол кўришишни истардим. Аламдан кўзларим ёшланган эди...

Менга ақми, эс-ҳуш бу савдони қўй, тўхтат, деб уқтирарди. Аммо уни йўқотгач, аксинча, ўтга сув сеппилган эди! Мен бундай бўлишини кутмаган эдим.

Хат олган шу пайдан бошлаб менинг ҳаётим янги бир намоишга кирди.

Энди дам олиш кунлари уйда ҳамон Мамлакатхонни пойлар, қолган кунлар уни излагандек, бир кўришга зор бўлиб,

кўчаларда гоҳ ярим тун, гоҳ опшоқ саҳаргача тентирар эдим!

(«Айта олмонки, фироқингдин не янглиғ зормен!»)

Мен уни бунчалик севаман, деб ўйламаган эдим!

Бу — аҳмоқлик, бу — телбалик эди! Лекин тақдирга тан беришга қурби-қудратим етмас эди!

Мен Мамлакатхонни нега севдим, мени нималар унга бу қадар чирмаб боғлади! — ўйлаганим билан тушунмас эдим...

Баъзан пайшанба кунлари кўча айланиб, беихтиёр Сирож муаллимнинг остонасига бориб қолар эдим. Бироқ яқинларига қўшилиб, Мамлакатхон ҳам «ов»га кетганми, чиндан кўришишни истамайдими?! — менга энди дарвоза очилмас эди... Пайшанбадан бўлак кунлари боргани: парда йиртилиб, ўзимни ҳам, Мамлакатхонни ҳам ноқулай аҳволга солиш, шарманда қилишдан қўрқар эдим!

Сирасини айтганда, Мамлакатхон билан кўришиб, яна аввалгидек муносабатни давом эттиришда маъно йўқ эди! Аммо мен уни ҳеч бўлмаса яна бир кўргим, бир оз сўзлашгим келар эди!

Менга, ўрганган кулбам — уйим торлик қилганидан, айрим кунлари опам, акамникига ҳам борар эдим. Улар бир ҳовлини қинғир-қийшиқ девор тортиб, иккига бўлиб олишган, икки томондан иккита дарвоза очишган эди. Бу — ҳозир отажон, онажоним яшаган ҳовли эмас; бўлиниш баробарида, у қандайдир ўз қиёфасини йўқотган эди. Мен гоҳ опам, гоҳ акам хонадонида бир оз туришни чамалар, лекин юрагим тўлиши ўрнига қандайдир қисиниб кетганимдан, яна ғариб ижара кулбамга қайтар эдим.

Гоҳида ўзимни қўйишга жой тополмай, қабристонга борар эдим.

Ҳозир менинг Сирож муаллим ёки Бадалбекнинг қабри билан ишим йўқ.

(Умуман, Сирож муаллим ўлганми ёки тирилганми, у чойхонадами ёки ертўладами?! — менга энди барибир!)

Ҳанифани учратиш ҳам

мени қизиқтирмас эди!

Отажон, онажоним, уларнинг аждодлари, қариндош-уруғлар, икки ёшида нобуд бўлган кичкинтой сингилчам ором олаётган хилхонага кирар, буларга йиллар бўйи кам меҳр кўрсатганим учун узр сўрар эдим.

Кейин, йиғлаб: «Менга қайтиб Мамлакатхоннинг васлига етиш ёки юрагимни куйдириб ётган бу муҳаббат балосидан қутулишга кўмак беринг!» — деб ялиниб-ёлворар эдим...

24

Қабристонда кўпинча болаликда эшитган бундай ривоятлар

негадир ёдимга тушар эди...

Бир шоҳ тиланчининг қизини севиб қолган экан. У қизга, сенга уйланаман, сен малика бўласан, фақат шарти: тиланчиликни ташла, бу касбни унут, бундан сўнг хаёлингга ҳам келтирма, дебди. Тиланчининг қизи рози бўлибди. Улар тўй-тамошо қилишиб, бирга яшай бошлашибди. Шоҳ маликани ардоқлаб, зар-зе-варга кўмиб ташлаган экан... Лекин орадан йиллар ўтиб, маликанинг ўзига тегишли хилват бир хонада баъзан беркиниши шоҳнинг диққатини жалб этибди. У маликани кузата бошлабди... Малика аввалдан ўрганган касбини унутолмаганидан, эшикларни ичкаридан ёпиб, хонадаги қатор токчаларга эринмай бир бўлақдан нон қўйиб чиқар, кейин тиланиб, токчалардан нонни қайтиб териб олар экан...

(Яна шундай ривоят.)

Қачондир қадим замонда Фурбат деган мамлакат — буюк бир водий бўлган экан. Бу водий ғаройиб; жаннатдек ҳаммаёқ яшнаб ётар экан. Айниқса, ариқлар, дарёларда шарбат сувлар шарқираб оқар экан. Одамлар бахтли, бедард; эҳтимол, шу боисдандир, бир оз низога ўч, ноаҳил экан. Йўқ, пайти келиб, улар бахтдан, бедардликдан қандайдир норозилик сезишибди. Уларга ажиб бир дард юқиб, гўёки бахтсизликда осойишталик бордек туюла бошлабди... Бироқ шу кундан ўрганган ҳаёт ўзгариб, ўз осойишталигини улар баттар йўқота бошлашибди. Бунинг устига, бутун водий улар билан бирга ўзгариб, поёнсиз саҳрога айлана бошлабди... Қум ҳам эмас, ерни куюнди-қулга

ўхшаганми, чириб-увадаланганми тупроқ қоплабди. Энди кентлар-туманлардаги кўчалар ўртаси, ҳовлилар атрофи, қишлоқлардаги экин майдонлари, ялангликлар — ҳаммаёқ хандақ сингари қазиб чиқилган, юрган йўлда, оёқ остида катта-кичик қудуқлар кўзга ташланар экан... Бу ерга биров адашиб келиб қолса, уйлар, кўча муъолишларидан гув этиб, қора кийган одамлар югуриб-ёпирилиб, рўпарада пайдо бўлишар, улар барчалари қўлларини осмонгами, келган киши томонгами чўзиб, илтижо қилишар экан:

— Юрагим қуяябди. Сув... Сув... Сув...

25

Мен ўзимни бир карра ўтга, сувга урганимдан кейин,

бора-бора

ҳаётдан кўнглим совий бошлади.

Ичим бўм-бўш. Қамишга ўхшар эдим.

Уйми, устахонами фақат баъзан бир кўмсаш, юракнинг алабурчида бир оғриқ сезиб, бехос кўчага югуриб чиқиб кетар эдим.

Ишимда унум йўқ эди. На иштиёқ, на ҳавас. Устахонада ҳамма: «Тўғри ишла, бўлмаса...» — деб жеркишар, силташар эди. Лекин тушуниб туриб, ўзимни эп-лаёлмас эдим... Акам, опамми, янгам: «Сенга нима бўлди?!» — дейишганча, ажабланишар эди. Мен бирор ваз-қарсон кўрсатишга ҳам ҳолим келмас эди.

Худонинг берган куни ичар эдим. Ружу қўйиб, ишқим тушган! Оқшомлар устахонадан кўчага чиқишим билан томоғим алақачон тақиллаётганини сезар, ҳаяжонланиб-шошиб, қалтирай бошлар эдим. Ошхонами, дўкон олдига бориб, томоқни ҳўлламагунча тинчимасдим. Уйда ҳам аҳвол шу. Албатта, ўша сабилдан учтўрт шиша тайёр турар эди.

Гоҳида ичгач, аламим янгилиниб, олдин овозсиз, сўнг секин овоз чиқарганимча, йиғлашга тушар эдим. Йиғи мени сал хушёр торттирарди. Шиддатланиб кетиб, Мамлакатхонга ўзимча хатларми, узук-юлуқ бир нарсалар ёзар эдим.

«Огамни ўлдириб қўйдингиз, малак!

Уйингизга энди боролмайман. Мактабингиз ойналаридан бир-икки мўраладим. Бу ҳам қийин экан.

Кўчаларда излаб-кутсам, учиб юрибсизми, туюлмаял-
ман...»

«Қаердасиз? Бормисиз?!
Қаерда бўлсангиз ҳам, бор бўлинг! Менга шу бас.
Дунёда биттагина — М... Уф...»

«Мудраган юракни уйғотиб, олдингидан қаттиқроқ
ухлатиш мумкин, деб ўйладингизми?
Мен аввалдан сизга тушунмадим. Сўнгигача...»

«Сизни яна бир кўрсам...
Сочларингизга кўмилиб,
Кўзларингиз қаърида ўлгим келади...»

«Жонланиб қай бир кунни сен
Бу кўнгил саҳросида —
Ғарқ этиб кетдинг мени сен
Кўзларинг гарёсида...»

«Менинг қисматим ўзи чигал эди!
Сиз билан баттар чигаллашди...
Эндиги ҳолатнинг исми нима?!»

«Сиз бир кунни, атрофимдагиларнинг ҳаммасини ёмон
кўраман, деган эдингиз.
Мен ҳам, ўша рўйхатга кириб қолмадимми?!
Нега бундай бўлди?! Нега бирдан келмай кўйдингиз?!
Бахтли бўлиш мумкин эди-ку...»

«Менга аввалдан учраган сир-синоатлар сизнинг
даракчингиз эдими ёки сиз янги бир келадиган сир-сино-
атларга даракчимисиз?!
Сиз ўзингиз сир-синоат! Биламан...»

«Сени кўрар кун борми,
санам?!
У — ўнгимди ё туш?
Наҳот, мангу айрилдим сендан —
Хаёлимда учиб юрган
қуш?!»

«Сиз ҳам мени баъзан эслайсизми?!
Қутилмаганда қайтиб келишингизни билсам, яшар
эдим...»

Мен ёзганларимни йиртиб ташлар, аммо кейин, яна ёзаверар эдим.

Бу — юрагим зардобга тўлганида, мени оз-моз овутадиганми, ҳаётимга маъно бахш этадиганми — бир машғулот эди!

Менга, — кўришиб юрганимизда, — Мамлакатхонни яхши кўрганимдан ҳам, у мени кўпроқ яхши кўрадигандек бўлиб туюлар эди. Шу боисдан, ҳозир унинг мени буткул унутганига ажабланар эдим. Биз ҳали бир куни барибир яна учрашамиз, деб ишонар эдим!

Баъзида Мамлакатхон тўғрисида ўйлаб,
беихтиёр

Сирож муаллим, Бадалбек, Ҳанифа ёдимга тушар,
бутун рўй берган воқеаларни эслаганимча, жоним
баттар дўзах ўтида қоврилаётгандек бўларди.

«Падарига лаънат! — дердим асабим қақшаб. —
Энди бу сардафтарни ёпиш керак! Нимайки бўлса,
ўти-кетди. Қайтмайди! Ҳаммаси энди унут... унут!»

26

Аммо мен неча марта шаҳдланиб, рўй берган воқеалардан қочиб қутулолмаганим сингари, —
ичишга ружу қўйганимнинг ҳам фойдаси йўқ, —
ҳеч нарсани унутиш мумкин эмас эди!

Ўйин ҳали тугамаган,
менинг иродадан ташқари бир ҳолда, —
томоша иштирокчилари хос хонада ўзларига оро
беришмоқда; томошанинг давоми эса

Буюк Муаллиф томонидан
ёзиб қўйилган эди...

Мен шу кунлар доим кеч ётиб, тошдек қотиб ухлаганимдан, саҳарлаб турмас эдим.

Турганимдан сўнг, юзимни апил-тапил ювиб, устахонага қараб югурардим. Ишда кун тезроқ кеч бўлишидан бошқа нарсани ўйламас эдим!

Кунлар шу алфозда ўтиб,
бир саҳар

ингранибми-азобланибми уйғондим.

Кўксимга тоғдек юк босилган, менга ҳаво етишмаётгандек эди!

Кифтимга чопонимни ташлаганча,
остонага чиқиб ўтирдим.

Тонг оқариб келар, осмон тиниқ, том устида ой девордаги гиламга осифлиқ чилдирмани эслатар эди.

Осмонга тикилганча,

туш кўрдимми ёки бу кечаги кўрган ҳаёт таассуротими?! — эслашга урина бошладим.

Мен учун шу кунлар туш, хаёл, ҳаёт қоришиб кетган,

қай бири нима эканлигини

фарқлаб-ажратишим қийин эди.

Сўнгги пайтлар, умуман, ажратолмай ҳам қолган эдим!

Қандай бўлмасин, кечқурун устахонадан чиқиб, ҳар қачонгидек бўкиб ичганим ёдимда. Уйга келгач, ечинмай ётганим ҳам аниқ эди. Аммо уйга етиб келгунимча шундай ҳолат рўй бердимми ёки кейин туш кўрдимми?! — ўйлаганим билан эслай олмас эдим.

Қисқаси, дўкон олдида турганимча ичиб, негадир боққа борган эдим.

Ҳамма ерда бўлганидек, одатда ёш-яланг маврид-бемаврид айланишадиган бу хилват гўшани («маданий ҳордиқ» дегандек!) бир-бирига ёпишмаган икки сўз билан «Маданият ва истироҳат боғи» деб аташар эди. Боғда дарахтлар сонига барабар ҳар хил ҳайкаллар, шакллар, олачалпоқ суратлару ўқлоқдек ажи-бужи ёзувлар кўзга ташланарди.

Менинг кайфим тарақ. Бошим айланар, кўнглим беҳузур эди (афтидан, шунинг учун боққа кирган бўлсам керак?!). Гоҳ дарахтлар, гоҳ ҳайкаллар теграсида тинимсиз чарх урмоқда эдим.

Ниҳоят, оёқда туролмаганимдан, тор бир йўлкада серрайиб қолдим.

Шу пайт

ердан чиқдимми, осмондан тушдимми?! —

рўпарамда

Ҳанифа (балки, Мамлакатхондир?! У — Ҳанифа, шу билан бирга, Мамлакатхон; иккиси қоришиб кетган эди!) пайдо бўлди.

Ўша (Ҳанифа — Мамлакатхон) мени койиб, қўлтиқлаганча, уйим томон суради. Кўча муюлишигача бошлаб келди. Кейин, сизни якшанба куни (балки, пайшанбадир?!), албатта, кутаман, деди. Менга яна алламбалоларни тушунтирди. (Мен билан шу паллада аҳд-паймон туздими?! — билиш қийин эди.)

Саҳари мардонда жунжикиб, кулбам остонасида ўтирганимча, шулар ёдимга тушди.

Бироқ қанчалик тиришиб, фикримни жамлашга уринмай, кўрганим тушми, ўнг, Мамлакатхонми, Ҳанифа! — барибир аниқлай олмадим. Тўғриси, ҳозир буни аниқлашим шарт ҳам эмасди.

Шунинг баробарида, — қизиқ жойи! —

эркин юрган кунлари тутаган кишидек, мени қандайдир ғусса чулғаган эди.

Мен энди ўз-ўзим билан овора, тинч ҳаёт кечиролмаслигимни ҳис этмоқда эдим...

27

У — қўлида узун халта — йўл четида турарди.

Арақ сотиладиган дўкон олдига қизлар, аёллар кам келишади. Ўзларига эп кўришмайди! Лекин у, афтидан, мени кечқурун шу ерда тутиш мумкинлигини билиб, бостириб келаверган эди.

Унга кўзим тушгани заҳоти, бундан бир неча кун бурун туш эмас, ўнгимда, Мамлакатхон-иккиси эмас, уни кўрганлигимни пайқадим. Ёшлик йилларидан танишлигимизни айтмаганда, кейинги тасодиф учрашувларда қандай кучли таассурот қолдирган эканманки, у мендан бадар кетмаган эди! «Бу нега менинг юрагимни бурдалайди?! Нега бундай қайсарлик қилади; мени ўз ҳолимга қўймайди?!» — деб ўйладим. Бунинг бари майли... Назаримда, унутилган бутун бошоғриқ савдо яна янгидан бошланмоқда эди! (Менга ёпишган даҳмаза қачон тугайди, Худойим?! Наҳотки, бир умрлик азоб?!)

Аммо ҳозир Ҳанифадан қочишнинг иложи йўқ; муҳим бир гапи бордек мени излаган, мени кутмоқда эди!

Биз боққа кириб, узун йўлкаларда айлана бошладик.

Қор учқунламоқда. Кун совуқ.

Ҳанифа менга бебурдлигим учун таъна-надомат қилиши ёки масалан, мендан ўпқаланиши керак; бунга у ҳақли! Унинг бундан бўлак нима ҳам гапи бўларди?! Бироқ, иш бошқача кўчди.

— Агар кечира олсангиз, мени кечиринг. Айб менда! — деди Ҳанифа дабдурустан. Сўнг, изтироб чекаётган бир йўсинда кўнглидаги дардини ёра

бошлади. — Сиз мени кутгансиз, албатта. Излагансиз... Мен сизни алдаганим йўқ, Вали ака. Ишонинг... Ўша кунлари онам бир ўлиб тиридилар. Уйдан чиқолмадим. Ишга ҳам бормадим. Мен қарама-сам, ким қарайди?! Онам бир оз соғайгач, сизни қидирдим. Ҳеч тополмадим. Шу боғ гувоҳ, минг марта келиб кетдим... Сиз мени кечирмайсиз... Қийин. Тушуниб турибман. Ранжимаيمان... Фақат, илтимос. Бундай юрманг! Мен сизни бу ҳолда кўришга чидаёлмайман...

Мана, сенга томоша! Ҳанифа мени пичоқсиз сўйган эди. Бир куни бундоқ бўлишини ким билибди дейсиз.

Ҳанифа мендан инжишни хаёлига келтирмаган. Аксинча, у мени ўзи учун шундай кўйга тушган, деб ўйламоқда; бунга ўзини ишонтирган эди! Мен бундан — олдинроқ воқиф бўлсам экан... Ҳозир-чи?!

Мен яна Ҳанифанинг олдида хиёнат қилганми, гуноҳкордекми ҳолатни ҳис этиб, ўз-ўзимдан нафратланиб кетган эдим! Йўқ, бу унчалик тўғри эмас. Менинг ҳолатим ниҳоятда чигал эди...

Ҳанифа билан ёнма-ён одимлаб, унинг овозини эшитяпман-у, кўз ўнгимда — Мамлакатхон; мен Мамлакатхонни унга алмаштиришим мушкул эди. Қанчалик дунёни унутган бўлмайин, ўша дилкаш-дилозор ҳамон юрагимда яшамоқда! Мен Ҳанифага шунчаки ачиниб, нима қилишим, нима дейишимни билмаганимдан, бошим қотган.

Лекин фақат бу эмас... Мен ёнимда ҳорғин, маҳзун судралган Ҳанифанинг гапига саросималаниб жавоб излар, шунинг баробарида, негадир асабийлашиб, ундан қандай қочиб қутулишни ҳам ўйлар эдим. Мен аввалданоқ унга инон-ихтиёрсиз эргашиб, боққа келган эдим! Шу аснода ҳаммадан кўпроқ бизнинг муносабатимизга дахли йўқ бир гап хаёлимдан кечмоқда эди... Уйда ичадиган нарса қолмаган! Дўкон ёпилмасдан, изимга қайтиб улгуришим керак! Бўлмаса, қоровул нақ шилади... Мени бора-бора шу ўй буткул банд этган эди!

Ниҳоят, Ҳанифани алдаб-тинчитаётгандек бўлдим.

— Яхши, — дедим унга. — Мен сизни кечирдим! Ўзим ҳам, албатта, энди бундай юрмайман! Тўхтатамиз. Қайтарилмайди. Менинг иродам кучли... Умуман, бутун иш жойида!

— Мени алдаяпсиз, — деди Ҳанифа бу гал қатъий оҳангда, аммо ажиб бир озор билан.

— Хўп, сизга ҳақиқат керакми?! — дедим туйқусдан жоним ҳалқумимга келиб. — Борини айтаверайми?!

— Айтинг.

— Мен бир пайтлар Сирож муаллимга қаттиқ ишонардим. Уни устоз деб билардим. Кейинчалик муносабатим ўзгарди. Олдинги меҳр, эътиқод йўқола бошлади. Ўлди. Лекин у мен учун барибир Сирож муаллим бўлиб қолаверади...

— Бунинг нимаси менга тегишли?!

— Сирож муаллим ҳалок бўлганидан кейин, дадангиз тўғрисида кўп ўйладим. У аввалдан, дори сепиб, ёвузлик қилганига тушундим. Унга энди қандайдир адоват билан қарай бошладим. Ўша адоват менинг мана бу еримда тошдек қотиб турибди. Юлиб ташлаёлмайман. Гап шу... Кўнглингизга олманг.

— Кўнглимга олмайман... Мен дадамни ҳеч қачон фаришта деб ўйламаганман. Лекин бу ишлар учун у айбдор эмас. Тушунинг! Дунёда шундай гуноҳлар борки...

— Майли, буни ҳам қўяқолайлик, — дедим эзилиб. — Бахт одамга боғлиқ, саодат инсоннинг ўз ҳунари... булар барчаси бўлмаган нарса! Албатта, инсон умид билан яшайди. Интилади. Лекин бу мураккаб савдо. Инсон учун ёруғ кун доим ё насиб... Айниқса, бизнинг изимиздан бахтсизлик судралиб юрибди! Ўзингиз менга айтгансиз...

— Мен ҳам қўрқаман. Лекин сизга ишонаман... Тушунинг!

— Энг даҳшатлиси, — дедим сўзимни давом эттириб, — биз ҳаётда бирон имтиҳонга дуч келмагунча телба-тескари гапираверамиз. Ўз-ўзимизни алдаймиз! Менинг пок юришларим, мард, фидойи бўлишга уринишларим ҳаммаси ҳавойи... Мен ҳаётни билмаганман, холос! Мен сизга муносиб эмасман...

Ҳозир шундай алжираш шартмиди?! Ҳанифа билан орани очиқ қилиб, тезроқ хайрлашиш учун сайраган бўлсам керак-да?!

Қор энди бўралар эди. Борлиқ сукутга чўмган.

Сочлари, киприкларига қор иниб елкаларини қор босган Ҳанифа ҳам жим; ғамми, ғуссага ботган эди! Бечора Ҳанифа... Бироқ мен бу тўғрида ўйлагим келмасди.

— Истасангиз, дам олиш куни кўришиш мумкин. Шошяпман. Кетишим керак...

Шуни айтиб, ўзимча гапни ортиқча чувалаштирмай, Ҳанифани боғда қолдирганимча, дўконга қараб югурдим.

Аммо ҳовлиққанам билан, дўкон ёпилган эди. Ноилож қоровулдан арақ олиб, уйга жўнадим.

Уйда одатдагидек ичиб, дунёни унутишга чоғландим. Бўлмади... Бечора Ҳанифа! У хаёлимда гўёки боғда турганича, дам сайин қорга кўмилмоқда эди.

Инсонда уят ҳисси бор... Мен Ҳанифага нисбатан яна нотантилик, аёвсизлик қилган эдим!

28

Икки кун сурункасига ёққан қор борлиқни оппоқ чодирига буркаган; энди офтоб нурлари остида атроф-олам ойнадек ярқирайди.

Куз тугаб, қиш бошланмоқда.

Ўша, боғда қолганича, Ҳанифа (қўлида узун халта, эгнида енгил ёмғирпўш) ҳеч қаёққа жилмаган — кетмагандек эди! Менга негадир шундай туюларди.

Бизнинг орамизда гап тутаган; аслида, қайтиб учрашмаслигимиз керак эди! Мен «дам олиш куни»ни баҳона учун айтган эдим. Бу боққа келмоқчи эмасдим! Ҳанифа ҳам менинг ланж муносабатимни кўриб, юз буриб кетгани тўғри эди!

Лекин... У менга астойдил боғланган эканми, боғда кутмоқда эди. Мен-чи?! Нега аҳдимни бузиб, у билан яна учрашувга келиб турибман?!

Ҳанифани аввалдан ёқтирганим, кейин тасодиф кўришиб, мафтун бўлганим, ўшанда уни йўқотиб қўйишдан қўрқиб юрганим — барчаси эсимда. У бир кунлар менинг ҳаётимни ёритган эди! Аммо мен ҳеч нарсани унутмаганимдан, боққа келганим йўқ... Ҳанифа бутун инжишларимга парво қилмаётгани ҳам менга қадрли эмас. Уни боғда қолдириб кетгач, эзилганим, унга кўнглим ачиётгани, ўз-ўзимдан туйган норозилик — буларни ҳам (шу палла) қайтиб учрашганимизга сабаб деёлмайман!

Мени оддий бир соғинчми, кимнидир эркалаш, ким биландир ҳамдамлик истаги қийнамоқда эди... Дунё бўм-бўш, мен фақат Ҳанифага суяниб, ундан мадад олганча, ҳаётимдаги изтироблар, айрилиқ азоби,

ёлғизликни тарк этишим мумкин; бўлмаса, бундан сўнг алvido! — яшашнинг ўзи мушкул-муаммо эди! Шундай ҳолга келиб қолган эдим... Бу йўлда, ниҳоят, яна бало-қазоларга йўлиқишга ҳам рози эдим!

Қисматми экан?! — хуллас,

гўёқ ҳеч қандай узилиш рўй бермагандек, шундан кейин,

Ҳанифа билан гоҳ дам олиш кунлари, гоҳ ҳафта ўртасида-оқшомлар кўриша бошладик. Кўнглимиздаги ғубор кўтарилди. Мен Мамлакатхон дардида ҳадеб куявермайдиган бўлдим...

Бироқ ҳамонки,

Мамлакатхон менинг ёдимда — менинг ёнимда эди!

Мен илк бора Ҳанифанинг қўлини тутганимда ҳам, уни бағримга босганимда ҳам, бу — Ҳанифа эмас, Мамлакатхон эди...

Шунинг баробарида, на юксак ҳиссиёт, на уйғун руҳ бор! Бир томондан, Ҳанифани дўст тутиб, иккинчи томондан, унинг олдида хатти-ҳаракатим суюлишга ўхшар эди... мен аввалги пок, уятчан йигит эмасдим. Димоғимга аёл ҳиди кирган эди... Менинг муомаламдан Ҳанифа баъзан титраб кетар, баъзан кўзларига ёш тўларди. Мен беҳаёлик, қандайдир ҳайвонлик қилаётганимни ҳис этардим. Лекин ўзимни бошқача тутолмас эдим...

Муҳаббат йўқ, аммо кўча-кўйда бундай судралиб юриш ҳам бемаънилик эди.

Қайсидир шоир: «Хоҳ яхшими, хоҳ ёмон, менга бир хотин лозим!» — деган экан. Ахийри, Ҳанифага уйланиб қўяқолишга қарор қилдим.

Опам билан янгамни совчиликка юбордим.

Менинг «ақлга кирганим»дан суюнишиб, опам билан янгам, кўтаринки кайфиятда кўчага йўналишди. Бироқ Ҳанифаларнинг уйдан тарвузлари қўлтигидан тушгандек бўлиб қайтишди.

— Ўзи-ёмон қиз эмас экан. Тузук... — деди опам ўз уйда, янгам билан менинг қаршимда ўтиришганича, арқонни узун ташлаб. — Сенга ёққан бўлса, биз қаршилик қилганимиздан бир нарса чиқмайди.

— Чўзманг! — дедим асабийлашиб.

— Эсингни йиғиб, яна уч-тўрт кун ўйла, демоқчи-ман. Шўшмаяпсанми?! Адашмаяпсанми?! Кейин, майли, тўйингни ўтқазиб берамиз.

— Сизларга ёқмадими?! Очирини айтаверинг!

— Улар сизни ичкүёв қилишмоқчи, — опамнинг ўрнида жавоб қайтарди бу гал янгам. — Одамлар орасида, ичкүёв-иткүёв деган гап юради.

— Сен ота-онангдан қолган, опанг билан аканг уйида туролмай, чиқиб кетган, эркин ўсган йигит... Бировнинг дастурхони бошида ўтира олармикансан?!

Мен муносабатимизда бундай ишқаллик борлигини билмаган эканман. Албатта, ёши қайтган, хаста онасини ташлаб, Ҳанифа менинг орқамдан ижара кулбамга ҳам, бизнинг бу ҳовлимизга ҳам келмайди!

— Иткүёвми, бошқами, ҳозирча туравераман. Кейин, яна ўйлаб кўрамиз! — дедим қатъий.

— Хўп, қизнинг эрга теккан иккита опаси бор экан, — сўзида давом этди опам. — Биз бировдан айб қидирмаймиз. Ҳар кимни Худо ҳар хил яратади! Лекин иккаласининг ҳам бўйни қандайдир қийшиқ, боши елкасига ёпишган. Туғма шунақами, деб суриштирсак, томдан йиқилиб, майиб бўлишган экан!

— Аввало, мен опалари эмас, Ҳанифага уйланыпман, — дедим хаёлим қочиб, аммо ўзимни осойишта тутганимча. — Ундан ташқари, бировни ўпоқмисўпоқ, деб одамлардан юз ўтиролмайман!

— Сиз тушунмаяпсиз, — деди янгам. — Улар ҳаммаси бошқаларга ўхшамайдиган, валати... Ҳовли тўла варрак. Биттаси ана шу уйдаги палосдай келади! Кўзлари нуқул томда, осмонда. Ҳар гапга офтобни, ой-юдузни кўшишади. Ойилари касал ётибди; Худо хоҳласа, дейиш ўрнига ҳамма нарса кўқдан, дейди...

— Бу жуда оддий. Мен тушундим... Сизлар қўниқўшнидан сўрашларинг керак эди! Уларнинг отаси учувчи бўлган. Бадалбек! Шунинг учун улар осмонга, парвозга қизиқишади. Шу, холос! Ўрганиб қолишган.

— Улар ўзи бу ерлик ҳам эмас экан, — тўнгиллади опам. — Қаердан келишган?! Аниқ бир гап айтишмайди...

— Бунинг нима аҳамияти бор?! Улар барибир яхши одамлар, — дедим ўзимними, бўлажак қариндошларимними оқлаётгандек оҳангда.

— Улар бахтсиз одамлар! — деди опам. — Бу кўриниб турибди. Лекин сен уйланмоқчи экансан, уйланавер. Демак, насибанг экан...

Опам, янгамдан эшитганларим шу куни менга қор қилмади. Мен Ҳанифа билан биринчи кўришганимиз-

даёқ, биз бахтсиз бўлишимиз мумкинлигини билган, бу ҳақда етарлича ўйлаган эдим. Лекин менинг ҳаётим шу; аниқ! Ортиқча эзмаланиб ўтиришда маъно йўқ эди!

29

Тўй ўтди.

Ширинкўлдаги барча базмларда бўлганидек, олов ёқиб, атрофида айланишлар, эрталабдан кечгача карнай-сурнай, кўзбойлағич ва қайроқ тош томошаси, бир-бирига қайта-қайта салом беришлар, фонус ва машъала кўтариб, шаҳар кўчаларида тентириш... унутилган-унутилмаган ҳамма удумлар бажо келтирилди. Қариндошлар, кўни-қўшнилар, халқ — хурсанд; менинг акам, тўйга кўнгли чопмаган опам билан янгам ҳам энди гўёки хурсанд; Ҳанифа билан мен ҳам хурсанд... Бундай кунга нима етсин!

Бутун иш рисоладагидек эди!

Фақат: Ҳанифанинг онаси — Сокина опа — кўрпа-тўшак қилиб ётганидан, уни болишга суяб, ҳовлидаги хоналардан бирининг деразаси олдига ўтирғизиб қўйишди. Бизга фотиҳани ҳам у дераза олдида мунғайиб ўтирганича, берди.

— Илоҳим, юдузларинг тўғри келган бўлсин! — деди. Кейин, негадир: — Осмондан бошларингга бахт ёғилсин! — деди. — Қушлардек доим бирга учиб юринглар! — деди. Унинг фотиҳаси ўзига хос, бошқача эди! Бизнинг ширинкўликлар бундай фотиҳани билишмайдди. «Қўша қаринглар! Худо бахтларингни берсин!» — деб соддароқ гапиришга одатланишган. Лекин тўй қизигида буни ҳеч ким фарқламаган бўлиши керак...

Фақат: Ҳанифанинг опалари чиндан сал қийшайиб туришаркан. Лекин дунёда майиб-мажруҳ одам кўп. Балки, бу ҳам Худонинг бир имтиҳонидир?! Дард — кўзни очади. Инсонни бунга қараб баҳолаш инсофдан эмас...

Фақат... буни энди «фақат» деб ҳам бўлмайди!

Никоҳ кечаси бехос, мен Сирож муаллим туфайли «танишиб» қолган, орқалари ва оёқлари гавдаларига нисбатан катта, турқи-тароватлари кўкиш алангани эслатган тўрт йигит қаёқдандир тўйхонага келиб қолишди. Улар бир чеккадаги дастурхон бошидан жой олишди. Деярли еб-ичишгани йўқ. Биров билан гапла-

шишгани ҳам йўқ. Малла иякларидаги эҳкисифат соқолларини сийпалаб, кўм-кўк кўзлари чақчайиб, бир оз ўтиришди, холос. Кейин, бегона жойга кирганини пайқагандек, даврадан қайтиб сирғалишди... Уларни ким чақирган?! Менинг тўйимда нима қилишади?! — билиш қийин эди...

Тўй ўтиб, Ҳанифа-иккимиз ҳали ўзимизни ўнглаб-ўнгламасдан, Сокина опа аҳволи оддингидан оғирлашиб, кўрпага қапишди. Чўп-устихонга айланди. Ниҳоят, қирқ кун деганда, дунё билан ҳам видалашди... У шунчаки сўнгги қизининг тўйини кутаётган экан!

Яна қабристон... Мен гоҳ ёлғиз, гоҳ Ҳанифага қўшилиб шу кунлар бот-бот бу ерга келганча, ўзим билган кишиларни зиёрат қилиб, уларнинг хоки пойида тиз чўқдим. Болаликда ўрганган қайсидир оятларни ҳар қачонгидек пичирлаб, аммо намоз пайти пойгақда қолган кавуши тўғрисида ўйлаган муллага қиёс, теран эътиқодни ҳис этмай, — Худойим, бу не кўргилик! — оддий бир расмиятни бажаргандек бўлдим. Менинг ҳаётимда, арзимаган ярим йилча муддат ичида қандай бахтиқаролик рўй бердики, мен на ер, на осмондан қўрқиб, аввалгидек астойдил илтижо қилишни энди унутган эдим...

Лекин ҳаёт сенинг эътиқодинг ёки ота-онангдан мосуво бўлганлигинга ҳам, уларнинг изидан шошилиб кетаётганлигинга ҳам қарамасдан, ўзича давом этиб, янгилаиб бораверар экан! Қайнона-онамиз қазо қилгач, Ҳанифа-иккимиз ҳувиллаган фордек ҳовлида беихтиёр бир-биримизга суяниб қолдик.

Баъзан тунлар уйғониб, Ҳанифа ёнимда эмаслигини сезардим. Кейин, даҳлизми, ҳовлими — қаердан-дир унинг шикаста товушда, секин хиргойи қилаётгани кулоғимга чалинар эди...

*Сиз ҳам, онажон, кетдингизми?!
Қайтиб ҳеч қачон келмайсизми?!
Ким эшитади доғимизни,
Эшитармикан?! Билмайсизми?!*

*Онажон, ерми, осмонданми —
Қаердан сизни излаш керак?!
Кимларга бугун бўзлаш керак,
Кимларга сиздан сўзлаш керак —
Бутун орзудан, армонданми?!
Ўтаётган бир замонданми?!*

*Кўйдириб кетган, жон онам-ай,
Қандай чигар бу — юрак, юрак?!
Яшаб бўлурми ҳеч индамай,
Кимга додингни айтиш керак?!
Жон онажоним, жон онам-ай...
Жон онажоним, жон онам-ай!
Жон онажоним, жон онам-ай!*

Халқ йўлидаги Ҳанифанинг бу хиргойиси — бу ўтли нидо мени ўртаб юборар, ҳаётимда кўрган айриликлар — изтиробларни ёдимга солар эди!

Мен энди Мамлакатхонни эсламай қўйган, Ҳанифани қайта ёқтира бошлагандек эдим.

30

Кунлар бир маромда ўтмоқда.

Ҳанифага уйланган пайтимдан кўча-кўйда санқишни ҳам, ҳуда-беҳуда ичишни ҳам тўхтатганман. Уйда аҳён-аҳёнда томоқни ҳўллаб тураман, холос. Қутулиш қийин. Иродам бўш! Ҳанифа индамайди; менинг ишимга аралашмайди. Умуман, бу хонадонда ич-куёв-иткуёвманми ёки уй-жойнинг эгасиманми?! — мен учун аҳамияти йўқ. Ўзим хон, кўланкам майдон. Илк қарашда ҳаётдан мамнун, учраган фалокатни доғда қолдириб, бахтимни топанга ўхшайман.

Лекин мен аввалдан ўз-ўзимни алдадим. Ҳамон алдамоқдаман!

Мени кундан-кунга яшагандан кўпроқ ухлаётгандек ҳолат чулғаётир. Жоним суғуриб олинган. Соядек судралиб юрибман.

Ҳанифа билан ҳовлида ёлғиз қолиб, бир қатла ҳамдан-ғамгусорга айлангач, қутилмаганда муносабатимиз ўзгарди. Бизга тез орада тирноқ насиб этмади. Иккимиз ҳам зерикиб, ҳар ким дарди ичида, ўз арава-сини тортаётгандек кайфият ҳукмрон бўлиб қолди.

Ҳанифага ҳам, ўзимга ҳам кўнглим ачийди. Баъзан: «Бировни севмас экансан, нега уйланасан?! Иблислик қилдинг! Вақтида бу йўлдан қайтиш керак эди!» — деб ўйлайман, эзиламан.

Бизнинг бутун ҳаётимиз қандайдир расмиятни бажаришдан иборат.

Деярли кун ора Ҳанифа узун халтага супурги, калта белкурак солиб, қабристонга боради. Мен зиёрат-

дан ҳам, тиловатдан ҳам совиганман. (Бора-бора, — Худо кечирсин! — юрагимда бирон ишонч, эътиқод қолмади.) Аммо бунга мени биров қистаётгандек, кўпинча Ҳанифага эргашаман.

Ҳанифа ота-онаси қабри бошида чўнқайиб, доим тирик одамга мурожаат қилаётгандек пичирлайди. «Отажон! Онажон! Тинчмисизлар!? Келдик. Биз ҳам юрибмиз...» — дейди. Унинг бу одати бир пайтлар менда кучли самимий таассурот қолдирган. Энди эса (тавба!) сохтами, сунъийдекми бўлиб туюлади. Бироқ менга Ҳанифа билан баҳслашиб ўтириш азбаройи малол эканлигидан, лом-мим демайман. У ҳар гал (бу ўнинчими, юзинчи маротаба?) отасининг қабри устидаги сағана ўрнидан сурилгани ҳақида гапиради. Мен шундай пайтларда негадир ўзимча, Бадалбек ерни захарлагани тўғри, лекин Сирож муаллимнинг гуноҳи кўпроқ бўлиши керак, деган хаёлга бораман! Қаердан, нима учун бундай фикрга келганимни билмайман. Фақат бир чойхонадаги, бир ертўладаги Сирож муаллимни эслайман. Ҳанифага яна лом-мим демайман.

Одамга оғир ботаркан... Ҳанифани дастлаб кўчада учратганимдаёқ қисматимдаги шўришни бўйнимга олган эдим, албатта. Айниқса, унга уйланганимда, бахтсизликдан — ҳаётимдаги даҳмазадан қутулолмаслигимни ҳис этган эдим. У — Бадалбекнинг қизи; бу табиий ҳол эди. (Умуман, у — фаришта эмас, алвасти. Аниқ!) Шунга қарамасдан, ноумид шайтон! — мен, балки, бахтимни топарман, деб ўйлаган, унга суянган, мадад олгим-яшагим келган эди! Мана, мен Сирож муаллим билан кўришмаганим, уни изламаганимга минг йил бўлди. Шаҳар четига овлоқ чойхонага ҳам, Мамлакатхон турган кулбаи аҳзонга ҳам оёқ босмаяпман. Аммо Бадалбек, унинг ёнида Сирож муаллим барибир мени тарк этишмаябди. Хаёлимдан кетишмаябди! Аксинча, менинг ҳар бир қадамимни зимдан таъқиб қилишаётгандек... Афтидан, ҳозирча мен ўзимни кўру кардек тутиб, юпатишга уриняпман, холос. Бу қанча давом этишини эса билиб бўлмайди!

Фақат қабристон эмас... Уйда бор нарса: кийим-кечак, рўзғор анжомларидан ҳовлидаги бурчак-бурчакда уюлиб ётган темир-терсақкача Бадалбекни эслатади! Ҳанифага эргашиб, кўчага чиққаним заҳоти, у эшиклардан бирига имо қилади:

— Маҳлиқо опа турган ҳовли...

— Маҳлиқо?!

— Сирож муаллим билан! — тушунтиради Ҳанифа.

Булар майли.

Гоҳ кеч тунлар уйғониб, Ҳанифа ёнимда эмаслигини сезаман. Ташқарига йўналиб, бехосдан унинг ҳовлида, ой ёруғида сочларини ёйиб, бош юваётганига кўзим тушади. (Беихтиёр болалиқда холамдан эшитган ажинани эслайман... Инсонми, фариштами бўлса, кундузи ичкарида, тошнов олдида ювинмайдими?!) Менга энди ёлғиз у эмас, бир неча ажина-алвастилар тоғора устида энкайганча, бош юваётгандек туюлади! Шу аснода, назаримда (у кимнинг уйида бўлиши мумкин?!), товуснинг хунук қичқириви эшитилади. Мен апил-тапил изимга қайтиб, кўрпага бурканаман.

Уйқу йўқ... Сўнги даврда кечган бутун воқеалар ёдимга тушиб, хаёлимда турли саволлар айлана бошлайди:

1. Сирож муаллимнинг вақтида мактабга кеч тунда келишию унинг Бадалбек билан бирга ҳалокати нега тасодиф воқеа эмас, атайин рўй бергандек — нотабий таассурот уйғотябди?!

2. Чойхонадаги одам ким?! Ертўладаги ким?! Сирож муаллим (ўлмаган бўлса!) булардан қайси бири?!

3. Терговчилар ишни нега суграшябди?! Шаҳардаги катталар нега мактабга Сирож муаллимнинг номини беришябди?!

4. Кўзгу ўзи синганмиги ёки синдирилганми?!

5. Сирож муаллимнинг оиласига ким хат ёзиб, ким пул жўнатиб турибди?! Унинг уйидагилар пайшанба кунлари қанақа «ов»га боришади?!

6. Новча, бақувват тўрт йиғит нега менинг йўлимда уймалашиб юришибди?! Уларнинг мақсади нима?!

7. Бадалбекнинг қабри ҳақидаги гапга қандайдир асос борми?!

8. Бу воқеаларга Ҳанифа қанчалик дахлдор?! У алвасти бўлганидан, мени аввалдан шу кўйларга солмадимикан?!

9. Бу даҳмаза қачонгача давом этади?!

Савол бору жавоб йўқ! — наҳотки, яшаш шарты?!

Ланжликми-эринганимдан, хаёлимда айланган саволлар тўғрисида чуқур ўйлагим келмайди. (Шуурида

улар бир қур жонланиб, қайтиб сувга чўккандек йўқолади).

Ўзимни уйқуга соламан. Ухлаш керак! Ухлайман.

Кейин, Ҳанифа ҳам ёнимга келиб ухлайди.

Кейин, хонадон уйқуга фарқ бўлади...

Биз кузда уйқуга кетиб, баҳоргача ухлаймиз. Дарахтлар, баъзи бир махлуқотларга ўхшаб,

Баҳорда ҳаёт сал тиради.

Хонадон гавжумлашади. Ҳанифанинг мажруҳ опалари ўз болалари билан ҳовлига ёпирилиб келишади.

Ҳовлини варрак босган. Айримлари дафтардек, айримлари — учар гилам.

Ҳанифа ҳовли бурчагида ётган оддий ёғоч нарвонни томга тиркаб қўяди. Мени ҳаммага бош бўлишга ундаб-туртганича, ўзи лип этиб томга кўтарилади. Болалар унга дарҳол эргашишади. Улар — хўп, Ҳанифанинг мажруҳ опалари ҳам нарвонга жон-жаҳдлари билан тармашишади. Мен кўзларимни ишқалаб, буларга гангиб тикилиб туравераман. Булар фақат оталари учувчи бўлгани учун эмас, бошқа бир шаҳардан келиб қолишгани учун ҳам парвозга қизиқишса керак-да, деб ўйлайман.

Шу аснода, илк ёшлиқда хаёлимга ўрнашган бир нарсаларни беихтиёр эслайман:

*Мен дейман, ўзимча кўтариб исён, —
Гарчи фанга бордир кўнглимда ҳурмат, —
Одамлар, одамлар, нечун сизга осмон,
Сизга камми, ахир, заминда гурбат?!*

*Сиз кўкка боқасиз қандайдир ҳайрон,
Кўкда сизни гўё кутаябди тахт.
Одамлар, одамлар, нечун сизга осмон,
Сизга, ахир, камми заминдаги бахт?!¹*

Негадир мана бу сатрлар ҳам хаёлимдан кечади:

*Деразамиз
Шундоққина айвон остида,
Кўча қошида.
Баъзан катта кичикни мен,
Баъзан кичик кичикни у*

кўтариб,

¹ М. Алигерган

*Деразадан қараймиз,
Каптарларни кўрсатиб,
Жавраймиз:
— Ана, қара! Беҳ-беҳ!
— Қара, қара! Маҳ-маҳ...¹*

Баҳор кунлари кўксим илиб, Ҳанифани янгидан ёқтираман. Унинг алвастилигини унутаман. Хаёлим ердан осмонга кўчади.

Аммо варрақлар осмонда йиртилиб-тўзиб кетади. Ҳамма томдан пастга тушади. Ҳанифанинг опалари болалари билан уйимизни тарк этишади.

Ҳанифа-иккимиз ҳовлида бир-биримизга суяниб қоламиз.

Ниҳоят, баҳор ўтгани сезилади.

Кейин, ўша эски аҳвол: ҳар ким дарди ичида, зерикиб, ўз аравасини тортади.

Мен Ҳанифа тўғрисида Алвасти, ўз тўғримда Иблис, деб ўйлайман.

Савол бору жавоб йўқ... Уйқу...

Соядек судралиб юрибмиз!

Шу тахлитда орадан яна икки йил ўтди...

¹ Чўлпон Эргашдан.

Иккинчи гавра

ТАСҚАРА

Кириш

Ширинкўл қанчалик ҳаётдан ўзини четга тортган, шўрлик унут бир юрт бўлмасин, бу ерда одамлар минг йиллар давомида турмуш қуриб, уй-жой қилиб, бемалол яшаб юришибди. Кимдир тасодифан, четдан Ширинкўлга келиб қолса, Худонинг бергани! — кўрадиган, томошабоп нарса топилади. Ҳеч ким пулим куйди, бунақа жойни елкаминг чуқури кўрсин, демайди. (Бу ернинг ўзи ҳам, ҳаёти ҳам бир оз ширин, бир оз чучук экан, шунинг учун Ширинкўл деб аташгандир, мазмунида тўнғиллайдиган битта-яримта учрайди, албатта. Бироқ бунга чидайсан!)

Шаҳар маркази анча обод. Катта боғ, қатор дўконлардан ташқари, ҳунармандлик устахоналари, ҳар хил ўйингоҳлар, кураш майдончалари... Бува билан невара бир-бирининг пинжига тиқилгандек, эски ва янги иморатлар... Шаҳарнинг бир чеккасида — обидалар. Гарчи қадимий хонақо, масжид қорайиб-ғиштлари тўкилиб, пастак минора қийшайиб қолган, жимитгина ҳовузни пўпанак босиб ётган бўлса ҳамки, Ширинкўлга адашиб келган киши бу ер ҳар ҳолда ўз тарихига эга эканлигини ҳис этади!

Аммо Ширинкўлда чинакам диққатга сазовор нарса: тўрт томондан кўринадиган нуқтада қурилган, қўш-қаватли ҳаммом! У олисдан зангор қуббалари ялтираб, қандайдир қаср-саройларни эслатади. Унинг бу шаҳарда меҳр билан, эътибор бериб бунёд қилинганига ажабланасан...

Қисқаси, орадан яна икки йил ўтган,
яна куз келган эди...

Тўртинчи саҳифа

ИЛТИЖО

31

Бир пайтлари бўлганидек, ёмғир ёғиб, бехосдан осмон парчаланди.

Мен ҳаммомни ёнлаб кетаётган эдим,
дабдурустан орқа томондан чиқиб келаётган таниш —

новча, бақувват тўрт йигитга кўзим тушди.

Улар тўртталаси ҳам аскарликка чақирилган ўсмирларга ўхшаб, негадир елкаларига қопчиқ осиб олишган эди! Кўпдан буён учратмаганим учун ҳам, уларни кўриб, аввалига қаттиқ саросималандим. Кейин, бу ерда, ҳаммом орқасида нима қилиб юришибди экан, деб ажабландим.

Йигитлар менга аҳамият бермагандек, кўм-кўк кўзлари чақчайиб, ўзаро сўзлашганча, бир зумда ёнимдан зипилаб ўтишди. Ёмғир остида, шу ондаёқ қаёққадир ғойиб бўлишди.

Мен кўча ўртасида серрайган эдим. Эҳтимолки, мен ҳам ўз йўлимдан қолмаганим дуруст эди. Лекин, улар барибир мени огоҳлантириб таъқиб қилишмаябдимикан, деган бемаъни гап хаёлимга келди! Бундан ташқари, нима учундир менга улар ҳозир тўғри чойхонага — Сирож муаллимнинг олдига боришаётгандек туюлди... Мен ҳам бостириб борсам-чи, деб ўйладим. Сирож муаллим билан очиқ гаплашиш керак! (У — Сирож муаллимми, бошқами?! Чойхонада шуни аниқласам, бас; бутун сир очила бошлайди! Иш осон кўчади!) Мен олдинлар бунга шахд этолмасдим. Бироқ энди жонимга теккан эди... Бу ҳолда яшаб бўлмайди!

32

Қонимда беихтиёр аввалги қизиқиш уйғонганидан шиддатланиб, катта йўл бўйлаб кета бошладим.

Ёмғир тинган, қуёш парча-парча булутлар орасида эринчоқ юзар эди.

Ниҳоят, кўзланган манзилга етиб, одатдагидек, ипдек ариқдан ҳатладиму
рўпарамга тикилиб... дабдурустан

оёқларим ерга михланиб қолди.
Тушуниш қийин... Чойхона —
ипдек ариқ ҳалқаси ичида, йиртиқ чопонни эслат-
ган чойхона, — негадир
кўринмас эди!

Уни бузишган, деб ўйлаш мумкин... аммо қизиқ
жойи, бу ер йўлнинг нариги бетидаги сингари оддий
хиёбон эди! Янги тикланган хиёбон ҳам эмас... нақ
манглайингга уриладиган — кучоққа сиғмайдиган чи-
норлар қад кўтарган! Ахир, кўчадаги аҳмоқ терак ҳам
бунчалик тез ўсмайди-ку!

Қандай бўлмасин, бундан икки йил бурун Сирож
муаллим кўр тўкиб ўтирган, мен бир неча бора кириб
чиққан чойхона йўқолган. Унинг қаерга, қачон йўқол-
ганю азамат чинорлар қачон, қаердан келиб қолга-
нани билиш мушкул эди!

Мен эсим оғиб, бошим қотганича, катта йўл бўйига
қайтиб, бу ердаги аҳвол тўғрисида сўраб-суриштирга-
ни одам пойлай бошладим.

Ахийри, йўлда кўринган, афандига хос — эшак
миниб, бошига фўтани қийшиқ қўндирган йўловчини
тўхтатдим:

— Кечирасиз. Шу ерда бир чойхона...

У, афтидан, менинг мақсадимга тушунмади. Ўткин-
чи кимса гап нимада эканлигини қаёқдан ҳам билсин!

— Бу атрофда чойхона йўқ. Марказга боринг, —
деди афанди.

Йўлнинг нариги бетидаги хиёбон ортида узоқдан
қишлоқ уйлари кўзга ташланар эди. Одам пойлашга
ортиқ сабрим чидамай, шу ёққа қараб илдам босдим.
Мен ҳамон: «Чойхона эски, кўримсиз эди. Бузишган,
албатта! (Балки, Сирож муаллим билан бояги йигитлар
бузишгандир?!)» деб ўйлашга мойил эдим. Лекин буни
аниқламагунча тинчийдиганга ўхшамас эдим!

Қишлоқ кўчасидаги бир ҳовли эшигида икки қария
алламбалони муҳокама қилиб, ўйчан сўзлашиб тури-
шар эди. Яқинлашиб, сўрашдим.

Қариялар менга савол назари билан тикилишди.

— Анави дарахтзор томонда чойхона бўлармиди?!

— Сизни адаштиришибди. Чойхона марказда.
Йўлдан анча юқорида ҳам бўлиши мумкин, — деди
қариялардан бўйи пастроғи.

— Бор эди! Мен ўз кўзим билан кўрганман. Чой
ичганман, — фўлдирадим ғалатироқ ҳолатга тушиб.

— Бу ерда ҳеч қачон чойхона бўлмаган, — гапга аралашди бўйи тикроқ қария. — Биз биламиз, болам. Оппоқ соқолимиз билан ёлгон гапирмаймиз...

«Демак, ҳали чойхонанинг ўзи йўқмиди?!» — деган ўй мана энди миямга урилди... Наҳотки, бир кунлари, бор чинорлар ўрнида менга йўқ чойхона кўринган эди?! Ёки, йўқ чойхона кўриниб, бор чинорлар кўринмаган эди?! Ёшлиқда эшитган эдим. Йўқдан бор, бордан йўқ бўлмайди, дейишарди. Наҳотки, бу ерда, аксинча, бордан йўқ, йўқдан бор бўлябди?! Дунё — сароб; у бизга кўрингани, биз бўлганимиз учун бор, биз бўлмасак, у ҳам йўқ, деган бир фикр ҳам қулоғимга чалинган. (Наузамбиллоҳ! Бу — мен борманки, Худо бор, деган фалсафани эслатади.) Инсонга бор нарса кўриниши мумкин! Аммо йўқ нарса қандай кўринар экан?! Мен вақтида ақлдан озиб, Сирож муаллимни учратганманми ёки ҳозир ақлдан озиб турибманми?! — қанчалик қайсарланма! — шу иккисидан бири аниқ эди!

Қишлоқ кўчасида қарияларни қолдириб, мен энди телбалардек катта йўлга қараб жетаётганимча, бўғилиб, ўзимми-кимларгадир мурожаат қилмоқда эдим... Йўл бўйида хиёбон, кўкка бўй чўзган чинорлар бўлган, холос! Гарчи баъзан чинорлар ёнида, остида, ҳаттоки ичида чойхоналар учраса ҳамки, бу ерда ҳеч қандай чойхона бўлмаган! Хўп, шундай. Тўғри... Лекин, чойхона бўлмаса, мен кўрган нима эди?! Чойхона бўлмаса, Сирож муаллим ҳам менга шунчаки кўринганми?! Ертўладаги, Мамлакатхон кўрсатган Сирож муаллим-чи?! Мамлакатхоннинг ўзи ҳам кўринган эканми?! Ҳанифа ҳам?! Дарвоқе, бир хилда эчкисифат соқол қўйган тўрт йигит?! Бу ҳолда менинг ўзим ҳам ўзимга кўринган бўлиб чиқмайманми?!

Шу аснода орқамга қарамай қочишим керак эди! Бироқ...

Бундай ҳолатга биринчи марта дуч келмаяпман. Икки йил бурун қандай воқеалар рўй бермаган, менга нималар кўринмаган эди. Инсон ҳамма нарсага кўникади. Эт ўлади!

Мен даҳшат туйиб, ҳаяжонланган, телбаланганимга қарамасдан, шу боисдан, яна ипдек ариққа яқинлашиб, чинорларга қараб бормоқда эдим. Мен ҳамон, чойхона бўлган, аммо бузилганми-йўқолган, деган фикримдан қайтмаган эдим. Ақл бовар қилмаса ҳам-

- ки, бу Сирож муаллимга (балки, Бадалбекка ҳам?!)
тегишли ўша сир-синоатнинг давоми — янги бир
ҳалқа эканлигини ҳис этмоқда эдим...

33

Шу кундан эътиборан яна, аввалгидан баттар оро-
мим бузилди. Икки йил бурунги ҳолатга қайтгандек
бўлдим.

Мен, Сирож муаллим ёнидаги йигитлар билан мар-
каздаги чойхоналардан биронтасига ўрнашиб олма-
ганмикин, деган хаёлга бориб, уларнинг изини тутиш-
га урина бошладим. Олдинлар деярли кирмасдим.
Энди кечкурунлар устахонадан чиқиб, гоҳ боғ яқини-
даги, гоҳ бозор орқасидаги чойхонага бораман. Чой
ичиб, қоронғи тушгунича ўтираман.

Куббалари ялтираган ҳаммом атрофида ҳам баъзан
айланаман. Сирож муаллимнинг шотирлари кўрин-
масмикин, деб кутаман.

Бир неча кун қорайиб-ғишглари тўкилган қадимий
хонақо, масжидга ҳам қатнадим. Пастак минора, кўм-
кўк ҳовузни томоша қиламан. Хонақо, масжид ичига
мўралайман. (Танишларим бирон бурчақдан чиқиб
қолишмасмикин, деб ўйлайман.) Бу ерда намоз вақти-
дан бўлак пайтлар одатда одам бўлмайди. Хилват жой.
Гоҳида фақат қора соқолли, чиройли Мутавалли отага
тўқнаш келаман. Бу киши шу ерда сўфиликдан қоро-
вулликкача барча вазифани бажаради. Саломлашаман.
Аммо гаплашмайман. Мутавалли ота ҳам индамай су-
пуриб-сидиришми, ўз ишини қилаверади.

Орадан тахминан икки ҳафта ўтгач, изқуварлигим-
дан натижа чиқмаётганини кўриб, асабийлаша бошла-
дим. Буларни қиёматгача кутаманми?! Битадиган иш
(яхшилиқ биланми, ёмонлик биланми — менга бари-
бир!) тезроқ битгани маъқул! «Сирож муаллимнинг
уйига боришим керак, пайшанба куни бораман!»—
деган қарорга келдим...

... Менга фироқ қилмай, Мамлакатхон энди дарво-
зани очади! Ишқ-муҳаббат ҳақида баҳс юритмаймиз,
албатта. Бунақа ишлар одам бир совигунича! Лекин
мени қочоқ деб юриб, ўзи қочиб қолган Мамлакат-
хонни рўпарамга ўтқазиб, отаси тўғрисида обдан су-
риштираман. Бутун билганини айтмагунича уни тин-
читмайман!

Ёху... Уйдаги гап кўчага тўғри келмайди, дейишганидек, кўчадаги гап ҳам уйга, айниқса, бировнинг уйига тўғри келавермас экан!

Мен ўйлаганимдек, Мамлакатхон дарвозани очди.

У бир оз тиниққанми-оқарган, олдингидан ҳам ма-лоҳатга тўлган эди.

— Вой! Сизми?! Келинг...— деди. Кейин, пичир-лаб: — Тинчмисиз?!— деб сўради.

Тинчлик қаёқда?! Аммо ҳозир кўнглимда ҳаётдан шикоят йўқ эди!

Дадил ичкарига кирдим.

Кирдиму...

Айвон олдига турган катта Сожидахонга кўзим тушди. (Ичимда ёнган шам лоп этиб сўнди.)

Мен у билан сўрашиб, илож-ноилож айвонга кўта-рилдим.

Дам ўтмай, ичкаридан Сотимжон, Адҳамжон, кичик Сожидахон ҳам чиқишди. Булар пайшанба кунлари «ов»га боришни энди тарк этишганми?! — ҳамма уйда эди!

Очиги, мен гўёки йўқ жойдаги гирдибод урган қандайдир қуюнда беихтиёр бу ерга сурилиб келган, Сирож муаллимнинг жамулжам оила аъзоларини кўрганимдан сўнг, мени нима жин уриб бу ерга келдим, деб ўйлай бошлаган эдим! Мен учун бу даврада суҳбат алақачон тугагандек эди.

Бироқ мени кўриб, ўз одатларича, буларнинг барчалари алланечук ийиганми-суюнишганми эди! Рўпарамда катта Сожидахондан бўлак ҳамма маҳзун жилмайиб ўтирарди. Катта Сожидахон эса, менга «ўлманг, болам» деб кўйиб, Сирож муаллимга бағишланган «унутилмас хотиралар»ни яна бошлаб юборган эди:

— Қандоқ одам эдилар-а, муаллимингиз! Ҳазрати инсон...

Мен бу ерга ўз ихтиёрим билан ташриф буюрган-нимдан, қондани бузмай, тишимни-тишга босиб ўти-рар, ўрнимдан сапчиб туриш учун фақат гапнинг бир-рон нуқтаси етишини кутар эдим. Ора-сира эрига парво қилмай нақ менинг пинжимга келиб чўккалаган Мамлакатхонга разм солардим. Ўртаниб, шайдо бўлиб, ҳатто уйланишни хаёл қилиб юрганимда мени ташлаб

кетган Мамлакатхон ҳозир қайта бошдан васли-ви-
солга майл кўрсатмоқдами?! — ҳар ҳолда, яна даврада
кўзи билан мени сузмоқда эди. Мабодо иккимиз шу
кун иёлғиз кўришганимизда, афтидан, муносабатимиз
тикланиши ҳам ҳеч гап эмасди! Лекин даврада ўти-
риб, унга нисбатан негадир бегоналикми, бир оз наф-
ратми туйганимча, уни энди кўргим йўқлигига дам
сайин қаноат ҳосил қилмоқда эдим...

Сирож муаллимнинг уйдан шу дарди-ҳасрат би-
лан чиқиб кетмайманми?! Ўшанда, кейинчалик сал
энтикиб, ўзимни бахтлироқ ҳис этармидим?! Мен бу
даврада (зерикарли суҳбат пайти) орадан кўп ўтмай,
булар бутун хонумонимни аёвсиз куйдиришларини
ақалли билсам экан... Мени катта Сожидахонми, гўзал
Мамлакатхонми чалғитган эди! Эзилибми-эснаб ўтир-
ган эдим... Гафлатда қолдим!

Катта Сожидахоннинг ҳикояси тугамаганди...

Кутилмаганда

айвоннинг қоқ белидаги қоққа очилиб, —

(аввалига Сирож муаллимми, дебман!)

ичкарида ухлаб ётган эканми, кўзларини ишқага-
нича, —

икки ёшга тўлиб-тўлмаган

дўмбоққина болакай чикди.

У менга ажабланиб қарагандек бўлди.

Мен-чи?!)

Унга тикилиб, қотиб қолган эдим!

Бола — менинг ўзим...

менинг кичрайган нусхам...

кичик бир суратим...

менинг зуваламни олиб, қайтадан

кичикроқ шаклда бунёд қилингандек эди!

Аммо даҳшатли жойи, даврада мендан бўлак ҳеч
ким бунга эътибор бермас эди!

Фақат катта Сожидахон узундан-узоқ ҳикояни
ўртасида тўхтатган эди. Улар барчалари энди болага
маҳзун жилмайиб қараб ўтиришарди.

Ниҳоят,

бола,

бир нафас серрайгач, Адҳамжоннинг ёнига ке-
либ, —

туями-отми қилиб минмоқчи бўлса керак, — уни
туртиб, кифтига тирмаша бошлади;

— Ада... ад-а...

— Олдин амакига салом бер, Умиджон! Олдин амаки...

Амаки!

Умид!

Ва албатта...

кўкракка ўнғайсиз қовуштирилган икки қўлча:

— Ас-саём!

Баракалла!

Мен бу ерда ўтиришга ҳолим йўқ,

ўрнимдан шарт туриб кетишга ҳам

мадорим

йўқ

эди.

Ўзимни қандай тутиб, нима қилишимни билмайман...

Сирож муаллимнинг уйидан қачон, қандай чиқиб кетганимни ҳам...

Худо ҳаққи! —

билмайман!

35

Мен бу ерга Сирож муаллим тўғрисида бирон-бир гапдан воқиф бўлиш учун келиб, ўз тўғримдаги аламли бир ҳақиқатни очган эдим...

Мен дунёда фарзанд кўрган, аммо ундан беҳабар эдим! У — менга бегона, у — бировнинг боласи эди. Йўқ, у — менинг фарзандим эди; лекин мен ўз уйимда тирноққа зор эдим!

Қаерга бориб, бошимни қайси деворга уришим керак?!

Эски касалим кўзиб, энди деярли ҳар куни ўласи ичганча, кўча-кўйда тентираб, ўз қисматимдан пана-панада хўнғир-хўнғир йиғлар эдим... Менга рўй берган воқеанинг бутун даҳшати аста-секин ошкор бўлмоқда эди. Менинг изтироб чекканим майли. Гап аҳмоқона ҳолатга тушганимда ҳам эмас! Бу — илк туюлганидан кўра жиддий эди. Мен — осий банда, адашиб, оғир гуноҳга ботган эдим...

Мен эс-хушимдан айрилиб, Мамлакатхонга боғла-ниб қолган эдим. Сирож муаллимнинг уйига шу сўнги борганимда ҳам, — уни остонада кўриб, — тирик экан, бор экан, хайрият, шукр, деб ўйлаб, қалқиб кетган эдим! Мен ҳамон бу аёлни нафрат аралаш

севар эдим! Мамлакатхон ҳам мени севгандек эди. Ҳар ҳолда, менга нисбатан бефарқ эмасди! Шу боисдан, Ҳанифа эмас, бу алвасти экан, демайман. Ярашмайди... Фақат...

Мен Мамлакатхоннинг нияти чин, деб ўйламаган, у — бир кунлари, ёлғонми, рост гапирябди?! — билмаган эдим...

Биз нопок йўлдан юрган, нопок бир инсонни дунёга келтирган эдик!

Энди кўча-кўйда тентираб, азобланганимча, қайта-қайта бир нарсани ўйлар эдим. Бу — менга бегона — менинг болам улғайиб, ким бўлади?! Ундан қандай одам чиқади?!

Баъзан, қонунсиз-никоҳсиз туғилган болалар ҳам дуппа-дуруст одамга айланиб, сафга қўшилиб кетади, дейишади. Шундаймикан?! Қизиқ... Албатта, тарбиялайверса эшак ҳам мулла бўлади, деган гап бор. Лекин барибир, мулла бўлгани билан, эшак — эшак бўлиб қолавермайдими?! Бунинг устига, қон... Қутлуғ қон ёки ҳаром қон...

Дарвоқе... «Шайтон тандаги қон каби...»

Мен бу ҳаёдан алланечук безовталаниб, Бегона-болам учун ҳозирдан юрагимда хавф-хавотир туймоқда эдим!

Шундан кейин, кўп ўтмай, ичишни тўхтатдим. Аммо кўча-кўйда ҳамон тентирар эдим. Ахийри...

ювиниб-тараниб, масжидга борадиган,

кеч тун-бемаҳалгача бўм-бўш масжиднинг бир кунжида ғамгин чўнқайиб ўтирадиган бўлдим.

Мутавалли ота масжидга бот-бот кириб-чиқар, меҳробдаги ёниб бўлган шамларни алмаштирар, гоҳида палосларни наридан-бери тартибга келтирарди. У менга индамасди. Мен ҳам у билан гаплашмас эдим.

Масжид кунжида мадорсиз қўлларим билан елкаларимни кучганимча ўтириб, ўз гуноҳларим тўғрисида зилиб ўйлар эдим.

Дунёда ҳар ким ўзи учун ўзи жавоб беради! Мамлакатхон ҳам, мен ҳам...

Демак, ҳеч ким мени мажбур қилгани йўқ; мен бу йўлдан бормаслигим керак эди...

*«... Борилиши ман этиладиган жойларга борма.
Золимлар ва ҳаромхўрлар уйига борма.*

Қиморхона ва харобот каби нолойиқ, тухмат жойларга борма.

Номахрамлар орқасидан қадам ташлама. Борма».

Ва ниҳоят:

«... Кўзни ҳар қандай номахрамни кўришдан ман этмоқ керак.

Кўзни шаҳват кўзғовчи ҳаттоки суратлардан ҳам асрамоқ керак!»

Ахир, мен бир пайтлари отамдан қолган қайсидир эски китоблардаги бу сўзларни ўқиган, ёд олган эдимку!

Илм бошқа, амал бошқа эканми?!

Умуман, шусиз ҳам менинг бўйнимда гуноҳим кўп эди...

Мен ёшлиқдан юрагим зардобга тўлиб, атрофимдаги одамлардан қачон, ким билан сўзлашмай, бизнинг барчамиз осий бандалармиз, инсон фаришта эмас, бейб Парвардигор, ҳамманинг ҳам ўзига яраша гуноҳи бўлади, қабилидаги турли фатволарга дуч келдим! Бу — билганингча яша, илдам босавер, деган гап эди... Ҳамма «гоҳ Худою расул, гоҳ ғамзаю усул» мазмунидаги ақидага риоя қилиб, даврага кириб, қироатга қўшилиб, ўтган-қетганларни хотирлаб, юзига фотиҳа тортиб, шу ондаёқ кўлига қадаҳ олганича, заҳри қотилни ичиб, маза-бемаза суҳбатга аралашиб юрганини кўрдим. Поклик, вафо, номус тўғрисидаги ҳикоятлар билан бирга, ёнма-ён бепарда, беҳаё сўзларни эшитдим... Бундай художўйлардан кейин, очиқ худосизларни учратдим. Булар учун қандайдир ҳалол ва ҳаром деган тушунчанинг ўзи ҳам йўқдек эди! Инсонга ҳаёт бир марта берилади, бос, босиб олганинг сеники, юз-кўзга қараб нима қиласан! Қорин, дабдабали уй-жой, қап-пайган ҳамён, гўзал жононлар... дунё шу!

•Буларнинг барчаси руҳан қашшоқ кишилар эди!

Мен ҳам...

Дунёда ҳеч қачон бунчалик тасқара авлод бўлганми?!

Ширинкўлнинг шўри: муҳит инсонни қурт-қумурсқага айлантириб, эзгу ҳиссиётлар, юксак тафаккур парвозидан маҳрум — бедаво кўйга солиб қўяди! Қабоҳатта мурасасизлик, ҳаромдан ҳазар йўқлигидан,

буюк ҳақиқатлар, дунёдаги қадриятлар кишининг хаёлига ҳам келмайди. Ҳар қандай бемаънилик оддий, табиий ҳол бўлиб туюлади!

Мен масжид кунжида бош эгиб ўтирганимча, шуларни ўйлар эдим.

Баъзан аччиқ кўз ёшлари тўкиб, мени кечириш қийин, лекин ахир, орада муҳаббат бор эди, Мамлакатхонга кўнгил бермаганимда, бу қадар гуноҳга ботмасмидим, деган хаёлга борар эдим. Барчасига муҳаббат сабаб, деб ўзимни бир оз овутишга уринардим! Кейин, олдингидан баттар чуқур ўйга чўмар эдим... Нега бундай бўлди? Азалдан муҳаббатнинг асоси — гуноҳ; у гуноҳдан тўқилганмикан?! Балки, муҳаббатнинг ўзи ҳаромдир?! Балки, фақат хилқатга муҳаббат керақдир. Шундай! Шундай... Аммо ишқ-муҳаббат бўлмаса, дунёда нима қолади?! Ёвузлик, бир-бирига нафрат кўпайиб-кучайиб кетмайдими?! Холиқ ўзи яратмаганми эзгуликни?! Гўзалликка чорламаганми?! «Илоҳнинг яратмишларини ҳам севмоқ керак...» Тўғри... Бироқ бу ерда гап шунчаки муҳаббат устида эмас! Бошқа... «Шайтон тандаги қон каби...» Буни оқлаб бўлмайди!

Баъзан, бу ўзи нимадан бошланди, мен қачон, нега бундай тасқара одамга айланиб қолдим, деб ўйлаб, эзилганимча Заҳҳок ва Иблис тўғрисидаги эски ҳикоятни эслар эдим. Ҳузурида юриб, ўзини ширин таомлар билан сийлаган Иблисга шоҳ бир куни ийиб, тила тилагингни, дебди. «Менга ҳеч нарса керак эмас, — дебди Иблис. — Фақат муборак икки кифтингизни ўпиб қўймоқчиман!» Заҳҳок рози бўлибди. Иблис унинг яланғоч елкаларидан ўпибди. Кейин, шоҳнинг икки елкасидан икки илон ўсиб чиқибди. Улар Заҳҳокнинг миясини кемирмоқчи бўлишар, Заҳҳок энди талвасага тушганича одамларни сўйиб, уларнинг мияси билан илонларни боқиб-тинчитар экан... Менинг қоним — ҳаром қон эмасди. Бизнинг ота-оналаримиз диёнатли-покиза одамлар эдилар! Биргина муҳитни ҳам айблаб бўлмайди. Инсон ҳар қандай шароитда асраниши мумкин! Демак, кейинги тарбия... Кўп нарса, албатта, тарбияга боғлиқ! (Бекордан, пир — мурид, устоз — шогирд, дейишмайди. Дунёда қанча улуғ пирлар, буюк устозлар яшаб ўтмаган!) Биз яхши тарбия олмаганмиз, холос! Менинг аввалдан устоз борасида омадим чопмаганми, бахтим йўқми экан...

Мен илк дафъа шундай фикрга келиб, Сирож муаллимдан астойдил ранжиган ҳолда, унинг кимлиги, қандай одам бўлганлиги тўғрисида ўйлай бошлаган эдим.

Сирож муаллим кўзлари порлаган, юзида ажиб улувворлик акс этган киши эди. Паст, сал синиқ товушда, сўзни чертиб-чертиб гапирарди. Доим ҳақиқат учун курашармиди?! Одамларнинг бахтини деб яшармиди?! — ҳар ҳолда, юриш-туриши, феъл-атвориغا қараб, юрагингда унга нисбатан ҳурматми, меҳрми уйғонарди. Шу боисданми ёки Сирож муаллимнинг қандайдир қатъиятли, иродали эканлигиданми, беихтиёр бўйсуниб, у бошлаган томонга юрмаслик мушкул эди! (Мен Сирож муаллимга вақтида бефарқ қарасам эди, эҳтимол шунча оворагарчилик кўриб, унинг изидан тушмас, унга эргашмас эдим!) У, афтидан, ҳеч ким, ҳеч нарсадан кўрқмас, келбатли, салобатли бўлмаса ҳамки, унга аждар бас келади, дейиш мумкин эди! Гўёки фақат мактаб эмас, бутун мамлакатда муаллимдек, катта давраларда «халқ дарди» деб сўз бошлар, кейин, масалан «ҳовузлар ботқоққа айланиб ётибди; кўчалар ифлос; ерни заҳарлашябди» сингари кўпчиликнинг «тили учидан турган» гапларни дадил-бемалол айтаверарди. Одамлар анграйиб қолишар, муаллим яхши гапирди, янги гап айтди, дейишарди... Шунинг баробарида, Сирож муаллим кўпинча: «Оддийроқ яшашга ўрганиш керак!» — дер, ҳаётдан (Ширинкўлдаги бояги муҳитдан) ниҳоятда мамнунми, бахтиёрми эди! (Умунан, у ўртаҳол кун кечиргандек таассурот уйғонарди. Аммо бир воқеа эсимда... Мактабни янги битирган эдим. Кўчада тасодифан кўришиб қолдик. Бирга овқатланиб, суҳбатлашадиган бўлдик. Мен устозни, ҳотамтойлик қилиб, сийлагим келган эди; менинг бу ишимдан у кулди. Ошхонадан қайтиб кўчага чиққанимизда, қўлидаги чарм халтани негадир менга очиб кўрсатди. Кунда кўриб юрган ҳол эмас... халта оғзигача белбоғи ечилмаган пул эди! Мен бировнинг кармонига нима ишим бор?! Ўшанда шунчаки, унга бунча пулни ким берди, қаердан олди, деб ажабланган эдим. Айниқса, Сирож муаллимнинг осойишта илжайиб тургани... Мана, ҳозир ҳам қаердандир унинг оиласига олган ойлигидан кўп пул келиб турибди экан! Қизиқ, албатта...) Лекин буниси майли. Сирож муаллим тўғрисида бошқа гап муҳим эди!

Бунга алоҳида тўхталмай бўлмайди... У одатда, «бир сафда!» дегандек, шогирдларидан (атрофдаги барча одамлардан ҳам!) ҳаёт тўғрисида бир хилда ўйлаш, бир хилда гапириш, ҳар қандай воқеани бир хилда кўриш, ҳамма нарсани бир хилда тушунишни қатъий талаб қилар эди! Сирож муаллим учун «шахсий фикр» деган тушунча йўқ эди! Оғзингни очгани қўймас эди! У — девонавор хислатлари бор, ғалати одам; ўзи доимо чизган чизиқдан юравермайди. Лекин бошқа бир-бирнинг чизган чизиқдан чиқишига у бардош беролмас эди! Йўлингга ўлигини ташлар эди! Сени мактабдан ҳайдатиб юборар, бу бўлмаса, юқори синф ўқувчиларидан тўртта шотири хизматга тайёр; танобингни тортиб қўйишдан ҳам тоймас эди! Унга, ундан катгароқ кишиларга фақат сажда қилгандек яшашинг шарт... Икки бошли илонни эшитганмисиз?! Тана, қорин бир эканлигини унутиб, овқат устида икки бош бир-бири билан талашганча, бир-бирини ғажиб ташлагиси келар эмиш... Биз мана шу илондек тарбия олмоқда эдик! Ўйлаганда — бир бош! Сўйлаганда — бир бош! Ёлғиз қолганда — бир бош билан; даврада — иккинчи бош билан... Икки бошни кўтариб юришинг керак! Қўшиқда: «Таълим берган устозингдан айрилма!» — деб куйланганидек, биз Сирож муаллимдан айрилмас... айрилолмас эдик. («Биз муридлар қайси йўл бирла Каъбага борайлик, пиримиз майхона томонга бошлябди!» — деган бир гап ҳам бормиди?) Биз аввалдан устознинг этагини тутган эдик!

Аmmo мен мактабни битиргач, Сирож муаллим билан бир гал бу тўғрида гаплашган эдим.

Бизнинг суҳбатимиз бундай эди:

— Ўртоқ муаллим...

— Ўртоқ эмас! Ўртоқ — муаллим бўлмайди, муаллим — ўртоқ... Булар орасида катта масофа...

— Узр. Майли. Мен бошқа... Отамдан бир ривоят эшитган эдим. Баъзан эслаб, азобланаман.

— Қанақа ривоят экан?!

— Қадим замонда, биздан олис томонда бир мамлакат бўлган экан. Ҳамма жойдагидек, мамлакат пойтахтида катта майдон; майдонда дор ўрнатилган экан... Ҳаёт тинч давом этаётиб, кутилмаганда каллаи-саҳардан бир одам ўз-ўзидан дор остига келиб, ўтириб олибди. «Дор остига судраб келинган» ёки «дор остидан қочган» деган гаплар бор, лекин ўзи дорга боши-

ни тутган кимса йўқлигидан, аёнлар-беклардан жаллодларгача — барча шошилиб майдонда тўпланишибди. «Сен бу ерда нима қилиб ўтирибсан?!» — деб сўрашибди бояги одамдан. «Мени осинглар!» — дебди бояги одам. «Нега?!» — деб сўрашибди. Бояги одам шундай гап қилибди... Менга: «Ҳаётдан ҳам, ўзингдан ҳам норози бўлма... Ҳеч нарсани эшитма!» — дейишди. Қулоғимга пахта тикиб олдим. «Ҳеч нарсани кўрма!» — дейишди. Ўзим ўз кўзларимни боғладим. «Гапирма!» — дейишди. Тилимни тишлаб юрдим. «Кулма!» — дейишди. Бунга ҳам кўндим. Энди: «Ҳеч нарсани сезмагандек юр. Ўйлама!» — дейишябди. Мен тирик одамман. Идрок қилмай яшаёлмайман! Ундан кўра мени осиб қўяқолинглар...

Сирож муаллим ўшанда масхараомуз кулумсираб, бошини чайқаган эди:

— Хўп, ўйлаб нима қиласиз?! Биз учун ўйлайдиганлар бор! Яшаб юравермайсизми?!

... Мен яшаб юраверган эдим!

36

Ўз-ўзим билан овора бўлиб, олдин дуч келган бутун жумбоқлар ҳам, Сирож муаллимнинг тўрт шотирию йўқолган чойхона ҳам шу кунлар батамом хотирамдан кўтарилган эди! Устахонада амал-тақал вақтни ўтказиб, уйга қайтар, тунда эса масжидга бориб, масжид кунжида ҳамон хаёлга берилиб ўтирар эдим. Бу ҳол қачонгача давом этиши маълум эмасди.

Дам олиш кунларидан бирида, эрталаб, — Ҳанифа зиёратгами, бозоргами кетган, уйда йўқ эди, — дарвоза тақиллади.

Бу ким бўлди экан, деб ўйлаб, бориб очдим.

Остонада уринган бахмал дўппи кийиб, эгнига узун оқ сурп устидан ола-була нимча илиб олган бир йигит хўмрайиб турарди. Қўлида кафтдек қоғоз. У, соқов бўлса керак, бармоғи билан нуқиб қўйиб, қоғозни менга узатди.

Кирланган қоғозга ижирғанганимча тикилиб, истар-истамас олдим. Асабийлашиб, кўз югуртира бошладим.

Катта ҳарфлар билан «Тавсиянома» деб ёзилган эди. Кейин...

*«Ушбу ҳужжатни кўрсатган кимса
(негадир исми-шарифи йўқ!) уйи ёнғинда куйиб, хотини, бола-чақалари ўлган. Ўзи ота-онасиз ўсган. Етим. Қариндош-уруғлари зилзила пайтида йўқолган.*

Унга ёрдам кўрсатишингизни сўраймиз.

Илова:

Нон ва эски кийим-кечак тиқиштирилмасин!»

Ёзув остига (яна, негадир) эгри чизиқ тортилиб, қайсидир маҳалланинг муҳри босилган эди.

Бунақа «ҳужжат»нинг баҳоси қанчалигини биласиз. Бунинг устига, олдинлар, бизнинг болалик пайтларимиз Ширинкўлда тиланчилар инсофлимикамгарми эди. Берганнинг юзига қарамай дуо қилишар — миннатдор бўлишарди. Ҳозир улар безбетликка одатланишди. Катта холасиникига келгандек, айримлари баъзан эшикни тепишга тайёр! Бироқ дунёда эси бор одам ҳеч қачон девона, бадмаст, тиланчи билан баҳслашиб-савдолашиб ўтирмайди. Қолаверса, бу йигитнинг аҳволи чиндан қандайлигини ким билсин... Индамай ичкарига кириб, пул олиб чиқиб бердим.

Бу эслашга арзимасди. Лекин уч-тўрт кундан кейин, ишдан уйга қайтаётиб, ўша тиланчига дабдурустан кўчада рўпара келдим. У тўхтаб (танимагандир?!) чўнтагидан қоғоз чиқарганча, яна бармоғи билан нуқиб қўйиб, менга узатди. Мен бу гал ҳам индамай чўнтагимга қўл суқдим.

Тиланчи энди менга гоҳида шундай юзлашадиган бўлиб қолди!

Мен кўнглим қандайдир ғаш тортганига қарамасдан, нима ишим бор, деб юрган эдим... кутилмаганда...

бир куни бозор эшигида унга узоқдан кўзим тушди.

У соқов эмас экан, биров билан бидиллаб гаплашиб турарди.

Мен унинг ким билан гаплашаётганига қизиқиб, айланиб ўтиб қарадим...

Тўрт йигитдан бири!

Булар шу кунларда ҳам мени таъқиб қилишни тўхтатишмабди-ку, деган хаёлга бориб, ўзимдан-ўзим хафа бўлиб кетдим. Сен неча бора Сирож муаллим-

нинг изидан тушиб, неча бора орқага қайтдинг, бунақа эмас-да, деб ўйладим. Изқуварликни эплолмаяпсан! Хўп, нима қилиш керак?!

Албатта, мен қўлим қичиб, уларнинг ёнига бостириб борганча, биринчи навбатда, муттаҳам эканлиги етмагандек, жосусга ўхшаб юрган тиланчининг бўйнига туширгим келмоқда эди! Лекин бундан нима чиқади?! Баттар иш бузилиши мумкин.

Гап тугадини пойлай бошладим.

Кўп ўтмай, улар хайрлашиб, тиланчи бир томонга, суҳбатдоши иккинчи томонга йўл олди.

Мен турқи-таровати кўкиш алангани эслатган, новча, бақувват йигитга эргашдим.

Биринчи марта тўртгаловидан бирини ёлғиз юрган ҳолда учратмоқда эдим. У мендан кучли; вашига тегсам, бир уришда учириб юборадиганга ўхшар эди. Шунга қарамасдан, мен уни тўхтатиб, гаплашмоқчи эдим! Лекин ҳамма бало шундаки, оёқлари гўладек йигит шундай тез одимлар эдики, мен югуриб ҳам унга етиб ололмаётган эдим! Ҳатто орамиздаги масофа яқинлашиб, овоз бериб тўхтатишнинг ҳам иложи йўқ эди!

У икки-уч кўчадан ўтиб...

тўппа-тўғри...

Ҳанифа ишлаётган касалхона эшигига бориб тўхтади.

Кейин, зип этиб ичкарига кириб кетди.

Мен бу ерда у нима қилар экан, деб юрагим беихтиёр орқага тортгандек бўлди. Кейин, унга эргашиб, мен ҳам касалхона ҳовлисига кирдим.

Дарахтзор касалхона ҳовлисида у кўринмас эди.

Мен, Ҳанифа шу ерда эканлигидан, хаёлим қочганми-хавотирланганми эдим. Назаримда, ҳозирок Ҳанифани кўрмасам, тузатиб бўлмайдиган бир кор-қол — бир фалокат рўй берадигандек эди!

Шошилиб, Ҳанифа ишлайдиган бинога кирдим.

Мен Ҳанифанинг «Ичак-ошқозон касалликлари» бўлимида ишлашини билар, аммо ҳеч қачон бу ерга келмаган эдим.

Узун, тор йўлак ўртасида катта бир стол турар, Ҳанифа ўзига ўхшаган икки ҳамшира билан қандайдир қутичалару шиша идишларни кўздан кечириб ўтирар эди.

Бояги йигитнинг бу ерда йўқлигию Ҳанифа қизлар даврасида осойишта ўтирганини кўриб, кўнглим бир оз ўрнига тушгандек бўлди.

Мени кутмаганидан, аввалига Ҳанифа бақрайиб қаради. Кейин, кулиб — кўзлари порлаб, лабларини йиғиштиролмаб қолди. Менинг ёнига келганимдан, у негадир қаттиқ ҳаяжонланган, суюнган эди! Бечора Ҳанифа... Дунёнинг азадан келган ўйинларидан бири: («Мең, сен дейман, сен ўзгага ёр!») Мен Мамлакатхонни севган, Ҳанифа эса дастлабки учрашганимиздан мени севар эди! Мен буни кўнглимда сезар эдим! «Муҳаббат бировга шайдоликдан ҳам кўпроқ ўз ҳиссиётларингга ажабланиш, улардан алданиб, уларга мафтун бўлишдир!» — деган эди кимдир. Бечора Ҳанифа ҳам ўзича ажабланиб, алданиб, мафтун бўлиб юргандир-да...

Мен унга ишим борлигини айтдим.

— Мен ҳозир... Касалларимга дори беришим керак, — жиддий тортиб, ташвишлангандек бўлди Ҳанифа.

— Эй, сен боравур. Биз ўзимиз, — деди ҳамширалардан бири.

Биз касалхона ҳовлисига чиқдик.

Ҳанифа мендан илиқ бир гап кутмоқда эди. Бироқ ҳозир бу менинг кўнглимга сиғмасди.

— Ҳаниф... Мен иш юзасидан. Бировни излаяпман. Шу касалхонада... — дедим унга. Кейин, бояги йигитнинг бутун қиёфасини чиздим.

— У битта эмас... Улар тўртта! — деди Ҳанифа.

— Биладан...

— Ҳув этак томонда, «Асаб касаликлари» бўлимида ишлашади... Тўйимизга ҳам келишган. Кўргансиз!

— Бўлиши мумкин. Гапиравур!

— Жамоага кўп аралашмайди... Нега улар эгиздек бир хил, тушунмайман... — Ҳанифа менга беҳос кўзларини катта очиб тикилди. — Сизга қайси бири керак?! Уларда нима ишингиз бор?!

— Шунчаки. Ўзим. Қўявур... Майли, сен ишингдан қолма!

Ҳанифа қараб турганию безовталанаётгани учун ҳозир этак томонга тушмадим. Касалхона ҳовлисидан қайтиб кўчага чиқдим.

Лекин эртаси куни туш пайтигача бажарадиган ишни юмалоқ-ёстиқ қилиб, шерикларимга минг хил ваз-қарсон кўрсатганимча, устахонани тарк этдим. Ҳозироқ бориб бировнинг гирибонидан тутадигандек, ичим пишиб, ҳовлиқиб, касалхонага келдим. Дарахтзор ҳовлининг этак томонига йўналдим.

Анча юргач, кенг йўлка тугаб, иланг-биланг сўқмоқ бошланди. Кейин, қандайдир қияликка дуч келдим. Пастда икки қаватли ғарибгина бино кўзга ташланарди... Касалхонадаги бошқа бинолар гўёки тоғ устида жойлашгану бу бино негадир суриб ташлангандек эди!

Энди шошмасдан пастга эндим.

Бино эски, касалхонадаги бошқа бинолар сингари оқланмаган ҳам эди! Қорамтир-жигарранг тусда. Куз куни, айниқса, хазонга кўмилиб ётибди!

Мен бино атрофида айлана бошладим. Демак, эч-кисифат соқол қўйган йигитлар шу ерда! Хўп, Сирож муаллим-чи?! Чойхона йўқолиб, у ҳам шу ерга келиб ўрнашганмикин?! Тўхта!

Сирож муаллим — ўз отаси тўғрисида, уялмай-нетмай (балки, ундан безор эканлигидандир?!) бир кунлари жуда қалтис гапирган эди Мамлакатхон! «Мияси заҳарланиб қолган. Махлуқ!» — деганмиди?! Демак, у «Асаб касалликлари» бўлимида бемалол келиб ётган бўлиши мумкин! Аммо... (эски савдо!) Бу (Сирож муаллим) — ўша, ертўладаги телба бўлса, йўқолган чойхонадаги — ким?! (Ўлган Сирож муаллимни-ку, эсламай қўяқолайлик!) Касалхонага келиб ётган тақдирда, улардан қайси бири келиб ётибди?!

Бошим яна шиша бошлаган эди.

Бир неча марта бинога яқинлашиб деразадан ичкарига қарадим. Оддий шиша, лекин ичкари кўринмас эди.

Мен эшиқдан тўғри кириб бораверишни ҳам ўйладим. Аммо кирсаму танишларим тўртталаси тўрт томондан чиқиб, сен бу ерда нима қилиб юрибсан, деб ўртага олишса, улар билан одамдек гаплашиб бўлармикин?! Умуман, улар ҳозиргача менга нисбатан ўзларини бепарво тутиб келишди. На бир кўпол ишора, на бир оғиз сўз! Мени фақат ички бир туйғу — ички бир сезги улардан сергак бўлишга ундаябди, холос. Бошқа ҳеч нарса! Бундан ташқари, менга, аслида, уларнинг

кераги ҳам йўқ. Менга Сирож муаллим керак! У — ким, қаерда?! — билишим шарт!

Бино атрофида айланишдан толиқиб, эшик қарши-сидаги нам бир харракка бориб ўтирдим. Эшиқдан ҳамширалару битта-яримта хасталар ора-сира кириб-чиқиб туришар, аммо менинг танишларим ёки Сирож муаллимдан қандайдир даракми, хабарми — бирон мужда бўладиганга ўхшамас эди!

Кеч кирди, кун ўтди, боғлар қуёш алангасида ловуллаб бошлади.

Жонимга тегиб, ўрнимдан турдим. Уйга қайтишни ўйлаб, шошмай пастдан тепаликка кўтарилдим.

Кўтарилдиму нафасимни ростлаб олмоқчидек тўхтаб, орқага ўгирилиб қарадим.

Шу асно эшиқда турган новча, бақувват тўрт йигитга кўзим тушди! Улар озиб-тўзиб, кичрайиб қолган ертўладаги Сирож муаллимнимни, ўтган беш-ўн кун ичида бирдан анча улғайиб қолган менинг Бегона-боламними негадир қўлларида азот кўтариб олишган эди! Эркалашябдими, бир ёққа улоқтириб ташлаш-моқчими?! — тушуниш қийин.

Одатда, тепаликка югуриб чиқишдан ҳам, пастга югуриб тушиш оғир. Биласиз! Мен эса шуурсиз ҳолда югуриб қайтиб пастга тушгим келди.

Бироқ икки-уч қадам босмасимдан, кўксимга кучли бир шамол урилиб, томоғим ғипша бўғилгандек бўлди. Оёқларим чалишиб, хас-хашак устига гурс этиб йиқилдим. Худди шу паллада хас-хашак мен билан бирга аллақандай чуқурликка — ер қаърига чўқди...

38

Кўзимни очгим келиб, очолмасдим. Нимадир халал берябди.

Ўрнимдан туришни ҳам ўйладим. Қимир этолмадим. Бутун вужудим ўғирда туйгандек зирқирайди.

Қаерда ётибману ўзи нима бўлганини эслашга урина бошладим. Аста-секин эслай бошладим.

Ер қаърида қанчадан буён ётибман?! — билмас эдим. Ўликманми-тирикманми?! — аҳамияти йўқ; бир ўлиб, бир тирилган бўлишим керак!

Афтидан, ёмғир томчилаб ўтган ёки юзимга дарахтлардан узилган нам япроқлар келиб тушган эди. Шундан бир оз хушёр тортган эдим.

Азобланиб-машаққат билан қўлимни кўтарганимча, юзимдаги хашак-баргларни сидирдим. Кўзимни очиб, рўпарамга қарадим. Бир-бирига чатишиб кетган шохлар орасида ой тўрдаги олтин балиқни эслатарди.

Мен ҳамон қимир этолмасдим. Тутаб ётибман... Ҳолим шу эканлигига қарамасдан, ўзимни мажбур қилганимча, атрофни кўздан кечиришга чоғландим. Чуқурнинг тўрт томони аскарлар қазиб-шиббалаган хандақдек теп-текис. Оёқ тирайдиган ёки қўлга илашадиган бирон нарса кўринмайди... Ҳозирги аҳволда, мен эмас, соппа-соғ одам ҳам бу ердан чиқолмайди! Кимдир арқон ташлаб, нарвон туширмаса...

Мен шу пайтгача осойишта эдим. Ҳаттоки, анча хушёр тортиб, дадиллашган эдим. Атрофни кўздан кечиргач, ташвишлана бошладим ва бирдан эсладим. Боя йўлни қисқартириш учун сўқмоқ қолиб, четроқдан юрган эдим. Мабодо кимдир сўқмоқдан ўтган тақдирда ҳам, менинг бу ерда эканлигимни билмайди. Ёрдам беролмайди!

«Сенинг кунинг шундай битиши аввалдан кўриниб турган эди! Сен бу ердан чиқолмайсан. Сендан ҳеч ким хабар ҳам тополмайди. Ўлигинг ириб-чиригунича шу чуқурда ётаверасан».

Мана, энди кутилмаганда мени даҳшат босди.

«Ўлим — яшашдан осонроқ!» — деган гап бор. «Ўлганга осон, қолганга қийин!» ҳам дейишади. Булардан ташқари, одамлар орасида «Дунёга келиб, ўлмаганингга пушаймон бўласан!» — мазмунидаги ғалати гап ҳам юради... Менга шу паллада биратўла ўлмаганим алам қилмоқда эди!

Мен бир пайтлар, бу — хатарли йўл, каллангни учраган туйнукка тикма, ўласан, бола, деб ўйлаган, буни кейин ҳам неча бора ҳис этган эдим. Лекин кун сайин қаршимда сирли бир занжир шалдираб, диққатимни тортаверганидан, ўзимни тўхтатолмай, яна болоқазога юзлашаверган эдим! Ўлимдан қандайдир кўрқмаган эдим... Мана, ўша ўлим ҳозир мендан икки қадам нарига келиб, кузғундек менга чанг солишга шайланиб турибди! Мен унинг барҳақ эканлигини тан олишим керак. Уни қаршилашим керак...

Даҳшат ичида сапчиб ўрнимдан тургим, ўзимни қаёққадир ургим келди... Ўлмаган жоним!

Ожиз эканлигимни сезиб, эзилдим. Илож йўқ. Йўқ...

(«Ғамингга чорасизлик чора бўлмиш!»)
Беихтиёр кўзларимда ёш ҳалқаланди.
Инсоннинг ҳоли шу. Чумолидан, қумурсқадан бат-
тар!

Қани, қанотинг бўлса-ю, қушдек учсанг экан...

*Табиат ҳақида
ўйлайман баъзан,
Саховатни билган табиат,
наҳот,*

*Инсонни қизғанди
битта нарсадан —
Берса бўлмасмиги
одамга қанот?!*

*Қушларга берди-ю,
унга бермади...¹*

Инсон фақат тушларидагина учиши мумкин!

Бу — энг ёрқин тушлар, дейишади.

Мен болалигимда (руҳан пок пайтларда) баъзан шундай тушлар кўрар эдим!

Энди кўзларимда ёш, ўлимни кутишдан бошқа нима ҳам қила оламан?!

Илож йўқ. Йўқ...

(«Ғамингга чорасизлик чора бўлмиш!»)

Тақдирга тан бериб, бир-бирига чатишиб кетган шохлар, уларга илиниб қолган ой, ҳаворанг рўмолдек бир кесим осмонга қимир этмай, тикилиб ётганимча, баҳор кунлари ҳовлимизда осмонга варрақлар қандай учганини эсладим. Одам Ато билан Момо Ҳавво тарихига кам қизиққан кишилар ҳам сўнгги пайтларда очиқ «Инсон — коинот фарзанди!» дейишябди! Мен Ҳанифа, унинг мажруҳ опалари-ю, уларнинг болалари нега бунча суюниб, кўкка сапчишади, деб ажабланган эдим! Тушунмаган эканман... Инсоннинг осмонга интилиши табиий ҳол; учиш — бахт экан! Учувчи...

Бадалбек, болалик кунлари кўча-кўйда ҳавас билан, унга сездирмай эргашиб, барчамиз осмонга учишни орзу қилганимиз — беихтиёр ёдимга тушди! Бадалбекнинг ёнида дабдурустан (албатта!) Сирож муаллим ҳам хаёлимда жонланди... Кейин, негадир, сен фарзанд бўлсанг, осмонга пок руҳ билан қарамай-

¹ Эски шеърлардан.

санми, деб ўйладим. Бировлар пастда қолиб, тепами, юқоригами кўтарилган зот заҳар сепиши шарт эканми?!

Кейин, ўз тўғримда, сен нималаргадир қизиққаннинг учун эмас, — асло! — тубанлашиб кетганинг учун, бўйнингдаги гуноҳлар учун бу чуқурга тушдинг, деган хаёлга бордим. Дунёда жазо бор. Жавоб бор! Сен энди ҳеч нарса қилолмайсан!

Баданимдан зах ўтиб, совуқдан тарашадек қотган эдим. Энди қўлимни ҳам кўтаролмайман, бўйнимни ҳам буролмайман. Тахтакачга айланиб қолдим.

Шох-шабба, хас-хашакни сичқонми, каламушларми кемириб, тинмай шитирлатишар, ора-сира чийиллаганми-ийиллаган овозлар ҳам эшитилиб турар эди. Баъзан устимда алламбалолар ўрмаларди.

Сўнги-бор мадорим ҳам қуримокда!

Мен яна ўликманми-тирикманми, аҳамияти йўқ бир ҳолга кела бошлаган эдим!

Қабристонни, отажон, онажоним, уларнинг аждодлари, қариндош-уруғлар, кичкинтой сингилчам ётган хилхонани эслаб, мен ҳам боряпман, кечиринглар, деб нидо қилишга шаҳдландим! Бироқ энди ҳатто пичирлагани — лабларим ҳам қимирламас эди!

Кўп ўтмай, чуқурлик тепасида алақандай қип-яланғоч бир аёл рақс тушаётгандек бўлди. Кейин, новча, бақувват тўрт йигит келиб, чуқурлик атрофида айлана бошлашди. (Улар озиб-тўзган Сирож муаллим ёки Бегона-боламни шу чуқурга, менинг устимга ташлашмоқчимикан?!) Кейин, чуқурлик ёнида бояги йигитлардек, афти-ангори бир хил юзлаб, минглаб одамлар...

Мен энди кўзларимни чирт юммоқчи эдим. Лекин...

шу аснода...

тепада

Ҳанифа, унинг ёнида уч-тўрт аёл кўрингандек бўлишди...

Улар (ажабо!) оппоқ қанотларини ёйиб, чуқурлик устида секин уча бошлашди...

Аёллар таниш. Мен уларни қаерда кўрган эканман?!

Эй... ҳовлимизда, Ҳанифа билан бирга, ой ёруғида сочларини ёйиб, бош ювишаётган пайтда...

Булар алвасти эмас, парилар экан!

Тевада бир оз учишгач, қанот қоқишганича чуқурлик ичига тушишди. Мени оппоқ қанотларида ер қаъридан кўтариб, осмони фалакка қараб парвоз қилишди.

Кейин, уларнинг қанотлари сингари юмшоқ бир парча булут устига ётқизишди...

39

Қўлимда бир илиқлик.

Қарадим.

Ҳанифа ёнимда, қўлимни қўллари орасига олиб ўтирибди.

Хона ёруф. Кун ёруф.

Яшаш мумкин.

Мен қараганим заҳоти, Ҳанифа юзини четга бурди. Юзига кўзларидан ёш сизмоқда эди.

Йилларнинг кераги йўқ; инсон лаҳза ичида кўп нарсаларни тушунади!

Энди аҳволим ўнгланиш томон кета бошлади. Ху-дога шукр!

Тириклик — неъмат. Билмайсан-да!

Яшаш мумкин.

Уйга кўп одам келади. Опам, акам, янгам, поччам, Ҳанифанинг опалари, болалар... Ҳанифа бўлишга ури-ниб, ҳаммалари менинг устимда ўладиган!

Устахонадан ҳам кунда биров хабар олади. Мен сўнгги пайтларда ишни ёлчитмадим. Иш бермадим. Аммо дунёда марҳаматли одамлар кўп экан!

Ана: ниҳоят, ўрнимдан ҳам турдим. Хонада беш қадам-ўн қадам... Дераза; ташқарига кўз ташлаш — бахт!

Хўп, бунинг ҳаммаси орқада қолди.

Байрам куни кўчага отланган боладек, титроқ-ҳаяжон билан, оро бериб кийиндим. Шунчаки кўча айлангим келди. Соғинганман. Кўча — бахт. Шаҳар — бахт!

Яшаш мумкин!

Остонада Ҳанифа устимни тартибга солган бўлди. Кейин, четга — бир нуқтага тикилди.

— Сизга ўғил кўпроқ ёқадими, қиз?!

Мен ҳеч нарсага тушунмадим.

— А-а?

— Билмадим, ким экан?!

У анча бурун кўнгли нордон нарса тусаб юрганини айтган эди. Эътибор бермаган эдим. Ҳозир қоматига қарадим. Эй... Уни секин кифтидан кучдим.

— Насиб қилгани. Барибир!

40

Кўчага чиқдиму дарвоза олдида тўхтаганимча, чай-қалиб кетдим.

Мен бир шод, бир ношод эдим.

Байрам қилиб кўчада юриш қаёқда! Тўғри масжидга қараб кетдим.

Бўм-бўш масжиднинг бир кунжида яна аввалгидек ғамгин чўнкайдим.

— Осий банданга ўзинг шафқат қил, Худойим! Сен Ғофур ва Раҳмонсан! Раҳимсан! Қодирсан! Ичим ёниб кетябди. Қачонгача бу азоб?! Ортиқ чидаёлмайман! Ўлиб ўлолмадим. Яшаб яшаёлмаяпман... Нима қилай?! Қаерга борай?! Сендан бўлак паноҳим йўқ...

Мен Худога узоқ илтижо қилдим. Кейин,

қироат қила бошладим.

Кейин, ўпкам тўлиб, йиғлай бошладим.

Бир қироат қилар, бир йиғлар эдим...

Бехос кифтимга биров кафтини босганидан сесканиб кетдим.

Мутавалли ота!

— Ўғ-ли-им, — деди у сал чўзиб. — Ҳаммомни биласиз. Бориб турсангиз керак?!

Менинг кўз олдимга зангор қуббалари ялтираган ҳаммом келди. Ажабландим. Ғариб-нотавон бир инсоннинг тушқун аҳволига ҳаммомнинг нима алоқаси бор?!

Лекин ёнимда чўккалаган Мутавалли ота сўзни ўзи давом эттирди:

— Тоза сувдан чиқиб, ҳаммомнинг орқа тарафига ўтиб қаранг! Қанча кир оқиб ётганини кўрасиз...

Мен беихтиёр новча, бақувват тўрт йигит бир гал ҳаммомнинг орқа томонидан чиқишганини эсладим. Қизиқ, у ерда улар ўшанда нима қилиб юришган экан?!

— Мисолдан мурод, фақат жисм эмас, гоҳо рух, кўнгулни ҳам кир босади. Қасмоқ боғлаб кетади. Ичингиз қора қурум бўлиб қолади! Бу кўринмайди. Биз билмаймиз... Эшитгансиз.

Камол эт касбким, олам уйигин —
Сенга фарз ўлмағай ғамнок чиқмоқ,
Жаҳондин нотамом ўтмак, биайних
Эрур ҳаммомдин нопок чиқмоқ...!

Шундоқ, ўғ-ли-им. Биайних, дебдилар! Сизга недир азоб беради. Кўпдан қарайман. Бу — гуноҳми, дардми?! Мендан қисинмасангиз, сўзланг...

— Сиздан қисинмайман, — дедим ўйланиб. — Бу бир одамга қизиққанымдан бошланди! Ҳақиқатни билгим келди... Ҳеч нарса аниқлаёлмадим! Орқага қайтишга кучим етмаябди. Олдинга бораверишга ҳам кучим қолмади! Хўп, бу майли... Аввалдан бўйнимда гуноҳим кўп эди. Баттар гуноҳга ботдим, ота... Кўзимга ҳар нарса кўринди. Мени шайтон йўлга солгандек бўлди. Нима тўғри, нима хато, нима рост, нима ёлғон — билмай қолдим... Ҳозир ҳолим забун, ота. Эртани ўйлайман. Туғилган бир фарзандимдан хавотирдаман. Туғилмаган бир фарзандим учун кўрқаман! Нега менинг қисматим бунчалар чигал, тушунмайман...

— Гуноҳларингизни англабсиз, ўғ-ли-им, қолгани ўтади, — деди беозорлик билан Мутавалли ота. — Ҳақиқат Ҳақ сўзидан. Унга етиш керак! Мушкул пайтда тиловат қилинг! — У чўнтагидан чарм қола-мали кичик ёндафтар чиқарди. — Менинг охиратим яқин, сизнинг ҳаётингиз олдинда. Олинг. Қўйингизда асранг! Буюк пирларнинг дуолари ёзилган... ўрнингиздан туринг. Энди уйингизга боринг, ўғ-ли-им...

Мен ҳамон бир оз паришонланган кўйда уйга қайтдим.

Бешинчи саҳифа

ИСЁН

41

— Эшитдингизми, иккита қизча, бири тўрт яшар, бири олти; кўчага чиқиб кетишганича, қайтиб келишмабди...

¹ Алишер Навоийдан.

— Бир боланинг дўпписини олмақчи бўлишибди. Бола қаршилиқ кўрсатиб, бошига қўллари билан ёпишган экан, қорнига пичоқ санчишибди...

— Аэроплани олиб қочишибди. Иккита хотин, иккита эркак экан...

— Ширинқўл атрофида безорилар учраган ҳайвонни отиб-қириб кетишаётган эмиш. Ҳеч ким индаёлмас эмиш...

— Лаб-лунжини бўяган бир қиз кўчада яхши кийинган одамларни гапга солиб, боққа олиб кираркан. Боғда, дарахт остида шериклари, икки норғул йигит пойлаб тураркан. Кейин, улар ҳаммаси, бир бўлиб бояги одамни шилишар экан...

— Ёлланган қотил чиққанмиш. Арзимаган пулга одам ўлдирирмиш...

— Биттаси кечалари ниқоб тақиб юраркан. Қоронғи кўчаларда аёлларга ташланар экан...

— Ўн яшар бола! Лекин ўз тенги иккита болани ўлдирибди. Битта қизчани қўлидаги соат учун, битта болани расми китоб учун...

Мен бундай нарсаларни одамлардан эшитар, ойида икки марта чиқадиган «Ширинқўл ҳақиқати» рўзномасидан ҳам баъзан ўқир эдим. Бу нарсалар менга онда-сонда учрайдиган ҳодиса, ваҳима гаплар бўлиб туюлар эди.

Кўпинча кеч тунлар уйга қайтаётиб, кўча четларида тўртта-бештадан тўпланиб турган шубҳали кишиларга кўзим тушарди. Гоҳо эса бозорда ғуж бўлиб юрган шундай кишиларни учратардим... Боғда, янги бинолар олдидаги ҳовлиларда ҳам уларни кўрганман. Башанг кийинишган; афти-ангоридан йигитми-қизми, ажратолмайсан; ўтган-кетганни оёқлари билан кўрсатиб, баланд товушда бепарда сўзлашиб ўтиришади. Улар қандай фикр юритиб, нималарни гаплашишади?! Билиш қийин! Буниси майли. Уларнинг бизга кўринмаганми, биз беҳабар юрганми — давралари, иш фаолиятлари, ҳаётлари бор...

Лекин мен бунга лоқайд-бепарво эдим. Ҳозиргача бу — менга дахлсиз олам эди! Қўнглимга ёқмайдиган кишиларга дуч келганимда, уларни оддий бир тоифа деб қабул қилар, булар бахтсиз одамлар, деб ўйлар эдим, холос! Дунёда жиноят, жиноятчилик деган тунгунчалар мавжуд; у ҳар бир инсон ҳаётига вобаста эканлиги хаёлимга ҳам келмас эди! Шу боисдан, мен

нафрат эмас, нари борганда, фақат озор ҳис этар эдим...

Мана, энди ҳаётимда ҳузур-ҳаловат қолмади! Кечалари яхши ухлаёлмайман. Нотинчланиб-бевовталаниб, тўлғаниб чиқаман! Бутун жиноят олами, тун сукунатида гўёки менинг хонадонимга аста-секин яқинлашиб, ёпирилаётгандек бўлади!

Мутавалли ота айтмаган тақдирда ҳам, мен инсоннинг пок ва нопок ҳолатини, одамлар гоҳо руҳи, кўнгли кирланиб, ҳайвондан баттар қабиҳликлар қила олишларини билар эдим. Фикр юритишдан маҳрум бир кўйга тушиб-яшаб юрғаним учунгина, бу тўғрида ўйламаган — ўйлашдан қочган эдим! Қурбим етмаган эди!

Энди ўйлаш керак! Гоҳо туғилмаган, ҳаттоки жон ато этмаган боланг учун ҳам қайғуришга мажбур экансан. Масалан... менинг икки фарзандим кўчада бир куни юзма-юз келса, улардан қайси бири ўзини қайси йўсинда тутуди?! Одамлар бир-бирига қуйиб-қўйгандек монанд бу икки вужуддан қай бири пок, қай бири нопок эканлигини ажрата олишадими?! Менинг Бегона-болам менинг бу боламга зулм ўтказиб, ўша кўчада, ўша куни унинг қорнига пичоқ санчмайдими?!

Мен изтироб ичида шуларни ўйлар эдим.

Ширинкўлда юз берган (юз бераётган) жиноятларга Сирож муаллим билан ёнидаги тўрт йигитнинг қандайдир алоқаси борми?! — билмас эдим. (Балки, алоқаси йўқдир?!). Шунга қарамасдан, бундан буёғи уларнинг изига тушиб, қаерга бориш, нима қилиш тўғрисида муттасил бош қотирар эдим. Негадир Заҳҳок, унинг икки елкасидан икки илон ўсиб чиққани тўғрисидаги эски ҳикоят ҳаёлимда айлангани-айланган эди. Ўзимча яна, Бадалбек ерни заҳарлаган, тўғри, лекин Сирож муаллимнинг гуноҳи кўпроқ бўлиши керак, деб ўйлар эдим... Шу кунлар менинг ҳар томондан йўлим берк эди. Соғлигим ҳали ўнганмаган. Ўзимни қайтиб қутилмаган бирон ўпқон тортиб кетишини ҳам истамайман! Бунинг устига, қабристондан ҳеч нарса суриштиролмайсан. Чойхона йўқолган. Касалхонага яна боришдан маъно кўринмайди. Сирож муаллимнинг уйига боролмайман. (Албатта, у ерга боргим, Бегона-боламни яна бир кўргим келади. Оталик ҳисси мени эзади. Аммо бу ғирт ғалва эканлигини

олдиндан сезиб турибман!) Қандай бўлмасин, йўл топиб, ҳақиқатни барибир аниқлашим керак. (Мутавалли ота ҳам менга шу мазмунда гапирган эди!)

Мен ҳозир, асосан, уйдаги ташвишлар билан банд эдим.

Мисгар уйда ҳам мисгар, ямоқчи уйда ҳам ямоқчи.

Дурадгор ҳам шу.

Рўзибой аканинг уйда турганимда, бутун курсилар, тўмбалар, жавонларни тузатиб, бир-икки эшик-деразани ҳам янгилаб берган эдим... Машқим паст эканлигиданми, ичкюёв бўлганимдан фурурим тутиб, эрка бир меҳмондек юрганимданми, ўз уйимда арра-тешани қўлга олмаган эдим... соғая бошлаганимни сезгач, беихтиёр даҳага кирган қуртдек ғимирлаб, ҳаяжонланган-шошганимча, уйни тартибга солиш — чиннидек қилиб қўйиш ҳаракатига тушдим. Эшик-деразаларни алмаштирдим. Ҳаммаёқни янги жавонлар, катта-кичик тоқчалар билан безадим. Мўъжаз бир кавот, аравача, галтак ҳам ясадим...

Кунлар шундай ўтаётган, илк қарашда тирикчиликдан бошқа нарса мени қизиқтирмаётгандек эди.

Лекин бир куни кечга томон

уйда дастурхон ёзилган, Ҳанифа овқат сузиб келгани ҳовлига чиққан эди.

Мен нон чайнаб, хаёлга ботиб ўтирар эдим.

Ҳаво илиқ. Том устига қизарган офтоб ёнбошлаган.

Дераза очиқ эди.

Қулоғим остидан нимадир шувиллаб ўтди. Тарс этган товуш эшитилди.

Уён-буёнга қарадим. Янги жавон қопқаси тешилган эди!

Ирғиб туриб, қопқани очдим. Жавонда ёнғоқдек қайроқтош ётар эди.

Деразадан ҳовлига сакраб, нарвонни тиркаганча, томга югуриб чиқдим. Назаримда, узоқдаги бир томдан қандайдир тирмизак-бола пастга сирғалгандек бўлди.

Туни бўйи мижжа қоқмадим. Хаёлим қочгандан қочди... Алламаҳалда олисдан ҳар қачонги — товуснинг хунук қичқириғи эшитилди.

Ўрнимдан секин туриб, ярим-ёрти кийинганимча, кўчага чиқдим. Кўча этагига қараб бора бошладим.

Товус яна қичқирди.

Бир ҳовли эшигига келиб тўхтадим. Бу —

Ҳанифа менга кўрсатган, —

«Маҳлиқо опа турган ҳовли» эди!

Эртаси куни кечга томон атайин бориб, ўша эшик-ни тақиллатдим.

Ичкаридан миқти бир жувон чиқди.

— Вой, келинг, қўшни. Яхшимисизлар?! — у мени учратган, танир экан.

Мен аҳвол сўрашиб мақсадга кўчдим:

— Кечирасиз. Сизларнинг уйларингда товус бор-ми?

— Ҳа. Ана, томда саллона юрибди. Қаранг, — бир қадам орқага чекинди жувон.

Томнинг лабида чиндан товус хиромон қилар эди. Саройдаги маликаларни кишининг ёдига соладиган, ажойиб-шоҳона қуш!

— Овози ўхшамас экан, — дедим суҳбатга баҳона тариқасида.

— Бу ўзи бизники ҳам эмас, — деди жувон. — Эскидан шу ерда эди.

— Маҳлиқо опа пайтиданми?!

— Ким билсин!

Мен воқеанинг бир учи шу ҳовлида эканлигини тунда эшик олдига келганимдаёқ ҳис этган эдим. Фақат, бу ерда қандай сир-асрор бўлиши мумкинлиги менга қоронғи эди.

— Сизлар қариндошмисизлар?!

— Йўқ. Бегона, — деди жувон.

— Опанинг яқинларидан ҳеч ким қолмаганми?!

— Биз ҳовлини сотиб олганмиз. Билмаймиз...

Жувон менга нималарнидир айтгиси келмаганми, айтишни эп кўрмаётгандекми эди!

Бироқ мен у билан хайрлашгач, фикрим ўз-ўзидан ёриша бошлаган эди...

Тўхта! Сен ҳозиргача қайсидир паст кўчаларда юрибсан! Бу дунёда Сирож муаллим (ёки, масалан, Бадалбек)нинг қисмати билан сендан кўпроқ қизиқиб, аниқ маълумотга эга бўлган одамлар бор! Уларни қидириб-топиб, гаплашишга уриниб кўриш керак!

Биринчи навбатда, мактабга бориб,

Улуф Ақобирни учратиш...

Ўша кунлариёқ бордим.

Улуғ Ақобир одатича мени қўлтиқлаб, хонасига бошлаб кирди.

Биз ундан-бундан бир оз сўзлашдик. Ниҳоят, директорнинг қитиқ патига тегдим:

— Мактабнинг номини ҳалиям ўзгартирмабсиз!

— Бўлмапти... Югуриб юрибмиз! Қўнишмапти! — эзилди директор.

— Катталарми?!

— Катталар! Мумкин эмас, дейишпти.

— Терговни тугатмабдими?!

— Тугамаган...

— Раҳбарлардан кимга боғлиқ экан бу иш?!

— Мирқобил ака... Ўз ўқувчимиз! Мактабни сизлардан олдинроқ битирган. Бунинг устига, қоровул чол Юнус хўжанинг жияни...

— Хўп, мен ҳам сиз билан бирга у кишига учрасам-чи! Ҳаммамиз учун шу мактаб азиз остона, деган гап қилсак...

Улуғ Ақобирнинг кўзлари чақнаб кетди. Шўрлик директорни бу таклиф шунчалик тўлқинлантириб юборган эдики, гўё Сирож муаллимнинг номи тахтага ёзилгану уни шунчаки кўчага олиб чиқиб, мактаб тепасига илиб қўйишигина қолгандек эди!

— Раҳмат! — деди у ўрнидан боладек ирғиб туриб, қўлимни қисар экан. — Мен сиздан худди шуни кутган эдим! — Кейин, хонада тез нари-бери одимлаганича, ўз таклифини ўртага ташлади. — Сиз мактабни битирганлар номидан гапирасиз! Қоровул чолни ҳам оламиз. Жамоатчилик номидан. Жиянига айтсин! Шу фикр олдин менинг калламга келмаган экан! Бир ўзим сўлқиллаб... — Ўйланиб қолган Улуғ Ақобир, сал бўшашди. — Уч кун бурун исми шарифимизни ёзиб, хат киритишимиз керак. Бўлмаса, қабул қилмайдилар...

Биз Улуғ Ақобир билан яна кўришишга ваъдалашдик.

Уч кун эмас, орадан уч ҳафта ўтди... «Каттакон банд эканлар!», «Каттаконнинг товлари йўқ экан», «Каттаконнинг ишлари кўп экан!»

Раҳбарлик сиёсати — кутдириш!

Кутсанг — эзиласан!

Қизишиб турган бўлсанг — совийсан!

Кибор бўлсанг — мўмин бўлиб қоласан!

Тўппа-тўғри хонага кириб бориш билан йўлақда икки соат сарғайиб ўтириш — бир-биридан кескин фарқ қилади!

Мен шўрлик директорнинг аҳволига ачиндим. Арзимаган масалани ҳал этиш учун у неча бора сарғайиши керак!

Агар гап фақат мактабга Сирож муаллим номини бериш устида борганда-ку, мен Улуғ Ақобирдек собитлик қилмай, бу ишга тупураддим! Аммо нималарнидир эшитиб-билиш истаги... Ҳозир бошим қотиб, бундан бўлак бирон йўл ҳам тополмаётган эдим!

Орадан уч ҳафта ўтгач, ахийри, имдод келди. Биз — директор, Юнус хўжа амаки, мен — учовлон судралиб йўлга тушдик. Шаҳар марказидаги серҳашам бинолардан бирида жойлашган Мирқобил аканинг кенг-мўл хонасига кириб бордик.

Мирқобил ака бизни алланечук суюниб, «ўзи ҳам гўзал, сўзи ҳам гўзал» қиёфада қўлларини бир-бирига ишқаганича, хона ўртасида кутиб олди. Юмшоқ курсилардан жой кўрсатди.

— Тинчликми, тоға?! — деб сўради дастлаб Юнус хўжа амакидан. Кейин, менга қаради. Иккимиз таниш, бир пайтлар мактабда учрашган эканмиз. — Яхши юрибсизми?! Кўринмайсиз...

Шундан сўнг, Улуғ Ақобирга юзланди:

— Сирож муаллимни гўрдан чиқариб ўтирмаймиз! Бошқа нимаики гапларинг бўлса, бемалол...

Менинг бировдан кўрқадиган жойим йўқ. Катта хонада ўтирган одам мен учун осмон ҳам эмас!

— Биз учун Сирож муаллим муҳим, — дедим тўнғиллаб. — Шунинг учун ишдан қолиб келдик. Бу гапни кўмиб кетолмаймиз...

Мирқобил ака менга аҳамият бермади. У Юнус хўжа амакига тешиб юборгудек тикилди:

— Сиз нима учун бу ишларга аралашиб юрибсиз, тоға?! Нега бундай қиласиз?! Оддий бир қоровул одам бўлсангиз...

Қария саросималаниб қолди.

— Ий... Мирқобилжон! Акамиз! — у бир жияни,

бир директорга қарар, ичида буларнинг иккаласидан ҳам ўлгудек кўрқиши кўриниб турар эди!

Бўш келмаслик учундир, каттакон энди Улуғ Ақобирни янчишга тушди:

— Сиз бевосита ўз ишингиз билан шуғуланмаябсиз, Улуғ Ақобир. Қариб қолганга ўхшайсиз! Тарбияни бўшаптириб юбординглар! Ҳар бир синфдан камида иккита бола мактабни ташлаб-ташламаган, ўқиб-ўқимасдан юрибди. Қачон кўча айлансак, тўп-тўп мактаб болаларга дуч келамиз! Ёшлар, болалар орасидан безори кўпайиб кетди. Шаҳарни тарбияли одамдан кўпроқ кундан-кун жиноятчи эгалаябди! — Бу бизни хона ўртасида қаршилаган Мирқобил ака эмас, бошқа; асаби таранглашиб, жаҳли чиққан, ҳатто кўйлаги ёқалари буришиб, бўйинбоғи ҳам қийшайган эди!

Унинг гаплари айни ҳақиқат; аммо нега дафъатан бундай бўилганига тушуниб бўлмас эди. У мактабда интизом бўш эканлигидан кўра муҳимроқ ниманидир айтишга ҳаққи йўқми, кўрқаётгандекми! — ўз ваҳминини ҳайдаш учунгина новора чалаётган кишини эслатар эди.

Мен албатта оғзимдагини олдиргим келмасди. Бошлаган гапим совиб, менга ҳам калтак навбати етишини кутмасдан, тарозига тош босдим:

— Хўп, менга қаранг. Ўзингиз шу мактабда ўқигансиз! Нима, номини кўйишга Сирож муаллим арзимайдими?!

Менинг дадиллигимдан руҳланиб, ўнгланиб олган Улуғ Ақобир сўз қистирди:

— Ном ҳам инсонни тарбиялайди...

— Сенлар нега ҳамманг Сирож муаллимга бунча ёпишиб олдиларинг?! Мен тушунмаяпман...

— Сиз менинг саволимга жавоб бермадингиз, каттакон!

— Арзийди! Минг марта арзийди... Буюк одам! Мен қарши эмасман! Лекин... лекин у кишининг ҳозирча номини кўйиб бўлмайди! Мен рухсат беролмайман... Мендан каттароқларга учраганларингда ҳам, буни ҳал қилолмайсанлар. Биз ҳаммамизнинг тилимиз бир. Фикримиз — бир... фойдаси йўқ. Сизлар, яхши-си, бу гапни миянглاردан чиқариб ташланглар! Ўйлаб ҳам юрманглар! Менинг маслаҳатим шу...

— Нега?! Нега, ахир?! — дедим қайсарланиб. — Сабаб?!

Қаршимда бутун сир-асрор пардаси ана-мана кўтариладигандек эди. Қудуқдан бир челақ сув тортгандек, Мирқобил аканинг ичидагини секин суғуриб олсанг, бас!

Бироқ у мақсадга яқинлашганда, орқага тисарила бошлади:

— Сабаб... Тергов тугамагунча биз бир нарса деёлмаймиз! Бекқул деган йигит бошлиқ гуруҳ иш олиб борябди. Биз тезроқ ишнинг тугашини кутябмиз...

— Бу иш рўзи қиёматгача... — деб пичирлади Юнус хўжа амаки, афтидан, беихтиёр.

Жиян тоғага энди шафқат қилди.

— Қиёматми, кейинми... биз билмаймиз. Биз аралашолмаймиз! — деди мулойимлик билан.

44

*Айлантириб чинга армонни,
Боқий умр бериб ҳар гамга,
ОДАМИЙЛИК бериб ОДАМга —
Мен яшашни истайман ёниб.*

*Майли, узсин умримни уйқу,
Майли, мени ғарқ этсин уммон —
ЭРТАНГИ КУН, МАМУНУН бўлса-ю,
Айтса басдир бахтли бир инсон:*

*У яшаган, наҳотки, ахир,
Фақат бўлиб ҳасратга банди?!
Йўқ, у ЭРКка талпинган тақдир,
ЭЗГУЛИКнинг содиқ фарзанди!'*

45

Бизни Мирқобил ака эшиккача кузатиб, кўчага чиққанимизда, барчамиз фаромуш, тепки еган ланж ҳолатда эдик.

Улуғ Ақобир билан Юнус хўжа амаки мендан уялаётгандек, кўзларини олиб қочишмоқда эди.

Менинг ҳам аҳволим уларникидан яхши эмасди.

Шерикларим билан лоқайд хайрлашдим.

Мен яна ёлғиз қолган эдим...

¹ А. Блокдан.

«Фикр — бола. Бола — ўсувчан!»

Қайсидир шоир шундай деган экан.

Инсон — буқаламун эмас. Аммо унинг фикри ўсиб-ўзгармаса, уни қотиб қолган, дейишади. Кесак... Дарди йўқ кесак ёки кесақдан ўт чиқибди.

Машҳур латифани эшитгансиз... Афандининг уйида кечаси нимадир гурс этибди. Эртаси куни қўшнилари афандидан қандай воқеа рўй берганини сўрашибди. «Тўним томдан тушиб кетди!» — дебди афанди. «Тўн ҳам шунақа гурсиллайдими?!» — деб ажабланишибди қўшнилари. «Тўннинг ичида ўзим бор эдимда!» — дебди афанди...

Қисқаси, бир кунлари Сирож муаллим билан Бадалбек мактаб биносига ҳалокатга учрашганида, миршаблар, терговчилардан ҳеч ким мендан гап сўрамаган, уларнинг лоқайд-бепарволиги менга ёқмаган эди!

Мен рўй берган воқеа тўғрисида ўз фикрим-тахминларим бор, деб билганимдан, ўшада бунга ўкинган эдим!

Улар (қаланғи-қасанғи ҳар кимдан гап сўраб ўтирмай!) ишга панжа орасидан қарашябди, деган хаёлга ҳам борган эдим!

Аслида, бу тўғри бўлган экан!

У пайтда менинг кўпчиликка ўхшаган тўним бор, аммо тўн ичида ўзим йўқ эдим...

Мана, энди, дунёда нималарнидир билганим сари ҳеч нарсани билмаслигим ошкор бўла бошлади, деганларидек, ҳақиқатни аниқлашга уринганим сайин кундан-кун баттар саволга кўмилиб, жавоб тополмай, парижонланиб турибман! Яна қизиқ жойи: мен энди — фикр-мулоҳаза айтиш қаёқда, аксинча! — ўзим бировдан гап сўрашга муҳтож бўлиб турибман!

...Бекқул деган терговчи йигитни топишим осон кўчди. (Мирқобил ака раҳбар бўлган маъмурий идорага нисбатан адлиядаги иш тартиблироқ экан!)

У кичик бир хонада ўтирарди. «Терговчи» дегулик салобатли ҳам эмас. Нозиккина, зиёлига хос қиёфали йигит. Мен билан осойишта, самимий гаплашди.

Бизнинг суҳбатимиз бундай кечди.

— Мен сизларга аллақачон учрамоқчи эдим, — дедим унга. — Мавриди энди экан! Бадалбек менинг қайнотам. Сирож муаллим — устозим... Мен улар тўғрисида оз-моз билишга ҳақли бўлсам керак! Айниқса, Сирож муаллим...

— Нега қайнотангиз эмас, айниқса, Сирож муаллим?!

— Бу эътиқод масаласи... Бир пайтлар Сирож муаллимга қаттиқ ишонардим. Ҳурмат қилардим. Кейин, ўз-ўзидан муносабатим ўзгара бошлади. Дарз тушди...

— Хўш, нима учун дарз тушди?

— Мен буни тушунтириб беролмайман. Чунки ўзим тушунмаябман... Энг аввал, мактаб биносида рўй берган воқеа! Мен ўшанда нима бўлганига ақлим етмаябди...

— Сиз ўзингиз нима бўлган, деб ўйлайсиз?!

— Мен билсам экан! Менга фақат бу икки одамнинг бир-бирини кучиб, бирга ўлгани галатироқ, нотабиий туюлади. Ўша кеча қандайдир биз кўриб турган, биз билгандан бошқа, муҳим бир воқеа рўй бергандек... Бу — ерми, осмонга тегишлими?! Қизиқиб, кўпдан буён сарсонман... Бундан сизнинг хабарингиз бор; яширмайман, шунинг учун сизнинг олдингизга келдим...

— Ҳаётда шунақанги воқеалар учрайдики! — деди Бекқул. — Лекин гап унда эмас... Сиз аломат одам экансиз! Дунёда қайси бир терговчи ўзи шуғулланаётган иш ҳақида сизга ҳисобот беради?! Менинг касбим эшитиш. Гап сотишга ҳаққим йўқ! Пишмаган нонни тандирдан узиб, кўчага чиқариб ҳам бўлмайди...

— Шунча йил ўтиб, пишмайдами нон?!

— Баъзан шунақа бўлар экан!

— Мен Мирқобил ака билан кўришган эдим; у киши, биз бу ишни билмаймиз, деди. Тергов тезроқ тугагини кутябмиз, деди...

Менинг гапим наша қилдими, бу гал терговчи очигини айтди:

— Улар балони билади! Бошоғриқни бизга юклашга уста, холос! Шу ишни бир оз чўзиб турунлар, деган ҳам ўшалар...

— Хўп, сиз менга мумкин бўлмаган гапни айтманг! Оддий бир савол... Мен унга жавоб олсам, тинчминотинчми, тирикчилигимни кўриб кетавераман! Ҳадеб хаёлим қочиб, безовта бўлавермайман... Сирож муаллим буюк одаммиди?!

— Мен ундай деёлмайман... Мен учун ҳамма барабар. Одатдаги одам! Умуман, ҳар кимни буюк, деб билиб-билмасдан кўкка кўтаравермаслик керак. Кейин, томдан тушиши қийин бўлиб қолади...

— Демак ишнинг чигаллашиб ётганига қараганда, у фирт жинойтчи бўлган экан?!

— Мен ундай ҳам деёлмайман... Биз инсоннинг маълум пайтдаги, муайян шароитдаги ишини ўргана-миз. Шунга қараб, баҳо берамиз! Ҳали у тўғрида га-пиришга эрта...

Суҳбат тугаган эди.

Менинг кўп уринишларим сингари бу хатти-ҳара-кати ҳам охир-оқибатда зое кетгандек эди!

Бироқ мен ўзимга керакли хулосага келган эдим:

1. Сирож муаллим (ва Багалбек) билан астойдил (мендан кўпроқ) қизиққан кишилар ўз билганлари би-ровга ошкор бўлишини исташмайди. Ёки, ошкор қили-шолмайди.

2. Сергов тез орада тугамагани бежиз эмас. Ким-лардир, негадир унинг чўзилишига тарафдор.

3. Сирож муаллим ҳаётида қандайдир сир-асрор борлиги шубҳасиз. У биз таниган, биз ўйлагандан бир оз бошқача одам.

4. Сўнги йилларда рўй бериб, ақл бовар қилмагани-дан мени эсанкиратган воқеалар тагида жиддий бир маъно яшириниб ётибди.

5. Мен бу иш охирига етмагунича, яна изқуварлик қилишимга тўғри келади.

46

Бино — йўл устида; ҳар куни кўриб юрганман.

Негадир эътибор бермаганми-қарамаган эканман.

Ташқаридан чамалаганга нисбатан бинонинг ичи анча улуввор. Айниқса, қироатхона эшигидан мўралаб, кўзинг тинади; камида мингта киши сиғса керак!

Қироатхонада одамлар — ҳар ким ўзича; бошқалар билан иши йўқ, — алланималарни бақириб-чақириб ётишибди. Биров мағрурланиб кўксини кўтарган, би-ров тўрт томонга зир юрган...

Мен бу бинода қарлар ва соқовлар тўпланиб тури-ши — уларнинг жойи экандигини пештоқдаги ёзувдан билган, мени эшикка ёпиштирилган (бояга ёзувга зид) бир хат қизиқтириб, ичкарига кирган эдим. Эмишки, истаган одам баъзан бу ерга келиб, кимдан, нимадан шикоятчи — хаёлида бор нарсани бемалол айтиб кети-ши мумкин!

Лекин қироатхонага кириб, у ён-бу ёнга кўз ташлаганим заҳоти

беихтиёр донг қотиб қолдим...

Оломондан-халқдан четда,

қўлларида қалам билан дафтар

бир нарсаларни қитирлатганча, ажабо! —

катта Сожидахону кичик Сожидахон,

Сотимжону Адҳамжон

елкаларини букибгина ўтиришибди.

Улардан сал бериқоқда Сирож муаллимнинг тўрт шотири...

Мен бу манзарани кўргач, ваҳмга чулғанганимдан, қироатхонани қайтиб тез тарк эдим. Кун пайшаңба эканлиги, Мамлакатхоннинг гапи ёдимга тушди... Тавба!

Демак, Сирож муаллим тўғрисида уйдагилар яхши хабардор. (Ахир, мен буни сезган эдим!) Булар ҳаммаси бир одам; ўз билганларини ошқор қилишмайди. Мени алдашибди, холос! Ўзи шундай бўлиши керак эди!

Бу воқеадан кейин, кўп ўтмай...

.....
кўча эшик очик,

Ичкаридаги эшик-деразалар ҳам очик.

Уйни ўғри ургандек, ҳовлида ҳамма нарса тўзиган, сочилган.

Хоналардан бири (иккинчиси меҳмонхона) пойга-гида Ҳанифа ўйланибми, паришонланибми турибди.

— Нима қиялсан, Ҳаниф?! — деб сўрадим ажабланиб.

— Ҳеч нарса! — деди Ҳанифа. — Кўрмаяпсизми?!

— Нимани?!

— Қулфни бузиб, дарвозанинг бир табақасини синдиришибди.

— А? Эй-й...

— Қўлида калит борми, бу эшикларни очган.

— Бирон нарсани олиб кетибдими?!

— Йўқ. Фақат топтаб, ҳаммаёқни пайҳон қилишган... — Ҳамон ўйланиб туриб, у менгами, ўз-ўзигами савол ташлади. — Қўли қичиган безорими, ким бўлиши мумкин?! Ким бировнинг уйига ўғридан баттар бундай тап тортмай киради?! Ким?!

— Бегона-болам... — саросима ичида оғзимдан чиқиб кетди беихтиёр.

— Эсингиз жойидами?! — деди Ҳанифа, менинг

гапимга тушунмай. — Сиз дарвозани тузатинг. Мен уйни йиғиштираман, — деди, ниҳоят.

Кеч тунгача куймаланиб,
ҳовлини тартибга келтирдик.

Бироқ орадан уч-тўрт кун ўтгач,
яна ҳудди шундай безорилик юз берди.

Бир ҳафта ўтиб, яна...

Мен энди тунлари (бу кўнгилсизликни унутолмай)
хаёлим қочиб, безовталаниб-тўлғаниб чиқар эдим.
Мижжа қоқмасдим.

(Назаримда, аввалги тунларга ўхшаб, яна! — бутун жиноят олами менинг хонадонимга яқинлашиб, ёпирилаётган эди. Улар мени тинч қўйишмаябди, деган гап хаёлимдан кетмас эди.)

Ҳанифани ҳам уйқу тарк этган эди.

У кечалари ўйчан, ҳорғин кўйда (ҳозиргача бунга пайт топмагандек) кўпинча негадир ўз иши, қайсидир беморлар, ҳамшира дугоналари тўғрисида эринмай гапирарди.

Мен тинглаб ўтиргандек бўлсам-да, нималар деяётгани қулоғимга кирмас эди. Яна касалхонага борсам-чи, деб ўйлар, шу ҳақда бош қотирар эдим! Сирож муаллим касалхонадамикан?! Унинг шотирларидан биронтасини ёлғиз тутишнинг иложи борми?! Умуман, энди қаерга бориб, нима қилиш керак?! (Ҳақиқат йўли бунчалик оғир!)

Мен ҳеч илож тополмай, ўзимни ночор, ожиз сезганимдан, азобланар эдим. Бир куни касалхонада чуқурга тушганимдек, ҳозир яна ўзимни чуқур тубига тушиб ётгандек ҳис этмоқда эдим!

Айниқса, Ҳанифа олдида мени ғусса чулғаган эди. Эр киши оилангни ҳимоятингга олишга мажбурсан! Кимдир уйингни оёқости қилишига қараб туролмайсан! Ғуруринг сингандек бўлади!

Ҳанифага бир оз осойишталик буюрсин, деб болалигим ўтган ҳовли — опам, акам хонадониди тўрт-беш кун яшаб туришни мўлжалладим. Биз бордик ҳам... Аммо бир жойда ўз ўлан-тўшагинг бўлгач, жигарларинг ҳам сени доим сиғдиришавермас экан! Бунинг устига, келин четда бўлса — бошқа, қариндош-уруғ ичида бўлса, бу — бошқа экан! Аввалига опам билан янгам, кейин акам билан поччам бизга, айниқса, Ҳанифага талабчанми-зардалироқ муомала қила бошлашди. Ҳанифа баттар азоб чекмоқда эди.

Мен шу кунлар Ҳанифага ачинганимдан, вақтинча Рўзибой аканикига бориб туришни ҳам чамаладим. Лекин Мамлакатхон билан дийдорлашган кулбага Ҳанифани олиб боргим келмас эди.

Биз яна уйга қайтдик.

Бизнинг йўғимизда бутун ҳовли шудгор қилинган эди. Эшик-деразалардан хоналарга қараб бўлмасди. Тўзон... Гидамлар қирқилган. Кўрпалар пахтаси чиқиб ётибди. Кийимлар пичоқ билан тилиб ташланган. Идиш-товоқ ўрнида уюм-уюм шиша-сопол синиқлари. Ҳаммаёқда тахта, темир-терсак!

Биз учун яна

олдинги ҳол бошланди...

Биз қийналиб, ҳовлини тартибга келтирардик. Кимдир (ёки кимлардир) уни қайтиб пайҳон қилар эди!

Ҳанифа бизга нисбатан нега бундай аёвсизлик қилинаётганига тушунмасди. Гаранг эди. Мен унга тушунтирмасдим. Тушунтириб ҳам беролмасдим!

Биз кечадари яна яхши ухлаёлмас эдик.

Ҳанифа ҳамон баъзан ўз иши, қайсидир беморлар, ҳамшира дугоналари тўғрисида гапирарди.

Мен ҳамон касалхонани эслаб, Сирож муаллим, унинг шотирлари ҳақида ўйлар эдим. Гоҳида Ҳанифани саволга тутгим келар эди...

«Эри севгандан кўпроқ эрини севган аёллар муҳаббат изтиробидан ташқари, мен уни бахтсиз қилиб қўймадиммикан, деб ўйлаб ҳам азоб чекишади. Севганлари устига, шу сабабдан, улар хонадондаги ҳар қандай ғурбатга бардош беришади!»

Оилага бағишланган рисолааларда шундай дейилган.

Бечора Ҳанифа... У менинг ичганим, кеч тунлар кўчада тутилганим, уйланганимдан кейин (у хотиним бўлгани учун ҳам) уни сенсирашга ўтганим, унга баъзан шафқатсиз, ҳайвонларча муомала қилганим — ҳаммасига (менинг хиёнатимдан-ку, унинг хабари ҳам йўқ!) — чидаган эди! Бироқ...

Касалхонадаги турқи-тароватлари эгизакдек ўхшаш йигитлар борасида гап очиб, ҳамон уларнинг изини тутаётганимга Ҳанифа чидаёлмас эди!

— Сизнинг уларда нима ишингиз бор?! Қўйинг уларни... — дерди ўрнидан туриб кетиб. Беихтиёр

кўзлари ёшга тўларди. — Сизга шунча уқубат етмаяб-
дими?! Бизни (у бўйидаги болани ҳам кўзда тутарди)
ақалли бундай ўйламайсизми?! Сизга бир нарса бўлса,
биз нима қиламиз?! Кимга, қаерга борамиз?!

— Йўқ, барибир, улар...

— Улар ёмон одам бўлиши керак! — шошиб ме-
нинг йўлимни тўсарди Ҳанифа. — Касалхонада кўп-
чилик улардан ҳайиқишади. Ҳазар қилишади... Қандай
ишингиз бўлмасин, бошқа одам зоти қуриб қолмаган-
дир дунёда?! Қўйинг уларни!

— Хўп, фақат улар қайси соатларда...

— Мен билмайман... Улар-бир неча жойда ишлаш-
са керак! Мен уларни кўп учратмайман... — Ҳанифа
менга аччиқ қилиб, тескари ўтирилиб олар эди.

Мен аскарликка чақирилган ўсмирларга ўхшаб ел-
каларига қопчиқ осиб олишган новча, бақувват тўрт
йигит бир гал ҳаммом орқасидан чиқишганини яна
эслар эдим. Улар ҳаммом орқасида иш юритадиган
махсус бирон хона бормикан?! Ёки, гўлаҳда ишлаша-
дими улар?! Асаб касалликларининг ҳаммомга нима
дахли бўлиши мумкин?! Қизиқ...

Мен уринган бахмал дўппи кийиб, эгнига ола-була
нимча илиб олган тиланчини ҳам эслар эдим. Унга
ҳамон баъзан кўча-кўйда кўзим тушар эди. Тиланчи
бир-бирига ўхшаш йигитлар, Сирож муаллим тўғри-
сида бирон нарса билармикан?!

47

Ҳовли вақти-вақти билан пайҳон қилинганидан,
биз ҳамон нотинч эдик...

Бироқ бу — ҳолва экан!

Орадан кўп ўтмай, янги кўнгилсизлик чиқди...

Энди кечалари, товус қичқирғиғига қўшилиб,

зилила пайтидаги сингари хона остида нимадир
гувиллар эди!

Хона беланчақдек ҳавода осилиб турганга ўхшай-
ди!

Кейин, туни бўйи томда қандайдир ёш бола уёқ-
буёққа тип-тип югургани-югурган...

Биз беҳад толиқиб, жонимиздан безор бўлгани-
миздан, олдингининг аксича, энди қаттиқ, кўп ухлар,
иккимиз ҳам кеч уйғониб, деярли ҳар куни ишга ке-
чикар эдик.

Ниҳоят, тунлардан бирида, айниқса, даҳшатли ҳол
рўй берди...

Мен тошдек қотган эдим. Туш кўрдим.

Тушимга улғайиб қолган Бегона-болам кирган эди!

У катта соч қўйган; бошини эгиб, мендан сила-
шимни сўраяди!

Силаб кўрсам, соч остида билинмай турган — ик-
кита шох бор!

Мен сесканиб,

шунинг баробарида, аёздан этим жунжикиб,

уйғониб кетдим.

Қарасам...

тўшақда эмас,

негадир дарвоза олдида,

остонага бош қўйиб ётибман.

Кимдир мени бу ерга кўтариб чиқиб, ётқизгандек!

Мен

сўнгги пайтлар

кўпроқ одамлар ҳаётидаги жиноят тўғрисида ўйла-
ган,

аслида эса менинг бутун телба хатти-ҳаракатим

дунёда бор сир-синаотлар тагини кавлаштиришдан

иборат бўлаётганини унутган ҳам эдим!

Ҳаёт — биз кўрган, биз билгандан мураккаб!

Турли оламлар бор... Биз улар билан гоҳ ҳисобла-
шиб, гоҳ ҳисоблашмаймиз!

Буюк бир онг бор... Унинг олдида бизнинг онгимиз
ҳеч нарса! («Сиз, инсонлар, жуда кам нарсани била-
сиз!» — деб бежиз айтилмаган.)

Мен ҳақиқат учун исён кўтаргандек бўлдим. Бун-
дан ғазабланиб, афтидан, менга қарши қандайдир
Қора Куч ҳам исёнга келган эди!

Менинг ҳаётимдаги нотинчлик

фақат Ердаги жиноятлар оқибати эмас,

Осмондаги муайян бир ҳолатнинг ҳам натижасидир!

Мен Мутавалли ота берган ёндафтарни кўздан бир
кечириб, токчага олиб қўйган, шу кунлар руҳим,
кўнглимни кир босиб,

яна тасқара намойишга кирган эдим.

Масжидга борганимда бўлган илоҳий ҳолатдан
узоқлашган эдим...

Ҳозир даҳшатдан эс-ҳушим оғиб,

ўрнимдан турганимча,

ювиниб-таранишга уриндим.

Ҳанифага халал бермаслик учун меҳмонхонага ки-
риб,
ёндафтарни ўқий бошладим. Тиловат қила бошла-
дим.

Бир ўқир, бир йиғлар,
бир йиғлар, бир тиловат қилар эдим.

.....
Мен ёлғиз Худога сифинар,
дуч келган бало-қазолардан халос этишни
ёлғиз Худодан
тилар эдим!

48

Ҳамон маҳзун куз куни,
кечки пайт эди.

Менинг нигоҳим офтоб нурларида ялтираган ҳам-
момнинг зангор қуббаларидан пастга сирғалиб,
бехосдан бир нуқтага келиб тўхтади.

Кўз ўнгимда яна —

новча, бақувват тўрт йигит елкаларига қопчиқ осиб
олишганча, ҳаммом орқасидан чиқишган эди!

...Бизнинг уйимиз неча бора пайҳон қилиниб но-
тинчиликлар юз бергач, ҳозир кутилмаганда — Худо-
нинг марҳамати билан! — ҳамма нарса ўрнига тушган
эди. Бутун кўнгилсизлик тутаган эди. Бу — бўрондан
кейинги сукунатни эслатарди! Менинг ҳаётим шундай
жимжит эдики, мен худди бекор қолиб, зерика бош-
лаган одамга ўхшар эдим! Қора Куч таъқиб қилиб-
огоҳлантириб бўлган, энди мени қандай йўл тутаркин,
деб пойлаётгандек эди.

Айниқса, эчкисифат соқол қўйган, орқалари ва
оёқлари гавдаларига нисбатан катта эгизак йигитлар
мен билан иши йўқ, улар одатдагидек ўзларининг
қандайдир юмушлари билан овора эди! Мен ҳам ўз
йўлимдан кетавермайманми?!

Бироқ мен қаерга бориб, нима қилишимни билмай,
сару сомонимни йўқотиб юрганимдан, бутун уларни
тасодиф учратганимга алланечук суюниб кетган эдим.
(Ахир, уларни баъзан қидириб юриб ҳам, тополмай-
сан!)

Улар йўлга тушишган эди.

Шошиб, эргашдим.

Шу паллада Ҳанифани, туғилмаган фарзандимни

ўйладим. Ўзимни хатарли йўлга уриб, бошимни яна туйнукка тикаётганим аниқ! Шу билан бирга, илож қанча! Дунёда ҳар кимнинг қисмати... Улар тез одимлашади. Улгуриш керак!

— Вали ака! Валижон... Қарамайсиз!

Қарадим, албатга.

Ҳовлиқиб, нафаси бўғзига тиқилган Мамлакатхон орқадан менга етиб олган эди.

Мен ишим яна юришмаганига бир оз ўкинган эдим!

Мамлакатхонга разм солдим. У — бир олам чирой эди! («Бир-бир не дейин, бошдин-оёғинг яхши!») Бу — хаёлга сифмайдиган ҳол эди. Мен уни кўчада шундай кўришни орзу қилиб, зор излаб юрганимда, қораси кўринмаган эди! Мана, энди ўз-ўзидан рўпарамда қомат тиклаб турибди! Менга эргашиб, чақирганини айтмайсизми?!

Аммо мен ҳозир унга нима деб, қандай муомала қилишимни билмас эдим. Тўғрироғи, уни учратиш менга малол келгандек эди!

Мамлакатхон менинг ҳолатимга эътибор бермади.

— Юринг, сиз менга кераксиз, — деди у. — Боққа кирайлик. Кўчада одам кўп...

Унга эргашдим.

Боққа кириб, совуқ бир харракка ўтирганимиз заҳоти, Мамлакатхон пинжимга тиқилиб, бошини кўксимга босди ва бирдан... йиглаб юборди.

— Эй, кўйинг... Нима бўлди?! — дедим паришонланиб.

— Мен сизга қулоқ солмадим. Айтганингизга кўнмадим... Мен хато қилдим. Бунинг устига, сиз уйланмаган йигит, деб ўйладим... Энди яшаёлмаябман. Сизсиз яшаёлмайман! Сиз охири марта уйимизга келгандан буён кўчаларда сизни излайман. Кечалари ухлаёлмайман... Мени ўлдириб юбордингиз, Вали акажон! Ўламан... Жон Вали ака...

Менинг бутун суякларим музлаган ва бунга терс ҳолда, бутун вужудимни ўтли бир титроқ тутган эди.

Инсон истаса, ўзи ўрганган яхшими-ёмон йўлдан дарҳол қайтади, ҳафтада-ойда тиловат қилиб, Худога сидқидилдан ёлборса, бас, унинг руҳи, кўнгли покланади, деб ўйлайсизми?! Инсоннинг олий бир мақом — камол касб этиши шунчалик жўнми?!

Э, йўқ! Ҳафтада-ойда ҳамомга тушган одамнинг бадани дарров тозаланмайди-ю!

Азиз инсонлар покланиш учун йиллаб сокин гўша ихтиёр этиб, гўшанишин бўлишган! Баъзан ҳафталаб, ойлаб ўрнидан кўзғолмай, тиловат қилишган!

Болалиқда кўрган эдим... Дадамнинг ошнаси бир қария гуноҳдан сақланиш учун, жонлиқ, жонивор — тирик нарса, мен қандоқ ейман, деб, буғга ижозат бор, мазмунида кўпчилик фатво беришса ҳамки, гўшт емас эди! Бошқа қария пок асранишга чоғланиб, ўзи буғдой экиб, яргичоқдан ўтказиб, нон ёпиб, фақат шу нонни сув билан тановул қилар эди!

Қайсидир китобда ўқиган эдим... Гўзал бир санам истиғносига учиб гуноҳга ботмаслик учун тақводор киши болта олиб, ўз бармоқларини чопиб ташлаган эди!

Дадам-чи?! Ўзини пок тутганидан, унинг нафаси баъзан кўрққулик эди! Қовоқари инига қараб: «Бир пуфласа, ҳаммаси ириб-чириб тушади. Лекин ҳаққимиз йўқ!» — дерди... Тўрт-беш ёшларимда ялангоёқ ажириқзорда юриб, неча бора оёғим устидан илон ўрмалаб ўтган. Кавагида илонлар ин қурган дарахт остида, сув бўйида ўйнаб ҳам ўтирардик. Уйларимиз ўшанда хароб, ҳаммаёқ фатарот эди. Нақ товонимдан илон, чаён чаққан. Отам ёнимда ўтирганча, пичирлаб мени ўқирди; мен ухлаб қолиб, эртаси куни ҳеч нарса кўрмагандек бўлиб кетар эдим. Қироат (тиловат)нинг бадандаги заҳарга нима дахли бор?! — тушунмай ёқа ушлаш мумкин!

Ширинқўлда олдинлар руҳи бир, вужуди (тани) бир қирқ киши — чилтонлар бўлган! Турли жойларда яшаб, қаромат, башорат деган белгилардан (гўёки масофа йўқ, дару девор йўқ) улар бир-бирлари аҳволдан бемалол хабар топишган. Уларга бутун олам қафтдагидек кўриниб турган!

Бу — барчаси, покликка етаклаган ирода кучи...

Менинг руҳим ҳали пок эмас. Иродам ҳам бўш!

Бунинг устига, ҳозир Мамлакатхонни ҳамон нафрат аралаш севишимни ҳис этмоқда эдим!

Шу боисдан, дунёни унутиб, мен ҳам яна эҳтиросга таслим бўлишим осон эди!

Муҳаббат — ўт. Биз вақтида ўт билан ўйнашган эдик!

Бироқ энди...

Мен сизни севдиму
кўксимга дастлаб —
осмонда бор қушлар
учдилар дастлаб...¹

Энди

қани у қушлар?!

У қушлар энди йўқ эди!

Менга Мамлакатхон қанчалик ўзини бахш этмасин, мен икки йўлдан бирини танлашим керак... Мен учун Мамлакатхондан Ҳанифа, Бегона-боламдан туғилмаган болам азиз эди!

Мен булар олдида масъул эдим!

— Мамлакатхон! Энди кеч. Қийин... Кечиринг! — дедим азобланиб.

Шу куни Мамлакатхон мен билан худ-бехуд ҳолда хайрлашди.

Лекин у мендан кетмади!

Гоҳ кунда, гоҳ кун ора йўлимдан чиқар эди.

Менинг бир пайтлардаги телба ҳолатим унга келган эди!

Мен ҳақда, муз бўлса ҳам, тош бўлса ҳам, темир бўлса ҳам барибир эритаман, деган унинг қасди бор-дек эди!

У нега бирдан бундай офатга айланди?! — билиб бўлмасди.

Аёлнинг кўнгли нимаю юрган йўли нима?! — минг Афлотунга ўхшаганда ҳам, тушунмайсан! Аёл олами даҳшат эканлигини кўриб, кимдир унга: «Бу — инсондан ташқари, қизиқ бир мавжудот!» — деб баҳо берган экан!

Мен Мамлакатхонга индамас эдим. Ўзи совир! Ўзи тушунар! Ундан (мен учун қанчалик муҳим бўлмасин!) Сирож муаллим тўғрисида ҳам бирон нарса сўрамас эдим. Кераги йўқ! Уни тинглар эдим, холос. У: «Мени ташламанг!» деб, йиғлар, кўнглини тўкиб, кетар эди.

Ниҳоят, Мамлакатхон мени изламай қўйди. Кейин...

Кейин, бир куни рўпарамдан Адҳамжон чиқди:

— Сизга гапим бор!

Энди Адҳамжон билан боққа кирдик.

— Мен ҳаммасини биламан. Боланиям. Бошқасиниям! — деди Адҳамжон.

Бундай шармандалик... Ер ёрилса экан!

¹ Эски шеърлардан.

Айниқса, гуноҳи аниқ эканлигини ҳис этган киши ҳимоясиз бўлиб қолади! Адҳамжонни йўлим устида кўриб, гапи борлигини эшитганимдаёқ бўйнимга арқон солинган эди. Мана, энди...

...Мамлакатхон мен билан қайтиб кўришгани яхши бўлмади! Э, йўқ!

Бу — аввалданоқ яхши бўлмаган эди! Оқланиб ўтириш ортиқча!

— Мен ҳаммасини биламан. Боланиям. Бошқасиниям! — деб қайтарди Адҳамжон.

Жоним бўғзимда лиқилларди... Бунча чўзмаса! Урсанг, ур. Қўйнингга пичоғинг бўлса, чиқар! Миқ этган номард!

Аммо шу пайт негадир, аксинча, мендан Адҳамжон қисинаётгандек бўлди.

— Мамлакат ёш. Чиройли! — деди ҳамон шошмасдан. — Яхши бир одам бўлса, майли... У мендан фақат кулмаса! Бировларга айтиб юрмаса! Демак, сиз... Гап соғлиқда эмас! Мамлакат барибир мени севмайди. Мен ҳам...

Эй, шармандалик бу ёқда экан!

Севмасанг, уйланма... Ажрал! Барчага ўхшаб юргинг келяпти-да! Молдан баттар...

— Энди бола бор, — деб сўзини давом эттирди у. — Турмуш фаровон. Тинчмиз! Фақат шу... илтимос!

— Уйлаб гапиряпсизми?! — дедим тепа сочим тик бўлиб. — Бунинг сизга аҳамияти йўқми?

— Сиз покликни айтяпсиз! Тушунаман... Лекин дунёда ким пок? Шундай одам борми?! Бири ўғри, бири порахўр. Товламачи... Масжидга кирганлар ичида муттаҳам қанча! Одам шу. Ҳаммамиз ҳам одам!

Эй, Худойим-е...

Қўлим мушт бўлиб, ҳавога кўтарилган эди. Бироқ ҳавода қотди.

Уни уриб нима қилдим?! Худо урган...

Кўчага қараб югурдим. Кейин, хўнграб юбордим.

Менга бу имтиҳон — бу жазо ҳам бор экан! Бир кунлар чойхонага кириб, Сирож муаллимни учратмасам, уни эсламасам, тақдиримда бу кунлар бўлмасмиди?! Ёки бу нарсаларнинг барини кўриш ўзи — қисматмиди?!

Кўчада бошим оққан томонга қараб югурар эдим.

Бу гал мен фақат Мамлакатим учун

йиғлар

эдим...

Тиланчини баъзан эслайман.
 Гирибонидан тутиб, бўйнига уришдан фойда йўқ.
 Унга кузатиб-эргашиш керак.
 У ошналари ёнига бошлаб бориши мумкин.

.....
 Ахийри, бир куни эргашдим ҳам.

Тиланчи кимларнингдир уйига кириб чиқди. Қўлидаги қоғозни нуқиб кўрсатиб, кўчада одамларни тўхтатди. Бозор айланди.

Ниҳоят, катта йўлга қараб кетди.

Унинг изидан тушиб, мен ҳам қорама-қора бора-вердим.

У бир пайтлар овлоқ чойхона бўлган, кейин азамат чинорлар қад кўтарган жойга келди. Чинорларга қараб юрди.

Мен ҳам етиб келиб, ипдек ариқдан ҳатладим.

Чинорлардан ўтгач, у — ерга кирдим, осмонга учдим?! — қутилмаганда кўздан йўқолди.

Бу томон яйдоқ дала эди.

Ажабланиб, илдам босдим.

Қанча юрганимни билмайман, рўпарамда катта бир жарлик кўринди.

Жарлик тубида иланг-биланг чизикдек сув оқар, икки томон қалин тўқайзор эди.

Тиланчи мени пайқаб ўзини шу ёққа урган, албатта, деб ўйлаб анча тик сўқмоқдан пастга эндим.

Сўқмоқ тепадан кўринмаган, икки ёни бутазор кенг, равон бир йўлга уланди.

Йўл ораста, узоқ-узоқларга кетган эди.

Олдинга юра бошладим.

Осмонда офтоб чарақлар, чор атрофда кузги заъфарон-қизғиш ранглар ўйини кўзни қамаштирар эди.

Анвойи ёввойи ҳидлар. Умрингда эшитмаган ҳашарот-жонзотлар товуши.

Мен бошқа илож қолмаганидан, тиланчига эргашган эдим.

Лекин энди нақ Ширинкўл пинжида — шундай жойлар борлигини билмаганимдан ёқа ушлаб, тиланчини ҳам унутган, шуурсиз ҳолда

бормоқда эдим...

Ширинкўлга кам одам келиб, кам одам қизиққани сингари биз ҳам

Ширинкўлдан нарини билмаймиз!

«Атрофга ҳадеб қарайверма, болам!

Уёқ-буёққа борма, болам!

Ҳеч нарсани ўйлама, болам!»

Сирож муаллим фақат биз эмас, биздан катталарга ҳам таъсир ўтказганми?! —

улар доим шундай дейишар эди!

Биз шунга ўрганган эдик!

Мен Ширинкўл марказидан тўлқиндек қулоч отиб, ташқарига — олисларга чиқиб кетган йўлнинг охири қаер эканлигини билмаганимдек,

ҳозир бу йўл

қаерга олиб боришини ҳам билмас эдим!

Балки, бу икки йўл бирон нуқтада туташар?!!

Балки, бу йўлнинг Ширинкўлга ҳеч қандай дахли йўқдир?!!

Жарлик ёнбағридаги кенг, равон йўлдан

шуларни ўйлаб бормоқда эдим...

Йўл тайёралар ўчадиган йўлкани эслатар экан!

У мен энган сўқмоқдан туйқус бошланиб, туйқус тутаган эди!

Рўпарада шунчаки

қора бир туйнук кўзга ташланарди...

50

Мен туйнукка яқинлашиб, ичкарига қарадим.

Мабодо ҳаммаёқ зулмат-зимистон бўлса, изимга қайтмоқчи эдим.

Аммо оғзи қорайиб турган туйнукдан узоқда қандайдир шуъла ярақлар эди!

У томон —

бу томондан ҳам ёруғ,

фараҳли эди!

Бир нафас саросималаниб қолгач,

ердан чўп олиб, ўргимчак тўрларини сидириб ташлаганимча,

туйнукка кирдим.

Яна олдинга бора бошладим.

Ниҳоят...

(биз Ширинкўлда юриб,

бошқа, катта бир олам борлигини

билмаган эканмиз!)

осмонга бориб туташган чексизлик!

Осмоннинг тиниқлиги... Кўм-кўк! Тубсиз эмас,
йўқ, худди аниқ, таранг тортилган парда!

Мен энди бир қадам ҳам олдинга жилолмай,
туйнук олдида турар эдим.

Шу ҳолатда уён-буён қарадим.

Мендан бир томонда мавжланиб дарё оқар эди!

(Бояги иланг-биланг чизиқдек сув бу томонга ке-
либ, наҳотки, дарёга айланган бўлса?!)

Мени ҳеч қачон туймаган севинчми-ҳаяжон чулға-
ган эди.

Боладек сакраб-ўйнагим келмоқда!

Бироқ...

шу асно...

пайқадим.

Дарё бўйида

оддий бир лунги ҳам боғламаган

минглаб қип-яланғоч эркак-аёл

ғимирлашар эди!

Улар барчаси

авратларини кўллари билан ёпиб,

мен томон бурилишди!

Мен болалик йиллари кекса бир одамнинг уйида
антиқа-ботиқ ойна кўрган эдим. Унинг ичига кириб
олгандек яқинлашиб қарасанг, қаршингда тизилган
ўнаб шаклинг акс этар эди. Ўнг томонда ҳам, шундай.
Чап томонда ҳам!

Ўша ҳолат ҳозир қайтарилгандек...

қаршимдаги эркак-аёллар битта қолмай, даҳшатли
тарзда

менга ўхшар эди!

Улар менга шундай ўхшаб, шармандали ҳолда ту-
ришгани учунми,

ўз-ўзимдан уялиб кетиб, кўзларимни кўлларим би-
лан тўсдим.

Кўзларим юмилгани заҳоти

бошим айланиб,

ерга гурс этиб йиқилдим...

Кўзимни очганимда,

бир дафъа бўлганидек,

негадир яна дарвоза олдида,

остонага бош қўйиб

ётар эдим...

ҲАҚИҚАТ

51

Уйда бир неча кун ўзимга келолмай юрдим.
Мени кимдир ўласи уриб дабдаламни чиқаргандек эди.

Ҳозиргача умримда кўрган машаққат-изтироб бир томон, бу — бир томон эди! Ўзимни неча бора тупроқ билан тенг сезганда ҳам, касалхонада чуқурликка тушиб ётганимда ҳам бунчалик абгор бўлмаган эдим... Айниқса, тиланчига эргашиб, ўзи нималар бўлгани-ю, мени ким уйимга келтириб ташлаганига тушунолмас эдим! Бу — яна ўша, олдингидек сир-асрор эканлиги мени эзмоқда эди...

Бирок, йиқилган курашга тўймас! Мен ҳақиқатни аниқламагунча йўлимдан қайтмаслигимга энди бирон сония, зигирча ҳам шубҳаланмас эдим...

Сал ўзимга келгач, биринчи навбатда ювиниб-тараниб, энг яхши уст-бошимни кийганча, қабристонга бордим... Отажон, онажоним, уларнинг аждодлари, қариндош-уруғлар, кичкинтой сингилчам ётган хилхонага кириб, яқинларимни бирма-бир хотирладим. Тиловат қилдим... Бадалбек, Сокина опа қабрлари олдида ҳам тиз чўқдим.

Шундан кейин, уч-тўрт кун уйни астойдил тартибга келтириб, ўз ишларимни саранжомлашга уриндим. Ниҳоят, саҳарлаб меҳмонхонада беркиниб, қунт билан Ҳанифага хат ёздим.

«Ҳаниф! Ҳанифжон...

Мен сенинг гапингга кирмадим. Кирилмадим.

Менга нимадир бўлса, озорланма. Марҳаматли бўл.

Сенга, албатта, қийин. Лекин инсон қисматни танламайди.

Мен бошқача яшаёлмадим.

Фарзанд кўрсак, Умид деб исм қўй.

(Дунёда ҳар кимнинг ўз Умиди бўлади!)

Сен билан, шу туғилмаган боламдан — азиз нарса-ни билмадим.

Вали».

Хатни хонадаги тўмбалардан бири устида қолдирдим.

Мутавалли отадан олган ёндафтарни қўйнимга авайлаганча жойлаб,
кўчага чиқдим.

52

Кетдим.

Катта йўл орқада қолди.

Ипдек ариқдан ҳатлаб, чинорлардан ўтганимча, яна яйдоқ далага қараб юрдим.

Сўқмоқдан жарликка тушиб, кенг, равон йўлдан туйнук оддигача бордим.

Туйнукдан ҳам ўтдим.

Ҳамма нарса ўша, олдин кўрганимдек эди!

Мен энди гимирлашган минглаб эркак-аёл томон кўз ташламасдан, калима ўтирганимча, дарё бўйлаб тўғрига тез, дадил одимлай бошладим.

Шу кетишда қаёққа боряпману нега буёққа келганимни билмас эдим. Энди бу иш нима билан тугаши менга қоронғу; фақат ички бир ҳиссиёт мени шундай қилишга ундаган эди!

Кўп ўтмай, дарё торайиб, ариққа айланди.

Ариқ бўйлаб йўлимда давом этдим.

Яна бир оз юргач, нақ рўпарамдан ариқнинг икки бетида бетартиб жойлашган, девор-дарвозаси йўқ қандайдир ҳовли чиқди.

Ҳовли ичидан ўтган ариқ бўйида қозикқа боғланган қора бир йўрға ўтлар эди. Бошқа каттароқ қозикқа сувдаги қайиқ боғлаб қўйилган.

Мен ҳовлининг ичиданми ёки уни четлабми ўтишимни билмай турган эдим...

уйлардан бирининг эшиги очилиб,

беш-олти ёшлардаги иккита бола,

уларнинг орқасидан

тиланчи кўринди.

Аслида, мен уни эмас, у мени излагандек, бу учрашувдан унинг оғзи қулоғида —

алланечук

мамнун эди!

53

Уйда ҳам, тиланчи кўчадагидек, уринган бахмал дўппи кийган, эгнига нимча илиб олган эди.

— Келинг, азизим. Пих... — эски қадрдонлар сингари мен билан негадир кулиб кўришди у. Кейин, бош яланг, лекин унга ўхшаб нимча кийган болаларга қаради. — Бор. Онанга айт, овқат берсин! Меҳмон келди...

Болалар ёнма-ён ариқ томон ташланиб, анча энли ариқдан мушукдек лип сакраганча, нариги бетдаги хонага кириб кетишди. Тиланчи эса мени ҳозир улар чиқишган шу бетдаги хонага бошлади.

Хонада одатдаги ҳамма нарса бор. У безалган, чиройли; фақат девор энламасидаги қатор токчалар охурга ўхшар эди.

Мен нари-берини яхшироқ кўриб бўлмасдан, болалар ёғоч косада овқат, иккита нон кўтариб киришди. Косадаги суюқ овқатнинг усти совун кўпигини, нон кунжарани эслатар эди.

Тиланчи менга эмас, мен унга ҳукмимни ўтказишим керак туюлганидан, ўзимча дангал мақсадга кўчдим:

— Оғайни! Қорним тўқ. Овқат емайман... Сиз билан бир нарсани гаплашишга тўғри келади.

— Бемалол, азизим. Пих...

— Сизнинг ошналарингиз... тўрт йигит... соқол кўйган...

Тиланчи бошини чайқади.

— Тиланчининг ошнаси бўлмайди, азизим. Ўзи тиланчи бўлса... Пих! Улар менинг ошнам эмас...

— Сиз барибир уларни биласиз! Мен аллақачон сезганман. Кўрганман...

— Мен ҳаммани биламан! Дунёда иккита шоҳ бўлади. Биттаси катта оқсоқол. Биттаси биз — гадо! Пих...

— Менга уларни топиб беринг! Шоҳ экансиз...

— Топиб бераман, азизим, — мен кутганимга зид ҳолда, осонлик билан кўнди тиланчи. — Улар ҳозир оролда бўлиши керак! Лекин мен яқин бормайман. Ўлдиришади. Пих...

— Сиз жойни кўрсатсангиз, бўлди.

— Кўрсатаман, азизим. Пих... Кейин, ўласизми, қоласизми, ўзингиз...

Биз қайиққа ўтириб, йўлга тушдик.
Ариқ яна кенгайиб, дарёга айланди.

Энди икки томон оқариб ётган юксак тоғлар эди.

Бу жойларнинг гўзаллиги... Чўққилар — тик найзалар; остида қор билан қуёш талашиб, ёниб ётибди. Осмон — тўнтарилган кўл. Чўққилар орасида осмон билан бирлашиб, ёнбағирларда мовий, алвон, заъфарон гуллар барқ урган... Тикилиб туриб, йиғлагинг келади! Нега?! Бу абадият олдида умр нафасдан ҳам қисқа, «хув» дегандек бир нидо! Келдим, дейишга улгурмай, қетябсан!

Ҳаётда ниманидир ўйлаш, ҳатто тушунишдан уни ҳис этишнинг фарқи катта.

Мен уйдан чиққанимда, хаёлим фақат тезроқ бу ёққа келиш билан банд; жисми-жонимда осойишталик, ажиб беғамлик бор эди! Мана, энди Буюк Борлиққа юзма-юз бир ҳолатда ўзимни қайиқда сузаётган одамдан кўпроқ хасда оқиб кетаётган чумолидек сезмоқда эдим... Сенинг ўзинг киму ҳаётинг нима?! Ана шу чумоли сувда фарқ бўлса, биров ташвишланиб, жони оғрийдими?! Мени хавф-хавотир чулғаб, умримда яна бир карра ўлимнинг шумшук башарасини кўрмоқда эдим... Ҳанифа тўғри айтган эди. Сен ўлсанг, Ёвуз бир Олам қаршисида хотининг, туғилмаган боланг нима қилади?! Кимга, қаерга боради?! Айниқса, мендан олдинда ўтирганча, эшкак эшаётган тиланчига ора-сира қараб қўйиб, мени ҳам босган эди... Унинг уйи ҳам, ўзи ҳам менга тасодиф рўпара бўлганидан тортиб, уйдаги нарсалар, ҳолатлар тааж-жубли эди. Тиланчининг уйига етиб келгунча йўлдаги кўрган, мени олдин ҳам неча бора — занжирдек шаддираб эсанкиратган — сир-синоатларга ўхшар эди!

Умуман, бу одам ўзи мен учун жумбоқ эди...

У — оддий тиланчими?! Жосусми?! Бошқами?

Унинг самимиятига ишониш қийин. Менга айтган гаплари шубҳали.

Мамнунлиги, пихиллаб кулиши ҳам. Дарров ҳамроҳ бўлишга кўнгани ҳам...

Бу томонда яшаб, Ширинкўлда тиланчилик қилса (тиланчи бўлатуриб!) нега хизмат эвазига мендан ҳеч нарса сўрамади?! Бирон шарт қўймади?! Бунинг устига, мана, ҳозир ҳам қандайдир роҳатланиб, ғайрат билан эшкак эшябди?! Сабаб нима?!

Аммо тиланчи эмас, биз бораётган орол муҳим.

У мени кўпроқ ташвишга солган эди!

Бу — қандай орол?! У ерда фақат эчкисифат соқол қўйган бир-бирига ўхшаш тўрт йигитми, ёки Сирож муаллимни ҳам учратаманми?! (Қайси Сирож муаллим?!)

Мабодо Сирож муаллим бу ерда бўлмаса...

у чойхонадан қаерга кўчган?!

У касалхонада, «Асаб касалликлари» бўлимидами? Ёки...

ҳамон ертўладами?!

Тўрт йигитдан Сирож муаллимни сўраш мумкин! Менга ҳақиқат керак, холос. Бошқа ишим йўқ! Лекин улар билан тўғри гаплашиб бўлармикан?!

Улар менга нисбатан ўзларини ҳар қачонгидек бепарво тутишармикан?! Ёки сабр косалари тўлиб...

Мен улардан биттасига ҳам бас келишим гумон!

Оролда нима қилиб юришибди экан?! Касалхона, ҳаммом орқасидан ташқари, бу ерда ҳам ишлари борми? Ёки бирон касал... Дарвоқе,

ертўладаги телба!

Бошим тошдан офир эди.

Юрагим ғаш. Ғаш...

Дунёда қўзғуннинг чанг солишини суюниб қаршилайдиган одам йўқ!

Мен алақачон очиққандим. Чанқаган ҳам эдим.

«Кўзимга энам кўриниб кетди!»

Кўнгилсиз дамларни эслаб, одамлар баъзан шундай дейишади.

Шу аснода менинг ҳам кўз олдимга негадир — онам келган эди!

Мен одатда кўпроқ отам тўғрисида ўйлар эдим. Отамдан кейин вафот этган бўлса ҳамки, онам кам ёдимга тушар эди.

Она деганда кўпчилик кўзлари жовдираган, топган-тутганини боласининг устига ташлаб, офзига тикадиган гиргиттон аёлни тасаввур қилишади!

Ҳаётимиз ночор эканлигиданми, онам менга нисбатан аёвсиз эди. Бардошсизлик қилиб, инжиб-инқилласам, орқамга туширар, бирон нарсани сўрамасдан олсам, қўлимга урар эди!

Тиланчининг уйида овқатни таъбим тортмаган, у менга ҳаром бўлиб туюлган эди... дарёдан ҳовучлаб бемалол сув ичиш мумкин, албатта. Лекин дарё юзи мойга белангандек милтираётганими, нимадир — бунга ҳам монелик кўрсатмоқда эди.

Менинг кўнглимда «Ема!» «Ичма!» деган буйруқ бор эди!

Онажоним, онам-а...

Кўз оддимга онамнинг кичкина, дағалгина кўллари келиб, юрагимдаги бутун ғашлик ҳам ювилган эди!

Мен яна таскин топган эдим!

Узоқдан орол кўринди.

Дарё ёйилиб, икки томондан уни айланиб ўтган, гўёки қучиб олган эди.

Четдан қараганда, оролни оддий чакалақзор қошлаб ётгандек эди.

— Тушинг, азизим. Тамом. Пих...

Мен тиланчига ўзимча миннатдорчилик билдириб, қайикдан тушдим.

55

Йўқ, орол фақат чакалақзордан иборат эмас экан!
Боғлар. Гулзорлар.

Қандайдир катта-катта ҳовузлар ҳам бор. Лим-лим. Лекин яқинлашсанг, ботқоқними, совун кўпиги аралаш кир-сувними эслатади... шу сабабданми, умуман, бутун оролни бадбўй-қўланса ҳид тутган.

Жарликда бўлганидек, бу ерда ҳам бир неча йўллар

тайёралар учадиган йўлгага ўхшар эди.

Қолган йўлларда тупроқ тўзиб,

уларни дағал ўт босган.

Атрофда тўп-тўп пода судралиб юрибди.

Қарасанг, ростмана қўй,

аммо ҳаммасининг боши, башараси чўчка...

Қадимда филнинг хартумини силаб, чўчка, чўчкадан сичқон туғилган, мазмунида ривоят бўларди! Албатта, эчкиэмар билан калтакесак, қоплон билан мушук, дегандек шакли, насли яқин жонзотлар табиатда учрайди. Бироқ бу ерда антиқа қушлар, антиқа ҳайвонлар; дурагаймми? — насли-зотига тушуниш мушкул... Юмронқозикқа ўхшайди, лекин қарға; қағилаб учиб юрибди. Тошбақага ўхшайди, лекин кирпи; устида тошдан ташқари, тикан. Итга ўхшайди, лекин эшак; ҳанграб, шаталоқ отябди... Ҳаммадан, маймун кўп. Уларни бир оз ажратиш (фарқлаш) мумкин!

Пода орқасида чўпон қани?! Чўпон кўринмайди.

Негадир биронта ҳам инсон йўқ.

Мен оролни ажабланиб-анграйиб айланмоқда эдим.

Ҳеч нарсага тушунмасдим... Бу қандай орол?! То ҳозир Ширинқўлдан нарини кўрмаган-билмаганим тўғри. Аммо бундай жойлар борлигини кексалардан ҳам эшитмаган эдим. (Ахир, улар кўп нарсани билишарди-ку!) Бу ерлар Ширинқўлга кирадими, бошқами?! Қайси юрт?! Кимга қарайди?! Тиланчи мени алдаб, бу ерга ташлаб кетмаганмикан?!

Дунёда кимсасиз оролга тушган сайёҳлар қанча!

Ризку рўзини эплаб, юраверган! Тирик қолган!

Мен энди ниҳоятда очиққан, ундан ҳам чандон чанқаган эдим.

Боғлардаги дарахтларда олма билан беҳи пайванд қилингандек сап-сарик мевалар... Майизми-узум... Ерда тарвуз билан қовоқ... Қоринни қаппайтириш осон! Бироқ...

Кўнглимда бояги «Ема!», «Ичма!» деган буйруқ! Кўз олдимда онамнинг кичкина, дағалгина қўллари!

Мен боғларни иккиланиб-азобланганимча айланиб, ҳозир негадир

энг қадим, энг буюк ривоятни эсладим.

Одам билан Ҳавво...

«...Мана, бу дарахтга яқинлашмангки, у ҳолда золимлардан бўлиб қолурсиз!»

Кейин:

«Ўша дарахтдан тотиб кўришлари биланоқ авратлари очилиб қолди ва ўзларини жаннат япроқлари билан тўса бошладилар!»

Ниҳоят:

«(Жаннатдан) тушингиз!»

Менинг хаёлимда

туйнуқ оғзидан чиқиб, дарё бўйида кўрганим — минглаб эркак-аёл жонланишди.

Улар олдин оролда айланиб, кейин дарё бўйига бориб қолишмаганмикан?!

Кун қайтган, вақт ўтмоқда. Нимадир қилиш керак!

Агар чиндан тиланчи мени алдаган,

бу кимсасиз оддий бир орол бўлса, —

биринчи навбатда бошпана топган дуруст! Қолгани шошмасдан...

Шу хаёл билан кетаётиб, кутилмаганда
қуюқ дарахтлар панасидаги
қандайдир бинога
дуч келдим.

56

Бино ёғочдан тикланган,
икки қаватли эди.
У нимаси биландир
бизнинг мактаб биносини эслатарди.
Аммо ердан қарийб шифтгача ойналар
ўрнатилган эди.
Мен бинога яқинлашиб, ойналардан бирига
секин манглайимни босдим.
Ичкари қоп-қоронғи эди.
Қизиқ жойи:
шу зулмат-зимистон қаърида, липиллаб ёнаётган
шамдек,
манаман деган одамни ҳам диндан чиқарадиган,
эртақлардаги сингари гўзал —
соҳир ва хаёлий! —
бир санам
рақсга тушмоқда эди.
Мен
энди кўзимни ойнадан узишга шайланган эдим...
кўзларимдан дув учқун тўкилди.
Кимдир
оғир бир нарсани кўтариб, зарб билан
бошимга урган эди!

57

Ўзимга кела бошладим.
Азобланиб, кўзларимни очдим.
Нимқоронғи хона.
Иккита эшик:
бири рўпарада, бири ён томонда.
Булар — ичкари билан кўчаники бўлиши керак!
Суюқларим зил-замбил эди...
Энди пайқадим:
қандайдир курсига занжир билан боғланган эдим!
Курсининг оёқлари эса ерга михланган!
Хушимни йиғиб, ён-веримга қарадим.

Хонада чироқ йўқ, Лекин деворларда
ойна тортилган қатор
туйнук-токчалар;
улардан ҳар бирида биттадан чироқ
ёнар эди...

Туйнук-токчаларда

(Ажабо!)

(Даҳшат!)

Одам бош суяклари
уюлиб, гарам бўлиб
ётар эди!

Мен қайсидир жангомадаги: «Унинг боши ҳаргиз
танасига бўлмагай!»

деган ғалати гапни эсладим.

Кейин, яна эсладим:

*«Найза ва ўқлар билан одамларни бир-бирига мих-
лаб, сихлай бошлагилар!»*

Ҳикоятнинг охири бундай эди:

*«Қонлар гарё бўлиб оққан... Ўлдирилганларнинг
сон-сановига етиб бўлмасди!»*

Шу аснода негадир Заҳҳок,
унинг икки елкасидан илон ўсиб чиққани
яна ёдимга тушди!

Сир-асрор излаб, бир тўда жинойтчилар қўлига
тушиб қолганим аниқ, деб ўйладим. Оролларда қароқ-
чи тўдалари бўлади, деб эшитган эдим! Тиланчини
ичимда бўралаб сўқдим. Лаънати, мени шунақа жойга
келтириб ташлайдими?!

Аммо гап тиланчида эмас.

(Аллақачон ўйин тутаган,
фақат кетиш тадоригини кўриш қолган эди!)

Мен уйдан чиққанимдаёқ бу гал ўлимга чап бери-
шим қийин эканлигини билган,
қайиққа ўтириб оролга келаётганда буни
ҳис ҳам этган эдим!

Мен ўз оёғим билан дор остига келган,
ўзимга шу йўлни олдиндан танлаган эдим!

Қимир этмаган курсида,

шалдираган вазмин занжирга бурканиб,

тутқун ҳолда ўтирганимча,

энди бутун ҳаётимни кўз ўнгимдан ўтқара бошла-
дим.

Болалигим... Яқинларим... Касбдошларим...
Ҳанифанинг ҳам, Мамлакатхоннинг ҳам қисматига
кўнглимда ўқинмоқда эдим!

Туғилмаган боламни хаёлан қучиб-эркаладим!
Бегона-боламни бадбахт, деб ўйлаб, унга ачинган-
дек бўлдим!

Дунёда тўғри ишдан хатоим,
эзгуликдан гуноҳим кўп,
адашиб-улоқиб яшаганим менга аён эди!
Бунга иқрор бўлганимча,
ниҳоят, ҳаяжондан кўзларим ёшланиб, тиловат
қила бошладим;

қўйнимдаги ёндафтардан ёд бўлган дуоларни
баралла овоз чиқариб, ўқий бошладим.
(Боя дарёда келаётиб кўрган икки ёндаги тоғлар
таъсирими, шу палла менинг овозим ажиб оҳанг касб
этиб,

негадир атроф-борлиқни шиша идишдек силкит-
ган — ларзага солган;

шунинг баробарида, мендан нималарнидир талаб
қилаётгандек, у —

мени исканжага олган эди!

Юрагим-кўксимни тимдалаётган бу силсиладан
ана-мана портлаб кетадиганга ўхшар эдим!)

.....
Худонинг қудрати!

Мен дунёда қийналиб-уриниб бошқа ерга кўчи-
ришганида, одамларга «бўйсунмай», яна ўз ўрнига
қайтиб бориб қолаверган буюк тошлар борлигини
эшитган эдим!

Бир кўрсанг, тўғри, бир кўрсанг, тескари, бир
пастга, бир эса юқорига қараб оққан буюк дарёлар
борлигини ҳам эшитган эдим!

Иккига бўлиниб, ўртасидан йўл очилган буюк ум-
монлар,

балиқ қорнида ўлимдан топилган нажот тўғрисида
ҳам эшитган эдим!

Лекин

бир куни

менга — шундай марҳамат насиб этишига

ақлим бовар қилмас эди...

Худонинг қудрати!

Устимдаги бутун занжир ўз-ўзидан чириган ар-
қондек чир-чирт узилиб,

пойимга ҳалқа-ҳалқа
тўкила бошлади.
Менинг
руҳим ҳам, жисмим ҳам
қушдек енгил эди...

Мен
ўрнимдан бемалол туриб,
(яна яшашим мумкинлигига шукр қилиб!)
ўзим тутқун бўлган нимқоронғи хонадан
чиқиб кетмоқчи эдим; —
кутилмаганда...

.....
рўпарадаги эшиқдан
нотаниш қароқчилар эмас,
менинг танишларим —
новча, бақувват тўрт йигит
хонага кириб келишди.
Улар менинг йўлимни тўсгандек,
икки эшикнинг иккала томонида икки кишидан
соқчидек қомат тиклашди.

Мен уларга
юзма-юз тикилиб турганимча,
булар бизнинг мактабимизда ўқиганга ўхшамайди,
Сирож муаллим билан буларни нима ишми — мақсад
ош-қатиқ қилиб қўйган экан,
деб ўйлай бошладим.

Негадир шу пайтгача бу гап хаёлимга келмаган эди!
Улардан Сирож муаллим ҳақида сўраш керакми-
кин, деб
энди лаб жуфтламоқчи
бўлиб турган эдим...

.....
Рўпарадаги эшиқда
Сирож муаллимнинг ўзи
кўринди.

58

Бу — мен чойхонада учратган Сирож муаллим эди.
— Ўртоқ муаллим! — деб юбордим беихтиёр.
— Ўртоқ эмас. Ўртоқ эмас! — деб негадир бақирди
Сирож муаллим.

Шу пайт нақ менинг рўпарамда қаердандир юм-
шоқ бир курси пайдо бўлди.

Сирож муаллим курсига ўтириб, менга энди бир оз юмшаброқ қаради.

— Сен нега бизни тинч қўймаяпсан?! — деди сенсираб. — Нега изимиздан судралиб юрибсан?! Ҳар нарсани ўйлайвериб, жонимизга текканингдан, биз сени баъзан таъқиб қилдик, холос. Бошқа зиён етказганимиз йўқ. Отдайсан... Нега бундай қиляпсан?!

— Мен ҳақиқатни билишим керак, — дедим секин.

— Хўп, билиб нима қиласан?! Ҳақиқат истаб, ёстиги қуриган қанча, дунёда! Ҳозир ҳам кун йўқ. Мумкин эмас... Яшаб юравермайсанми?!

— Барибир...

— Сен, яхшиси, бизни унут, — сўзини давом эттирди Сирож муаллим. — Сенга индамаймиз. Чиқиб кетасан! Қизиқиш, ўйлашни йиғиштир. Ёд олганларингни ўқима! Қўйнингдаги дафтарни ҳам менга бер! (У негадир туйнук-токчаларга қараб қўйди.) Сенинг устозинг — Сирож муаллим! Бошқа пир-устоз қидирма! Сен тақводор ҳам, мулла ҳам эмассан...

Мен шу аснода, унинг бу айтганларига амал қилсам, бутун дунёим куйиб-барбод бўлишини ҳис этиб, саросималандим.

Туйнук-токчаларга мен ҳам беихтиёр қарадим.

— Эҳтимол, — дедим ўйлашиб. — Лекин мен орқага қайтмайман! Аввалгидек яшаёлмайман. Менга ҳақиқат барибир керак!

— Жонингдан тўйибсан, бола! — деди Сирож муаллим эзилганидан афти-ангори ўзгариб. У энди чойхонадагидан кўпроқ ертўладаги Сирож муаллимга ўхшар эди! — Хўп, нимани билмоқчисан?! — деди анча сукутдан кейин.

— Биринчи гада... Сиз Сирож муаллимми?!

— Мен Сирож муаллим эмасман, — деди Сирож муаллим. (Мен уни шундай атаб қолавераман!) — Мен билан бу йигитлар ким?! Ишинг бўлмасин! Қолгани, майли, сўра, айтаман... Кейин, кет. Бизга кўринма! Ҳар нарсанинг чегараси бор!

— Яхши... Умуман, мен аввалдан қандай воқеа рўй берганига тушунмаяпман!

— Бунинг нимасига тушунмайсан! Оддий нарса... Инсон фақат баъзан ўз кўрган-эшитганлари мағзини чақолмайди! Хулоса чиқаролмайди...

— Мен кўп хулоса ҳам чиқардим. Лекин... масалан, Сирож муаллим вақтида ўлганмиди ёки тирик қолганмиди?!

— У тирик. Ўлгани йўқ... Бошқа шаҳарда юрибди! — деди лоқайдлик билан Сирож муаллим.

— Бошқа шаҳарда?!

— Ҳа. Махсус топшириқ билан кетган. Бадалбекни ёнига олиб...

— Сирож муаллим Бадалбекни ёмон кўрарди-ку?! Курашиб юрарди!

— Бу, мушукнинг сичқонни ўйнатганидек гап! Кимгадир диққатни тортиб, одамларни чалғитиш... Бадалбек Сирож муаллимга нисбатан жуда кичик одам эди! У қулдек, айтган ишни бажарарди. Итоатли эди. Сен бу гапларни неча бора Ҳанифадан эшитгансан. Шундай эмасми?!

— А-а?! Албатта, — дедим паришонланиб.

— Сирож муаллим узоқ-узоқ шаҳарларда ҳам, Ширинкўлда бўлганидек, иш олиб бориш учун кетган эди! Ҳозир ҳам шу вазифани бажарябди! Бадалбек бошқа ерларни билгани учун, кўшиб юборилган. Одий ҳамроҳ эди... У кўп ўтмай, қазо қилди. Ширинкўлдаги саванани очиб, жасадини келтириб кўмишган! Бўлган-бор воқеа шу...

— Мактаб-чи?! Бизнинг мактабимиз...

— Аэропланни осмонда икки-уч айлантириб, озгина ёнғин чиқариш, томни тешиб, тўртта темир-терсақни сочиб ташлаш қийин эканми?! — деб кулди Сирож муаллим.

— Ахир, у ерда жасад бор эди?!

— Улар шунчаки тулуп эди. Қўғирчоқ!

— Қизик... Сирож муаллим Ширинкўлда бўлмаса, ертўладаги ким?!

— Бемаъни бир одатлар, қилиқлар Сирож муаллимнинг жони эди! Сожидахон деган қизни келин қилганидек, биринчи хотини Маҳлиқодан туғилган ўғлига, оҳангдош, деб Махлуқ исмини қўйган эди. Ертўладаги телба Маҳлиқо вафот этгач, ҳовлига олиб келинган унинг шу ўғли! Сен буни деярли аниқлаган эдинг!

— Мамлакатхон уни қайта-қайта, дадам, деганди?!

— Мамлакатхон гапираверади! Рост билан ёлғон қоришган... Қолаверса, унинг учун уйидагилар ҳаммаси Сирож муаллим!

Мен ҳозир беихтиёр: «Хўп, Сирож муаллим қаер-
дадир олисда юрган, Махлуқ — ўғли, жасад — қўғир-
чоқ бўлса, бу — менинг қаршимдаги ким?!» — деган
хаёлга борган эдим. (Мабодо у чап қўлининг ўрта бар-
моғига узук тақиб, манглайида ёшлиқдан қолган тир-
тиқ кўриниб турмаса-ю, ҳадеб бош бармоғининг ор-
қаси билан қошини сийпаламаса, мен уни бегона би-
ров, деб кетаверар эдим! Ҳозир эса, бу ҳақда билиш
истаги мени қийнамоқда эди?!) Бироқ суҳбатдошим
шарт қўйганини эслаб, буни сўрамадим.

— Сўнгги, арзимаган савол... Сирож муаллим нега
ойна олдидан кўп турарди?! Кўзгуни у синдирганмиди
ёки ўзи синганмиди?!

— Бу жиддий савол. Сирож муаллим, оғзи юзига
нисбатан каттароқ эканлигини айтмаганда, келишган
киши! Лекин у ойнага қараганида, ўз шакли қолиб,
баъзан бадбашара бир шакл акс этарди! Бунга чидаёл-
маганидан кўзгуни синдирган эди...

59

Мен, ўзим дуч келган айрим сирли кичик ҳолат-
лардан ташқари,

назаримда, ҳамма нарсани —

бутун ҳақиқатни билгандек эдим!

Шартга биноан, энди ўрнимдан туриб, чиқиб кети-
шим керак эди!

Аммо даҳшатга чулғаниб, юк босгандек, бўшашга-
нимча, ўрнимга қапишиб ўтирардим...

Менинг хонани тарк этишимни кутмай,

иккала эшик олдидан соқчидек турган танишла-
рим —

новча, бақувват тўрт йигит секин

рўпарадаги эшиқдан чиқиб кетишди.

Кейин, суҳбатдошим...

ўрнимдан турди.

Шу пайт унинг остидаги юмшоқ курси

қайтиб қаергадир

ғойиб бўлди.

Ниҳоят,

у ҳам

йигитлар изидан

рўпарадаги эшикка йўналди.

Мен унга орқадан разм солиб қарадим ва

бирдан...
бояги йигитлардек, унинг ҳам
қандайдир кўкиш алангани эслатаётгани,
орқаси ва оёқлари гавдасига нисбатан каттароқ
эканлигини пайқадим.

— Иблис! — деб юбордим беихтиёр. — Бу Иблис-
ку, ахир!

(Мен аввалдан ажина-алвастилар тўғрисида бекор-
га ўйламаган эканман-да!)

Шу асно: «Одамлар орасида одам шаклида юрган
бир қисм жинлар, фаришталар бўлади!» — деган
қадимги нақл ёдимга тушди.

*«Дунёда бировга кўришиб,
бировга кўринмайдиган нарсалар бор!»* — деган
ҳикматни ҳам
эсладим.

Энди ўрнимдан даст туриб,
ён томондаги кўча эшикка
қараб юрдим.

60

Эшиқдан чиққанимча, бошимни кўтариб,
донг қотиб қолдим.
На боғ, на орол, на дарё...
Ипдек ариқ ҳалқаси олдида турардим!
Мендан икки қадам нарида —
Ширинкўлдан олисларга қулоч отган катта йўл!
Паришон бир ҳолатда орқамга ўгирилиб қарадим.
Мендан орқада,
менинг панамда
кўримсиз, йиртиқ чопонни эслатган чойхона —
эски (таниш) чойхона
қўққайиб турар эди!
Мен гўёки ҳозир тўғри чойхонадан чиққандек эдим!
Ариқдан ҳатлаб,
катта йўлга етиб олганимча, энди орқага бошқа
бурилмай,
Ширинкўл маркази — уйим томонга
қараб кетдим...

ХОТИМА

Мана, бу воқеалардан кейин,
анча йил ҳам ўтиб кетди!
Ҳанифа иккимизнинг Умид деган ўғлимиз бор.
У — эсли-ҳушли. Биз ундан мамнун!

Фақат...

у баъзан кўчада тутилиб, уйга кеч қайтса, —
мен ўзимни қўйишга жой тополмай,
ҳовдини қаричлаб ўлчаб чиқаман!
У келгач, ҳар гал, албатта! —

Худога шукроналар айтаман!

Баъзан уйда китоб варақлаб, баъзан эса, шунчаки
рубоб чертиб,

ўтган бутун воқеалар ёдимга тушади...

Ўрнимдан туриб, уйдаги энг катта ойнага бориб
қарайман!

Менинг шаклим ўрнида бошқа бир шакл
акс этишидан қўрқаман!

Гоҳо тоқатсизланиб,

югурганимча кўчага чиқиб кетаман...

Кейин, ёмғир ёғиб, қаршимда

бехосдан осмон қоқ тўрт бўлакка ажралади.

Осмоннинг гоҳ, у-гоҳ, бу буржида ловуллаб худди
гулхан ёнади.

Шу асно аланга кўкдан ерга кўчгандек бўлади.

Мен беихтиёр Бадалбек билан Сирож муаллимни
эслайман. Менга чойхонада, сўнг оролда учраган
ўткинчи хаёлимда жонланиб, у аслида ким эди, деб
ўйлай бошлайман. Азобланаман...

Дам сайин ҳол-мадорим қуриб, шунинг баробари-
да, бошимни чангаллаганча, алақажларга қараб бат-
тар югуришга тушаман.

Шундай пайтларда негадир кўз олдимга яна —
икки елкасидан илон ўсиб чиққан

Заҳҳок келади!

... Сиз бу гапларга ишонасизми, йўқми?!

Бир нарсани айтишим керак:

Дунёда

Худонинг борлигига ишонмаган одамгина

Ибдиснинг борлигига ҳам

ишонмайди!

1980—1993 йиллар

ТЕПАЛИКДАГИ ХАРОБА



ВОҚЕА ИШТИРОКЧИЛАРИ ТЎҒРИСИДА

ҚИСҚАЧА МАЪЛУМОТ

Бу эртақми, афсонагами ўхшаган воқеа бир кунлар чиндан рўй берган; аммо қизиқ жойи, турли даврда яшаган ҳар хил тоифадаги кишилар иштирок этишган эди.

Воқеани ҳикоя қилишдан олдин улар билан юзакироқ бўлса-да, бир оз танишиб олишга тўғри келади.

1. Мирза Фолиб. Ёши 30 га яқинлашган бу йигит минглаб одам кириб-чиқадиган бир идорада хизмат қилади. Болалиги Бухорода ўтган. Тарих, айниқса Бухоро тарихи билан қизиқади. Уйланган, лекин ҳали фарзанд кўрмаган.

2. Мастура — унинг хотини. 25 ёшда. Мактабни битирганидан буён фабрикада ишлайди. Сўнгги пайтлар таътилга чиққан.

3. Мардонқул ака. Мирза Фолиб хизмат қиладиган идорада Бош раҳбар. 60 ёшлардаги сипо киши.

4. Тенглаш ва Ҳақимжон. Мирза Фолибнинг ўртоқлари. У сингари идорада оддий хизматчи.

5. Лутфий. 1366—1465 йилларда яшаб ўтган буюк ўзбек шоири.

6. Бобораҳим Машраб. 1657—1711 йилларда яшаб ўтган буюк ўзбек шоири.

7. Жорж Гордон Байрон. 1788—1824 йилларда яшаб ўтган буюк инглиз шоири.

8. Амири саъид Абул-Ҳасан Наср ибн Аҳмад ибн Исмоил Ас-Сомоний. 905—943 йилларда яшаб ўтган бутун Хуросон ва Мовароуннаҳр подшоҳи.

9. Бир тўп эзгу, жафокаш кишилар.

10. Бир тўп ёвуз кишилар; жаллодлар ва жиноятчилар.

ВОҚЕАНИНГ БОШЛАНИШИ

Мирза Фолибнинг ҳаёти бир маромда давом этаётган эди.

Унчалик бир маромда ҳам эмас-ку, ортиқча ташвиши йўқ эди. Аксинча, қандайдир суюнибми, кўкси кўтарилибми... ишга бориб, уйга қайтар, хотини уйда эканлигидан, баъзан тушлик пайтларида ҳам мўралар, умуман... ўз кунини кўриб юрган; ўз тирикчилиги билан банд эди.

Шундай кунлардан бирида, кутилмаганда ҳамма нарса остин-устун бўлиб кетди.

Уни Бош раҳбар ҳузурига чақиртиришди.

Кенг-мўл хонани эгалаган Бош раҳбар, Мардонкул ака, ажиб хушхабарни билдирмоқчидек, унга илжайиб қаради.

Кейин...

— Ҳашарга одам юборган эдик. Биласиз! — деди барча Бош раҳбарларга хос меҳрибон, самимий оҳангда. — Кеча қайтиб келишди... яна беш-ўнта одам сўрашяпти!

— Мен ишдан қочмайман, Мардонкул ака. Жоним билан! Лекин ҳозир боролмайман, — деди Мирза Фолиб.

— Нега?! Нима учун?!

— Уйда хотинимнинг ой-куни яқин. Қарайдиган одам йўқ.

— Барибир, бориш керак, — деди Бош раҳбар. — Вақтинча борасиз. Ўртоқларингиз бугун-эрта дам олишдан қайтади; ўрнингизга биронтасини жўнатаман!

— Мен ҳозир бормайман. Керак бўлса, аризам тайёр, майли, бўшатиш, Мардонкул ака. Лекин бормайман! — қайсарланди Мирза Фолиб.

Бош раҳбар ҳамон босиқ, осойишта эди.

— Сиз гапга тушунмаяпсиз, — деди кулумсираб. — Ҳозир бориш шарт. Мендан талаб қилишяпти... Мен сизга ваъда бераман. Уч кун, узоғи билан бир ҳафта ичида, албатта, одам юборамиз!

* * *

Мирза Фолиб ортиқ эътироз билдиrolмади.

Мастура уйда ёлғиз эди.

Одатда, одамлар тўйга олдиндан тайёргарлик кўри-

шади. Кексалар кўпчилик ҳатто ўлимнинг ҳам ташвишини қилишади. Янги инсон туғилаётган экан, бу хонадонда ҳеч қандай тадорик кўрилмаётган эдими?!

Чақалоққа чакмонча, дегандек нималардир харид қилиб, бичиб-тикиб, эр-хотин аллақачон гимирлай бошлашган эди. Лекин ёшлари улғайиб қолганига қарамай, улар биринчи фарзанд кўришаётганидан, шу кунлар бир ишқал чиқиши мумкинлиги-ю, қарайдиган одам кераклигини инобатга олишмаган эди.

Тўғри, Мирза Фолиб бу ҳақда ўйлаган ҳам эди. Аёл энгил бўлаётиб, бир ўлимга юзлашади, дейишади. Буни у яхши билмаса ҳамки, тушунар, тасаввур қилар эди. Аммо унинг ойиси Бухорода, кекса, касалманд; опалари ўз-ўзи билан овора. Мастуранинг ойиси эса болалигида қазо қилган; кекса отаси, икки акаси бор... Янгалар-чи?! Мастура уялганми, бошқа важданми?! — уларни чақиришни истамаган эди.

Қисқаси, Мирза Фолиб Бош раҳбарнинг сўзига ишониб, хотинини ҳам ишонтириб, шунинг баробарида, бўйнига арқон солингандек, мажбур бўлиб, — уйдан кўнгли нотинч, икки кўзи ортида, — эртаси куни шаҳарни тарк этди. Қирққа яқин киши сафида ҳашарга жўнади.

* * *

Бундан бир неча йил муқаддам даштда ташкил топган, ярим хўжалик, ярим қўриқхона вазифасини бажарган жойнинг номи — Боғ; ўнлаб фарсахни эгаллаб ётар эди. Дарахтлар унда-бунда бетартиб бўй чўзган, улар орасидаги майдонлар тўқай бўлиб кетган эди. Ҳар фарсахда лойшувоқ қилинган икки ёки учта бостирма; узун, кенг айвон. Бостирмалар ҳашарга келганлар учун кўналға; ёғоч ва қалин қоғоздан ясалган қутилар уюлган айвон мева саралаб, узоқ-яқин турли ёққа жўнатадиган хирмон; шу ерлик хизматчилар-қароргоҳи эди. Чексиз тўқайзор ичида бундай бостирма-айвонлар уммондаги номи бўлган-бўлмаган кичик ороларни эслатар эди.

* * *

Боғда ёрдамчилар учун шароит ёмон эмасди. Умуман, бу ер жаннат эди.

Гуруҳларга бўлинганча, нарвон, челақ кўтариб, эрталаб бир оз, кечга томон бир оз мева териш керак,

холос. Кун қизиганда ётоқхонага қайтиб, бемалол ҳордиқ чиқарасан. Кечқурунлар ҳам, катта-катта пашшалар, минг хил ўрмалаган ҳашоротларни айтмаганда, тип-тинч; дам олишдан бўлак иш йўқ.

Наҳорда қаймоқчой. Икки маҳал иссиқ овқат. Мева-чева истаганча; ачиб ётибди. Булар бари етмагандек, уларга ҳали иш ҳақи ҳам тўлашади! Бу ерда ҳамма дўппини қийшиқ кўндириб юрибди!

Бироқ...

Мирза Голиб ҳашарга келганидан буён, безовтала-ниб-тўлганиб, кун санар, ўртоқлари қораси кўринар-микан, деб атрофга аланглар эди.

Уйда аҳвол қандай?! Нима гап?! — у билмас; идорадан нега одам юборишмаябди?! — тушунмас эди.

Ана-мана биронтаси келади, деб кутиб, у чарчаган эди.

Орадан йигирма кун ўтиб...

Унинг ўрнига ҳеч ким келмади!

Идорадагилар Мирза Голибни «унутишган» эди!

Аввалдан унга нисбатан номардлик қилинган эди!

БИРИНЧИ КЎРИНИШ ТУН БИЛА ТОНГ

Менинг қароғиму онинг жамоли тун била тонг,
Менинг заволимун онинг жамоли тун била тонг,
Менинг куюк маҳим, онинг ҳилоли тун била тонг,
Менинг фироқиму онинг висоли тун била тонг,
Бу нав даҳрда йўқ эҳтимоли тун била тонг.

Нечун тушунтира олдим буни гумон элига,
Ҳамиша ишқни қилгувчи имтиҳон элига,
Ки бирни икки дейиб бўлмагай замон элига,
Ғариб, зулфу юз эрмас бу кун жаҳон элига,
Кўринмамиш бу иккининг мисоли тун била тонг...

Ғ а ф у р Ғ у л о м,
Алишер Навоий ғазалига мухаммасдан.

Кун ёришаётганида у қўналгани орқада қолдирган,
тўқайзорга шўнғиган эди.

Унга, тўғри қибла тарафга қараб бирон соат юр-санг, катта йўлга чиқиб оласан, кейин ишинг осон кўчади, дейишган эди. У катта йўлда қандайдир улов топилса, миниб, Бозор деган жойга етиб бориши, у ердан автобусда шаҳарга жўнаши керак! — шуни мўлжаллаган эди.

Аслида, тўқайзорни ораламасдан, катта йўлга қўналга олдидан ўтган тупроқ йўлдан юриб ҳам чиқса бўларди. Лекин бу йўл айланма, тўрт-беш ҳисса узоқ; бунга унинг сабри етмаган эди. Мева ташигани уч кунда бир қатнайдиган юк машинасида осонгина Бозоргача етиб олса ҳам бўларди. Аммо машина кеча эрталаб келиб кетган, икки кун кутишга унинг айниқса сабр-бардоши йўқ эди... Тунда хотинини туш кўрган, ўрнидан сапчиб туриб, мени осса оссин, бўлди, кетаман, деган қарорга келган эди.

Мана, энди тўқайзорда судралиб бормоқда; бироқ орадан алақачон уч-тўрт соат ўтиб, қуёш борлиқни ёндира бошлаганига қарамай, тўқайзорнинг негадир охири кўринмаётган эди.

Адашдимми, бошқами?! — барибир, у — елкасида тугун, қўлида халта, — ҳамон қибла тарафга қараб, азобланиб олдинга сурилмоқда; бу жойлар — номи Боғ бўлгани билан, — дарахтлар говлаб тиқин ўсган ёввойи ўрмонзордан баттар; ўрмонда юриш мумкин, бу ерда йўл топиш ўлимдан қийин. Бош устида — рангсиз осмон; қаршингда — битта-яримта симёғочга ўхшаб қаққайган дарахт. Бўйи-бастинг юнон ҳайқалларидек бўлган тақдирда ҳам, тўқайзорда кўмилиб-йўқолиб кетасан.

Хитирлаб-шитирлаган илонми, қорақурт; тулкими, қуён?! Визиллаб-чизиллаган минг хил товуш. Оёқ остида, атрофда ўрмалаб-ғимирлаб юрган нима?! — ажратолмайсан, Пашша, чумоли чаққани — гўрга; аллақандай зарралар унинг юзи, бўйни, қўл-оёқларига чиппа ёпишган; кўзлари ачишиб, бутун бадани қичимоқда эди.

Турли насл, турфа ранги-тусдаги қушлар, арилар, капалаклар гоҳ тўқайзорга шўнғиб, гоҳ пошганча ҳавога кўтарилишади. Уларнинг барини ҳаммадан кўпроқ тўқайзордаги одам ҳуркитиб, безовта қилгандек...

У йўл қисқариши ўрнига узайгандан узайиб бораётганига ажабланмоқда; шунинг баробарида, гўёки ҳаётида кўрган бутун хасталиклар вужудида қайтадан кўзғолиб, олдинга босгани сайин лоҳас бўлмоқда эди.

Ҳар дам-ҳар дамда ўзича, беихтиёр:

— Мастуржон! Мастур! — деб ингранар эди.

«Мастуранинг кўзи ёридими?! Қутулиб олдимми?! Ким?! Ҳозир она қайси ҳолда-ю, боласи қайси ҳолда?!»

Илк дафъа оталик насиб этаётган ёки этган Мирза Фолибнинг уйдан узоқда, алабир ёқларда тентираб юргани инсофданми?! Боргач, Мастуранинг юзига қайси кўз билан қарайди-ю, вақти келиб, улғайган фарзанди юзига қайси кўз билан қарайди?!»

Тунда кўрган туши унинг хаёлида қотиб қолган эди.

Эмишки...

Бир томон — осмонга тик санчилган тоғ. Иккинчи томон — қалин қамиш ўсган қўл.

Шу икки ўртада у ҳолсизланиб, кўксини ерга бериб ётибди.

Қўлда қамишларни оралаб; қандайдир ораста қа-

йиқ сузиб бормоқда. Қайиқда — Мастура. Юзини буриб, унга негадир тескари ўтирибди.

У қўлини сувга солганча, юзини чайиб, ўрнидан сапчиб тургиси, қайиқ сари отилиб, қайиқни тутгиси келмоқда. Аммо ётган жойида, сувга қўл чўзишга ҳам мажоли етмаябди...

Қўналгани орқада қолдириб, тўқайзорга қадам қўйганидан буён Мирза Фолибнинг кўнгли ғаш; шундай бир хаёл уни эзмоқда эди:

Мабодо идорадан вақтида унинг ўрнига одам юборишиб, у бемалол уйига қайтаверса, олам гулистон эди! Рухсат текканидан, унга ҳеч ким ҳеч нарса демас; орада ноқулайлик, эътироз бўлмас эди! Ҳозир-чи?! Шаҳардан у билан бирга ҳашарга келган қирққа яқин киши инқилаб-синқилламасдан, бўйинларига юкланган вазифани бажариб юришганида, унинг ўз ташвишини ўйлаб, яна шартга — шаҳарга йўл олгани, албатта, яхши эмас. Ҳашар — тўй; буни тушуниш керак! Кўпчилик — жамоа, деган гап; ҳисоблашишга мажбурсан! Ахир, сендан бошқа йигитларнинг ҳам уйи, хотинчаси бор... Мирза Фолиб инжиб-эркалик қилганга ўхшаб турибди! Лекин... Лекин...

Дунёда бир одам бахтли бўлмас экан, ҳар қандай жамоанинг падарига лаънат!

Шу тўғрида у хаёлга чўмган эди.

«Менинг кутилмаганда осойишталигим бузилиб, шу кунларда бу ўпқонга тушишим шартмиди?! Қаёқдан ҳам бундай чигал шароит, бемаъни савдога йўлиқдим?! Худойим, бундан бўлак мен учун имтиҳонинг йўқмиди?!»

Энди ярим кун ўтиб, қуёш тик қадала боцлаган эди. Аини ёз. Борлиқ аланга ёқиб, жонзотки бор, қозонига солганча, қовурмоқда.

Бироқ Мирза Фолиб асабийлашиб-қайсарланиб, тўқайзорни бирдек чангитмоқда. У ўнгу сўлга оғмасданми ёки оғиб-бекорданми, назарида, минг йил азобланиб йўл босганидан, ниҳоят тинка-мадори қуриган; ҳаётида юз берган хасталиклар энди дам сайин олдингидан кўпроқ хуруж қилиб, унинг қорни, биқини, оёқлари, боши симиллаб оғримоқда эди. Шу боисдан, у дам сайин ўз-ўзидан ҳам, идорадагилардан ҳам кўнглида норозилик туймоқда эди.

«Одам эмас экансиз, Мардонқул ака! Ахир, сиз минглаб кишининг бошида турибсиз. Халқ, оғзингизга

қарайди! Субут деган нарса қаёқда қолди?! Сиз хўжайин эмас, оддий қулсиз. Катталар кўзига жавдираб қараб хавотирда яшайсиз... Жамоа, деяпсизми?! Қуллар, демайсизми? Мен ҳам қулман... Ҳаётим, бисотимда йўқотадиган арзирли ҳеч вақо йўқ-ку, сиздан, кўпчиликдан, бутун дунёдан кўрқиб яшайман! Бўлмас... аввалдан бу ерга келмас, келган тақдирда ҳам, сизнинг гапингизга лаққа ишониб, роппа-роса йиғирма кун қўл қовуштириб турмас эдим! Аллақачон ўз йўлимдан кетаверар эдим...»

Ҳозир, айниқса, Мирза Ғолиб, идорадан ўртоқлари — Тенглашми, Ҳакимжонми — нега, мана, биз бормиз, сен кетавур, деб уни эслаб, тезда етиб келишмаганига тушунмаётган, кўнглида уларни кечирмаётган эди. Булар менинг аҳволимни ҳис этишлари керак эди; булар менга дўст эмас экан, деб ўйламоқда эди. Шу кунлар агарда Тенглаш билан Ҳакимжон эмас, Лутфулла бўлганида, мени бу ҳолга ташлаб қўймас эди, деб ҳам ўйламоқда эди... Лутфулланинг болаликдан бирга ўсгани, Тошкентга бирга келиб, ўқишга киролмай қайтиб кетгани, кейин аскарликка жўнагани — барчаси унинг хаёлида жонланган эди...

Тўқайзорда Мирза Ғолиб шу тахлит судралиб бораётиб, бехосдан тўхтади.

Тўқайзор тугамаган; у катта йўлга ҳам чиқиб олмаган эди.

Бироқ унинг рўпарасида ўрмонзор ичидаги сайхонликка ўхшаш катта бир майдон очилган эди.

Майдон ўртасида — тўнтарилган қозондек дўппайиб турган тепалик.

Тепалик устида — бузилган бир-икки иморат; улар орасида бузилмаган бир уй, лекин бу ҳам хароба — ғиштлари тўкилиб, заҳдан кўкариб кетган.

Мирза Ғолиб этакдан тепаликка тараддуланиб-ҳорғин кўз ташлаганича, оёқ остида сочилиб ётган катта-кичик тошлардан бирига келиб ўтирди. У биринчи навбатда ўзининг аламдийда-абгор жисми-жонига жилла ором бермоқчи; нафас ростлаб олмоқчи эди. Яна уйдан кимдир чиқса ёки уй олдида биров кўринса, катта йўлга қандай чиқиш тўғрисида сўрашни ўйлаётган эди.

Афтидан, бу уй ҳам — деворларида янтоқ яйраб ўсганига қарамай, — «уммондаги оролар»дан бири эди. Аммо харобанинг ёрдамчилар учун одатдаги

қўналғами, овчилар оромгоҳими ёки қўриқхона хизматчиларидан кимнингдир турар жойими эканлигини айтиш қийин эди.

Қандай бўлмасин, Мирза Фолибга бино шаҳардаги бир кунлари ўзи ётган касалхоналарни эслатган эди.

Унинг болалик, илк ёшлик йиллари дард нима, беморлик нима?! — билмай ўтган; бундан беш йил муқаддам дабдурустан, — кўчада кетаётиб қоқилиб тушган кишидек, — у жисми-жони борлиги-ю, улар оғриши мумкинлигини англаган эди. Ушанда Мирза Фолиб бир йилда икки марта «қоқилган», Худонинг касали кўплиги, одамлар нақадар оғир шароитда доланишаётганининг ҳам гувоҳи бўлган эди!

Дастлаб Мирза Фолибни бир қаватли пастак иморат, торгина йўлак, етти-саккизта хонадан иборат касалхонага ётқизишган эди. Пахта пайти, лекин негандир одам ёғилган; хоналарда камида йигирматадан киши ётар эди. Бу — инсон шифо топадиган даргоҳдан кўпроқ қатағон даврларидаги қамоқхоналарни эслатарди.

Иккинчи марта у каттароқ касалхонада ётган; бироқ буниси ҳам олдингисидан кескин фарқ қилмас эди. Гиштдан тикланган икки қаватли бинонинг деворлари увадаланиб-тўзиган. Тепада зангор кичик бир қубба; одамлар аслида бу ер черков учун қурилган, дейишар эди. Уруш йилларими, бир пайтлар бу ерда казарма ҳам жойлашган экан. Бино борасида яна, буни шведларми-олмонликларми қурган, деган гапни ҳам айтишарди... Бу касалхонада, ҳар қалай, хоналарда беш-олтитадан одам ётар эди. Лекин кана, сувараклар — майли; сичқон, каламушлар бемалол сакраб-ўйнаб юришар эди. Улардан биров ҳазар ҳам қилмасди! Эркак-аёл ташқари чиқадиغان, ўзини эплайдиган хона — бир: Қўл ювгичда идиш-товоқ ювилар, таҳорат оладиган кексалар оёқларини ҳам кўтариб юваверишар эди...

Ушанда Мирза Фолиб ҳали орадан икки йил ўтиб, бундан қаттиқроқ «қоқилиши», йиқилишини билмас; қисматида бундай кун ёзувлик эканлигидан беҳабар эди! Бу гал у руҳи чўкиб, юрагида лапилаётган шам сўна бошлаб, шундай ҳолатга тушган эдики... унинг ҳамон буни эслагиси ҳам, бу ҳақда ўйлагиси ҳам келмас эди!

Мирза Фолибга умуман, баҳона қидиргандек, бирон жойда соғлом эмаслигини пеш қилиш — ёт; унинг учун

бу — йигит кишига номуносиб эди. Идорада ҳам, кундалик ҳаётда ҳам у ишдан-ташвишдан ўзини четга олмайди! Мана, шу кунлар ҳам Мастурадан хавотирланиб, аввалдан унга нисбатан номардлик қилинмаса, Мирза Фолиб қанча ҳашар бўлса, миқ этмай юраверар эди...

Қуёш зўр бериб, осмон танобини тортмоқда.

На паст, на тепалиқда бирон одам қораси кўринади.

Мирза Фолиб гўеки бўм-бўш олам билан юзма-юз қолгандек эди!

У ўтирган ўрнидан узилиб, энди тепаликка кўтарилишга шахдланган эди...

қаёқдандир пайдо бўлган — юнги пахмайган, айиқдек ит тепалиқдаги бино эшигида уймалаша бошлади.

Мирза Фолибнинг, тўқайзорда судралаётиб, ҳаммаёғи шилиниб-қонаган; усти ҳам бир ҳолда эди. Гадойга ўхшаган бу намойишда ҳар қандай қобил ит ҳам сенга ташланади, деган хаёлга борди. Аммо вақт ўтмоқда; унинг бошқа иложи йўқ эди. Муттаҳам-ўғридек бунча итдан қўрқмасанг, деб ўз-ўзидан кулиб, у қўлига калтак олганича, ҳассадек суянган кўйда тепаликка кўтарила бошлади.

Йўқ, ит унга ташланмади.

Аксинча, тепаликнинг бошқа томонидан пастга эниб, харобадан орқа тарафга қараб кетди.

Мирза Фолиб бинога яқинлашиб, эшикни тақилатди.

Ичкаридан ҳеч ким жавоб бермади.

Зарб билан, қаттиқроқ тақилатди.

Яна жавоб бўлмади.

Мирза Фолиб эшикни туртган эди, шиф этиб очилди.

Торгина даҳлизда деворда осифлик, чанг босган эски бир пўстин, анчадан буён сув кўрмай ичи оқариб қолган иккита челақдан бўлак нарса йўқ эди.

Мирза Фолиб хонага кирди.

Хона тўрида қандайдир олачалпоқ парда тортилган эди.

Дераза остида — бир нечта сопол кўза, лаган, коса.

Ўртада — пастак хонтахта.

Девор томонда — тахта-тўшак.

Мирза Фолиб шошмасдан қўлидаги, елкасидаги юкни хонтахта устига қўйганича, қайтиб ташқарига чиқди.

У, ахир, кимдир келиши керак-ку, деб ўйлаб, интиқ кута бошлади.

Ҳадеганда ҳеч ким келмади.

Мирза Фолиб бир кўнгли бу ерда имиллаб вақтни ўтказиб ўтирмай, яна йўлда давом этаверишни ўйлади. Лекин кун қариб, қуёш энди уфққа ёнбошлаган, тўқайзорга ўзини шунчаки уришда маъно кўринмаётган эди. Бунинг устига, унинг қанчалик ичи пишаётган бўлмасин, йўл босадиган кучи ҳам, ҳафсаласи ҳам қолмаган эди. У ҳозир уммонда қўлига илинган тахтага ёпишиб олган кишини эслатарди.

Кун зое кетганига беихтиёр ўқиниб, хонага кирганида, ола-чалпоқ пардага кўзи тушиб, ҳар хил ашқолдашқоллар ётган бўлса керак-да, деган гап хаёлидан кечди. Шу билан бирга, демак, бу эгасиз, ташландиқ жой экан, деган хаёлга ҳам борди.

У мана энди чидамсиз даражада очиққан, чанқаганини пайқади.

Кўналгадан чиқаётиб, қўлидаги халтага уч-тўрт кесим нон, бир нечта олма солиб олган эди. Тез Бозорга етиб бораман, деб ўйлаганидан, ҳар эҳтимолга қарши шундай қилган; бошқа бирон нарса олишни хаёлига ҳам келтирмаган эди. Саҳари-мардонда бунинг имкони ҳам йўқ эди.

Тахта-тўшак четига ўтириб, халтадан бир кесим нон, иккита олма олганича, шошмасдан кавшана бошлади.

Шу аснода, Мастура ҳозир туғруқонадами, уйдимикан, тинчмикан, нима қилаётган экан, деб ўйлади.

Кейин, Бош раҳбарни эслади.

Кейин, Тенглаш билан Ҳакимжонни ҳам эслади.

Яна Лутфулла унинг ёдига тушган эди...

Лутфулла — Мирза Фолибнинг дўсти; Мирза Фолиб ҳам унга дўст эди.

Лекин улар бир кўчада ўйнаб-ўсган, бирга ўқиган бўлишса ҳамки, Мирза Фолиб Лутфуллага «кечроқ» аҳамият берган; юрагида унга нисбатан аста-секин меҳр уйғонган; мана, энди бу меҳр азобга айланган эди...

Лутфулла аввалдан — хаёлпарастми, фидойими?! — бошқача эди. Дейлик, кўчада кетяпти. Совуқ. Бир чеккада дийдираб ўтирган тиланчини кўриб, шартта эгнидаги тўнини ечганича, бу сизга деб, ташлаб кетаверади! Унинг яқин кишиларга муносабатини шунга қараб тасаввур қилаверасиз!

Адабиётни яхши кўрар, кўп китоб ўқир; мактабни энди битирган, ҳали бирон жойда жиддий таълим

олмаган Лутфулланинг билими, ақли-заковати, ай-ниқса, кишини ҳайрон қолдирар эди. У ўтмиш шоирлардан Лутфийга айрича қизиқиш билан қарар, пайти келиб, Лутфий тўғрисида, албатта, китоб ёзаман, деб орзу қилар эди. Лутфуллага олимлар адабиёт тарихидан ёзган китоблар бир хил, жўн, зерикарли бўлиб туюлар; унга ҳозиргача адиблар тарихга бағишлаб ёзган китоблар ҳам унча ёқавермас эди. Мени маълум даврда юз берган воқеалар эмас, инсоннинг кўнглидан кечган тарих, яширин, кўзга дарҳол ташланавермайдиган таржимаи ҳол кўпроқ қизиқтиради, дер эди...

Тепалиқдаги харобада, тахта-тўшак четида ўтирган Мирза Ғолиб, шулар хаёлидан ўтганича, чуқур хўрсинди.

У болаликдан номини эшитиб юрганига қарамай, ўсмирлик, илк ёшлик даврида ҳам Лутфийни билмас эди.

Тўқсон тўққиз йил умр кўрган Лутфий ҳаёти Ҳиротда кечган; Ҳирот, Марв вилояти, Балх, Эрон, Афғонистон, Туркистоннинг бир қисм ерлари қараган, кейинчалик йўқолиб кетган — Хуросон мамлакатидан ташқари, у Исфаҳонда, Ироқда, Форсда бир неча марта бўлган, аммо қаерга бормасин, тез орада яна Ҳиротга қайтган эди. Умуман, гўшанишин — умрини ўз уйида ўтказган киши эди.

Бироқ, Амир Темур ва Темурнинг фарзандлари даврида ҳаёт кечирганидан, Лутфий бевосита улўғвор бир салтанатга дахлдор бўлган эди. У Хуросон билан бирга, Эронни, Туронни ҳам, Арабу Ажам, Ҳиндистонни ҳам ўз юрти, деб билар эди! Лутфий тўғрисида: «Форсий ва туркийда назирини йўқ эрди; аммо туркийда шухрати кўпрак эрди!» ёки баъзан: «Латиф вазалиёти интишори Ироқ ва Хуросонда бениҳоятдурур!» — дейилса ҳамки, аслида, у Темур эгаллаган бутун сарзаминни, — олимлар айтмоқчи! — қалам билан забт этган эди...

Мирза Ғолибга буларнинг барини дастлаб Лутфулла сўзлаб берган эди.

Мана, бу ҳикоятни ҳам у Лутфулладан эшитган эди:

Алишер Навоийдан: «Туркийгўй шуародин, — улча шеърлари рўзгор саҳифасинда сабтдур, — қайси яхшироқ айтмоғига бегонурсен?!» — деб сўрашибди. Насимий, Отоий, Яқиний, Гадоий — кўпчилик шоир-

ларни кўзда тутиб, шундай савол беришган экан! Одоб юзасидан, Алишер: «Борча яхши айтибдурлар, мен бегонурмен!» — деб жавоб қилган; лекин саволни яна қайтаришгач, Навоий: «Мавлоно Лутфий ҳоло мусалламдурлар ва бу қавмнинг устоди ва Малик-ул каломидур!» — деб таъкидлаган экан...

Булардан ташқари, яна — Лутфулла орқали, — Лутфий ҳаётига тегишли муҳим бир гап Мирза Фолибнинг хотирасида сақланиб қолган эди.

Амир Темурга эҳтироми юзасидан, унга бағишлаб ёзилган бир китобни Лутфий, кўп йил азият чекиб, форсийдан туркийга ўтирган эди. Айниқса, Темурнинг фарзандларидан — Шоҳрух Мирзо, унинг ўғли Бойсунғур, набираси Алоуддавла билан Лутфийнинг яқинлиги бор эди... Бир куни Лутфий Бойсунғур Мирзонинг илтимоси билан шоир Ҳиравийнинг «Боғ» қасидасига жавоб ёзгач, у «Сарой» деган қасидани бериб, бунга ҳам бир жавоб айтсангиз, дейди. Шунда Лутфий ҳадди сиғиб, ҳазиллашиб, биз аввал «Боғ»дан мева тотиб кўрайлик-чи, кейин «Сарой»га ҳам кириш мумкин, деган эди!

Бироқ бу муносабат, бутун шарти-шароитга қарамасдан, Лутфийнинг умри, асосан, фақирлик, ночорликда ўтган эди! У камтарин, ҳоксор... «сўхта киши эрди». Абдурахмон Жомийга илтифот кўрсатиб, бунга у жавоб қайтаролмай қисинганида, «Сизнинг эски тўнингизни гадойлик қилурбиз!» — деб, Лутфий унинг қисватини эгнига илган эди... Лутфий тўғрисида: «Дарвеш киши эрди... Агарчи шоирлик тариқда маъруф ва машҳур бўлди; аммо дарвешлик тариқини доғи илқидан бермади!» — деган гап айни ҳақиқат эди. У Шайх Шаҳобиддин Хиёбонийдан маълум муддат сўфийлик тариқатидан таълим ҳам олган эди.

Тантилик, жўмарлик; исмига мос — лутф унинг ғариб, содда ҳаёти соясида тоғдек юксалиб турар, Лутфий бу тоғни ҳаммага кўрсатавермаслик учунгина девонавор яшаб юргандек эди! Фақат баъзан офтоб яраклаб, қорли чўққилар бехосдан барқ урар эди... Ҳали ёш Навоий «Оразин ёпқоч...» деб бошланган бир ғазалини ўқиб берганида, Лутфий баралла: «Воллоҳ, муяссар бўлса ўн-ўн икки минг байтимни бу ғазалга олмошардим; ўшанда ҳам, бахтиёр бўлиб олмошардим!» — деган эди. Афтидан, Лутфийнинг феъл-атворидаги шу жиҳатлар Лутфуллани мафтун этган эди.

Мирза Фолиб Лутфулла билан дўстлашиб юришганида ҳам, кейинчалик ҳам адабиётдан кўпроқ тарихга қизиққан; ана, энди бу ихтисосни эгаллаган ҳам эди. Уни «ёш, истеъдодли олимлардан» дейишарди! Лутфулла туфайли Мирза Фолибнинг юрагида илк дафъа адабиётга нисбатан муҳаббат уйғонган; у адабиёт тарихи — халқ тарихининг ажралмас бир бўлаги эканлигини англай бошлаган эди...

Тахта-тўшак четида ўтирганича, тамадди қилган Мирза Фолиб ўзини олдингидан кўра бир оз дармонга киргандек сезди.

У ўрнидан кўзғолиб, остидаги чойшабни ташқарига олиб чиқиб қокди.

Кейин, ўзи кўтариб юрган тутундаги кўрпани чойшаб устидан тўшади... Ухлаш керак! Ҳали қоронғи тушгани йўқ; аммо бу ерда серрайиб ўтираверишда ҳам маъно йўқ. Уйқу босяпти; ухлаш керак! Эртароқ туриб, яна йўл қидиришга тўғри келади!

Энди ечиниб, тўшакка ўзини ташламоқчи эди... сергакланди.

Ўрнидан сапчиб, уй эшиги ҳалқасини бориб ўтказди. Эшикни тамбалади. Деразани ҳам текширди.

Эҳтимол, буни Мирза Фолиб хаёлига келтирмас эди. Лекин бино олдида бояги айиқдек ит яна пайдо бўлиб, уймалаша бошлаган эди. Хўп, итга парво қилмаслик мумкин... Мирза Фолибнинг халтасида нон, олмадан бўлак ўн боғлам пул бор эди! У қўналгадан чиқаётганида, қашарга олдин келиб кетган кишиларнинг иш ҳақини, олиб бориб топширасан, деб унинг қўлига тутқазмишган эди! Уйқу — рафлат. Одамлар омонатига, ҳар ҳолда, эҳтиёт бўлишга мажбурсан!

Мирза Фолиб шундан сўнг, дарҳол ётаверишга шошмай, яна нима иш қолди, дегандек у ён-бу ёнга қаради.

Унинг кўзи хона тўридаги олачалпоқ пардага тушди.

У, нима бор экан шу парданинг орқасида, бир кўрайлик-чи, деб ўйлаб, шахдам босганча-бориб, пардани сурди.

Пардани сурди-ю...

эй Худойим-эй! —

кесак бўлиб қолди.

Мирза Фолиб даштга сув олиб борадиган ярим-очик қувурми, каттакон тарновгами ўхшаган нарсани;

нарса ичида бир-бирининг оёғига бош қўйиб, қатор ётган учта жасадни кўрди... –

Йўқ, аввал Мирза Фолиб қатор ётган учта жасадни, кейин ярим-очиқ қувурми, тарновгами ўхшаган нарсани кўрди!

Жасадлар янги; яқиндагина бу ерга келтирилган бўлсалар керак, илк қарашда ширин уйқуга кетган кишини эслатишар эди...

Уйқуга ўхшар — ўлим;

Ўлим ўхшар — уйқуга...

Булар ким?! Қаердан келиб қолган?! Нега бу ерда ётишибди?! Мирза Фолиб қотиб турганича, шу ҳақда ўйламоқда эди. Уни хавф-хавотир чулғаган эди!

Туйқусдан эътибор берди... Марҳумларнинг афт-ангори, кийими бир-биридан анча фарқ қилар; шунинг баробарида, уларнинг учаласи ҳам Мирза Фолибга қандайдир таниш; Мирза Фолиб уларни қаердадир кўргандек эди!

У титраб-қалтираб, шошганича, пардани қайтиб ёпди.

Мирза Фолиб бошқа бирон жой, бошқа бирон шароитда мабодо бундай манзарага дуч келса, албатта, оёғини қўлга олиб, орқасига қарамасдан қочган бўлур эди! Лекин ҳозир унинг борадиган жойи йўқ; у бўм-бўш олам билан гўёки юзма-юз қолган; уммонда қўлига илинган тахтага ёпишиб олган одам эди!

Паришонланган, аммо ўзини дадил тутишга уринган кўйда, тўшакка келиб чўзилди... Дунёда қабристон яқинида яшаган, қабристонга кунда кириб-чиқиб юрган кишилар қанча; сен ҳозир шундай ҳолатдасан, чида, деб ўйлаб, кўзларини чирт юмди. Ухлагиси; уйқуга берилиб, оламини унутгиси келди...

Уйқуга ўхшар — ўлим;

Ўлим ўхшар — уйқуга...

Бироқ тўлғаниб, — ухлаёлмади.

Шу дамда Мирза Фолиб яна Лутфуллани, Лутфулла билан бирга, вобаста ҳолда ўзининг хасталаниб икки марта касалхонада ётгач, учинчи марта олдингидан қаттиқроқ «қоқилгани», йиқилганини эслади.

Ўшанда Мирза Фолиб шундай ҳолатга тушган эдики...

Ўлим тўғрисида у ўйламаган кун йўқ эди.

Бу гал уни шаҳар чеккасидаги бир касалхонага ётқизишди.

Бу касалхона аввалгиларга ўхшамас эди. Кенг-мўл ҳовли; оппоқ бино. Телефону ойнаи жаҳон; алоҳида хоналару бириктириб қўйилган меҳрибон ҳамширалар.

Аммо Мирза Фолибнинг кўзига ҳеч нарса кўринмас; унга дунё қоронғи эди!

Бунинг устига устак, аввалги касалхоналарда ҳамма нарса оддий, рисоладагидек; бу касалхонада эса... Мирза Фолиб бу ерга келиб ётишдан олдинроқ алақандай сирли, ақл бовар қилавермайдиган ҳолатларга йўлиқа бошлаган эди...

У ҳали «даволанишдан қочиб юрган» эди... Кўчада кетаётиб, бир куни, сен намунча — касалхонага ётишдан, жарроҳ пичоғидан қўрқмасанг, — деб ўйлади эзилиб; — агар паймонанг тўлиб, ажалинг етган бўлса, мана, шу кўчада бораётиб ҳам, ўлаверасан! Масалан... рўпарадан ҳайбатли юк машинаси келаётган эди... мана, шу машина остида қолиб ҳам, одам ўлаверади! Мирза Фолиб шундай деб ўйлаётган эди, кутилмаганда муюлишдан бир ит чақмоқдек отилиб чиқиб, кўчани кесмоқчидек югурганича, ўзини тўппа-тўғри филдирак остига отди... Мана, сенга «масалан»! Мирза Фолибнинг юраги ағдарилиб кетган эди. Бу қандай мужда?! Яхшиликками, ёмонликками?! — у билмас эди.

Касалхонага ётганидан кейин, орадан беш-ўн кун ўтгач, уни жарроҳлар қўлга олишди.

Аравачага ётқизишганча, ана, узун йўлақдан секин жарроҳлик бўлмасига бошлаб боришмоқда; йўлақдаги беморлар, одатдагича, кимни жарроҳлар олиб кетишаётганига пичирлаб-қизиқишмоқда; Мирза Фолиб ўлим билан юзлашмоқда эди.

Шу паллада яна ўша — сирли, ақл бовар қилмайдиган ҳолат...

Бу — Унинг ўзи;

лекин учта Менга айланиб, уч жойда ҳаёт кечирмоқда. Тушми, хаёлми, деса — ҳаммаси аниқ кўриниб турар эди!

Биринчи Мен — ҳамон аравачада; шифтга тикилиб ётибди. Аравачани энди шиддат билан олдинга суриб, қайсидир эшикларни очиб-ёпганча, уни ёруғ бир хонага олиб киришябди...

Иккинчи Мен — негадир кечга томон, зерикиб, — уйдан чиқди.

Уй олди уфққача ястанган майдон. Яқинда ёмғир ёғиб ўтган. Ҳавода анвойи гуллар-кўкатлар ҳиди.

Қоронғи туша бошлаган. Булутлар тарқаб, битта-яримта юлдуз кўринмоқда.

Бехос узоқ бир нуқтадаги чўғ солинган манқалга ўхшаш нарса унинг диққатини жалб этди.

У қаро тунда ўйламай-нетмай бир ёққа кетаверадиган одам эмас! Лекин бу — олисдаги қизғиш-кўкиш шуъла — манқал қандайдир уни ўзи томон имлаб-чорламоқда эди.

Сеҳрланиб қолгандек ўтга тикилганича, шуурсиз ҳолда шошиб, илдам юра бошлади. Ҳаш-паш дегунча, ўт олдига ҳам бориб қолди.

Манқал — чироқлари бир маромда лапилаётган машинами, кемами экан! Ён томонида эшик... эшиқдан кўпроқ — шунчаки очиқ туйнук! Шу туйнукдан икки тарафда ялтироқ-қора, қоржомага ўхшаган усти-бош кийган икки киши турибди. Баланд бўйли; афт-ангорлари ҳам бир хил; сочлари оқиш, кўзлари мовий. Лекин шакллари, юз-кўзлариданми, уларни йигит билан қиз, эҳтимолки, ака-сингил, деб ўйлаш мумкин эди.

У биров сўраб-буюрмаганига қарамай, —
яқинлашиб, салом берди.

Туйнук олдидагилар жилмайишди:

— Биз бошқа сайёраданмиз. Қўрқма! Юр, сени олиб кетмоқчимиз.

— Қаёққа?! — деб сўради у, ўзи эшитган гапга тушунган бўлса ҳамки.

— Осмонга, албатта, — дейишди йигит билан қиз кулиб. — Биз сенга олдин сен кўрмаган оламини кўрсатмоқчимиз. Айланиб келасан!

— Кайфиятим йўқ... Ҳозир сайри-саёҳат кўнглимга сизмайди! — деди у, ўз-ўзи билан сўзлашаётгандек оҳангда. — Чарчадим. Руҳим чўккан. Сўнгги пайтда бутун жисмим ишдан чиққандек ҳолатдаман... Қўлларингдан келса, менга ёрдам беринглар! Жарроҳга юзлашиш, пичоқни кўришга менинг ўзимда сабр-тоқат етишмайди. Баданимдаги шишдан ташқари, ошқозоним касал. Юрагим ҳам. Мени оёққа турғизинглар, илтимос. Дарров...

Манқал ёнида турганлар ўйчанми, ғамгинми қиёфага киришди.

— Бу осон, тузатса бўлади, — деди кўзлари мовий йигит. — Фақат, биз ундай қилолмаймиз! Сен чеки-

шинг керак бўлган азобни сендан ҳеч ким ололмайди. Кўришинг шарт! Ҳар бир одам дунёда ўзига тегишли азоб-уқубатларга чидайди. Қисмат, насиба шу! Бунга аралашиб ҳуқуқи бизга берилмаган...

— Бўлмаса, мени чақириб нима қилардиларинг?! — деди у, азбаройи ранжиганидан.

— Сен биз билан барибир юр. Ўшанда ҳаммаси ўрни-ўрнига тушади, — деди баланд бўйли қиз. Улар яна жилмайишди.

У янги танишларига эргашиб, туйнуқдан ичкарига кирди. Кўкми, зангор нурга чўмган хонада муаллақ турганми, шифтга осилганми — бир қанча курси кўзга ташланар эди.

Курсига ўрнашгани заҳоти, афтидан катта, вазмин кема ердан капалақдек беозор кўтарилди... Лаҳза ўтдими, дақиқами — ёруғ-чароғон бир шаҳарга келиб қўнди.

Шаҳар кўчаларида чироқ кўринмас, офтоб ҳам, соя ҳам йўқ эди. Бинолар энсиз; юксак. Ойнадан ёки шунга ўхшаш бир нарсадан тикланган бўлса керак, пастдан-тепагача ялтирар, у ён-бу ёнга оҳиста тебранаётгандек туюлар эди. Боғлар — улардаги дарахтлар, ўсимлик-гиёҳлар — уммон остидагидек илдизсиз; ҳавода тўнтарилиб-юзиб юрибди...

Иккинчи Мен осмондаги шаҳарда кезаётган айни сонияда...

Учинчи Мен — ўшанда уруш бораётган

Афғонистонга қараб жўнади.

Кун иссиқ, дим; қора бир тўзон гирдибод уради.

Ҳири руд устидаги кўприқдан ўтиб, «Ҳирот» меҳмонхонасини ёнлаганча, саф чеккан оғир машиналар илдам суриномқда. Улар қўшни мамлакатдан бу ерга аскар олиб келган.

Машиналардан биридаги йигитлар, асосан, ўзбеклар. Бошлиқларнинг тазйиқи, ҳарбий ҳолат русумига қарамасдан, баланд товушда сўзлашиб-гурунглашиб кетишябди.

Фақат, ранглар, хивичдеккина йигит... энг сўнгги қатордаги тахта четида ўтирганича, бундай пайтларда бўладиган маза-бемаза суҳбатга аралашмай, машинанинг орқа — очиқ томонидан кўриниб турган атрофманзарага аллақандай суқланиб тикилади.

Рўпарада узоқдан аҳён-аҳён кўзга чалинган, қуббалари учиб, тўкилиб-тўзиб ётган миноралар, катта-

кичик масжид ва мадрасалар — буюк обидалар бўй-
лаб нигоҳи сирпанганча, —

унинг юзига бир ҳайрат, бир ғусса
кўлка ташлайди...

— Эҳтиёт бўлинглар! Шошмасдан!!!

Мирза Фолиб сесқанди: уни аравачадан кўтариб,
оддий кўрпа-тўшакдан анча баланд; тахтами, темир-
ми — қаттиқ бир нарса устига ётқизишмоқда эди.

У ҳозиргача ёнида бировнинг бор-йўқлигига эъти-
бор қилмаганди. Энди разм солиб, беш-олтитами,
кўпроқми киши ўзини қуршаб-пичирлашганча, куй-
манишаётганини пайқади.

Кейин, яна...

бояги ҳолатга қайтди.

Биринчи Мен — жарроҳлик бўлмасида ётибди.
Унинг оёқларига маҳси ёки филофни эслатган нима-
нидир кийдириб, уларни маҳкам танғиб қўйишмоқда.
У ўзини бировлар қўлига топширган. Ҳамма нарсага
шай; лаббай деб тургандек! Кўнглида бирон норози-
лик, исён йўқ. Худди қўйга ўхшаб...

Иккинчи Мен — осмондаги шаҳарда. Лекин энди
кўчада эмас, ҳамроҳлари билан мисдек қизиган, ярақ-
лаётган аллақандай узун ўрама ичида ҳаллослаб-югу-
риб кетябди. Осмонлик ака-сингил — майли; совғадан
қуруқ қолаётган боладек, у нега, қаёққа шошябди?!
Бу ўртаниб-ёниб, ўзингни олдинга ташлашнинг инти-
ҳоси борми?! Шу азоб учун уни осмонга чиқаришган
эканми?!

Иккинчи Мен осмонда елиб бораётган бир дамда...

Учинчи Мен — нечундир, қанот чиқаргандек,
Афғонистонга қараб учди.

Машиналардан бирида, сўнги қаторда ўтирган
рангпар, хивичдеккина йигит атроф-манзарага бирдек
суқланиб тикилмоқда... У, ниҳоят, эндигина йигирмага
кирган эмас, дунё кўрган кишилардек, ўйчан бош чай-
қаб, ўз-ўзи билан сўзлашаётган алпозда пичирлайди:

— Деҳиканор қайси томонда бўлса экан?!

— У нима деганинг? — қизиқсинади ёнида кетаёт-
ган, ёши каттароқ, норғул йигит.

— Шундай бир жой бор. Деҳиканор!

— Гапингдан, сен олдин ҳам Ҳиротни кўргандек...

— Етти ёшимдан орзу қилардим! Кўрмаганмиз, ал-
батта.

— Хўп, нима бор экан сен айтган ҳалиги...

— Дехиканордами?! — ҳамроҳига ёрдам бериб юборади хивичдеккина йигит. Кейин, шуни ҳам билмайдиган одам бўлар эканми, дегандек сал ажабланган, сал оғринган кўйда, яна пичирлайди: — Ахир, у ерда Лутфий...

Мирза Фолиб диққат қилди... Жарроҳлар оёқларидан кейин, ўнг қўлини биқинига, чап қўлини эса қанотдек ёзиб, ён томонга боғлаб қўйишди.

Унинг шу — чап тарафида қорачадан келган, кўзлари чақноқ ҳамшира — ёшгина бир қизалоқ тик турар; Мирза Фолибнинг қўлини меҳрибонликми, куюнч биланми тинмай сийпалар эди. Дунёда фарзанд ўз отасига ёки она ўз боласига шундай мурувват кўрсатиши мумкин! Бундан таъсирланиб, Мирза Фолиб дафъатан ўзини бир оз дадил сезаётгандек бўлди.

— Сизнинг исмингиз нима? — деб сўради у қизалоқдан.

— Гулгун.

Мирза Фолиб ҳушёр тортди.

— Сиз ҳам Гулгунми?!

— Яна ким Гулгун экан?!

— Эй, бу жуда катта тарих! — деди секин Мирза Фолиб. У беихтиёр, муҳим ишлари билан машғул жарроҳларни ҳам, ўзининг худ-бехуд, ночор ҳолатини ҳам унута бошлаган эди. Назарида, шунинг баробарида, ҳозир ўзи фақат алаҳлаётгандек, унинг ўрнида бошқа биров Гулгун билан гаплашаётгандек эди. — Бир йигит бор эди. Лутфулла! Афғонистонга юборишган эди... Отаси адабиёт муаллими бўлгани учунми, адабиётни яхши кўрар; Лутфий деган шоирга, айниқса, ихлосманд эди. Кўпинча, мен Лутфулла эканлигимдан, Лутфийга қизикқанмиканман; дадам Лутфийни эслаб, менга бу исми қўйганмикан; бунинг иккиси ҳам «лутф»дан келиб чиққан, деб юрар эди... Лутфий — тахаллус; Лутфий Кашмирий, Лутфий Бухорий, Лутфий Машҳадий, дегандек бу тахаллуснинг эгаси кўплигини била туриб, шоир Лутфий уни танлаган эди. Ўзига бепарволикданми, атайин кўзга ташланмаслик учунми, шундай қилган эди! Тахаллусдан ташқари, Лутфий ўз исмини ҳам бирон ерда белгилаб қолдирмаган эди... Унинг исми — номаълум: Муҳаммадми?! Маҳмудми?! Аҳмадми?! — Лутфулла шу тўғрида ўйлагани-ўйлаган; бу жумбоқни ечгиси келар эди... Умуман, Лутфулла — «исм жинниси»; — ҳар қандай

исм одам ҳақида тасаввур беради, исм кўйишни бекорга ота-онанинг бурчи, дейишмаган, мазмунида гапириб юрар; шунга одатланган эди...

— Мен тушунмадим. Гулгун, деётган эдингиз! Энди Лутфулла, Лутфий... Гулгунга дахли борми?!

— Бор, албатта, — деди Мирза Фолиб. — Лутфийку, ўз исмини «яширган»; лекин атрофдагилар-чи?! Лутфийни яхши таниган, билган ҳолда, нега бу тўғрида «индашмаган» экан?! Лутфуллани шу савол қийнар эди... Ўзига замондош шоирни «Маҳдуми Мавлави Нуран — Абдурахмон Жомий!» — деб тугал ёзган Алишер Навоий, устози, ўзи «Азиз ва мутабаррак киши эрди!» — деб билган, бир умр эслаб юрган Лутфийнинг исмини ёзмагани устига, тахаллуси тўғрисида ҳам бирон ерда лом-мим демагани Лутфуллани ажаблантирар эди... Қисқаси, у Лутфийнинг ҳам исми Лутфулла бўлмаганмикан, деб тахмин қиларди. Исми тахаллусга айлантириб юбориш расми йўқ эмас! Ўша замонда, Мавлоно Лутфуллоҳ, Мулла Лутфуллоҳ, Хўжа Лутфуллоҳ, деган обрўли кишилар ҳам учраганидан, балки Навоий, аксинча, чалкашлик рўй бермаслиги учун «Мавлоно Лутфий» дейиш билан чеклангандир?! Бошқалар ҳам «Лутфулла-Лутфий» деб юрмасдан, «Мавлоно Лутфий»ни «қабул» қилишгандир?! Лутфулла шундай деб ўйлар эди... У Афғонистонга кетаётганида, бир қизга унаштирилган; қизнинг исми Гулгун эди! Энди Лутфулла, умрида буюк бир муҳаббат насиб этган Лутфийнинг севгилиси исми ҳам — ўша пайтлар кенг тарқалган Чўлпонми, Навшодми эмас, — аниқ Гулгун бўлган, деб ишонар; ҳаётда шундай бир исмлар мутаносиблиги бор, тушунтириш қийин, дер эди... Сизнинг исмдошларингиз шулар!

— Кейин-чи?! — ҳуркибгина сўради Гулгун.

— Кейин... Ҳирот — қадимий шаҳар, Искандар замонидан келган; Хуросон деган мамлакат пойтахти... Амир Темур вафот этгач, Шоҳрух Мирзо пойтахтни Самарқанддан кўчиртириб, бир пайтлар бутун салтанатнинг ҳам маркази! — бўлган эди. Шоҳрух Мирзо, айниқса, Ҳусайн Бойқаро даврида боғлар барпо этилиб, юзлаб обидалар қурилиб, у ниҳоятда гўзаллашган эди. Мухтор тоғи этакларида жойлашган — Хиёбон, у ерда ташкил топган Мусалло — намозгоҳ кишини ҳайратга солар эди. Ўшанда, муҳташам иморатларни оралаб, буралиб оққан Инжил наҳри, қирғоқдаги

ҳовузлар, фавворалардан завқланиб, Ҳиротни сув ёқасида ўлтирган нозанин, дейишар эди... Бироқ Те-мур салтанати парчаланиб, шайбонийлар, кейин, эроний сафавийлар келишди. Кейин, бир-бири билан тахт таллашиб, масжидлардан даҳмаларгача — барчасини аёвсиз тўпга тутган, тўзитган афғон шаҳзодалари... Лутфулланинг Ҳиротга кўнгли ачир эди! У буюк боболар хоки — руҳи поки Ҳиротда эканлигини ўйлаб, улар учун безовталанаётгандек ҳолатни туяр эди! Лутфулла Алишер Навоий қабрига урушларда шикаст етиб, энди баттар топталаётганини билар; Ҳиротдаги хиёбонлардан бири — Деҳиканорда яшаган, вафотидан сўнг шу ерда дафн этилган Лутфийнинг — қариянинг манзил-маскани қайси аҳволда?! — ўзича тасаввур қилар эди... Лутфулланинг юраги — Ўзбекистонда, аммо Ҳиротдан ҳам кўнглини узолмас эди! Эҳтимол, шу боисдандир, Афғонистондан, кўп ўтмай, унинг ўрнида, уйига темир қутига солинган жасади келди... Сиз, Гулгун, мени кечиринг, албатта...

Мирза Фолибнинг ёнида турган қизалоқ — Гулгуннинг кўзларида бир даҳшат қотган; уларнинг туб-тубида ёш милтирамоқда эди.

Бу гўёки ўша — Лутфулла унаштирилган Гулгун; келинлик либосини киймай туриб, азадорлик юки бошини эгган эди! У, дунёдаги бедодликлар; урушлар, ёвузликлар, одамзоднинг ваҳшийлик-қабихликларидан ҳозир дод солиб — фарёд кўтариб юборадиганга ўхшар эди!

Шундай яхши қиз экан бу Гулгун!

Мирза Фолибнинг энди силласи қуриган; уйқу бо-саётгандек, кўзлари ўз-ўзидан юмила бошлаган эди.

У — яна, ақл бовар қилмайдиган ҳолат...

учта Менга айланган эди.

Биринчи Мен — ҳамон жарроҳлик бўлмасида. Лекин уни қайтиб аравачага ётқизишмоқда. Ана, арава-чани илдам суриб, катта чироқлар ёнган хонадан-хонага олиб ўтишябди...

Иккинчи Мен — мисдек қизиган, ярақлаётган узун ўрамадан чиқиб, ҳамроҳлари билан осмондаги дастлаб юзлашган шаҳар кўчасида, энсиз, юксак биноларни ёнлаб бормоқда. Улар кўчама-кўча айланиб, ниҳоят, манқални эслатган кема олдига келишди. Кемага миниб, Ерга туша бошлашди... Лутфулла унинг хаёлидан кетмаётган эди!

— Лутфулла қаерда?! — деб сўради, чамаси еру-
кўқда ҳамма нарсадан хабардор ҳамроҳларига тикилиб.

— Сен нега уни эслаяпсан?! — қизиқсинди баланд
бўйли қиз.

— Мен кўришим керак! Соғиндим...

— Лутфулла энди йўқ, — деди кўзлари мовий йи-
гит. — Лекин сен тирик қолдинг! Яшайсан... Лутфулла
учун ҳам!

— Нега?! Нега, ахир?! — деб бақириб юборди у.

— Ердаги ҳаётдан одамлар ўзлари хулоса чиқари-
шади... Биз зарур пайтдагина аралашамиз! — деди ба-
ланд бўйли қиз.

Иккинчи Мен кемада Ерга тушаётганида...

Учинчи Мен — шошганича, —

Афғонистонга йўл солди.

Иссиқ; дим.

Қора тўзон ичида қоқиниб-чайқалиб — ўлим гир-
добига тушиб бораётган машинада, энг сўнгги қаторда
ўтирган хивичдеккина йигит олис-олис бир нутқалар-
га кўз тикиб; —

ота-боболардан ўрганиб-билган,
юрагида кўмилиб ётган муқаддас сўзларни топиб-
танлаб; —

ўзича, —

ййчан пичирламоқда эди:

«Илоҳи, агарчи журму исёндин ўзга ишим йўқ;
аммо Сендин ўзга ҳам — кишим йўқ!

Илоҳи, ўзлук ёмонлигидан — ўзлугум била ўта ол-
майдуремен! Ва, яхшиларнинг этагин — ёмонлигим
уётидин! — тута олмайдуремен.

Илоҳи, Одам (аввалдан) хилофот тахтининг мус-
тавжиби — ўзиму бўлди?! Сенинг тақдиринг бўлмай,
Шайтон мухолифатининг — сўзиму бўлди?!

Илоҳи, ул узун йўл ва қаттиғ водийда (мени) иноя-
тинг била йўлла! Ва, анинг қатъида оёғим тойилса, —
дастгирлигинг била қўлла!

Илоҳи, дарди ҳолимни ҳар кимга айтсам, — рад
қилса, — Сенга таважжуҳ эткаймен! Ва агар Сен рад
қилсанг, — неткаймен; ва, кимга кеткаймен?!

Илоҳи, тоатқа тавфиқ берсанг, — риёдин асра! Ва,
ибодатқа йўл кўргузсанг, — хатодин асра!..»

Тепалиқдаги гариб бинода, кимлардир ётиб-турган
тўшақда тўлғанаётган Мирза Фолиб...

қачон кўзи кетиб, қотиб қолганини билмас эди.

Тун бағрини ёрган нолами-қичқирикдан чўчиб уй-фонди.

Уни тер босган; ҳаммомдаги сингари бадани жикқа ҳўл эди. Кечаси бўлса ҳамки, айна саратонда эшик-деразани очмай, кўрпага бурканиб ётгач, — у пишмай, ким пишсин...

Ўрнидан туриб-турмай, кўзи тушди... Хона сутдек ой нурига тўлган; шу билан бирга, ўзидан нур ўтказаётгандек, — нурга халал бермай, — кимдир деразага ёпишиб олган эди!

Мирза Фолиб аввалига, уй эгаси; демак, мен нотўғри ўйлаган эканман, бу эгасиз, ташландиқ жой эмас экан, деган хаёлга борди. Ўрнидан ирғиб, дарҳол эшикни очгиси келди! Бироқ шу ондаёқ иккиланди. Ўринга қапишди... Уй эгасининг бундай ўзини жонсарақ деразага уришига унинг негадир кўнглида иштибоҳ туғилган эди!

Мирза Фолибнинг хаёлидан, бегона биров, деган гап ҳам ўтди. Аммо бегона киши, бегона жойда ўзини журъатсизроқми, бошқача тутади! Деразага сакрамайди; нари борганда, эшикни зарб билан қоқади! Ташқаридаги кимсанинг туриши — кўршапалақдек деразага ёпишиб олгани ҳам — бир оз ғайритабiiй; айниқса, нега ўзидан нур ўтказаётганига тушуниб бўлмас эди! Мирза Фолиб иккиланмоқда эди. Умуман, уйда қандайдир жасадлар ётгани, бунинг устига, ёнида бировларнинг омонати борлигидан... тухматга учрайдими?! Уни тунаб кетишадими?! Бу иш нима билан тугайди?! — билмаганидан, Мирза Фолиб ҳар кимга эшик (ёки дераза)ни очгиси йўқ эди!

Нола чекканми-қичқирган ким?! Шу — дераза ортидагими, бошқами?! — у ҳали англаб етмаган эди... деразадаги кўланка титраб-қақшаб, қичқирди:

— Оч, номер! Оч! Ёрдам беринглар! Ўламан...

Мирза Фолиб — яхшироқ диққат қилган ёки овозга эътибор бергандир?! — ҳар қалай, мана, энди сезди: ташқаридаги — аёл киши эди! Мирза Фолибнинг сал ҳамияти келди! Шунинг баробарида, хижолат чекиб, саросималанди. Қўрқоқлик ҳам эви билан! Эҳтиёт бўлишнинг ҳам чегараси бор! У, аёл бирон фалокатга йўлиққан; аралашин, ёрдам бериш керак, албатта, деб ўйлади. Ўрнидан сапчиб, дераза томон босди. Ва бе-хосдан...

эс-хуши оғди.

Ташқаридаги аёл... Мастура! — эди.

Мирза Фолиб — дераза ёки эшик?! Қайси бирини тезроқ очиш мумкин?! — шу паллада, довдираб қолганидан, аниқ фикрга келолмай бир дераза, бир эшик томон отилди. Мастурани бағрига босиб, ичкарига олиб кирмоқчи; агар шунга эҳтиёж бўлса, — жонини бермоқчи эди! Ана, сен кўришга ошиққан — Мастура! Сен аҳволини билишга ошиққан — Мастура! Оч! Оч!

Бироқ ҳаяжонланиб-талпинганича, тўхтади.

Мабодо, ким бўлмасин, — биров! — эшикни тақиллатиб, тирик жон борми, оч, деса, Мирза Фолиб ҳеч иккиланмай, алақачон — уйғонганидаёқ, — бориб эшикни ланг очар эди! Мулоҳаза юритиб ўтиришга ҳам улгурмасди! Аммо эшик бирон марта тақилламаган эди! Умуман, ташқаридаги кўланканинг эшикни қўйиб, деразага ёпишиб олганидан ҳамон Мирза Фолибнинг кўнглида шубҳа уйғонмоқда эди!

Яна, мабодо, ичкарида жасадлар ётмаганида, — Мирза Фолибнинг хаёли қочмас-эди! Олачалпоқ парда орқасидаги кимларнингдир жасади уни, очма, деб огоҳлантираётгандек эди!

Айниқса...

ташқаридаги аёл негадир сўнгги пайтлардаги эмас, Мирза Фолиб янги танишган — анча йил бурунги Мастурани эслатар эди! Қолаверса, Мастуранинг энг оғир шароитда ҳам, яқинми-узоқми, ҳеч кимга сенсираб, номард, деб бўғилиб-сўзлашадиган феъл-атвори йўқ! Мўмин-қобил. Одатда, жанжалли нарсаларни ҳам сирдек, шивирлаб гаплашади... Булардан ташқари, муҳими: туққанми, шунча пайт ўтиб, ҳали ҳам «семириб» юрибдимиз?! — нима қилганда ҳам, — Мастура шу кунлар уйдан чиқадиган аҳволда эмас! Хўп, уйдан чиқди, дейлик... Мирза Фолибни минг қидирганда ҳам, идорадан аниқлаб, тўғри қўналгага бормайдими — Мастура?! Тўқайзор ичидаги бу харобага қаердан келиб қолиши мумкин?! Деразадаги кўланканинг юпқа бир матоҳга ўхшаб, ўзидан нур ўтказаётганини айтмайсизми?!

Мирза Фолибга ақлу ҳуш шуларни уқдирмоқда; лекин бу гал ҳам у — олдингидан кўпроқ! — иккиланмоқда эди.

Шу пайт...

қаердандир — тепаликнинг этак томонидан, — тинчи бузилган итнинг — ҳалиги, юнги пахмайган, айиқдек ит бўлса керак! — ув тортиб, қаттиқ хураётгани эшитилди.

Мирза Фолиб шошиб қолди. Тезроқ бир қарорга келиш керак! Тезроқ! Тезроқ!

Аммо унинг кўз ўнгида, шу сонияда дабдурустан ташқаридаги аёл буришиб-бужмайган қампирдек қиёфага кирди.

Кейин, вижимлаб-ёққан қоғоз сингари қорайди.

Кейин, бирдан туси ўчди.

Кейин, итнинг ҳам овози тинди...

Мирза Фолиб қайтиб ўринга келиб чўқди.

У энди — ўзи нима бўлаётган эди-ю, нима бўлди?! — билмаганидан, даҳшатга тушган; биров эшик-деразани бузиб; ана-мана хонага бостириб кирадиган-дек, қимир этмай ўтирар эди.

Ухлаш қаёқда! Энди шунчаки кўзини юмиб, мудрашни ҳам хаёлига келтирмаётган эди...

Уйқуга ўхшар — ўлим;

Ўлим ўхшар — уйқуга...

Ахийри, осмонда ой бўзариб, тонг ёриша бошлади.

Бироқ, Мирза Фолибнинг ҳамон қимир этишга ҳоли йўқ эди.

Ниҳоят, офтоб ҳам ёйилди.

Мирза Фолиб шошмай, туриб, кўрпа-тўшагини йиғди.

Кейин, кўнгли тиламаса ҳамки, нонушта қилишга уринди.

Кейин, эшик томон босди.

Эшик томон босди-ю, тўхтаб, ўтирилди. Қаради.

Унинг олачалпоқ парда орқасига яна бир қур кўз ташлагиси келди.

Яқинлашиб, пардани сурди.

Ажаб! Парда орқасида ҳеч вақо йўқ... тўғрироғи, бир-бирининг оёғига бош қўйиб, қатор ётган жасадлар йўқ; фақат ярим-очиқ қувурми, каттакон тарновгами ўхшаган нарса қаққайиб турар эди!

Мирза Фолиб, нафаси ичга чўкканича, бўйни, елкаларини қисиб, — пардани қайтиб ёчди.

Иккинчи кўриниш

КЎНГУЛ ҚУШИ

Висол авжи бийик, эй кўнгул қуши,
сен паст...

Алишер Навоий.

Сўроғингда, биёбонлар кезиб, бе поу сар юрдим,
Қуюндек чарх уруб, жисмим губорин кўкка совурдим,
Сен азм айлаб кетарга, мен бўлуб бемор, қайғурдим,
Кўнгул — жон бирла бўлди ҳам-раҳинг, мен — дард ила турдим,
Сенга — жон бирла кўнглумни, сени — тангрига топшурдим...

Сени топмоқ баса мушкул кўринди — жусти-жў бирла,
Фироқинг дардиға таскин тиларман — гуфти-гў бирла,
Ғаҳи — паймона бирла шуғл этиб, гоҳи — сабу бирла,
Кўнгул тинмасқа қолмиш эрди, ҳар нав, орзу бирла,
Ризо кўйиға то кўйдим қадам — кўнглумни тиндурдим...

Нодира,

Алишер Навоий ғазалиға мухаммасдан.

Қуёш найза бўйи кўтарилганида, Мирза Фолиб тепаликни орқада қолдириб, яна тўқайзорга шўнғиган эди.

У тўғри қибла тарафга қараб бормоқда; тўхтамай тепалиқдан ошиб, йўлни давом этдираверганга ўхшар эди.

Мирза Фолиб ўнг ёки сўл томонда, ҳаттоки анча яқин бир масофада катта йўл ястаниб ётган бўлиши ҳам мумкин, деган гапни хаёлидан ўтқарган; аммо ўзи танлаган йўлдан чалғишни истамаган; баттар адашсамчи, деб хавфсираб, бу фикрдан кечган эди.

У — елкасида тугун, қўлида эса халта, — ана, охири кўринмаётган тўқайзорда, кечагидан минг чандон азобланиб, бирдек олдинга сурилмоқда. Унинг тунда кўнгилдагидек ҳордиқ чиқариб, жилла қурганда бир оз дармонга кирмагани сезилмоқда; умрида кўрган хасталиклар хуруж қилиб, яна қорни, биқини, оёқлари, боши симиллаб оғримоқда эди. Назарида, кечагидан ҳам бугун ҳаво иссиқ, дўзах; қуруқ ўтиндек, гуруллаб ёнмоқда эди. Офтобга ўзини солган чумоли, пашшалар баданидаги шилиниб-қонаган жойларни

топиб, талаб, айниқса, Мирза Фолибни қонига ташна бир ҳолга келтиришмоқда эди.

Мирза Фолиб тепалиқдаги харобадан энди узоқлашиб кетган; бироқ елкасидаги тутундек, унга юкланиб; тепалик гўёки унинг орқасидан судралиб, эргашмоқда эди!

У муттасил Мастура тўғрисида ўйламоқда; тунда ҳис этган иккиланиш ҳолати то ҳозир уни тарк этмай, қийнамоқда, эзмоқда эди.

Мирза Фолиб учун энди идорадагилар — Мардонқул аками, Тенглаш билан Ҳакимжонми?! Ким?! Нега?! — номардлик қилишгани, уни «унутиб» қўйишгани муҳим эмас! Қўналғада қирққа яқин киши заҳмат чекиб қолаверганида, ўзи этак силкиганча, чиқиб кетавергани ҳам муҳим эмас! Ҳаттоки, Мастуранинг ўз «юк»идан қутулиб олган-олмагани-ю, дунёга келган ёки келмаган боланинг қайси ҳолда?! Ким?! — эканлиги — бу ҳам! — муҳим эмас... Мирза Фолиб, уйга борганимда, қандай аҳволга дуч келаман?! Қандай ҳолатнинг устидан чиқаман?! — деб ўйлаб, ўз-ўзини бурдаламоқда эди!

У, тунда уйғониб мен кўрган кўланка — сийрат эмас, қандайдир сурат эди; жуда ошганда, кўршапалакдек деразага ёпишиб олган, ўзидан нур ўтказган номаълум бир мавжудот эди! Шу, холос! — деб, ўзини қанчалик «кўндирмасин», бунга муқобил фикрлар уни шунчалик пармалаб, эговламоқда эди! «Сен барибир номардлик қилдинг! Дераза ёки эшикни очиш керак эди! Ҳаётда ҳар нарса бўлади! Биров сенга қушни, биров сичқонни эслатиши мумкин! Ойнинг тўлинлигидан, балки нур, хонага ёпирилиб киргандир?! — қолгани, балки, сенинг оддий хаёлотингдир?! Ҳеч ким бекорга жеркиниб, сендан ёрдам сўрамайди. Сен ташқарида нима бўлганини билмайсан-ку! Бу овлоқ жойларда ўғри ҳам, безори ҳам, қотил ҳам учраб-ўйлингдан чиқса, ажаб эмас. Бу ерда ёвузликка майдон етарли! Мастурами, бошқа аёлми?! — жиноятчилар ўлдириб, шу чексиз тўқайзорда ташлаб кетган бўлишса-чи?! Тўхта! Сен кўланка, деб ўйлаган, — сендан хавотирланиб, қидириб келаверган — аниқ Мастура бўлса-чи?!»

Мирза Фолиб шундай хаёлларга бориб, бошини чайқаганча:

— Сен Мастурани ўзинг беркинган хонага киргани

қўймадинг-а?! Мастурани-я?! Йигит киши, ўз хасмингни-я?! — деб беихтиёр ингранар, кейин тиклаб-битирган бутун иморатини ағдариб:

— Йўқ! Мастуранинг бу ерларда пайдо бўлиши ҳақиқатга зид, ахир! Мантиқсиз гап! — деган фикрга келиб, яна ўз-ўзини овута бошлар эди. У жисми-жонини — шаҳарга, уйга етиб бормагунича, — бу иккиланиш, бу изтироб, ҳар ҳолда, тарк этиши қийин эканлигига дам сайин қаноат ҳосил қилмоқда эди!

Тўқайзорни бирдек чангитиб, олдинга сурилаётган Мирза Фолиб бундан бўлак сир-синоат тўғрисида ҳам ўйламоқда; тунда, харобадан ташқарида юз берган ҳодисанинг хонадаги жасадлар билан боғлиқлиги, бир-бирига дахли борми?! — азбаройи безовталанганидан! — билгиси келмоқда; унинг кўз ўнгида олачалпоқ парда очилиб-ёпилмоқда эди!

Мирза Фолибни, эшик-дераза берк бўлса, жасадаларни ким, қайси йўсинда хонадан олиб — «ўғирлаб» кетгани, қачон, нега бундай бўлгани ажаблантирмоқда; у, жасадлар, эҳтимол, менга шунчаки кўрингандир, дейишга тайёр, лекин... ҳамма-ҳаммаси эсида; бутунбор манзара кўзи олдида қайта-қайта жонланмоқда эди! Жасадлар янги, бир-бирининг оёғига бош қўйиб, қатор ётгани... афт-ангори, кийими бир-биридан анча фарқ қилгани... уларнинг учаласи ҳам қандайдир таниш, қаердадир кўргандек...

Мирза Фолиб тўқайзорда судралиб бораётиб, ҳозир кечаги — учратган пайтидагидан ҳам ёрқинми-яхшироқми?! — барча тафсилоти билан эслай бошлади... Марҳумлардан бирининг: бошида фўта, эгнида одми яқтак; юзи чувак, кичик соқол қўйган... Иккинчиси: бошида кулоҳ, эгнида жанда; патила-патила сочлари кулоҳ остидан чиққан, камаригача тушган; соқоли ҳам қалин, тўс... Учинчиси: бошига ҳошияли қалпоқ қўндирган, негадир қўлида юпқа, оқ қўлқоп; ёнида калта бир таёқ ҳам ётибди; юзи қонсиз, аммо жуда кўҳли...

Мирза Фолиб кетаётган жойида бехосдан чайқалиб-гандираклаганича, тўхтади.

«Эй Худойим-эй! Эй Худойим-эй!

У юзлашган марҳумлар — оддий, бу кунги одамлар эмас, унга қандайдир — китобларда кўрган тасвири-ми, тасавури бўйичами?! — азиз, буюк бир инсонлар: Лутфий, Машраб, Байронни эслатган эди!

Унинг буларни танигани ҳам, қаердадир кўргани ҳам — шу эди!

Мирза Фолиб — кеча, пардани суриб, кўзи тушганида, — буларнинг уст-боши нега бошқача, деб ҳайрон бўлгани ҳам (эсида!) — шундан эди!

Ажабланиш мумкин! — аммо, шу аснода Мирза Фолиб соддадил кўйда, менинг кўрганим — ўша, буюкларнинг ўзимиди ёки жасадаглар фақатки уларни менга эслатдимиз?! — деган хаёлга борди.

Минг йиллар шакланган — ҳаётнинг ўз қонунлари бор! Тобут ўрнида ўтган — ярим-очик қувурми, каттакон тарновгами ўхшаган нарса ичида ётган жасадаглар янги, бузилмаган; илк қарашда улар ширин уйқута кетган кишидек эди... Умуман, Лутфий, Машраб, Байронлар бир-биридан узоқ жойлар, бошқа замонларда яшаб, неча юз йиллар бурун вафот этишган! Уларнинг қабрлари ҳам... Лутфий Ҳиротда, Деҳқанорда! Машрабни Балхда дафн этишиб, жасадини, кейин, Исканмиш деган жойга кўчиришган. Ўша ерда! Байрон Юнонистоннинг Миссолунги деган жойида вафот этиб, унинг юраги Юнонистонда, танаси Англияда — Лондон яқинидаги ўз ота мулки-музофотида, дала бир ерда ётибди! Бунинг устига, уларнинг жисми аллақачон хоки-туробга айланган бўлиши керак! Шундай!

Бироқ... Ўтган кишилар, айниқса, ажойиб инсонларни: «Улар ўлмаган! Улар бизнинг ҳаётимизда яшайди!» — деб эслаш баландпарвоз гап эмас, айни ҳақиқат эканми?! — Мирза Фолиб тарихда номи қолган минг-минглаб кишиларни, — болалик пайтларидан бир умр, — ҳаётда бор, деб билишга одатланган; уларга тирик, ўзи билан ёнма-ён яшаётган одамдек муносабатда бўлишга ўрганиб қолган эди! У қадрдони — Лутфулладан айрилиб, энди «Лутфулла бўлиб» ҳам яшаётганидан, сўнгги йилларда китобга берилган; китоблардаги тасвирдан кўпроқ — тасаввур туфайли ҳар хил шахслар ҳаёти-ю, уларнинг қиёфасини кўз олдига келтира олар эди!

Мирза Фолиб Лутфий, Машраб, Байронни ҳам ўзича «яхши танир», аниқ тасаввурга эга эди!

...Лутфий — бир қарасанг, — ўзига ҳам, атрофдагилар ҳаётига ҳам бепарво; дунё билан иши йўқ. Яна бир қарасанг, — ўта куюнчак; ҳамма нарсани зийрак кузатган, инжа баҳо берган, одамлар муносабатида энг нозик белгиларни илғаган! Ўрта бўйли, озғин, соя-

деккина киши. Ярим қисимтир кўзлари — ажабо! — ғамгин; ҳам шўх. Чувак юзида доимий хижолатли бир табассум!

...Машраб — йирик жуссали, ёруғ чеҳрали; кўзлари катта-катта; ўтлуғ. Ўктам ва эрка; «жазб ҳолатлиғ». Олов ичидан ўтади; ариқдаги сувга тўни билан ўзини отади. Ўнта одамга тенг кучи бор. Аммо ўта эхтиросли; таъсирчан. «Ҳар ерда ғўристон бўлса, одамларнинг устихонларин кўриб, йиғлар; эй инсон, охир ҳолинг шу экан-да, дер эди!» Унинг ҳаёти... «ёш қолибман отадан!» ва: «Кўнглумни шод этган онам!» Яна: «Дунёга келиб, лойиға билмай бота қолдим!»; кейин: «Қона тўлғон юрагим!» Ниҳоят:

*«Дунё сориға бир келибон — ғам-зага кетгим,
Бир лаҳза дам олмай турибон — лаҳзага кетгим!»*

...Байрон — ранг-рўйдан, гўзал ва бахтсиз. Болаликдан бир оз оқсагани учун ҳам, «буни беркитишга уринган алфозда қўлидаги таёқчани ўйнаётган бўлиб, тез, югураётгандек одимлайди». Баҳодир келбатли эмас; лекин кучини қаерга қўйишни билмайди; ғаюр; ҳаддан ташқари, тоқатсиз. Зодагон оиладан; лорд; ўн ёшидан парламентда белгили ўрни бор. Аммо қироатхона — қаёқда, бутун Англияга ҳам сифмайди! Даста-даста китоб ёзгани кам; Ла-Манш бўғозини сузиб ўтиб, сузиб қайтади. Бир Балқонга, бир Швейцария, бир Италияга жўнайди. Шахсан ҳарбий кема ясатиб, Юнонистонга боради. Ватани — Англия Ҳиндистонни забт этган бир даврда, босқинларни қоралаб, юнонларнинг туркларга қарши озодлик жангида бошчилик қилади! Эрка бағишланган асарларини «Шарқ достонлари» деб атайди...

Мирза Фолиб ота-боболарнинг тириклигига ишонгани, тарихчи эканлиги-ю, тарихни баъзан шу тарзда «тирилтира олгани» учун ҳам, менинг кўрганим — Лутфий, Машраб, Байрон — ўша, буюкларнинг ўзи эмасмиди, деган хаёлга борган; бу хаёлдан «кўнгул узолмаётган» эди!

Хўп, гап шунчаки тасаввурдами?! Тепалиқдаги харобадан узоқлашгани билан, уни барибир «орқалаб» кетаётган Мирза Фолиб, шу аснода яна бундай тафсилотни эслади... Марҳумлардан бирининг: чап бетида шахсий муҳрдек билинар-билимас афғон яра... Ик-

кинчисининг: бўйнида чизик тортгандек, арқон изи...
Учинчисининг: бир оёғи бошқасидан жилла қисқа-
роқ... эди!

Дунёда бирон зот қўшилмаслиги мумкин! — аммо, мана энди, Мирза Фолиб, парда орқасида ётганлар — Лутфий, Машраб, Байронни менга фақатки эслатган эмас, уларнинг ўзи эди! — деб ўйламоқда; муайян хулосага келган эди!

Шунинг баробарида, Мирза Фолиб жасададни ким, қайси йўсинда хонадан олиб — «ўғирлаб» кетгани-ю, қачон, нега бундай бўлганига ҳамон тушунмаётган эди... Улар ўзлари «келишган» ва яна ўзлари «ғойиб бўлишган» эмасмикин?! Ахир, эшик-дераза берк; Мирза Фолиб ҳеч кимни киришга ҳам, чиқишга ҳам қўймаган эди... Мабодо, у қаттиқ «қоқилиб-йиқилиб», касалхонада ётганида, — учта Менга айланиб, уч жойда ҳаёт кечирмаганида эди! — албатта, бу хаёлга бормас эди! Ҳозир эса саволга жавоб излаётиб...

шундай ривоятни эслади:

«...Андин сўнг, Шоҳ Машрабнинг муборак жасада-
ларини лаҳадга дафн қилдилар...

вафотлариға етти кун бўлуб эрди; тўққуз қаландар
Балхга талқин этиб келдилар...

Вазир айдики:

— Эй қаландарлар, бизларга Худойи таоло бир ва-
лини каромат қилуб эрди; отлари Машраб экан! Биз-
лар қадрларини билмадук; подшоҳим шаҳид қилди.
Маҳмудхонни ўзи ҳам ўлди! — деди(лар).

Анда, қаландарлар айдилар:

— Бизлар Машрабни яхши танурмиз. Уч кундурки,
бизлар они кўзумиз била кўруб келдук; Ҳирот дашти-
да, кафанлари бўйнида, итлари кейинларида Маккага
кешиб борадурлар!

Бу сўзни эшитиб, вазирлар отлонишиб, Шоҳ Маш-
рабнинг лаҳадлариға келуб, кўрдиларки...

гўрларининг қибла тарафидин бир эшик очилиб-
дур. Анда на кафан кўринадур; ва на жаса! Ҳеч ни-
марса йўқ...»

Мирза Фолиб бундай ривоятни ҳам эслади:

«Мен шаҳардаги боғ эшигида отамни — одатдаги
кийимида, қўлида ҳасса тутган ҳолда, — учратдим.
Биз қўлтиқлашиб, уйга қараб юрганимизча, ундан-
бундан узоқ гаплашдик. Аммо... уйга келиб, остона
кечганим заҳоти — отам хонада, кўрпага ўраниб,

қотиб ухлаб ётганини кўрдим! Ёнимда судралиб келган кўланка беҳосдан ғойиб бўлди...

Бу гапларни уйдирма, деб ўйламаслигингиз учун, айтмоқчиман... Шундай воқеа Байроннинг қисматида ҳам учрайди! У Юнонистонда, безгак тутиб, оғир ётганида, уни яхши таниган кишилар — Лондон кўчаларида бемалол айланиб юрганини кўришган эди!»

Мирза Фолиб, тинка-мадори қуриб, ҳаммаёғи олдингидан баттар шилиниб-қонаб, тўқайзорда судралиб бораётиб, бу ривоятларни эслагач, Лутфий тўғрисида хаёлга ботди.

У Лутфуллага «айлангани»дан буён ўтмиш шоирлардан Лутфийга айрича қизиқиш билан қарар; Лутфий тўғрисида — Лутфулла хотирасига бағишлаб, — нимадир ёзиш орзуси билан яшар эди! Мирза Фолиб Лутфийнинг вафоти олдида — унинг ҳам ҳаётида, шу тахлит, ажабтовур, ҳайратли бир ҳолат рўй берганини билар; тасаввур қилар эди. Шу дамда беихтиёр ёдига тушди...

Ўшанда...

у жуда қариб қолган эди.

Бир куни, одатдагидек, саҳарда туриб, бомдод намозини ўқиди. Кейин жойнамоздан кўзгалмай, ярим соат чамаси, — кўзлари ёшланиб, — Қуръон тиловат қилди.

Шу кунлар чарчаб, ўзини лоҳас сезганидан, масжидга бормаётган; кўча-кўйга ҳам чиқмаётган эди. Кечами, кундузми?! — аҳамияти йўқ; билгани: мизғиш, янгидан таҳорат олганча, намоз ўқиш; Худога ялиниб-ёлвориш эди! Ҳафсаласи бўлганда, ора-сира китоб варақларди. Энди шеър ёзмас; қўлидаги сўнги сатрларни бировларга, ўзлари ёзиб-тугатишларини сўраб, тақдим қилган эди. Назарида, унинг фоний дунёда иши тутаган эди!

У ўз аҳволидан норозилик туймас, инжимасди. Аксинча, умрида оғир хасталикларга йўлиқмагани, то ҳамон қўл-оёқдан қолмагани — кимларгадир қарам, хор бўлмаганини ўйлаб, Худога шукрона келтирар эди! У фариштадек — пок бир руҳ, беғубор бир қиёфага кирган эди!

Қуръон тиловат қилиб бўлгач, ҳар қачонгидек, қайтиб ўринга бориб чўзилди.

Бироқ мизғий олмади... Кўзларини юмгани лаҳзада, ўз-ўзидан, негадир: бутун сени ажиб ҳодисалар кут-

моқда! Огоҳ бўл! — деган гап кўнглидан кечди. Бу — аслида, гап ҳам эмас; қандайдир нидо эди! Очик-ошкор эшитди.

Ёшлик — ғайрат, журъат, жасорат; кексалик ҳикматдир!

У ҳаётдаги ҳар хил ҳодиса-воқеаларни аксар олдиндан ҳис этиб, башорат қила олар; тажрибам, билим туфайлими, сўнгги йилларда бу унинг учун жўн бўлиб қолган эди! Лекин шу пайтгача, ҳеч қачон ичидан ўрмалаб чиққан нидони у эшитмаган эди! Шу паллада гўёки кўнгулнинг ўзи гапирган эди!

Ҳаяжонланиб, ўрнидан туриб кетди.

Аввалгидан ҳам қизиқ ҳол рўй берди.

Унинг баданидан челақлаб сув оқмоқда эди.

Кейин, қайнаган қозондан буғ кўтарилганидек, бутун хасталиги, доҳаслиги бир йўла тарқаган-кетгандек бўлди.

Кейин, ерданми, осмонданми, томирларига куч-мадор куюлиб, ўзини — ўн саккиз ёшар эмас-ку! — тахминан қирқ-эллик ёшда юрган давридагидек, бардам сезди!

Тажжубланиб, хонада чарх урганича, деворлардаги бири-биридан кичик ўймакор тоқчалардан ойна қидира бошлади. Ахийри, топиб, ўз аксига қаради...

Юзига қон югурган, соқоли ихчамланиб, мош-биринч тусга кирган; кўзлари порлар эди!

Шу кунлар у, қора қиш ўтиб, наврўзга етсам, юз ёш насиб этган бўлади, деб мулоҳаза юритмоқда, кўнглининг туб-тубида бунга умидланмоқда эди! Ҳозир ойнадаги аксини кўриб: «Ёшарибмен-ку, тавба! Манглайимда бир эмас, ҳали анча кўкламлар ёзуғлиққа ўхшайдур; Оллоҳ-Оллоҳ, ўзингга шукур!» — деб ўйлади.

Қўлидаги ойнани қайтиб тоқчага қўйиб дераза томон ўтирилди. Тунда қалин қор тушган; лекин энди офтоб чарақлаб атроф оқиш бир ўт ичида ёнмоқда эди.

Уйда ётишни бас қилиб, дарҳол кўчага чиққиси келди.

Унинг аниқ мақсади йўқ; Худо ниманидир ирода этган бўлса, уйга ҳам бостириб келади! Қандай ажиб ҳодиса бор экан, деб югуриш шарт эмас, албатта... Бироқ у энди ёшарган эди! Уйда ётишга тоқат қилолмаётган эди! Бундан ҳам ўтадиган жойи: деразадан кўз

узиб, бурилиб қараган эди... унга — ўзининг кекса бир шакли ўринда чўзилиб ётгандек туюлди! Бу шакл унга ёқмади. Юраги қисиб, тезроқ уйдан чиқишга чоғланди.

Бошига одатдаги шабпўш устидан фўта ўраб, эғнидаги одми яқтак ўрнига жун чакмон кийди. Қўлига ҳасса олиб, апил-тапил эшикни очди... Ҳовлига чиққанида, уни ажаблантирган яна бир ҳол юз берди.

Атрофни оппоқ чодирга айланиб, чирмаб-қамраб ётган қор нечундир парча-парча булут бўлиб, ердан осмонга кўтарилди. Сўнг, ҳовлидаги қорайиб турган дарахтлар бирдан кўкариб, яшнаб кетди. Бир зумда — гулзордаги анвойи гуллар ҳам барқ урди! Бу етмагандек, ҳовлининг ҳув этак томонидан баралла булбуллар чах-чахи эшитила бошлади.

У қаршисидаги манзарага тикилиб, остонада қотиб турганича, беихтиёр пичирлади:

*Кўкарди чаман, гулузорим қани?!
Сиҳи сарв бўйлуқ — нигорим қани?!
Топибдур бу кун, васли гул — андалиб, —
Дариғо, менинг навбаҳорим қани?!*

У ўз ҳолатидан ўзи таъсирланиб, кўнгли тўлиб, алланечук ўртаниб кетди.

Мана, энди кўчага нега талпинганини англай бошлагандек эди! Шошганича, бир қадам олдинга сурилди.

*Ул — менинг жони-жаҳонимга салом,
Жондин ортуқ — меҳрибонимга салом.
Бир замон холи эмасмен — ёдигин, —
Муниси, жони равонимга салом.*

Яна бир қадам олдинга босиб, тўхтади. Инжиган-озорланганича: «Арз қилма гулларингни — бизга онсиз, эй баҳор!» — деган гап хаёлидан кечди. Кейин, дарди-ҳасрат билан, овоз чиқариб: «Сенсизин, қилмас кўнгул — майли тамошойи-баҳор!» — деди.

Ниҳоят, гулзор этагига келиб, рўй-рост тиз чўкиб, осмонга бошини кўтариб қаттиқ тикилган ҳолда, Худоба ёлбора бошлади: «Оллоҳ-Оллоҳ! Мен уни кўрмоғим керак! Чидадим. Кўп чидадим. Сенга, ёлғиз Сенга ибодат-илтижо қилдим! Энди тутадим. Сабри-бардошим қолмади... Сен раҳмли ва меҳрибонсан, Оллоҳ! Ўзинг менга мағфират кўргаз!»

Бу — унинг йиллар бўйи асранган, бир умрлик муҳаббати эди!

Ҳозир Худога ёлборгач, бошини мутеларча эгиб, маҳзун жилмайганича, ўйлади:

*Бир неча кун — ҳар киши севгай, — вале
Бу — муҳаббатнингки, — поёни керак!*

Унинг назарида, «бир неча кун»да ўтмаган шу муҳаббат туфайли — унга ўлим ҳадеганда яқин йўлаёлмаган; Азроил оёқлари учига келиб ўлтирмаган эди! Поёнсиз муҳаббат! — унга ҳаёт бағишламоқда эди!

У йигитлардек ўрнидан шарт кўзголиб, ҳовлидаги барқ урган гуллар, дарахтларга энди бир оз шўх, қув кўз ташлади; «Биллоҳ, мени тирик тугадурғон хаёлидур!» — деб ўз-ўзи учун буни таъкидлагандек бўлди. Кейин, яна таъкидлади: «Мангу яшар — кимки кўрар сизни — бир!»

Унинг юрагида бугун Гулгунни, албатта, бир кўришига ишонч туғилган эди!

У дарвозага дадил йўналиб, Деҳқанордаги атрофдагиларга нисбатан ғариб-кўримсиз ҳовлидан кўчага чиқди. Иланг-биланг кўчада беш-ўн қадам босгач, ўйланиб, тўхтади.

Сўнг, шахдланиб, Мухтор тоғи этакларида жойлашган Хиёбонга, Мусалло — намозгоҳ майдонига қараб юрди. У кўнглида туғилган ишонч ҳаққи, биринчи навбатда, малика Гавҳаршод оға — Шоҳрух Мирзонинг хотини, — қурдирган жоме масжидига кириб, шукрона намози ўқигиси келди.

Йўлда кетаётиб, ўзини қадам-бақадам қандайдир ёшариб бораётгандек сезар, қайнаётган қозондек, баданидан ҳамон буғ кўтарилар эди.

Унинг қаршисида — чарақлаётган офтоб нурлари остида, — ердан ҳам баҳорги ҳовур кўтарилмоқда эди...

Тўқайзорда бораётган Мирза Фолиб — шуларни эслаб, — кўнгли сал ёришгандек; руҳи кўтарилгандек бўлди.

Аммо у — ҳеч ўзгаришсиз, бирдек — бошдан-оёғи оғриб, азобланиб олдинга сурилмоқда эди.

Бу тўқайзор бутун рўйи-заминни қоплагану Мирза Фолиб билмаган эканми?! — қуёш осмон пештоқиға жадал чирмашиб, кечагидек куннинг яна баракаси уч-

моқда; лекин на бирон умид нишонаси, на бирон одам қораси кўринмоқда эди!

Мирза Фолибнинг энди ниманидир ўйлаш, мушоҳада юритишга ҳам ҳоли қолмаган эди! У қайтиб қўналгага — шериклари ёнига бориш, катта йўлга янгидан тупроқ йўлдан юриб чиқиш ёки юк машинасини кутишга — минг рози; бироқ олдинга судралиб юришида маъно бўлмаганидек, орқага қайта олишига ҳам унинг кўзи етмаётган эди! Шу паллада у қудуққа тушиб қолган сажродаги йўловчини эслатарди. На бақириб-чақирининг, на ўзининг тўрт томонга уришнинг фойдаси бор! Умидланиш керак, холос!

Мирза Фолиб шу кўйда бораётиб, бехос кўзларини йириб-бақрайди...

Унинг рўпарасида — ўрмонзор ичидаги сайхонликка ўхшаш катта бир майдон... майдонда тепалик... тепалик устида... хароба!

Мирза Фолиб ҳеч нарсага тушунолмай, саросималанган эди.

У аввалига, бу бошқа жой, бошқа, фақат олдингига ўхшар экан, деб ўйлаб, ўз-ўзига гап уқдиришга уринди. Аммо бўлмади. Ўзини ишонтиргани билан, кўзини «ишонтиролмаётган» эди! Дўппайган тепалик ҳам... Бузилган иморатлар; бузилмаган уй ҳам... Бунинг устига, бино эшигида айикдек ит — қаёқдандир пайдо бўлиб, уймалаша бошлаган эди!

Мирза Фолиб, ахир, мен қуёшни мўлжаллаб, тўғри қибла тарафга қараб юрдим; кетган жойга қайтиб келишим мумкин эмас эди, деб ҳам ўйлади. Лекин бутун Ер унинг оёғи остида сирпанаётган эканми, ҳар ҳолда, у ўзи бир тун меҳмон бўлган кулба қаршисида турар эди!

Бундан жила бурун ўзини қудуққа тушган йўловчига менгзаган Мирза Фолиб, нима қилганда ҳам, ишнинг бундай кўчишини кутмаган эди!

У қўлига калтак олиб, шошмасдан тепаликка кўтарилди.

Эски арқонми?! — алламбалони тишлаган ит, унга аҳамият бермай, бинонинг орқа томонига қараб кетганича, пастга энди.

Хўп...

бу хароба ёрдамчилар учун қўналга эмас, дейлик. Мирза Фолиб чексиз Боғ ичида хўжалиқдан қўриқхонага адашиб, ўтиб кетган, дейлик! Бу уйнинг эгаси

хам йўқ, дейлик. Бироқ... овчими, хизматчими, алоқачими?! — кимдир бу ерга келиб-кетиши, баъзан ақалли ҳордиқ чиқариши мумкин-ку, ахир! Вақтида Робинзон Жумабойни учратганидек... кимдир... бирон одам!

Мирза Фолиб шу хаёлда бинога яқинлашиб, кечагидек эшикни тақиллатди.

Ичкаридан садо бўлмади.

Зарб билан қоқди.

Яна ҳеч ким жавоб бермади.

Мирза Фолиб эшикни очиб, ичкарига йўналди.

Даҳлизда: олдинги чағ босган пўстин; оқариб қолган иккита челақ...

Хонада: олачалпоқ парда; сопол идишлар; хонтахта-ю, тахта-тўшак...

Жимжит!

Хўш, энди ишнинг бу ёғи қандоқ бўлишидан гапиринг!

Ҳаво қизигандан-қизиган, айни пешин пайти эди.

Мирза Фолиб қўлидаги, елкасидаги юкни хонтахта устига қўйиб, ўзи секин тахта-тўшак четига ўтирди.

Шу онда биров, отиб ташлайман, деса ҳам, у, олдин мен бир оз мизғиб олишим керак, деган бўлур эди! Шундай, мажоли йўқ эди!

Кўнглида у, албатта, кўрпани ёзиб, бемалол-мириқиб ухлашни истар эди-ку! — лекин унга ҳозир мизғиб олиш кифоя; уйқу — ғафлат, кечгача қотиб, тунда яна харобада қолиб кетишдан ич-ичида қўрқаётган эди! Бу — унинг учун ўлимга тенг эди...

*(Уйқуга ўхшар — ўлим;
Ўлим ўхшар — уйқуга...)*

Мирза Фолиб, шу боисдан, бутун-бор иродасини жамлаб, — кўрпани тўшабми-тўшамайми, барибир, — ўринга чўзилишдан ўзини тийди. Бошини деворга суяб, кўп эмас, бирон соат чамаси мизғиди.

Кейин, кўзларини ишқаб, силтаниб-керишди.

Кейин, халтада қолган иккита олма, икки бурда нонни олиб, кавшанди. Унинг иссиқ овқат, бир парча гўшт егиси келмоқда эди! Жилла қурганда, уч-тўртта пишган тухум... Пул бўлса — чангалда шўрва, дейишарди. Тўқишган экан-да!

Бироқ бу истакни ҳам енгиб, ўрнидан турди.

«Бузилган иморатлар орасида яна бирон бошпана бўлса, ичида одам йўқмикин?!»

Шу ҳақда ўйлаб, юкини қолдирганча, уйдан ташқарига чиқди.

Биодан орқа томонга ўтиб, эринмай айлана бошлади.

Кўп ўтмай, вайроналардан бирида бўғизлаб ташланган қандайдир оқ-кулранг тулкига Мирза Фолибнинг кўзи тушди.

Кейин, бошқасида, худди дўконда териб қўйилган бухор-дўппига ўхшаб, кулча бўлиб ётган катта-кичик бир даста илонни кўрди. У бояги итнинг уй олдидан нимани ташиб юрганига энди тушунди.

Мирза Фолиб қўналғадаги шериклари, қирққа яқин кишидан фақат бир йигитчани қорақурт чақиб, бахтига машина борлигидан, Бозордаги касалхонага дарҳол жўнатишганини эслади. Ўшанда шу ерлик хизматчилар, бу ерда ҳар нарса бор; қўриқхонада тулки, бўри кўп; айиқ, битта-яримта қоплон ҳам учрайди, лекин улар бу томонга кам оралайди, дейишган эди... Мирза Фолиб хўжалиқдан қўриқхонага ўтиб кетган кетмаганини билмаганидек, — ана, икки кундирки, тўқайзорни чангитиб, — оёғи остида, теграсида нима бор?! — деярли хаёлига келтирмаган эди! Ўйлаганда ҳам, у — бунга эътибор бермаган эди! Унинг тўқайзорга шўнғишдан бўлак иложи йўқ; орқа-олдига қарамай, бостириб кетаверган эди! Ҳозир ҳам, Мирза Фолиб бу ҳақда ортиқча хаёлга ботмасдан, энди вайронадан тез изига қайтди.

Хонага кирган пайти, олачалпоқ пардага кўзи тушиб, ўз фикри-тасаввурини текширмоқчидек, беқарор ҳолат уни чулғади.

Яқинлашиб, пардани сурди.

Парда орқасида, — тонгдаги сингари, — у бир қур юзлашган жасадрлар кўринмас; фақат ярим-очиқ қувурми, каттакон тарановгами ўхшаган нарса қўққайиб турар эди!

Бундан, Мирза Фолиб, ўзини нечундир, кўнгли таскин топиб, мадад олгандек сезди!

У юкини кўтарганича, уйдан чиқиб, бинонинг орқа томонига ўтган ҳолда, яна тўқайзорга қараб юрди.

Катта йўл — ўнг ёки сўлда, яқин масофада бўлиши мумкин! Аммо қибла тарафга қараб юриш — Мирза Фолиб учун қисмат эди... Илдам босганича, кетди.

Одам — минг ўзига ишонганда ҳам, — тирик жон, банда экан!

Мирза Фолиб вайронада ёриб ташланган тулки, вишиллаган илонларни токи кўрмагунича жонини ўйлаб, қандайдир хавф-хавотирга тушмаган эди. Тинка-мадори қуриган, азобланган, лекин бир лаҳзага бўлсин! — хаёли қочмаган эди. Мана, энди тўқайзорга шўнғига, ташвишланиб, бу дунёда инсоннинг нақадар душмани кўп, деб ўйлади. Илон-чаёндан йиртқич ҳайвонларгача... Зилзила, тошқин, ҳар хил касалликлар... Булар етмагандек, инсон ўз-ўзи-ю, бир-бирига душман бўлмаса экан!

Мирза Фолибнинг ваҳм-қўрқувдан, — тилсиз, сокин табиат бағрида, бутун йўл давомида, — мана, энди биринчи марта, тиззаси қалтирай бошлаган эди!

Ниҳоят...

«Сен кечадан буён бирон одам қораси кўринмасмикин, деб интиқ кўтябсан! Умидланияпсан! Лекин, — тўхта! — сенга шу паллада одамни учратганинг яхшироқми, ҳайвонними?!»

Шундай фикр хаёлидан кечиб, ўзи кимдандир эшитган ҳикоят ҳозир Мирза Фолибнинг ёдига тушди...

Дашти-биёбонми, чакалакзордами?! — бир одам кетаётган экан; рўпарасидан арслон чиқиб, атрофида гир айлана бошлабди. Ҳалиги одам дастлаб кўрқибди; кейин, қараса, арслон негадир унга суйканиб, оёвига бош қўйишга уринмоқда; мушукка ўхшаб, ўзини у ён-бу ёнга ташлаганча, кўзи, хатти-ҳаракати билан ундан қаёққадир эргашиб боришини сўрамоқда! Одам ноилож арслонга эргашибди. Бир ерга келишса, арслоннинг боласи оғриб, ҳаммаёғини чақа босган, чумоли талаб ётган экан! Қўлидан келганча, ҳалиги одам, арслоннинг боласига ёрдам бериб, муолижа қилишга уринибди. Ишни битиргач, уни она арслон қайтиб ўзи боя кетаётган жойгача кузатиб қўйибди...

Мирза Фолиб қаердадир ўқиб — хотирасида сақланган бундай ҳикоятни ҳам эслади...

Томошахонада арслон ҳар куни ўртадаги майдонга чиқар, гоҳ оловдан сакраб, гоҳ дорбозлик қилиб, одамларга ўйин кўрсатар экан! Аммо вақти келиб, арслон қарибди; уни майдонга чиқармай қўйишибди... Энди арслон ҳар куни, томоша бўлаётганида, ўзини

қафаснинг тўрт томонига урар, тоқатсизланар, бўкириб-ингранар экан?! Шундан сўнг кўп ўтмай, у ўлиб ҳам кетибди...

«Сен одамни учратганинг яхшироқми, ҳайвонни-ми?!»

Мирза Фолиб олдинлар ҳеч ўйламаган эди; ажабланди. Одамзоднинг феъли... Одамлар орасида юради; шу билан бирга, одамлардан қочади. Туйнукка ўзини урган юмронқозик! («Анграйма, болам!», «Эшикни қулфлаш эсингдан чиқмасин, болам!») Одамлар сафида туради; шу билан бирга, умр бўйи — ёлғиз. Ёлғиз! Тошбақа! («Кимга айтай додимни?!») Хўп, сабаб?! Бу инсон дунёда самимият, эзгулик бор, деб ишониб, оғзи куйганидан эмасмикан?! Энди сувни пуфлаб ичишга одатланган!

Мирза Фолиб билган латифа... Бухоролик Шариф Нурхон — боғбон-шоир, — Зарафшон бўйида айланиб юрган экан; бошқа бир боғбон ёнига келиб, сўрабди:

— Бу ерда нима қилиб юрибсиз, ота?!

— Бу яхши дарё, гўзал дарё! — дебди Шариф ота. — Мен у билан гаплашяпман!

— Эсингиз жойидами, ота?! — дебди бошқа боғбон. — Эси бор одам ҳам дарё билан гаплашадими?!

Тўқайзорда қибла тарафга қараб, қайсарланиб бирдек судралиб бораётган Мирза Фолибнинг яна кўзи олдига ўзи «таниган» Лутфий, Машраб, Байрон қиёфаси келган эди!

...Ҳақир, хоксор Лутфийни одамлар аксари, аслида ҳам фақир, ғариб, деб билишар; унга эътибор беришмас, кўзларини каттароқ очиб қарашни исташмас ҳам эди! (Ҳазрат Навоий атрофдагиларга қайта-қайта унинг буюклигини тушунтириш, баъзан баҳслашишга мажбур бўлар эди!) Хўп, нега?! Нима учун?! Дарё билан гаплашгани учун... албатта!

...Машрабни гоҳ қози, гоҳ муфти ҳузурига неча марталаб судрашмаган! Бир канизак юзига кўзи тушиб, Офоқ Хўжам ўз муҳрларини ўтда тоблаганча, унинг гардан томирига босган эдилар! Кейин, дор... Нега?! Нима учун?! Дарё билан гаплашгани учун!

...Байрон кўрган маломатлар, таҳқирлар, тухматлар-чи?! У бекорга ёзмаган эди:

Менинг кўнглим — эзилган, нохуш —
Ўз жуфтидан жудо бўлган қуш.
Атрофимга барча — гушман, ёт,
Мен ҳеч кимдан кўтмайман нажот.
Кезинаман ёлғиз, дарбагар —
Муҳаббатга етгунга қадар...

Кейин, яна, дилгир бўлиб: «Умримда бир лаҳза топсайдим ором!», «Керагим йўқ менинг ҳеч кимга!», «Ўткинчи бир кўноқ бу дунёда — мен!» Нега, ахир?! Нима учун?! Дарё билан гаплашгани учун-да!

«Бу тўқайзорда одамни учратганинг яхшироқми, хайвонними?!»

Милтиқ (пичоқми, ойболтами?!) кўтарган икки оёқли махлуқ қандай ҳунар кўрсатишини билмайсан. Алданасан!

«Жиноят... жиноятчилик бир ой ичида йигирма фоизга ўсди». (Газетадан)!

Ана, бундан кейин, рўпарангдан чиқадиган одамнинг йўлига кўз тикаверишинг мумкин!

Мирза Фолиб тўқайзорда шуларни ўйлаб бормоқда эди.

Бу тўқайзорда юриш учун, аслида, одамга оҳангарлар коржомасими, фазогирлар устидаги кийимми?! — керак! Енги калта кўйлак, юпқа шим, енгил ёзлик пойабзал — бу ердаги шароитга мўлжалланмаган! У — илож йўқлигидан, — ҳаммаёғи дам сайин янгидан шилиниб-қонаб, пашша-чумолига таланиб, азобланиб олдинга сурилмоқда; баданидаги хасталиклар кўзиб, яна қорни, биқини, оёқлари, боши симиллаб оғримоқда эди... Лекин Мирза Фолиб бир лаҳза ваҳм-қўрқув туйиб, тиззаси қалтирагач, ўзини қайтиб ўнглаб олган эди. Ҳаёт ширин; унинг осонликча жон таслим қилгиси келмаётган эди! «Сенга қийин, аммо чида! Ўлмайсан! Рўпарангдан одамми, хайвонми чиқса, ўзини туттишига қараб, унга ҳам муомала қилаверасан! Олдиндан шовқин кўтариб, таҳликага тушиш аҳмоқ одамнинг иши! Мабодо буткул дармонинг қуриб, бир ерда йиқилиб қолсанг, яна Худо пошшо! Нима бўлганда ҳам бу — яккама-якка жанг; сўнгги томчи қон қолгунича...»

У тўқайзорда судралиб бораётиб, ҳаммадан кўпроқ — ўзи аввалдан бош суққан бу маҳшаргоҳда! — қандай ҳолат рўй бераётганига умуман тушунолмаёт-

ганидан эзилмоқда эди. Катта йўл қаёқда қолди?! Қибла тарафга қараб, тўғри юраётган бўлса, бир соат ўрнида нақ ўттиз бир соат ўтиб, ахир, нега кўринма-япти?! Катта йўл эмас, унинг қаршисидан нега тепалиқдаги хароба чиқди-ю, тўқайзор бутун рўйи-заминни қоплагани ҳолда, нега — бу ҳамон жумбоқ! — у офтобни мўлжаллаб кетаётганига қарамай, айланиб-айланиб, боя тепалиқдаги харобага қайтиб рўпара келди?! Харобанинг сир-синоатга тўла эканлигини айтмай қўяқолайлик!

Мирза Фолиб мизғиб олгани билан, уйқудан қониб дармонга кирмагани сезилмоқда; аксинча, у чанқаганидан томоғи қуриб, лаблари қақраган одамнинг бир қултум сув ичгандан кейинги ҳолатини туймоқда эди. Шу паллада сувнинг ўзи ҳам... уйқу сингари, бу ерда на юз-қўлингни ювиш, на ичишга сув топилгани уни қаттиқ қийнамоқда эди! Ҳозир Мирза Фолиб, айниқса, бу тун ҳам харобада қолиб кетишни истамаётган; буни шунчаки ўйлаб ҳам — кўнгли хижил; юраги зада! — қўркаётган эди! У энди тепалиқдаги харобани уммонда кўлига илиниб, ёпишиб олган тахта, деб билмас; бу — ишониб, бемалол устига чўзиладиган тахта эмасди! Мирза Фолиб, мени ота-боболар арвоғи, азиз инсонлар руҳи бир қатла қўллади, деб ўзига далда бера бошлаган; тунда кўрган деразадаги кўланка эса ўз номи билан — кўланка эди, деган фикрдан осойишталик топа бошлаган эди. Унинг харобада тунаб, яна бир «ғалтак» ичидан ўрмалаб ўтишга ҳоли ҳам, тоқати ҳам йўқ эди!

Мирза Фолибнинг хаёли алақачон ўз уйи, шаҳарга кўчган; уни аввалдан қизиқтирган ҳаётдаги эпкинлар қайтиб фикри-зикрини банд этган эди:

— Мастуранинг кўзи ёридими, уйдаими?! Тинчмикан, нима қилаётган экан?!

— Мардонқул ака нега илжайиб туриб, мени алдади?! Тенглашми, Ҳақимжон нима учун бундай одамгарчилик ҳақида ўйлашмади?! Булар барчасининг шунчалик идорада иши кўпми?!

— Қўналғадаги шериклар, шаҳарга қайтгач, бу ишдан қочди, деб мендан шикоят қилишмайдими?! Биров юзимга солмайдими?! Идорада бундан ҳали ҳар хил гап чиқаришмайдими?!

Ва ниҳоят:

— Менинг шу кунлар кутилмаганда бу ўпқонга ту-

шишим шартмиди?! Қаёқдан ҳам бундай савдога йўлиқдим?! Худойим, менга бундан бўлак имтиҳонинг йўқмиди?!

Тўқайзорда бораётган Мирза Фолиб бу ўйлардан паришонланганича, беихтиёр ҳис этди:

у, аризам тайёр, дегани, баъзан, кетаман, деб шахдланганига қарамай, ўз ишини яхши кўрар эди! Шу дамда чуқур хўрсиниб қўйиб, яна ўйга чўмди.

Унинг ота-онаси умрида китоб ўқимаган, дунёдан беҳабар кишилар эмас; отаси негадир аҳён-аҳён унга Байрон тўғрисида гапирар, ойиси мунтазам Машраб ғазалларини ўқиб юрар эди. Бу шоирларни болаликдан билган Мирза Фолиб, Лутфулла туфайли Лутфийни танигач, уларга чинакам меҳр қўйган; уч буюк шоир (кеча, тепаликдаги харобада жасаглари қатор ётганидек!) энди кўпинча унинг хотирасида тизилиб туришар, дунёда булардан айри ҳолда яшаш мумкинлигини у хаёлига ҳам келтиролмас эди! Бу — Мирза Фолибнинг кўнгул мулки; ўзи қадрига етган, ўзи билган — ишқ эди! Бу ишқ, айниқса у «Лутфулла бўлиб» ҳам яшай бошлагач, аланга олган эди!

Шунинг баробарида, Мирза Фолибнинг касби-кори — тарих; асосан, унинг турли тарихий воқеаларга бағишлаб ёзилган китоблари эълон қилинган; у обрў қозониб, шуҳрат топа бошлаган эди! Мирза Фолиб бажараётган иши, эришган даражасидан кўнглида қаноат сезар; бу билан фахрланар эди! Шу боисдан, у идорадаги ҳар хил машмашалар, бемаъниликларга то ҳозир тишини-тишига босиб, чидаб келган; кўз юмиб қарашга ўрганган эди! Мана, энди биринчи марта, мисли кўрилмаган чигал, даҳшатли шароитга тушиб унинг юрагида атрофидаги муҳит, одамлардан ҳам, ўз-ўзига нисбатан ҳам нозилик уйғонган эди...

Мирза Фолиб, кечадан буён бир савол шуурида чўкиб ётганини сезмоқда; аммо бу нима эканлигини англаёлмай асабийлашмоқда эди. Бехос юзага қалқди:

— Мен кўрган тушни қандай таъбирлаш керак?!

Унинг тушига кирган манзара ҳаётдагидек ёки девордаги суратдек — аниқ; наздинда жонланиб турар; Мирза Фолибнинг хаёлида ҳам шу тарзда ўрнашиб қолган эди. Осмонга тик санчилган тоғ билан қалин қамиш ўсган кўл ўртасидаги йўлкадек тор бир жойга ҳолсизланиб чўзилган — шубҳасиз, у; юзини буриб,

ораста қайиқда кетаётган — тушда бўлса ҳамки, бу сизга олдинги пайтларни эслатган кўланка эмас! — шубҳасиз, Мастура эди! Хўп, энди... Қайиқдаги Мастура қаёққа кетаётган эди-ю, сувга тикилган Мирза Фолиб қаергача боради?!

Аслида, бунга у диққат қилиб, бу ҳақда ўйламагани дуруст экан!

Бу тушни кўриб, Мирза Фолибнинг юраги қинидан чиққан; у мени осса оссин, деб этак силкиган эди! Ана, ҳозир яна юраги орқага тортди! Уйга етиб олмагунича ҳеч нарсани аниқлаб бўлмаслигини ҳис этиб, бу мавҳумлик, бу зулматдан — у қўналгани орқада қолдириб, тўқайзорга қадам қўйганидан бери биринчи марта — кўзларида ёш ҳалқаланди.

«Олим бўлма, одам бўл!

Сен олим бўлиб, одам бўлолмадинг!»

Мирза Фолиб шундай деб ўйлади.

Кейин яна ўйлади:

«Аёлга нисбатан оилада эркак киши кўпроқ масъул эмасми?! Сен бировнинг фарзандини, менга ёқди, деб Бухородан бошлаб келиб, кўрсатган ҳунаринг — ўз ҳимоятингга олабилмадинг!»

Кейин, яна:

«Ойинг Бухорода, кекса, касалманд. Тўғри! Лекин, аҳвол шунақа; келинингизга қарайдиган одам керак, десанг, белини ушлаб бўлса ҳам, келмасмиди?! У она, ахир!

Опаларинг ўз-ўзи билан овора. Уйи, менга қарамсанг, ўламан, дейдиган эри бор. (Оёғини тоғорага солиб ўтириб ювдирадиган!) Тўғри! Лекин, тушунтирсанг, сен ҳам ўлмас эдинг!

Ҳеч бўлмаганда, нега Мастурани кўндириб, янгаларини чақиртирмадинг?! Эриндинг, холос. Ўйлагинг келмади! Энг аввал — айб ўзингда! Мана, оқибат...»

Мирза Фолиб Мастура билан Лаби-ҳовузда ўзи танишган кунларни эслади.

Танишиш ҳам эмас; тасодифан кўрди. Кўрди-ю, бошидан олов қуюлиб, оёқларигача куйди. Типирчилаб қолди.

Кейин, шу қиз ким экан, деб суриштирди.

Кейин, йўлини пойлайдиган бўлди.

Кейин, ойиси, опаларини совчиликка юборди.

Мастура унинг ойисига ёқди. Лекин опалари инқиллашди:

— Овози жуда паст-ку! Бу ҳам майли. Ҳеч гап-лашмайди. Гап ололмайсан! Қудуқдан сув тортгандек...

Мирза Фолиб бўш келмади:

— «Индамани» деган ашула бор, эшитганмисиз?! Менга унинг шунақалиги ёқади!

Ўшанда Мاستуранинг ёнида ўтириб, қўлини тутиш, бармоқларини бирма-бир лабларига босиш Мирза Фолиб учун оламда энг катта бахт эди.

«Шоир бўлсанг, Мастура ҳақида сен ҳам шеърлар ёзармидинг?! Масалан...

Лутфийга ўхшаб...

Э, йўқ! Маза-матрасиз шеър ёзгандан, Лутфийнинг ўзини ўқиган маъқул!

Умуман... эллик йилга яқин — ярим аср! — ёрини кўрмай юриб, уни унутмасликни Лутфийдан ўрганиш керак!

Яна... чинакам севишни Лутфийдан ўрганиш керак!

Яна... ўлими олдидан ҳам (тўқсон тўққиз ёшли қария!) севгилини кўмсашни Лутфийдан... ўрганиш керак! (Бу — дунёда кам учрайдиган ғаройиб дoston! Ҳали бу дostonни яна эслаш мавриди келади!)

Ўрганиш керак!

Ўрганиш керак... эди!»

Мирза Фолиб ҳамон Мастурани юрак-юракдан севар эди! Лекин, ўзиники бўлгандан сўнг кўнглинг тўқ, дегандек...

Энди қараса...

шу кунлар рўй берган (бераётган) бутун дилсиёҳликка сабаб — унинг муносабатида фидойилик етмаганлигида экан! У, нима қилганда ҳам, худбин экан! (Уни Лутфий ёки Лутфуллага менгзаёлмайсиз!)

«Хўп, энди.. қайиқдаги Мастура қаёққа кетаётган эди-ю, сувга тикилган Мирза Фолиб қаергача борарди?!»

«Дунёга индамас бўлиб келган Мастура — дунёдан шундай индамай кетган бўлса, Мирза Фолиб бошини қайси деворга уради?! Мирза Фолибнинг ўзи — офтоб ловулатиб ёндириб ётган, бутун рўйи-заминни қоплаган бу маҳшаргоҳда қузғунларга ем бўлиб, қолиб кетса-чи?! Мастура қандай яшайди?!»

Мирза Фолиб Бухорога олдинлар кўп борар; айниқса, ойдин тунларда Лаби-ҳовуз сайроғи, Минораи-Калон, Арк, Исмоил Сомоний мақбараси, Чашмай-Аюб

атрофларида айланиб юришни ёқтирар эди. Кечаси, ой нури остида кундузгидан ҳам соҳир, фараҳли, улуввор намоишга кирган обидалар уни ҳайратга солар, у — кўзга кўринмас дарвозалар бирма-бир очилиб, — тарих қаърига кириб бораётгандек ҳолатни ҳис этар эди. Мирза Фолибнинг назарида, Бухоро — дунёдаги тўртта афсона-шаҳардан бири эди! Аммо Мирза Фолиб сўнги йилларда (тарих билан қизиққан бухоролик олим бўла туриб) — гоҳ иш кўплиги, гоҳ қўл қисқалиги! — Бухорога кам боришни одат қилган; бунга — ўзини оқлабми?! — табиий ҳол, деб қарашга ўрганиб қолган эди! Шу кунлар унинг уйида аҳвол қандайлигини яқин кишилардан биров билмас ҳам эди!

«Олим бўлма, одам бўл!

Сен олим бўлиб, одам бўлолмадинг!

Сен олим бўлиб... ҳам! — гўр бўлганинг йўқ!»

Мирза Фолибнинг охириги кучи-дармони тугаб, энди бора-бора ҳар бир олдинга босган қадам унинг учун машаққатга айланмоқда эди. Унга елкасидаги юкнинг огирлиги сезилиб, гоҳ туйқусдан қоқилиб кетганича, тиз чўкиб қолар, думалар, гоҳ бир нуқтада тўхтаб, турган жойида бадмастлар сингари чайқалар эди. Аммо у чуқур хаёлга ботган, ҳозир ўзининг қайси ҳолда кетаётганига эътибор ҳам бермаётган эди!

«Сен ўз назарингда, ўзинг — олимсан!

Одамлар буни сариқ чақага олмайди!

Сенга ўхшаган «олим» сон мингта!»

Мирза Фолиб эслади...

Ана, у «олим»ликка «кирган» пайтдаги биринчи ҳолат; —

Бош раҳбар эмас, оддийлари:

— Битта чой дамлаб келсангиз, йигит!

Энди — Бош раҳбар, сўнги ҳолат:

— Сиз гапга тушунмаяпсиз. Ҳозир бориш шарт!

«Сен олимман; зиёлиман; обрўйим бор, дейсан!

Лекин сени ит ҳам, бит ҳам — битта чертиб, мана, ҳозиргидек ўпқонга учиради! Сенинг ҳеч ким эмаслигинг! — шунақа пайтда ошкор бўлиб қолади!»

Хўп, Мирза Фолиб, бу — олижаноб вазифа, бу — менинг бурчим, деб ўйлаб, турли тарихий воқеаларга бағишлаб китоб ёзди... Аввалига:

— Сомонийларга тегмай туринг! Шарт эмас! Мавриди эмас!

Кейин:

— Сомонийларни ҳамма ёзипти! Кўпайиб кетди!

Мирза Фолиб, ниҳоят — хайрият! — мақсадига эришди, денг... Хўш, нима бўпти?! Бирон нарса ўзгардимми?! Дунёни тўнтариб ташлайман, деб кутаётган эди. Қараса, китобини ҳеч ким пайқгани ҳам йўқ! Сувга тушган тош...

Умуман...

У қилаётган иш — у ёзган «тарих» кимга керак?!

Минораи-Калон тўпга тутилганини, етмиш йил — ичида сақлаб, оғзига талқон солиб ўтирган одамларгами?! (Энди барча сайраётганини қаранг!)

Юзлаб масжид, мадраса бузилганини сақич чайнаб, музқаймоқ еб томоша қилиб, ўтиб кетаверган одамларгами?!

Шаҳар қалъасини бузиб, ўз уйига арава-арава тупроқ ташиган одамларгами?!

Мирза Фолиб эслади...

Исмоил Сомоний! Узоқдаги тўзиб ётган денгиздан сурилиб келаётган туз кемириб-емираётгани кам; нақ мақбара пинжида олдинлар рақс майдончаси (бошқа жой қуриб қолган!) бўлар эди. Гумбирлаган ноғора, карнай, бадабанг мусиқа. Ярим тунгача оёқ тепиш...

Энди-чи?! Майдонча ёпилган. Лекин Бухорога Мирза Фолиб ҳар гал борганида кўради. Ерни титратган ўнта машинада темир-терсак ташиб, нақ (яна) мақбара пинжида одамлар курсида ўтириб атрофни томоша қиладиган каттакон ғалтак ўрнатишибди! Мирза Фолиб битта-яримтага гап тушунтиради. Тарихимизда икки Буюк салтанат ўтган, дейди. Сомонийлар билан Темурийлар даври! Араб халифалиги пайтида сомонийлар мустақил давлат барпо этишган; ўз эрки, ҳуқуқини тиклаган, дейди. Темури эса мўғуллардан еримизни озод қилган! Бу икки даврда илм-фан, маданият ниҳоятда ўсган, дейди. Тарихий обидаларнинг қадр-қиммати ҳақида анча баҳс юритади! Унинг гапини эшитиб, хижолат чеккандек, қизаришади. Мирза Фолиб суюнади. Демак, масалага тушунишди, деб ўйлайди. Ана шунда, томдан тараша тушгандек: «Бу иш Фалончи акамни таклифлари билан! Фалончи акам...» Мирза Фолиб кўзлари хонасидан чиқиб, кўлларини силкийди. Бўғилиб, бир ёқларга югуриб кетади. (Э-э, акангни... Аканг эртага ўлади; боласи ҳам эсламайди. Дунёни бузгани қолади! Эски гап,

эски ҳақиқат... Лекин буни кимга айтасан! Шу, олдиндаги одамларгами?!)

Хўп, бу кунлар ўтади; Мирза Фолиб — истеъдодли, омадли, — у катта тарихчи, машҳур олим бўлди! — дейлик. Ҳамма салом берадиган! Ҳисоблашадиган! Ўшанда, унинг ўз қисматидан кўнгли тўладими?!

(Тарихчининг дунёда қачондир манглайи ёруғ бўлганми?!)

Мана, унга устозлик қилган — икки олим.

Иккаласининг ҳам ҳаёти — фожиа.

Шошмасдан, кўздан кечириш мумкин.

Биринчиси — Санжар Маҳзун.

Иккинчиси — Илёс Ҳайрат.

Уларни одамлар билишар; китобларини талабалар қўлланма ўрнида кўришар эди. Лекин шундай тафовут:

Санжар Маҳзун. Китоблари Худонинг берган йили, эллик мингдан юз минг нусхагача босилар эди.

Илёс Ҳайрат. Китоблари аксар оз, икки мингдан уч минг нусхагача, ўшанда ҳам тўрт-беш йилда бир эълон қилинар эди.

Санжар Маҳзун. Катта давралар тўрида; кўпчилик яхши кўришар, тахаллус ўрнидами, уни негадир «Улуғ» деб аташар, номини «оқсоқол» деб тилга олишар эди.

Илёс Ҳайрат. Ўрни — пойгақда; баъзан, фақир киши панада, дегандек давраларга кирмасди ҳам. Уни киритишмасди ҳам. Кўпчилик фақат давра эмас, ҳаётда унинг бор-йўқлиги тўғрисида ўйламас; кўрганда ҳам, кўрмаганга олар эди.

Уларнинг тарихга бўлган муносабати икки хил эди:

Санжар Маҳзун. Одамлар орасида анча кенг тарқалган, одатда омма бўйсунган, яшовчан бир фикр-фалсафа эгаси эди. У, тарих — ўлик нарса; замонга хизмат қилдириш, замон ниманики кўтарса, ёзиш — тарихни шундай тирилтириш керак, дер эди. Ҳаётдаги ҳар бир ўзгариш уни қизиқтирар, масалан, бир иморат қулаб, янғиси тикланганида, у ҳам азоб, машаққат билан «янгиланар» эди. Ўтмиш китобларни «зарарли» ва «фойдали» деб иккига ажратар, «зарарли» деб билганларини ўқимас, ўқишни бировга маслаҳат ҳам бермас эди. Ўқиган китобларидан ҳам, — Ҳеродотми, Афлотунми, Арастуми?! — фарқи йўқ, — кўрқиб, фақат «фойдали» гапларни «терар», китобига киритар.

«зарарли» гапларни «қайчилаб» ташлар эди. Зиёли бир иш бўлмасин, халқ тарбиясига халал бермасин, деб жони ҳалак эди.

Илёс Ҳайрат. «Мен ўзимнинг шубҳамдан шубҳаланаман!» — деган файласуфга ўхшаб, кўз билан кўрган, қўл билан тутганини қўймайдиган, «тор доира»даги кишиларга хос йўлни танлаган эди. У — қўлида ўтмишдан даста-даста китоб, турли рангдаги қаламлар, — тарихни борича, ҳужжатларга асосланиб, дадил орқали, бузмасдан ёритиш керак, дер эди. Бу — одий нарса, лекин ҳеч ким тушунгиси келмаябди, деб бошини чайқар; тарих бизга даҳлсиз, бизнинг оптимизда турибди; ўзингга мослаб, ўзгартириб бўлар эканми, деб асабийлашар эди.

Санжар Маҳзун. Инсон, асосан, яқинми-узоқ тарихдаги хатолару гуноҳларни билиши, маълум хулосага келиб, ҳаётни давом этдириши керак; шундагина, инсон, бутун кечагидан яхшироқ, бахтлироқ яшай олади, деб тушунар эди. Одамни чангу губорлардан тозалаб, эзгуликка, юксалишга чорлаш керак, дер эди.

Илёс Ҳайрат. Тарихга бир ёқлама қараб бўлмайди; бутун тарих тундан иборат эмас, дер эди. Дунё азалдан рангин бўлган! Тун билан кун, зулмат билан нур — абадий! Оламда ҳамма нарса (ажиб ҳикмат!) жуфт яратилган; бу — ой билан қуёш, аёл билан эркек, гул билан тикан, дегандек гап; биз бундан кўз юмолмаймиз, мазмунида эътироз билдирар эди. Ўтмишнинг буюк тажрибасидан чекиниб, қанақасига покланиш, бахтли бўлиш мумкин, дер, бу фикр ўтмаётганига ажабланар эди!

Санжар Маҳзун. Ҳаётга хизмат қилаётган, тарихни тўғри, ҳаққоний ёритган олим, деб баҳоланар эди.

Илёс Ҳайрат. Кераксиз ноғаларни илгари сурган, тарихни бузиб кўрсатган, тухматчи, деб юритилар эди.

Улар иккиси — икки олам; Дунёпараст ва Илоҳиятчи эди:

Санжар Маҳзун. Инсон Ерда қурт-қумурсқадек, ўз-ўзидан бунёд бўлган; ўсиш-ўзгариш маҳсули; савотнинг бунга ҳеч қандай боғлиқлиги йўқ, деб ўйлар эди.

Илёс Ҳайрат. Инсон — коинот фарзанди; биз ҳали англаб етмаган бир мўъжиза, деган фикрда эди.

Улар бир-биридан узоқ — икки қутб эди:

Санжар Маҳзун. Юриш-туришида салобат, юз-

кўзида ҳар қандай — ғояга фидоий кишига хос ўз-ўзи билан ғурурланиш акс этар; исмига «Маҳзун» сўзи қўшилиб қолганига қарамай, ҳаётдан у мамнун эди.

Илӛс Ҳайрат. Эгнида уринган, баъзан ҳатто йиртиқ-сиртиқ кийим. Эзилган, чўккан. Ранги ўчган-қорайган, афти вижимлаб ташланган.

Санжар Маҳзун. Гаплашаётганда, бир қошини сал кўтариб-кериб, тикилади. Овози ширали, ёқимли; қўшиқдек. Қатъиятли, сўзини елга совурмайди. Мард, олижаноб, дейсан.

Илӛс Ҳайрат. Синиқ, эзгин товушда гапиради. Журъатсиз; ёш болага ҳам, кечирасан, дейди... Ичи тор; тоқатсиз; баъзан тили заҳар.

Санжар Маҳзун. Роҳат-фароғатда яшайди. Машина, дейсизми; боғ ҳовли, унвон, мукофот. Қаёққа қўл чўзса, қўли етади. Бу имкониятдан — у қисинмайди. «Нимагаки эришсам, ўз меҳнатим эвазига эришдим!»

Илӛс Ҳайрат. Уй-жойдан, турмушдан ёлчимаган. Ётиб-туришида тартиб ҳам, маза-матра ҳам йўқ; аҳмоқонами, жирканч... Ҳаётдаги имкониятлардан ор қилган, уялгандек қочиб юради. Одамлардан — оламондан бир оз ўпкаланиб (бир оз нафратланиб ҳам!) яшаётгандек туюлади. Баъзан қайсидир дўстими-шогирдини тутиб, дунёдаги барча кирдикорлар учун у айбдордек, аёвсиз сўқади. Лекин эртами-индини излаб-топиб, илжайиб келади, узр сўраб, кучади, тўлиб-тошиб ўзи ёзаётган нарсалар ҳақида дардлаша кетади... Дунёдаги у билган биргина лаззат; ичади! Деярли ҳар куни, эртадан кечгача ичади! Кўчаларда гоҳо йиқилиб қолади. Бирон таниш учраса, ёпишиб олади. Пулинг бўлса, ароқ, бўлмаса, бошқа дардисар харид қилиб, уни сийлашингни сўрайди. Баъзан пул ҳам сўрайверади. Ўлмасам, бир кун узарман, дейди. Кўпинча тийинга зор, оч-наҳор юради... Кеч тунда уйига қайтади. Ётади. Бироқ — бу нима?! — иродами, ишқми, эҳтиёжми?! — ҳар куни, албатта, қоронги саҳарда туриб, ювиниб-тараниб, китоб кўра бошлайди. Алла-нарсаларни белгилайди. Кейин, ёзади... ёзади! Офтоб ёйилгунича — бир кулумсираб, бир кўзларида жиққа ёш; — қимир этмай ўтиради! Офтоб ёйилгач, қоғоз-қаламни нари суриб, ўрнидан кўзғолади... Яна одатдаги ичиш, қисиниш, қашшоқлик — аянчли ҳаёт!

Бу икки олим билан дастлабки учрашуви Мирза Ғолибнинг ёдида эди:

Санжар Маҳзун. Бирон муносабат олдидан бўлса керак, уйда от сўйдирган; сал ҳаяжонланган-нотинч ҳолатда қассоблар атрофида айланиб, уларга кўрсатма бермоқда эди.

Илёс Ҳайрат. Уйда, калта, йиртиқ бир кўйлақда, яланг тахта устида бошини эгиб ўтирар эди. Унинг оёқлари остида — очилиб-очилмаган, ичиб-ичилмаган шишалар. Ўшанда хотини ташлаб кетган кунлар бўлса керак, уйда — бурчақда уюлиб ётган беш-ўнта китобдан бўлак нарса йўқ; уй ўғри ургандан баттар яп-яланғоч эди.

Бу икки олим четдан қараганда, бир-бири билан иши йўқ; аслида, бир-бирига адоватли; умр бўйи талашиб юришар; шу ҳолда — Илёс Ҳайрат олдинроқ, Санжар Маҳзун уч-тўрт йил кейин — энди! ўлиб ҳам кетишган эди.

Санжар Маҳзун. Кутилмаганда фалаж бўлиб, касалхонага олиб боришаётганида — йўлда қазо қилган эди.

Илёс Ҳайрат. Сирли, сабаби номаълум тарзда, хор-зорлиқда дунёдан ўтган эди. Унинг жасадини қиш куни, шаҳар боғидаги қуриган кўл этагида, балчиққа ботиб ётган ҳолда топишган эди.

Катта-кичик тарихчилар орасида, Илёс Ҳайрат ўлганида, унинг ўлими — ўз ажали ҳам, тасодиф ҳам эмас, жиноят содир бўлган, — бу ишда Санжар Маҳзуннинг қўли бор, деган гап чиққан; давраларда ҳамон шундай тахмин юрар эди. Санжар Маҳзунни бундай тупроққа қориш... ҳақиқатга тўғри келмайди. Узоқ! Лекин бошқа бир ҳақиқат! — Мирза Фолиб билар; гувоҳлик бера олар эди:

Илёс Ҳайрат. Ўлганидан кейин, китоблари кетма-кет, қайта-қайта босилиб, қўлма-қўл бўлиб; негадир «бир умр унга дўст, меҳрибон» кишилар кўпайиб кетди. Уни — ҳаётидаги бор белгиларни ўчириб ташлаб, йўқ сифатлар билан улуғлаш бошланди!

Санжар Маҳзун. Китоблари бирдан — қизиқиш сўниб, — яроқсиз бўлиб қолди. Ўзи ҳам — на мухлис, на шогирд эслайдиган — чўккан-ғариб ҳолатга тушди. Сўнги йилларда у тирик мурдага айланган эди...

Тўқайзорда бораётган Мирза Фолиб — шуларни хаёлидан кечирмоқда эди.

«Сенинг ҳаётинг — шу...

Сен — икки йўл ўртасида; қай бирини тутма, ба-

рибир! — қисматингдан кўнглинг тўлмайдди! Бахтли бўлолмайсан! Бу — азалдан келган тартиб, қоида!»

(Тарихчининг дунёда қачондир манглайи ёруф бўлганми?!)

Мирза Фолиб икки машҳур олимни эслаб, гўёки ўз ҳаётига ҳам бир йўла яқун ясаган эди! Бунга — ажабки, кўнглида лоқайдлик сезмоқда эди.

Энди жонида жон қолмаган; елкасидаги тугун, қўлидаги халта билан бирга — шундайгина дуч келган бир жойга чўзилгиси келмоқда, фақат ҳозирча жойни танлашга қийналиб тургандек эди!

Шундай бораётиб, ўз-ўзидан...

тўқайзор — шу тўқайзор; у катта йўлга ҳам чиқмаган эди; лоп этиб, анча кенг, узоқ-узоққа кетган, тик сўқмоқ оёқлари остига тўшалди.

«Сўқмоқдан — йўл, ирмоқдан — дарё!»

Тақдирга тан бераётган Мирза Фолибга қайтиб яна жон кира бошлаган эди.

Бироқ атрофга қараб, диққат қилганича, ажабланди:

у тўқайзорда озмунча юрмаганига қарамай, қўлидаги соатга қўшилиб, бу гал вақт тўхтаб қолгандек, офтоб нечундир боши устида михланган; уйдаги эски чилдирмага ўхшаб, ранги ўчган, тош қотган эди.

Буниси майли.

Мирза Фолиб кирган сўқмоқ сўнгида — булутми, босиб келаётган тошқинми?! — қандайдир парда тортилган; бу парда сўқмоқ бўйлаб, унга томон секин — сурилиб келмоқда эди!

Учинчи кўриниш

ХОҲ ИНОН, ХОҲ ИНОНМА

Борча топилур — бизга керак ёр
топилса...

Л у т ф и й.

Бир қуёш ҳажринда тундек, —
рўзгорим тийрадур;
Тонг эмас, гар тун киби —
мотам тутуб, йиғлормен...

А л и ш е р Н а в о и й.

Кўзларим васл интизори бирла бўлди чор-чор,
Печи зулфи ёдида, мен гўйиё бемор мор,
Бора-бора, бўлди ҳажр андуҳи — кун, — душвор вор,
Дўстлар, мен телба аҳволига йиғланг, зор-зор,
Ким солодур гаҳ-гаҳ ўт — кўнглумга тушган
хор-хор...

З а в қ и й,

Алишер Навоий газалига мухаммасган.

Тўқайзорда бирдек судралиб бораётиб, узоқ-узоқ-қа кетган, тик сўқмоқ оёқлари остига тўшалган Мирза Фолиб, энди бу ёғи нима бўларкин, деб ўйламоқда эди.

«Сўқмоқдан — йўл, ирмоқдан — дарё!»

Якка-ёлпи тўқайзордан — бу сўқмоқ яхши, албатта; катта йўлми, кичигими — бир ерга олиб ҳам чиқади, деган хаёлдан ҳозир Мирза Фолиб, ҳар қолда, таскин топмоқда; яна олдинга сурилмоқда эди.

Анча кенг сўқмоқ сўнгидаги — булутми, тошқинми?! — парда ҳам унга томон тўхтамай, сурилиб келмоқда эди!

Бу — Худонинг қандай балоси экан, деб ташвишланаётган Мирза Фолиб, орадаги масофа қисқаргандан-қисқариб, ниҳоят, илғай бошлади...

Рўпарадаги — булут ҳам, тошқин ҳам эмас, — шу ёққа бостириб келаётган одамлар экан!

Мирза Фолиб ҳаяжонланиб, саросималаниб қолди.

У кечадан буён — бир умидланиб, бир хавотирланиб, — одам пойлаётган бўлса ҳамки, ишнинг бундай кўчишини кутмаган эди... Уч-тўртта, боринги, ўнта, ҳатто юзта — кам; — жума намозидан чиққан жамоа ёки бозор қилгани саҳарлаб қишлоқдан шаҳарга кириб келаётган деҳқонлар сингари — сўқмоқда негадир тўп-тўп одам саф чеккан; бу — бутун бир қарвон эди! (Сен одамни кўрмоқчимидинг?! Мана, одам!)

Мирза Фолибнинг дам сайин таажжуби ортмоқда эди... «Булар ким?! Тўқайзорда, сўқмоқда нима қилиб юришибди?! Қаёқдан келишяпти-ю, қаёққа кетишяпти?!»

Шу палла мабодо рўпарада фақат бир неча киши кўзга ташланса, Мирза Фолиб ҳамон хаёли қочиб, хавотирланиши мумкин эди! Аммо ҳозир у ажабланмоқда эди, холос; осоишталигини йўқотмаган эди. Аксинча, — ялангликми, пана-пастқам ерми?! — кўпчилик бўлган жойда безовталаниш ортиқча, деб ўйлаб, хайрият, одамлардан йўлни суриштириш мумкин, деган хаёлдан кўнгли ёришганича, суюнмоқда эди.

Мирза Фолиб, шунинг баробарида, ҳаммадан кўпроқ уст-боши, афт-ангоридан алланечук қисиниб, уялмоқда эди... Шундай ҳолатда, у четланиб, одамлар яқинлашишини вазминлик билан кута бошлади.

Бироқ сўқмоқда келаётганлар яқинлашиб, уларнинг шакли-шамойили кўринган сари...

Мирза Фолибнинг тинчи бузила бошлади...

уни баёнсиз бир ғусса, ғам-андух чулғай бошлади.

Энг аввал, Мирза Фолиб, пайқади:

унинг қаршисидаги одамлар — у каби ғариб намоишда эди!

Кейин, Мирза Фолиб, яна пайқади:

буларнинг аҳволи уникадан ёмон; юз чандон хароб эди! Булар ҳаммаси қандайдир гадо; бечора-бенаво!

Кўп ўтмай, у эътибор берди:

сўқмоқда келаётганлар, асосан, майиб-мажруҳлар, чол-кампирлар, норасидалар эди!

Мирза Фолиб касалхоналарда ётган пайтлари, неча бора, дунёда дард ҳам, бемор ҳам етарли, бисёр экан; Худойим, бу касалхоналар мамлакат ичида бир мамлакат экан, деб ўйлаган эди. У ўз ҳаётида «Болалар уйи» эшигидан ҳам ўтган; «Қаровсиз кексалар уйи»га-ю, шу ғам-зада, унут гўшалар эшигида уймалашган қа-

рияларга ҳам кўзи тушган эди. Аммо Мирза Фолиб умрида бундай аламли карвонни кўрмаган эди! У ҳар хил «уй»лару «даволаш марказлари»ни вақти-вақти билан бир жойдан бошқасига кўчириб туришларини эшитган эди. Шу аснода, атроф-жавонибда ўшандай жойлар — бирон «оромгоҳ» бормикан?! Булар кўчишаётганмикан?! — деган хаёлга борди. Яқинлашиб келаётган одамларга эгилганча салом бериб, улардан дастлаб имкон қадар ҳол-аҳвол — кўнгул сўрашга чоғланди.

Лекин сўқмоқдаги одамлар Мирза Фолиб томон деярли қарамай, бир арқон билан боғлаб-тортгандек, зумга ҳам тўхтамасдан, олдинга сурилишмоқда; уларда гаплашишга на ҳол, на иштиёқ бор эди. Улар мулозатга жавобан, Мирза Фолибга: «Менинг болам йўқ!», «Менинг отам йўқ!», «Менинг онам йўқ!» — қабилида бир оғиз-ярим оғиз сўз айтиб, ўтиб кетишмоқда эди. Мирза Фолибнинг: «Сизга нима бўлди?» — деб берган саволига, қайсидир майиб-мажруҳлар нисбатан-бемалол қайтарган жавоб ҳам — барибир, узук-юлуқ, қисқа; қаноат ҳосил қилиш қийин — мавҳум эди:

— Сув ичсам, заҳар экан!

— Калламга осмондан темирми, бир нарса тушди!
Оғрийди!

— Аравамиз гилдираги чиқиб, ағдарилиб кетди!

Мирза Фолиб кимсасиз, ҳимоясиз, қўлсиз, оёқсиз — минг балога мубтало одамларга, юрак-бағри эзилганича, кўз ташлаётиб, сўқмоқ четида қотиб турар эди. У ҳозир, буларни янги бир фалокатми, саргардонликка солишган; аниқ, деб ўйлаётган; бундан, баттар — ўзини нақ шу карвон олдида гуноҳкордек сезаётган эди... Мирза Фолиб: «Бирон зот дунёда бу одамлар йўлига тикилармикан?! Эслармикан?! Зориқармикан?! Сен нақадар шафқатсизсан, ҳаёт!» — деб ҳам ўйлади. У беихтиёр, яна қисмат ўйини: одамлар сафида — одамнинг умр бўйи ёлғизлиги тўғрисида хаёлга ботган эди!

Бехосдан: «Керагим йўқ менинг ҳеч кимга!» — Байроннинг шеъри унинг қайтиб ёдига тушди. Мирза Фолиб Машрабни эслади: «Мени йўқлар кишим борму?» Кейин: «лутфийи-бечора... туман ҳасрат била!»

«Хўп, сен-чи?! Сен ёлғиз эмасми?! Сен кимгадир керакми?!»

Мирза Фолибни бу хаёл сескантириб юборди.

Умуман, одамлар ҳақида ўйлаш билан — шахсан ўз ҳақингда ўйлаш бошқа экан!

У бўйнини қисганича, ўз хаёлидан қочаётгандек, рўпарадан келаётганларга халал бермасдан, сўқмоқ чеккалаб бир неча қадам илгари юрди. Аммо яна тўхтади.

«Қочма! Ёлғизлик фақат бировлар эмас, сенга ҳам тегишли. Дунёга ёлғиз келгансан; ёлғиз кетасан... нега инсонни бундай яратгансан, эй Худо?! Кўп бўлиб, тўп бўлиб яшаса ҳамки, ўз аҳволини тушуниб, ўз ҳаёти бобида бир куни ўзи жавоб берсин учунми?! Бошқаларга гуноҳини ағдармасин учунми?! Тавба...»

Мирза Фолиб яна бир оз илдам босди. Яна тўхтади.

«Эҳтимол, сен онанг, опаларинг, уруғ-аймоқларингга керақдирсан! Хотининг, агар насиб этган бўлса! — боланга! Одамлар-чи?! Ўлиб кетмайсанми! Уларнинг сен билан чақалик иши йўқ. Керак бўлсанг, сени бу ерларга ташлаб, унутишармиди?! Саргардон қилишармиди?! Сенинг қаршингдаги шу мискинлардан фарқинг борми?! Сен буни пайқамай, парво қилмай юравергансан, холос...»

Мирза Фолибга уни ҳаёт сўқмоқдаги одамларга бекордан йўлиқтирмагандек туюлди. Қисмат улар билан Мирза Фолибни бирлаштириб юборган эди! Айни сонияда, у ўзини дунёда, айниқса, бахтсиз инсон, деб билмоқда; шундай ҳолатни теран ҳис этмоқда эди!

Дафъатан сергакланди:

карвоннинг олд сафлари Мирза Фолиб ҳалигина юлқиниб чиққан тўқайзорга кириб, кўздан ғойиб бўла бошлаган эди!

Мана, энди у, беихтиёр, мен ҳам йўлдан қолмаганим дуруст, деб ўйлаб, ҳаракатланиб, сўқмоқда кетаётганлардан бировни тўхтатишга уринган ҳолда, дардини ёрди:

— Кечирасиз, ота. Адашдим. Менга катта йўл керак.

Бироқ, ғудраниб:

— Катта йўл?! Билмадим, — кифтини қисди шошаётган қария.

Мирза Фолиб ўрта ёшлардаги бошқа бировга юзланди. Лекин яна жавоб ололмади:

— Биз катта йўлни билмаймиз!

Мирза Фолиб унга-бунга мурожаат қила бошлади. Аммо қанча уринмасин, натижа чиқмади:

— Катта йўлми?! Катта йўл йўқ...

Мирза Фолиб, катта йўл бўлмаса, кичиги; наҳотки, қудуққа тушган йўловчидек ночор аҳволдан қутулишнинг бирон-бир йўли топилмайди, деб ич-ичида озорланиб, оғринди. Бу одамлар йўлни билишмайдими, айтгилари келмаяптими?! — майли; ўзим тўғрига қараб кетавераман, сўқмоқ ахийри бир ерга олиб чиқади, деб қарор ҳам қилди. У шиддатланиб, шунинг баробарида, рўпарадан келаётганларга халал бермасдан, катта-катта одимлай бошлади. Анча олдинга юргандек бўлди...

Ниҳоят, шунчаки осмонга қараб, тўхтаб қолди.

Йўдаги эски чилдирмага ўхшаб, офтоб ҳамон, нечундир бир нуқтада михланиб турар эди!

Мирза Фолиб ажабланиб, қаршисидаги қарвонга тикилди.

Карвоннинг охири кўринмаётган эди!

Мирза Фолиб бунча одам тўқайзорда, сўқмоқда нега, нима қилиб юрганига аввалдан-ҳозиргача тушунмаётган эди! Бу одамлар тўғрисида аниқ ҳеч нарса билмаслигини ҳис этиб, янада ҳайратга ботганидан, ўтиб кетаётганлардан бировни енгидан ушлаб, саволга тутди:

— Кечирасиз. Қаёқдан келяпсизлар?!

Сўқмоқдаги одам енгини унинг қўлидан бўшатиб, кетаётганича, жавоб қайтарди:

— Бухородан!

Мирза Фолиб эсанкиради... Бу одамлар — Бухоро эмас, Самарқанду Тошкентдан ҳам олис масофада — бу ерда яшаб ёки даволаниб юришибдими?! Ахир, «оромгоҳ» — қамоқхона эмас-ку; одамни бунчалик овора қилишмас?!

У бояги одамга ишонмаганидан, бошқа бировни тўхтатишга уринди... Аммо бу кимсанинг жавоби олдингисидан ҳам ўтиб тушди:

— Бухородан! Подшоҳим олдидан!

Мирза Фолиб баттар эсанкираб: «Булар руҳий хаста одамлар бўлса керак?! Ёки, мен ақлдан оздиммикан?!» — деб ўйлади. Ҳозирги кунда, Бухорода подшо борлиги унинг тасаввурига сиғмас эди!

— Қайси подшо олдидан келяпсизлар?! — сўради, барибир.

— Амири саъид Абул-Ҳасан Наср...

Абул-Ҳасан Наср минг йил бурун яшаб ўтган!

Мирза Фолиб тажанланди... Масалан, жасадга қараб, бировни эслаш, ҳатто бировга ўхшатиб, хотирангда тирилтириш — бошқа; бундай минг йил олдинги одамларни тириқдек кўз ўнгингда кўриш эса — бошқа, албатта. Мумкин эмас... Шунга қарамасдан, у, икки ўртада музокара бораётгандек; яна савол ташлади:

— Қаёққа кетяпсизлар?!

— Бизга ё ҳаким, ё ҳоким керак!

Мирза Фолиб элади... Абул-Ҳасан Наср замонида ҳали Ибн Сино туғилмаган эди! Лекин Бухорода унинг дунёга келиши учун бешик-йўргак тайёр; унга йўл очган ҳакимлар яшар эди! Ҳоким-чи? Бу — айна сомонийлар ҳукм сураётган давр эди!

У яна қизиқсиниб сўради:

— Ҳаким ҳам, ҳоким ҳам Бухорода эмасми?!

— Бухоро ҳозир ёниб ётибди...

Мирза Фолиб учун: Бухоро нега ёниши-ю, одамлар нега алаёқларда тентираб-улоқиб юриши керак! — қоронғи эди. Бироқ буни у сўраб ўтирмади. Бухоро ўт ичида қолган, одамлар саргардон бўлган пайт камми?! Мирза Фолибнинг хаёлида замонлар қоришиб кетганидан, ажабки, у ҳозир биринчи гада, Бухоро ёнаётган бўлса, менинг яқинларим, Мастуранинг яқинлари нима қилишаётган экан?! — деб ўзича алланечук ташвишланди.

Кейин, аввалгидан минг қатла кўпроқ таажжубланиб, яна карвонга тикилди...

Бу одамларнинг кийими, афт-ангори — бутунги кун; гаплари, ҳолатлари, дардлари — минг йиллик эди!

Мирза Фолиб яна: «Булар руҳий хаста одамлар бўлса керак?! Ёки, мен ақлдан оздиммикан?!» — деган хаёлга борди. Беихтиёр элади... Бир кинофильм бор эди. Қаҳрамонлар хотирасида ким, нима азиз туюлса, йўқдан мавжуд бўлар — жонланаверар эди! Яна бир киноасар Мирза Фолибнинг ёдига тушди. Олижаноб, беозор қария нимани ўйлаб-гапирса, — амалга ошар; ўзидаги бу хислатдан қўрқиб яшар эди. Гап шундаки, қария кимгадир, масалан «ер юткур!» — деса, бас, ер ёрилиб, кириб кетаверар эди...

Мирза Фолибни ҳам кечадан буён шундай бир каромат жунбушга келтиргандек эди! Бу — унинг беҳад толиққаниданми?! Ёки, уни домига тортган тўқайзор сирли — «оғир» жой эканми?! Ёки: «Инсон ҳаётида

Тарих, Замон, Келажак яшайди!» — деган гап кони-ҳикматми?! — Мирза Фолиб буни билмас эди... буни билиш ҳозир Мирза Фолиб учун муҳим ҳам эмасди! Муҳими. у энди сўқмоқдаги одамларни ҳадеб безовта қилавермай, бошини эгиб, ер чизганича, яна бирдек олдинга судралиб бормоқда; мен тўғри қибла тарафга қараб кетяпман, мен катта йўлга чиқишим шарт, деб ўйламоқда эди!

Мирза Фолиб олдинга сурилмоқда; лекин ёнидан дарёдек оқиб ўтиб кетаётган одамлар барибир хаёлида эканлигидан, юрак-бағри ҳамон эзилмоқда; баралла янграган оҳангдек бир нидо кулоқларида акс садо бермоқда эди:

— Бизга ё ҳақим, ё ҳоқим керак...

Мирза Фолиб — ҳақим ҳам, ҳоқим ҳам эмас! Буни умрида у интилиб-ҳавас ҳам қилмаган! Аммо бошқа бир нарса аён: Мирза Фолибни ёшлиқдан, одамлар дунёда бир оз бахтлироқ яшасин учун, буюк бир ишлар қилиш истаги қийнар эди! У нимадир, қандайдир чора кўриб, бу мақсадга етгиси келар эди! Ёҳу...

Мирза Фолиб бу мақсадга эришмаган...

эришолмаган...

эришолмайдиганга ўхшар эди!

Нега?!

Унинг ҳаётида чинакам МУҲАББАТ етишмагани...

«Юртни,

ҳаётни,

одамларни севмоқ учун,

Оллоҳни севмоқ учун —

қонингда худбинликни қатра-қатра ўлдурмоқ,

фидойий бўлмоқ,

энг аввал —

бир жонни севмоқ керак!

Бир кимса — бир жонни севмай туриб,

юртни,

ҳаётни,

одамларни севмоқ мушкул;

айниқса, Оллоҳни севиб бўлмайди!»

Мирза Фолиб Мастурага нисбатан муносабатини эслаб, яна ўз ёғида ўзи қовурила бошлаган эди.

Севги тўғрисидаги ўйлар эса ҳозир ёдига тушган, холос; уники эмас...

Лутфийники! —

Лутфийнинг ҳаёти, ёзишмаларидан келиб чиқадиган — туб маъно эди!

Мирза Ғолиб эслади...

Лутфий ёзган эди:

*Валвала солди кўзларинг —
кофиру аҳли дин аро...*

Кофирлик-куфр — ёвузлик. Кофирни нима учун аралаштиряпти, дейсизми?! Инсон, севгандан кейин:

*Мен агар кофир эдим,
эмди мусулмон бўлдим...*

Бунинг учун шукрона келтириш керак:

Сени кўрган сайин, — Оллоҳ! — герман...

Ниҳоят, ошиқнинг очиқ-ойдин иқрори:

*Қилманг мени ишқ учун маломат, —
Чун ишқни ҳам Худо яратди...*

Мирза Ғолиб юрак-бағри эзилган, ўкинчми, армонни ҳис этган ҳолда, елкасидаги, ҳатто қўлидаги юкнинг оғирлиги сезилиб, ҳаммаёғи симиллаб оғриб, азобланганича, илдам бормоқда; шу билан бирга, гўёки зинама-зина — ўзи то бугун англаб-англамаган, — хаёл теранликларига тушиб, у ҳам энди мусулмонлик — Чинакам Ишқ иқрори манзараларини очиқ-ойдин кўрмоқда эди! Бир пайтлар Лутфуллани мафтун этган бу манзаралар энди ўз-ўзидан, парча-парча Мирза Ғолибнинг юрагига кўчмоқда эди...

Инсон ҳаётида қачон, қандай кутилмаган воқеа рўй беришини Худодан бўлак ҳеч ким билмайди!

Ҳали ёши янги йигирма учга чиққан, мадрасада муллавачча Лутфий, кунлардан бир куни Ҳиротдаги бозорни ёнлаган катта кўчада кетаётган эди. Шу кунлар у анча ғазал ёзган, кайфияти хуш, ғазалларидан бирини ўзича хиргойи қилмоқда эди:

*Гул чехралар — очунда агар сағ ҳазор эрур,
Сайд этгувчи кўнглум қушин — бир ниғор эрур...*

Дунёдаги минглаб гўзаллар ичида бир нигор ҳали унинг кўнгул қушини сайд этмаган эди! Бозор орқада қолиб, у ҳаммом ёнидан ўтаётганини пайқади. Шу пайт...

ҳаммомдан чиқиб, шошганча кетаётган бир тўп қизларга кўзи тушди. Қизлар орасида бўйи тикроғи бошини буриб, унга қаради. Дугоналарига нимадир деди. Улар ҳам бурилиб қарашди. Кейин, гур этиб кулишди. Бунга — унинг қизларга маҳлиё бўлиб, бир лаҳза саросималангани боисми, бошқами?! — у билмас эди.

Бўйи тикроқ қиз юрагига ўт солган эди. Ўз йўлидан кетаётганга олиб, қизларга эргашди.

Ҳали бедард, телба-жиловсиз, мужаррад йигит эди. Хаёлига ҳар бало келиб, шу дамда ўйлаганлари шеърга ҳам айлана бошлади:

*Ҳаммомга азм айлағач — ул шўхи ситамгар,
Ҳаммом юзи — акси била бўлди мунаввар.*

*Гулдек танигин чунки арақ бўлди равона, —
Ҳаммом — гулоб иси била бўлди муаттар.*

*Сув ғайратигинки, танига терги гамо-дам, —
Жоним бори сув бўлди-ю, ҳолим дағи абтар.*

*Эй кошки, мен бўлғай эдим — олига ходим, —
То васл туни бўлғай эди бизга муяссар...*

Унга ўзи нега бундай шеър тўқиб, қизларга эргашаётгани номаълум эди; ўзаро гаплашаётган қизлардан бирининг сўзи қулоғига чалинди: шоир!

Хатти-ҳаракатиданми, хаёллариданми?! — хижолат чекиб, йўлини бурди. Кейин, кетди. Кетаверди...

*Йўлдан озди ногаҳон — зулфин кўруб, мискин кўнгул,
Йўллар эгри, тун узун...*

У баъзан эгаси йўқ, баъзан ўткинчи бировларга бағишланган ғазаллар ёзган; кўчилик бир-бирини ҳар кун кўриб турган, таниган — кафтдек Ҳиротда ўз номи қолиб, алақачон Лутфий, Шоир, деб аталишга ўрганиб қолган эди. Шунга қарамасдан, назарида, ёзганлари ҳали бир оз пала-партиш, жўн, умумий эди.

Форсий шеърятда Саъдий, Ҳофизга тенглашиш қийин; туркий шеърятда эса «агар шер бўлмаса, бори паланге» дегандек, уларнинг олдидан «паланге» даражасига ҳам етадиган шоир йўқ эди. Шеърга «ғўзал либос кийдириш»га уриниш бор эди, холос. Буни ҳис этганидан, ўз ёзганларидан ҳам унинг кўнгли тўлмаётган эди!

Эгри-бутри, қоронғи кўчаларда тентираб юриб, бутун у хаёлга ботган, қандай ҳолат рўй бераётганини англамаётган эди... Гап қизлар уни, шоир, дейишганида эмас! Ҳеч қачон бундай бўлмаган эди. У аввалида қизларга девонавор эргашган, хаёлидан бемаъни, ҳатто бепарда гаплар ўтган; мана, энди... унинг қаршисида сирли бир олам эшиги очилиб, у кириб-кирмасликка ақли етмай, остонада анқайиб қолгандек эди! Бўйи тикроқ қиз унинг кўзи олдидан кетмаётган эди:

*Кўз юмуб очгунча —
ҳолимни дигаргун айлади...*

Бу қизни у ҳуркитиб — хаёлидан қочириб қўймаслик учун титраб-ҳаяжонланиб, аниқ белги ҳам қидира бошлаган эди:

*Не хуш ярашур қаддингга —
ул шаклу шамойил...*

Яна, аниқроқ:

*Гулгун қабо нетак кучар —
ул инчка белни...*

У ора-орада ширин энтикиб қўяр эди:

Қайдагур ул бахтким...

Уни шоирликдан ташқари, салкам мударрис, дейиш мумкин; диний ва дунёвий пухта таълим олган, шаҳардаги йиғин-давраларда обрў-эътиборга эга эди. Бунинг устига, унинг тенгдошлари тартибга кўра ўн олти-ўн саккиз ёшда уйланиб, фарзанд кўриб, «қариб» қолишга кам улгуришган эди! Бироқ у болаликми, ўсмирликми даври ҳамон давом этаётгандек, жиддий тортиб — салобатга киришни ўйламаган ҳам эди.

Мавқеи, улғая бошлагани билан — бу ҳолат ўртасида-
ги зиддият кўзга яққол ташланар эди!

Мана, ўша воқеадан кейин бир ойча вақт ўтди.

У телбаланиб, кеч тунгача кўчаларда кезар, бозор,
ҳаммом атрофларида айланиб, «ул шаклу шамойил»ни
излар, узоқдан яна бир кўрмоқни истар эди. Негадир
«дилраболиқ фани», «дилраболиқ ояти» деган сўзлар
хаёлидан кечар, уларни сабоқдек пичирлар эди. Мут-
тасил қаршисига, ҳавога тикилиб: «Недур отинг, қаю
ерлик парисен?!» — деб сўрар эди. Унга баҳор —
энди буюрган эди!

Излаганида эмас, яна тасодиф дуч келди.

Мадрасадан муллаваччалар билан чиқиб кетишаёт-
ган эди; кўчада ғуж бўлиб бораётган қизлар...

*Лутфий кўрмас ул юзунг;
Кўрса, дағи беҳуд бўлур... —*

У дилрабоси юзини кўрмаган; бурқаъ остида
кўрмаётган ҳам эди. Лекин ёнидан ўтгани заҳоти,
кўнгли билан «таниди».

Шу сонияда ўйлади:

Бурқаъни кўтар, тенгри учун...

Аммо ўз хаёлидан сесканиб, бунга терс ҳолда, яна
ўйлади:

*Кўрқиб ўлармен, —
эл кўзи теккай, дею сенга...*

Унинг юраги суюнчга тўлган; қизни учратганидан
ташқари, назарида, қиз ҳам унга қараган, уни «тани-
ган» эди:

*Эл билмасун, деб
ул қоракўз лутф ила менга —
Ўғрин боқарни ўргатур учун,
қиё боқар...*

Қиз дугоналари орасида, ниҳоят, узоқлашди:

*Ул тани сиймин уза, —
ел терса, титрар кўнглаки...*

«Сен уни яна бир кўрмоқчи эдинг! Шу бас, деб ўйлаганмидинг, Лутф?! Бас — эмас экан! Бори олдинда экан... Оллоҳ-Оллоҳ! Бу қандоқ дард?! Қандоқ исён?! Инсоф бер!..»

Кунлар. Тунлар...

Зорлик. Интизорлик...

«Чора недур ҳукми Ҳақ ичра?!»

Анча пайт шу алфозда ўтиб...

олдиндан таниш туркистонлик ўзбеклардан, маълум муддат Ҳирот шаҳрининг доруғаси (маъмури) ҳам бўлган обрўли беклардан бири уни Хўжа Аббос мавзеидаги ҳовли-боғига суҳбатлашиб, янги ғазаллардан эшитиш учун меҳмонга чақирди.

Бекнинг уни бундай таклиф қилишига яна бир сабаб бор эди.

У болаликдан мусиқага қаттиқ қизиқар, фақат туркий эмас; арабий, форсий, ҳиндий, озарий оҳанглари яхши билар эди. (Кейинчалик мусиқа бобида янгилик яратишга уриниб, унинг китоб ёзгани бежиз эмасди!) Айниқса, қўлида сетори бор; баъзан дилкаш давраларда сайратар эди! Бек шеърятдан ҳам кўпроқ мусиқага ишқибоз; мусиқасиз яшаш мумкин эмас, деб тушунадиган кишилардан эди.

Бек боғ эшигида қаршилаб, уни ичкарига бошлаб кирганида, бир оз кечикканидан, унга катта давра тўпланиб, ўзини кутаётгандек туюлган эди... Аммо у бекнинг ёлғиз меҳмони экан; хонада ҳеч ким йўқ эди. Кенг, баҳаво хона юпқа парда билан иккига бўлинган; парда орқасида шунчаки кўрпачалар ёзиб, парқулар ташлаб қўйилган, бу томонда эса ўртада хонтахта; дастурхон — тузалган, тайёр эди.

Аввалига — хизматкорлар югурган-елган; зиёфат-зарофат бўлди. Кейин, улар Амир Темур салтанати барқарорлиги, қўлдан-қўлга кўп ўтган Ҳирот — ана, неча йилки осойишта эканлиги — ҳар бобдан бир шингил суҳбатлашишди. Ниҳоят, бек сеторга имо қилди:

— Недур чолсангиз! Сўгун ғазал бўлса бўлмай...

У сеторни қўлига олди.

Бек шу пайт қўшиб қўйди:

— Агар мумкиндур, бизнинг бир ожизамиз-да, тингламай...

У бехос парда орқасида ўтирган санамни кўрди. Санамнинг қачон, қандай хонада пайдо бўлганини

сезмаган эди! Буниси майли... Бу — унинг дилрабоси эди!

Сеторни сайратди.

Бир неча куй чалгач, олдин ёзилган ғазаллардан ҳам ўқишга тутинди:

*Гул чехраларнинг жавридин
қат-қат бу бағрим қон эрур...*

Бек сел бўлиб ўтирар; мамнуң, бахтиёр эди.

Унинг дилрабоси-чи?!

Ғазаллар ўқиб-тугалгач, —

у бошини кўтармай, секин парда ортига қаради:

*Илгин ўпуб, —
оёғина кўнглак энги тушар...*

Бекнинг қизи — ўктам, бунинг устига, билимли-фикрли экан; парда орқасидан унга мурожаат қилди:

— Маъзур тутқайсиз! Мусиқадин ғазалингизга, наф теккайму?!

— Иншооллоҳ, теккай! Мусиқани билмай, улус не сўйлаб, не куйлашин илғамоқ, англамоқ мушкул. Алар бир-бирларин тўлдурғусидур!

— Ишқи илоҳий, ишқи мажозий, дейлар. Сиз қай бирига амал қилурсиз?!

— Борчаси Оллоҳдин! Оллоҳ ишқ бермаса, дунёда ҳеч нимарса бўлмағай. Бир кимсага муҳаббат қўюб, ҳар кимсанинг бахтин ўйламоқ, улусни ўйламоқ ҳам Оллоҳнинг инояти!

— Ушбу ғазаллар бир кимсани ўйлаб, ёзилғонму?!

— Ҳоло йўқ. Насиб этса...

Шу куни бекнинг уйидан Деҳқанордаги ўз ота-ҳовлисига қайтаётиб, рўй берган мулоқотдан — тақдирнинг бундай ўнг келганидан, унинг ҳаяжони ичига сифмаётган; кўкси кўтарилган; у шунчалар бахтли эдики!..

Кўчада кетаётиб, қўлидаги сеторни ҳавога отиб-отиб ўйнатиш, одамлар тўпланган бирон жойда тўхтаб, ер-кўкни тутадиган янгроқ куйлар чалиб беришни истамоқда эди...

Шунинг баробарида, у яна дилрабосига тегишли аниқ белгилар изламоқда эди:

Солди Туркистон элига —
Лутфийни кофир кўзунг...

Бундан-да, аниқроқ:

Улус ичинга гурур —
Ўзбегим қиё кўзлук...

У кўчада кетаётиб, дилрабосига юзлана: «Мен йи-
роқдиң жон берурман!» — деб нидо ҳам қилмоқда
эди!

Шу тун узоқ ухлаёлмади.
Ўзича кулумсираб, ўйлар эди:

Бормағил уйқуға, эй кўз, —
Сен хаёлигин уёл...

Ниҳоят:

Тушимда тутдум илкима —
кўнглаки енгини...

У энди дилрабосининг оти не, қаю ерлик пари
эканлигини билар, аммо бундан суюниш билан бирга,
изтироб чекар эди. Шундай терс ҳолат: дилрабосини
кўриши мумкин-у, мумкин эмас! — эди. Аввалгидек
кеч тунгача кўчаларда кезиш ёки Хўжа Аббос мавзеи-
га бориб, қизни учратишга уриниш — осон; лекин,
бу — қанчалик азоб бўлмасин! — сақланиш керак... у
беқдан истиҳола қилар, айниқса, қизнинг кўнглига
озор етказиб, бор муносабатни ҳам бузиб қўйишдан
қўрқар эди!

Шу йўсинда орадан икки ойдан ҳам кўп вақт ўтиб
кетди.

У бир қанча янги ғазаллар ёзди. Унинг ғазалларини
мухлислар, одатда, бир-бирларидан кўчириб, ҳам-
маёққа тарқатиб юришарди. Бу гал ғазаллар одамлар-
га фавқулодда таъсир қилиб, бутун Ҳирот бўйлаб тар-
қалиб, унга илк дафъа шуҳрат келтира бошлагандек
бўлди.

Ана шунда...

Гулгундан хат келди.

Гулгун уни уйга таклиф қилган эди!

Шунчаки таклиф ҳам эмас... қоронғи тушганида,

ҳовли-боғнинг орқа томонидаги дарча олдига келиши-
ни сўраган эди!

Борди...

Гулгуннинг хос чўриси уни боғ этагидаги шам
ёқилган, ердан баланд кўтариб қурилган қандайдир
хонага бошлаб кирди.

Мана, Гулгун шам ёнида, хона тўрида, у — пойгак
томонда; юзма-юз ўтиришибди.

— Эмди газаларингиз бир кимсага ёзилгонму? —
деб кулиб сўради қиз.

— Бир кимсага...

— Сўйланг!

У ҳаяжонланиб-саросималанди:

Айтайин, герман сенга кўнглумдагин,

Не дейин?!—

билурсан ўзинг, эй бегим...

Йўқ, гапга-гап улана бошлади.

Уни қизнинг юзига бир қур назар ташлаш истаги
ўртамоқда эди:

Учар руҳим —

сенинг юзунгни кўрсам...

У ўзича ўйламоқда эди:

Бурқаъ очғил чехрагин...

У яна ўйлади:

Юз очғил, —

қўз сени тўйгунча кўрсун...

Унинг кўнглидан кечаётганини Гулгун ҳис этдими,
юзидан бурқаъни кўтарди. Аммо шам томонга бури-
либроқ ўтирди:

Бурқаъ олғонда, юзунгни —

шам кўрмиш тун-кеча...

Аммо сочларини парда қилди:

Сочинг била юз ёрмағил-у,

Лутфийга кўргаз...

Аmmo қизариб кетди:

*Гулдек қизарур юзи — назардин, —
Ҳай-ҳай не бало, ҳаё бўлурму?!*

У ўзича ўйлади:

*Кўзўм юзунг сори бехост боқса, —
ман этма...*

У яна ўйлади:

*Ул юзу зулф учун ўлайин —
менки, оллига...*

У ажиб ҳолатни туйди. Қизнинг юзини кўриш ба-
робарида, кўргиси келиб, соғинмоқда эди:

*Юзунг ногоҳ кўруб, ойдек
соғиндим...*

Бу мулоқотдан кейин улар узоқ — бир йилдан
кўпроқ вақт кўришишмади!

Бурқаъни кўтариб, юзини бир қур кўрсатган Гул-
гун, унга қайтиб кўриниш бермади!

У ўша — хаёлдек учрашувни деярли ҳар куни эс-
лаб, ўзича ўйлар эди:

*Бахт шукрин айла, Лутфий,
давлати дийдор учун...*

У хўрсиниб қўяр эди:

Эй роҳати руҳ...

Гулгун уни буткул унутди, деб ҳам бўлмас эди!
Баъзан хат ёзиб турарди.

*Сўзламак бўлди — битик бирла-ю,
Кўрмак — уйкуда...*

У ҳам: «Ўқи, бу Лутфийи-мунглуқ, ниёз-номаси-
ни!» — деб жавоб ёзар, янги газалларини ҳаммадан
олдин Гулгунга юбориб турар эди.

Унинг юрагида кун-тун бир умид яшар эди:

*Не бўлмай агар
Лутфий-бечорани сўр-санг...*

Аммо кейинги йил баҳори ҳам ўтди. «Ёз бўлди...»

*Ёз фасли; борча шог-у,
кўнглимиз ямнок эрур...*

Гулгундан яна хат келди:

То эшитдим гулбаримнинг оқриқин... —

Гулгун хасталаниб ётганини билдириб, ундан келиб-кетишини сўраган эди!

Таниш боғ. Таниш дарча. Таниш чўри...

У шам милтираётган хонага кириши билан, болишларга суялиб-чўкиб ўтирган Гулгун мурожаат қилди:

— Сўйланг! Ўқунг!

Ўқиди:

*Жамолнинг шамъина парвона келдим,
Фироқ ўтина ёна-ёна келдим.*

*Пари рухсора — сендек гулрабони
Кўройин, деб мени девона келдим.*

*Қошинг ёсин кўруб, ийг ойигур, деб —
Қошингда Лутфийдек қурбона келдим...*

Шу кундан бошлаб...

*Чу йўл эрди кўнгулга —
кўнгулдин...*

улар ҳафтада бир кўриша бошлашди:

*Бўлмай асари бахт, гаги толеи масъуг —
Гар ҳафтада бир кўрса ўшал моҳлиқони...*

Гулгун энди тез соғая бошлади. Бир оз тўлишган; янада кўркамлашган. Эгнида — куртаи зар; ҳарир; «кеши жуббани кийган моҳи само!» Қисқаси:

Сурагингни кимки кўрди, қилди, жоно, —
жон фиго...

Орада кундан-кун дўстлик — яқинлик пайдо
бўла борди. Улар иккиси ҳам бир-бирини севгандек
эди!

Шу кунлардаги муносабат...

Энг аввал:

Сени — менинг киби ошиқ яратса,
нетгай эди?!

Кейин:

Оғзинг ўлдурди табассум бирла...

Кейин:

Умид эрди —
бирор кўнлагин енгин тутсам...

Кейин:

Кумуш билакларингизни —
енг ичра ёшурманг...

Шундан кейин:

Бир зулфини тутқач, —
яна бир — қўл узотдим...

Кейин:

Сиймдек янгоқин дедим: «Ўпарман!»,
Айтур: «Тамаъинг эрур бори хом!»

Аммо кўп ўтмай:

Эмди кўй — юзума юз...

Кейин:

Дуодонингдин эмасгур айб сўрмоқ...

Кейин:

*Шарт қилдингким: «Сени мен ўлдурай!» —
ўлдурмадинг...*

Шундан кейин:

*Айб эмас қилса кўнгул —
ул инчкә белнинг фикрини....*

Кейин:

Ҳар бир кўпушингда, ётишингда, боқишингда...

Ниҳоят:

*Ҳаргиз ўларму ул кишиқим — йилда бир кеча, —
Тонгға тегинча, сен киби бир сиймбар қучар?!*

Бу кунлар унга абадий бўлиб туюлар; бахтиёр эканлигидан: «Йиллар сени кўрсам — менга бир дам-ча кўринмас!» — деб ўйлар эди. У Гулгунни энди ўзиники деб билган, «Офаринлар ушбу бахт-у, толеи сайёраға!» — деб юрган эди...

...Гулгуннинг хатти-ҳаракатида бир ўзгариш сезила бошлади.

Бу — дастлабки кунлардаги Гулгун эмас! Баъзан кўзига ёш олар, инжир, баъзан зардали-кескин оҳангда сўзлашар эди. Унинг муҳаббатига қачондир зориққан қиз, негадир аввалига: «Севсанг, нима қилай?! Севма!» — дегандек муомала қила бошлади:

Сен мени севдинг, дебон — не ёзгурурсан...

Кўп — Лутфийдан — севар мени, деб юз звурмагил...

Лутфийни — севар, деб...

Бундан кейин: «Сен мени севмайсан! Ҳазалларинг ҳам менга ёзилмаган!» — қабилида уни тергаб-қийнаш бошланди:

Дилбар кўп этар ноз...

Бир сен киби — жафочи-ю, айёра йўқдурур...

Лутфийни агар ноз ила ўлдурса, — ажаб йўқ...

У қизнинг ҳолатига бошда аҳамият бермасликка уринди. Парво қилмай, ҳатто ҳазил-хузилга йўйиб, қизни ҳам шу кайфиятта мойил этгиси келди:

*Жафони жонима оз қилки, ногаҳон бир кун
Жафо туганса; нетарсан — жафо керак бўлса?!*

Лекин натижа чиқмади; Гулгун совиганми?! — ўзгарган эди.

Унинг аста-секин юраги зардобга тўлиб, хаёли қоча бошлади:

*Чек жафову жавру нози — борини, —
Бир кун ўлғайким, дегайгур: «Бор-бор!»*

«Бор-бор!»

Гулгун энди кўришган пайтларда ундан ўзини узоқ тута бошлади. Торта бошлади.

Уни ҳафтада хат ёзиб, йўқламайдиган ҳам бўлди. Гоҳ ой, гоҳ бир ярим...

У ҳам шу кунлар қизнинг муомаласидан бир оз юраги зада ҳолга тушгандек эди:

*Ишқ Лутфийни анинггек ҳолга еткурдиким, —
Йўқдур ул ойни кўрарга тоқату тоби анинг...*

Худди шу пайтда...

у беихтиёр...

орада Ўзга киши — Рақиб пайдо бўлганини ҳис этди!

Унинг юрагидаги ўтга мой сепилди!

У ўзи биқиниб ётган уйдан девонавор кўчага отилди...

*Сенсан севарим, хоҳ инон, хоҳ инонма,
Қондур жигарим, хоҳ инон, хоҳ инонма.*

*Ҳижрон кечаси чархи фалакка етар, эй моҳ,
Оҳи саҳарим, хоҳ инон, хоҳ инонма.*

*Ҳаққоки, қилич келса бошимга, эшикингин —
Йўқдур гузарим, хоҳ инон, хоҳ инонма.*

*Усрук кўзунг ашколина ҳар гаҳ назар этсам,
Қолмас хабарим, хоҳ инон, хоҳ инонма.*

*Яъқуб бикин кўп йиғидин қолмади — сенсиз, —
Нури басарим, хоҳ инон, хоҳ инонма.*

*Ой юзунга кўз солғали — ўзга киши бирла,
Йўқдур назарим, хоҳ инон, хоҳ инонма.*

*Ишқ ўтида Лутфий юзи — олтунни ёшурди,
Эй сиймбарим, хоҳ инон, хоҳ инонма...*

Ўзга киши — Рақиб, аслида, алақачон пайдо бўлган эди!

Тўғрироғи, орага Рақибнинг ўзидан олдин — номи кирган эди!

Ёшлигидан Амир Темур ҳузурида хизмат қилган, Темурга яқин сипоҳи (юз боши)лардан — тўртинчи даражали амирлардан бири жангда қўлидан ажраб, мажруҳланиб, Ҳиротга — ўз уйиға қайтган эди. Бу йигитнинг Султон Соҳибқиронга садоқати, жанглардаги жасорати, қахрамонлиги тўғрисида бутун Ҳирот сўзлар эди.

Гулгун йигитни эслаб, бир неча марта қизиқсиниб, сўз очган эди... У-чи?! Чап қўлини ёнида бириктириб юрган, манглайда безакли ўтоға (ҳарбий белги), қилич таққан хушбичим сипоҳини у ҳам билар; кўчада, давраларда кўрган эди... Бироқ номидан кейин, бир куни сипоҳининг ўзи орага кириши унинг хаёлига келмаган эди.

Умуман...

аввалдан, у билан Гулгуннинг муносабати — азалдан бор тартибга эид; анча чигал; бахтсиз муносабат эди:

Гар қаро қайғу — насибим бўлмаса юз соридин, —

Мен — ким эрдим?! — жон била зулфингни савдо қилғали...

Унинг болалиги оддий ҳунарманд оиласида — кўра олдида, «дам» босиб, — ўтган эди. Оила камбағал эмас, рўй-рост қашшоқ яшар эди. Албатта, ҳунар билан кун кўриш мумкин, аммо... бобоси, отаси бутун ҳаётларини нотинч даврда кечиришган эди! Мовароуннаҳр ва Хуросон тахти учун мўғул хонларининг курашлари... Кейин, сарбадорлар кўзгаган ғалаёнлар... Кейин, Ҳирот устида турли ҳокимларнинг ўзаро жанглари... Темур тахтга мингунича, халқ саргардонликдан бошқа нарсани кўрмаган эди!

У, фақат Худо берган ҳаётга муҳаббат, тиришқоқлик туфайли, билим олган, одамлар орасида танилиб, маълум мавқе эгаллаган эди. Унга ота-бобосидан қолган мулк: меҳнат кишилари, айниқса, ҳунармандларга хос — бир ёндан содда камтарлик; иккинчи ёндан, шунга баробар — ички ғурур эди!

Уни тақдир илк дафъа туркистонлик бекнинг уйига бошлаб борганида, у — ўзи кутмаган ҳолда, — турли саркарда-сипоҳилар, аъёнлар-бекларга нисбатан қони-жонида қандайдир бегоналик — узоқлик чўкиб ётганини пайқаган эди. Бу — урушлардан, хўрланиб-топталишлардан, машаққатли турмушдан безган ота-боболардан унга «юққан» туйғу эди! Бундан ташқари, у табақа жиҳатидан ҳам, Гулгуннинг тенги эмаслигини ҳис этган эди. Гулгунга қиёслаб, ўзини: «Шоҳ қошинда хоркаш (ўтинчи)!» — деб ўйлаган эди. Ўша — хоркашга мос фикр юритиб, шундай хаёлга борган эди:

*Кишиким, ўз жониға қасд этар —
сени севсун...*

Кейинчалик Гулгун билан дўстлик — яқинлик сезишганида ҳам, бирон кун қайси аҳволда эканлиги унинг эсидан чиқмаган; орадаги масофа, тафовутни унутмаган эди:

Кўнгул — чу билмайин ўз ҳагдини! — сени севди...

Яна:

*Сен киби султонни севмак ҳагдим эрмасдур, вале
Бу балолиқ ишқ — фарқ этмас гадоу шоҳни...*

У Гулгунга ишқ изҳор қилишни қўймас ва, албатта... мени ўзинга тенг кўргин, дейишга ботинмас эди! Гулгун ўзи унинг қашшоқлигидан — хоркашлигидан ор қилмаслигини истар; «Муҳаббат олдида — Олоҳ олдида борча тенг!» — деб ўйлар эди! У Гулгунга интилмоқда; шунинг баробарида, бу муносабатнинг қаергача бориши — у эмас, қизга боғлиқ; буни Гулгун ҳал этишини кутмоқда эди!

Унинг:

Мендан гурур гуноҳки, бердим сенга кўнгул! —

деган иқрордан кейин:

Кўнглумни — гар сен асрамасанг! — не гуноҳ сен?! — деб талаб қўйгани шундан эди.

У бир томондан, Гулгун билан дўстлик — яқинликни туймоқда; аммо иккинчи томондан, Гулгун билан муносабат, нима қилганда ҳам, унга омонат-вақтинчалик бўлиб туюлмоқда эди. Бундан у эзилиб, қўрқиб яшамоқда эди! Шу боисдан, орага Рақибнинг номи кириб, Гулгун бир куни: «Мени ёқтирар эмиш! Одам қўяпти!» — мазмунида гапирганида, унинг беихтиёр хаёли қочган эди:

*Ёлғиз мен эмасменму —
сенинг бирла гирифтор?!*

У деярли ҳар куни катта-кичик давра айланганидан...

Амир Темурнинг «... боқий мато бўлган жонларини фоний дунё моли учун» сотган; «ўзларини маъракамайдон, ҳалокатга отиб, жонларини қурбон» қилган «сипоҳиларни ҳар жойда ҳурмат» қилиши; «жанг майдонларида қиличлар чопган, шижоат аҳлини дўст» тутиши тўғрисида эшитган эди. Кўпчилик одамларнинг ҳам сипоҳиларга муносабати шундай эди! Бунинг устига, сипоҳи йигит одамлар осойишталиги учун бир қўлидан ажраган эди! Лекин... бу — унга ёт олам эди. Қолаверса, қилич таққан йигит — Рақиб эди! Шунинг учун ҳам, Гулгун йигитни бир гал эслаганида, у «рашк ўтида кабоб» ҳолатда, ўзи у борада ҳақми-ноҳақми — бўғилганича, — ўйлаган эди:

*Неча тиладинг, қайда-турур, деб рақибимни,
Не бўлмай эшикингга бир иш бўлса кам, эй жон?!*

Бироқ орага Рақибнинг номи киргандан сўнг ҳам, у соддадиллик билан: «Ўзгага берма кўнгул!»; ёки: «Ҳаққо, ўлармен — ўзгага сен қилсанг илтифот!» — деб юраверган эди. Номардлик рўй бериши, муҳаббат жангида қилич таққан йигит ролиб келиб, — бу иш шундай яқунланиши мумкинлигини ақлига сиғдиrolмаган, ўйламаган эди. Ўз бахти йўлида бир қадам олдинга босгани унда қатъият, журъат-жасорат етмаган; Гулгун «кўнгулни асраши»га умидланиб, ишониб, вақтни кеткизаётганини сезмаган эди! Гулгун кўзига ёш олиб, инжиб, зардали-кескин сўзлашганида ҳам,

унинг ороми бузилмаган; аҳвол жиддий эканлиги хаё-
лига келмаган эди:

*Рақиб ўлди сабабким,
сен жафочи — раҳмсиз бўлдинг...*

Гулгун ҳар қандай қиз бола, аёл киши сингари
бундан кейинги муносабат бобида ўзи эмас, ундан
Аниқ Сўз кутмоқда эди! Бир гал улар бу ҳақда гапла-
шишган ҳам эди. Қиз шундай деган эди:

— Сиз мафтунлуқ, ғазалдин бўлак ишингиз бор-
му?! Меним ҳолимни ҳеч онгладинғизму?! Бу кунни
қўйуб, эртани ўйлодинғизму?!

Гулгун ҳақ: учрашгандан буён унинг фикри-зик-
рини — бу кун банд этган эди!

Шу палла у ҳис этган эди:

«Э-ҳа...

Бадавлат киши эртани ўйлар экан!

Қашшоқ одам бугунни ўйлар экан!»

У яна ҳис этган эди:

«Саркарда-беклар — аҳли ҳукамо эртани ўйлар
экан!

Шоирга, яхшими-ёмонми, асосан, бугунни ўйлаш
вазифаси чегаралаб берилган экан!»

Гулгун унинг сукутга чўмганини кўруб, гапни ўзи
давом этдирган эди:

— Сизнинг тор кулбангизга мен сизмасмен. Кенг-
луқни одат қилгонмен! Илож йўқ... Сиз-чи?! Кенг-
луққа чиққаймусиз?! Олгунга кўмилурсиз. Безалур-
сиз! Хорлуқ кўрмағайсиз! Ҳаётингиз шан билан
тўлғай... Истанг, бас! Нетмоқ керак?!

У дафъатан пайқаган эди...

Унинг учун бахт тушунчаси ҳам, мардлик, жасорат
ҳам бошқа нуқтада экан!

— Ҳаққо, рост. Истамасмен...

— Нечун?!

— Дунёда бечора-бенаво кўп! Дардкаш кўп! Гадо
кўп! Минг-минг... Мен алардин бурулиб, Оллоҳ иро-
дасига қарши қандоқ боргаймен?! Фуқарога қарамай,
ўзга либос киймоқ шоирга муносибму?! Оллоҳни та-
ниб, Оллоҳга етмоқ учун ҳам, мен бу ғариблуқ, дар-
вешлуқдин кечолмасмен...

У ҳамон, севсанг, менинг аҳволимдан ор қилма,
мени боримча қабул эт, деёлмаган эди!

У Аниқ Сўз айтолмаган эди!

Улар ўшанда муаммони ҳал этишолмаган эди!

Гулгун негадир хаёлга ботган, кейин олдингига зид ҳолда:

— Мен сизнинг кулбангизга-да, боргай эрдим! Локин... Локин... — деб, гапни чала қолдираверган эди.

Улар яна бир гал кўришишган эди.

Гулгун ўзи хат ёзиб, чақириб қўйиб, ўзи унинг келганига норозиланаётгандек, тажанг; одатдагидан ҳам «жафочи» эди. «Мен онгладим, ул йигит чин ёқтирғон экан! Мен-да... Сиздан ҳоло ҳеч кимга вафо бўлмагай!» — дегандек гап қилиб, у билан тез хайрлашишга чоғланди.

У қанчалик умидланиб, ишониб, осойишталаниб юрмасин, барибир ич-ичида сезиб, эзилиб, кўрқиб кутган — кун, ахийри келган эди. «Кўздин мени солди!»; «Бор-бор!»

«Бор-бор!»

Ўша куни кўчага чиққанида, изтиробдан кўпроқ кўнглида аламми-нафратми?! — туймоқда эди! Унга вафо тўғрисидаги Гулгуннинг сўзи айниқса оғир ботган эди! У заҳарханда билан ўйламоқда эди:

*Мен севарман сизни-ю, сиз ўзгани,
Менмудурмен бевафо, ё сизмусиз?!*

Унинг хаёлида энди шу биргина сўз айланиб-ўралмоқда; тўлганмоқда эди:

Бевафо! Бевафо! Бевафо!

У сўнги кунларда Гулгун ўзгариб кетганини эслаб, ўзича муайян хулосага ҳам келгандек эди:

*Мен севарман, —
ул мени севмас, гариф...*

Кўчада бораётиб, умуман, унга таҳқирлангандек ҳолат азоб бермоқда; Гулгунни аввалдан учратганига астойдил ўқинмоқда эди:

*Лутфийни ким қарғади, ё раб, балоға учра, деб, —
Ким сенингдек, тош бағирлиқ дилрабоға учради...*

Кейин, яна:

*Не кўнгли согда элгур, ишқ эликим,
Сенингдек бевафони — ёр, герлар...*

Бевафо! Бевафо! Бевафо!
Сирасини айтганда...
унинг ҳам ҳозиргача,
севги тўғрисида ўйлаб-сўйлаганига қарамай,
Гулгунга бўлган муносабати:

*Кўнглумиз мундоққи, —
ўрганги сенинг ёдинг била...*

ўрганиш — ёқтириш эди, холос! Ҳали биров сени
севадими, йўқми?! — ўзингдан кечиб, йўлига жонинг-
ни тикиш, ҳайронлик ва мажнунлик эмас эди! Ишқ
эмас эди!

Ўша куни офриниб, Гулгундан у ҳам юз ўгир-
моқчидек, уйга қайтгач, биқиниб ётиб олгани шун-
дан эди!

Лекин унинг кўнгли чироқ ёқса ёришмас, кўнглига
қил сиғмас эди.

Уни номаълум бир ғам кемирмоқда эди.

У ўз ҳолатига ўзи тушуниб етмаётган эди.

Худди шу пайтда...

Ўзга киши — Рақиб пайдо бўлгани, орага киргани-
ни эшитди:

сипоҳи йигит уйланаётгани тўғрисида Ҳирот
бўйлаб гап тарқалган эди!

Мана, энди...

у беихтиёр ҳис этди:

*Сизга осонгур, агар мен бўлмасам, —
Сенсизин — лекин, менга душвор эрур!*

Мана, энди...

у бошини чангаллаб, уйдан девонавор кўчага отил-
ди:

Йироқ солгунча, ўлгур...

Мана, энди...

*Ошиқ кишилар оҳи ёмонгур, ҳазар айла! —
Ким ўтқа ёнар — олам аларнинг нафасингин...*

Мана, энди...

У кеча-кундуз, вақт-бевақт ўзи учун азиз ҳовли-боғ атрофида айланиб, Гулгуннинг дийдорини кўриш, бир оғиз сўзлашишни орзу қила бошлади.

Уч кун... беш кун... ўн кун....

Шундай ҳикоят бор. Севгилиси турган ҳовли-боққа мўралаган бир йигитни миршаблар ўғри гумон қилиб, тутиб қамашади. Йигит, йўқ, мен ўғри эмасман, деёлмайди!

Унинг ҳам аҳволи шу: ўзини, айниқса, Гулгунни шарманда қилишни истамас; аммо кўнгул узиб, ҳовли-боғдан узоқлашиб ҳам кетолмас эди!

Мана, энди...

Эшик... эшик...

*Келдим эшикка;
орзум юзингдурур,
кўргуз — чиқиб...*

Яна:

*Мен кетмон эшикингин —
агар чиқмаса жоним...*

Яна:

*Эмдиким, тупроқ бўлмишдур
Эшикингга таним...*

Яна:

*Йиғларман эшикингга, —
очилмас не бобдин?!*

Яна:

*Борма, дерлар, эшики сори гамо-гам,
нетайин?! —
Кўп тақозо қиладурғон
бу кўнгулдур, бу кўнгул.
Тори мўйин ҳаваси бирла
қоронғу кечага —
Жонни савдо қиладурғон
бу кўнгулдур, бу кўнгул!*

Ахийри:

*Нолишим берди —
эшики итлариға гардисар...*

Ва, яна:

Эшикинг итидан айрилғоним...

... Гулгуннинг хос чўриси унинг ёнига келиб, дарча олдиға боришини сўради.

Борди.

Гулгунга юзлашаётиб, ўйламоқда эди:

*Қилич бирла жудо бўлгунча мендин, —
Бошим тандин жудо қилмасмусен сен?!*

У яна ўйламоқда эди:

*Ишқинг йўлида борғай, —
юз бошим агар бўлғай!*

Гулгун бу гал уни мулойим, меҳрибон қаршилади. Аммо унинг сўзини тинглагиси келмади. Узр сўраган бўлди. «Меңдин озорланманг. Қисмат эркан!» — деди. «Севсанғиз, мени-да ўйлонг!» — деди.

У — албатта, севади! У — албатта, ўйлайди!

Унинг-бошқа иложи ҳам йўқ эди...

*Эшикингиз тупроғиндин — гарг бўлуб учсун таним,
Мендин ўлтурғунча — нозук хотирингизға губор...*

Кетди. («Бор-бор!»)

«Тушдим эшикингдин ироқроқ!» Лекин:

*Тан бўлса ироқ,
жону кўнгул анда дагулму?!*

Унинг жону кўнгли Хўжа Аббос мавзеидаги ҳовли-боғда қолаверган эди!

Кетди. («Бор-бор!»)

Қаерга бориш, нима қилиш керак?! Боши гангиб, бу саволга жавоб тополмаётгандек эди! Муайян фикрга келиш учун ҳам, у гўёки энди Ҳиротнинг бошқа

мавзеларида, шунчаки кириб қолган кўчаларда тенти-
рашга мажбур эди!

«Сен бундоқ бўлишин билмабмидинг, Лутф?! Бахт-
га етмоқликни осон, деб ўйлабмидинг?! Қисмат эса,
ана... Оллоҳ-Оллоҳ! Инсоф бер! Бу азобдан тўзим
бер! Исёндин асра!»

У энди уйга гоҳ адашиб борса — борар, бормаса —
ҳафталаб, ойлаб бормас эди! Чойхона-майхона... бо-
зор; ҳаммом... кейин, яна... кўча; кўча...

Унинг назарида, кутмаган бир пайтда («Андаким,
бўлдум хабарсиз!») жанг, унга қарши ҳужум бошлан-
ган; ниҳоят, у — туёқлари тупроқ кўчирган отда қий-
қириб осмонга сапчиган туркий аскар, қорачерик
«бузган — талаган — кўнгул вилояти» билан қолган
эди! Гулгун хиёнат қилгани, бундай айрилиқ рўй бер-
ганини ҳамон ақлига сиғдиrolмасди:

*Боқмас менга жонона! Ажаб ҳолат эмасму?!
Бўлди яна бегона! Ажаб ҳолат эмасму?!*

Гулгунни йўқотиб қўйгани — унга аён; бироқ
бевафо, деб ранжиш баробарида, интиқ кезиб, Гул-
гунни излар, эски дард: яна бир учратиб, яна бир
сўзлашишни истар... баъзан кўчада гуж бўлиб бо-
раётган қизларга кўзи тушиб, айниқса, саросимала-
нар эди:

*Ҳар нечаким, сарв қоматлар қўпар,
Сизга ўхшатдим, — қиёматлар қўпар...*

У кеча-кундуз, вақт-бевақт кўчаларда тентираб,
бора-бора гоҳ ўз-ўзи, гоҳ Гулгун билан сўзлашишга
одатланган эди. Кўпинча узоқдаги Гулгунга мурожаат
қилар эди:

*Хаёлингни йибор, Лайли, —
менинг ҳолимни сўр-моққа...*

Кейин, «Лайли»нинг ўзими, Сурати ёки Хаёли-
ми?! — етиб келгандек, дарди-ҳасратини дарҳол ту-
шунтира бошлар эди:

*Сиздан не ёшурай?! —
кўнгул иши хароб эрур...*

Унинг уст-боши, афт-ангори бир ҳолда! Таниган-билган кишилардан у ҳақда кимдир: «Илмдан ҳам, меҳнатдан ҳам қочиб, дайди бўлиб кетди!» — дер; яна кимдир оппа-очиқ: «Шоир эди; оғирлик қилган. Шўрлик савдойи бўлиб қолди!» — деб ачинганича, бошини чайқар эди. Ўз аҳволини — у ўзи ҳам четдан кўриб турар, лекин «тузалиш»га қурби етмаётганлигини ҳис этар эди:

*Девона кўнгул —
сўзимга кирмас...*

Баъзан у беихтиёр, шундай тушкун кўйда юрганидан, озор ҳам чекар эди:

*Бу кўнгулнинг бошига туфроққим,
ҳар ён бориб, —
Лутфийни борча азизлар
кўзига хор айлади...*

Уйқу йўқ; ором йўқ. Дуч келган жойда ора-сира, озгина мизғиганда ҳам:

*Тилаб кўнглум, —
сенинг оғзингни топмас...*

Дунёда ота-онадан меҳрибон зот борми?! Боласи учун унинг ўзидан кўпроқ қуядиган!

Биргина фарзандининг дарди нима?! — билмаган, тушунмаган, ёрдам беролмаган ота-она —

у билан бирга! —
тедбаланиб, чўкиб-мунғайиб,
ҳар қачонгидан ҳам ғариб ҳолга тушиб қолишган эди...

У бир томондан, қисиниб-уялиб, иккинчи томондан, ота-онасини ўзича аяб, Гулгун тўғрисида оғиз очмаган; ҳамон кўнглидаги сирини айтмас эди!

Аmmo...

адашиб-улоқиб уйга келган кунлари —
соатлаб бир нуқтага тикилиб ўтирар эди!

Ҳар қандай садо, шовқинни эшитиб-эшитмаётганга, қаршисидаги одамларни кўриб — кўрмаётганга ўхшар эди!

Деярли гаплашмас эди!

Бир бурда-ярим бурда нон чайнар; овқат ҳам эмас эди!

Тушларида тўлганиб-алаҳлар, инграниб-йиғлар эди!
Ота-онасини қанчалик қийнамасликни ўйламасин, улардан бу ҳолатларни у пинҳон тутиши мумкин эмас эди:

*Неча сирримни ёшурсам, сийнагин беҳос ишқ —
Ўз-ўзи фарёд этарким, айлаган расво мени...*

Шу алфозда юриб...

*Йил кечса бирор, Лутфийни отин атамасан, —
Эй ўз қулдан беҳабарим! Нетми?! Не бўлди?!*

Йил ҳам гапми?!

Орадан беш йил ўтди.

Ота-онасининг чарчаб, қашшоқликдан муҳтожлик даражасига тушишганини кўриб, кўчадан уйга «қайтди». Кексаларга ёрдам бериш, тирикчиликни ўйлаш керак!

Уйда ота касби — мисгарлик билан шуғулланиб, ўзи ўқиган мадрасада маълум муддат мударрислик ҳам қилди.

Ҳаёт сал эпга кела бошлагач, —

«Нега уйланмайсан, болам?!» — деган гап чиқди.

*Кўнгулни ўзгага бергил, демангки, —
мушкулдур...*

Буни кимга айтасан?!

Ота-она, қариндош-уруғ, кўни-қўшнининг уйлан, деган сўзи унинг қулоғига: «Ондин кеч-у, тутқил ўзга дўст!» — бўлиб эшитилар, у ҳам бунга жавобан: «Кўргуз онинг монандини!» — деб хаёлида уларга шарт қўяр эди! Албатта, онинг — Гулгуннинг ўзини билмаган кишилар, монандини қаёқдан билишсин?! Кўнгида туйгани билан, Гулгун қандай, монанди қандай бўлиши керак?! — буни у ҳали бировга тушунтириб ҳам беролмас эди! Умуман, муҳаббат борасида унинг фикри аниқ эди:

*То қиёмат сендин ўз-га, —
қилмагай Лутфий кўнгул...*

У Ҳирот кўчаларини қаричлаб ўлчаб юриб, аллақачон буни англаб етган эди! Бирок:

Ото рози — Хуго рози;

Оно рози — Хуго рози!

Ёш ҳам ўттизга борган; уйлансанг — ҳозир уйландинг, бўлмаса дунёдан сўққабош ўтаверасан!

Уйланди. Яна бир Ўзга пайдо бўлди...

Қора қайғу — насиби эса уни тарк этмаган эди.

Кўп ўтмай,

отаси,

кейин, оңаси қазо қилди.

Кейин, бир қизалоқни туғиб, иккинчисига кўзи ёриётган ёшгина — келинчак —

ҳаёт билан видолашди.

Ушоқ қизалоқларга аёл қўли, аёл кўкси керак эди.

Тезда уйлан, деб қариндош-уруғ, қўни-қўшни уни ўртага олди.

У билар эди... ўзи сингари бир ғарибнинг қизи, гулдек келинчак, бу уйга келганидан кетгунигача — Ўзга бўлиб қолаверган эди! Бирга яшаб туриб, у фақат Гулгунни ўйлаб юрган; ғазаларида Гулгунни куйлаб юрган эди!

У билар эди... Гулгуннинг барибир монандини топмайди! Бировларнинг умри хазон бўлгани қолади!

У билар эди... кимдир дунёда муҳаббатсиз яшар. Лекин бу қисмат — уники эмас! Бу йўлда яна бир хато қилишга ҳаққи йўқ!

Қизалоқларни қариндош-уруғ тарбияга олиб кетди.

У — зилзиладан, тошқиндан кейинги вайронадек уйда, бир ўзи қолди.

Янги кулфатлар олдингига қўшилиб, энди унинг қаддини буккан, уни куйдириб, қорайтириб, адойтимом бир ҳолга солган эди:

Синди кўнглум шишаси

ғам тошигин...

У ҳаётдан тўйгандек эди. Ўзини кўйишга жой топмаётган, яшагиси келмаётган эди:

Борлиғимдин бу жаҳон ичра, —

пушаймон бўлдим...

Яна кеча-кундуз, вақт-бевақт кўчаларда тентирар,
бўм-бўш дарахтзор боғлар, кимсасиз гўлаҳларда ҳол-
дан кетиб, йиқилиб қолар, ўпкаси тўлиб, йиғлар эди.
Уйга оёғи тортмас, келганда ҳам, узоқ ўтиролмас эди.
Ўтирганда ҳам, сеторни вазмин чертиб, нола чекар
эди:

*Ҳар нечаки, мен
бошгин-оёқ оху фиғонман...*

Ахийри, дард уни енгди. Қулатди.
Аҳволи офир эди. Табиблар унинг ўнгланишидан
умид узишган эди:

*Табиблар борча — гардимгин харосон,
Тирилмакни баса душвор, герлар...*

Ҳаммадан даҳшатлиси: яшашга мажоли қолмагани-
дан, у «тирилмак»ни истамас ҳам эди! Аксинча:

*Эй фироқ, ўлгур меҳи, —
филҳол қутқор қайғудин...*

Унга «ўлим» сўзи бегона эмас; ғазалларида бу сўзга
турли ранг, турли оҳанг берган эди! Аммо ҳозир аҳвол
жиддий; бошқа дардлардан ташқари, унинг асосий дар-
ди — давоси йўқ ишқ дарди эди...

*Жоним чиқадур — гард ила, — жононима айтинг,
Мен, хаста гадо ҳолини — султонима айтинг.
Ўртанмак-у, кўз ёши-ю, ўлмак — гурур ишим,
Бу қиссани — ул шамъи шабистонима айтинг.
Қат-қат юрагим боғлади қон, ғунча менгизлиқ,
Бу — гарди гулимни, гули хандонима айтинг.
Қон ёшим эрур — юз уза, — юлдуз киби сонсиз,
Ул- кўзлири чўлпон, маҳи тобонима айтинг.
Лутфийи-гилафгор, тилар ҳажр элидин доғ,
Аҳволини ул — бегим-аю хонима айтинг...*

Шу кунлар Гулгундан яна хат келди.
Гулгун унинг офир ётганини эшитиб, қаттиқ безов-
таланган эди!
Гулгуннинг ўйлагани, безовталангани — шундай
ҳолат! — уни қайтиб «тирилтир»ди!

Аҳволи аста-секин ўнглана бошлади!

У энди Гулгун учун, Гулгунга бахт тилаб яшаши кераклигини ҳис этди! Ўтиб кетган ҳаётни эса ўзгартириб, бошқа ёққа буриб бўлмайди:

*Ҳар не келса — келсун ул дилдор учун! —
Чора йўқдур тангрининг тақдирини...*

Унинг ўз бахти-чи?!

*Фарёдима — бахт уйғониб, —
Эй войки етмас...*

Умуман:

*Не уйқуси оғир эмиш менинг —
бу бахтимнинг...*

У кутган бахт энди:

*Қайғулуқ кўнглумни —
васлинг бирла бир дам шод қил...*

Бир дам кўришмоқ, сўзлашмоқ —

Шу, холос! Бошқа ҳеч нарса!

Гулгун яна икки-уч хат ёзди.

Ниҳоят, оиласи билан Туркистонга — олис сафарга кетаётганини маълум қилиб, вақтинчами, абадийми?! — хайрлашди.

Кейин...

на хат, на хабар!

Ўн йил... ўн беш...

У Гулгундан безовталанадиган бўлиб қолди. (Ахир, Ҳиротда, ёнида эмас-да! Тирикмикан?! Соғмикан?)

Баъзан Гулгун ўзи ҳақда хабар бермаётганидан озорланиб, эзилиб ҳам кетар эди:

Неча қўйғай бағрима доғ — ул юзи моҳим менинг?!

Неча куйдурғай фалакнинг шамъини — оҳим менинг?!

Туйқусдан...

Гулгуннинг Ҳиротга қайтгани, отасининг ҳовли-боғида эканлигини эшитди!

*Гар кўнгул севди сени, — қон қилмади,
Куч била ўзини — ҳайрон қилмади.
Сиздан ушмунча вафосизлик кўруб, —
Эътиқодим зарра нуқсон қилмади...*

Ортиқ чидаб-тўхтаб туролмади.

Хўжа Аббос мавзеига йўл солиб, бир кун аллама-ҳалгача ҳовли-боғ атрофида айланди.

Кейин...

ёш эликка етганда, бировнинг кўчасида судралиб юриш ноқулай ўқан! Ярашмас экан!

Уйда, Гулгун хат ёзишига умидланиб, кута бошлади.

Шунда...

бир куни ҳовлида эди.

Очиқ дарвоза табақасини қамчи билан уриб, отлик бир сипоҳи ҳовлига бостириб кирди.

Отни қуриган тутга боғлаб, тўғри ичкарига йўналди.

«Обрў тўкилиши мана бундоқ бўпти!» — деган хаёлга бориб, лекин ўзини мағрур, босиқ тутганича, у ҳам, ҳовлида уни кўрмай қолган сипоҳининг изидан — уйга: «Хўш, хизмат?!» — деб қадам қўйди.

Қадам қўйди-ю...

Бўз отлик ул санамки...

Кейин:

Хуш келдинг, аё жон тилаги...

Кейин:

*Биҳамдилоҳки, келди гилрабойим,
Азиз он — кўзи чўлпон, тўлун ойим.
Севар жоним, пари пайкар, ҳабибим,
Висоли — роҳатим; ҳажри — болойим.
Юзи гул, сочи сунбул, бағри тошим,
Муҳибларни унутқан, бевафойим.
Муродим давлати, бахтим латифи,
Сўзи ширин, нигори-жонфизойим...*

Ниҳоят:

Яна, тан сори борғон руҳ — ёнди...

Бу — ўнг эмас; Худо ҳаққи! — бир туш эди.

Гулгун...

қандай келди?! Қандай кетди?! Қандай ўтирди?!
Турди?! Нималар деди?!

Ҳаммаси — ипга тизилган; аниқ. Шу билан бирга, тонгдаги туман ичида енгил шарпа — ногоҳ юзиб, кимгадир сўз қотиб, — ўтиб кетганига ўхшар эди!

Тушми, ўнгми?! — муҳими: Гулгун уни яна бир қур йўқлаган; унга яна бир қур дийдор кўрсатган...
Худойим! —

улар учрашиб турган ёшлик йилларини эслаб ўтириб, бир оғиз сўз айтган эди:

— Қўрқдум...

Гулгуннинг юз-кўзига тикилиб, у ўзи билан Гулгун орасидаги муносабатда бўлган-бор ҳақиқатни мана, энди — шунча пайтдан сўнг, — англаб етган эди!

Гулгун ҳам...

аввалдан уни севган, ҳамон севар экан!

Аёл кўнглини билиб бўлмас экан-да...

Гулгун сипоҳи йигитнинг ҳолига ачинган...

Гулгун орадаги масофа, тафовутни ҳам ўйлаган...

Локин... Локин...

Гулгун уларнинг муносабатида бир ҳолатни пайқаган; қўрққан экан!

У дастлабки кунлар Гулгунга интилиб, ўтдек ёниб... муносабат дўстлик — яқинликка етиб боргач, ҳамон севгидан гипирса-да, лоқайд, бепарво бўла бошлаган; «Гулгун қаёққа кетарди! Меники!» — деб била бошлаган! —

Танишган пайтдан: "Умр бўйи у мени севади! Умр бўйи у менга бағишлаб ёзади!" — деб ишонган, шундай бўлишини истаган Гулгун, — безовталанган... қўзига ёш олган, инжиган, зардали-кескин оҳангда сўзлашган; унга — барибир; шикоятга ўтган, холос...

Гулгун уни бу гуноҳи учун кечирмаган; у кундан-кун совиб, бошқа бировни севиши, куйлашига йўл қўйгиси келмаган...

Аёл рашкими, аёлга хос баъзан мантиқсиз ҳимоят тушунчасими?! — ҳар ҳолда, Гулгун ўзига нисбатан унинг муҳаббати тугаши, сўнишини айрилиқдан оғирроқ, деб билган; айрилиқни қабул қилган экан!

Ажабланарли жойи: Гулгун шу йўсинда, унинг Бош Талабини бажарган — «унинг кўнглини асраган» эди!

Бундай санамни севмай бўладими?! («Кўргуз онинг монандини!»)

Севгилиси келиб кетгач, ўша куни, у кўп нарсаларни ўйлади.

Тушунди...

«Наҳотки, икки инсон чеккан кулфат, изтироб, аларнинг бахтсизлиги — ҳажр эвазига кўнгул, муҳаббат асранган бўлса?! Наҳотки, доим кўнгул шундоқ асранади?! Наҳотки, дунёда азалдан муҳаббат мезони — айрилиқ (ҳажр)?!»

У, дунёдаги барча ишқий дostonлар ҳажр тўғрисида; ошиқлар қисматининг ўзи — ҳажр эканлигини эслади. Бутун шеърият ҳам, асосан, ҳажрни ифодаламайдими?!

У яна: «Инсон ҳаётининг ўзи ҳажрдан иборат! Ҳажрни англай бориш; қабул қилиш! — деган гапни ҳаёлидан кечирди. — Инсон ҳаётида ҳажр — Буюк Ҳижрат, Одам Ато осмондан тушган кунлардан бошланган эмасмикан?!»

Бу айрилиқнинг муқобили: ҳаёт ғаниматлиги, шафқат, албатта!

Шу мулоқотдан кейин...

орадан элик йилга яқин вақт (ярим аср!) ўтди.

Унинг кўз ўнгида қанча воқеалар рўй берди.

Амир Темур вафот этди. Султон Соҳибқирон: «Умидим шулки, кўплаб фарзандларим, авлодим салтанат тахтига ўлтириб, мамлакатларни идора этгай... Давлат ва салтанатимни; ўзингизни эҳтиёт қилинглар!» — деб бот-бот куюниб-таъкидлаганига қарамай, тож-тахт талаш бўлиб; қайтиб пароканда давр келди.

У билган шоҳ ва шаҳзодалардан... Халил Султон тахтдан тез кетди. Бойсунғур Мирзо, Алоуддавла қисқа умр кўришди. Мирзо Улуғбек қатл қилинди! Шоҳрух Мирзо, Абдулқосим Бобур, Абу Саид...

Бу шоҳ ва шаҳзодалардан у кимнидир ҳурмат қилди; қадрлади. Ким биландир иши бўлмади. Бироқ, ҳаётдаги ғариблик, ҳоксорлик баробарида, булардан ҳеч кимнинг олдида ўзини кам тутмади; фурурини йўқотмади! У дунёда бўйин эгган биргина Султон — Гулгун бўлиб қолаверди:

*Лутфий — ким, очун хонларини илмади кўзга, —
Қул бўлди жамолингга-у, ишқингга забундур...*

Унга ўша мулоқотдан кейин Гулгунни кўриш насиб этмади.

*Бир соғинсанг бизни, —
ой-у йил керак...*

Гулгун тўрт йил, беш йилда бир хат ёзиб, уни йўқлар эди.

Сипоҳи йигит ҳам энди марҳум бўлган эди.

Бу йигитни у ортиқ кин-адоват билан эсламас; айблამас эди. Бу йигитнинг ҳам чигал қисмат қурбони эканлигини ўйлаб, ачинар эди. Оллоҳ раҳмат қилсин!

У, айниқса, ўша — учрашган кундан буён, Гулгундан озор чекмаслик, Гулгунни ўлгунича — минбаъд «бевафо» демаслик тўғрисида қатъий қарорга келган эди:

*Жон берур Лутфий -у,
йўқгур севариндин гиласи...*

Энди деярли ҳар куни Гулгунга бағишлаб нимадир ёзар, орада ҳижрон дарди бўлганидан, кўпинча бу ҳикоят шундай бошланар эди:

*Бир кунки, йироқ тушдум —
ўшал ой юзингдин...*

Айрилиқ (ҳижрат) — бахтсизлик одамларга нисбатан уни ўз исмига мос яхши, ширин Сўз, жозибали Сўз — Лутф билан муносабатда бўлишга ўргатган эди! У ўзи сингари азалдан қисмати фожеъ (ҳажр) одамларнинг вამгин ҳаётини Шафқатли бир ҳолатда, Латиф сўйлаб, Латиф куйлаб, озгина ёритишни истар, оламда ҲАЙРАТ — ГЎЗАЛЛИК ҳиссини уйғотишга интилар эди! Бу борада энди кашмирлик сеҳргарга ўхшаб кетганини унинг ўзи ҳам билар эди:

*Сеҳр қилгай сўзда Лутфий —
соҳири Кашмиргек...*

Ўша замондаги билимдонлар ҳам буни пайқашган, унга «Сўз лутфида ягонаи даврон!» — деб баҳо беришган эди.

У Гулгунга бўлган МУҲАББАТИ асрангани, БУЮК

БИР МАҚСАДга айланганидан, туркий шеъриятда
мисли, такрори йўқ байтлар яратган эди:

*Ёз агар ногаҳ кезар бўлсанг — чаманда, ноз ила,
Гул — оёғингга тушиб, булбул — дуолар қилғуси...*

*Сен ҳам ема ишқимда, гедингим, — сўнгак ўлдим! —
Неча емасанг қайғуни, — ер бизни ҳам, эй жон...*

*Сўзлар-га, қачонким кўзи-қоши била ўйнар,
Ҳар гўшага — юз минг киши боши била ўйнар...*

*Юзунгдин — лола ранг элтиб, уёлиб — шаҳрға кирмас,
Анинг бўйнин — киши, — боғлаб, кетурмоғунча саҳродин...*

*Сайд этди дилбарим мени — ошуфта сочдин,
Солди каманд бўйнума — икки қулочдин...*

У — яна, — туркигуй шуародин ҳеч кимда учрама-
ган ҳол: Аниқ бир Муҳаббатнинг — Аниқ Манзараси-
ни чизган эди! Гоҳ Сенлаб, гоҳ Сизлаб, муносабат-
нинг нозиклигини таъкидлашгача...

Сўнги йилларда у жуда қариб қолган эди.

Аҳён-аҳён ўз аҳволидан, элик йилга яқин вақт
(ярим аср!) Гулгунни энди ҳатто тасодиф, бир учрат-
магани — кўрмаганидан эзилиб, ўз-ўзича шикоятла-
нар эди:

*Кечди умр-у,
тушмади ул ёр ила...*

Кейин:

Қариди ҳамингда Лутфий...

Кейин:

Ҳаму ҳасрат била бошим оқарди...

Шундан кейин:

Куйди Лутфий шамъ янглиғ...

Ниҳоят:

*Бу вужудингдин қолибдур —
ёлғиз ун...*

Гулгун билан танишган пайтдан бошланиб, унинг юрагини ёндирган, ҳамон куйдириб ётган ўша-ўша, эски дард; орзу:

*Бир яна кўргаймумен —
ул кўзлари кофарни ҳеч?!*

Ва албатта:

*Васл умидигур менга —
ўлмакни гушвор айлаган...*

У ҳар гал баҳор келганида, одатдагидан ҳам кўпроқ тоқатсизланар, ёш йигитлардек васлга янгидан умидлани бошлар эди:

*Навбоҳор ўлди; вале
ҳижрон жафолар қилғуси, —
Жон қуши, ёрнинг ҳавосинда, —
ҳаволар қилғуси...*

...Тўқайзордан юлқиниб сўқмоққа чиққан, бошини эгиб, ер чизганича, ҳаммаёғи симиллаб оғриб, азобланиб илдам бораётган, зинама-зина хаёл теранликларига тушиб, бу манзаралар парча-парча юрагига кўчаётган

Мирза Фориб, нафас ростламоқчидек, бир лаҳза тўхтади. Кейин, яна машаққат билан сурилиб, хаёлида бўлиниб қолган: Лutfий ҳаётида — вафотидан олдин — рўй берган ажабтовур, ҳайратли воқеанинг давомини эслади.

Ўшанда...

ердан баҳорги ҳовур кўтарилмоқда эди.

Муҳтор тоғи этакларида жойлашган Хиёбонга, Мусалло — намозгоҳ майдонига келиб, у малика Гавҳаршод оға — Шоҳрух Мирзонинг хотини, — қурдирган жоме масжидида шукрона намози ўқиғач, тўғри Хўжа Аббос мавзеига қараб юрди.

Албатта, унинг Гулгунга юзлашиш учун ҳузурига кириб бориш нияти йўқ эди. Фақат, юрагида бутун Гулгунни бир кўришига ишонч туғилганидан, ҳовлибоққа яқинлашаверишни ўйлаган; буни кўнгли унга буюрган эди!

Узоқдан ҳовли-боғ эшиги кўринганида; — саросималаниб қолди.

Эшиқда қора чопон кийган бир неча киши тизилиб туришар эди!

Дафъатан...

у эти жунжикаётганини сезди.

Баҳор қаёққадир йўқолган; атрофни қалин қор босган; офтобда эрий бошлаган қордан оёқ ости қўлмак, билч-билч лой эди!

Унинг ўзи ҳам бирдан мункайиб, чўкиб, — ҳассага суюниб қолган эди!

*Бўлса дўзахда хаёлинг, — танға кўймаклик ҳалол;
Бўлмаса жаннатда ёдинг, — жонға оройиш ҳаром...*

Эшиқдагилар уни таниб,
югуриб келишиб,
«Мавлоно! Мавлоно!» — деганча, қўлтиқлаб,
ичкарига бошлашди.

У қандайдир хонада, букилиб, кўзлари ўз-ўзидан юмилиб, ўтирганича, паст, синиқ-титроқ товушда, аммо берилиб, Қуръон тиловат қилди.

Ниҳоят, юзига қўл тортиб, қайтиб ўрнидан турди.

Пойгак томон йўналаётиб, чайқалиб кетди. Кўзларини катта очди.

Мана, энди у пайқади.

Унга таниш...

кенг, баҳаво хона юпқа парда билан иккига бўлинган;
парда орқасида...

бурқаъ ёпган бир санам ўлтирар эди:

*Илгин ўлуб, —
оёқина кўнглак енги тушар...*

Уйга қандай қайтди, ўринга қандай келиб чўзилди?! — билмас эди.

«Оллоҳ-Оллоҳ! Шукр сенга! Мен они кўрдум...
Сен мағфиратли, меҳрибонсан!»

Шундан кейин:

*Бергай — лаҳад ичинда, — кўзум ёшигин хабар
Ҳар шабнамеки, тушса мозорим гиёҳина...*

Қизлари, куёвлари, неваралари ундан эрталаб бир, кечқурун бир ҳол сўраб туришар, уни ёлғиз қолдирмасликка ҳаракат қилишар эди.

Улар ўша куни бундай бўлишини хаёлларига келтиришмаган эди...

Дафн маросимида тўпланганлардан бировлар, сўнги кунларда уйдан чиқмасдилар, дер; бошқа бировлар кўчада, жоме масжидида, Хўжа Аббос мавзеида учратганини айтар эди! Аслида, нима бўлганини — тушуниш қийин эди. (Оллоҳ билимдонроқдир!)

... Осмонга ўйчан тикилган Мирзо Фолиб, паршонланди.

Уйдаги эски чилдирмага ўхшаб, ҳамон офтоб нечундир бир нуқтада михланган; вақт тўхтаб қолган эди!

Ён-верига қараб, эътибор берди:

яккаш арқон билан боғлаб-тортгандек, сўқмоқни тўлдириб бораётган карвон энди ўтиб кетган — тўқайзорга сингиган эди!

Лекин рўпарада янги кичик бир гуруҳ пайдо бўлган...

лилипутни эслатган қандайдир одамлар каттакон тобутни кўтариб, югургилаб келишмоқда эди.

Мирза Форибга тепалиқдаги хароба ёнида неча марта йўлиққан юнги пахмайган, айиқдек ит ҳам — негадир, тилини осилтирганча, гоҳ олдин, гоҳ орқага ташланиб, улар атрофида уймалашмоқда эди.

Сўқмоқда бу одамларнинг жонланиши бояги карвонга нисбатан ҳам таажжубли эди! «Булар қаёқдан келиб қолишди?! Қаёққа кетишябди?! Елкаларига ҳайбатли тобут юклаб, бу ерда нима қилиб юришибди?! Ит қачон, қаерда буларга қўшилиб олди?!»

Мирза Фолиб шу ҳақда ўйлаб, бирон хулоса чиқариш ёки, жилла қурганда, ўзича оддий тахминга йўл беришни истар эди. Аммо беҳад толиққани, ҳамма нарса жонига текканидан, буни эпллмаётган; шунчаки хаёлга чўмиш, ажабланишга ҳам унинг ҳоли етмаётган эди!

У четланиб, рўпарадаги гуруҳнинг ўтиб кетишини кута бошлади, холос.

Одамлар ёнидан ўтишаётганида эса, бошини кўтармай, кўз қирини ташлаб, беихтиёр, — гўёки оламда бутун инсониятни билган-у, ўзи учун шу энг муҳим, деб ташвишланган кишидек, — пичирлаб сўради:

— Кимни олиб кетяпсизлар?!

Сўқмоқдагилар баралла жавоб қайтаришди:

— Амири саъид Абул-Ҳасан Наср...

Мирза Фолиб бу гуруҳ билан бояги карвоннинг бир-бирига боғлиқлиги бор, деб ўйламаган эди! Энди бехос сергақланди.

Шу асно, бир кунлар хасталаниб, жарроҳлар қўлига «қараб қолгани»да руй берган сирли, ақл бовар қилмайдиган ҳолат — учта Менга айлангани; ўшанда осмонга чиқиб кезганини эслади... Кеча бир эслагач, бу — унинг хаёлидан кўтарилган эди! Ҳозир яна аниқ-тиниқ ёдига тушди...

Чўғ солинган манқалга ўхшаш нарса диққатини жалб этгани...

Баланд бўйли, кўзлари мовий йигит ва қизни учратгани... Кейин, ўша — чироқлари лапиллаётган машинами-кемада, ёруғ-чароғон бир шаҳарга боргани... энсиз, юксак бинолар... Кейин, мисдек қизиган, ярақлаган аллақандай узун ўрама ичида ҳаллослаб югургани...

Тўқайзордаги сўқмоқда осмонга тегишли белгилар кўринмайди. Мирза Фолиб ердан оёғини узгани ҳам йўқ! Лекин унга ўзи айна фурсатда, барибир, осмонда юргандек туюлмоқда эди! Офтоб тош қотгани; вақт тўхтаб қолгани... Минг йил олдинги одамлар... Айниқса, бояги карвон билан Мирза Фолибнинг ёнидан ўтиб бораётган гуруҳнинг хатти-ҳаракати, гап-сўзлари вобаста эканлиги; Бухоро ёниб ётгани-ю, тобутда кетаётган Амири саъид Абул-Ҳасан Наср... Нима қилганда ҳам, тўқайзордаги сўқмоқ Мирза Фолибни минг йил бурунги даврга олиб борган ёки ўша даврни орқага қайтарган эди!

Мирза Фолиб ўз ҳаётида кечадан буён замонлар қоришиб кетгани, шундай каромат уни жунбушга келтирганини ҳамон ҳис этмоқда эди. Аммо бундан бир муддат илгари у Бухоро нега ёниши-ю, одамлар нега аллаёқларда тентираб-улоқиб юриши кераклигини англамаган; фаромушланиб қолиб, бу саволга жавоб изламаган эди...

Ана, елкасидаги, ҳатто қўлидаги юкнинг офирлиги сезилиб, азобланиб, яна олдинга сурилганича, энди Амири саъид Абул-Ҳасан Наср даврида кечган бутунбор воқеани аниқлашга уринмоқда; олисдан унга баралла янграган оҳангдек бир нидо эшитилмоқда эди:

— Бизга ё ҳаким, ё ҳоким керак!

Мирза Фолибнинг назарида, бу гапнинг маъзини

чақиши шарт; шунда эҳтимол йўл «очишиб», ўзи ҳам «осмон»дан ерга тезроқ тушадигандек эди...

у сомонийлар тўғрисида, — жиддий киришиб, — китоб ёзган; барча сомоний амирлар ҳаётига назар ташлаган эди. Бироқ бу ишда, афтидан, сал шошган; Абул-Ҳасан Наср ҳаётидаги ажиб бир ҳикоят унинг диққатидан четда қолиб кетган эди...

Амир ҳақидаги ҳикоят бундай эди...

Дастлаб:

1. Абул-Ҳасан Наср ибн Аҳмад (ундан олдинроқ амаки-бобоси, Исмоил Сомонийнинг акаси Наср ибн Аҳмад бўлганидан, уни Наср Икки ҳам дейишар эди!) бошқа сомонийларга нисбатан, дунёдаги қисмати ниҳоятда чигал ва қизиқарли — амирлардан эди!

2. Исмоил Сомонийдан кейин, Абул-Ҳасан Наср даврида сомонийлар салтанати юксалиб, энг гуллаб-яшнаган паллага кирган, чинакам улугвор даражага етган эди. Шунинг баробарида, айти даврада салтанат остига сув кета бошлаб, халқ ҳар қачонгидан кўпроқ саргардонлик кўрган, изтиробда қолган эди!

3. Абул-Ҳасан Насрнинг ҳаёти дунёга келиб кетган (балки, келиб кетадиган) аксар шоҳлар (ҳокимлар, амирлар) ҳаётини ўзида мужассам этган; кўзгудек акс этдирган эди!

Унинг шажараси...

Баҳром Чўбин малик авлоди:

Сомонхудо (у барпо этган бир қишлоқ Сомон деб аталганидан, шундай ном олган эди!)

Асад ибн Сомонхудо

Аҳмад ибн Асад Сомоний

Исмоил ибн Аҳмад Сомоний

Аҳмад ибн Исмоил Сомоний

Наср ибн Аҳмад...

... Араб халифалиги томонидан амир қилиб тайинланиб, Хуросонни қўлга киритган Қутайба ибн Муслим, Бухорога юз тутган эди. Бироқ... «Ислом лашкари ҳар сафар Бухорога келганида, ёзда ғазот қилар, қишда эса қайтиб кетар эди... Бухоро аҳолиси ҳар сафар мусулмон бўлар, араблар қайтиб кетганида эса улар яна диндан қайтар эдилар... улар бутпарастлик... оташпарастлик... қилар эдилар...»

Аввал ҳам; Қутайба даврида ҳам шундай бўлган эди. Қутайба «то Марвгача борар ва яна, Бухоро вилоятига қайтиб келар эди». У «кўп қийинчиликлар

(Бухорони уч марта мусулмон қилган) дан кейин, ислом динини юзага» чиқарган; тўртинчи марта бу ерни фатҳ этганида, сулҳ тузилган эди. Бухоро халифа ҳамда Хуросон амирига бож тўлайдиган, бўйинсунадиган бўлган эди.

«Вақтеки келиб, Хуросонда салтанат»га путур ета бошлаган; Бухоро маълум муддат «эгасиз» қолган; шу даврда сомонийлар майдонга чиқишган...

Халифа Муътаид Исмоил Сомонийнинг акаси Наср ибн Аҳмадга Мовароуннаҳр ҳукмронлигини топширган эди.

Сомонийлардан биринчи амир — Наср ибн Аҳмад, — расман сулола бошлари бўлиб, амалда Исмоил Сомоний салтанатни қўлга ола бошлаган; акаси вафот этгач, салтанат буткул унинг қўлига ўтган эди.

Тез орада Хуросонни ҳам эгаллаб, Исмоил Сомоний Хуросон вилояти, Мовароуннаҳр, Туркистон, Синд, Ҳинд ва Гургонда — араб халифати доирасида, — ягона ҳукмрон бўлиб қолган эди.

Исмоил Сомонийнинг бу подшоҳликдаги мақоми ўн беш йил давом этган эди.

Унинг ўғли Аҳмад анча қисқа пайт — етти йилга яқин подшоҳлик қилган эди.

Наср ибн Аҳмад (Наср Икки) отасидан ҳам, бобосидан ҳам кўпроқ — ўттиз йил салтанат тахтида ўтирган эди. (Олдингилар сингари ундан кейин келган тўрт амирдан биронтаси ҳам бунча муддат салтанатда турмаган!)

Хуллас:

Унинг бир ойдан буён жони азобда; ҳаловати йўқ эди.

Ўт тушиб, Бухоро икки кун гуруллаб ёнган; учинчи куни ёнғин ўчирилган, лекин ҳамон тупроқ остида ёғочлар ёниб; гоҳ у ер-гоҳ бу ерда олов лопилаб, шаҳар тутаб ётар эди.

Кундузлари от миниб, Амири саъид аъёнлари билан шаҳар кезар, кечалари ҳам оддий бир фуқаро ёки қаландар либосида Бухорони айлангани-айланган эди.

У амирлик қилаётган даврда бу — Бухоронинг иккинчи марта ёниши; ўн икки йил бурун ҳам шундай ёнғин чиққан эди. Ўшанда у Нишопурга кетган эди... Ўт тушган Гардун-кашон маҳалласи кулга айланиб, Бухоро устида ўрлаган олов Самарқанддан кўриниб

турган; тутуни ҳам Самарқандгача етиб борган эди! Амир Нишопурдан шошганича Бухорога қайтган; аммо ўзи бўлмагани учун ҳам, ёнғин сабабини яхши аниқлай олмаган эди. Одамлар: «Бу олов осмондан келди!» — деб қўяқолишган эди...

Ўз замонида у, Бухоро яна бир ёнади, деб ўйламаган эди! Бу гал ёнғиннинг сабаби аниқ эди. Самарқанд дарвозада бир ҳалимпаз, дўконидаги қозон тагидан кулни олиб, томга чиқариб тўккан; айна ёз, ҳаво иссиқ, шу билан бирга, шамол эсаётганидан, кул орасидаги чўғ яқин жойдаги қамишдан ясалган бир уйга келиб тушган; уй ёниб кетиб, ўт бутун Самарқанд дарвозаси маҳалласига ёйилган эди. Мадрасаи Форжак, масжиди Мох, кавушдўзлар тими, саррофлар, базозлар бозори, бошқа бозорлар — ҳаммаёқни ўт қоплаган эди! Амири саъид қолган ўз ҳаёти давомида куйган иморатлар қайта тикланиб, Бухоро олдинги ҳолига келишини ақлига сиғдирилмас, бунга кўзи ҳам етмас эди...

У отда аёнлари билан шаҳар кезаётиб, кўпинча бошини кўксидан кўтармас эди. Фақат гоҳ-гоҳида Масжиди Мох ёнидан ўтаётиб, тўкилган-қорайган деворларга кўз ташлар; бу ерда бир пайтлар — масжид қурилганича, — бут сотилган Мох бозори, кейин оташпарастрлар калисоси-ю, бутпарастрлар ибодатхонаси ҳам бўлганини эслар эди. Секин хўрсинар; «Дунёда ҳеч нарса боқий эмас экан-да!» — деб, ҳаёт оқар сув эканлигини ўйлар эди.

Гоҳо бошини кўтариб қарамасдан ҳам, саррофлар бозори ёнидан ўтаётганини ҳис этар; бобоси зарб этдирган тангалар нечуңдир унинг кўзи олдига келар эди. Ёки, бобоси қурдирган, энди куйиб-кул бўлган работ ёнидан ўтаётганини кўнгли билан сезар; яна секин хўрсинар эди. Дунёда ҳеч нарса боқий эмас экан-да!

Абул-Ҳасан Наср умуман, сўнги пайтлар, умр ўтаётгани тўғрисида кўп ўйлайдиган бўлиб қолган эди. У, кўнглимда сезяпман, мен ҳам ана-мана (беш йил билан ўн йил ораси) дунёдан ўтаман, деган хаёлга бориб, эзилар; ўз ҳаётини бот-бот сарҳисоб қилар эди.

Айниқса, кечалари оддий бир фуқаро ёки қаландар либосида Бухорони айланиб юриб, тасодиф учраган ҳар хил одам билан сўз қотишиб, дунёда омонатлик

туйғуси уни қийнаб юборар эди... Одамлар қизиқ! Ўт чиқарган биров, амирни сўқади; қарғайди. Ҳамма нарсага — амир айбдор! У ўзича ўйлар, эслар эди... Отаси шаҳид бўлган; Амири шаҳид, дейишар, бу баҳо тўғри; иштибоҳга ўрин йўқ эди! Бобосини Амири мазий, дейишар; шу «мазий» деган сўзда Буюк бир Амир ўтиб кетганига надомат-ўкинч бор; бу ҳам узукка тушган кўздек эди! Лекин унга Амири саъид — Саодатли амир, деб нега ном беришди?! Унинг нимаси Саодатли?! Одамларми, тақдирнингми киноясига ўхшайди бу...

Абул-Ҳасан Наср гоҳ ойдин, гоҳ зулмат-зимистон кўчаларда ғамгин бораётиб, бутун ҳаёти хаёлидан кечар эди.

Уни саккиз ёшида подшоҳ қилиб кўтариб, катта бир мамлакат тахтига ўтқазилган эди. Баъзан қабул қилинганидек, у номига подшоҳ бўлиб, салтанатни онасим, акасими, амакисими вақтинча бошқариб турса экан! Қаёқда! Отаси бехос ўлимга юз тутиб, ягона ворис эканлиги-ю, унинг атрофида, — эҳтимол вазир-вузаролар, аёнлар назарида, — салтанатга лойиқ бошқа одам бўлмаганидан, унга тўппа-тўғри подшоҳ деб қарашган эди! У эндигина дунёвий ва диний билимлар билан шуғулланиб, от устида ўзини тутиш, қилич чопишни ўргана бошлаган эди. Ҳаммасини подшоҳлик даврида эплаб кетишдан бўлак иложи қолмади! Шундан кейин... ана, йиллар бир нафасдек ўтди-кетди. Ўз уруғлари, яқинларидан тахтни ундан тортиб олмоқчи бўлиб, фитна, исёнлар ҳам рўй берди. Бири Самарқандда, бири Нишопурда бош кўтарди. Абу Закариё дегани уни четлатиб, бир муддат Бухорода ўзини Амир деб ҳам эълон қилди. Салтанат учун жангга кирган пайтлар бўлди! Булардан ташқари, яна унинг чекига тушган — Бухородаги икки ёнғин! У — дунёга келиб, кўрган бутун ҳаёт — шу...

Амири саъид кундузлари шаҳар кезганида, кўпинча бобоси мақбараси ёнидан ўтар; бу ерда у от жиливини бир қур тортганча, бошини адл кўтариб, кўзлари чақнаб кетар эди! Бухоро, остидан, мил-мил ёниб, тутаётган ражаб ойида амир кечалари ҳам, кўча айланаётиб, албатта, мақбара ёнига келиб туришни одат қилган эди. Тунда у, аксинча, мақбара қаршисида елкалари чўкиб, маҳзунланиб ўтирар эди. Ўймакорлик, наққошлик усулларидан фойдаланиб, худди каштага

ўхшаб, деворлари ясси, мусулмон фишдан, ҳинд рақ-қосалари рақсга тушгандек ҳар хил, ўйноқи шакларда тикланган, кундузлари офтоб нурлари остида минг йўсин товланиб, кечалари ой ёруғида хаёлий бир чирой касб этган мақбарага Абул-Ҳасан Наср соатлаб тикилар эди. У, дунёда бундай безалган обида йўқ, деб ишонар эди! Амир шу кунлар, хайрият ёнғин (Самарқанд дарвоза бу ердан унча узоқ эмас!) мақбарагача етиб келмади, шикаст етказмади, деб ўзича кўнглида бир оз таскин топар эди.

Исмоил Сомоний дунёдан ўтганида, у ҳали бир ёшга тўлиб-тўлмаган гўдак эди! Бобоси, туғилганида суюнгани, уни кўрганини кексалардан эшитар; у бобосини одамларнинг ҳикоятлари орқалигина билар эди!

Мақбара ёнига келганида, ҳар гал Амири саъид бобоси ва отаси тўғрисида ўйлар; бобоси бошқа, отаси бошқа бир олам бўлганини ҳис этар эди.

Аҳмад ибн Исмоилни энди кўпинча, инсофли эди, адолатли эди, деб олқаб эслашганига қарамай, жангжадал кўриб, мамлакатни бир неча йил қўлида тутиб турганига ҳам қарамай, аслида, бу бадгумон, ҳар нарсага таҳлика сезиб, хаёли қочадиган, одамлар билан кам муроса қиладиган — подшоҳликка лаёқатсиз киши эди! Аҳмаднинг шаҳидлиги ҳам, сирасини айтганда, жангдаги шаҳидлик эмас; ўлими — аҳмоқона бир ўлим эди... Аҳмад ибн Исмоил жумод-ал охир ойида, қишнинг айни чилласи, Жайхун бўйига ов қилгани бориб, саропарда тиклаган эди. Бир куни туйқусдан чопар келиб, Гургон ва Табаристон ерларининг маълум қисми қўлдан кетгани, форат бўлаётганини хабар қилганида, Аҳмад: «Агар бу подшоҳлик менидан кетадиган бўлса...» — деб дарҳол дилгир ҳолатга тушган... бу етмагандек, «Эй Худо! Менинг ажалимни бер!» — деб осмонга тикилиб, қўл очган... бу ҳам етмагандек, ўзига тегишли чодирга кириб, бошини ўраб ётиб олган эди! Одатда, у ўзининг хавфсизлигини ўйлаб, ўргатилган бир арслонни занжир билан чодири эшигига боғлатиб қўяр; арслон ичкарига кирмоқчи бўлган одамни ёриб ташлар эди. Ўша куни хос кишилар бу ишни унутишган; Аҳмад ибн Исмоилнинг қулларидан бир нечаси чодирга кириб, унинг бошини кесишган эди...

Абул-Ҳасан Наср бу воқеани эслаб, ҳеч тушунмас

эди... Нега хос кишилар оғир пайтда подшоҳни ёлғиз қолдиришлари, бунинг устига устак, кундалик ўз вазифаларини унутишлари керак?! Қуллар нега ўз подшоҳларини сўйишлари керак?! Сабаб?! Чопар келганидан тортиб, бунинг ҳаммаси атай ўюштирилиб, маромида бажарилган бир ўйин эмасмикан?! Ушанда подшоҳга нисбатан кимнингдир, нима учундир (хос кишилар, қуллар шунчаки қурол) аниқ адовати бормиди?! Амири саъидга, ҳар қалай, бу воқеа то ҳозир сир-синаотли бўлиб туюлар; у, бобом даврида, масалан, бундай воқеани тасаввур ҳам қилолмайсан, деб ўйлар эди.

Исмоил Сомонийга арслоннинг кераги йўқ; ўзи — арслон эди! Унга бировнинг посбонлик қилиши ҳам шарт эмас; аксинча, умаро, вузаролардан оддий фуқаро, қора қулларгача ўзларини унинг ҳимоятига муҳтож сезишар эди. Бир пайтлар... атрофдаги Вардонадан Варахшагача, Афшинадан Баркадгача ҳамма қишлоқларни ичкарига олиб, Бухоро вилояти, ҳар фарсангда бир дарвоза, ҳар ярим милда бир минораси бўлган мустаҳкам девор — қалъа билан ўралган; Бухородаги амирлар харажатни халққа юклаб, ҳашарга чақириб, бу қалъани мутгасил тузатдиришар, ўзларича янгилаб, тартибга келтираверишар эди. Исмоил Сомоний амир бўлгач, Бухоро аҳолисини азобдан қутқарган; у دادил: «То мен тирик эканман, Бухоро вилоятининг девори мен бўламан!» — деган эди. У шундай дея оладиган амир эди!

Умуман, қалъага аҳамият берилганининг сабаби бор: ташқи душмандан бўлак, даштдан бебош ҳужумлар бўлиб турар; ўғри, каллакесар тўдалар кўп эди. Исмоил Сомоний қисқа фурсатда чиндан «девор» эканлигини кўрсатган; биринчи навбатда вилоятдаги нотинчликка чек қўйган эди. Халифатнинг шарқ вилоятларидан Хуросон ва Мовароуннаҳрда мустақил давлатлар тузила бошлагач, гоҳ Муътаמיד ёки Муътазид, дегандек халифалар кўмагида, гоҳ ўз ҳукмини ўтказиш мақсадида икки давлат ўртасида низо чиқа бошлаган; Хуросондан дастлаб тоҳирийлар, кейин саффаридлар Мовароуннаҳрга қараб юрган... бу жангларда, Исмоил Сомоний, косибдан мардикоргача халқни қуроллантириб, ўзи ҳам қатнашиб, мардлик кўрсатиб, душманларга зарба берган эди!

У юрагида ҳеч кимга, душманга нисбатан ҳам адо-

ват сақламас; душманни ҳам дўстга айлантира олиш хислатига эга эди! Олиҳиммат инсон эканлигидан, енгилган душманларини хижил қилмаслик учун тик қарамас; юзини четга бурар эди. Одампарвар бўлганидан, неча бора, жанглардан кейин, асирларни ўлдириш, зиндонга ташлаш эмас... ҳатто қул қилиб, ишлатиш ҳам эмас... тўйинтириб, йўл учун озуқа бериб, сарпо кийдириб, уй-уйларига қайтариб юборган эди! Вазир-вузаролар, айниқса, лашкарбошилар норозиланиб: «Бу ёғи қандоқ бўлди?!» — дейишганида; «Кўйинг, бу бечоралар юртига борсин! Булар сизга қарши энди ҳеч қачон уруш қилгани келишмайди!» — дер эди.

Ишонини қийин; бу — одил шоҳ ҳақидаги эртак, афсонага ўхшайди. Лекин ўша пайтда шундай бўлган эди! Буюк бир салтанат вужудга келиб, ҳар хил ташқи, ички жанглар, низолардан кейин, осойишталик ўрнатилганидан, пойтахт шаҳар Бухоро билан бирга, Самарқанд, Балх, Марв, Хўжанд, Ҳирот, Нишопур сингари катта шаҳарлар шу даврда, дунёда шуҳрат топган; маърифат, маданият марказларига айланган эди... Бухородаги «Саввон-ал ҳикмат» кутубхонаси, кўплаб расталардан иборат китоб бозорида истаган фан, адабиётдан истаган китобни кўриш мумкин эди... Бухорода исломга ўтилган, бироқ ҳамон оташкадалар, бутхоналар, черковлар ҳам йўқ эмас; асосий эътибор анъаналарни тиклаш, турли халқлар, миллатлар бошини қовуштиришга қаратилган эди. Вилоят ҳокимлари, бекалари бўлган ота-боболаридан ўзиб, подшоҳлик даражасига етган — Исмоил Сомоний, — халифага бўйсунар, фармонини бажарар; шунинг баробарида, кундан-кун мустақил давлатни мустаҳкамлаш хаёли билан яшар эди. У фуқаро эрки, бахтини ўйлар, фуқаро учун доим «девор» бўлиб туришни истар эди. Кимдир одамлар манфаатига зид иш тутса, фуқарога зулм қилса, хайрихоҳлик, бағри кенгликни йиғиштириб, қаттиқ, кескин жазо берар эди! Бу борада Исмоил, бир кунлари, бемаврид халқдан ўлпон йиғишни сўраган акаси билан ҳам жанг қилишгача борган... лекин олижаноб инсон эканлигидан, Наср ибн Аҳмад жангда енгилиб, чеккада, руҳи чўкиб, ерга кўксини бериб ётганида, илдам яқинлашиб, отдан сакраб тушганича, унинг ёстиғини ўпиб: «Эй амир! Сен фазилатда улуроқсан; мени авф эт!» — дейиш; акаси билан жанг

қилгани учун узр сўрашни ҳам ўзига ор деб билмаган эди...

У Бухорони яхши кўрар; оғзи тўлиб: «Бизнинг Бухоро шундоқ жой!» — деб фахрланар эди. Бухоро маркази — атрофи баланд девор билан ўралган, етти дарвозаси бўлган Шаҳристон, — Исмоил Сомоний даврида кўркамлашган; Шаҳристоннинг теграсида янги маҳаллалар, гузарлар, бозорлар, устахоналар бунёд этилган эди. Буюк Амир шаҳар ичкарасида ҳам, Жўйи-мулиёнда ҳам масжидлар, мадрасалар, работлар, қасрлар қурдирган, боғлар барпо этдирган эди! Аммо бу ишларни ўзини кўрсатиш ёки шон-шукуҳни ўйлаб бажармаган эди. Унинг учун бу эҳтиёжми, заруратми эди... Мана, шу фаройиб мақбарани ҳам, у бурч юзасидан падари бузруквори қабри устига, хотирасига бағишланган ёдгорлик сифатида тиклатган эди! Бу — аслида, Аҳмад ибн Асаднинг мақбараси эди! Бироқ, вафот этганидан сўнг, уни ҳам шу ерда дафн этишган; халқнинг ўзи, шуниси тўғрироқ бўлади, деган фикрга келганми, бу обидага «Исмоил Сомоний мақбараси» деб ном берган эди...

Абул-Ҳасан Наср ақлини таниган илк болалик пайтидан бобосидек бўлишни орзу қилар эди!

Тахтга ўтирганидан бошлаб, у ҳам юртда ободончилик, раият осойишталигини ўз олдига мақсад қилиб қўйди! Собит туриб, ҳамма жабҳада бобосига ўхшаб иш тутишга уринди! Лекин дунёда ҳар кимнинг ўз қисмати, ўз ҳаёт йўли бўлар экан... Одамлар уни тахтга кўтариб, изидан: «Подшомиз анча бўш! Ҳали болада; гўдак!» — деган гап чиқди. Кейин, мамлакатда фитна, исёнлар юзага келди. Амири саъид энди бобоси эмас, кўпроқ отаси тўғрисида ўйлаб, баъзан беихтиёр хаёли қочиб — нотинчланишга одатланди! У барибир, олдига қўйган мақсаддан чекинмади. Тишини-тишга босди; ҳатто фитначилардан айримларини «олдига чақириб олди; омонлик берди!», имкон қадар юртни тинчитди. Буниси — хўп! Дунёда омад деган нарса бор... Амирнинг шаҳарни қанчалик обод қилганини эмас, халқ, Арк яқинида, Регистон майдонида унинг ўзи учун гўзал бир сарой қурдириб, амалдорлари учун ҳам шундай қаср тиклаганини кўрди! Унга истеҳзо билан қаради! Бунга ҳам чидаш мумкин; майли... Наср Икки замонида Бухоро фақат бундай икки марта ўт ичида қолгани йўқ! (Фалокат ўзи оёқ остидан

чиқса, нима дейсан?! Қаёққа борасан?! Қутайба бир кунлари бино қилиб, шу пайтгача дуппа-дуруст турган жоме масжидини (яна, қутлуғ рамазон ойи, жумай муборак куни, айни намоз ўқиладиган вақтда!) бехос ер босди. Гурас-гурас одам тош-тупроқ остида қолиб, ҳалок бўлди. Шаҳар мотамга чўмди... Амири саъид ўзи назорат қилган ҳолда, масжидни қайтиб тиклатди! Аммо орадан йил ўтмай, иккинчи марта қулади...

Наср ибн Аҳмад тушунмас эди... Бобоси даврига нисбатан ҳаёт ўзгардимми?! Одамлар ўзгардимми?! Нима бўлди?! У қанчалик бобосидек муносабат тутмасин, нега одамлар унга бобосига қилган муносабатни раво кўришмайди?! Дунёда тўртта одамга бош бўлиш осон эмас! Минглаб одамнинг бошида туриш, уларни шоҳмот донасидек суриш ҳам мумкин; лекин на эзгу ишинг, на қаттиққўллигингдан маъно чиқса, додингни кимга айтасан?! (Ана, кейинги ёнғин сабабкори ҳалимпазнинг бошини кесдириб, бутун шогирдлари, қароллари-ю, оиласини зиндонга ташлатди! Аммо биронта одам, отангга раҳмат, демайди; аксинча, одамлар уни сўқади; қарғайди!) Бобосига ўхшаш учун унга нима етишмайди?! Умуман, нима етишмаяпти?! Қора халққа муҳаббатми?! Ҳақиқат туйғусими?! Жасоратми?! Нима?!

Амири саъид мақбара ёнига келиб, ҳар гал соатлаб маҳзун ўтирганича, шу тўғрида ўйлар эди!

Бу ўйлардан у бора-бора дилтанг, дилхун бўлиб қолган эди!

...Ражаб ойи ўтиб, Бухорода ёнғин батамом босилгач, амир аъёнлари билан кундузи шаҳар кезиш, кечалари ҳам Бухорони айланиб, бобоси мақбараси ёнига боришни тўхтатди.

...Ропша-роса олти йилдан кейин, у қазо қилди.

...Бу орада, халқнинг аҳволидан шикоят қилишади, фитначилар билан тил бириктиришган, деб шоирлардан: Панжрудак қишлоғидан саройга олиб келинган Абу Абдуллоҳ Жаъфар — Рудакийни, кўзларини ўйиб, шаҳардан ҳайдаттирди; Ҳусайн ибн Али — Марваридинни ўласи ҳолда зиндонга ташлатди.

Кўп олим-фозил кишилар дарбадар бўлишди.

Кўп умаро-вузаролар саройдан қочишди.

...Амири саъид тўғрисида ўша замон маррихлари ёзишган эди: «Наср ибн Аҳмад (Наср Икки) туйқусдан ўлиб қолганида, унинг ёнида ҳеч ким йўқ эди. Яқин

одамлардан бировлар уни тарк этган; бировлар ўлган, бировлар ўлдирилган эди!»

«...БУТУН БОРЛИҚ абадий ТИРИК биргина ВУ-ЖУДдан иборат: биз аксар, руҳимиз нопок эканлигидан, БУНИ пайқамай, адашиб-улоқиб умримиз ўтмаётганмикан?!»

Мирза Фолиб шундай хаёлга бориб, рўпарага тикилди.

Сўқмоқ уни катта йўлга ҳам, кичик йўлга ҳам олиб чиқмаган; у қайсарланиб, ўзича тўғри қибла тарафга қараб кетаётгани билан, иши юришмаган эди!

Сўқмоқ тутаб, яна тўқайзор бошланган эди!

Бу гал Мирза Фолиб тўқайзорда узоқ судралгани йўқ.

Икки юз қадам босдими, беш юзми?! — ҳар ҳолда олдинга мункайиб кетиб; ерга узала тушишига оз қолди.

Кўзи ўз-ўзидан илинган экан; сергакланиб, қаради...

Худоё тавба! Унинг қаршисида — ўрмонзор ичидаги сайҳонликка ўхшаш майдон... майдонда тепалик...

У, бундай бўлиши мумкин эмас, мён сўқмоқ бўйлаб тик юрган бир пайтда, орқада қолган тепалик қандай қилиб олдинга ўтади, деб ўйлаб, энди буткул саросималанган эди!

Яна бир қур тепаликка юзлашганини ҳеч қайси йўсинда хаёлига сивдиrolмаётган эди!

Шу пала... баттар саросималанди.

Офтоб уфққа қараб сурина бошлаган; вақт қайтиб «ҳаракат»га келган эди!

Унинг бир қадам жилишга ҳам ҳоли қолмаган эди. Тепаликка кўтарилганча, харобага кириб, ўзини таппа ўринга ташлаши мумкинлигидан қўрққани учундир, Мирза Фолиб, ҳозир; барибир, тепаликни четлаб, йўлга тушаверишни, қибла тарафга қараб кетаверишни ўйламоқда эди! Шу алфозда бундан мурод ҳосил бўлиб-бўлмаслиги ҳам уни қизиқтирмаётгандек эди!

У худди шундай қилиши аниқ эди! Бироқ... ҳалигина на лилипутни эслатган одамлар ёнида юрган ит яна тепаликда пайдо бўлган; бино эшигида уймалашмоқда эди.

Мирза Фолиб иккилана бошлади.

Унга Амири саъид Абул-хасан Насрни бу ёққа олиб келишиб, харобада қолдиришгандек бўлиб туюлмоқда; бундан осойишталигини йўқотмоқда эди. Унинг минг йил бурун ўтган амирда-ю, тепаликдаги итда нима иши бор?! Ўз қисматига янгидан фол очмоқчими?! Билмас эди. У Исмоил Сомонийни барча бухороликлар сингари қарийб авлиё ўрнида кўрар; Наср Иккидан эса бир оз ётсирар; ҳайиқар эди! Шунга қарамасдан; ҳақиқатни аниқламагунча бу ердан кетолмаслигини ҳам ҳис этмоқда эди.

Қийналиб, тепаликка кўтарилди.

Ит бу сафар бинонинг орқа томонига, пастга энмади. Эшиқдан четланганича, этакроққа бориб ётди.

Мирза Фолиб эшикни тақиллатиб юрмай, шарт очиб, ичкарига кирди. Ўша даҳлиз; ўша хона. Олачалпоқ парда...

У яқинлашиб, пардани сурди.

Наср ибн Аҳмад бу ерда йўқ эди.

Лекин... (қандайдир жиноят рўй берган!) —

ярим-очиқ қувурми, каттакон тарновгами ўхшаган нарса ичида яна учта жасад, у кеча кўрган ҳолда: бир-бирининг оёғига бош қўйиб, қатор ётар эди!

Мирза Фолиб паришонланганича, —

пардани қайтиб секин ёпди.

Тўртинчи кўриниш

ИСМ ЖИННИСИ

Жунун водийсиға мойил —
кўрармен жони-зоримни,
Тилармен бир йўла бузмоқ —
бузилғон рўзгоримни...

Алишер Навоий.

Узоқ бир жойда, тинмай
Тўлиб нола қилар най...
Аммо уни чалар ким?! —
Буни мен биламан;
Ва, билар — қалбим!

Рабиндранат Тагор.

Босин — гар сўрсангиз, дўстлар, — дили вайронлигим,
Шунчалар сарсонлигим; кўйида саргардонлигим;
Ёри — хуршид юзлигим; дилдори — моҳ-тобонлигим;
Хуснига ҳайратдин ўлди борча бесомонлигим,
Мен ким-у, сомон?! — чу ортар ҳар нафас ҳайронлигим...

Собир Абдулла,

Алишер Навоий назалига мухаммасган.

Қуёш дам сайин уфққа ёнбошламоқда; тепаликни орқада қолдириб, тўқайзорга шўнғиган Мирза Фолиб, тўғри қибла тарафга қараб бормоқда эди... У энди, тик чизик тортаётгани билан, аслида, аниқ мақсади бўлгандан кўпроқ боши оққан томонга кетаётган одамга ўхшар эди! Унинг юрагида сўнгги умид учқунлари ҳам сўнган эди... Мирза Фолибга мабодо парда ортида ётган жасадлар бугун ҳам таниш, қаердадир кўргандек туюлса, ва, айниқса, азиз инсонларни эслатса, у ўзини бунчалар абгор сезмас эди! Минг марта харобада бу кеча қолишни истамагани, яна бир карра даҳшат туйишга тоб-тоқати бўлмаганига қарамай, тепаликка кўтарилиб, бинога кирганида, — бундан қанчалик бош бургиси келмасин! — ўзини ўринга таппа ташлаб, ухлаб олишга қарор ҳам қилган эди! Ётса, бас, биров тўп отиб ҳам уни уйғотолмаслигини сезган; бунга

ишона бошлаган эди... Ҳамма бало шундаки, бир қатла ғойиб бўлган жасадлар қайтиб харобага келиб қолган эди. Буниси майли! Кимдир жасадларни алмаштирганми (ёки, аввалдан шундаймиди?!), улар — бегона; уларнинг турқи-тароватида Лутфий, Машраб, Байронни эслатадиган бирон-бир белги кўринмас эди... Мана, энди Мирза Фолиб, бу жасадлар ёнида, жиноят рўй берган жойда — тепалиқдаги харобада қолгандан кўра тўқайзорда ўлганим яхши, деб ўйлаб, рўй-рост ўлим билан юзлашгани бормоқда эди! У Мастурага, ўзининг мурғак фарзандига (агар дунёга келган бўлса!) ачинмоқда эди. Бухорода юрган касалман, кекса онаси; у ўлса, албатта, бухороликлар одати бўйича оқ сурпдан мотам либоси кийиб юрадиган опаларига ачинмоқда эди. Мирза Фолиб Бош раҳбар Мардонқул ака, идорадаги ўртоқлари Тенглаш ва Ҳакимжонни алам-адоват билан эсламоқда; у кўнглида бир нарсага ўкинмоқда эди: ҳашарга олдин келиб кетган кишиларнинг иш ҳақи, уларнинг омонати бўйнида қиёматқарз бўлиб қоляпти! Бу — катта мулк эмас; лекин буни умидланиб кутаётганлар бор; муҳтож одамлар бор!

Тўқайзорда, ҳаммаёғи шилиниб-қонаб, симиллаб оғриб, елкасидаги, ҳатто кўлидаги юкнинг оғирлиги сезилиб, азобланиб бораётган Мирза Фолибга, юнги пахмайган, айиқдек ит бу гал негадир эргашган эди. Тилини осилтирганча, гоҳ олдин, гоҳ орқага ташланиб, тўқайзор ичида гоҳ кўринмай, гоҳ кўриниб, Мирза Фолибнинг атрофида айланишмоқда эди. Мирза Фолиб тўхтаса, тўхтар, юрса, у ҳам югуриб кетар эди! Аввалига Мирза Фолиб, ит ўлим ҳидини сезиб, қон ҳидига иликиб, менга эргашяпти, албатта, деб ўйлади. Нечундир: «Отнинг ўлими — итнинг байрами!» — деган гапни ҳам эслади. Аммо кейин...

бир гал тўхтаганида, яқингина ерга келиб чўккан итга диққат қилиб қаради. Итнинг кўзлари шу қадар мунгли, шу қадар ақлли эдики! — Мирза Фолиб у ҳақда ёмон хаёлга бурганидан, хижолат чекди. Кўп ўтмай, итнинг олдида янада хижил бўлди...

энди Мирза Фолиб ҳадеб қоқилиб-йиқилганича, ҳушидан кетар; ўзига келганида, ит жароҳатланган кўл-оёқлари, бетини беозор ялаб-юлқаётганини кўрар эди! У итга нима биландир эътибор билдиришни истар; бироқ халтасида қотган бир бурда нон ҳам йўқ

эди! Ўзининг қачон туз тотгани ҳам — унинг эсидан чиқа бошлаган эди!

Тўқайзорга яна шўнғиганидан буён, Мирза Фолибнинг хаёлини «армон» деган бир сўз банд этган. У — ҳали ёш йигит; ўлимга юзлашаётиб, ўзи АРМОҢдан иборат эди! Лекин, назарида, кўнглидаги энг буюк армон: дўсти Лутфулланинг номини ҳам энди тупроққа олиб кетаётгани эди!

Мирза Фолиб йиқилиб-суриниб бораётиб, узуқ-юлуқ эсламоқда эди.

Хаёлпараст, фидойи; шу билан бирга, «сояи девор» эмас, одам; муросасиз, жангари — жим, беозор юриб, баъзан бехосдан «портлаб» кетадиган Лутфулла, дунёда ҳар нарсага чидаши мумкин, Лутфийни кимдир камситишига чидаёлмас эди! У болаларча содалик, кўнгли тўғрилиқ билан, мени ҳақорат қилишсин — майли, Лутфийга тил теккизгани қўймайман, дер эди!

Шусиз ҳам Лутфий нотантилик, номардликни кўп кўргани уни эзар, ҳар қачон бу ҳақда гап чиқса, асабийлашар эди...

Мирзо Улуғбек даврида, Самарқандда шоирлардан Саккокий катта шуҳрат топган; аммо... «бу навъ ўхшаши йўқ, мазасиз мукобаралар гоҳи воқеъ бўлур!» — унинг мухлислари бир гал: «Лутфийнинг борча яхши шеърлари» Саккокийникидур; «ўғурлаб, ўз отига қилибдур!» — деган гап тарқатишган эди... Лутфий тўғрисида, Ҳиротнинг ўзида ҳам: «Шоҳлардан манфаат кўрганида, уларни мақтайди; бошқа пайт мискин шеърлар ёзади!» — деган «мазасиз мукобаралар гоҳи воқеъ бўлур» эди!

Лутфийни телбаларча яхши кўрган Лутфулла, айниқса, сўнгги йилларда шоирга бағишлаб ёзилган айрим китобларда: «қараши чекланган!» — деган гапни ўқиб, бўғилар эди. Сенинг қарашинг чекланмаган! Баракалла!

Лутфуллани ҳаммадан ҳам, кундалиқ ҳаётда рўй берган, кимгадир оддий туюлган бир воқеа қийнар эди... Алишер Навоийнинг асарини «сахнага кўчираётиб» қайсидир театр «арбоб»лари «Навоий номи» билан асарга Лутфийнинг бир неча ғазалларини ҳам «қўшиб» юборишган эди! Ҳар гал бу асар радиодан берилганида, Лутфулла радиони ўчирар; титраб-қақшаб, хонада нари-бери юриб қолар эди! Бу одам-

лар Лутфийнинг руҳидан қўрқишмайдими?! Навоийнинг руҳидан қўрқишмайдими?! Тавба!

Умуман, «исм жинниси» бўлган Лутфулла, исм олдидаги масъулият — инсон олдидаги масъулиятдан кам эмас, ҳатто, юксакроқ туради, деб билар эди...

Тўқайзорда ҳол-беҳол, худ-бехуд судралаётган Мирза Фолибнинг дабдурустдан ёдига тушди...

Бир куни Лутфулла:

— Ўз исминг маъносини биласанми?! — деб сўраган эди кулимсираб.

— Ўйламаган эканман. Билмадим...

— Мирза — зиёли, дегани. Зиё! Фолиб — ғалаба! Дунёда зиё, эзгулик ғалабаси...

— Эй! Мени жуда кўтариб юбординг-ку!

— Сени... Лекин хафа бўлма, фақат сени эмас.

— Ахир, Мирза Фолиб мен...

— Тўғри. Лекин Ҳиндистонда, Байронга замондош буюк бир инсон ўтган. Мирза Фолиб! Сэнга шу одамнинг исмини қўйишган...

Ўша кунгача у ўз исмига эътибор ҳам бермаган эди. Буюк салафини билмас эди! Лутфулладан уялиб, китоб излашга тушди. Топди...

...Бобур Мирзо «Ҳинд сори отландим» деган бир замонда, ота-боболари, шухратли саркардалар Турондан Ҳиндистонга бориб қолган — Мирза Фолиб, — Агра шаҳрида туғилган эди. У ўзи-ўзига: «Сен қутлуғ Турон еридан; сенинг қонинг — турк қони!» — дер; кўпинча ўзини «сода турк» деб атар эди. Бироқ у — мутафаккир, файласуф, шоир, носир! — урду ва форс тилларида китоблар ёзган; бутун Ҳиндистоннинг ифтихорига айланган эди!

Урду шеърлятида Мирза Фолибнинг хизматига қиёс йўқ; туркий шеърлятда Лутфий, Навоийга ўхшаш — вазифани у ҳам бажарган: урду тилида «қандай гўзал сўзлаш мумкин»лигини исботлаган эди! Бу — бинонинг ташқи томони. Ички томони эса — Мирза Фолиб шеърларида дард ва табассум қоришиқ; у бошига қилич келса ҳам ростини айтадиган, ниҳоятда виждонли; қайсар; ўз касби қадрини билган шоир эди!

Унинг кечган қисмат йўли шундай эди.

Мирза Фолиб ёзган эди:

Ҳар бир сўзни ўлчайдиган борми, менчалик...

Сенинг қалбинг — тозаликда қиличнинг дами...

*Мен юз бурдим мунофиқлик, риёкорликдан,
Гарчи билдим: ҳақиқатнинг аччиқ баҳоси...*

*Сенга кўрган кулфатларинг кам бўлганидан,
Бундай инжиб, қилмоқдасан ҳадеб шикоят...*

*Мен бировни мақташлардан сақландим, балки,
Бунинг учун мақташ керак менинг ўзимни...*

*Менга агар берилсайди бошқа бир ҳаёт, —
Ҳозиргисин ўтказардим бошқача яшаб...*

Мирза Фолибнинг ҳаёти...

Бу ҳақда (бизнинг Мирза Фолиб учун муҳим!) яна икки оғиз сўз:

Уни шоир деб танишган; аммо шоирлик шухрати унга жуда кеч, ўлганидан кейин келган эди...

У нотинч, ғалаёнли бир даврда яшаган эди. Бобурийлар, Акбар салтанати емирилган; Ҳиндистонни инглизлар забт этган; ҳаёт тарзи, муносабатлар кескин ўзгарган; исёнлар; тўнтаришлар...

Ҳаётининг ўзи ҳам ғурбат, кулфатдан иборат.

Болалигида отаси вафот этган...

тоғаси қўлида қолган!

Тоғаси ҳам ўлган...

бобоси хонадонида яшай бошлаган!

Бобоси ҳам, тез орада, қазо қилган...

ўн уч ёшида Лоҳар бекларидан бирининг қизига уни уйлантиришган; бекнинг тарбиясини ола бошлаган!

Болалари туғилиб-туғилмай, кўз юмган...

тугинган бир ўғил; тарбиялаб, вояга етказганида, ундан ҳам айрилган!

Бир аёлни севган...

уни ҳам Мирза Фолибга Худо кўп кўрган!

Онаси, хотини, уруғларидан ёнида ҳеч ким қолмаган...

шунча ўлим, айрилиқ етмагандек, ўзини эркин тутгани учун қамоққа ташлашган!

Аксар гадодан баттар, нонга зор, оч-наҳор яшаган...

турмуш озгина ўнланган пайтларда, ўғри урган; тунашган!

Аммо булардан ҳеч бири Мирза Фолибнинг ирода-

сини буколмаган! Уни енголмаган! Ўзи танлаган йўлдан қайтаролмаган...

«Илоҳим, Мирза Фолибга тепалиқдаги харобада, дераза ортида кўринган кўланка Мастура бўлмасин! Илоҳим, бошқа бирон бахтиқаролик ҳам Мастуранинг бошига тушмаган бўлсин! Сочидан бир тола узилмасин! Яшасин... Илоҳим, уларнинг фарзанди (агар дунёга келган бўлса!) узоқ умр кўрсин! Дунёда омади келсин! Минг хил бало-қазолардан Худонинг ўзи асрасин... Мирза Фолибнинг кекса онаси, опалари, яқин кишиларининг барчасига Худо бардош берсин! Тўзим берсин! Уни ёмон сўз билан эслашмасин. Икки оғиз дуойи-фотиҳа қилишга қурблари етсин... Дунёда одамики бор, марги бемаҳалдан, тухмати ногаҳондан, номардликдан, қабиҳлик, фалокатлардан Худойим ҳимоятига олсин! Инсонга муносиб, яхши яшашсин...»

Тўқайзорда хивичдек чайқалиб, ҳар дамда йиқилиб, ётиб, яна туриб, олдинга сурилганича, Мирза Фолиб шуларни ўйламоқда; шундай илтижо қилмоқда эди. Ана-мана, офтоб ботса, бас; қаттиқ бир қуласа, бас; ўзи ҳатто сезиб-сезмай, жон бериши аниқ! Ҳамма нарсанинг имтиҳоси бор. Инсонда бўлган имкониёт ҳам чексиз эмас... интилгани билан, узилади! Даҳшатли жойи: у шунчалик азобланган эдики, юрагида энди ўлимга заррача норозилик йўқ эди! Шу паллада ҳаётга, бутун тириклик оламига уни боғлаб турган биргина нозик, ингичка ип — Мирза Фолиб, деган исм эди! У — эмас, исм — ўлим билан олишмоқда; бехос сарнигун бўлишдан уни сақламоқда эди...

Илдам босганига қарамай, Мирза Фолиб тепалиқдан унча узоқлашмаган эди. Беш юз қадам юрдими, минг қадамми?! — билиш қийин... Қуёш ботмоқда; ҳаммаёқ қонга беланган... «шарт кесилган бош!»

У олдинги гал сўқмоққа юлқиниб чиққанидек, бирдан...

унинг қаршисида катта йўл дарёдек ялтираб ётар эди!

Бу — катта йўлнинг алабир кесими бўлса ҳам Мирза Фолиб рози эди; кўрмайсизми, йўлнинг нақ адоғи; Бозор деган жой узоқдан кўзга ташланиб турар эди!

Мирза Фолиб шошганича, йўлга талпинди.

Беш-ўн қадам сурилгач, тўхтаб, орқага бурилиб қаради.

Тўқайзор уфқдан-уфққача чўзилган, қорайиб, парда тортган эди!

У беихтиёр ён-верига аланглади; унга нимадир етишмаётгандек эди. Пайқади...

эргшиб келаётган ит тўқайзорда қолиб кетган эди!

Мирза Фолиб йўлга тушди.

Бир оз юрганидан кейин, унинг ёнидаң миршаблар машинаси, изма-из тиббий ёрдам машинаси ўтиб кетди.

У қўл кўтаришга ҳам улгурмади. Бунинг устига, иккиландими...

Пойи-пиёда кета бошлади.

Энди қуёш ботган, атроф сурмаранг тусга кирган эди.

Бозорга яқин қолганида, йўл этагида бояги ўтиб кетган икки машина турганини кўрди.

Қатор чироқлар ёқиб қўйилган; бу ерда анча-мунча одам тўпланган; қандайдир куйманишмоқда эди.

Мирза Фолиб яқинлашди.

Ажабо!

Оёқ остида, у тепалиқдаги харобада кўрган уч жасад чўзилиб ётар; миршаблар билан тиб ходимлари уларни кўздан кечиришмоқда эди.

Мирза Фолиб диққат қилди...

булар — у сўнгги кўрган жасадлар; шу билан бирга, негадир... таниш; қизиқ... қайсидир белгиларга эътибор берилса, яна, кимларнидир... тўғрироғи, Лутфий, Машраб, Байронни эслатишмоқда эди! Буларни бегона, дейиш ҳам, демаслик ҳам мумкин эди!

Мирза Фолиб миршаблар машинасига тикилиб, анграйиб қолди...

орқа эшиги очиқ машинада қўлларига банд солинган уч киши қўнишиб ўтирар...

булардан бири, ёши каттароғи Наср Иккигами, Мардонқул акага?! — ўхшар эди! Қолган иккиси — Тенглаш билан Ҳакимжон...

Мирза Фолиб ажабланиб, кифтини қисганича, бу ердан узоқлашди.

У Бозор марказидаги автобус бекатига қараб кетди.

Ниҳоят...

ВОҚЕАНИНГ ОХИРИ

Автобусда тўрт-беш киши бор, холос; афтидан ҳайдовчи одам кутаётган эди.

Мирза Фолиб охирги қаторга, бурчакка бориб чўқди. Яна бир жувон мингач, автобус ўрнидан жилди.

Анча олдинда ўтирган жувон Мирза Фолибга бот-бот ўтирилиб қараётгандек эди...

Ахийри, ўрнидан туриб, унинг қаршисига келганча, тескари ўтирди.

— Салом алайкўм... Мени танимадингиз-а?!

«Аслида, бу афти-ангор, бу аҳволда мени биров танимаслиги керак! Лекин буни қарангки, чиндан мен сизни танимаяпман. Рост!» — Мирза Фолиб шундай деб ўйлади. Бироқ, жувонга тикилиб, фақат шунчаки бош силкиди.

— Сиз Мирза ака бўласиз. Мирза Фолиб! Шундайми?! Бизнинг уйимиз шу ерда. Бозорда! Лекин мен шаҳарда, Мастура опа билан бирга ишлайман, Фабрикада... — Жувон бижилдоққина экан; гапни ўзи давом этдирмоқда эди. — Сиз ҳозир ҳашардан келяпсиз. Шундайми?! Демак, билмайсиз... Мастура опани кўзи ёриди. Ўғил! Лекин жуда қийналдилар. Бир ўлиб тирилдилар! Ҳозир яхши... Эртами, индин жавоб берса керак! Сизни табриклайман... Қўшниларингиз менга ёқди. Фабрикадан ҳам қизлар бориб турибмиз. Умуман, ҳаммаси жойида...

Мирза Фолибнинг кўзлари, қулоқларига ишонгиси келмаётган эди!

«Индамас» Мастурани севган Мирза Фолиб, шу дамда бижилдоқ бу жувоннинг оёқларига йиқилишга тайёр эди...

Жувон қайтиб ўз ўрнига кетди...

Мирза Фолиб эса дераза томонга юзини буриб олган; кўзларидан вижир-вижир ёш оқмоқда эди...

1987—1994 йиллар.

ҲАР КИМНИНГ ЎЗ ЗАМИН, ЎЗ ОСМОНИ БОР...

(Ағибнинг Аҳмаг Отабой билан суҳбати)

МУХБИР: — Адабиётимиз тарихида яратилган бошқа тур ва жанрлардаги мумтоз намуналар билан қиёслганда ўзбек насри, шу жумладан, роман жанри ҳозирча шаклланиш босқичида, дейиш мумкинми?!

ОМОН МУХТОР: — Бизда ўзбек насри қадимдан бор эди. «Шоҳ Машраб»лар, «Бобурнома» ёки Навоийнинг насрий асарларини олинг... Гарчи буларнинг қўлами насрга нисбатан кенгроқ — илм ҳам, хотиротга ўхшаган гаплар ҳам акс этса-да! Ўзбекнинг ўз ривоятлари, эртаклари, дostonларидаги наср намуналари — минг йиллик насримиз бор эди. Лекин октябр тўнтаришигача бизда янги, замонавий тушунчадаги наср йўқ эди. Бу жиҳатдан, роман жанрини ҳам, бутун ўзбек насрини ҳам бизда нисбатан ёш, дейиш мумкин. Қандайдир мактаблар яратилди. Шунга қарамай, имконият чексиз... Тўнтаришдан кейинги йилларда дунё адабиётидан ўрганган ҳолда Қодирий, Чўлпон, Фитратлар чиқди. Уларнинг тафаккур қўлами оламий эди, тўғрмасми? Улар умуминсоний муаммоларни қаламга олишга ҳаракат қилишди. Чунончи, «Ўтган кунлар»да фақат тарихни кўрсатиш эмас, фақат оилавий муносабатлардаги мураккабликларни кўрсатиш эмас, балки умуминсоний масалалар биринчи ўринда туради. Инсон қисмати, инсон тафаккури масаласи Чўлпоннинг «Кеча ва кундуз» романида ҳам баланд туради. Фитратнинг насрий асарлари, «Меърож», «Қиёмат» ҳикояларини олинг, улардаги қарашларга қўшилиш-қўшилмаслик мумкин, бу бошқа масала, уларда даврни кўрсатишдан кўра инсон тафаккури кўпроқ акс этган.

Сизга маълум, қатагон даврида булар бари ўриб ташланди. Шундан кейин, битта қолипдаги тафаккур қолди. Дунё тафаккури эмас, балки биргина совет тафаккури — дунё тафаккуридан узилган, чегараланган тафаккур қолди. Бора-бора бу шундай ҳолга келдики,

дейлик, «Ильич номи колхоз бошқа колхозлардан кўра яхши» деган ҳолдаги асарлар ҳам пайдо бўлди. (Мен шу даврда яратилган асарларнинг ҳаммаси шунақа; демоқчи эмасман. Бу гапни умумий манзарани тасаввур қилиш учун айтяпман). Инсон ва унинг дунёвий тафаккури, дунёни кўрган кўзлари боғландида, у фақат тор доирада, ўзи яшаб турган муҳит ичида, қобилида қолди. Ва ана шу қобил ичида ёзилган романлар бугунгача келди.

Ҳаётимизда янги давр бошланиб, ўзимиз мустақил давлатга айланганимиздан кейин биз дунёни кўриш имконига эга бўлдик, энди бизнинг тафаккуримиз ҳам дунёга чиқа бошлади. Ҳозир дунё билан бизнинг адабий муносабатларимиз анча суст бўлса-да, шунга қарамай, биз дунёни таний бошладик, дунё биз иллаган чегарадан кенгроқ экан-ку, деган бир таассурот пайдо бўла бошлади. Аслида, бу тафаккур 91-йилдан олдинроқ бошланган. Бизнинг ёшларимизда. Менинг авлодимдан кўра ёшроқ ижодкорларда.

Шу ўринда бир нарсани айтиб ўтмоқчиман. Олдин ҳам бу гапни бир неча бор айтганман. Мен устозлардан ўрганиш билан бир қаторда, ўзимдан кичиклардан ҳам ўрганаман ва бунга ўзимга ор, деб билмайман. Асқар Қосим хотирасига бағишлаб ёзган бир шеъримда ҳам худди шундай деб ёздим, устозларга раҳмат, ташаккурку, лекин мен ўзимдан кичиклардан кўпроқ ўргандим ва бунга ор деб билмайман, деб ёздим. Ҳақиқатан шундай. 80-йиллар бошларида бизнинг ёшлар насрида янги бир ҳаво, кенгайиш юз берди. Улар инсонга мурожаатга ўта бошлади. Шеъриятимизда бу янгилашни ундан ҳам олдинроқ бошланди. 60-йиллардаги Эркин аканинг, Абдулажоннинг, Ҳусниддин Шарипов, раҳматли Хайридин Салоҳ, Юсуф Шомансурнинг шеърлари бунга далил бўлади... Қизиги шундаки, бу жараёнга ёши катта ижодкорлар ҳам беихтиёр келиб қўшилиб кета бошлади. Улар ҳам янги ҳаволанишни кўриб, ёшлардан ўрганиб, ўзгара бошлашди. Лекин насримизда бу жараён кечроқ юз берди. 80-йиллар ёшлари Шарқ ва Фарб, кўпроқ Фарб адабий тажрибаларини ўрганиб, насримизга янгиликлар олиб кела бошлади. Айни пайтда менинг қаноатланмайдиган жойим ҳам, ҳозирги мендан ёшроқ ижодкорлар асарларида Фарбнинг таъсири кучли экани билан боғлиқ. Бундай асарларнинг айримлари эса ўзбек ёзувчиси ёзгандан кўра, чет тилдан таржима қи-

линг асарга ўхшаб туради. Кенгроқ олсак, Шарққа хос руҳ йўқ, сўникроқ, қоронғироқ, жонсизроқ чиққан.

МУХБИР: — Гарчи сиз ўша ёшлар ва уларнинг асарларини номма-ном айтмаётган бўлсангиз-да, мен хаёлимда уларни тахмин қиляпман. Гап бунда эмас. Бироқ адабиётда тақлиднинг самарасини ҳам инкор этиб бўлмайди. Қолаверса, ёшларнинг ёшликлари ҳам бу изланишларини оқлайди. Ахир, ўзингиз ҳам илк романингиз — «Йиллар шамоли» учун танқидий фикрлар эшитгансиз...

О. МУХТОР — Тақлидни ҳеч қандай оқлаб бўлмайди! Лекин адабиётда эргашиш, давомийлик, айрим асарларнинг эш келиши табиий ҳол. Ёшлиқдан буларни фарқлаган дуруст, менимча... Ўзимга келсак, «Йиллар шамоли»ни анъанавий йўсинда ёзганман. Яқинда уни қайта кўриб чиқдим, ҳозир бир китобда қайта нашр этиляпти. Унга кўп қўл урдим, демайман. Унда мен ҳозир ҳам ҳавас қиладиган бир нарсалар бор экан. Бухоронинг ўзига хос колорити, одамларининг руҳи, сўзи... Роман чиққанда мени икки борада танқид қилишган. Биринчиси, асарда фалон пленум қарорлари акс этмаган, дейишган (Худого шукрки, ўша қарорларга мурожаат қилмаган эканман). Иккинчиси, асарда шева кўп, дейилган. Шева ҳам ўшанда бизда унча ўрганилмаган экан. 70-йилларда, ваҳоланки, рус адабиётида Белов, Шукшинлар асарлари айни шу жиҳатдан қанча кўтар-кўтар қилинди... Хуллас, романимни қайта кўрганимда айни шу жиҳатиға ва ўшанда ҳам асарни «ўз-ўзимча» ёзганимга ҳавасим келди. Лекин, албатта, асар биров эски тартибда ёзилган. Бунинг устига, биринчи романим, кўлим титраб ёзганман, тилда, асарни қуришда маҳоратим етмаган жойлари бор.

«Эгилган бош» романимга келганда бир шакл қидиришга уриндим. «Тўрт дафтар» шаклини олдим, бир бошқачароқ тушлар шаклиға, янгироқ йўналишларға мурожаат этиб, биринчи қадамни кўйдим. Кейин «Тўрт томон қибла» трилогиямни («Минг бир қиёфа», «Кўзгу олдидаги одам» ва «Тепалиқдаги хароба»ни) ёзганда ва сўнгги романларимда бунга кенгроқ киришдим. Нима учун, дейишингиз мумкин. Мен тушундимки, дейлик, инсон мана шундай бир жойда биров билан суҳбатлашиб ўтирганда ҳам калласида минг хил хаёл бўлади. Унинг тушлари бор, тасавури бор — булар ҳам асарда акс этиши керак. Асар бирон-бир

масалани ҳал этиши, проблемани кўтариб чиқиши кул-гили гап. Асар инсон руҳиятининг мураккаблигини акс эттириши керак экан!

Менга хийла қийин бўлди. Қайси маънода? Кейинги пайтда олтига роман ёзилди. Бу романларнинг ҳар бири тугаб, эълон қилингандан кейин, хўш, энди бу нима қиларкан, оддинги романининг қайтариқ бир шаклини келтиради-да, деган одамлар ҳам бўлди. Мен ҳар гал бир-бирига ўхшамайдиган роман ёзишга уриндим. Ва маълум даражада бунга эришдим ҳам, деб ўйлайман. Уларнинг барчасида инсон тафаккурининг муайян қир-раларини ёритишга уриндим ва айни пайтда адабиётда анъана бўлиб келган ижобий ва салбий қаҳрамон ту-шунчаларидан кечдим. Инсоннинг ўзида ҳаммаси — эзгулик ва ёвузлик мужассам, деган қадим шарқ фалса-фасига таяндим. Мана, эсласангиз, «Минг бир қиёфа»да Абдулла Ҳаким — гуноҳлари бор ва эзгу ишлари ҳам кўп. Бурҳон Шариф ҳам худди шундай. Ҳеч қайси бир қаҳрамоним юз фоиз ижобий ёки салбий эмас.

Баъзи ўқувчилар бу қаҳрамонларнинг айримлари хаёлийми, деб сўрашади. Улар ҳаётда бор одамлар. Ле-кин мен ижодий тажрибам давомида фантастика ҳам ёзиб кўрдим, хаёлий драмалар, янги эртақлар ёздим. Хаёлийликни ўргандим. Саргузашт, детектив асарлар ҳам ёзиб кўрдим. «Мўъжиза», «Вазифа» деган қисса-ларим чиққан, детектив қиссалар. Кейин шуларнинг ҳаммасини бирлаштириш керак, деган фикрга келдим. Адабиётнинг ўзида эришилган ҳамма нарсаларни, де-тективга хослик ҳам, хаёлий, фантастик белгиларни ҳам иложи бўлса бирлаштириш керак экан. Чунки инсон шуларнинг ҳаммасининг ичида яшаркан. Демак, инсон-нинг ана шу томонларини кўрсатсак, шахс мураккабли-гини акс эттиришга маълум даражада эришар эканмиз, деган фикрга келдим. Романларимда буни қай даражада амалга оширдим, ўқувчиларга ҳавола.

МУХБИР: — Менинг ёзганларимни адабиётни чу-қур тушунадиган кишилар ўқиса бўлди, омма ёппаси-га ўқиши шарт эмас, деган ижодкорлар ҳам учрайди. Бундай ижодкорларнинг кўпроқ шакл борасидаги из-ланишлари оддий китобхонларга асарини тушуниб ўқишларида қийинчилик туғдиради...

О. МУХТОР: — Албатта, асарларимни кўпроқ ки-тобхон ўқишини орзу қилардим. Умуман, бугунги ки-тобхоннинг савиясига келсак, эътироф этишимиз ке-

рак, уларнинг савияси биз кутгандек эмас. Лермонтов «Замонамиз қаҳрамони» сўзбошисида, бизнинг китобхон бир-бири билан жилмайиб гаплашаётган икки мамлакат вакилини кўриб, булар юртини сотиб дўстлашиб олди, деб ўйлайдиган соддадил одамга ўхшайди, мазмунидаги гапни келтиради. Бизнинг китобхон ҳам адабиётга шундай жўн қарайди баъзан. Асарда қандай маъною тағмаънолар борлигини билавермайди. Бунинг учун савод ва савия керак! Ўзингиз олиб қаранг, бизнинг ривоят ва эртакларни ўқувчиларимиз тўла тушунади, деб айтиб бўладими? Ёки Алишер Навоий асарларини бизнинг китобхонларнинг қанча қисми тушунади? Навоий майли, мураккаб экан, Машрабни-чи?!

*Кўзи вақти саҳар сайёра бўлган халқни кўрдим,
Жунун водийсида оввора бўлган халқни кўрдим.*

Машрабнинг бу сатрларини бугун ҳам ўқисангиз, титраб кетасиз. Қаранг, қандай катта гаплар! Лекин «жунун водийси» дегани нима, дейди бизнинг ўқувчи...

Бу фақат китобхонларнинг айби эмас. Сизга маълум, шўролар даврида йиллар давомида бизни ёлғонга, саёзликка ўргатиб келишган. Йиллар давомида ўқувчимиз тор мушоҳада доирасига тушиб қолган. Бироқ мен ишонаманки, фикр, тафаккурга асосланилган асарларга ҳам ўқувчи, албатта етиб келади.

Баъзан мажлисларда, баъзан юзма-юз гаплашганда, орқаворотдан ҳам гоҳида асарларим ҳақида «эксперимент» деган гаплар айтилади. Бунга бирор-бир эътироз билдирганим йўқ. Аслида, эксперимент — аниқ фанларда бўлади. Тафаккурга тегишли, инсон қисматини акс эттирган адабиётга бунақа таъриф бериб бўлмайди. Қолаверса, менинг ёзганларимнинг нимаси янги экан? Келинг, Шекспирнинг «Ҳамлет» ва «Макбет» асарларини олайлик. Ҳамлет отасининг арвоҳи келишию амакиси билан муносабатларида фантастика, детектив, сеҳр, сир, реализм — ҳаммаси борку. Шуюм экспериментми, дегим келади. Ёки Гулливерни олинг. Яна ўзимизнинг қадимги насримизни, эртак, ривоятларни олинг. Уч бошли аждарлар, девор ёрилиб девми ёки парининг пайдо бўлиши... бунақа саҳналар жуда кўп. Умуман, Шарқ адабиётида ҳам фантастика, детектив, жаҳон адабиётига хос ҳамма

белгилар бор. Инкор этмайман, Фарбдан ҳам ўргана-ман, бироқ Шарқдан кўпроқ ўргандим.

Энди саволингизнинг иккинчи қисмига жавоб берсам. Мен асарларимни, ҳаттоки содалаштиришга ҳам уриндим. Мана қаранг, трилогиядан кейин «ФФУ»ни ёздим. Бу асарни ривоят қилиб, оддий шаклда ёзишга, лекин бу ерда ҳам каттароқ фикрларни олишга уриндим. Эзгулик билан Ёвузликни «яланғочроқ» ҳолда тўқнаш келтирдим. Эзгу ақл ҳам фожиа экан, Ёвуз ақл ундан баттар фожиа экан, учинчи йўл йўқ экан. Инсоннинг комил Инсон бўлиши йўлидаги бир жараёни қаламга олдим. Ундан кейинги «Аёллар мамлакати ва салтанати» романимни умуман енгил бир воқеавий шаклга қурдим. Асарга содда, публицистик нарсаларни ҳам қўшдимки, ўқувчи қийналмасин, деб. «Афлотун»ни — сўнгги романимни битта эртақ қолипига киритдим. Ўзимизда саҳрода кетаётиб, қудуққа тушиб, бир балоларга учраган қаҳрамонлар ҳақида бир нечта эртақлар бор. Мен мана шу эртақлар сюжетига озгина тартиб, шакл ва бадиий бўёқ бердим. Саҳро, қудуқ, яна саҳро, яна қудуқ, яъни Инсониятнинг босиб ўтган йўллари...

МУХБИР: — Бу янги романингизни ёзишга қандай туртки сабаб бўлди? Романнинг номи унинг фалсафий мазмунга қурилганидан далолат беради. «Афлотун»да нима демоқчи бўлгансиз?

О. МУХТОР: — «Афлотун» романимнинг ёзилиши тарихи жуда узоқ. Буни бошлаганимга ўттиз йилга яқин вақт бўлди. Бир пайтлар «Суронлар» деган роман ёзмоқчи бўлгандим. 200 бетча ёздим. Уни «Йиллар шамоли» билан бир пайтда бошлаганман, 70-йилларда. Асарда Бухорода инқилоб йилларидаги саргардонликларни кўрсатмоқчи эдим. Бироқ у пайтда буни ёзиб ҳам, чоп этиб ҳам бўлмасди. Бунинг устига, ҳеч кўлим бормади. Беш йилдан кейин қўлга олдим, ўн йилдан кейин қўлга олдим, бўлмади, ҳеч юришмади. Ишнинг юришмагани яхши бўлган экан, мен Фитратга қоронғуроқ баҳо берармидим, жадидларга баҳо аниқроқ бўлмасмиди, октябр тўнтаришларини улуғлармидим? Худога шукрки, иш юришмаганида ҳам бир маъно бўларкан! Хуллас, бу асарнинг тақдири шундай бошланган.

Ҳар кимнинг ёзиш жараёни ҳар хил, албатта. Янги бир асарни бошласам, менга бугунги бир туртки керак бўлади. Сўнгги йилларда инсон ва ижодкор сифа-

тида мен дуч келган машаққатларми, изтиробларми, асарни ёзишимга сабаб бўлди. «Афлотун» ўша Сукрот ва Афлотундан бошланган, Форобий давом эттирган фалсафанинг кечаги кунга келиб ўлимга юз тутгани ҳақидаги асар. Бундай бир қараганда, буни халқимизнинг мустақилликка етиб келиши ҳақидаги асар ҳам дейиш мумкин. Теранроқ қаралганда, унда Тафаккурнинг ўлими ва шунга бизнинг яна, маълум бир узилиш давридан сўнг, қайтиб келганимиз акс эттирилган. Ўтган асрдаги бир узилишдан сўнг, қайтиб келдик ва бугун ўша мўъжаз сандиқни, рамзий маънода, бағримизга босиб ўтирибмиз... Мен мана шу жараёни маълум бир шаклга солиб ёритишга ҳаракат қилдим.

МУХБИР: — Романларингиз мавзу кўлами кенг, бироқ ҳажман кичик. Ихчамликка интилиш муаллифга муайян қулайлик яратадими? Ёки «ёстикдай» романларнинг даври ўтдимикан?

О. МУХТОР: — «Ёстикдай» асарни ҳозир ўқувчи ўқимайди. Ўқиш даражаси ҳозир яна анча пасайди. Умуман олганда, асарни бу кичикроқ ҳажмда бўлсин, бу фалон бет бўлади, деб олдиндан айтиш қийин. Мана, масалан, «Минг бир қиёфа» романидаги ҳар бир ҳикоятни бошқа ёзувчи битта роман қиларди. Бу иш менга ян осон эди. 200 бетдан 600 бет, учта роман қилардим. Икки челақдан сув қўшсам, бўлди эди. Одатдагидай, баъзи жойлари мақталиб, баъзи ўринлари танқид қилиниб кетавериларди. Бироқ менинг мақсадим бу эмас эди. Мақсадим — ихчам ҳолда каттароқ бир гапларни ташлаш эди, иложи борича. Лутфий ҳақида бир алоҳида роман ёзиш мумкин эди. Ҳолбуки, Лутфийнинг тарихини 30 бетларга жойлаштирганман. Мен Лутфийнинг ҳаётию муҳаббат тарихини тиклаб бердим, бу ёзилмаган эди. Бу, албатта, менинг талқиним. Хуллас, гап ҳажмда эмас. Гап фикрни кўтарганича ишларда. Менинг олдимда уч қаторда айтиш мумкин бўлган нарсани нега уч бет қилиш керак, деган масала туради. Мен учун оҳанг муҳим. Ҳар бир асарнинг оҳанги, ўз йўналиши бўлиши керак. Ўша топилган оҳанг қандай етакласа, шундай ёзаман-да. Шу нарса асарнинг ҳажмини ҳам, якунини ҳам белгилаб беради.

МУХБИР: — Шу олтита романингизни муайян бир адабий-фалсафий концепцияга қурганмисиз? Уларни бирор-бир умумий ном билан аташ ёки туркум деб номлаш ҳақида ўйлаганмисиз?

О. МУХТОР: — Буюк Филини, мен умрим давомида биргина кинони суратга олдим, дейди. Бу дегани, унинг асарлари бир хил экан, дегани эмас. Услуб, қараш яқин, лекин ҳар бир асарнинг ўзига хос олами бўлади. Уч романимни трилогия, деб номлаганман. Кейингиларини — «ФФУ», «Аёллар мамлақати ва салтанати», «Афлотун»ни алоҳида-алоҳида нашр эттиряпман. Битта концепция трилогияда бор. Биринчи романдаги баъзи хом гаплар иккинчи «Кўзгу...» да очилиб боришини, эътибор қилган ўқувчи пайқашни мумкин. «Кўзгу...» ва «Минг бир қиёфа» да чала қолган масалалар «Тепалиқдаги хароба»да кенгайиб кетишини кузатиш мумкин. Кейинги романлар алоҳида-алоҳида романлар, бири енгилроқ ривоятга қурилган бўлса, бошқаси, масалан, «Афлотун» оғирроқ фикрга қурилган.

МУХБИР: — Қаҳрамонлар қайсидир маънода муаллифнинг феъл-атворини, дунёқарашини, кайфиятини акс эттиради. Гарчи сизнинг қаҳрамонларингиз кўп мушкул кечинмалар, фожиаларни бошдан кечиршса-да, асарларингиз яқини ёруғ талқин билан хотима топади. Шунга асосланиб, Сиз табиатан ҳаётсевар ижодкорсиз, дейиш мумкин. Муаллиф табиатидаги бу оптимизм ниманинг таъсирида уйғунлашган, деб ўйлайсиз? Ҳар қалай, болалигингиз уруш йилларида кечган, онгли бир фуқаро, тагин шоир, ёзувчи сифатида шўролар замонининг минг хил кирдикорларини кўриб-кечириб келгансиз.

О. МУХТОР: — Ижодимда, табиийки, ўзимда ҳам инсонга ишонч кучли. Гарчи қаҳрамонларим зулматлардан ўтиб келсаям, интиҳоси ёруғ. Мен табиатан унақа эзгин одам эмасман. Лекин, умуман олганда, инсон қисматининг ўзи фожа. Азалдан шундай. У осмондан ҳайдалган, ахир. Бир сониялик бахт учун бутун бир умрлар ўтиб кетади баъзан.

Энди ўзимнинг асарларимга келсак, тўғри айтдингиз, улар ҳаммаси ёрқин яқунланган. Ва бу мени тўла қониқтиради. Бу балки тарбиядандир... Мен туғилганимда Бухорода тўнтариш бўлганига атиги йигирма йил бўлган эди. Ҳали ўша эски давр одамлари, шарқона тарбия бор эди. Бир пойабзални қайси оёқдан кийиб, қайси оёқдан ечиш кераклигигача тарбия бериларди. Қаерда қандай салом бериш... Қироатхонликлар бор эди.

...Ким билади дейсиз, балки ана шундай муҳит, тарбия таъсиридан менинг асарларим якуни ёруғдир.

Аслида, асар ҳам бир таржимаи ҳолга ўхшайди. Ёзувчи ёзиб бораверади, қайси нуқтагача Худо берса! Шу кечаю кундузда ўйлаб юрибман: муҳаббатдан буюк нарса йўқлиги ҳақида бир нарса ёзмоқчиман.

Менинг қаҳрамонларим, агар эътибор берган бўлсангиз, Катта одамлар: Абдулла Ҳаким, Бурҳон Шариф, «Кўзгу»даги Валижонни олинг (унда бир валоят, валийлик бор-да), лекин у инсон сифатида қабиҳликларни кўриши керак-да. Ёки Мирза Ғолиб — тарихчи олим, катта даврни ўрганади. «ФФУ»даги Тоштемир ҳам кўпгина одамлардан балаң туради, гарчи ярим умри ёвузлик қилиб ўтган бўлсаям! Дунёнинг туб масаласини ўйлайди, қайта-қайта: «Мен нима учун яшаяпман, мақсад нима? Бу номаълум бир насибам ёки маъноси борми бунинг?» дея абадий жумбоқ устида бош қотиради. «Афлотун»даги Усмон! БУТУН одамлар.

Мен БУТУН ОДАМ бўлган жойда тушкунлик бўлмайди, деб ўйлайман. Инсоннинг кўрган-кечирган фожиаларини кўрқмай кўрсатавериш мумкин. Қаҳрамон бутун бўлса, асарнинг қора томонлари унутилади, энг муҳими, ўқувчи эргашиши, ибрат олиши керак.

МУХБИР: — Омон ака, ўқувчиларга ижод жараёнингиз ҳам қизиқарли. Сиз қай вақтлар ишлайсиз, иш тартибингиз қандай?

О. МУХТОР: — Менинг ишлаш шаклим ҳамма жиҳатдан бетартиб. Биринчидан, аниқ белгиланган иш соатим йўқ. Мен ҳам ҳаммага ўхшаб бир жойда ишлайман, кун бўйи ишда бўламан. Келиб, бир соат дам оламан, кейин туриб ишлайман. Ёки ухлаб, саҳар туриб ишлайман. Бу жиҳатдан бетартибман. Муҳими, кўнглимда ёзиш кайфияти туғилса, ҳорғинлик сезмасам, ишлайвераман. Ўтириб ёзишим учун менда бир кўтаринки, ёрқин руҳ бўлиши керак. Нимани ёзишимдан қатъи назар.

Ёзганда мен қийинчилик билан ёзаман. Баъзан шундай бўлади, бир қизиқарли нарсаларга дуч келсам, шуларни ёзиб қўяман. Менда жуда кўп дафтарлар, кўп ёзиб ташланган парчалар, боблар бўлади. Уларни қачон ишлатишимни ўзим ҳам билмайман. Кўпинча бирор янги нарса ёзаётганимда эсимга тушади-да, э, бунини мен ёзиб қўйгандим-ку, деб олиб, қайта кўриб чиқиб, ишлатаман. Шунинг учун баъзи романларим

тезроқ ёзилди. Ваҳоланки, роман жуда кўп вақт, кўп куч талаб қилади. Мен профессионализмни шундай тушунаманки, ёзувчи бир ўтиришда асар ёзиб ташла-маслиги керак! Сиёҳдон ҳақидаги ривоятни эшитган-сиз-ку. Бир ёзувчига сиёҳдон ҳақида ҳикоя ёзинг, де-ган экан, ўтириб ярим соатда ёзиб ташлабди. Э, ҳар ярим соатда ҳикоя ёзиб ташласангиз, зўр экансиз-ку, деса, ҳалиги ёзувчи, бу ҳикояни ёзишга менинг бутун умрим ва ярим соат кетди, деган экан. Асарда ёзувчи-нинг бутун умри акс этиши керак.

Шеърятда ҳам кўп ҳолларда шуни кузатаманки, бутун бир шеърда битта ажойиб сатр бўлади. Айни шу сатр топилган бўлади. Шоир ўша топилдиқ сатр-нинг ё остига ёки устига «пахса девор» уради. Мен, кел, шу шеърни ёки асарни тугатиб қўя қолай, деган тартиб билан ишлай олмайман. Бир сатрми, бир ман-зарами — руҳ туғилса, кайфият уйғун келса давом эт-тираман, аксинча, ўзимни мажбур қилиб ишлай ол-майман. Бундай пайтлар кўлёзма, қораламаларимни кўздан кечираман, китоб ўқийман.

МУХБИР: — Ёшлар орасида ижодингизга қизиқиш кучли. Улар романларингизни, унда сиз қўллаган шаклларни тушунишга уринишади... Ёш ҳамкасблар-ингизга қандай истак ва тилақларингиз бор?

О. МУХТОР: — Мен, биринчидан шуни айтмоқчи-манки, айримлар ўйлагандай, атайин шаклбозлик қил-ган эмасман, ундай ниятим ҳам йўқ. Мен онгли ра-вишда шакл қидиряпман. Нима учун? Ахир, инсон кўчага чиққанда, чиройлироқ кийиниб чиқади-ку! Шундай эмасми? Кийимини дидсиз, жулдуз қилиб берсангиз-да, бу асар гўзал деб тураверсангиз, бу ҳам бўлмайди. Шакллар, янги шакллар керак. Айниқса, бугунги кунда. Бугун дунё тафакқури бизга оқиб кел-япти ва бизнинг фикримиз ҳам дунёга чиқиб кетяпти. Менинг ёш ҳамкасбларим биздан каттароқ ишлар қилишга қодир. Фақат чинакам билим, журъат-жасо-рат керак. Меҳнатдан кўрқмаслик ҳиссини ўзида тар-биялаш керак. Биз юксак мезонлардаги тафаккур би-лан фикр юритишга мажбурмиз. Албатта, ўзимизнинг заминга оёғимизни мустаҳкам қўйган ҳолда.

(«Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасидан.

1998 йил 6 март.)

ТАШАККУР ТАБАРРУК ТУПРОҚҚА

(Шу кунги ҳикоялардан)

I

БАҲОР АЛБАТГА КЕЛАДИ.

Унга баҳор керак эди!

Ҳеч қачон баҳорга бунчалик интиқ бўлмаган.

Бу — ҳаёт ва мамот масаласи эди.

Табиблар унинг акасига баҳоргача яшаса, яшаб кетади, дейишган. Ака хотинига, хотин унинг синглисига, сингил аллабир жиянчага ушбу хабарни махфий етказган бўлса керакки, ушбу хабар қаёқдандир унинг ҳам қулоғига етиб келган! Кулгили ҳолат. Қариндошлар ўзларини ҳеч нарсани билмагандай тутишади! У ҳам ўзини шундай тутди! Ҳолбуки, баҳор келиши кераклиги ҳаммага аён. Ҳамма баҳорга қараб туришибди!

У ёшлиқдан баҳорни яхши кўрар эди.

Узун қиш тунлари кўрпага бурканиб ётиб, баҳорни соғинарди. Ўша йиллари қорнинг ўзи ҳам кўрпа бўлиб тўшаларди... Энди иқлим ўзгарди. Қишнинг ўртасида ҳам офтоб чарақлаб тураверади. Безрайиб! Бу қайси фасл — баъзан билмайсан. Нима қилганда ҳам, осмон мовий тортиб, атроф-борлиқ кўм-кўк либос киймагунича, баҳор келди, деб бўлмайди. Ҳароратнинг ўзи — баҳор эмас экан! Шу об-ҳавода ҳам, у баҳорни соғинаётганини сезади.

Хонада кўпинча ёлғиз қолиб, аравагани филдиратади — эшик билан дераза орасида қатнайди. Ҳар гал деразага яқинлашганида, баҳор келмадимикан, дегандек ташқарига тикилади. Кейин, овоз чиқармай, ҳатто лабини ҳам қимирлатмай — ичида эски бир қўшиқларни ўқийдими ёки куйлайдими?! Тил ўзгариб кетган, бу қўшиқларга биров тушунмаслиги мумкин. Лекин у тушунади. Таъсирланади:

Яғмур (ёмғир) ёғиб-сачилди,

Турлук чачак сучулди (тирилди).

Инжу қоби (қопи) очилди,

Чиндан ийпор (ифор) юғрушур (таралади)...

Ой кўпуб (кўриниб), авлануб (айланиб),
Оқ булут (булут) урлануб (кўкда сузиб).
Бир-бир уза (узра) уклануб (юкланиб),
Сочилиб суви, инграшур (ҳайқиради)...

Қизил-сариг арқашиб (жонланиб),
Ябкин яшил (ўт-ўланлар) юзкашиб (юз кўрсатиб).
Бир-бир кару иркашиб (ҳар бири ўз тилида сўйлаб),
Ялингук (ер аҳли) ани танглашур (тинглайди)...

У халқ бу кўшиқларни неча минг йил бурун тўқиганини билади. Эслайди! Кўзлари ёшланади. Демак, доим халқ баҳорни соғинган, баҳорни кутган экан! Баҳор — умидлар умиди экан-да!

«Эй Худо! — дейди у гоҳ очик, гоҳ булутли осмонга қараб. — Дунёдаги барча мажруҳлар, хасталар, беморларга Ўзинг шифо бер! Улар қатори менга ҳам соғлиқ бер. Умр бер! Эй Худо! Дунёдаги барча нота-вонлар, ночорларни баҳор кунларига етказ! Улар қатори менга ҳам баҳор кунларига етишни насиб айла!»

Энди унинг аҳволи оғир эди.
Ҳар куни бир ўлиб-тирилади.
Ана, аравагани ҳам чанг босди.
Тўшакка қапишиб қолди.

«Ўлди! Ўлди!» — деган нидолар баъзан олис-олисдан эшитилади гўё. Унга аксар, кимдир икки оёғидан уни жарга қараб тортаётгандек туюлади.

Ниҳоят, бир куни ўзини буткул «унутди».
Қанча ётди?! Қандай ётибди?! — Худо билади.

Туш кўрдик, сайлгоҳда юрган эмиш. Тумонат одам. Ҳамма мамнун. Ҳамма хурсанд... Шу пайт хумдан чиққан девдек баҳайбат бир нарса оломон устига бостириб кела бошлади.

У оёғи остида катта бир тошни кўрди. Даст кўтариб, девга отди. Шунинг баробарида, бақириб юборди. Сесканиб уйфонди.

Жиққа терга ботган эди.
Ажабланди. Баданидаги тер қуришини кутди.
Кейин, секин ўрнидан турди.

Бир-бир босиб, ҳол-беҳол дераза олдига борди.
Осмон мовий тортган эди.
Атроф-борлиқ кўм-кўк эди...

2

УЧҚУНДАН АСРАГИН, ХУДОЙИМ

Ҳамоҳим жу-да эзма чиқиб қолди. Керак-нокерак ҳар нарсани сўрайверади.

Бошдан, йўлга тушганимдаёқ, у ёнимда қомат тиклаган, салом-алик ҳам қилмай, мени дарҳол саволга тутган эди:

— Шошиб қаёққа кетяпсиз, биродар?

Ҳув мендан узоқда, рўпарада — оқ бир бино. Унга қора-қура уйлар туташиб кетган. Орқа томонда қизғиш иморат ҳам юксалиб турибди.

— Қишлоққа.

— Ўз қишлоғингизгами?

Мен бўлган-бор аҳволни бу ҳамроҳимга қандай тушунтираман?!

Самарқанд томонда — онамнинг қишлоғи.

Бухорода — отамнинг қишлоғи.

Булардан ташқари, болаликда кўрган, билган — Мунаввара опамнинг қишлоғи.

Кейин, болаликдаги ўзим учратган қишлоқ,

Лекин

на Пайшанба,

на Жондор,

на Кобдун

на Ҳазрат Баҳоуддин макон тутган

ҚИШЛОҚНИ

мен ЎЗИМНИКИ, дея оламан.

Булар МЕНИКИ эмас!

Менга фақат болалик кунлари Нақшбанд (Балогардон) мақбаралари олди-да, масжид қаршисида жойлашган кичик бир ҳовлида маълум муддат яшаш насиб этган. Кобдунга ҳамон бориб тураман. Жондорга ҳам баъзан. Аҳён-аҳён. Пайшанбага эса йўлим тушмаган. Самарқандни айланганимда, яқинидан ўтганман, холос. Негадир шундай бўлган.

Йиллар давомида юртимдаги барча қишлоқларни ЎЗИМНИКИ, деб келдим. Улар — меники. Лекин ме-

нинг аниқ ҲЗ ҚИШЛОҒИМ йўқ! (Бутун юрт меники бўлгач, балки, бу шарт ҳам эмас.)

— Бегона жой, — дедим ўйланиб, ҳамроҳимга.

— Демак, меҳмонга.

Эй-й... Қишлоққа нега келаётганимни ҳам унга тунтиришим керак! Ё мезбон, ё меҳмон деган гапдан бўлак нарсага фаҳми етмаётган ҳамроҳимга бутун дардимни дoston қиламанми?! Кўп гап — эшакка юк.

— Иш билан!

Умуман... топган ҳамроҳим қизиқ экан.

Бошини кўтариб, бир офтобга, бурилиб, бир менга тикилади.

Ўтирсам, ўтиради. Турсам, туради. Эргашади. Менинг тинчимни ўғирлаб, йўл бўйи алаамбалоларни суриштиради.

Бундан уч-тўрт кун бурун кўчада эдим, ёнимдан ўт ўчириш машинаси чинқириб ўтиб кетди. Сал юрганамдан кейин, ёниб ётган уйга кўзим тушди. Кимдир йўл устидаги хазонни ёққан, шамолда кўтарилган учкун очиқ деразадан уйга кўчиб, ёнғин рўй берган экан... Шу куни «Учқундан аланга чиқади!» деган бир гапни эсладим ва у хаёлимга ўрнашди-қолди. Аслида, бу гап ёшлиқданоқ хаёлимда эди; биз ўша пайтдан гўёки оташпарастга айлана бошлаган эдик. (Гулхан, аланга бизнинг қонимизда ҳавас уйғотарди! Қаерлардадир, нималардир ёниши биз учун заруратдек, бизнинг бахтимиз нишонасидек эди! Бизга, ажабки, учкун — умид бўлиб туюлар эди!) «Учқундан аланга чиқади!» — мен бу гапни сўнгги йилларда шунчаки, унута бошлаган эдим. Мана, энди менга у қайтиб чиппа ёпишиб олганди! Қаердадир шундай бир ёзувни ҳам кўрган эдим; қаерда эди, деб эслашга уриндим. Менга таниш бир қишлоқдами, нотаниш қишлоқдами?!

Ахийри, шаҳар этагидаги қишлоқ, оқ бир бино кўз ўнгимда жонланди. Ана, бугун мен шу қишлоққа қараб бормоқда эдим. У ерда ҳозир ҳам у ёзув турибдими-йўқми?! — билмагунимча кўнглим таскин топмайдигандек эди. Мен буни аниқлашим шарт. Чунки шу кунлар «Илойим, тинчлик бўлсин, бирон ерда яна ўт чиқмасин, илойим», деб юрак ҳовучлаб юрган пайтим эди!

Йўлда кетаётиб, менга савол бериб чарчаган ҳамроҳим:

— Учқундан аланга чиқади! — деб пичирлади.

Мен аҳамият бермадим.
У алам ва бироз дағдаға билан:
— Учқундан аланга чиқади! — деди.
Мен бу гал ҳам индамадим.
Ёнаётган уй — бировларнинг уйи куйгани хаёлим-
ни банд этган эди.
Қишлоққа етганда пайқадим:
хайрият, оқ бино деворидаги ёзув олиб ташланган
экан!
Қизғиш иморат — масжид эди.
Шу томон йўнаддим.
Масжид айвонига кўтарилаётганимда, ҳамроҳим
мендан узилиб қолди!
Ичкари кирдим. Чўқдим.
Девордан олиб ташланган ёзув — менинг хаёлимда
ҳам
БЎДМАСЛИГИ керак...

(«Халқ сўзи» ва «Меҳригиё» газеталаридан.
1999, 2000 йиллар.)

МУНДАРИЖА

Эркин Самандар. Зако ва куфр	3
Минг бир қиёфа	9
Кўзгу олдидаги одам	163
Тепалиқдаги хароба	299
Ҳар кимнинг ўз замин, ўз осмони бор. (Сужбат)	415
Ташаккур табаррук тупроқда. (Шу кунги ҳикоялардан)	425

ОМОН МУХТОР

ТҶҲРТ ТОМОН ҚИБЛА

Уч романдан иборат Шарқ гафтари

(Т р и л о г и я)

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни
Бош таҳририяти
Тошкент — 2000

Муҳаррир Азимбой Бобониёзов
Рассом Юлай Габзалилов
Бадий муҳаррир Феруза Башарова
Техник муҳаррир Лина Хинова
Саҳифаловчи Татьяна Огай
Мусаҳҳиҳ Юлгуз Бизатова